



**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

**ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШ ЙИЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ШАХС
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ
СОВРЕМЕННОЙ ЛИЧНОСТИ В ГОДЫ УСТОЙЧИВОГО
СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА**

**PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF A
MODERN PERSONALITY IN THE YEARS OF SUSTAINABLE
SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF SOCIETY**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

«Психологические особенности развития современной личности в годы устойчивого социально-экономического развития общества»

“Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йилларида замонавий шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШ ЙИЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ШАХС
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ
ЛИЧНОСТИ В ГОДЫ УСТОЙЧИВОГО СОЦИАЛЬНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА*

*PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF A MODERN
PERSONALITY IN THE YEARS OF SUSTAINABLE SOCIO-ECONOMIC
DEVELOPMENT OF SOCIETY*

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

Психология фанлари доктори, профессор
Мухаммад Габдулгалимович Давлатшин
таваллудининг 98 йиллигига
ҳамда 22 ноябрь Халқаро психологлар кунига бағишланади.

ТОШКЕНТ-2021

“Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йилларида замонавий шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари” мавзусида халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент: “АКТИВ PRINT” нашриёти, 2021., 526 б.

Маъсул муҳаррир:

Психология фанлари доктори, профессор З.Т.Нишанова

Таҳрир ҳайъати:

Психология фанлари доктори, профессор Б.М.Умаров

Психология фанлари доктори, профессор в.б. Н.Ғ.Камилова

Психология фанлари номзоди, доцент С.Х.Жалилова

Психология фанлари номзоди, доцент Ш.Т.Халикова

Психология фанлари PhD, доцент в.б. М.М.Бафаев

Психология фанлари PhD, доцент в.б. Д.У.Абдуллаева

Психология фанлари PhD, доцент в.б. Н.З.Исмоилова

Психология фанлари PhD, доцент в.б. Н.Б.Атабаева

Психология фанлари номзоди, доцент Н.Ш. Умарова

Ўқитувчи А.Н.Қурбонбоев

Саҳифаловчи: ўқитувчи У.Р.Алимова

Тўпламда келтирилган мақолаларнинг мазмуни ва келтирилган статистик маълумотларга муаллифлар масъул.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2021 йил 6 ноябрда бўлиб ўтган кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

«Психологические особенности развития современной личности в годы устойчивого социально-экономического развития общества»

“Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йилларида замонавий шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари”



*Давлатшин Муҳаммад Габдулгалимович,
Психология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
(11.11.1923 – 24.01.2011)*

М.Г. ДАВЛЕТШИН ОБРАЗЕЦ ДЛЯ УЧЕНЫХ

Шоумаров Г.Б. – доктор психологических наук, профессор, Советник министерства Народного образования Республики Узбекистан

Все мы плоды своих предков в том числе и Мухаммед Габдулгалимович Давлетшин. Фамилия Давлетшин из тюркского языка означает «чистое богатство», «истинная ценность».

Это свидетельствует о том, что он из рода знатных, богатых не только и не столько материально, сколько генетически из рода духовно и интеллектуально богатых людей. Это же подтверждается образованием и статусом его отца, и матери.

Мухаммад (имя пророка) Габдулгалимович достойный продолжатель своего рода, прекрасно презентовал генетические корни и весьма продуктивно прожил свою жизнь.

Как личность он не утверждался материальными ценностями а наоборот, утверждался он жаждой к знаниям, интеллектуальным духовным, профессиональным и научным ростом.

Он всю жизнь прожил в скромной квартире где двери его дома благодаря личностным качествам его супруги Мафтуха «опы» всегда были гостеприимно открыты для его коллег и сотрудников, учеников и последователей.

С молодых лет проявились его организаторские качества, благодаря которым он возглавлял комсомол (молодежную организацию) в Республике и в последующем занимал ряд руководящих постов.

Человек небольшого роста ставил перед собой весьма высокие планы и достиг больших высот как в науке, так и в карьере.

Личность с небольшим физическим весом имел очень большой вес в обществе особенно в научном мире. Его хорошо знали и уважали во всех 15 Республиках (ныне СНГ) бывшего Союза. Людям после ухода из жизни стараются выделить большие метражи (иногда до шести соток площади) на местах упокоения, ставить дорогие надгробные камни, плиты и делать красивые записи. Это знак уважения, почитания и чувства долга близких.

Совершенно адекватно воспринимая это, следует отметить, что Мухаммед Габдулгалимович не нуждается в этом, поскольку его имя, фамилия и память о нем как личности ученого, руководителя, психолога, лектора, учителя навечно запечатаны в душах и памяти его учеников, сотрудников, студентов, руководящих работников министерств и ведомств.

Человек имеющий с рождения склонности к точным наукам посвятил свою жизнь науке о человеке, психике, психологии-гуманитарной науке.

Большинство людей имеют одну Родину, он же имел три Родины: этническую Родину - Башкирию, Советский Союз и Узбекистан. При этом

основной Родиной считал Узбекистан, где прошло становление его личности, выбор профессии, его профессиональная научная и административная деятельность.

Его лекции могли служить мастер классами, методическим, дидактическим образцом для молодых преподавателей.

Все собрания, которые он проводил не превышали 40 минут и проходили весьма конструктивно.

Он и в жизни, науке, руководительской и профессиональной деятельности всегда был собран, аккуратен, лаконичен, точен, политически грамотен, логичен и мудр. Этого же он требовал от окружающих. Он оставил глубокий продуктивный научный след в психологической науке. Память о нем и есть материал для подражания молодым ученым.

Он не создал научную школу, но ему удалось вырастить плеяду молодых перспективных психологов, кандидатов и докторов наук, которые делают то, что при его положении (на протяжении 19 лет единственный доктор психологических наук в Узбекистане) невозможно было сделать.

Он один тянул большой научный груз психологии в Узбекистане.

К тому же он внес определенный вклад в подготовку научно-педагогических кадров высшей квалификации для Таджикистана и Киргизстана.

Его ученики на сегодняшний день успешно продолжают свою научную, педагогическую и административную деятельность и за пределами Узбекистана (Россия, Германия, Татарстан, Башкортостан, Таджикистан, Киргизстан).

Жизнь и деятельность М.Давлетшина могут служить образцом для молодых независимо от избранных ими профессий.

М.Г.ДАВЛЕТШИН БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛИҚ ХОТИРАЛАР...

Нишанова З.Т.- ТДПУ профессори, психология фанлари доктори

Хотира фикр, мулоҳаза, мушоҳада ёлғиз шу туйғулар ўтмишни ортга қайтара олади. Шунда биз хотира орқали англай бошлаймиз. Хотирлашга арзигулик воқеалар, жозибали тавсилотларга бой одамлар руҳан ва қалбан комил инсонлар бўлади. Профессор М.Г.Давлетшин ана шундай руҳий олам қувватига эга бўлган, узоқ келажакни кўра билган, ўтмишни хотирлаб, яхши ниятлар айтишга арзигулик забардаст олимлардан эди.

1991-1993 йилларда мақсадли аспирантурада таҳсил олдим. Ўша пайтларда профессор М.Г.Давлетшиндан илмий мавзу олиш ниятим бор эди. Лекин уларнинг шогирдлари кўп бўлганлиги туфайли кафедрадаги иқтидорли ёш фан номзодларидан бири бўлган Файруза Салихжановна Исмагиловани менга илмий раҳбар этиб бириктирдилар. Улардан илмий иш сир-асрорларини ўргандим. Кунларнинг бирида улар ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида “Ўсмирларнинг

психологик хусусиятлари” ҳақида маъруза ўқидилар. Мени ҳам маърузаларига таклиф этган эдилар. Раҳбаримнинг маърузалари шунчалар жонли чиқдики, маъруза сўнггида ҳамма ўтирганлар чапак чалишди. Мен эса уларга жуда-жуда ҳавас қилдим. Илмий раҳбарим мен ҳимоя қилишдан олдин Екатеринбург шаҳрига кўчиб кетганлари учун илмий ишимда илмий маслаҳатчи М.Г.Давлетшин бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин ўзларининг умр дафтарларини шох сатрлар билан безай олган буюк инсон. У Ватанимиздаги психология фанининг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини кўшган олимдир. Домланинг бевосита раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 50 нафар фан номзодлари етишиб чиқди. М.Г.Давлетшинни МДХда танимайдиган психолог йўқ, унинг шогирдлари республикамиздаги барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатишмоқда.

М.Г.Давлетшин Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, 1991 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошида психология фанлари номзоди илмий даражасини берадиган Ихтисослашган Кенгаш очилишини асослаб берган ва 1991-1999 йиллар давомида шу кенгашни бошқарган. Шунини таъкидлаш жоизки, мустақилликдан олдин фан номзоди илмий даражасини олиш учун Москва, Ленинград, Киев каби шаҳарларга бориб, диссертациялар (рус тилида) ёқланар эди. Биринчи ўзбек аёл психологлари орасида фан доктори илмий даражасига сазовар бўлган Василя Маманосировна Каримованинг докторлик диссертацияси ҳимоясини бир мартабалик Кенгашда муҳокама қилинишида ҳам М.Г.Давлетшиннинг ҳиссаси катта. Шу билан бирга М.Г.Давлетшин 1996-1999 йилларда Ўзбекистон психологлар ассоциациясининг биринчи раиси ҳам бўлган.

Профессор М.Г.Давлетшин томонидан психология фанининг турли масалалари бўйича 250га яқин илмий иш чоп этилган. Устоз томонидан қолдирилган энг йирик монография ва ўқув қўлланмалар сирасига “Қобилиятлар диагностикаси” (1979), “Ёш ва педагогик психология” (1974), “Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси” (1999), “Умумий психология” (2001), “Ёш ва педагогик психология” (2004) ва бошқаларни киритиш мумкин. У республикада ўтказилган барча илмий анжуманлар материалларининг ва илмий тўпламларнинг масъул муҳаррири бўлган.

Ёш авлодни тарбиялаш, олий педагогик таълимни ривожлантириш, илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш соҳасида олиб борган хизматлари учун М.Г.Давлетшин ҳукуматимиз томонидан бир неча орден, медал, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. “Умумий психология” кафедрасида Ўзбекистон психология фанининг отаси Мухаммед Галимович Давлетшиндан илмий педагогик фаолият сир асрорларини ўргандик. Улар меҳридарё, бағри кенг, барчага индивидуал ёндашувни амалга оширадиган ажойиб инсон эдилар, улар ҳаётларининг сўнгги

кунларигача педагогика университетда фаолият юритган. 87 баҳорни ҳам университетда қаршилаган олимга кўп ҳавас қилганмиз. Шундай қилиб, М.Г.Давлетшиндан кўп нарсаларни ўргандик, уларга ҳавас қилдик. Устоз менинг ҳаётимда муҳим роль ўйнаган шахслардан бири. Агар М.Давлетшин мендаги қобилятни ҳис қилиб, қайта-қайта докторантурага топшириш таклифини бермаганларида, мен фан доктори бўлармидим-йўқми, билмадим. Докторантурада ўқиб юрган кезларимизда ҳар олти ойда ҳисобот топширамыз. Иккинчи курснинг охирида ҳисобот топширганимда домланинг гаплари ҳозиргача эсимда сақланиб қолган.

–Диссертациянинг уч бобини ёзиб тугатдим, ўн беш нафар мақолам чоп этилди, ҳозирда тўртинчи боб устида ишламоқдаман, – дея ҳисоботимни яқунладим мен. Давлетшин менга савол бердилар:

- Ишингизни қачон тугатиб, столга қўясиз? Мен эса, уларга
- жавобан:
- Худо хоҳласа,– дея жавоб бердим. Улар менга:
- Худо хоҳлаяпти, сиз хоҳламаяпсиз,– дедилар.

Домланинг илмий иш бўйича берган ҳар бир маслаҳати, ўгити, фикрлари бизларни фан чўққиларини забт этишга ундайдиган мотив эди.

Мудирликдан бўшаганимдан бери кафедрада илмий ишларга маъсулман. Яқинда ҳам ҳисобот сўралганда, ўзимнинг йиллик ҳисоботимни тезгина қилиб, кафедра гуруҳига ташлаб қўйдим ва домла Давлетшин ҳам ўзларининг нашр ишларини ёзиб, ҳисоботларини намуна сифатида кафедрага илиб қўярдилар, деб уларни эсладик. Ҳозирда улардан ўрганган билим, кўникма ва малакаларни ёш ўқитувчиларга ўргатиб, домла Давлетшин шундай қилар эдилар, деб кўпинча улар билан ишлаганимдан фахрланиб қўяман ва уларни намуна сифатида кўрсатаман. Устозимизнинг жойлари жаннатда бўлсин!

**МУҲАММАД ДАВЛЕТШИН:
КАМТАРЛИК ОРТИДАГИ УЛУҒВОРЛИК
(ШОГИРД ХОТИРАСИГА МУҲРЛАНГАН ДИАЛОГ)
Эргашев П.С. -Ал-Беруний Халқаро мактаби бош психологи,
психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси халқ
таълими аълочиси**

2010 йил сентябрь. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамма қатори “Умумий психология” кафедраси янги ўқув йилига тайёргарлик кўраяпти. Профессор М.Г.Давлетшин ўзларининг 87 ёшларини қаршилаш арафасида ҳам кафедра ишида фаол иштирок этиб келаяптилар – аспирант ва тадқиқотчиларга раҳбарлик қилаяптилар, ҳар икки чоршанба барча биз

каби ёш ходимларга ўрнатилган бўлгудек даражада интизом ва пунктуаллик билан кафедра йиғилишларида қатнашаётганлар, илмий ишлар муҳокамаларида раислик қилаётганлар... Шундай бир даврда шифокорлар Устозда даъвоси йўқ касалликни аниқладилар... Бундай вақтда кўпчилик одамлар нима ҳақида ўйлар экан, билмадим-у, Муҳаммад Давлетшин нима тўғрисида қайғурганларини биламан...

Демак, 2010 йил сентябрь. Янги ўқув йилига иш ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни бошлаб юборилган. Устоз расмий ҳисобда 48 чи диссертант шогирдлари бўлмиш Пўлат Эргашевдан тезда уйга етиб келишни илтимос қиладилар. Собиқ аспирант ва Устоз ўғитлари билан яқиндагина фан номзодига айланган қаҳрамонимиз ўзи бирор баҳона бўлса-ю, уларни йўқлаб, Мафтуҳа аянинг ҳам би-и-р суҳбатларини олиб келсам, деб турганида бундай ажойиб таклифга лаббай деганча, табиийки дарҳол етиб боради. Анъанавий меҳмондорчиликдан аввал Устоз ва шогирд ўртасида қуйидагича диалог рўй беради (11 йил аввалги воқеаларни имкон қадар тўғри тиклашга ҳаракат қиламиз):

Устоз: “Менинг номимдан ариза ёзиш керак”.

Шогирд: “Қандай ариза?”.

Устоз: “ТДПУ ректори ... га мени ўз хоҳишим билан 0,5 штат бирлигидан 0,25 штатга ўтказишингизни сўрайман, деган мазмунда”.

Шогирд: “И-э, Устоз бу нима деганингиз, ректор хабарлари борми?”

Устоз: “Ёзсак, мана энди хабари бўлади-да”.

Шогирд: “Ҳа, йўғ-е ким ўз хоҳиши билан даромадининг ярмидан воз кечади?”.

Устоз (истеҳзоли табассум билан): “Мен-да, ўша”.

Шогирд (хайратини яшира олмай): “Нимага ахир?”.

Устоз: “Тобим қочиброқ турибди, аввалгидай ишлай олмаяпман”

Шогирд: “Хўш, нима бўлибди? Эрта-индин яна бир шогирдингиз ҳимояга чиқаётган бўлса, ҳамма конференцияларга ўзингиз бош муҳаррир бўлсангиз, булар ҳазилакам иш эмас-ку!”.

Устоз: “Ёзаверсангчи, мен аввалгидай ҳажмда ишлай олмай, қандай қилиб аввалгидай иш ҳақи олишим мумкин? Бундай қилиш тўғри бўлмайди!”.

Шогирд: “Ҳей, Устозим-а, Сизга кимдир кам ишляпсиз, нега кўп ҳақ оласиз, дейдими? Бу ақлга сиғмайди-ку. Сиз бу кафедранинг тамал тошини қўйганлардансиз, уни 33 йил бошқариб келгансиз, ҳозир кафедрада ишлаётган ходим борки, кўмагингиз билан улғайган ёки болангиз, ёки набирангиз-ку”.

Устоз: “Айтганимни қилгин, мана қоғоз-ручка, қўлим начора бунақа бўлмаганда ўзим аллақачон ёзиб қўйган бўлардим. Бўлақол, ректор номига аризамни ёзиб бер”.

Шогирд: “Вой, Устоз-ей, шу шартмикан, нафақа пулингизга қўшимча бўлиб турганди дейман-да...”.

Устоз: “Меҳнатимдан ортиғи керакмас, бошқалар олдида нима деган одам бўламан”.

Шогирд: “Қизик гапларни айтасиз-да, кимсан ректорнинг ўзлари ҳам Сизнинг шогирдингиз бўлса, бир оғиз айтиб қўйсалар масала ҳал бўлади-ку”.

Устоз: “Хўш, нима бўлибди, мени деб ҳатто ректор бўлса ҳам тартибни бузмаслиги керак. Мен унга шунақа тартиббузарликни ўргатмаганман-ку. Мен бошқача йўл тута олмайман...”.

Шу ерда шогирд ортиқча баҳслашиш бефойда эканини тушуниб, Устоз номидан аризани ёзади. Орадан 5 ой ўтиб, Устоз Муҳаммад Давлетшин оғир хасталик сабаб бу фоний дунёни тарк этадилар. Шогирд эса Устозидан ҳар қандай миллату давлатни ичидан емириб юборадиган ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчиликдан баланд туриш қандай бўлишини уқиб олган бўлади.

Чинакам Устозлар шундай бўладилар. Улар чинакам таълим берадилар. Улар шунчаки кун кўриш учун эмас, балки ҳаёт қуриш учун керакли таълимни берадилар. Улар аслида таълим ҳам эмас, кўпроқ таълимот берадилар. Самимий муносабат, касбга садоқат, изланиш ва интилувчанликка қурилган ҳаёт таълимотини берадилар...

2010 йил сентябрь ойининг қайси бир кунида Устоз Муҳаммад Давлетшинга собиқ аспирант ва бир умр миннатдор шогирд Пўлат Эргашев бир вараққина ариза ёзиб беради. Эвазига эса бебаҳо ҳаёт сабоғини олади – ҳақиқий улуғворлик камтарлик ортига яширинган бўлади!

I СЕКЦИЯ
**ОБЩЕПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ
СОВРЕМЕННОЙ ЛИЧНОСТИ В ГОДЫ УСТОЙЧИВОГО
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА**

**КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ КЎТАРИШ – ИЛМИЙ МУАММО
СИФАТИДА**

Қодиров Б.Р. - М.В.Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкент шаҳридаги филиали, Психология кафедраси профессори, психология фанлари доктори.

Аннотация. Статья посвящена созданию методологии и технологии отбора молодежи с высоким интеллектуальным потенциалом, стремящейся к познанию, и верующих среди студентов и молодых специалистов.

Annotation. The article is devoted to the creation of a methodology and technology for the selection of young people with high intellectual potential, striving for knowledge, and believers among students and young professionals.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболий тараққиёти биринчи навбатда, унинг ер ости ва ер усти бойликлари билан эмас, балким, кенг дунёқарашли, зукко, интеллектуал потенциали юқори даражада ривожланган, ўз касбий соҳасининг билимдони, моҳир устаси бўлган кадрлари билан белгиланади. Кадрлар салоҳияти, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан алоҳида ақлий имкониятларга эга бўлган ёшларни махсус тестлар ёрдамида саралаш, танлаб олиш ва уларни йўналтирилган, бойитилган муҳитда илғор билимларга ўргатишга боғлиқ. Айнан зукко, ўта зеҳнли, кучли интеллектуал потенциалга эга бўлган ёшлар билимларни тез ва енгил ўргана оладилар, кенг дунёқараш ва бой маънавиятга эга бўла оладилар.

Шу муносабат билан ушбу мақола айнан интеллектуал куввати баланд, билим ўрганишга ҳаваси бор ва эътиқодли ёшларни талабалар ва ёш мутахассислар орасидан саралаб олиш методикаси ва танлов технологиясини яратишга бағишланган.

Ўзбекистон психологиясида 1990-97 йиллар давомида 12 ёшдан 20 ёшгача бўлган, асосан, умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг ақлий заковат савиясини аниқлаб берадиган профессионал психологик зеҳн тестлари яратилди ва ўтган ўн йил давомида тахминан 100000 гача ўқувчи-ёшлар бу тестлардан ўтказилиб, 3000 га яқин ўта зеҳнли ўқувчилар ажратиб олинди ва лицей, олий ўқув юртларига тавсия этилдилар. Ушбу методик мажмуа етти йил давомида интеллектуал тестларга қўйиладиган барча илмий талабларга тўла жавоб берадиган ҳолга келтирилди: ҳар бир ёш ва жинс учун ўзбек миллатига мансуб юқори синф ўқувчиларининг стандарт ақлий заковат нормалари олинди; Жавоб варақаларини

автоматик равишда ўқийдиган ва ҳар бир текширилувчининг жинси, ёши ва минтақавий келиб чиқишига қараб ақлий заковат савиясини халқаро бирлик - (IQ-ай кью) интеллектуал коэффициентда аниқлаб берадиган компьютер дастур яратилди; йилида 15-20 минг болани психологик тест кўригидан ўткази олиш имкониятини берадиган икки босқичли танлов технологияси таклиф этилди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Лекин бу методика ва танлов технологияси умумий ўрта мактаб ўқувчи-ёшларига мўлжалланганлиги учун ва энг муҳими, катта ёшли кишилар учун стандарт нормалар йўқлиги сабабли – талабалар ва ёш мутахассисларда ишлатилиши тавсия этилмайди. Демак, талабалар ва ёш мутахассислар савияси, билимлар кўлами, ҳаёт тарзига мос келадиган методикалар ва танловнинг янги технологик жараёни яратилиши - давр талабидир. Чунки, айнан шу методикалар ёрдамида (улар миллий муҳитга мослаштирилган ва стандартлаштирилган бўлганликлари учун) ёшларнинг ақлий имкониятлари, ижодий салоҳиятлари доирасида уларни ўзаро қиёслаш ва энг юқори кўрсаткичларга эга бўлганларини саралаб олиш имкониятига эга бўлинади.

Танлаб олинганларга эса, яна уларнинг ҳар томонлама шахс хусусиятлари ўрганилгач, лаёқат ва қобилиятлари, ҳавас ва эътиқодларига қараб ҳаётнинг кейинги босқичларига психологик ва касбий маслаҳат бериш шароити очилади. Истиқболли, ўта зеҳнли, ҳавас-эътиқодлари ривожланишга қаратилган ёшлар махсус «Истеъдод» захира банкига рўйхатга олиндилар ва бир неча йиллар давомида уларнинг ақлий ва касбий ривожланишлари кузатиб борилади, тегишли педагогик, психологик, юридик, керак бўлса моддий-маънавий ёрдам уюштирилади.

Республиканинг ёш кадрлари кўлами ва уларнинг салоҳиятини кўрсатадиган «Истеъдод» банки ҳар бир давлат президенти орзу қиладиган, жуда катта, истиқболли аҳамиятга эга бўлган илмий-ижтимоий янгиликдир.

Бунга эришиш учун биринчи навбатда психологик зеҳн тестларининг янги авлодини яратиш керак бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир оммавий ишлатишга мўлжалланган психологик методикани классик талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш, мослаштириб, ҳар бир жинс ва ёш даврлари учун статистик нормалар олиш учун 30000 дан 70000 гача маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Бу борада ишлаб чиқиладиган янги методикалар ёрдамида тажрибавий маълумотлар олиниши жараёнида ёш ва жинс нормалари тобора такомиллаштирилиб борилаверилади. Шу муносабат билан ҳаётга жорий этиладиган зеҳн тестлари мажмуаси ҳамда шахс тестлари илмий-статистик жиҳатдан талабларга жавоб бериши учун камида уч йиллик илмий-тадқиқий тажрибалар интенсив равишда бажарилиши режалаштирилмоғи керак.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўз тараққиётларини айнан таълимдаги кескин бурилиш ва истеъдодли ўқувчи-ёшларга бўлган эътибордан бошлаганларинини яширмайдилар. Истеъдодли, ақл-заковати асрларга татигулик ёшларни моддий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш яқин келажакда катта иқтисодий ва маданий ривожланишга олиб келишини улар яхши англаганлар. Ва, аксинча, бу соҳада қилинган иқтисод жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан кескин орқада қолишга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли давлат миқёсида истеъдод муаммоси нафақат синчиклаб ўрганилган миллатнинг интеллектуал салоҳиятини очиш, балки, биринчи навбатда тараққий этаётган Республика халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, зарур бўлган юқори малакали кадрлар захирисини, унинг интеллектуал потенциалининг таркибини илмий-амалий жиҳатдан юзага чиқариш ва ундан оқилона, жамият тарққиёти йўлида унумли фойдаланишдир.

Зехнли, ақл-заковатли ёшларни саралаб олиб, лаёқат йўналишларига қараб йўналтириш, барвақт мутахассислаштириш □ инсон омилидан ишлаб-чиқаришда унумли фойдаланиш демакдир. Яъни киши ўз лаёқати ва қобилиятларига мос келадиган соҳада фаолият кўрсатса, у кўпроқ муваффақиятга эришади, жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Шунинг назарда тутганда, хорижда, ҳар қандай таълим муассасига бола танланганда, унинг билимлар кўлами билан бирга, ўша соҳада мувофақиятли ўқий олишининг ички имкониятини бера оладиган ақлий қобилият савиясига, тегишли майл ва лаёқатларнинг борлигига, шахснинг йўналганлиги бола танлаган касб соҳасига мос келишини аниқлаш ва бошқа шунга ўхшаган психологик хусусиятларга жуда катта эътибор берилиши диққатга сазовордир. Бу инсон манфаатлари ғоясининг жамият тараққиётининг муҳим қисми бўлган инсон омили билан чамбарчас боғланганлигидан далолат беради.

Лекин биз ҳалигача фақат билим тестлари билан олий ўқув юртларига қабул қилиш ғоясидан нари ўта олмаяпмиз. Афсуски, билим тез эскиради, боланинг бугунги бешга билган билимлари, эртага керак бўлмай қолиши мумкин. Ёки репититорлар ёрдамида бугун унда йўқ билимларни, олий ўқув юртига кириб олиш учунгина пайдо қилиш мумкин. Лекин кириб олгач, боладан у билимлар эмас, балки ўқий олиш имкониятлари, ўқий олиш қобилиятлари сўралади, ўз устида ишлай олиш кўникмалари, тафаккур, хотира ва бошқа қобилиятлар талаб қилинади.

Шу сабабли, Давлат Тест Марказининг тестлари ҳам талаб қилинадиган танлов ғоясининг ярмига жавоб беради, холос. Чунки бу тестлар боланинг шахсий хусусиятларини, унинг лаёқат ва қобилиятлар савиясини кўрсатмайди. Шу сабабли бўлса керак, баъзи талабалар олий ўқув юртларига кириб олгач, талаб даражасида ўқий олмайдилар, лоқайдлик қиладилар, ахлоқий эътиқод нуқтаи назаридан мукамал талабларга жавоб бермайдилар. Худди шу йўсинда, айтиш мумкинки, Республикамиздаги барча лицейларга ҳам фақат билим тестлари билан

чегараланиш, бола шахси ва қобилиятларини ҳисобга олмасдан махсус таълимга қабул қилиш, тушунарлики, илмий талабларга жавоб бермайди.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ОЗДОРОВЛЕНИЯ СЕМЬИ

Каримова В. М. -доктор психологических наук, профессор, ФерГУ

Аннотация: ушбу тезисда Ўзбекистон шароитида хотин-қизларни ҳар томонлама етук бўлиши жамият ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги баён этилган.

Annotation: this thesis describes the interaction of society and family in the hormonal development of women in Uzbekistan.

В Узбекистане семейная политика как разновидность социальной политики по укреплению семьи с детьми и семейного образа жизни отличается от политики в других сферах социальной жизни, но осуществляются они в тесной взаимосвязи. Тому причина почти все население республики проживает в семьях, а политику государства, направленную на повышение уровня жизни и доходов граждан, тем более, на защиту прав и интересов невозможно отделить от интересов каждой отдельно взятой семьи, которых в нашей стране насчитывается более шести с половиной миллионов. В любом качестве и количестве семья как институт социализации личности рассматривается нами как одна из главнейших ценностей общества. Ибо семья - это маленькое «государство». И если в этом мини-государстве царит мир и взаимопонимание, если оно может и способно выполнять все свои основные функции, прежде всего, хозяйственно-экономическую, воспитательную, репродуктивную, функцию охраны здоровья своих членов, то его благополучие гарантировано.

За годы независимости в нашем обществе сложилась как добрая традиция поддерживать этот уникальный институт гражданского общества, так как сами условия переходного периода диктуют такую миссию государства. Необходимость поддержки семей оправдывается еще тем обстоятельством, что в конкретных исторических условиях выполнение основных функций семьи может нарушаться.

Наукой как раз и доказана связь здоровья и супружеских отношений: женатые мужчины и замужние женщины имеют наименьшее число проблем со здоровьем. При исследовании смертности получены данные о том, что разведенные мужчины умирают в 2-2,5, а женщины – в 1,5-2,0 раза чаще, чем женатые мужчины и замужние женщины. Таким, образом, брак обладает здоровьем сберегающим или здоровьем защищающим эффектом.

Здоровый образ жизни одновременно экологическая, медицинская, и психологическая категория. Такое утверждения связано с тем, что здоровое состояние человека, прежде всего, зависит от окружающей природной, а также

морально-психологической среды. Когда речь идет об окружающей среде и морально-психологическом климате семьи, мы имеем в виду прежде всего, характер семейных взаимоотношений и семейное окружение. Наукой доказано, что реализация формулы «выживаемости» во многом зависит от того, насколько разумно используются семейные условия. Кроме того, каждому из нас понятно, что наше представление о счастье и благополучии складывается от наших приятных ощущений, которые мы испытывает, прежде всего, от общения с самими близкими людьми, членами нашей семьи, с родными. В этом отношении семья в нашей стране является одним из важнейших ценностей, напрямую связанной со здоровьем и успехами в жизни.

Когда речь идет о проблемах создания здорового образа жизни в семье нам представляется особо актуальным решение данного вопроса на селе. Тем более, в условиях Узбекистана основная часть населения и многодетные семьи проживают в сельской местности. Благодаря проводимых просветительских мероприятий среди населения уровень экологической и медицинской грамотности сельского населения с каждым годом заметно повышается и растет. Проведенное исследование в сельских местностях республики показало, что представления сельчан о здоровом образе жизни заметно изменились в позитивную сторону. Так, 53,8 % опрошенных женщин считают, что здоровый образ жизни – это «соблюдение всех необходимых правил, для того чтобы не болеть и долго жить». Соблюдение правил питания и физическая активность как фактор здоровья отмечено 17,5% ми респондентов.

Нас больше интересовал вопрос насколько в условиях семьи женщины соблюдают элементарные нормы гигиены. Так, 59,7% обследованных семей имеют у себя дома нормальные условия для того, чтобы умыться, имеют для этого отдельное помещение, горячую воду. Однако, не имеют все необходимые условия, связанные с понятием здорового образа жизни почти 25 % семей. Последний факт, однако, настораживает. Если учесть, что в этих семьях проживают и старики, и дети, женщины, то их здоровье находится под угрозой экологических неурядиц. В ходе исследования выяснилось также, что обеспеченность домов питьевой водой также можно считать не совсем удовлетворительной.

В условиях сложившейся в Республике демографической ситуации большое научно-практическое значение и актуальность приобретает улучшение состояния здоровья женщин как один из главных факторов рождения здорового ребенка. Одной из главных идей при этом должна быть идея о чистоте быта. Потому что через чистоту в семье можно поднять общую культуру как детей, так и самих родителей. В узбекских семьях издавна принято с раннего утра подметать двор, привести порядок сначала во дворе, затем внутри помещений. Снохи, чтобы успеть

всем делам очень рано поднимаются на ноги, подметают не только внутри собственного двора, но снаружи.

Необходимо помнить, что существуют половые различия при научении детей к чистоте: эти навыки формируются, как правило, в зависимости от типа и размера семьи. Например, если в семье одновременно воспитываются и девочка и мальчик, то первая более подготовленной бывает к чистому образу жизни, потому что наша ментальность такова, что при наличии дома «маленькой хозяйки», мальчику не следует, например, убирать за собой постель, посуду, стирать свои индивидуальные вещи и т.п. И такое поведение поощряется родителями, что иногда в будущем мальчику бывает неловко в ситуациях, когда от человека требуется самообслуживание (в армии, во время учебы в чужом городе и т.п.).

В любом случае в экологической грамотности детей играют большую роль родители и созданный в семье моральный климат. Потому что этот климат гарантирует не только здоровье членов семьи в физическом смысле, но и психологическом и морально-нравственном смысле. Нравственное здоровье способствует выполнению личностью своих социальных ролей в различных жизненных сферах. Таким образом, экологическое оздоровление общества напрямую зависит от того, насколько мы сами сознательно сможем разумно организовать свой образ жизни в условиях семьи.

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА БОШҚАРУВЧИ ШАХСИ МУАММОСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Умаров Б.М. - ТДПУ “Амалий психология» кафедраси профессори, п.с.ф.д.

Аннотация: Статья посвящена анализу религиозно-психологических характеристик в исламском учении, различных взглядов, подходов и учений о личности менеджера.

Annotation: The article is devoted to the analysis of religious and psychological characteristics in Islamic teaching, various views, approaches and teachings about the personality of a manager.

Бугунги ахборот-технологиялари асрида ходимларга физиологик куч сифатидагина қараш тамойили деярли ўз ахамиятини йўқотиб бўлди, негаки инсоннинг бу вазифасини компьютерлашган технологиялар юқори аниқлик ва нисбатан арзон нархда амалга оширолмоқда. Аммо, ривожланган мамлакатларда компьютер-технологиялари раҳбар ва ходимларнинг ақлий салоҳияти, иқтидори ҳамда малакасининг ўрнини боса олмайдиган раҳбар шахсининг психологик хусусиятларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Манбалардан маълум бўлишича, бошқарувчи (менежмент) тушунчаси инсон зоти яратилган ва турли қабилаларга бирлашиб яшай бошлаган даврлардан буён

мавжуддир. Бунга, бир неча инсонлар бирга яшар экан, кимдир уларнинг бошини бир жойга қовуштириб, тартиб интизомни назорат қилмаса, дарҳол бетартибликлар вужудга келиши мумкинлиги ҳолати сабаб бўлган. Айниқса, кишиларнинг бирга меҳнат қилиш жараёнида бу масалага бунданда кучлироқ эҳтиёж сезилган. Масалан, Миср пирамидаларини инсоният ҳали ҳеч қандай кўтарма машиналар бўлмаган милоддан 3000-2000 йил олдинги даврда бундай мустаҳкам ва баҳайбат бинони қандай қура олди экан, деган савол пайдо бўлиши табиийдир. Бу эса ўша даврларда ҳам инсонларни бир жойга жамлаб, уларни бошқариш орқали самарали меҳнат фаолиятини юритишга қаратилган бошқариш тизимининг мавжуд бўлганлиги ва бу жараён маълум бир шахслар томонидан амалга оширилганлигидан далолат беради. Бу кишиларни, гуруҳларни бошқариш тизимининг қадим замонлардан мавжуд бўлганлиги ва натижаларга эришилганлиги бошқарувчи тушунчаси мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ислом таълимотидаги манбалардан маълум бўлишича, бошқарув ва бошқарувчи шахси ҳамда унга қўйиладиган талабларга доир исломий қарашлар Қурони карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида шаклланган бўлиб, улар кейинги даврларда яшаб ўтган улуғ алломалар ва одил ҳукмдорларнинг ҳаётий тажрибаси орқали бойитиб борилган.

Авваламбор, бошқарувчи шахси ва бошқарув фаолияти масаласига ислом манбаларида қай даражада аҳамият қаратилганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу масалага доир ўз қарашларини Имом Ғаззолий ўзининг “Ихёу улумиддин” номли асарида: “Агар одамлар дунёни адолат билан тутсалар, хусумату-душманликлар кесилади, фақиҳларга эҳтиёж қолмайди. Лекин инсонлар дунёни шаҳват ва душманлик билан бошқарганлари боис, хусумат ва адоват юзага келади. Бундай пайтда инсонларни бошқарадиган раҳбарга эҳтиёж туғилади. Раҳбар эса инсонларни бошқариш учун қонунга мухтож бўлади. Инсонлар шаҳватга берилиб, бир-бирлари билан низолашган вақтда уларни муросага келтирувчи, ўрта йўлни ва бошқарув қонунларини билувчилар фақиҳлардир” деб, таъкидлашларини алоҳида қайд этиш мумкин.¹

Жамиятда раҳбар ходимларнинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилаётган яна бир омил бу, аксарият лавозим эгаларининг ҳаддан зиёд кибру-ҳавога берилишлари ва натижада ўз қўл остидаги ходимларни менсимаслик ҳолатларининг кенг ёйилганлигидир. Бундай руҳий ҳолатларни Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қуйидаги ҳадисни биз умматларига огоҳлантириш сифатида айтганлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дедилар: “*Сув уругини ундиргани каби, мол, шухрат севгиси ҳам қалбда нифоқ ундиради. Молга,*

¹Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий, Ихёу улумиддин, Тошкент, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014, Б. 43.

шуҳратга ва мансабга берилган кишининг динига етказган зарари қўй тўдасига оралаган икки бўрининг етказган зараридан ошиб тушади”.

Қуръони Каримда “Биз ҳаётий дунёда инсонларнинг ораларидан машаққатларга берилувчиларини тақсимладик ва баъзиларини хизматкор қилиб олишлари учун айримларининг даражаларини айримларидан устун қилиб қўйганмиз...” дея, таъкидланади (Зухруф 32).

Мазкур ояти каримадан шундай маъно келиб чиқадики, бу дунёда ҳар бир инсоннинг жамиятдаги ўрни турлича бўлади, уларнинг орасида кимдир иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлади ва кўплаб инсонларни ўз қўли остида ишлатади, яна бошқа бир тоифалари эса шахс сифатида ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида у ёки бу инсоннинг, бугунги кунда ташкилот ёки муассасанинг буйруқларини бажаради ва шу орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади.

Қолаверса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам “Уч киши бирга саёҳат қилганда, бирларини бошлиқ қилишлари керак”, деганлар. Шунингдек, *Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг...* (Нисо суръаси 59).

Юқоридаги оят ва ҳадисларнинг мазмунида жамоаларда бошқарувчи шахсининг қай даражада муҳим эканлиги аён бўлади. Бунинг сабаби жамоада умумий мақсад мавжуд бўлса ҳам агар, ўша мақсадга олиб борадиган йўлни танлашда бир фикрга келинмаса, жамоада ҳамжиҳатлик асосидаги фаолият бўлмайди ва оқибатда мақсад фақат орзулигича қолиши мумкин деган, ғоя ётади. Шунинг учун ҳам Қуръон оятида ишбошиларга бўйсуниб лозимлиги ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида жамоанинг бирлигини сақловчи ва уларни манзилга соғ-омон етиб боришини таъминловчи шахс яъни, бошлиқ бўлиши лозимлиги таъкидланади. Ўз навбатида бундай ваколатларнинг жавобгарлиги ва мавжудлиги қуйидаги ҳадислар асосида ёритиб берилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида: *“Огоҳ бўлинг! Ҳаммангиз раҳбарсиз ва ҳаммангиз қўл остингиздагиларга масъулдирсиз. Бас, амир қўл остидаги инсонларга раҳбар ва уларга масъулдир, эркак ўз оиласида раҳбар ва уларга масъулдир”.* (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

“Абу Зарр розияллоҳу анҳу айтади: “Эй Аллоҳнинг Расули, мени омил қилмайсизми?”, дедим. Бас у зот елкамга ура туриб: “Эй Абу Зарр, сен заифсан, у омонатдир. Албатта, у қиёмат кунини хорлик ва надомат бўлмай. Магар, ким уни ҳаққи ила олса ва ундаги ўз бурчини адо этса, бундан мустасно”, дедилар”. (Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Бошқарувчи ёки бошлиққа кундалик ҳаёти ва қўл остидагиларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур ва фойдали бўлган ҳадислардан яна бири қуйидаги ҳадис бўлиб, унда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *“Одамларнинг энг хайрлиси инсонларга фойдали бўлгандир.*

Одамларнинг энг ёмони инсонларга зарарли бўлганидир”. Бундан кўринадики, агар раҳбарнинг мақсади ва бутун хатти-ҳаракатлари шахсий манфаатларига ёки ўзидан баландроқ лавозимда турувчи бошқа бир шахсга ёкиш учун эмас, балки айнан ўз жамоасига ва муассасасига фойда келтиришга йўналтирилган бўлса, бундай жойда келгусида яхши натижаларга эришиш эҳтимоли сезиларли даражада юқори бўлади.

Бошлиқ шахсига қўйилган талаблар ва мажбуриятлар борасида Имом Ғаззолий ўзининг “Мукошофатул қулуб” (Қалблар кашфиёти) деб номланган асарида қуйидаги маълумотларни келтиради. *“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатини ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва кўргувчи зотдир”* (Нисо 58).

Муфассирлар фикрига кўра, бу оят бир неча шаръий асосларни ўз ичига олади. Хусусан, идора этувчилар ва барча амалдорлардан ушбу оятга қулоқ солиш талаб этилади. Шу билан бирга, “уларга мазлумларни қўллаш ва уларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди, бу улар учун омонатдир. Яна, мусулмон аҳлининг, айниқса, етимларнинг мол-мулкани тажовузлардан асраш ҳам идора этувчиларга вожибдир.²

Ислом манбаларида бошқарув жараёни ва умуман ҳар қандай бошқарув фаолияти нафақат раҳбарнинг саъйи-ҳаракатларига, балки ўша жамоада фаолият юритувчи барча шахсларнинг меҳнат фаолияти ва унга муносабати билан бевосита боғлиқдир дейилади. Шу боисдан ҳам улуғ саҳобалардан бири Абу Дардо (розияллоху анҳу) қуйидагиларни ривоят қилган: “Эй инсонлар, сиз одамларни яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаринг. Йўқса Аллоҳ золим ҳукмдорни бошингизга бало қилиб юборади. Бу золим на катталарингизни ҳурмат қилади, на кичикларингизга раҳм қилади. Орангизда қолган яхши одамлар дуо қиладилар, аммо дуолари қабул бўлмайди. Аллоҳдан нажот тилайдилар, аммо нажот келмайди. Афв сўрайдилар, аммо афв қилинмайдилар”.³ Саҳобанинг бу сўзларидан шуни тушуниш мумкинки, бошлиқнинг қандай бўлиши, жамоа азоларининг хулқ-атворига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, жамоа азолари қай даражада ўз вазифасини сидки дилдан бажарса, бу жараёнда касбдошларининг ҳам манфаатларига зарар етказмаса бундай жойда муаммоларнинг юзага келиш камроқ, иш жараёнида ёки шахслар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш ва самарадорликка эришиш мумкин бўлган салбий таъсирларнинг даражаси ҳам камроқ бўлади. Аксинча бўлса эса, жамоада ички зидиятлар ва келишмовчиликларнинг сони жуда юқори бўлади.

Кузатишларимизга қараганда, айрим касб эгалари ўртасидаги зиддиятлар аксар ҳолларда касбдошининг муваффақиятини кўролмаслик, унинг ўрнини турли

² Ғаззолий, Абу Ҳомид, Мукошофатул қулуб I жуз, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018, 63-б.

³ Ғаззолий, Абу Ҳомид, Мукошофатул қулуб I жуз, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018, 78 б.

хил ҳийла-найранглар асосида эгаллашга интилиш натижасида юзага келади. Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: “Ҳийлагарлар ва хоин киши жаҳаннамдадир”.

Имом Ғаззолий эса, ўз асарида қуйидаги ҳикояни келтирадилар: “Нух (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига кўра, ҳар жонивордан бир жуфтдан олгач, кемага чиқади. Бир маҳал қараса, кеманинг бурчагида у танимаган бир чол ўтирган эмиш. Ундан сени бу ерга ким чиқарди, деб сўрайдилар. Чол “Ўзим чикдим. Сенинг одамларингнинг қалбига васваса солиб, қалбларини ўзим билан, танларини эса сен билан қолдириш учун” - деди. Нух (алайҳиссалом) унинг шайтон эканини англаб: “Даф бўл бу ердан! Аллоҳнинг душмани! Лаънати!” - дедилар. Шунда Иблис бу сўзларни айтади: “Беш нарса борки, мен ўшалар билан инсонларни тўғри йўлдан чиқараман. Буларнинг фақат учтасини айтай сенга! Қолганини айтмайман”. Шу аснода Аллоҳ Нухга (алайҳиссалом) ваҳий юбориб, учтасига эҳтиёжи йўқлиги ва қолган иккисини айтишни билдиради. Сўнг Нух (алайҳиссалом) иккитасини айтишингни истайман, дейдилар. Шунда шайтон дейди: “Иккитаси шундай нарсаки, мени ҳеч ким ёлғончига чиқара олмайди. У икки нарса шундай ҳислатга эгаки, биров мени ташлаб кетолмайди. Шу икки нарса билан мен мўлжалга тўғри ураман. Шу икки нарса билан мен инсонларни ҳалок этаман. Ҳирс ва ҳасад! Ҳасад сабабли мен Аллоҳнинг лаънатига учрадим, қувғин бўлдим. Ҳирс масаласига келсак, жаннатда Одамга бир дарахтдан бошқа ҳар нарсани тотишга изн берилган эди. Мен ҳирс ёрдамида ниятимга етдим: Одам ҳирс орқасидан тақиқланган мевага қараб борди”.⁴

Хулоса ўрнида шуни таъкидалашимиз мумкинки, бошқарув жараёнлари, жамоа ва бошқарувчи шахси феноменларининг долзарблиги ва жамиятнинг ривож топиши, инсонларнинг камолотга эришиши ёки аксинча заволга юз тутишидаги ўрнини тўғри баҳолаган ҳолда ислом оламида бу масалага жуда катта эътибор берилган бўлиб гарчанд, менежмент деган алоҳида фан сифатида номланмаган бўлсада, бу фан соҳасига доир маълумотлар ва кўрсатмалар ислом таълимоти ва амалиётида етарли даражада мавжуд бўлганлиги ва бу турли манбаларда мавзуларга монанд тарзда ёритиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръон Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2014, 617 б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол, 2-жуз. “Hilol-Nashr”. Тошкент, 2017, 608 б.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Расулulloҳ. “Hilol-Nashr”. Тошкент, 2016, 448 б.

⁴ Ғаззолий, Абу Ҳомид, Мукошафатул кулуб I жуз, Тошкент, Гофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018, 80 б.

4. Газзолий. Абу Ҳомид, Мукошафатул кулуб, I-жуз. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2018, 288 б.

К ПРОБЛЕМЕ КАРЬЕРНОГО КОНСУЛЬТИРОВАНИЯ ВЫПУСКНИКОВ ВУЗОВ

Исмагилова Ф. С. -проф.д.пс.н. -Уральский гуманитарный Институт УрФУ, Екатеринбург, Российская Федерация

В последние все чаще используют такие понятия, как турбулентная среда, непредвиденные риски, быстрые изменения, с одной стороны, и такие как экономика знаний, устаревание компетенций, экстрабилити, с другой. Многие прогнозы относительно изменений рынка труда рушатся вследствие непредсказуемости социальной и экономической динамики на фоне технологического роста и демографического спада. Карьерный рост больше не рассматривается как линейный процесс, интегрирующий закономерности профессионального развития и динамику рынка труда. Меняется соответственно и методология профессионального консультирования как вида психологической помощи. Теперь больше внимания уделяется нелинейным, случайным и незапланированным влияниям. На фоне этой мощной социальноэкономической динамики можно выделить точки бифуркации в развитии карьеры - переломные моменты, когда профессионал оказывается на распутье и должен сделать новый выбор. От этого выбора зависит его дальнейшая карьера. Управление карьерой теперь схоже со стратегическим управлением организацией в постоянно меняющейся конкурентной рыночной среде: есть стратегическая цель, достижение которой осуществляется под постоянным влиянием внешних (возможности и угрозы среды) и внутренних (сильные и слабые стороны компании) факторов. Управление карьерой – это принятие и реализация субъектом решений относительно достижения им поставленных перед самим собой карьерных целей. Критерий эффективного управления карьерой – востребованность субъекта на рынке труда в силу его конкурентных преимуществ перед другими кандидатами на интересующую его вакансию.

Сегодня существуют разные подходы к стандартизации работ, связанных с профориентацией и консультированием по вопросам развития карьеры. Примером может служить документ, разработанный консорциумом из 45 европейских ВУЗов, согласовавших свои позиции в области профориентации: «Сетевое сообщество развития инноваций в сфере профориентации и консультирования в Европе» («Network for Innovation in Career Guidance and Counselling in Europe», сокращенно NICE) (<http://www.nice-network.eu/>). NICE использует единую систему из 6 профессиональных ролей консультантов, где 5 ролей рассматриваются как поддержка работы исполнителя 6-й роли - собственно профконсультанта,

обозначаемого как CGC (Career Guidance&Counselling – руководство и консультирование по карьере). От всех выполняющих любую из этих ролей ожидается, что они будут вести себя профессионально и в своей практике неукоснительно следовать этическим стандартам NICE. Весь спектр этих ролей, заявленных NICE, охватывает профессиональную деятельность «профориентация и профконсультирование» и описывают профессиональные функции консультантов. Под ролями понимаются социальные роли как кластеры, отражающие ожидание определенного поведения человека в контексте его профессиональной позиции. Данная ролевая концепция отражает общественные ожидания, которые должны быть удовлетворены профессионалами. Задавая рамки, тем не менее, ролевая концепция достаточно широка и позволяет каждому специалисту по карьерному консультированию выполнять свои профессиональные роли индивидуальным образом, фактически «созидавая» свою роль до некоторой степени. Все профессионалы должны иметь возможность работать в каждой из ролей и рассматривать всех их как часть своей профессиональной идентичности. Профессионалы CGC могут переключаться между этими ролями в своей работе, иногда комбинируя их, иногда сосредотачиваясь на определенных ролях.

Современный мир профессий динамичен. В нем постоянно рождаются новые и умирают или видоизменяются старые профессии. В среднем жизнь одной профессии длится от 5 до 15 лет. При этом профессия может измениться, так, что при прежнем названии сама суть профессии будет уже совсем иной, в результате людям придется доучиваться, либо переучиваться, осваивая новые компетенции. Российский «Единый тарифно-квалификационный справочник» включает 7000 профессий. Рынок труда в мегаполисе охватывает 2000 – 3000 профессий. В Международной стандартной классификации профессий (ISCO-08), предложенной Международной Организацией Труда, перечислены 7000 профессий, объединённые в 436 групп. Там же даны определения понятиям «работа» и «профессия». Работа определяется в ISCO-08 как «набор задач и обязанностей, выполняемых или предназначенных для выполнения одним лицом для работодателя или в рамках самозанятости». Профессия означает вид работы, выполняемой на рабочем месте. Профессия определяется как «набор должностей, основные задачи и обязанности которых характеризуются высокой степенью сходства». Человек может быть связан с профессией через основную работу, занимаемую в настоящее время, вторую работу, будущую работу или работу, занимаемую ранее. Эти соображения приводят к тому, что фокус в консультировании все больше смещается в сторону поиска карьерных путей, а выбор профессии становится постепенно зависимой переменной от карьерных предпочтений человека. Все сложнее определить, какой именно круг задач обычно закреплен за профессионалом, поскольку многое зависит от типа компании,

характера производимых ею услуг или продуктов и технологического развития общества.

Подростки в большей степени остаются ориентированы на профессиональный выбор, тогда как выпускники вузов уже примеряют на себя возможности начать свое дело. Профессиональный выбор ими уже сделан, и в ходе консультирования они сфокусированы на вопросе, как лучше стартовать на рынке труда, чтобы реализовать свои стратегические планы, рассчитанные, как правило, на 3-5 лет. Первый вопрос связан ключевым параметром бизнес-карьеры: продавать свой труд или труд наемных работников? В первом случае речь идет о развитии собственных личных конкурентных преимуществ перед другими специалистами того же профиля. Во втором усилия направлены на поиск рыночной ниши и разработку стратегии создания компании. Однако, в обоих случаях, важным условием конкурентоспособности и востребованности на рынке труда становится готовность выпускников: а) строить стратегический план своей карьеры самостоятельно; б) ориентироваться на изменяющиеся требования современного рынка труда.

ОСОБЕННОСТИ И ЗАКОНОМЕРНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЗНАКОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПСИХОЛОГИИ ЧЕЛОВЕКА

Абдуллаева А.У. - Национальный институт художеств и дизайна имени К.Бекзода магистр 1 курса КГБФ

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности и закономерности функционирования знаковой информации в деятельности человека.

Annotation: This article examines the patterns and features of the functioning of sign information in human activities.

Толерантлик бирор-бир “омилларнинг” механик жараёни (ташқи ёки ички) натижаси ҳисобланмайди; ҳақиқий толерантлик – бу инсоннинг маълум муносабатларни (экзистенциал-инсонпарвар муносабат) ташкил этишдаги эгаллаган ўрни, унинг шахсий позицияси ва фаоллигини онгли, англанган ва масъулиятли танловининг намойиши бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси юзасидан олиб борилган изланишлар асосида миллий бағрикенглик тамойилларининг ўзбек халқи миллий кадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига анъанавий тарзда қуйидаги инсоний хислатлар киритилганлиги ва шакллантирилганлиги маълум бўлди.

Толерантликни ёшларда шакллантиришнинг мураккаб жиҳатларини, унинг мазмунининг серқирра жиҳатларини биз тадқиқотда қуйидагича белгиладик (2-расм):

Мотивацион компонент - маданий тафовутларни тан олиш ва шу асосда бошқа маданият вакиллари билан ижобий муносабатларни ўрнатиш. Ушбу тузилма шахснинг ёши, мавқеи, маълумоти, моддий фаровонлиги, тарбия даражаси ва ҳаттоки яшаш жойининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган устун мотивларнинг ўзгариши билан тавсифланади. Ва шубҳасиз, маълум мотивларнинг устунлиги тўғридан тўғри маълум бир шахснинг йўналишига боғлиқ.

Когнитив-информацион компонент - кадриятли йўналишларга асосланган мутахассисларнинг профессионал алоқа моделлари бўйича маданиятлараро билим ва бошқа маданиятларга нисбатан салбий стереотиплар ва доғмаларнинг йўқлиги. Шахсга ўзи ва дунё ҳақидаги когнитив тасавурларнинг уйғунлигига интилиш хосдир. Когнитив диссонанс пайдо бўлиши номувофиқликдан халос бўлиш истагини келтириб чиқаради, қочиш мотивини вужудга келтиради ва кадриятлар тизимининг ўзгаришига олиб келади. Диссонанс когнитив тузилиш элементларини ўзгартириш учун туртки вазифасини бажаради. Масалан, рад этиш, жазолаш ва бошқалар кўркуви туфайли ижтимоий гуруҳларнинг эътиқодлари, кадриятларини мажбуран қабул қилиш. Г.М. Андрееванинг фикрига кўра, келишмовчилик, ўтмишдаги шахсий тажрибанинг мавжудлиги ва ҳозирги замондаги объектив вазият ўртасидаги фарқ туфайли юзага келади. Бошқа томондан, когнитив элементларнинг маданий “нақш”лар, меъёрларга мос келмаслиги, шунингдек когнитив элементнинг кенгроқ тасвирлаш тизимида мос келмаслиги когнитив келишмовчиликни келтириб чиқаради [4].



1-расм. Миллий бағрикенглик тушунчасининг компонентлари.

Аффектив эмпатия ва хулқ-атвор компоненти - Мулоқотнинг ижобий асосини яратиш қобилияти, ҳиссиётларни тартибга солиш қобилияти, бошқа маданиятларда касбий хулқ-атвор маданиятига эга бўлиш. А.В. Козина, мулоқот жараёнида эмпатияни ўрганиб, уни мураккаб тузилишга эга бўлган ақлий жараён деб атади. У учта таркибий қисмни ўз ичига олади: аффектив (эмпатия элементи); когнитив (бошқанинг позициясини тушуниш ва уни оқлаш) ва хулқ-атвор (шерикка ҳақиқий самарали ёрдамни ифодалаш, ҳамдардликнинг тақлид ва оғзаки шакллари) [7]. А.Е. Ахметзянова (2011) эмпатиянинг психологик тузилишини (жараён сифатида) қуйидагича таърифлаган: бошқа одамнинг ҳиссий ҳолатини тушунишга йўналтирилганлиги асосида; унга нисбатан ҳамдардлик, яъни унга унга ўхшаш туйғуни бошдан кечириш; оғзаки ёки оғзаки бўлмаган мулоқот орқали қўллаб-қувватлаш. Эмпатия (инсоннинг сифат характеристикаси сифатида) инсоннинг шахслараро мулоқотда эмпатия жараёнини амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятдан иборат. Шахслараро ўзаро муносабатларда эмпатик жавоб беришнинг асосий психологик механизмлари, дейди А.Е. Ахметзянова, қуйидагилар: интерпретация, идентификация, децентрация ва эмоционал (ҳисларни юқтириш). Ушбу механизмлар эмпатик жавобнинг турли даражаларида амалга оширилади [5]

Биринчи даражада (когнитив эмпатия) когнитив механизм назарда тутилади, унинг давомида субъект ўз ҳолатини ўзгартирмасдан эмпатия объектининг ҳиссий ҳолатини шарҳлайди. Иккинчи даражада (эмоционал эмпатия) эмпатия объекти билан субъектнинг идентификациясини таъминловчи проекция ва интроекция

механизми орқали амалга оширилади. Шартли равишда субъект бошқанинг позициясига онгли тарзда тура олиши ва унга ҳамдард бўлиши билан эмпатия объектига децентрация мўлжалини олади.

Учинчи даражада (когнитив, ҳиссий ва фаол эмпатия) шахслараро идентификация (“қабул қилинадиган”, “тушуниладиган”, “ҳамдард бўла оладиган”, “самарали”) ҳиссий кўчиш механизми фаоллашади. Субъект эмпатия объектига ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди.



2-расм. Ёшларда миллий бағрикенгликни шакллантириш мазмуни


Ижтимоий-перцептив компонент - одамларнинг бир-бирини тушуниши, билиши, ўзаро тушуниш ва низоларни ҳал қилиш қобилияти. Ижтимоий-перцептив компонентда инсоннинг ижтимоий объектларни (бошқа одамлар, ўзлари,

ижтимоий гуруҳлар, жамоалар ва бошқаларни) идрок этиш, тушуниш ва баҳолаш жараёнлари ва механизмларини, шунингдек улар ўртасидаги муносабатларни ўзлаштириш қобилияти ва тайёрлиги тушунилади. Мазкур компонент доирасида шахсдаги ижтимоий перцепция компетенциясининг ривожланишини ҳам кўриш мумкин.

Мазкур компонентлар таркибида миллий бағрикенгликни шакллантириш мазмуни миллий бағрикенгликни шакллантириш технологияси орқали шахсда туркум ижобий сифатларни (бошқа одамларнинг турмуш тарзига, хулқ-атвориغا, маданиятига нисбатан бағрикенглик, ксенофобия, эгоцентризм ва бошқа иллатларга муроасага келиш қобилияти кабиларни) шакллантириш мумкин бўлади ва пировардида, ушбу шаклланиш жараёни натижасида бошқа миллат вакилларига бўлган ижобий муносабат таркиб топади ва мустаҳкамланиб боради.

Шунингдек, тадқиқот давомида биз миллий бағрикенгликнинг баъзи индикаторларини ҳам аниқлаб, унга нисбатан ўз мулоҳазаларимизни қисқача баён қилмоқчимиз:

Миллий бағрикенгликнинг асосий кўрсаткичи сифатида бошқа миллат вакилларига нисбатан ижобий муносабатни асосий қилиб кўрсатдик. Тенглик ва ўзаро ҳурмат эса бирламчи кўрсаткич сифатида, ҳамкорлик ва бирдамлик ва шу билан бирга тенг имкониятларга эга бўлиш иккиламчи кўрсаткич сифатида қайд қилинди. Охиригида эса диний эркинлик ва ҳар бир миллатнинг ўз анъаналарига риоя қилиш имкониятини киритдик. Ана шулар биргаликда миллий бағрикенгликни таъминловчи етакчи омиллар сифатида кўзга ташланади.



3-расм. Миллий бағрикенглик индикаторлари

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, глобаллашиб бораётган жамиятда миллий бағрикенгликни шакллантирувчи омилларни аниқлаб, қуйида “Миллий бағрикенглик шаклланаётган шахс модели”ни тақдим этмоқчимиз. Унга кўра:

шахснинг маънавий-ақлий салоҳияти ва умуминсоний кадриятлар ижтимоий-ахлоқий меъёр сифатида ушбу моделнинг таркибий қисми сифатида, унинг марказида эса талаба шахсининг ривожланиши моҳияти акс этади. Зеро, юқоридаги фикрларимизга таянган ҳолда шуни айтиш лозимки, мактабларнинг юқори синфларида ҳамда олий таълим муассасаларининг дастлабки босқичларида миллий бағрикенгликни шакллантириш технологиясини қўллаш бир мунча самара беради ва айтиш мумкин даврдаги ёш психологик хусусиятлари ҳам ушбу билимларни ўзлаштириш учун айтиш мумкин муддао бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, таълим муассасаларида талаба шахсини ривожланишини моделлаштириш вазифаси қўйилган экан, биз унинг марказида табиий равишда назарий маълумотлар ва билимларни келтирамиз. Унинг назарий асослари таркибига фалсафий, психологик, педагогик, технологик билимларни мужассам этамиз. Унда талабаланинг ижтимоийлашув жараёни, маданий мувофиқлик ҳолати ҳамда бевосита таълим жараёнидаги иштироки асосий принцип сифатида муҳим аҳамият касб этади. Моделнинг компонентларига алоҳида тўхталамиз:

мақсадли-кадриятли - шахснинг мақсадли-кадриятли жабҳаси ўз навбатида 2 та асосий компонентни ўз ичига олади: шахс маънолари тизими ва кадриятлар йўналганлиги. Иккаласи ҳам шахсият тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Умумиллий тушунча сифатида тадқиқ этилувчи объектларни бирлаштиришга хизмат қилади.

субъект-субъектли - субъект-субъект муносабатлари таълим муассасасида ўқув-тарбиявий жараёнда ўзаро ҳамкорлик фаолиятини паритет (тенглик)асосида ташкил этишдан иборат муносабатлар тури бўлиб ҳисобланади.

мазмунли - психологик маданиятнинг мазмунли таркибий қисми инсон психикаси ва унинг фаолияти, бошқалар билан бўлган муносабатлари соҳасида шахсий аҳамиятга эга ва шахсий аҳамиятли ҳамда шахсий кадриятли интилишлар, идеаллар, эътиқодлар, қарашлар, позициялар, эътиқодларнинг умумийлиги тизими билан изоҳланади.

процессуал-фаолиятли - фаолият субъектнинг олам билан ўзаро таъсирининг динамик тизими сифатида тушунилади: фаолиятдаги объектив дунёни ўзгартириб, субъект ўзини ўзи ўзгартиради (унинг онги ва шахсияти ўзгаради). Фаолият тизимига мотивлар, мақсадлар, шартлар ва тегишли ҳаракатлар ва операциялар киради. Ушбу тузилма функционалдир, яъни тизимнинг ҳар бир таркибий қисми ўз фаолиятида аниқ функцияларни бажаради.

Диагностик - психодиагностика усули учта асосий (объектив, субъектив, проектив) диагностик ёндашувларда конкретлаштирилган бўлиб, улар амалда мавжуд диагностик техникаларнинг бутун мажмуасини қамраб олади, диагностик фаолиятнинг муваффақияти (самарадорлиги) ва усули (хусусиятлари) асосида амалга оширилади.



4-расм. “Миллий бағрикенглиги шаклланаётган шахс” модели

Рефлексив – мазкур ҳолатда рефлексив механизмларнинг субъектнинг ўзига йўналганлиги, конструктив ўзини ўзи такомиллаштиришга қаратилганлиги ва фаолиятининг оралиқ ва якуний натижаларини таҳлил қилишлиги билан баҳоланади.

Моделнинг натижаси сифатида талаба шахсида ривожланишнинг базавий кўрсаткичи ва ахлоқий қадрият намунаси сифатида миллий бағрикенгликни шакллантиришни қайд этиш мумкин. Талаба шахсида ушбу феноменнинг таркиб топиши, такомиллашуви келгуси фаолиятида барқарор руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча толерантлик тушунчаси ва кўникмаларининг шаклланганлик хусусиятлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- инсон қадриятлари тизимидан ўрин олиши натижасида ёшлар ҳатти-харакатлари ва амаллари мазмунига *таъсир этиши*;

- инсоннинг ўзига ишончини орттириши, унинг қарорлар қабул жараёнига ижобий таъсир этиши, унинг эркин яшаш тарзини *қучайтириши*;

- инсоннинг ўзга инсонлар билан мулоқот даражасини шакллантириши, бойитиши ва ижобий мезонлар асосига қурилишига *ёрдам бериши*;

- инсон маънавиятига дахлдор гуманитар тамойилларнинг *асоси бўла олиши*;

- инсонлараро мулоқот учун хизмат қилиши натижасида ижтимоий-сиёсий мазмун касб этиши, натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амал қилиши учун *хизмат этиши*;

- ёшлардаги ижобий толерант хусусиятларнинг давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий аҳволига таъсир ўтказиши, бўлиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий зиддият ва тўқнашувларнинг *олдини олишга хизмат қилиши*.

Миллий бағрикенгликни психологик нуқтаи назардан шакллантириш масаласини биз ёшларда ўзиникидан бошқачароқ фикр, талаб, орзу-ҳавас, кенгрок олиб қаралганда маданият, дин, ирқ, халқ борлигини тан олиш, тушуниш ва англаш, ўз фикрлари қатъийлигини инкор этмаган ҳолда ўзгалар фикрларига ҳам эътиборли бўлиш, ўзгалар дини ва маданиятини ҳурмат қила олиш, жамият таркибида ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлашнинг зарур меъёри сифатида баҳоладик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Фармон. //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 20 май.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. 264-265-бетлар.

3. Асмолов А.Г. На пути к толерантному сознанию. – М.: Смысл, 2000. – 255 с.

К ПРОБЛЕМЕ ИЗУЧЕНИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ ГРАМОТНОСТИ ЛИЧНОСТИ

Верхотурова Н.Ю. - доцент, кандидат психологических наук,

Красноярский государственный педагогический университет им. В.П. Астафьева (г.Красноярск, Россия)

Аннотация. В статье представлен теоретический анализ проблемы изучения эмоциональной грамотности как проявления эмоциональной компетентности личности, раскрывающейся в обобщенном комплексе способностей регуляции, контроля и управления эмоциональным реагированием в различных ситуациях практической деятельности и социального взаимодействия. Раскрывается генезис взглядов на проблему необходимости изучения эмоциональной грамотности,

выступающей кумулятивным продуктом полифункциональной деятельности эмоционального интеллекта человека. Обосновывается необходимость изучения эмоциональной грамотности как целостного интегративного результата иерархического становления и усложнения динамической полифункциональной системы эмоциональной компетентности личности.

Abstract. The article presents a theoretical analysis of the problem of studying emotional literacy as a manifestation of personal emotional competence, disclosed in a generalized complex of abilities to regulate, control and manage emotional reactions in various situations of practical activity and social interaction. The article reveals the genesis of views on the problem of the necessity of studying emotional literacy, acting as a cumulative product of the multifunctional activity of the emotional intelligence of the person. The necessity of studying emotional literacy as a holistic integrative result of hierarchical formation and complication of the dynamic multifunctional system of emotional competence of a person was substantiated.

Эмоциональные процессы представляют собой важнейший класс психических проявлений в жизни человека, от состояния которых во многом зависят физическое и социальное благополучие, психическое и соматическое здоровье, а также успешность субъекта во всех видах его жизнедеятельности. Накопление и расширение эмоционального опыта, его отработка, закрепление и модификация под влиянием целенаправленно организованного обучения и воспитания, а также воздействие культуральных и конвенциональных норм, принятых в определённом обществе, последовательно приводят к формированию значительной группы способностей, знаний и умений, раскрывающих эмоциональную грамотность личности в управлении своим эмоциональным реагированием и характеризующих поведение субъекта с точки зрения его разумности, сознательности, критичности, регуляции, самоконтроля и самоуправления. Наличие эмоциональной грамотности, в свою очередь, определяет социальную зрелость личности, раскрывающуюся в её эмоциональной компетентности при взаимодействии с социальным окружением.

Интегративная представленность способностей, обеспечивающих эмоциональную компетентность человека, сегодня рассматриваются в перечне социально-значимых качеств личности, востребованных современным обществом, поскольку именно они обеспечивают субъекту успешность выполнения социальных ролей, реализацию ключевых жизненных функций в деятельности, поступках, взаимоотношениях с окружающими, а следовательно, должны явиться предметом пристального внимания со стороны специалистов по их своевременному изучению, оценке зрелости, организованному сопровождению и целенаправленному формированию средствами специально разработанных программ и технологий.

С понятием «эмоциональная грамотность» личности тесно связано представление об эмоциональном интеллекте, то есть целенаправленном повышении социальной и эмоциональной компетентности в эмоциональной регуляции поведения и управлении эмоциональным реагированием в различных ситуациях окружающей действительности и социального взаимодействия. Анализ исследований последних лет позволяет утверждать, что социальная адаптация личности, её успешность, гибкость и мобильность во многом определяется уровнем сформированности *эмоциональной компетентности*, раскрывающейся в обобщённом комплексе способностей регуляции и управления эмоциональным реагированием различных видах практической деятельности и социального взаимодействия.

Наблюдаемый рост научных исследований и появившихся за последнее десятилетие публикаций и защищённых диссертаций, посвящённых разным аспектам проблемы эмоционального интеллекта, свидетельствуют о высокой теоретической значимости и практической ценности психологического знания в данной области. В связи с развитием интереса в научном знании к исследованиям успешности человека конструкт эмоционального интеллекта получил своё признание с точки зрения его утилитарного прикладного значения и практической пользы в различных сферах жизнедеятельности личности. Перспективность и обоснованность исследований эмоционального интеллекта показаны во множестве работ, выполненных отечественными и зарубежными психологами в различных направлениях психологии.

В исследованиях отечественных и зарубежных учёных была показана роль эмоционального интеллекта в адаптации к новым социальным условиям (И.Н. Андреева, Т.С. Киселева, R. Van-On и др.); в межличностном взаимодействии (В.Н. Куницына, Н.В. Казаринова, В.М. Погольша, J.D. Mayer, P. Salovey и др.); в регулировании конфликтных и фрустрационных ситуаций (Т.С. Киселева, А.К. Кравцова, А.С. Петровская и др.); в управлении эмоциональным реагированием (И.Н. Андреева, Н.Ю. Верхотурова, Т.С. Киселева, Т.В. Манянина, А.С. Петровская, Е.С. Синельникова и др.). В работах авторов обосновывается роль эмоционального интеллекта как важнейшего фактора успешности жизнедеятельности человека, эффективности межличностного взаимодействия; предпосылки его психического и физического здоровья. Подчёркивается адаптивная, здоровьесберегающая и стрессозащитная функции эмоционального интеллекта, доказывается его ведущая роль в структуре психологической культуры и успешной социализации личности. Особое внимание уделяется авторами регулятивному функционалу эмоций и управлению ими.

Началом научных эмпирических исследований эмоционального интеллекта явились эксперименты Эдварда Торндайка (1920) по изучению социального

интеллекта, как многогранного образования, а также концепция практического интеллекта Р. Стенберга, в основе которой была положена идея понимания интеллекта как способности к адаптации, необходимая человеку для его приспособления к окружающей среде.

Большое значение для развития учения об эмоциональном интеллекте оказала концепция множественного интеллекта Говарда Гарднера (1983). В разрез с существующим на тот период времени мнением, учёный доказал, что на эффективность выполнения деятельности помимо когнитивных способностей, раскрывающих узко интеллектуальные свойства, оказывают влияние и другие интегративные способности, тесно связанные с когнитивными, но не ограниченные только ими. Учение Г. Гарднера стимулировало укрупнение предметного поля выделяемых способностей и их дифференциацию; определило последующие исследовательские интересы учёных в изучении феномена социального и эмоционального интеллекта.

Предпосылками научного исследования эмоционального интеллекта стали работы К.Э. Изарда, П. Экмана. Авторы разработали дифференциальную теорию эмоций, впервые описали мимические схемы для ряда эмоций, положили основы для развития учения о понимании экспрессивного выражения эмоциональных реакций, а также изучения теории эмоциональной регуляции. В рамках данного направления отечественными и зарубежными учеными проведен целый цикл экспериментальных исследований по изучению феноменологической сущности и структурного содержания эмоций; поиску факторов, моделей, механизмов и индикаторов их регуляции, контроля и управления.

Указания на необходимость изучения и формирования способностей эмоционально компетентного поведения наравне с другими социально-значимыми качествами личности прослеживаются в работах А. Маслоу, А. Бандуры, К. Роджерса. В работах авторов подчёркивается идея возможности формирования умений эффективного управления своим поведением в соответствии со знанием социальных и индивидуальных особенностей своей жизни.

Несмотря на имеющийся практический интерес специалистов на разных исторических этапах развития общества, активное научное исследование данной проблемы началось сравнительно недавно. Идея эмоционального интеллекта впервые была предложена и разработана в 1990 году Джоном Мэйером (Mayer J.D.) и Питером Сэловеем (Salovey P.). В работах авторов эмоциональный интеллект понимается как вид социального интеллекта, направленный на анализ эмоциональной информации, обеспечивающей успешное понимание эмоций, их распознавание и использование для направления мышления и действий. В структуре эмоционального интеллекта в качестве основополагающих учёные выделяли следующие способности: 1) возможность оценки и экспрессивного

выражения эмоций; 2) эмоциональные знания, способствующие пониманию и регуляции эмоций, 3) способность использовать эмоции для направления мышления и действий. По мнению авторов, представленный перечень эмоциональных способностей оказывает прямое влияние на эффективность и результативность деятельности человека, содействует эмоциональному и интеллектуальному росту личности.

Е.Д. Огурцова (2016) под эмоциональным интеллектом понимает чётко определяемую и измеряемую способность перерабатывать информацию, содержащуюся в эмоциях, определять значение эмоций, их связи друг с другом, использовать эмоциональную информацию в качестве основы для мышления и принятия решений. В структуре эмоционального интеллекта автор выделяет следующие способности: 1) распознавание собственных эмоциональных реакций; 2) умение владеть эмоциональными реакциями; 3) самомотивация; 4) понимание эмоциональных реакций других людей.

Анализ теоретических подходов к пониманию сущности эмоционального интеллекта позволяет говорить о том, что в качестве «смыслового стержня» данного понятия большинством исследователей рассматриваются различные аспекты эмоциональной грамотности человека, его эмоциональной зрелости. Наличие эмоциональной зрелости, в свою очередь, гарантирует сформированность определённых интегративных качеств личности, ее эмоциональных способностей и определённый уровень её адаптации к социальному окружению. Не вызывает сомнения, что социальная адаптация личности во многом определяется уровнем сформированности эмоциональной компетентности, раскрывающейся в обобщённом комплексе способностей управления эмоциональным реагированием в различных ситуациях социального взаимодействия.

Понимание эмоциональной компетентности как сложной прижизненно развивающейся системы строится на фундаменте теоретико-методологических идей и положений Л.С. Выготского, 1983; А.В. Запорожца, 1985; Б.В. Зейгарник, 1989; А.Н. Леонтьева, 1975; С.Л. Рубинштейна, 1946 и других. В рассматриваемых учениях подчеркивается детерминирующая роль социальной опосредованности в становлении психологических механизмов эмоциональной регуляции поведения, характеризующих поведение субъекта с точки зрения его разумности, сознательности, критичности, контролируемости и управляемости – выступающих показателем общей психической, эмоциональной и личностной зрелости. В русле данных теоретических положений, решающее значение в становлении способностей эмоциональной регуляции поведения отводится *процессам научения*, результатом которого является формирование эмоциональной грамотности личности.

На необходимость развития эмоциональной составляющей личности указывали многие ученые. Великий педагог И.Г. Песталоцци (1782) отмечал: «Самое главное – это научить детей владеть своими чувствами ...». Знаменитый просветитель XVIII в. Ж.-Ж. Руссо писал: «Страдание – это первая вещь, которой ребёнок должен научиться, и это умение ему понадобится больше всего... Необходимо снабдить ребёнка средствами, которые позволили бы ему управлять своими эмоциями, научить выходить из такого рода переживаний, направляя и переключая их на определённые действия, дела, занятия» [11, с. 75]. Интерпретируя высказывание Ж.-Ж. Руссо, можно полагать, что под «средствами управления эмоциями» учёным понимается интегративный комплекс умений, способностей личностно-значимых и социально-востребованных, которые необходимо целенаправленно формировать в детском возрасте, поскольку эти способности «понадобятся больше всего» в жизни. По своей сути, речь идёт о социально значимых компетенциях эмоционального реагирования, необходимых каждому человеку для его общего соматического и психологического благополучия, полноценного функционирования в обществе и успешной социализации.

В работе «Воспитание эмоционального поведения» Л.С. Выготский говорил о необходимости регулировать становление эмоционально-чувственной сферы детей средствами организации образовательной среды. В качестве основного условия для реализации управления эмоциональным реагированием он определял воспитательный процесс: «Эмоциональные реакции оказывают существенное влияние на все формы нашего поведения и моменты воспитательного процесса. ... Что касается воспитания эмоций в собственном смысле этого слова, то насущной педагогической задачей является овладение эмоциями, т.е. такое включение их в общую сеть поведения, когда бы они тесно связались со всеми другими сторонами психики...» [6, с. 107].

На важность эмоциональной регуляции в развитии ребёнка указывал С.Л. Рубинштейн: «Развитие эмоций неразрывно связано с развитием личности в целом... эмоции не развиваются сами по себе..., поэтому основная задача заключается в том, чтобы надлежащим образом их направлять и регулировать через деятельность, в которой они проявляются и формируются» [10, с. 585–586]. Учёный подчеркивает не только необходимость сопровождения процесса становления эмоциональной регуляции поведения, но и указывает на возможность формирования данных способностей только в процессе преобразующей деятельности путем самостоятельного накопления персонального практического опыта.

На необходимость целенаправленного формирования способностей личности управлять своим эмоциональным реагированием указывали многие

отечественные и зарубежные ученые, определяя для этого разные условия, средства и механизмы. Проанализированные работы позволяют рассматривать эмоциональную компетентность как группу интегративных способностей эмоциональной грамотности личности, формирующихся в процессе индивидуальной жизни человека и раскрывающихся в умениях регуляции, контроля и управления своим эмоциональным реагированием в различных видах практической деятельности и социального взаимодействия. Зрелая эмоциональность личности и способность управления своим эмоциональным реагированием являются одним из важнейших условий эффективной ориентации человека в мире, его адаптации в социуме и успешной социализации в условиях современного общества.

Библиографический список:

1. Андреева И.Н. Структура и типология эмоционального интеллекта: автореферат дис. ... на соискание уч. степ. доктора психол. наук. Минск, 2017.
2. Верхотурова Н.Ю. Формирование умений управления эмоциональным реагированием младших школьников с нарушением интеллектуального развития: монография/ Краснояр. гос. пед. ун-т им. В.П. Астафьева. Красноярск, 2012. 208 с.
3. Верхотурова Н.Ю. Эмоциональное реагирование: функции, компоненты, характеристики, проблемы и перспективы исследования//Вестник российского университета дружбы народов: научный журнал. Серия Психология и педагогика. Москва, 2012. № 1. С. 94–99.
4. Верхотурова Н.Ю. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии: предпосылки и перспективы исследования // В сборнике: Диада майских конференций – 2021. Сборник содержит материалы IV Всероссийской научно-практической конференции «Власть, бизнес, образование: шаг в будущее» и II Международной научно-практической конференции «Искусственный интеллект: техногенность против социальности», 2021, СФУ – Красноярск, – С. 43–52.
5. Верхотурова Н.Ю., Бардецкая Я.В. Психология и психофизиология эмоций: учебное пособие/ под ред. Н.Ю. Верхотуровой – Краснояр. гос. пед. ун-т им. В.П. Астафьева. – Красноярск, 2021. – 376 с.
6. Выготский, Л.С. Педагогическая психология/ под ред. В.В. Давыдова. – М.: Педагогика-Пресс, 1999. – 536 с.
7. Манянина Т.В. Эмоциональный интеллект в структуре психологической культуры личности: автореферат дис. ... на соискание уч. степ. канд. психол. наук. Томск, 2010.
8. Рубинштейн, С.Л. Основы общей психологии. СПб.: ЗАО Изд-во «Питер», 1999. С. 585–586.
9. Руссо Ж.- Ж. Педагогические сочинения. – М., 1981, Т.1. С. 75.
10. Verkhoturova N.Y. Competence-based approach: prerequisites and prospects for studying the mechanisms of managing the emotional response of schoolchildren. E3S Web of Conferences, 284, 09014 (2021). DOI: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202128409014>

11. Mayer J.D. The intelligence of emotional intelligence / J.D. Mayer, P. Salovey // Intelligence. N.Y. 1993. P. 433–442.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КУРСАНТОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

Вагина Е.В. – доцент, кандидат психологических наук, ведущий научный сотрудник научно-исследовательской лаборатории по подготовке войск Киевского института Национальной гвардии Украины, г. Киев

Аннотация: В статье представлены результаты теоретического анализа проблемы формирования культуры межличностных взаимоотношений курсантов. Рассматриваются понятия «личность», «культура», «межличностные отношения».

Annotation. The article presents the results of theoretical analysis of the problem of forming the culture of interpersonal relationships of military students. The concepts of "personality", "culture", "interpersonal relationships" are considered.

В настоящее время культура межличностных отношений как личностное образование стало социальным заказом общества и является не только результатом воспитания, но и условием подготовки будущего специалиста. Выпускник, получивший высшее образование должен обладать профессиональными навыками и умениями и иметь высокую культуру межличностных отношений, которая является основой культуры делового общения, культуры межличностного общения. Основой всех этих культур является важное отношение к человеку в соответствии с общечеловеческими ценностями.

Рассматривая проблему культуры межличностных отношений следует обратиться к таким понятиям как «личность», «культура», «межличностные взаимоотношения».

В психологии нет единственного, общепринятого значения термина — личность. Однако можно выделить общие моменты понимания личности в психологии, отраженные в большинстве теорий, а именно: Личность формируется, существует и раскрывается в системе взаимоотношений с другими людьми и в деятельности. Одинаковые психологические качества могут встречаться у многих людей, но их сочетание всегда носит уникальный характер. Личность рассматривается как сочетание устойчивых качеств (черт), проявляющихся вне зависимости от ситуаций [1, с.10-11], благодаря которым человек становится членом общества, представителем своего народа. Показателями сформированности личности в человеке являются духовность, нравственность, творческие способности и развитие самосознания. Эти качества обеспечивают человеку свободу и субъективность как внутреннее состояние. Человек может быть инстинктивным, а личность всегда целенаправленна.

Исследователи, определяя «культуру» в широком смысле, говорят о совокупности материальных и духовных ценностей, созданных человечеством в процессе общественно-исторической практики, характеризующих исторически достигнутую степень в развитии общества [2, с.12]. Данное определение позволяет утверждать, что культура межличностных отношений отражает степень развития человека.

Следует отметить, что общая культура офицера предусматривает ряд норм, формирующихся в процессе социализации: в семье, на улице, в школе, в военном учебном заведении, на службе и в быту.

Этическими нормами в современном украинском обществе, в войсках национальной гвардии следует считать:

- вежливые отношения между военнослужащими;
- тактичность в общении с командирами и подчиненными;
- скромность;
- учет в своей деятельности в интересах других людей;
- стремление придерживаться положительных примеров в служебных и личных отношениях;
- дружба, готовность прийти на помощь;
- уважительное отношение к другим людям.

Межличностные отношения (синоним — взаимоотношения) — это субъективно переживаемые (эмоционально насыщенные) взаимосвязи между людьми, объективно проявляющиеся в содержании, специфике и способах влияний их друг на друга в ходе взаимодействия и общения. Через межличностные отношения и общение люди опосредованно включены в систему общественных отношений. Межличностным отношениям присущи определенные особенности: они не только оказывают воздействие на людей и все процессы, в которых те участвуют, но и находятся в зависимости: а) от конкретных ситуаций, условий и специфики самого взаимодействия; б) от конкретных индивидов, между которыми они возникают; в) от характера и способов взаимных влияний этих индивидов; г) от психологических характеристик социальных групп, в которые люди включены и от процессов, которые в этих группах имеют место. [3, с.84].

Таким образом, межличностные отношения отличаются от отношения к предметам, вещам, отношению к себе и акцентируют внимание на эмоционально-чувственном аспекте взаимодействия между людьми, персональной зависимости контактирующих, а также их взаимной ответственности за сложившиеся взаимоотношения. Следовательно, под культурой межличностных отношений курсантов нужно понимать компонент общей культуры личности, который обусловлен личностными особенностями, и предполагает ценностные ориентации, знания, умения, что позволяет самостоятельно выбирать и использовать средства

для эффективного взаимодействия с целью качественного выполнения своих служебных обязанностей.

Культуру межличностных отношений личность приобретает в процессе получения знаний и правил об установках, которые приняты в обществах для взаимодействия в этом обществе. После принятия этих знаний, внешние знания становятся внутренними ценностными установками, эталонами поведения и системой убеждений, на основе которых личность осознает свою роль в конкретном социуме и строит свое поведение.

Процесс формирования культуры межличностных отношений курсантов является целенаправленным учебно-воспитательным процессом в образовательном пространстве военной образовательной организации с учетом специфического содержания и технологий образования. Этот процесс обеспечивает приобретение ценностей, знаний, умений, норм деятельности и взаимодействия для их дальнейшего применения в повседневной профессиональной деятельности, а также приобретение личного положительного коммуникативного опыта и рефлексии образцов взаимодействия с другими людьми в разных ситуациях [4; 5].

В процессе развития культуры межличностных отношений курсантов важную роль играет личный пример офицера-воспитателя и его авторитет. Метод примера представляет собой влияние на личность и военные коллективы силой личного целенаправленного поведения, который является образцом для подражания. Метод примера можно считать методом формирования и развития культуры общения будущих офицеров.

Важное значение имеют в решении задач развития культуры межличностных взаимоотношений курсантов такие традиционные методы как лекция, беседа, тренинги, групповые дискуссии.

Метод групповых дискуссий и многие другие способствуют высокой эффективности приобретения будущими офицерами знаний в области культуры общения. Использование тренинговых методов позволяет активизировать процесс формирования культуры служебного общения, формирование у будущих офицеров практических навыков и умений поведения в различных профессиональных ситуациях, способствующих развитию самопознания, самосовершенствования, что позволяет им работать над собой не только в аудитории во время тренинга, но и самостоятельно.

В рамках тренингов делового общения могут быть сформированы следующие умения и навыки:

- навыки самопрезентации;
- навыки презентации профессиональных идей;
- навыки командного взаимодействия;
- умение работать с возражениями;

- умение убеждать;
- умение вести переговоры;
- умение регулировать эмоциональное напряжение, возникающее в ходе беседы.

Согласно традициям исследования в психологической науке, мы рассматриваем феномен культуры межличностных взаимоотношений курсантов как совокупность таких компонентов – когнитивного, эмоционального и регулятивного [2].

Теоретический анализ культуры межличностных отношений как части общей культуры личности, обусловленной личностными особенностями (знание, умение, ценности, ценностные ориентации), позволяющие самостоятельно выбирать и использовать средства для установления эффективного взаимодействия с целью качественного выполнения своих служебных обязанностей, будет в полной мере способствовать разработке модели формирования этой культуры. Теоретические знания и практические навыки позволят обеспечить выполнение профессиональных функций на высоком уровне общей культуры, а также улучшить атмосферу психологического климата в коллективе, что необходимо для выполнения служебных обязанностей с целью обеспечения национальной безопасности Украины. [6, с.73].

Таким образом, культура межличностных взаимоотношений курсантов в учебном процессе является компонентом общей культуры личности, обусловленной личностными особенностями и предполагающими ценностные ориентации, знания, умения, которые позволяют самостоятельно выбирать и использовать средства для эффективного взаимодействия с целью качественного выполнения своих служебных обязанностей.

Процесс формирования культуры межличностных отношений курсантов в учебном процессе является целенаправленным учебно-воспитательным процессом в образовательном пространстве военной образовательной организации с учетом специфического содержания и технологий образования. Данный процесс обеспечивает приобретение ценностей, знаний, умений, а также норм деятельности и взаимодействия для их дальнейшего применения в повседневной профессиональной деятельности, и приобретение личного положительного коммуникативного опыта и рефлексии образцов взаимодействия с другими людьми в разных ситуациях.

Библиографический список.

1. Иванова А. Ю. Психология личности: учебное пособие для студентов вузов / А. Ю. Иванова, М. В. Малышкина; С.-Петербург. ун-т технол. упр. и экон. — СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета технологий управления и экономики, 2018. — 260 с. : ил. С. 10-11.

2. Тарасов М. В. Социально-психологические условия развития культуры межличностных отношений курсантов в ходе учебно - воспитательного процесса : дис. . канд. психол. наук : 19.00.05. М. 2002. 211 с. С.12.
3. Королева О. А. Влияние межличностных отношений на стремление к карьерному росту сотрудников в организации (трудовом коллективе) : дис. . канд. психол. наук : 19.00.05. 2014. 170 с. С.84.
4. Галкин М. С. Новый путь современного офицера. М. : Военный университет, 2000. 370 с.
5. Иванова В. И. Формирование культуры делового общения будущих офицеров : дис. канд. пед. наук : 13.00.08. 1998. 184 с.
6. Вагіна О.В. Соціально-психологічна сутність культури міжособистісних взаємин курсантів. Теоретичні і прикладні проблеми психології №3(53) 2020 т.2. Східноукраїнський національний університет імені Володимира Даля. С. 73.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛАДА ФАРЗАНДЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Дўстмухаммедова Ш.А. – психология фанлари номзоди, доцент

Арабов И. – Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

Аннотация. В этой статье обсуждается мнение восточных мыслителей о том, что родители несут основную ответственность за воспитание детей. Было отмечено, что воспитание детей, в первую очередь, наших национальных и религиозных обычаев и традиций, а также рекомендации наших мыслителей прошлого принесут положительные результаты. Широко освещены научные, философские и психологические взгляды наших ученых в этой области.

Annotation. This article discusses the views of Eastern thinkers that parents are primarily responsible for the education of children. It was noted that the education of children, first of all, our national and religious customs and traditions, as well as the recommendations of our thinkers of the past, will bring positive results. The scientific, philosophical and psychological views of our scientists in this area are widely covered.

Оила авлоддан-авлодга ўтадиган маданий қадриятлар, хусусан халқнинг маданий мероси, ахлоқий қарашларининг эгаси ҳисобланади. У турли хил ўзаро фарқланувчи кишилардан иборат ижтимоий гуруҳ, боланинг илк ижтимоий муносабатларга киришадиган масканидир.

Барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболлини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни ўрганиб келган. Халқ оғзаки ижодиётининг ўзига хос жанрлари бўлган мақол, матал, эртак, нақл, ҳикматли сўзлар ва ибораларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаёт масалаларигача ўз иникосини тошган.

Ўзбек халқи – болажон халқлиги боис, бугунги кунда ҳам оилада камида

икки-уч фарзанднинг бўлиши табиий ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, узок ўтмишдан халқимиз ота-она ва фарзанд муносабатларидан кейинги ўринда, ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатларига алоҳида эътибор бериб келган. Оилада фарзандлар ўртасида илиқ муносабатлар бўлиши ва сакланиб қолиниши учун аждодларимиз ёзма ва оғзаки ижод намуналаридан ҳам кенг фойдаланган. Жумладан, “Онанинг кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут”, “Ота – хазина, ака-ука таянч”, “Беш қўлим пасту баланд, бешови асалу қанд”, “Оға-ини тотув бўлса, от кўп, опа-сингил тотув бўлса ош кўп”, “Оға-ини аразли бўлса ҳам, ғаразли бўлмас⁵” каби мақоллар қондошликнинг инсон ҳаётидаги ўрнини кўрсатиш билан бир қаторда, фарзандларни ўзаро аҳилликка, ҳамкорликка, биродарликка, меҳр-оқибатли бўлишга чорлаган. Зеро, инсоний ғоялар руҳида тарбияланган фарзанд нафақат оиласи тинчлиги ва барқарорлиги, балки бутун жамият саодати учун ҳам курашувчи бўлади.

Аждодларимизнинг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, маънавияти ва кадрларларида ўз таъсирини қолдирган зардуштийлик динида ҳам жамиятнинг илк куртаги бўлмиш оила муносабатларига катта аҳамият қаратилган. Хусусан, “Авесто”да ака-сингил ўртасидаги меҳр-оқибат, акалик масъулияти ҳақида гапирилиб, шундай дейилади: “Дон экилган буғдойзорни босиб ўтиш фақат бир киши учун – синглисини кўргани бораётган ака учун кечирилади⁶”. Келтириб ўтилган мисоллардан кўриниб турибдики, халқимизда қадим-қадимдан ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги меҳр-оқибат, эзгу муносабатлар юксак кадрият саналган.

Муҳаддислар ичида энг машҳури, ислом оламининг ифтихори – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий асарларида оилада фарзандларни меҳр билан тарбиялаш ва уларга бир хилда муносабатда бўлиш масалаларига қуйидаги ҳадиси шарифлар келтирилган: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз ҳузурларида ал-Акраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганда Хасан ибн Алини ўптилар. Шунда у: Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ”, деди. Бас, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга назар солдилар ва: “Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас⁷”,- дедилар.

Шарқ мутафаккирларидан саналмиш Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўплаб алломаларимизнинг оила ва ундаги шахслараро муносабатлар,

⁵ Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 271 бет, 318-319 бетлар.

⁶ Ҳасанов С. “Хоразм маърифати-олам кўзгуси” Тошкент: 1996, 47бет.

⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис: 4-китоб.– Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.–528 б. Б 85.

айниқса фарзандлар тарбияси хусусидаги қимматли фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам катта ижтимоий, мафкуравий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Буюк олим Абу Наср Форобий “Мантиққа кириш”, “Ақл тўғрисида”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фозил шаҳар одамларининг қарашлари”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” каби 160 дан ортиқ қимматли асарларида шахслараро муносабатларга алоҳида тўхталган.

Форобий: “Бахт-саодатга эришув ҳақида” рисоласида ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу, у ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувига ва улар билан бирлашишга муҳтож ва мажбурдир”, дейди. Бу билан аллома кишилар ўртасида оға-инилик, иноқлик, биродарлик ва ҳамдамлик муносабатлари – эл-юрт тинчлиги, жамият равнақи, инсон камолоти учун ғоят зарур омиллардан бири эканлигини таъкидламоқда деган хулосага келиш мумкин. Бунда оилада камолга етаётган фарзандларнинг ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиш, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик каби сифатларни болада тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк тафаккур эгаси, ғарбда “Авиценна” номи ила кенг шуҳрат қозонган олим – Абу Али ибн Синонинг оилавий муносабатлар масалаларига оид қарашлари ҳам ўзига хослиги билан фарқланиб туради. Унинг “Китоб ал-қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари китоби”), “Донишнома”(Билим китоби”), “Рисолаи ишқи”, “Ахлоқ ҳақидаги рисола”, “Уй хўжалиги”, “Ахд рисоласи” каби қатор асарларида табобат масалалари қаторида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларига доир қимматли мулоҳазалар ҳам келтириб ўтилган. “Оилада фарзандлар ахлоқининг шаклланишига, - дейди ибн Сино, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишлари ижобий таъсир кўрсатади⁸”. Аллома оналарга бола тарбиясини турли шароитда маълум изчиллик ва тартиб билан олиб бориш ҳақида маслаҳатлар бериб, шу билан бирга у оталарнинг ҳам бурч ва вазифаларини белгилаб беради. Ибн Синонинг фикрича, эркак киши оиланинг бошлиғи бўлгани учун, у оиланинг энг зарур талабларини бажариши лозим, нимаики ваъда қилган бўлса, ўз ваъдаси устидан чиқиши шарт. Ибн Синонинг таъкидлашича, ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга, истамаганини узоклатишга тайёр туриш керак. Мақсадга эришиш учун ўрни билан болаларни мақташ, жоиз топилса жазолаш ҳам кераклигини кўрсатиб ўтади. Ибн Сино бола тарбиясида умуминсоний тамойилларнинг қўлланишини ёқлаб чиқиб, ота-оналар болаларини шахсий ибратлари орқали вояга етказишлари кераклигини уқтиради. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, барибир, бола тарбияси учун

⁸ Мунавваров А.К. ‘‘Оила педагогикаси’’ Тошкент: 1994. 44бет.

масъулдирлар, жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар, бола тарбияси уларнинг бирламчи вазифасидир⁹, - деб ёзади аллома.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб - “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) китобида илм-маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, оила ва оилавий муносабатлар ҳақидаги кенг қамровли қарашлар ва таълимотлар ўз аксини топган. Унинг фикрича, инсон учун буюк бахт бу фарзанд кўриш ва унга тарбия беришдир. Фарзанд тарбияси ҳар бир ота-онага жуда катта масъулият юклайди. Ота-она, айниқса, ота оилада фарзанд тарбиясига эътибор бермоғи лозимлиги ҳақида аллома ўз асарига таъкидлаб, шундай дейди: “Ота болани назорат қилиб, (турли хунарлар) ўргатиб ўстирса, (Улар) улғайгач ўғил қизим (бор) деб, севинади¹⁰”. Фарзандларни яхши тарбия қилмоқ ҳар бир ота-онанинг ҳам қарзи, ҳам фарзи эканлиги асарда кенг ёритилган.

Миллий маънавиятимиз даҳоси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий асарларида оила ва ундаги шахслараро муносабатлар ҳақидаги фикрларининг умуминсоний аҳамиятга эга бўлган муҳим жиҳатларидан бири – фарзандлар томонидан ота-оналарни ҳурмат қилишлари ҳақидаги масаладир. У ота-она хизматини бажо келтириш, улардан бирини иккинчисидан ортиқ - кам билмаслик фарзандлар учун саодат келтиришини алоҳида таъкидлаб шундай дейди: “Тарбиянинг яна бири ота-онани ҳурмат қилиш, буни бажариш унинг (фарзанд)учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил¹¹”.

Фарзанд тарбиясида эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳамда айна шу борасидаги муаммолар ечими ҳақида психолог Торик Ҳабиб савол-жавоб шаклида қуйидаги фикрларни билдириб ўтган:

Фарзандингиз ёлғон гапиряптими? Демак, сиз уни қаттиқ назорат остига олгансиз! Фарзандингиз ўзига ишонмаяптими? Демак, сиз уни руҳлантирмас экансиз! Фарзандингиз яхши гапиролмаяптими? Демак, сиз у билан суҳбатлашмас экансиз! Фарзандингиз ўғрилиқ қиялптимиз? Демак, сиз унга совғасалом бермаётган экансиз! Фарзандингиз кўрқоқми? Демак, сиз уни кўп ҳимоя қиларкансиз! Фарзандингиз бошқаларни ҳурмат қилмаяптими? Демак, сиз унинг ёнида овозингизни пасайтирмас экансиз! Фарзандингиз доим қовоғи осилганми? Демак, сиз уни мақтамас экансиз! Фарзандингиз қизғанчиқми? Демак, сиз у билан ўзаро ҳамкорлик қилмас экансиз! Фарзандингиз бошқаларга нисбатан тажовуз қиялптимиз? Демак, сиз унга нисбатан кўпол муносабатда бўлар экансиз! Фарзандингиз заифми? Демак, сиз унга кўп дўқ-пўписа қилар экансиз!

⁹ Мунавваров А.К. “Оила педагогикаси” Тошкент: 1994. 44бет.

¹⁰ “Қутадғу билиг” Юсуф Хос Ҳожиб Тошкент: 1989. 97 бет.

¹¹ Бобоев Х. Ғофуров З. “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти” Тошкент: Янги аср авлоди 2001. 278 бет

Фарзандингиз сизни қизғаяптими? Демак, сиз унга нисбатан безътибор экансиз! Фарзандингиз сизни безовта қилиб, тинчингизни бузаяптими? Демак, сиз уни бағрингизга босиб, юзларидан ўпмас экансиз! Фарзандингиз сизга бўйсунмаяптими? Демак, сиз ундан кўп нарса талаб қиларкансиз! Фарзандингиз одамови бўлиб қолганми? Демак, сиз ўзингиз билан ўзингиз овора экансиз!¹²

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан бундай мисолларни узок давом эттириш мумкин. Кўриниб турибдики, оила ва унинг атрофидаги муаммолар масаласига Шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари алоҳида эътибор билан қараганлар. Уларнинг асарларида оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, оиланинг тинчлиги ва фаровонлигини белгиловчи муҳим миллий-маданий ва миллий-психологик омиллар кўрсатиб ўтилган. Айниқса, оиланинг асосини ташкил этувчи ота ва онада юксак инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, уларнинг оилавий бурч ва вазифаларини садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримли бўлишлари оилада тарбия топаётган фарзандлар камолини белгиловчи энг муҳим қадрият сифатида эъзозланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек халқ мақоллари.Т.: Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 271 бет, 318-319 бетлар.
2. Ҳасанов С. “Хоразм маърифати-олам кўзгуси” Тошкент: 1996, 47 бет.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис: 4-китоб.– Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1997. – 528 б. Б 85.

ТУТИНГАН ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎЗARO МОСЛАШУВЧАНЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Исламова Д. Б. - СамДУ Ўз.Фин.институти мустақил изланувчи,

Аннотация: В статье освещены социально-психологические аспекты психологической адаптации семьи и детей.

Annotation:The article highlights the socio-psychological aspects of the psychological adaptation of families and children.

Республикаимиз жадал ривожланиш босқичига ўтган бир даврда ота-она қаровисиз қолган болаларга бўлган эътибор, уларни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш учун Президентимиз томонидан 2021 йил 9 августда ПҚ-5216-сонли¹³ қарорнинг қабул қилиниши халқимиз томонидан юксак эътибор сифатида қабул қилинди. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш

¹² Бахтли ҳаёт сари. Зиёвуддин Раҳим. Тошкент: 2019. Электрон нусха 63-бет.

¹³ <https://lex.uz/ru/docs/5569689>

мақсадида қуйидаги шарт-шароитларни яратиш учун кенг имконият яратилди ва халқимиз менталитетига хос болажонлик, меҳрибонлик ниҳоят ўз тасдиғини топди.

Шунга кўра, 2021 йил 15 августдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилди:

-ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартиралар уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватигача ажратилади;

-етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун квартиралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кўчмас мулкнинг бирламчи бозоридаги шаҳар ва туманларда қурилган кўп квартиралар уй-жойлардан харид қилинади;

-тегишли туман (шаҳар)да кўчмас мулк бирламчи бозорида мазкур бандда назарда тутилган мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий «Халқпарвар» комиссиялари ҳулосасига асосан квартиралар кўчмас мулкнинг иккиламчи бозоридан тегишли мезонларга мувофиқ ҳолда харид қилинади;

-етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлаш «онлайн-навбат» тизими асосида амалга оширилади, бунда мазкур навбатга ўзгартириш киритилишига ҳамда навбатидан олдин кейинги навбатдаги болаларга уй-жой ажратилишига йўл қўйилмайди;

-Халқ таълими вазирлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланиши ҳолати ҳақидаги ҳар ойда янгиланадиган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

Шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олаётган ва тарбия қилаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида:

-етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ота-оналарининг яқин қариндошларига ушбу болаларни навбатсиз фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилди;

-2021 йил 1 сентябрдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг ташаббуси билан, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган «Ижтимоий ҳимоя

ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида моддий ёрдам пули тўлаш амалиёти жорий этилди;

-2021 йил 1 сентябрдан кейин ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоригача етказилади;

-етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни фарзандликка ёки васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган фуқароларга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Президент қарорини амалиётга жорий этиш мақсадида олиб бораётган илмий изланишларимиз натижаларига кўра, ижтимоий психологик жиҳатдан ота-оналар ва болаларнинг оилага ўзаро мослашувчанлигини таминлаш мақсадида қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Агар тутинган ота-оналар бирор-бир болани танлаш босқичида бўлсалар, унда боланинг ўзи ва ўтмиши тўғрисида имкон қадар кўпроқ билиб олишлари керак. Қанчалик кўп маълумот тўплай олсалар, уларда оилавий ҳаётни ижобий мулоқотдан бошлашларига шунчалик кўп имкон туғилади ва улар ота-она ролида ўзларини ишончли ҳис қиладилар. Албатта, боланинг ҳаёти тўғрисидаги барча маълумотларни била олмайсиз, аммо олиш мумкин бўлган маълумотлардан фойдалангансиз, бу юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан билиш ва уларни ҳал этишга тайёрланишда ёрдам беради.

Боланинг тарбиячиси, ижтимоий ишчи ҳамда Болалар уйи (Меҳрибонлик уйи) директори билан, албатта суҳбатлашиб, улардан қуйидагиларни сўраб олишингиз зарур:

- * боланинг қондош оиласи тўғрисида;
- * яқин инсонлари тўғрисида; (ака-ука, опа-сингил, бува, бувилари, бошқа қариндошлари ва ҳоказо);
- * бола қариндошларидан бирортаси билан мулоқотда бўладими;
- * бола аввал қаерда яшаган ва унга ким ғамхўрлик қилган;
- * тиббий омиллар тўғрисида – аллергияси, эмланганлиги, стоматологик кўрсаткичлари, касалхонада даволанганлиги ва ҳоказо;
- * боланинг бирор-бир эҳтиёжлари, қийинчиликлари, хавотирлари борми;
- * Меҳрибонлик уйи ёки Болалар уйида ўзини қандай тутди;

- * боланинг сеvimли уйинлари, китоблари, ўйинчоқлари, бошқа қизиқишлари борми;
- * боланинг алоҳида қобилиятлари, малакаси, истеъдоди, қизиқишлари борми;
- * боланинг ҳозирги вақтдаги ютуқлари қандай;
- * боланинг сеvimли (ёқтирмаган) таомлари қайсилар;
- * болада уйқу, ухлашда ётиш ёки уйғонишида муаммолари борми;
- * болага кўпроқ қандай муомала ёки уни қай тарзда юпатишлари ёқади;
- * бола хафа бўлган, жаҳли чиққан ёки кўрққан вақтида ўзини қандай тутлади;
- * бола ўз ўзига хизмат кўрсатишнинг қандай малакаларига эга (ювиниш, кийиниш ва ҳоказо);
- * сиз билган ёки танийдиган мактабгача таълим муассасаси, мактаб ёки психологнинг бирор-бир ёзма тавсифномаси мавжудми.

Танишув босқичида Сиз бола билан биринчи бор Болалар уйида ёки Мехрибонлик уйларида учрашишингизга тўғри келади. Шу пайт, албатта, турли хиссиётларни бошдан кечирасиз – қувонч, хавотир ва балки жуда қисқа вақтда боланинг ўз оилангиз аъзосига айланишини тасаввур қилиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, бола ҳам сиз каби мана шундай зиддиятли кечинмаларни ҳис қилишини, нотаниш инсон олдида уялиши ва кўрқишини эсда тутиш зарур. Биринчи учрашувлар ўзаро ишончли муносабатлар юзага келиши учун жуда муҳим ҳисобланади. Агар болага уз уйингиз, қариндошларингиз, уй ҳайвонларингиз ва шу кабиларни фотосуратларини кўрсатсангиз, у ўзини эркинроқ ҳис қилиши мумкин. Бу ҳаракатлар бола учун кутилаётган кўчиб ўтишни хавотирсиз ва янада ёқимлироқ бўлишини таъминлайди. Шу вақт давомида бола оилангизнинг барча аъзолари билан танишиб олиши ва улар ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлиши керак. Агар ўзингиз билан совға олиб келмокчи бўлсангиз, унда бу конфетлар ёки гуруҳдаги барча болалар билан бўлишиш осон бўлган нимадир бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бу жараённинг яна бир муҳим томони – оила аъзоларини боланинг келишига тайёрлашдан иборат. Болани олиб келиш олдидан ўз яқинларингиз билан гаплашиб, ҳар томонлама маслаҳатлашиб олинг, ушбу ҳодисага нисбатан ўз муносабатларини билдиришларига имкон беринг. Иложи борича уларнинг барча саволларига жавоб қайтаришга, муносабат билдиришга ҳаракат қилинг. Уларда ҳам ўзингизда ҳам болага нисбатан умидларингиз жуда ошириб юборилган бўлиши мумкин, бунга ҳам эътиборли бўлиш зарур.

Бола ва оила аъзолари ўртасида олдиндан ишончли муносабатларни юзага келтириш, қувончли туйғуларга асосланган барқарор ҳолатни яратиш жуда муҳим. Буларни бола уйга келишидан бошлаб юзага келтириш мумкин. Болага уйнинг, оила аъзоларининг, уй жойлашган манзил ва уйда мавжуд бўлган ҳайвонларнинг

фотосуратини, уйдагиларга эса – бўлажак меҳмоннинг фотосуратини кўрсатиш ва у билан яқинроқ танишиш янада яхши натижаларни беради.

Тутинган болани уйга келишидан олдин амалга оширилиши керак бўлган ишлар:

1. Бола учун қулай, алоҳида ухлаш хонасини тайёрлаш. Агарда бола тунда тўшагини ҳўллаб қўядиган бўлса, бу жиддий муаммо: тушак учун пастлик чойшаб ва алмаштириш учун ўрин-кўрпага эга бўлиши зарур.

2. Бола шахсий гигиенаси учун шампун, совин, сочиқ, тиш чўтқаси, тиш ювиш пастаси ва оғиз чайиш учун стакан, дезодорантлар ва шу кабиларни тайёрлаш лозим.

3. Бола ўйнаши учун унинг учун аҳамиятли болалар уйинчоқлари, уйинлар, бола ёшига тўғри келадиган велосипед ва бошқалар мавжуд бўлиши зарур. Рангли қаламлар, қоғоз, чизиш қуроллари, расмли китоблар бўлгани яна ҳам яхши. Агар болани ўйнаш имконияти чекланган бўлса, унда сизнинг вазифангиз – тегишли уйинларни топиш ҳисобланади. Ўз уйингизни “болаларга дўстона уй” тушунчасига мослик нуқтаи назаридан баҳоланг.

4. Овқатланиш: болани уйингизга олиб келишдан аввал у Меҳрибонлик уйида қандай таомларни истеъмол қилишга одатланганлиги билиб олинг ва биринчи кунлардан бошлаб ўзингизнинг ошпазлик маҳоратингиз билан қойил қолдиришга ҳаракат қилинг, чунки барча болалар ҳам уйда тайёрланадиган таомларга тез кўникиб кетмайдилар. Бундан ташқари, уйда оддий таом тайёрлашга имкон берадиган энгил маҳсулотлар бўлиши керак. Масалан, тезликда нонушта тайёрлашга имкон берадиган шоколадли крем, мева шарбатлари, мурабболар, сариёғ, тухум ва нон.

Бола сизнинг оилангизга кўникиши учун унга қуйидагича ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир:

- биргаликдаги уйинлар ва бола билан севимли машғулотларини ташкил этиш;
- биргаликда уй юмушлари бажариш;
- уни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар уюштириш;
- боланинг сўзларини тинглаш, унинг муаммоларини тушуниш, унинг қизиқишларини билиб олиш (улар сизга қанчалик арзимасдек туюлса ҳам бола учун барчаси муҳим бўлади);
- хафа бўлганида уни қўллаб қувватлаш, ўзини ёмон ҳис қилганида ёки бетоб бўлганида туғишганлардек парвариш қилиш.

Кўчиб ўтишнинг ижтимоий-этник ва тарбиявий-психологик жиҳатлари. Меҳрибонлик ва Болалар уйларида яшаган болалар қатъий кун тартибига одатланган бўладилар: эрталаб туриш, таом истеъмол қилиш, уйин ёки ўқиш, дам олиш жадвали ва шу кабилар. Бола оилага келганида бир неча кишилар билан

бирга яшашга психологик одатланиши учун маълум вақт талаб қилинади. Унинг оилада яшаш тажрибаси бўлмаслиги ёки ҳаёт тажрибаси фақатгина ижобий эмас, балки салбий хотиралари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу босқичда бола ўз ҳаракатлари тўғрилигига, имкон борича кўпроқ ишонч ҳосил қилиши керак. Болага уйингизда мавжуд бўлган қадриятли-меъерий қоидалар ва турмуш тарзига ҳос тасаввурларни аниқлашга ҳамда боладан нималарни кутишингизни тушинтиришга тайёрланинг. Аввалига унга барчанинг диққат марказида бўлиш ёкиши мумкин аммо бу ҳолат гуруҳда “яшириниб юришга” одатланган бола учун синов бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, тутинган ота-оналар ва болалар ўзаро мослашувчанлигининг ижтимоий-психологик жиҳатларини илмий асослаш орқали ижтимоий-этноик ва тарбиявий-психологик меъерларга амал қилиш билангина оилалар тўлаллиги, тинч-тотувлиги, болаларнинг баркамол инсон сифатида шаклланишларига имкон яратилади.

ЗАМОНАВИЙ ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ ГУМАНИЗАЦИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жабборов И.А. - ҚарДУ Психология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: В статье рассматриваются социальные условия и содержание жизни человека, особенно в контексте семейно-брачных отношений подростков.

Annotation: This article focuses on the social conditions and content of human life, especially in the context of the family-marriage relationship of adolescents.

Жаҳондаги халқлар, миллатлар, элатлар оилани қариндошлик иттифоқи ва эр-хотин алоқаларига асосланган шахсий ҳаётнинг энг муҳим шакли ва жамиятнинг бирлиги “Бугунги кунда халқаро миқёсдаги оилавий ажримларнинг таҳлилида алкоғолизмга берилганлик (40%), эр-хотин ота-оналаридан бирининг муносабатларига аралашishi (15%), уй-жойга эга эмаслик ёки яшаш шароитининг етарлича эмаслиги (14%), фарзанд кўришни истамаслик ёки турли сабабларга кўра фарзанд туғилмаслиги (мос келмаслиги, бепуштлиқ, гиёҳвандлик, жиддий касаллик) (8%), эр-хотинларнинг ҳар хил шахарларда яшашлари (6%), эр-хотинлардан бирининг озодликдан маҳрум этилганлиги (2%), бедаво касаллик (1%) етакчи сабаблар сифатида қайд этилган”. Шу боис, оиладаги эр-хотин муносабатларининг мувофиқлиги ва оилавий муносабатларнинг барқарорлиги барча мамлакатлар учун энг долзарб муаммо сифатида доимий тадқиқотларга зарурат туғдиради.

Жаҳон миқёсида оилани ривожлантириш, янги оилавий муносабатларни шакллантириш, оила институти ва оила сиёсатининг замонавий модели, постиндустриал жамиятда оила институти инқирозлари, оила кичик гуруҳ сифатида, ёш оилалар ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўллари, фамилистика

ва гендерологиянинг ижтимоий-маданий муаммолари, оилада психологик хизматнинг жорий этиш, оила психодиагностикаси, оиладаги гендер роллар, оила ва мактаб ўзаро ҳамкорлиги психологияси, ижтимоий хавфлар шароитида оила, фарзандликка олган оилаларда ота-она ва фарзанд муносабатларининг психологик-педагогик ташкил этиш ва ҳар хил этник тизимларда оилани шакллантиришнинг психологик асослари доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

“Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади”.

XXI асрнинг бошларигача жаҳон психология фанида ягона инсонпарварлик анъанаси ривожланишининг икки йўналиши: диалектик материализм фалсафасига асосланган психология ва инсонпарвар (гуманитар)лик психологияси ўзаро фарқланар эди. Бирок, улар ўртасида азалдан принципиал фарқ мавжуд бўлиб, уни англаб етиш ва бартараф қилиш учун фақат кейинги даврдагина (XX асрнинг 90-йилларида) қулай мафкуравий ва илмий шарт-шароитлар яратила бошланди.

Биринчи йўналишга асосланган психологияда ҳар томонлама ривожланган баркамол шахс идеали ҳар доим пировард мақсад, идеал чегара ёки шахснинг камол топиши жараёни самараси ва ўзига хос андозаси (эталон) сифатида қараб келинди. Мазкур жараён шу андозага мувофиқ йўлга қўйилиши ва унинг барча оралик натижалари ҳам шунга биноан баҳоланиши лозим эди. Бошқача айтганда, айнан илмий-назарий фикр-мулоҳазаларда ҳам, амалий психологик-педагогик ўқув-тарбия фаолиятида ҳам "идеалдан-ҳаётга" деб аташ мумкин бўлган стратегия амалга оширилиб келинди. Бунда идеалнинг ўзи ҳаддан ташқари мавҳум ва жўн бўлиб, шахс ривожланишининг ҳозирги ҳаёт "уфқидан нарида" турган қандайдир энг юксак мезон тарзида тушунилди. Идеалнинг реал ҳаётдан ҳаддан ташқари ажралиб кетиши унинг ҳаёт билан аста-секин алоқаси йўқолишига олиб келди. Идеал ўз реаллигини, муайянлигини ва бинобарин, шахс ривожланишининг реал жараёнларига нисбатан йўналганлик ва ташкилий вазифаларини йўқота борди. Оқибат натижада, бу стратегия, бир томондан психология ва педагогика соҳасида ўта сохта назарий фикр-мулоҳазаларни, иккинчи томондан эса психологик-педагогик амалиётнинг турли тавсиялари (таъсир кўрсатиш ва баҳолаш тартиблари)ни ҳаддан зиёд догматиклиги ва бефойдалигини келтириб чиқаради.

Инсонпарвар психологияда эса Америка инсонпарвар психологияси етакчилик қилади. Мазкур психология вужудга келган даврданоқ бир қатор тарихий, сиёсий ва умуммаданий вазиятлар тақозоси туфайли идеалнинг ҳаётдан ажралишига асосланган қалбаки тадқиқотчилик стратегиясини четлаб ўтишга муваффақ бўлинди.

Америкалик психологлар тўлақонли фаолият кўрсатувчи инсон идеалини ёки аниқроғи, бу идеалнинг эмпирик моҳиятини ҳаётнинг ўзидан излашга (топишга) ҳаракат қилдилар. А.Маслоу, К.Рожерс ва бошқа психологлар томонидан реал кишилар, жумладан: олимлар, психотерапевтлар, ўқитувчилар, маъмурлар, сиёсий арбоблар ўрганилган ва улар ҳаётда ўзларини ўзлари ва касбий фаолиятлари давомида фаоллаштиришга мойилликлари намоён бўлишининг тадқиқ қилиш асосида шахс сифатида ривожланиш ва фаолият кўрсатишнинг идеал шакллари реал ҳодисалар сифатида ўрганилиши мумкинлигини кўрсатди.

Шу маънода Американинг инсонпарварлик психологиясида у вужудга келган пайтданок "ҳаётдан идеалга" деб номлаш мумкин бўлган бошқача стратегия амалга оширилди: реал одамларни ёки инсонпарварлик идеалининг аниқ-равшан ифодаланиши саналмиш шахс сифатида ўзини намоён қилишнинг айрим жиҳатларини топиш, ҳаётнинг ўзида шундай шахслар шаклланишига ёрдам берувчи муайян шарт-шароитларни яратиш орқали андозавий шахснинг зарур хусусиятларини намоён қилиш; фақат "ҳаётдан-идеалга" томон шу йўлда реалликдаги идеал нарсани ўрганиб, идеал ҳақидаги реал "ҳозир ва энди" деган назарий тасаввурларни ва воқеликнинг ўзини ривожлантириш йўли билан ушбу идеални тиклашнинг норасмий психологик-педагогик амалиётини яратиш мумкин.

Инсонпарварлик психологияси инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитларига айниқса, кишиларнинг никоҳ ва оиладаги ўзаро муносабатлари контекстига ҳам кўп эътибор беради. Унга кўра никоҳга кирувчилар дастлаб жамиятда яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида, шахслараро мулоқотнинг ҳар хил зарурий шакллари ва усулларини ўрганиши лозим.

Никоҳ – эр билан хотин ҳаётидаги бир даврдир, чунки аслини олганда, уларга алоҳида ҳолда никоҳ керак эмас. Никоҳ оилани ташкил этиб, унинг муҳим вазифаси фарзандлар кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар давомийлиги билан ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлаш, муқаддас урф-одатларни сақлаш ва уни авлоддан-авлодга ўтказишдек вазифаларни амалга оширади.

Бизнингча, оила ана шундай вазифаларни амалга ошириш учун инсонпарварлик психологиянинг асосий принципини қуйидагича ифодаласа бўлади. Фаровон турмуш ва оилавий бахт-саодатга эришиш учун оиланинг асосини ташкил этувчи эр-хотин зарур инсоний сифат ва фазилатларни эгаллаган, ҳар томонлама баркамол, бахтли-саодатли, фаровон турмушни таъминлашга қодир

(тайёр) инсонлар бўлиши керак. Ушбу тамойил эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари муносабатлари учун ҳам ғоят муҳимдир.

Реал ҳаётдаги оилада эр-хотин муносабатлари ва уларнинг ўзаро мувофиқлашгани андозавий меъёрларга мос келадими? Мувофиқлаштиришга таъсир этувчи зарур омиллар мавжудми? Мувофиқлаштиришни таъминлашнинг зарур шарт-шароитлари нималардан иборат? Каби қатор саволлар юзага келади.

Биз тадқиқотларимизда оиланинг инсонга йўналганлиги хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек миллий-маданий муҳитидаги оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг инсонпарварлаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида қатор изланишларни ўтказдик.

Дастлаб, оилада эр-хотин муносабатларининг мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллар ўрганилди. Илмий манбаларни ўрганиш ва олиб борилган тадқиқотларнинг тасдиқлашича, оилада эр-хотин муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятлари инсон ҳаёти учун зарурат бўлган жисмоний, иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий, шахсий-психологик омилларга бевосита боғлиқлиги (1-жадвал) аниқланди.

1-жадвал

Никоҳдан қониққанлик даражаси кўрсаткичлари

№	Субъектлар	X	σ	t
1	Эр	32,11	3,4	2,05*
2	Хотин	30,61	4,2	

* $p \leq 0,05$

Мазкур методиканинг натижалар таҳлили эр-хотин муносабатларининг муҳим томонларидан бири никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлашдан иборатдир. Эр-хотинларнинг никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлашдан олинган миқдорий кўрсаткичларнинг сифат таҳлили қуйидагича характер касб этмоқда: эр ва хотинларнинг никоҳдан қониққанлик кўрсаткичлари ўртасида тафовут мавжуд. Натижаларга кўра эрлар ўзларининг никоҳдан қониққанлик даражасини устувор баҳолаганлар. Бу ҳолат аёлларда нисбатан қуйи қийматни акс эттирмоқда. Шунга кўра аёлларнинг никоҳдан қониққанлик даражаси нисбатан паст эканлиги кузатилмоқда (эрлар 32,11 ва аёллар 30,61; $t=2,05$; $p \leq 0,05$). Ушбу ҳолатнинг ички қонунияти қандай кўриниш олишини ўрганиш учун кўрсаткичлар бўйича корреляцион таҳлил амалга оширилди (2-жадвал)

2-жадвал

Никоҳдан қониққанлик даражаси бўйича эр-хотин муносабатларининг корреляцион боғлиқлиги

	Эр	Хотин
Эр	1	0,801**
Хотин		1

** $p \leq 0,01$

Корреляцион таҳлилга кўра эркакларнинг никоҳдан қониққанлик даражасининг ўсиши ёки меъёрда бўлиши ўз навбатида аёлларнинг никоҳдан қониққанлигига сабаб бўлар экан ($r=0,801$; $p \leq 0,01$). Бу ҳолат ўзбек этносига хос хусусиятларни белгилайди. Ўзбек этносида оила қуришда севги-муҳаббат тамойили билан бир қаторда совчи орқали ҳам оила қуриш анъаналари мавжуд. Севишганларнинг ўзаро бир бирини тушуниши ва қабул қилиш орқали оила қуришлари никоҳдан қониқиш учун бир имконият ҳисобланса, совчилар орқали қурилган оилаларда ҳам бахтли-саодатли ва никоҳидан қониққанлар жуда кўп учрайди. Агар эр-хотинларнинг никоҳдан қониққанлик кўрсаткичи бўйича қўлга киритилган корреляция коэффиценти ҳар иккала тоифа оилаларнинг муносабатларининг мазмуний жиҳатини ифодаси бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2018 йил 27 июнь, // <https://lex.uz/docs/3797625>
2. Орлов А.Б. Психология личности и сущности человека. Парадигмы, проекции, практики. - М.: Академия. 2002. - 272 с.
3. Maslov A.H The father reaches of Human Mature, N.Y. 1972.

ШАХСНИНГ АҲЛОҚИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Жалилова С.Х. – психология фанлари номзоди, доцент

Умрзоқова Н. – Низомий номидаги ТДПУ 2-босқич магистранти

Аннотация. Статья посвящена проблеме нравственного развития личности. В ней рассматриваются различные аспекты изучения данной проблемы и анализируются некоторые подходы психологических исследований.

Annotation. This article is devoted to the issue of moral development of the individual, focusing on the existing research areas and their interpretation.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида ахлоқ-одоб масалаларига доимо катта эътибор бериб келинган. Ҳозирги кунда ахлоққа доир муаммолар яна жамиятнинг диққат марказига кўчган. Чунки, бугунги кунда оммавий маданият деган никоҳ остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ахлоқий тараққиётга нисбатан мустақил бўлган тўрт тадқиқий соҳа мавжуд. Биринчи соҳа- ахлоқий ҳулқ атворга доир. Ахлоқий ҳулқ атвор деганда ахлоқий меъёрларга, уларни четлаш кишига маълум

бир манфаат келтирган ва ўз қилмишларига яраша жазо олмаслигини билган тақдирда ҳам, ихтиёрий равишда риоя қилиш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, холис ва тўғри қарор чиқара олиш. Ахлоқий қадриятларни деб инсоннинг ўз манфаатларидан воз кечишлиги мумкинлиги, унинг негизида қандай психологик механизмлар ётиши, уларнинг шаклланиш йўллари аниқлаш ушбу соҳага доир асосий муаммолардир.

Иккинчи соҳа - ўзга кишиларга нисбатан инсонпарварлик ва альтруистик ҳис-туйғулар асосида муносабатлар ўрнатишга оид соҳа. Бу муносабатлар ўзгаларнинг эҳтиёж ва манфаатларига эътиборли бўлишда, улар билан ҳисоблашишда, ўзгалар ғам-қайғусига ҳамдардлик билдира олишда ўз ифодасини топади. Мазкур соҳага доир асосий муаммолар ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва психологик табиатини ўрганиш билан боғлиқ.

Учинчи соҳа - когнитив соҳа бўлиб, ўз ичига ахлоқий билимлар, тасаввурлар ва мушоҳадаларни олади. Болалар томонидан ижтимоий ахлоқий онгнинг турли жиҳатларини ўзлаштирилиши мазкур соҳа предмети сифатида талқин қилинади. Бунга ахлоқий талабларни тушуниш, адолат ва масъулият тушунчасининг шаклланиши, ахлоқий мезонларни ўзлаштириш ва ҳ., киради. Ушбу соҳага доир асосий муаммолар мазкур когнитив жиҳатдан шаклланиш босқичлари билан ҳамда бир босқичдан иккинчисига ўтишни белгилайдиган омилларни аниқлаш билан, шунингдек, ахлоқий тараққиётнинг когнитив ва хулқий аспекти муштараклиги муаммоси билан боғлиқ.

Шахснинг ахлоқий кечинмалари тўртинчи тадқиқий соҳага тааллуқлидир. Бунга ахлоқий меъёрларни бузганда рўй берадиган гуноҳкорлик ҳиссини туйишни киритиш мумкин. Бунда ушбу кечинмаларнинг келиб чиқиши ва уларнинг реал хулқ-атвор билан муштараклиги масаласи асосий муаммо ҳисобланади.

Мазкур тадқиқий соҳаларни ўрганишнинг анъанавий усуллари, шаклланган методлар тизими ва хусусий муаммолар доиралари мавжуд. Ҳозирги кунгача альтруистик хулқ билан меъёрларга риоя қилиш, меъёрларга риоя қилиш билан ахлоқий мушоҳадалар ўртасидаги ҳамда ахлоқий мушоҳадалар билан кечинмалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида аниқ тасаввурлар мавжуд эмас.

Ахлоқий онг ва ахлоқий хулқ ўртасидаги муносабатлар тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборини тортган. Қатор тадқиқотларда (Сампбелл Д.Т., 1975; Милграм С., 1974 ва ҳ.) ахлоқий хатти ҳаракат турли хулқий тенденцияларнинг ўзаро таъсир ҳосиласидир деган нуқтаи назар илгари сурилади. Ушбу нуқтаи-назарга кўра, унинг когнитив жиҳатлари (кузатиш, фарқлаш, хотира) бошқа ҳар қандай хулқий актлар сингари белгиланади. Когнитив тараққиёт назарияси тарафдорлари илгари сурадиган яна бир нуқтаи- назарга кўра, ахлоқий хатти ҳаракат ахлоқий мушоҳадалар ва тасаввурлар билан белгиланиб, умумий ахлоқий мезонлардан

келиб чиққан ҳолда, индивид томонидан англаниладиган ахлоқий қадриятларга мос келиши лозим.

Иккинчи ёндашув доирасида ахлоқий мушоҳадалар билан реал ҳулқ атвор ўртасидаги корреляцион алоқалар хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилинади. Альтруистик муносабат ва ахлоқ меъёрларига мувофиқ хатти ҳаракат қила олиш қобилияти маҳсус тадқиқ этилмаган. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ахлоқий ҳулқни ўрганишга қаратилган тадқиқотларда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ёки риоя қилмаслик бошқаларга тўғридан тўғри зарар етказмайдиган вазиятлар устиворлик қилади. Масалан, вазифани уддалай олмаган бола ёлғон йўли орқали мукофотга эга бўлади. Вазият берилган вазифани бажариш имкониятини тақозо этгани боис (мукофот шунинг учун берилади) бола шарт-шароитлар яхши бўлганда олиши мумкин бўлган нарсани кўлга киритади, ахлоқий мезонларни бузиш бунда шахсан ҳеч кимнинг манфаатларини оёқ ости қилмайди.

Альтруистик ҳулқ-атворни ўрганишда ҳам шунга ўхшаш вазият яратилади: негатив ҳулқ-атвор, масалан, ёрдам кўрсатмаслик меъёрларни тўғридан тўғри бузиш саналмайди. Болаларга ҳалол йўл билан эришилган ютуқларни бошқалар билан бўлишиш таклиф этилади. Бундай ҳулқ-атвор маъқуллансада, ғарбона ахлоқ тамойилларида бирон нарсага мухтож кишиларга ўзингда бор нарсани улашиб беришинг керак, деган принцип илгари сурилмайди. Шунинг учун ҳам альтруизмнинг мавжуд эмаслиги ёлғон ёки ўзгалар мулкини ўзлаштириш каби ахлоқий меъёрларни тўғридан тўғри бузиш эмас.

Шундай қилиб, ахлоқий тараққиётнинг тўртта соҳаси ҳам ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда эмас, балки нисбатан алоҳида ҳолда ўрганилади. Бу бир томондан, ахлоқий тараққиётнинг айни кунда фарқланган барча жиҳатларини қамраб оладиган яхлит манзарасини кўриш имкониятини бера олмайди, бошқа томондан мазкур жиҳатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир интуитив равишда тушуниладиган тасаввурларга зиддир, зотан ахлоқий ҳулқ-атвор инсон томонидан англаниладиган ахлоқий қадриятлар ва тамойиллар тизимидан ташқарида қаралиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ахлоқ меъёрларида жамият томонидан эътироф этилган ўзгалар ҳақ ҳуқуқлари ва манфаатлари умумлашган ҳолда ўз аксини топган. Меъёрлар ва уларда ўз ифодасини топган ўзгалар манфаатлари ўртасидаги муштаракликнинг йўқолиши ахлоқий меъёрларга риоя қилишни маълум даражада расмийлаштиради, яъни бунда сўз ва амал бирлиги йўқолади. Шу билан бирга ўзгалар кечинмаларига бевосита жавоб тариқасида тушуниладиган айрим альтруистик ҳулқ (Брян Ж., 1975; Хоффман М.Л., 1981) ахлоқан оқланадиган ва қадрили бўлмаслиги мумкин.

Муаммонинг ҳозирги ҳолатини муҳим хусусияти ахлоқий тараққиётни шахс тараққиёти билан назарий жиҳатдан боғлаш имкониятини бермаслигидадир. Аввал бошда ахлоқий тараққиёт шахснинг умумлашган сифатларини шаклланиши

тарзида ўрганилган. Масалан, тўғрилиқ, ҳамкорлик ва ҳ. Бироқ кейинчалиқ шахс хислатлари Г.Айзенк томонидан кескин назарий танқид остига олинди (1975). Унинг таъкидлашича, шахснинг ижтимоий ахлоқий ва психологик хусусиятларини фарқлаш лозим. Ижтимоий ахлоқий деганда, Г.Айзенк кундалиқ турмушда биз кузатадиган инсонларнинг ҳалоллик, меҳрибонлик, тўғрилиқ каби хусусиятларини назарда тутган.

Шу билан бир қаторда, унинг фикрича, ижтимоий ахлоқий сифатларни бевосита шахснинг психологик хусусиятлари билан айнанлаштириш мумкин. Чунки, биринчидан, ушбу шахс хислатлари тўғрисидаги мавжуд тушунчалар илмий психологик тавсифга эга эмас, иккинчидан, маиший фарқланадиган сифатлар билан уларни ўзида ифодаладиган психологик ҳосилалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги фикр асоссиздир.

Маълумки, ғарбона шахс психологияси айнан шу йўлдан кетди, натижада экстра ва интровертлик, агрессивлик каби шахснинг психологик хусусиятлари диққат марказига кўчди. “Ижтимоий ҳаракатларга доир маданий қоидаларнинг интериоризацияси” (Колберг Л.,1964) сифатида талқин этиладиган ахлоқий тараққиёт билан ушбу хусусиятларни боғлаш анча мураккаб.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, кўплаб тадқиқий ишлар олиб борилганига қарамасдан ахлоқий тараққиётга доир яхлит қараш хали яратилмаган. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур жараён ортидаги психологик воқелик, унинг негизида ётган психологик ҳосилалар, яъни ахлоқий тараққиётнинг психологик мазмуни хусусида аниқлик мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам шахснинг ахлоқий тараққиёти, унинг ахлоқан шаклланиши масалалари бугунги кунда тадқиқотлар предмети сифатида ўз долзарблигини йўқотмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Валиахметов Х.Х. Духовно-нравственное развитие личности в учебно-событийной деятельности. Казань, 2003.
2. Бесова А.К. Духовно-нравственное воспитание личности в процессе литературного образования учащихся. - М., 2000.

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ЭГОИЗМНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Қораева Ю.Х. - Термиз давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: В статье рассматриваются взгляды зарубежных и отечественных исследователей на сущность концепции эгоизма. Анализ литературы показывает, что эгоизм и по сей день остается одной из наименее изученных черт личности, и в научных представлениях нет единого мнения о содержании и сущности эгоизма. Сегодня наблюдаются различные тенденции в

изучении и понимании сущности эгоизма: он считается понятием-синонимом, наряду с чертами личности, чертами характера и инстинктами, а также его потребностями, ориентацией, ценностями. Большинство исследователей используют аналитические стратегии для изучения эгоизма. На наш взгляд, эти исследования можно рассматривать как первый шаг к целостному изучению этой особенности.

Annotation: The article examines the views of foreign and domestic researchers on the essence of the concept of egoism. Analysis of the literature shows that egoism to this day remains one of the least studied personality traits, and there is no consensus in scientific ideas about the content and essence of egoism. Today, there are various trends in the study and understanding of the essence of egoism: it is considered a synonymous concept, along with personality traits, character traits and instincts, as well as its needs, orientation, values. Most researchers use analytical strategies to study selfishness. In our opinion, these studies can be considered as the first step towards a holistic study of this feature

Бугунги кунда шахс ривожланиши муаммоси барча ижтимоий фанларнинг ўрганиш объекти сифатида аҳамиятга эга. Психология соҳасида шахс хусусиятлари, унинг муҳим жиҳатларини диагностика қилиш назарий жиҳатдан ишончли ва методик дастурларни ишлаб чиқиш бугунги кунда давр талабига айланиб бормоқда. Долзарб бўлишига қарамай, бу муаммо ҳали ханузгача ҳал қилиб бўлинмаган масалалардан. Бунинг асосий сабабларидан бири - шахс хусусиятлари моҳиятини тушунишга ягона ёндашувнинг йўқлигидадир. Шахс психологияси соҳасида иш олиб борадиган тадқиқотчилар узоқ вақтдан бери шахс хусусиятларни бевосита кузатиш мумкин эмас (улар тўғридан-тўғри берилмайди) деган умумий фикрга келишган, шунинг учун хусусият фарзидан маълум бир тури бўлиб, уларсиз шахс фаолиятига хос бўлган турғунлик, барқарорлик ва изчилликни тушуниб бўлмайди. Шу билан бирга, турли хил илмий йўналиш вакиллари шахс хусусиятлари тушунчасини турли хил ички таркиб билан тушунтирадилар, бу эса уларнинг фикрича, хулқ-атвор ва тажрибаларнинг барқарорлиги ва собитлигини сақлаб қолиш имконини беради. Юқорида айтилганларнинг ҳаммасини эгоизмни англаш билан тўлиқ боғлаш мумкин.

Шахснинг асосий мотивацион хусусиятларидан бири бўлган эгоизм ҳали ҳам энг кам ўрганилган ва тавсифланган хусусиятлардан бири бўлиб қолмоқда. Россия замонавий психологиясида эгоизм атамаси жуда камдан-кам ҳолларда қўлланилади, эҳтимол бу унинг табиати ва моҳияти ҳақидаги ғояларнинг ноаниқлиги туфайли. Айни пайтда, бу ҳар қандай инсон фаолиятининг йўналиши, мазмуни ва натижаларига сезиларли таъсир қилади. С.И.Ожегованинг луғатида эгоизмни "худбинлик, ўз манфаатларини бошқалар манфаатларидан афзал кўриш, жамият ва бошқалар манфаатларини менсимаслик" деб таърифлайди [1; 939].

Шунга ўхшаш таъриф Совет Энциклопедик Луғатида келтирилган: эгоизм (лотинчадан ego “Мен” французча эгоизм) худбинлик; хатти-ҳаракатларида бутунлай ўз мақсадларини амалга оширишни ўйлаш, бошқа одамлар манфаатларидан афзал кўриш фикри билан белгиланади [2; 1538]. Гарчи барча изоҳли луғатларда "эгоизм" сўзининг маъноси амалда бир хил бўлса-да, замонавий психологияда унинг психологик моҳияти ва табиати ҳақида яқдил фикр мавжуд эмас. Лекин у кўпинча нарциссизм, геодонизм, шахс ривожланиши, мотивацияси билан бир хил синонимик қаторда кўриб чиқилади [9]. Эгоизмни туркумлаш натижасида, унинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларнинг фарқланишига олиб келади. Эгоизм борасидаги барча қарашларни шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: келиб чиқиши биологик ёки ижтимоий омилларнинг устунлигини тан оладиганлар ва ушбу ёндошувлар доирасида эгоизмнинг алоҳида жиҳатлари ўрганилади: унинг мотивацион таркибий қисмлари, эгоистик фаолиятнинг самарали жиҳатлари, эгоизмни ривожланишига олиб келадиган фаолият ҳамда тарбия хусусиятлари ва шунга кўра коррекция усулларини ўрганади. Рекапитуляция назариясининг муаллифи С. Холл экстремал эгоизм, индивидуализмни боланинг ўз менини англаши билан боғлиқ табиатнинг хусусиятлари дея таърифлайди. Биогенетика назария намоёндалари ўқитувчиларни болаларнинг хулқ-атворида эгоизм ва ёлғоннинг намоён бўлишига аралашмасликка чақиради. Чунки бу аралашув бола тараққиёти давомида кейинги хулқ-атвор моделларини ривожлантиришнинг кейинги босқичларига тўсиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. З.Фрейд эгоизмни инсон табиатининг моҳияти ва инсон муносабатларининг асосий принципи деб ҳисоблаган. Унинг талқинида эгоизм нафақат жамғариш, тўплаш учун хоҳиш, балки озиқ-овқат ва кийим-кечак учун одатий эҳтиёж сифатида намоён бўлади. У ўзининг "Тушларнинг талқини" номли асосий ишида бола ўзига қаратилган либидо сабабли ўзини севади. “Бола мутлақо эгоист, у ўз эҳтиёжларини жуда яхши ҳис қилади ва назоратсиз равишда уларни қондиришга интилади, айниқса рақиблари ака-ука, опа-сингилларига нисбатан кўпроқ намоён бўлади” [3; 192]. З. Фрейд, шунингдек, болалигида ҳам "кичкина эгоистда альтруистик мойиллик ва ахлоқ уйғонади" деган умид борлиги ҳақидаги фикрни билдиради, гарчи "ахлоқий туйғу"си бир текис юзага келмайди ва болалик давридаги ахлоқсизликнинг давомийлиги индивидуал тарзда ҳар хил кечади [4;193].

Эгоизм бу бошқа одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан қатъий назар, инсоннинг шахсий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш истагидир [5; 157]. А.А. Бодалев таҳрири остидаги “Мулоқот психологияси” номли энциклопедияда “Эгоизм бу - шахснинг эгоистик йўналганлиги, эгоцентрик шахс томонидан ўз шахсига ва мавқеига қаратилган

бўлиб, ўзининг манфаатлари ва ўзаро таъсир мақсадларини бошқаларникидан юқори қўйиш сифатида намоён бўлади”, деб таърифланган.

Эгоист шахс ўзининг эгоистик интилишлари туфайли нафақат моддий мақсадларга эришиш, балки аторофдагиларнинг назарига тушиш орқали ўз менини кўрсатишни ўзига мақсаб қилиб олади. Эгоизм бетараф, бепарқ шахс хислати эмас, у агрессив ва тажовузкор, ихтирочи ва қасоскордир. Одамлар хулқ-атворидаги эгоизм ва унинг кўринишларини ўзига хос ўрганиш дастлаб К. Муздыбаев томонидан амалга оширилган бўлиб, у эгоистик хатти-ҳаракатга кўпроқ мойил ижтимоий гуруҳларни аниқлаш, уларнинг профессионал ва ижтимоий ҳолати, ёши ва гендер фарқларини тадқиқ этди.

З.Фрейднинг ўзининг "Тушлар таъбири" (1900) номли биринчи йирик фундаментал асарида эгоизм ҳақидаги фикрларни келтириб ўтади, унда психоанализ асосчиси бола психикасини тушуниши билан боғлиқ бир қатор мулоҳазаларни билдирган. Унинг фикрича, ёш болаларнинг ўта эгоист эканлигини ва у ўз эҳтиёжларини қондиришда, рақибларига, яъни бошқа фарзандларга ва асосан ака-укаларига ва опа-сингилларига қарши астойдил курашишга интилади, у ака-ука ва опа-сингилларига рақиб сифатида қарайди.

Э.Фромнинг фикрича, эгоистни фақат ўзи қизиқтиради, ҳамма нарса унинг манфаатларига хизмат қилишини хоҳлайди, завқ олишни истайди, у ташқи дунёни фақат ундан олиш мумкин бўлган ёқимли нарсалар нуқтаи назаридан англайди, бошқаларнинг эҳтиёжлари билан қизиқмайди ва уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилмайди, ўзидан бошқа ҳеч нарсани сезмайди, аслида у севишга қодир ҳам эмас, дейди. Бундай одамлар гўёки ўзлари ҳақида қайғуришаётгандек бўлишади, лекин аслида ўзининг ҳақиқий “мен” даги камчиликларни тўғирлашдаги уринишлари самарасиздир. Эгоизм одатда ўз-ўзига юқори баҳо бериш ҳамда авторитар йўналганлиги билан устун бўлиш каби хусусиятлари билан кўзга ташланади.

К.Муздыбаевнинг фикрича, эгоизмга мойиллик шахснинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, инсон ёши улғайган сари, эгоизмга мойиллик даражаси ҳам пасайиб кетади. Ҳозирги кунда психологияда шахснинг эгоистик хулқ кўринишларини ўрганиш бўйича адабиётлар етарли эмас, уни экспериментал ўрганишга бўлган эҳтиёж эса психодиагностик методикаларга бўлган талабни кучайтиради. Е.П.Ильиннинг “Психология помощи. Альтруизм, эгоизм, эмпатия” номли китобида эгоизмни ўрганишга оид бўлган бир неча методикалар берилган бўлиб, улардан О.Ф.Потёмкинанинг “Шахснинг мотивацион эҳтиёжлар соҳасидаги ижтимоий психологик установакаларни диагностика қилиш” (Альтруизм, эгоизм шакаллари асосида), “Альтруизм – Эгоизм” тести, К.Муздыбаевнинг “Диспозицион эгоизм шкаласи” шулар жумласига кирди.

Биз ушбу сўровномадан фойдаланиб тажриба-синов тариқасида 2 гуруҳда: биринчи гуруҳ - 12 ёшдан 19 ёшгача, иккинчи гуруҳ - 20 ёш ва ундан юқори бўлган

синалувчиларда ўтказдик ва тажриба натижаларини қуйидаги жадвалда ифодаладик.

1-жадвал

Гуруҳларнинг ёши	Синалувчилар сони	юқори даражаси (%)	ўрта даражада (%)	паст даражада (%)
12-19 ёшгача	50 нафар	23	35	42
20 ёш ва ундан юқори	50 нафар	40	34	26

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, эгоизм динамик кўринишга эга, яъни шахснинг ёши катта бўлиб бориши натижасида эгоизм ҳулқ кўринишларининг даражаси ҳам пасайиб бораверади. Хулоса қилиб айтганда, жамиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамма вақт ҳам муҳим масалалардан бўлиб келган. Инсоншунослик фанлар қаторида психология ҳам шахс ҳулқ-атворини ижобий томонларини шакллантиришда амалий аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, жамиятда салбий деб қараладиган айрим ҳулқ кўринишлари, хусусан, эгоизмни ўрганиш, улар билан коррекцион ишларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка М., 1932. С.42
2. Фром Э. Душа человека. М.: АСТ-ЛТД, 1998.С. 8.
3. Столяренко, Л.Д., Самыгин С.И. Психология и педагогика вопросах и ответах. Ростов – на –Дону: Феникс, 2009. 157-с.

УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОСРЕДСТВОМ ПРОСОЦИАЛЬНОГО РЕАГИРОВАНИЯ

Кухтова Н.В. – доцент, кандидат психол.наук, Витебский государственный университет имени П.М. Машерова, г. Витебск, Республика Беларусь

Микодина Е.А. – аспирант кафедры психологии Витебский государственный университет имени П.М. Машерова, г. Витебск, Республика Беларусь

The article considers prosocial behavior, particularly responsive behavior, as consisting of three specific subtypes of actions oriented toward other people: helping, sharing and comforting is prosocial behavior. It is noted that prosocial behavior can be distinguished from other forms of behavior based on identification and response to the needs of another person: instrumental, material, emotional.

Просоциальное поведение является неотъемлемой частью человеческой жизни, играя важную роль в успешном социальном взаимодействии людей (Dekovic & Janssens, 1992; Eisenberg, Fabes, et al., 1996; Hampson, 1984; Raviv, Bar-Tal, Ayalon, & Raviv, 1980). Несмотря на растущий интерес к природе такого

поведения, большинство исследований сосредоточено на изучение взрослых, подростков и молодежи. В результате, природа самых начальных форм просоциального поведения и их траектория развития не были достаточно изучены.

Принято считать, что просоциальное поведение появляется в течение первых двух лет жизни и может принимать различные формы, включая помощь, обмен, утешение и сотрудничество (Brownell, Svetlova, & Nichols, 2009; Eckerman, Whatly, & Kutz, 1975; Reingold, Hay, & West, 1976; Svetlova, Nichols & Brownell, in press; Warneken & Tomasello, 2006; Zahn-Waxler, Radke-Yarrow, Wagner, & Chapman, 1992) [3]. Однако то, как поведение продолжает развиваться после своего первоначального появления, менее понятно.

Многие исследователи предполагают, что просоциальное поведение должно становиться более сложным по мере взросления детей и начинает чаще проявляться (например, Eisenberg & Fabes, 1998; Eisenberg, et al., 2006), в том числе развивает социальные когнитивные способности (Eisenberg & Chapman, 2006, Brownell & Carriger, 1990; Brownell, Ramini, Zweras, 2006; Hoffman, 1982, 2000; Svetlova, et al., in press; ZahnWaxler et al., 1992). Ряд исследований предполагает, что после первоначального появления просоциального поведения, оно должно уменьшаться по мере того, как дети становятся более избирательными и контролируемые (например, Hay, 1994; Hay, Castle, Davies, Demetriou, & Stimson, 1999) [3].

Было высказано предположение, что отсутствие дифференциации между множественными типами просоциального поведения привело к несоответствиям в обсуждениях его развития (Batson, 1991; Clark, 1991; Eisenberg & Fabes, 1998; Eisenberg, et al., 1999; Hay & Cook, 2007). Действительно, различные тенденции развития (Radke-Yarrow, Zahn-Waxler & Chapman, 1983) и корреляции (Eisenberg-Berg & Hand, 1979) наблюдались для различных типов просоциального поведения [3]. Таким образом, один из способов начать выяснение природы его раннего проявления заключается в том, чтобы использовать результаты предыдущих исследований для выдвижения гипотезы о конкретных видах поведения, составляющих общую категорию, а затем систематически исследовать его существующие формы в раннем развитии, и в их взаимоотношениях друг с другом.

Так, просоциальное поведение можно отличить от многих других форм поведения, потому что оно является реакцией, основанной на наблюдении и интерпретации демонстрации потребности другого человека. Однако не все потребности одинаковы и проявляются в различных формах, требуя определенных способностей. Например, потребности более высокого порядка, такие, как забота, способность к самопожертвованию [1] характеризуют просоциальное поведение.

В том числе, Kristen Ann Dunfield et al. в настоящее время предполагают, что просоциальное поведение можно отличить от других форм поведения на основе

идентификации и реагирования на потребности другого человека. Их существует целый ряд, в частности, они могут быть:

- инструментальные потребности, при которых задачей является завершение поведения, направленного на достижение цели;
- материальные потребности, направленные на получение необходимого ресурса;
- эмоциональные потребности, выявляющие необходимость в облегчении неприятного аффективного состояния [3].

Инструментальные потребности могут быть удовлетворены путем предоставления как материальной, так и инструментальной помощи (Warneken & Tomasello, 2006), а эмоциональные – с помощью инструментального, материального (например, Vaish, Carpenter, & Tomasello, 2009) или эмоционального (например, Zahn-Waxler et al., 1992) вмешательств. [Redefining Prosocial Behaviour: The Production of Helping, Sharing, and Comforting Acts in Human Infants and Toddlers by Kristen Ann Dunfield] [3].

В связи с этим исследователи предположили, что существует три специфических вида просоциального поведения, которые могут облегчить удовлетворение каждой из этих потребностей. И в следствии выше сказанного можно рассматривать три конкретных типа реагирования, относящихся к каждой из трех потребностей (см. рис.).




Рисунок – Типы просоциального реагирования

- 1) Помощь – выявляет и удовлетворяет инструментальную потребность (например, признание и реагирование на неспособность другого человека выполнить конкретное действие, направленное на достижение цели).

2) Утешение – выражает и удовлетворяет эмоциональную потребность (например, признание и реагирование в ответ на наблюдение за негативным аффективным состоянием другого человека). Так, утешение требует способности распознавать негативное аффективное состояние у другого человека, различать свой собственный опыт переживания дистресса и опыт другого человека, определять причину эмоционального расстройства и, что особенно важно, выбирать индивидуальную реакцию, которая поможет человеку почувствовать себя лучше (Hoffman, 1982; 2000).

3) Обмен – позволяет удовлетворить материальную потребность (например, признание и реагирование на отсутствие у другого человека желаемого) [2].

Есть основания полагать, что помощь, обмен и утешение требуют способности принимать точку зрения другого и потребность действовать от его имени, однако специфическая природа выбора решения и его мотивация может варьировать в зависимости от подтипов.

Дифференциация между тремя подтипами просоциального поведения, основана на первоначальной потребности, которую дети должны выявить, так как во всех случаях поведение может быть одинаковым, но способствовать удовлетворению различных потребностей. Более того, еще одна причина для дифференциации на основе первоначальной нужды, на которую реагирует ребенок, заключается в том, что одна и та же потребность может быть удовлетворена различными видами поведения.

Важно отметить, что каждый из трех типов просоциального поведения основывается на первоначальных ситуационных и/или эмоциональных интерпретациях. Так, ребенок должен определить потребность и инициировать просоциальное поведение; это важно, потому что фактическое инструментальное поведение, которое он осуществляет, может пересекаться с различными его категориями. Например, инструментальное (Svetlova, et al.) или материальное (Vaish, Carpenter, & Tomasello, 2009) вмешательство может облегчить эмоциональную потребность; однако, поскольку дети обращают внимание и пытаются ее удовлетворить, такое поведение следует дифференцировать как утешительный акт, а не помощь или обмен. Таким образом, общая категория просоциального поведения подразумевает основное намерение предоставить пользу другому человеку, но при этом она разделяется в зависимости от конкретной потребности, на которую он реагирует [3].

При этом, просоциальное поведение является действием, направленным на благо другого, поскольку это самый очевидный способ принести пользу и в следствии этого удовлетворить потребности, а не поступить демонстративно.

Таким образом, просоциальное поведение – это разнообразная группа действий, которые являются неотъемлемой частью социальной жизни. На основе зарубежных исследований показано, что можно выделить просоциальные типы реагирования: помощь, утешение и обмен, которые позволяют удовлетворить определенные потребности (инструментальные, эмоциональные и материальные соответственно).

Библиографический список

1. Вайнштейн Л.А. Поликарпов В.А., Фурманов И.А. Общая психология: учебник. – Минск: Соврем. шк., 2009. – 512 с.
2. Крайг Г. Психология развития / Пер с англ. Малыгина Н. и др.; Общ. науч. ред. Алексеев А.А. 7-е междунар. изд - СПб.: Питер, 2000. – 992 с.
3. Dunfield К.А. Redefining prosocial behaviour: the production of helping, sharing, and comforting acts in human infants and toddlers / by a thesis submitted to the department of psychology in conformity with the requirements. - Queen’s University Kingston, Ontario, Canada, 2010, p.175.

АХЛОҚИЙ ОНГ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мадиярова С. Х. - ТДПУ 2-курс магистранти

ANNOTATION – In this article, theoretical and practical views on the psychological aspects of the manifestation of moral consciousness in adolescents, the content of the concept of moral consciousness and its psychological, specificity are put forward.

АННОТАЦИЯ – В статье выдвигаются теоретические и практические идеи о психологических аспектах проявления нравственного сознания в подростковом возрасте, содержании концепции нравственного сознания и его психологической специфике.

Маълумки, бугунги кунда психология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси тобора ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида, шахс маънавиятини юксакликка кўтаришни таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни кўришимиз мумкин. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахлоқий йўналганликнинг сусайиши теварак оламга бўлган муносабатнинг салбий кўринишларини вужудга келтирмоқда. Яъни жамиятда “ахлоқсизлик” кайфиятининг тобора ошиши кузатилмоқда.

Ахлоқ – кишилар орасидаги муносабатни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари йиғиндиси. Ахлоқдаги “яхшилик”, “яхши одатлар” инсоннинг ўз манфаатини жамият манфаатини мослашга, айрим ўринларда жамият манфаатлари

йўлида ўз ҳаётий мақсадлари, манфаатларини ўзгартиришга имкон беради¹⁴. Кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солишнинг белгиланган ҳамда ижтимоий-ташкилий тузилмалар фаолиятига асосланган (ҳуқуқий, диний) шаклларида фарқли ўлароқ, ахлоқ кишилар хулқ-атворлари, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган “олтин қоидалар”ни ифодалайди. Ахлоқ биринчидан, умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган қадриятларни (бошқа кишилар ҳуқуқларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, мулойимлик, бошқалар билан келиша олиш, тил топишиш, жамоада ўзини тута билиш каби) қамраб олади. Иккинчидан, ахлоқ кишиларга хос сифатлар (хислатлар)нинг муҳим томонини ифодалайди.

Ахлоқ (лотин. “моралис” – қоидага, хулқ-атворга, урф-одатга тааллуқли, ахлоқли) кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат ҳамда мулоқотнинг қонун-қоидалари, мезонлари йиғиндиси; ҳар бир инсон тан оладиган этик қадрият; инсон мавжудлигининг ўз-ўзини тарбиялаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ўзига хос усули...¹⁵ Ахлоқнинг илдиэлари урф-одатларга бориб тақалади. Ахлоқий масъулият туфайли инсон ўз ҳатти-ҳаракатларини жамият ва муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларига мослаштиришга, “яхшилиқ” сари йўналтиришга интилади. Ахлоқ инсон ҳаётининг барча томонлари (шахсий ва ижтимоий, моддий ва маънавий кабилар)га бевосита тааллуқлидир. Ахлоқ – кишиларнинг юриш-туришларида, хулқ-атворларида, ўзларини кишилар орасида тутишларида намоён бўлади. Ахлоқ мезонлари ва намуналари жамият бағрида етилади, уларда илгари сурилган талаблар универсал ва барча учун риоя қилиниши зарурийдир. Ахлоқ шахс эркинлиги ва ижодкорлиги билан бевосита боғлиқ. Шахс жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий қадриятларни танлаб олади, ўзлаштиради, мавжуд вазиятга татбиқ этади ва такомиллаштиради. Ахлоқий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади.

Биз ахлоқий хулқ-атвор мотивларини ўрганишга доир методикани қўллашга қарор қилдик чунки, муносабатларни мотивлар белгилаши мумкин.

Биринчи факторга кирган таъкидлар қуйидагилардан ташкил топган (фактор юкламалари юқориларидан бошлаб саналади):

Ижобий кутба: “чунки кейин ўз қилмишларингиз учун изтироб чекишга мажбур бўлмайсиз” (0.91), “чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади” (0.51).

¹⁴ Фалсафа: энциклопедик луғат/ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.- 35 б

¹⁵ Фалсафа қисқача изоҳли луғат / М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У. Абилов ва бошқ.: Т.: “Шарқ”, 2004 й. 49 б.

Салбий қутбда: “чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди” (-0.52), “чунки, акси бўлса ҳаётга мослаша олмайсан” (-0.50).

Ушбу факторнинг мазмуний таҳлили ташқи локус мавжудлигини кўрсатмоқда: ахлоқ доирасида ҳатти-ҳаракат қилсанг жамиятдаги мавқеинга путур етмайди ва кейинчалик изтироб чекишга мажбур бўлмайсан.

Бироқ шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, факторнинг салбий қутби (ўсмирлар онгида) одамлар ахлоқий хулқ-атвордан ёвузлик мақсадида ҳам фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатмоқда: ахлоқ ҳаётга мослашиш бўлгани учун барча ахлоқ доирасида ҳаракат қилса ҳам бу оламда ёвузликка жой топилади.

Мазкур факторни “ахлоқ интроект сифатида” деб номладик. Иккинчи факторга тааллуқли таъкидларга эса қуйидагилар киритилган:

Ижобий қутбида “чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди” (0.55), “чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади” (0.51).

Салбий қутбида: “чунки ахлоқдан барчага манфаат бор” (-0.62), “чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни кадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз” (-0.40). Мазкур факторни шартли равишда ахлоқ ўзгалар билан бўлган муносабатлар мезони сифатида деб номладик.

Учинчи факторнинг мазмуний таҳлили ахлоқ эзгуликдан иборат бўлиб у инсоний бурчдир, шундай экан ахлоққа риоя этиш оқилона иш эканини аниқламоқда. Зотан, факторнинг салбий қутби мазкур факторнинг олдинги икки фактордан фарқли жиҳатини очиқ бермоқда: ахлоқ оқилона иш экан ўзгалар билан бўлган муносабатлар унга таъсир этмаслиги зарурлигини эътироф этмоқда. Учинчи факторни шартли равишда “ахлоқ индивидуал масъулият мезони сифатида” деб номладик.

Демак, инсон хулқ-атворидаги ўзгаришлар шахснинг ахлоқий муносабатлардаги ўзгаришларга ҳам туртки бўлиши мумкин.

Шу билан бирга қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, яъни ахлоқий онги шаклланиши хусусиятлари тор оилавий муҳитдан кенг ижтимоий муҳитга кўчиши билан белгиланади ҳамда ахлоқий онг тараққиётининг динамикаси онг субъектларини тадқиқот объекти сифатидаги классификациясини амалга ошириш имкониятини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Akramov.M.R. The ethical awareness behavior of students during higher education (in the condition of Uzbekistan) // European journal of research and reflection in educational sciences Volume 4 number 10, 2016 ISSN 2056-5852. Б. 30-33
2. Ботиров Б.М. “Ўзбек менталитетининг психологик хусусиятлари”- Тошкент, ТДПУ, 2011й. 64 б.

3. Фалсафа: энциклопедик луғат/ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.- 35 б
4. Хвостов Андрей Анатольевич. Структура и детерминанты морального сознания личности : Дис. ... д-ра психол. наук: М., 2005 496 с.

АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ

Махмудова Д.А. - доцент кафедры «Практическая психология» ТГПУ имени Низами

ANNOTATION – A gifted child is a child who stands out for bright, obvious, sometimes outstanding achievements (or has internal prerequisites for such achievements) in a particular activity. Today, most psychologists recognize that the level, qualitative originality and nature of the development of giftedness is always the result of the complex interaction of heredity (natural deposits) and the social environment. At the same time, the role of psychological mechanisms of personal self-development cannot be ignored.

Перед современной школой стоит как бы двуединая задача: дать общее образование, обеспечить рост общих способностей и вместе с тем всемерно поддерживать ростки специальных дарований, готовить к выбору профессии. При этом нужно в полной мере учитывать, что обучение и воспитание – движущие силы психического развития – оказывают формирующее влияние на умственные возможности детей и подростков не непосредственно, а через внутренние условия – возрастные и индивидуальные.

Несмотря на то, что феномен одаренности изучается не один десяток лет, до сих пор не существует единого определения понятия «одаренность».

Известно, что с понятием «одаренность» тесно связаны мотивационная и эмоциональная сферы личности. Большое значение для создания продуктов одаренности является так называемый «личностный смысл».

В процессе обучения и развития одаренные дети нуждаются в систематическом психологическом сопровождении, что дает нам повод создания специальной программы для психологов, которая бы учитывала особенности личности одаренного ребенка.

Важной составляющей является позитивная Я - концепция и самоуважение, которые при наличии других личностных и социальных факторов способствуют реализации одаренности и таланта. Дж. Фельдхьюсен считает, что многие компоненты одаренности поддаются развитию, и можно найти более оптимальные пути их развития.

Проблема выявления одаренных детей имеет четко выраженный этический аспект. Идентифицировать ребенка как «одаренного» либо как «неодаренного» на

данный момент времени — значит искусственно вмешаться в его судьбу, заранее, предопределяя его субъективные ожидания. Многие жизненные конфликты «одаренных» и «неодаренных» коренятся в неадекватности и легкомысленности исходного прогноза их будущих достижений. Следует учитывать, что детская одаренность не гарантирует талант взрослого человека. Соответственно далеко не каждый талантливый взрослый проявлял себя в детстве как одаренный ребенок. С учетом специфики одаренности в детском возрасте наиболее адекватной формой идентификации признаков одаренности того или другого конкретного ребенка является психолого-педагогический мониторинг. Итак, процедуры выявления одаренных детей должны быть экологически валидными с точки зрения специфики детской одаренности и своеобразия признаков одаренного ребенка. Следует подчеркнуть, что имеющиеся валидные методы идентификации одаренности весьма сложны и требуют высокой квалификации и специального обучения. Оценка ребенка как одаренного не должна являться самоцелью. Выявление одаренных детей необходимо связывать с задачами их обучения и воспитания, а также с оказанием им психологической помощи и поддержки. Иными словами, проблема выявления одаренных детей и подростков должна быть переформулирована как проблема создания условий для интеллектуального и личностного роста детей в общеобразовательных школах и учреждениях дополнительного образования, с тем чтобы выявить как можно больше детей с признаками одаренности и обеспечить им благоприятные условия для совершенствования присущих им видов одаренности.

В июле 2012 г. согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании деятельности РЦСАД» был создан отдел по изучению проблем особо одаренных детей, целью которого является успешная социализация и интеграция особо одаренных детей в общество, путем развития их творческого и личностного потенциала. А также, их сопровождение.

Отдел выполняет следующие основные задачи:

- Социальная и психологическая адаптация детей-инвалидов, их проблемы и практическая помощь.
- Дети изучаются с помощью психодиагностических тестов способности, интеллекта и логики.
- В настоящее время ведется работа по обеспечению руководства, поддержки и трудоустройства талантливых детей, которые обращаются в Центр.
- Подготовка научно-методических пособий, буклетов, информационных материалов для одаренных детей, а также для их родителей.
- Создаются данные E-base и портфолио одаренных детей по Республике Узбекистан.

Деятельность:

Проведена работа по переводу на узбекский язык и адаптации таких психологических тестов, как «Логический ряд чисел», тест ШТУР (разработанный под руководством К.М.Гуревич), методика «Социально-психологической адаптации Роджерса-Даймонда», методика Н. Холла на определение уровня эмоционального интеллекта, методика Ч. Осгуда “Семантический дифференциал”. Разработана методика на узбекском языке “Синф зукколарини танлаш” для выявления интеллектуального типа одаренности.

Совместно с Министерством народного образования летом 2013 года на базе детского оздоровительного лагеря «Куёшли» был проведен ряд исследований, направленных на изучение личностных особенностей одаренных детей. В исследовании приняли участие 522 учащихся 5-8-х классов средних школ (победители городских олимпиад из различных регионов Узбекистана). На основе полученных данных был разработан план коррекционной работы с одаренными детьми и проводился мониторинг динамики интеллектуальных способностей учащихся.

Эффективная идентификация одаренности посредством какой-либо одноразовой процедуры тестирования невозможна. Поэтому вместо одномоментного отбора одаренных детей необходимо направлять усилия на постепенный, поэтапный поиск одаренных детей в процессе их обучения по специальным программам.

Список литературы:

1. Махмудова Д.А. Консультатив психология ва психокоррекция. Т 2018
2. Муминова Л.Р., Махмудова Д.А. Иктидорли болалар кобилиятларининг психодиагностик ва коррекцион ривожлантирувчи методлари. Т., 2017.
3. Никитин А.А. Художественная одаренность. – М.: Издательский дом «Классика XXI», 2010.
4. Основные современные концепции творчества и одаренности. /Под ред. Богоявленской Д.Б. – М., 1997.

ЁЛҒОНЧИЛИКНИНГ МАҚОЛЛАРДА ҚОРАЛАНИШИ

Нишанов С.Ю. – ТДПУ таянч докторанти

Аннотация. В статье ложь трактуется как отрицательная черта личности. Теоретически анализируются пословицы, которые являются одними из шедевров фольклора.

Annotation. In the article, lying is interpreted as a negative personality trait. Proverbs and proverbs, which are one of the masterpieces of folklore, are also theoretically analyzed.

Ҳаётимиз давомида ҳар биримиз кимларнидир алдаганмиз, кимларгадир алданганмиз. Алдовлар, алданишлар асосида инсоннинг ҳаётий зарурат туфайли,

Ўзини ҳимоя қилиш учун ёлғон ишлатиши ётади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, инсон 10 минутлик нутқи давомида 3 марта ёлғон ишлатар экан.

Дарҳақиқат, ёлғончилик муқаддас динимизда қораланадиган кабира гуноҳлардан биридир. Одатда ёлғони билан танилган кишилар ҳеч бир жамиятда кадр топмаган. Ҳақиқатдан ҳам, бор нарсанинг тескарисини хабарини олиб келишлик бу - ёлғончиликдир. Бир куни саҳобалар Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашди: "Эй Аллоҳнинг Расули, мўмин одам бахил бўлиши мумкинми?". Пайғамбаримиз: "Ҳа бўлиши мумкин", дедилар. Яна улар: "Эй Аллоҳнинг Расули, мусулмон одам кўрқоқ бўлиши мумкинми?". Пайғамбаримиз: "Ҳа кўрқоқ ҳам бўлади", дедилар. Саҳобалар: "Эй Аллоҳнинг Расули, мусулмон одам ёлғончи бўладими?". Пайғамбар алайҳиссалом: "Йўқ", деб жавоб бердилар.

Аслида бахиллик билан кўрқоқлик битта бўлганида ҳам, гуноҳи ёлғончичалик бўлмайди. Наҳл сурасининг 105-оятда Аллоҳ таоло шундай деб хабар беради: "Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар". Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мўмин киши хиёнат, ёлғончиликдан бошқа барча хислатларга тобеъ бўлади", деганлар. Мазкур ҳадиси шарифни уламоларимиз қуйидагича таҳлил қиладилар: "Мўмин кишида хиёнаткорлик ҳамда ёлғончилик хусусиятларининг мавжуд бўлишлиги унинг мўминлик табиатига хилоф ишдир, мусулмон киши бундай хулққа эга бўлмайди. Аммо шундай бўлса-да мазкур салбий хусусиятлар инсон табиатига хилоф эмасдир, инсоний хилқатда бу каби иллатлар учраб туради. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қачонки бир банда ёлғон гапирса, фаришта у гапнинг сассиқлиги учун у бандадан бир мил масофага узоклашади", дедилар. Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 116-оятда шундай деб марҳамат қилади: "Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиш учун тилларингизга келган ёлғонни гапириб, бу ҳалол, бу ҳаром деманглар. Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқувчи кимсалар ҳеч қачон нажот топмаслар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Мунофиқлик белгиси учта: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир". Аллоҳ наздида энг яхши гап - рост гапиришдир. Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: "Гуноҳларнинг энг каттаси Аллоҳга ширк келтирмоқлик, ноҳақ қон тўқмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқлик", деганлар. Демак, гапларнинг энг ёмони бу - ёлғончиликдир. Ҳаттоки, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Насихатимиз шуки, оталар ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўямасинлар. Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлғончилик бузуқликка бошлайди, бузуқлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга эса ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб Аллоҳ ҳузурида сиддиқ яъни сўзига содиқ деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб Аллоҳнинг ҳузурида каззоб яъни ёлғончи деб ёзиб

қўйилади. Лекин ёлгон, ёлгончилик салбий хислат эканлиги қадим-қадимдан халқ оғзаки ижодида, жумладан мақол ва маталларда ўз аксини топган.

Жумладан, “Ёв макрини ёлгон яширар”, “Ёлгон айтган кишининг Хатари бор ишининг”, “Ёлгон айтиб фойда кўрсанг, Охири зарар топарсан. Рост айтиб зарар кўрсанг, Охири фойда топарсан” каби мақолларда ёлгоннинг зарари, инсон ўз фаолиятида ёлгон ишлатиб ҳеч қачон фойда кўрмаслигини, ёлгон аралашган жойда ҳеч қачон унум бўлмаслиги, бу иш ҳар қачон хавфли эканлиги таъкидланади.

Шу билан бир қаторда ёлгон шунчали қабих, салбий сифат сифатида қораланади: “Ёлгон гапириб яшагандан рост гапириб ўлган яхши. Ёлгон гапнинг чуви чиқар. Ёлгон етмиш йил ерда ётса ҳам, Ёлини чиқар”. Юқоридаги мақолларда ёлгончининг ёлғони бир кунмас бир кун барибир оммага маълум бўлади, шунинг учун иложи борича ёлгонни ишлатмаслик зарурлигига ишора қилинади. Шунингдек ёлгоннинг кимгадир, ё фарзандга, ё давлатга зиёни тегиши мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳлантирилади: “Ёлгон ё фарзандга урар, ё — давлатга. Ёлгон ёндирар, ҳақиқат қондирар. Ёлгон ростдан енгилар, тўғри элда танилар. Ёлгон узоққа кетса ҳам, ҳақиқат қувиб етар”. Юқоридаги мақолларда ёлгоннинг умри қисқалиги, ҳақиқат, адолат ҳар қачон ғалаба қозониши айтиб ўтилади. “Ёлгон уялтирар, рост суюнтирар. Ёлгон-яшиқ гапирма, сўнг уялиб ўтирма. Ёлгонга ё ялқов инонар, ё — анқов. Ёлгоннинг бутунидан ростнинг синиғи афзал. Ёлгоннинг умри — қисқа” каби мақолларда ёлгон гапирган инсон уялиб қолиши, ёлгонга унча мунча одам ишонмаслиги, ёлгон тезда билиниб қолиши ҳақида фикрлар умумлаштирилган. “Ёлгончи гавҳарни хор қилар. Ёлгончи ёлчимас, ўғри бойимас. Ёлгончи ёрилиб ўлар. Ёлгончи киши эмас, ёлгон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлгончи лоп этар, яламачи қон этар. Ёлгончи тўрга бир ўтар, иккинчи ўтмас. Ёлгончи чин деяолмас, чин деса ҳам, эл инонамас. Ёлгончи ялаб айтар, яламачи — ясаб. Ёлгончи ўликни гувоҳ тортар. Ёлгончи — қаллоп, ўғри — аллоп. Ёлгончи хоримас, ўғри қаримас. Ёлгончига ишонч йўқ. Ёлгончига тонг отмас” каби мақолларда ёлгончи ёмон инсон эканлиги, энг қадрли инсонларни ҳам хор қилиши мумкинлиги, унинг ҳеч нарсага ёлчимаслиги, қанча ёлгон ишлатсада чарчамаслиги, унинг ёлғонига ишонмаслик кераклигига ишора қилинади.

Комил инсон доимо тўғри сўзлаши, имкор қадар ёлгон ишлатмаслик зарурлигига қуйидаги мақолларда ишора қилинади: “Ёлгончига қўшилма, тўғри сўзинг яширма. Ёлгончида ор бўлмас, тўғри сўзли хор бўлмас. Ёлгончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас. Ёлгончининг гувоҳи ёнида юрар. Ёлгончининг гувоҳи — қасам. Ёлгончининг ёнидан ўтма, ростгўйининг ёнидан кетма”.

Имкор қадар ёлгончилардан узоқроқ юриш, уларга қўшилмаслик, хатто унинг олдида ҳам ўтирмаслик зарурлигига ишора қилинади. Шунингдек, бошқалар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун инсон ёлгон гапирмаслиги лозимлиги уқтирилади: “Уялмай десанг, ёлгон гапирма. Хашакдан ҳашам бичма,

Ёлғондан қасам ичма”. Ёлғондан қасам ичиб бошқаларни ишонтириш энг хунук, салбий хулқ-атвор сифатида қораланади. Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, ёлғон сўзлаш ёки ёлғон гувоҳлик бериш Ислом динида ва мақол ва маталларда қатъий қораланади. Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор. Ёлғоннинг жамиятга ҳам, шахсга ҳам зарари шунчалар кўпки, буларни санаб тугатиш қийин. Ёлғон уни гапирган одамни кўпчилик орасида шармандаи шармисор қилади, гапининг субути қолмайди, ёлғон узоқни яқин, яқинни узоқ қиладиган саробдир. Ёлғон ақл ўғрисидир, ёлғон кишининг дин ва диёнатини бузади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нишанов С.Ю. Психология вранья человека, место, время и микровыражения. // Psixologiya. 2021. №1. Б. 161-165.
2. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/page/3/>
3. <http://www.muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item/9539-jol-onchilik-ulkan-guno-dir>

SHARQ MUTAFFAKIRLARINING OILAVIY TARBIYADA HAMKORLIK MASALALARIGA OID PEDAGOGIK QARASHLARI TAHLILI Nurmuxamedova L.Sh. - TDPU “Oligofrenopedagogika” kafedrası dotsenti p.f.n. Abduxalilova I. - TDPU 2-kurs magistranti

Abstract. Following the path of building a democratic state governed by the rule of law, the Republic of Uzbekistan is ensuring human rights and freedoms, enriching society and integrating it into the world community. Improving and rehabilitating, through special correctional and pedagogical work, it is a modern requirement to carry out complex but rewarding work, such as correcting deficiencies, directing and preparing them for the profession.

Аннотация. Следуя по пути построения демократического правового государства, Республика Узбекистан обеспечивает права и свободы человека, обогащая общество и интегрируя его в мировое сообщество. Улучшение и реабилитация посредством специальной коррекционно-педагогической работы является современным требованием выполнять сложную, но полезную работу, например, исправлять недостатки, направлять и готовить их к профессии.

O‘zbekiston Respublikasi demokratik huquqiy davlat qurish yo‘lidan borar ekan, inson huquq va erkinliklarini ta‘minlab, jamiyatni ma‘naviy jihatdan boyitib borishni, dunyo hamjamiyatiga integratsiyalashuvni amalga oshirmoqda. Nogironlikning oldini olish bilan bir paytda, ularni ijtimoiy reabilitatsiya qilish, ularning ishlash muhitini yaxshilash va sog‘lomlashtirish, maxsus korreksion-pedagogik ishlar olib borish orqali ulardagi nuqsonlarni korreksiyalash, ularni kasb-hunarga yo‘naltirish va tayyorlash kabi murakkab, ammo savobli ishni amalga oshirish hozirgi zamon talabidir. Shu o‘rinda alohida qayd etish zarurki, yurtimizda yosh avlodni har tomonlama barkamol qilib

tarbiyalash, voyaga yetkazish borasida ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi qabul qilinib, u izchil amalga oshirilmoqda, yosh avlod tarbiyasiga alohida e‘tibor qilinmoqda, ya‘ni zamon talabiga javob beradigan yuksak ma‘naviyatli, bilimdon insonlarni tarbiyalash davlatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylanmoqda. Oila bor ekan, farzand deb atalmish bebaho ne‘mat bor. Har qaysi ongli inson jondan aziz farzandining baxtini, kamolini o‘ylab, hamisha ezgu orzu-intilishlar bilan yashaydi, o‘z zurriyodining har tomonlama sog‘lom va barkamol bo‘lishini istaydi. Sog‘lom bola, sog‘lom avlod orzusi ajdodlarimizdan bizga o‘tib kelayotgan, qon-qonimizga singib ketgan azaliy intilishdir. Agar ota-bobolarimizning turmush va tafakkur tarziga nazar solsak, ular insonning nasl-nasabiga, yetti pushtining tozaligi, avlodning sog‘lig‘iga juda katta e‘tibor berganini ko‘ramiz. Sog‘lom bola sog‘lom va ahil oilaning mevasi bo‘lib, faqatgina sog‘lom onadan sog‘lom bola tug‘iladi. Asrlar davomida o‘z tasdig‘ini topgan bu haqiqatni tushuntirib, izohlab o‘tirishning hojati yo‘q, deb o‘ylayman. Rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan bolalarga ta‘lim-tarbiya berish haqida sobiq ittifoqlik olimlardan L.S.Vigotskiy, A.Zankov, S.Y.Rubinshteyn, X.S.Zamskiy, A.N.Graborov, T.N.Golovina, M.S.Pevzner, V.I.Lubovskiy, V.G.Petrova, T.A.Vlasova, I.G.Eremenko, V.V.Voronkova, R.I.Lalayeva, N.N.Shkolnikova, A.M.Sherbakovalarning dissertatsiyalari hamda metodik qo‘llanmalarida muhim ma‘lumotlar berilgan. Rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilar mehnatini samarali tashkil etish va ularni kasbga yo‘llash borasida G.N.Mersiyanova, G.M.Dulnev, V.I.Antipov, V.I.Karvyalis, Y.Y.Kravalis, S.L.Mirskiy, Y.A.Kovaleva, V.F.Machixina, N.P.Pavlova, V.A.Shinkarenko, I.P.Freytag singari sobiq ittifoqlik olimlar ilmiy izlanishlar olib borganlar. Rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilarni korreksion o‘qitish va tarbiyalash ishlari ustida chuqur ishlar olib borgan yetakchi olimlardan V.S.Raxmonova, M.P.Po‘latova, L.Sh.Nurmuxammedova, K.Q.Mamedov, M.I.Sagatov o‘z ilmiy ishlarida ushbu masalalarni tadqiq etganlar. Respublikamizda rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan bolalarga ta‘lim-tarbiya berish, ularning nuqsonlarini yo‘qotish, oilada nogiron farzandni tarbiyalashning pedagogik xususiyatlari kabi masalalar S.Sh.Aytmetova, L.R.Mo‘minova, I.G.Radisheva, G‘B.Shoumarov, D.A.Gordienko, S.G.Kim, A..Soatov, Z.B.Em, G.A.Sodiqova, R.Sh.Shomaxmudova, P.M.Po‘latova, D.A.Nurkeldieva, M.P.Xamidova, L.Sh.Nurmuxamedova, Sh.M.Amirsaidovalarning izlanishlarida tadqiq etilgan. Rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan bola bilan uy sharoitida korreksion-pedagogik ishlarni amalga oshirish, bola shaxsini rivojlantirish va dunyoqarashini shakllantirishga qaratilgan uslubiy, pedagogik yondashish, turli xil mashg‘ulotlarni o‘tkazish, oila a‘zolari va nuqsonli bola o‘rtasida o‘zaro munosabatlarni to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, nuqsonli bola kelajakda o‘z hayotiy o‘rnini topa olishiga qaratilgan korreksion-pedagogik ishlarni amalga oshirilishida oila, maktab va mahalla hamkorligi muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Tadqiqotlarni o‘rganish va ularni tahlil etish natijasida rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilarni tarbiyalash

jarayoni va tarbiyada oila va maktab hamkorligi tizimli yondashishni talab qiladigan o'ta murakkab, ko'p qirrali ijtimoiy-pedagogik muammodir, degan xulosaga keldik. Rivojlanishida nuqsoni bo'lgan o'quvchilarga tarbiya berish darajasini oshirish uzluksiz ta'lim tizimi barcha bo'g'inlarida oila hamda maktabning o'zaro hamkorlikda va izchil olib borishga bog'liq. Rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalarni tarbiyalashda maxsus muassasalar hamkorlining ish tajribalarini umumlashtirish, maqsadga muvofiq mos xulosalar chiqarish, rivojlanishida nuqsoni bo'lgan o'quvchilarni tarbiyalashda maktab, oila va mahalla hamkorligiga oid zarur tavsiya va takliflar berish imkonini beradi. Maxsus maktablar sharoitida ta'lim-tarbiyaning samarali shakl va usullarini izlab topish, yaratish hamda rivojlanishida nuqsoni bo'lgan o'quvchilarga tarbiya berishda oila va maxsus muassasalar yo'lga qo'yish hozirda dolzarbli bilan muhimdir.

Markaziy Osiyoda qadimdan oila va oilaviy munosabatlar oila a'zolariga g'amxo'rlik qilish, ularga mehr-shafqat ko'rsatish, xayr-saxovat qilish diniy, ham insoniy udum bo'lib kelgan. Markaziy Osiyo mutafakkirlarining ilmiy, falsafiy va axloqiy qarashlarida oila va oilaviy munosabatlar, oilaviy tarbiya, oilaviy totuvlik kabi g'oyalari mas'uliyati va burchi, farzandga nisbatan hurmat, farzandning ota – onaga nisbatan hurmati kabi masalalarga alohida e'tibor berilgan¹⁶. Oila nafaqat bir yurtning, balki umumiy insoniyatning va davlatning katta siyosatidir. Oilaning eng muhim vazifalaridan biri insoniyatning zanjirini sog'lom va iqtidorli avlodlar bilan ulab borishdan iborat. Har bir inson hayotining o'ziga xosligi va qadriyatlarni tan olishi, ma'naviy komil inson bo'lib voyaga yetishi, bolaning rivojlanish huquqlari, ta'limga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishini kafolatlash kabi insonparvarlik g'oyalari zamonaviy jamiyatning ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lishi lozim ekanligi tobora keng anglanmoqda. Rizouddin Ibn Faxruddinning “Oila” nomli risolasida “Bola tarbiyasi yomon niyat bilan emas, balki sabr – toqat, matonat, mehribonlik, chidamlilik, shavqat-u sezgirlik bilan bo'lishi kerak. Bundan bolaning tizginsiz hayvon kabi o'z holiga tashlab qo'yish kerak degan gap kelib chiqmaydi. Zarar bilan foydani ayira olmagan yosh go'dakni nazoratsiz tutish katta xatodir. Balki uni qattqlik bilan yumshoqlik o'rtasida, adolat bilan tarbiya qilmoq kerak” haqida fikrlar berilgan. Tib ilmining sultoni Ibn Sino yosh bolani yaxshi axloqli, jismoniy sog'lom bo'lishi uchun tarbiya jarayonida shaxsiy namuna bo'lish usuli g'oyat katta ahamiyatga ega ekanligini qayta – qayta uqtirib o'tadi. Ibn Sinoning oilaviy tarbiya to'g'risidagi fikrlarning chuqur mazmuni va amaliy ahamiyatini uning quyidagi so'zlaridan bilib olish mumkin: “Bola xulqini mo'tadillikda saqlashga alohida ahamiyat berish kerak, bunga bolani qattiq g'azablanish, qo'rqish, xafalik va uyqusizlikdan saqlash orqali erishiladi. Bolaning xohlagan va foydali narsani darhol topib berishga, ham sevmagan narsasini ko'zidan uzoqlashtirishga doim tayyor turish kerak. Bu ishning ikki xil foydasi bor. Bir tomondan bolaning ruhiyatiga ta'sir qiladi, bola eng yosh chog'danoq xushxulq bo'lib o'sadi va bora – bora xushxulqlilik unga odat bo'lib qoladi. Ikkinchi

¹⁶ Sharq tafakkuri hazinasidan. -T.: G'.G'ofur nomidagi Adabiyot va san'ati nashriyoti.1996 .-56.b

tomondan bolaning tanasiga foyda qiladi, chunki yomon xulq turli mijoz buzilishlarida sodir bo‘ladi. Shuningdek, yomon xulq odatga aylanib ketsa, u mijoz buzilishini keltirib chiqaradi. Masalan, g‘azab kuchni qizdiradi, qayg‘u kuchni ozdiradi, xafalik beg‘amlikka moyil qiladi. Xulqning mo‘tadilligi natijasida ham nafs, ham badan sog‘lom bo‘ladi”, - deydi olim¹⁷. Bola tarbiyasidagi katta xatoliklardan yana biri ota-onaning tarbiyada hamma narsa shartli va sababli ekanini, tarbiya uzoq jarayon bo‘lib, bu jarayonda bir qator o‘zaro bog‘liq bo‘g‘in, vosita va uslublar bo‘lib, ularga biror bo‘g‘inning tushib qolishi tarbiya jarayonining buzilishiga olib kelishini tushunmasliklaridir. Oiladagi tarbiya jarayoniga salbiy ta’sir qiluvchi xatoliklardan yana biri ota yoki ona, buvi, buva va boshqalar tomonidan tarbiyada yagona talabning yo‘qligidir. Bunday oilalarda bolalar kattalarning qarama-qarshi fikrlariga moslashishga harakat qiladilar, bu esa bolada salbiy xislatlar shakllanishiga sabab bo‘ladi. Yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, oilada bolaning ta’lim tarbiyasini tashkil qilish murakkab va muhim jarayondir. Oila jamiyatning ajralmas bo‘g‘ini hisoblanadi. Agar yosh avlodni har qanday nuqson va kamchiliklardan xoli holda tarbiyalasak, kelajakda vatani, xalqi, oilasi ravnaqi uchun yashaydigan barkamol avlodni yetishtirishga poydevor yaratgan bo‘lamiz. Zamonamizning yirik ma’rifatparvarlaridan bo‘lmish Abdulla Avloniy inson barkamolligi uning aqlida, jismoniy sog‘lig‘ida hamda odobli xushxulqida deb biladi. Tarbiya bola hayotining yo‘llarini belgilovchi muhim omil hisoblanadi, deya shunday fikrni bildirgan: “Tarbiya yo hayot, yo mamot, yo najot, yo saodat, yo falokat”. Abu Ali Ibn Sinoning tarbiyaga oid qarashlari deyarli barcha asarlarida o‘z ifodasini topgan. “Tadbir Al Manozil” kitobida tarbiyaning asosiy uslublarini sanab ko‘rsatib, agar oila bu tarbiya uslubini to‘g‘ri tatbiq eta olsa, qo‘llay olsa, oiladagi bolalar hayotlarida o‘z baxtlariga tez erishadilar, degan g‘oyani ifodalaydi. Ibn Sinoning ta’kidlashicha, oilada ota-onaning yumshoq ko‘ngil bo‘lishi, shirin so‘zli bo‘lishi bola tabiyasini buzadi. Oilada bosh tarbiyachi “ota”dir deb hisoblaydi. Uning fikricha, ota bolalar tarbiyasida qattiqqo‘llik va hatto lozim bo‘lsa, jazo berishiga qadar ta’sir ko‘rsatuvchidir. Mazkur kitobning “Ayolarning yaxshi sifatleri” bo‘limida esa onalarning donoligi, halolligi, kamtarligi kabi axloqiy sifatlerini ulug‘laydi. Uningcha, ayollar hamma yerda erkakning munosib hamrohi bo‘lishi bilan birga, oila mustahkamligi hamda bolalarni tarbiyalashda uning eng yaqin yordamchisi hamdir. “Tib qonunlari” kitobida esa bola tarbiyasi onaning vazifalariga alohida e’tibor beradi. Jumladan, bola kamolotiga emizuvchi ayolning “g‘azablanish, qayg‘urish, qo‘rqish” kabi ruhiy kechinmalari zarar keltirishini uqtiradi. Mumkin qadar sipo, bosiq va chidamli bo‘lishi lozimligi maslahat beriladi. Bola axloqining shakllanishida, nimaiki va’da qilgan bo‘lsa, o‘z va’dasi ustidan chiqishi shart. Ibn Sino tarbiyachiga oid o‘z fikr-mulohazalarni bildirar ekan, bola tarbiyasini unga ism qo‘yishdan boshlashni topadi hamda bolalarga yaxshi, munosib ism tanlashni ota-onaning dastlabki olijanob

¹⁷ Safarov O., Mahmudov M. Oila ma’naviyati. – T.: Ma’naviyat, 1998. – 16 b.

vazifalaridan hisoblaydi. Abu Ali Ibn Sino oilada, maktabda bolani ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashda mehnatsevarlikni shakllantirishga alohida urg'u berib, ota-onalarni farzandlariga nisbatan kasb-hunar o'rgatishga da'vat etadi, mehnatni ulug'laydi. Mehnatsiz hayot kechirishning bolaga bo'lgan salbiy ta'sirini ko'rsatib beradi. Ayniqsa, Abu Ali Ibn Sino aqliy, axloqiy, estetik va jismoniy tarbiyaning birligi va ularni amalga oshirish yo'llari haqidagi fikrlari bugungi kunda ham ijtimoiy ahamiyat kasb etmoqda va ma'naviy qadriyat sifatida e'tiborga loyiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. - T.: "Sharq" nashriyot - matbaa konserni, 1997.
2. Abu Ali ibn Sino. Tibbiy o'gitlar. – T.: Mehnat, 1991.
3. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993.
4. Д.И.Ахмедова, Ш.М.Бердиева, Д.А.Нуркелдиева, А.К.Инаков, Д.Тураев, Т.А.Умаров, Г.Б.Шоумаров, Я.Е.Чичерина. Анализ социальной защищённости детей с особыми потребностями в Республике Узбекистан. –Т.2000

UMUMTA'LIM TIZIMI RAHBARLARI SHAXSINI IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK KOMPETENTLIK ASOSIDA RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Shonazarov A.M.- SamDU o'qituvchisi

Аннотация: Научная статья предусматривает комплексное совершенствование социально-психологической компетентности, культуры общения и современного имиджа директоров общеобразовательных школ в управленческом процессе.

Abstract (annotation): The scientific article provides for a comprehensive improvement of the socio-psychological competence, communication culture and modern image of general secondary school principals in the management process.

Mustaqil O'zbekistonning o'z ishonchli va bardavom bo'lgan yo'li, aniq maqsadi bor, ertasi bugungi kundanda farovon va nurafshondir. Barchamizga ma'lumki, so'ngi 5 yilda Prezident Sh.M.Mirziyoevning tashabbusi bilan mamlakat rivojlanishiga yo'naltirilgan g'oyaviy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy, ta'lim-tarbiya, ilm-fan va sog'liqni saqlash kabi ko'plab sohalarida misilsiz ijobiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Olib borilgan tadqiqotimiz umumta'lim tizimi doirasida bo'lib, umumta'lim tizimi rahbarlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligiga xos bo'lgan shaxsiy va umumiy muammolarni bartaraf eta olishi va zamon bilan ham nafas bo'lishidan iboratdir. Bu esa ilmiy tadqiqotning jamiyat hayoti uchun naqadar dolzarb ekanligidan dalolat beradi.

Tadqiqotning asosiy ob'yekti bo'lgan maktab direktorlarining ijtimoiy rolini oshirish, ularning milliy va zamonaviy qiyofasini kashf qilish, ijtimoiy-psixologik

kompetentli xususiyatlarni ta'lim sohasini boshqaruviga yo'naltirish mavzuning asosiy maqsadi hisoblanadi. Bunday zamonaviylashtirishga qaratilgan va hal etilishi lozim bo'lgan masalalar bugungi kunda yurt ravnaqi uchun o'ta muhimdir.

Ko'rib o'tganimizdek, umumiy o'rta ta'lim tizimini boshqarish jarayoni o'zining murakkabligi va o'ziga xosligi bilan alohida ajralib turadi. Shuning uchun ham boshqaruv jarayonining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari boshqaruv maqsadi va vazifalarni amalga oshirish davomida amalga oshiriladi. Aynan shuning uchun ham boshqaruv sub'yekti va ob'yekti o'rtasida yuzaga keluvchi munosabatni talqin etishda rahbar shaxsi psixologiyasi markaziy o'rinda turadi. Rahbar va xodim o'rtasidagi mazkur munosabat tizimining tashkiliy qismlari o'zaro itoatdaligi bilan xarakterlanadi.

Boshqaruvdan ko'zlangan asosiy maqsad – bo'lg'usi rahbarlarda boshqaruvning ijtimoiy-psixologik muammolari, boshqaruvchi shaxsga oid turli ijobiy va salbiy xususiyatlarni, boshqaruvga doir ijtimoiy munosabatlarning ob'yektiv va sub'yektiv sifatida talqin etiladigan o'ziga xos qonuniyatlariga oid nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakani shakllantirishdan qaratilgan.

Boshqaruvning vazifalari – boshqaruv jarayonining ijtimoiy-psixologik jihatdan kelib chiqishi va zarurligi, boshqaruvning uslublari, boshqaruv funksiyalari va turkumlari, boshqaruvda ob'yekt bilan sub'yekt munosabatlari, boshqaruvning asosiy tamoyillari, qonunlari bo'yicha chuqur nazariy va amaliy bilimlarni umumta'lim tizimi rahbarlari shaxsiga o'rgatishdan iborat.

Maktab direktorlarining muloqot madaniyatini, ijtimoiy-psixologik kompetentligini tarkib toptirishdan ko'zlangan asosiy maqsadlar bir vaqtning o'zida ham nazariy, ham amaliy tomondan o'zida quydagi ilmiy asosini qamrab oladi:

- 1) Kreativ fikrlay oladigan ma'nan yetuk rahbar kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish;
- 2) Ijtimoiy-psixologik kompetentlikga ega bo'lgan zamonaviy rahbar shaxsini tarkib toptirish;
- 3) Yuqori muloqot madaniyatiga va zamonaviy qiyofaga ega bo'lgan rahbar shaxsini rivojlantirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqish;
- 4) Ruhan sog'lom, ma'nan barkamol, aqlan uyg'un kamol topgan avlodga ta'lim-tarbiya bera oladigan rahbar shaxsini rahbarlarni shaxsini takomillashtirish;
- 5) Pedagogik jamoaga zarur imkoniyatlar bazasini yarata oladigan kognitiv va tashabbuskor rahbarlarni tayyorlashga erishish.

Bu boradagi vazifalarni hal etishda milliy ta'lim-tarbiya tizimining amaldagi holati uni zamon talablari asosida modernizatsiya qilish, yoshlarni pedagogik-psixologik tomondan boshqaruvga tayyorlash, yuksak bilim-ma'rifat egalari sifatida jismoniy va ma'naviy sog'lom insonlar etib tarbiyalash, ta'lim muassasalarining rahbar va pedagog hodimlari nufuzini oshirish, ularning samarali faoliyat olib borishlari uchun mavjud

imkoniyatlardan unimli foydalanish, umumta’lim tizimi boshqaruviga doir zarur shart-sharoitlar yaratish bo‘yicha izchil chora-tadbirlarni amalga oshirish zamon talabidir.

Insoniyatning rivojlanish tarixiga nazar soladigan bo‘lsak, har qanday davlat yoki jamiyatning taraqqiyoti ta’lim tizimiga berilgan e’tibor va sifatli kadrlar boshqaruviga bevosita bog‘liq bo‘lib kelgan. Bunday uslubiy bog‘lanishlarga tayanish natijasida boshqaruv jarayoni ijtimoiy-psixologik jihatdan faol yuksalishga erishgan. Ayniqsa kadrlar tayyorlash tizimini poydevori bo‘lgan umumiy o‘rta ta’lim tizimini tubdan isloh qilish bilan bir qatorda maktab direktorlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Shuningdek, umumiy o‘rta ta’lim maktablari direktorlarini moddiy qo‘llab-quvvatlash ularning tizimli ravishda malakasini oshirib borish, umumta’lim maktablari hodimlarini pedagogik faoliyatini to‘g‘ri tashkil etish, pedagog hodimlarning jamiyatdagi maqomi va nufuzini yanada oshirish, o‘qituvchi va muallimlarning turmush tarzini yaxshilash, ongli faoliyat yuritishlari, erkin ijod qilishlari uchun kerakli shart-sharoitlarni yaratib berish maqsadida ko‘plab qonun va dasturlar ishlab chiqilib, bu borada samarali ishlar amalga oshirilmoqda.

Kompetentlik – muayyan yo‘nalish yoki mutaxassislik bo‘yicha egallagan nazariy bilim, o‘zlashtirilgan ko‘nikma va hosil qilingan malakalarni kundalik hayotida duch keladigan amaliy va nazariy masalalarni hal etishda foydalanib, amaliyotda qo‘llay olishdir.

Inson qaysi kasb sohibi bo‘lishidan qat’iy nazar o‘z ishiga, mashg‘ulotiga qunt bilan, mehr bilan yondashsa, uning sir-asrorini mukammal egallaydi, shu bilan birga o‘z-o‘zini anglaydi, shu sohada kamol topadi. Shuning uchun ham maktab direktori ham o‘z jamoasini va bolalarni sevib ta’lim-tarbiya, bersa ular yaxshi ulg‘ayadi.

Rahbar psixologiyasi – xodim faoliyatini analiz qilganda asosiy diqqatini boshqarish jarayoniga qaratadi va bo‘ysinuvchining ehtiyoji yoki qobiliyatlariga mos yoki mos emasligi, qaysi individual shaxsiy xususiyatlariga ko‘ra u boshliq darajasiga ko‘tarildi, ishni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun u boshqaruvning qay usullaridan foydalanyapti, xodimlarga psixologik ta’sir ko‘rsatish maqsadida u qanday ta’sir uslublarini qo‘llayapti kabi qator masalalarga qaratadi.

Bugungi kunga kelib ta’lim tizimidagi yangicha yondoshuvlar, ischil islohotlar, zamonaviy usul, uslub va vositalarni amaliyotga tadbiq etilishidan ko‘zlangan asosiy maqsad har tomonlama yetuk mutaxassis rahbar kadrlarni tayyorlash hamda ularni shaxsini milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida shakllanirishga yo‘naltirildi.

Mazkur jarayonning ijtimoiy-psixologik xususiyatidan kelib chiqadigan bo‘lsak, demokratik va huquqiy davlat hamda fuqarolik jamiyatini rivojlantirishga qodir, o‘z shaxsiy pozitsiyasiga, faol ijtimoiy xarakterga, yuqori boshqaruv qobiliyatiga, kognitiv va kreativ jihatdan saviyali, har qanday vaziyatda o‘z-o‘zini boshqara oladigan, samimiy, boshqaruv jarayonini adolatli tashkil eta oladigan, tashabbuskor, sermulohazali hamda

davlat va jamiyat manfaatlariga o‘z hissasini qo‘sha oladigan rahbar kadrlarni zamonaviy usul va vositalar yordamida tayyorlash hamda ularni zahirasini yaratishga qaratilgan.

Ma’lumki, umumiy o‘rta ta’lim tizimini boshqarish murakkab jarayon sifatida qaraladi va rahbardan ijodiy yondoshuvlarni, aqliy salohiyatni, kognitivlikni talab etadi. Chunki ta’lim jarayonidagi birgina xato va kamchilik ijtimoiy munosabatlar tizimiga, davlat va jamiyat manfaatlariga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqadigan bo‘lsak, shaxsning o‘z ehtiyojlarini qondirish yo‘lidagi xarakterlarining muvaffaqiyati ijobiy xisllarni, uning qiyinchiliklarga duch kelishi, mag‘lubiyatga uchrashi salbiy tuyg‘ularni uyg‘otadi.

Ijobiy xisllarni salbiy tuyg‘ularni o‘z navbatida ikki guruhga bo‘lib o‘rganish mumkin. Ular:

Stenik hissiyotlar - shaxsda g‘ayrat uyg‘otadigan, shijoatga sabab bo‘ladigan ijobiy emotsional holat: kuchli quvonch, qattiq g‘azab, jangovar rux, mardlik kabilar.

Astenik hissiyotlar - shaxsning hayotiy faoliyatini pasaytiradigan, g‘ayratini susaytiradigan emotsional holat: qayg‘u-xasrat, umidsizlik, loqaydlik, g‘am-afsus kabilar.

Jamiyat insoniyat tarixiy taraqqiyotining ma’lum bosqichida shakllanadigan ijtimoiy munosabatlar majmuidir. Shaxs ongli mavjudot sifatida qaraladi. Shu boisdan bir vaqtning o‘zida u ham boshqaruvchi, ham boshqariluvchi hamda ijtimoiy munosabatlarning bevosita ishtirokchisi hamdir. Shuningdek, shaxs – jamiyatning bir a’zosi.

Shu o‘rinda ta’kidlash kerakki jamiyatda shaxs tushunchasini ro‘yobga chiqarish, yoshlar ta’lim-tarbiyasi bilan shug‘ullanish insoniyat taraqqiyotining barcha davrlarida mavjud bo‘lgan. Bola dunyoga kelishiga va jismoniy shakllanishiga ota-onalar sababchi bo‘lsa, ularni hayotga tayyorlash, shaxsini kamol toptirish, kasbga yo‘naltirish, kelgusida jamiyatga va davlatga xizmat qilishiga bevosita o‘qituvchilarning mahorati hamda mehnati asosida tarkib topadi. Bularning barchasi ijtimoiy munosabatlarga to‘g‘ri yondoshish va ta’lim tizimini mazmunan samarali boshqarishga bog‘liq bo‘ladi. Chunki har qanday ish odamlarning bir-birlari bilan til topishishini, bir-birlariga turli xil ma’lumotlarni uzatishini, o‘zaro fikrlar almashuvi kabi murakkab hamkorlikni talab qiladi.

Mamlakatimizdagi barcha sohalarni xususan, yurt taraqqiyotining negizi bo‘lgan o‘rta ta’lim tizimini keskin o‘zgarishlar va yangi taraqqiyot davri sifatida qarash orqali ushbu sohani “Yangi O‘zbekiston – yangicha dunyoqarash” shiori ostida yanada rivojlantirish ijtimoiy miqiyosda bo‘lgan sohalarni xalq farovonligi, ilm-fan, ta’lim-tarbiya va shu kabi sohalarni zamonaviylashtirish hamda yanada ravnaq toptirish, “Maktab ta’limini rivojlantirish davlat dasturi” ning samarali amalga oshirilganligi buning bilan belgilanadi.

Ijtimoiy faoliyat jamiyatdagi, jamoadagi, oiladagi yurish-turish tamoyillari inson aql-zakovatining yoki boshqacha aytganda tabiiy intellektning talablarini qondirish

rahbarlar, mutaxassislar, oddiy hodimlar bilan munosabatda bo`lish, bir tizim doirasida faoliyat ko`rsatayotgan odamlar orasida ham ijtimoiy, ham iqtisodiy, ruhiy tarbiyaviy munosabatlar o`rnatish kabi muhit bilan qurshovda bo`lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. -T.: O'zbekiston, 2017.-11 b.
2. Campbell R. Mc. Connell. Microeconomics. - Copyright 2015, Macmillan Publishing Company, a division of Macmillan, Inc. – P.-127.
3. Karimova V.M., Hayitov O.E., Djalalova S.M. Boshqaruv psixologiyasi. “O'quv qo'llanma”. –T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2008. – 2010-211 b.
4. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya. Darslik. Pedagogika oliygohlari talabalari uchun. – Toshkent: “Fan va texnologiyalar”, 2007. – 176 b.

EGOSENTRIZM INSON XULQ ATVORINING NEGATIV XUSUSIYATI SIFATIDA

Tursunova G.Sh. – Nizomiy nomidagi TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrasida o'qituvchisi

Аннотация. В статье представлен анализ научных исследований зарубежных ученых о проявлении феномена эгоцентризма как черта личности. В частности, выделено проявление феномена эгоцентризма в развитии личности и его связь с самооценкой, самосознанием, образцами поведения, нравственным поведением.

Annotation. The article presents an analysis of the scientific research of foreign scientists on the manifestation of the phenomenon of egocentrism as a personality trait. In particular, the manifestation of the phenomenon of egocentrism in the development of the individual and its connection with self-esteem, self-awareness, patterns of behavior, moral behavior are highlighted.

Hozirgi kunda bolalarda tafakkur va nutq egosentrizmini o'rganishdan tashqari psixologiyada o'smirlar va kattalardagi bilish jarayonlari egosentrizmini tadqiq qilishga doir asarlar ham mavjud. Egosentrik fenomenologiya shaxsni qiyosiy taqqoslanishlarida ham tasvirlangan. Bu asarlarda “egosentrizm” tushunchasi bolalar psixologiyasidan biroz boshqacha ma'noda ishlatilib, insonning xususiyatlari, holati va xulq-atvorini bildiradi. “Egosentrizm” tushunchasi nafaqat shaxsning xususiyatlarini, balki holatini tavsiflash uchun ishlatilganligi sababli, ma'lum hissiy jarayonlar bilan bog'liq bo'lgan egosentrik hodisalarni ajratib ko'rsatish mumkin.

Ba'zi mualliflarning fikricha, egosentrizmning axloqiy tomoni shaxsning o'ziga xos xususiyati bo'lib, u boshqa odamlarning axloqiy xulq-atvori va xatti-harakatlarini idrok qila olmasligi bilan bog'liq. Ma'naviy egosentrizm, ma'lum sharoitlarda, xudbinlik va pragmatizmga olib keladi. Shu bilan birga, egoizm o'z ehtiyojlarini qondirish va

maqsadlariga erishish uchun boshqa odamlarning faoliyati, munosabatlari, xatti-harakatlari, vositalari va imkoniyatlaridan foydalanish deb tushuniladi. Shuningdek, pragmatizm faqat o‘zlari uchun foydaliligi nuqtai nazaridan odamlarga nisbatan idrok va munosabatdir va inson hayotda uchraydigan har bir narsani baholashdir.

“Egosentrizm” konsyepiyasini ishlab chiqish uchun muhim g‘oyalar A.Smitning axloqiy qarashlarida uchraydi. Keling, u shaxsning egosentrik va egoistik motivatsiyasini inson-jamiyat tizimining o‘zaro munosabati nuqtai nazaridan baholaganiga e‘tiborimizni qarataylik. A.Smitning ta’kidlashicha, odamning egoistik yo‘nalishi ma’lum vaqtinchalik foyda olishiga qaramay, uning jamiyatdagi obro‘sigga putur yetkazadi, boshqa odamlar bilan munosabatlarni yomonlashtiradi va shuning uchun baxtli hayotga erishishga to‘sqinlik qiladi. Mazkur tadqiqotda axloqiy xulq-atvor va axloqiy his-tuyg‘ular odamlarning shaxsiy farovonligi yoki baxtsizligi natijasida boshdan kechiradigan og‘riq yoki zavqlanish tajribasi bilan bog‘liq. Bu hissiyotlarning sabablaridan biri xudbin ehtirolardir. Ular odamning holati bilan bog‘liq bo‘lib, ba’zi vaziyatlar tufayli u tug‘ilgan ijtimoiy mavqeidan yuqoriga ko‘tariladi. A.Smit hech qachon yuqori martabani tanlashni maslahat bermagan va hech qachon bizdan oldin insoniyatning yarmidan ko‘pi e‘tiborini jalb qila olgan omadli odamlar bilan o‘zini solishtirish haqida o‘ylamagan.

Muammoning yana bir tomoni B. Paskalning falsafiy asarlarida ochib berilgan, u koinotning kengligi va boqiyiligini epistemologik tushunishi bilan bog‘liq bo‘lgan inson tajribalariga e‘tibor qaratgan. Uning fikriga ko‘ra, o‘ziga va his-tuyg‘ulariga markazlashmagan odam dunyoga boshqacha munosabatda bo‘ladi. Shaxs dunyoqarashining “egosentrizmi” muallif tomonidan qo‘llaniladigan bilish usuli bilan belgilanadi. Darhaqiqat, u inson umri chegarasida “yakkalanishi” xususida fikr yuritadi. Shuning uchun, B.Paskal egosentrizmning maxsus falsafiy muammosini ilgari suradi deyish maqsadga muvofiqdir. Bu odamlarning vaqt va makonda mavjudligining chegaralarini idrok etishidan kelib chiqadi.

Psixologiyada shaxs haqidagi bunday tushuncha yaqinda o‘z tarafdorlarini topa boshladi. Mazkur jihat V.N.Kabrinning shaxs kommunikativ rivojlanishini psixologik nazariyasi bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Shuningdek, rivojlanish mexanizmini ochishga urinishlarni M.Sh.Magomet-Eminov taqdim etgan shaxs dinamik modelida ko‘rish mumkin. Qoida tariqasida, tadqiqotchilar xulq-atvorida egosentrik fenomenologiyasi kuzatilgan insonning shaxsiy xususiyatlarini hisobga oladi. Shuning uchun ularning shaxs egosentrizmini o‘rganishga bo‘lgan yondashuvi psixik yoki shaxs ichki xususiyati sifatida tavsiflanishi kerak. Bu yondashuv ijtimoiy psixologiyaga xos bo‘lgan shaxslararo qarashlarga qarama qarshi tarzda namoyon bo‘ladi. Mualliflar tomonidan qo‘llaniladigan tamoyillar va yondashuvlar ularning tadqiqot yo‘nalishini va shuningdek, olingan natijalarning talqinini belgilaydi. Intrapsixik yondashuv bilan, shaxslararo muammolarni o‘rganish, xususan, egosentrik motivlar, shaxsiy ma’nolar, egosentrik shaxs xususiyatlari kabi muammolarni yuzaga keltiradi.

Egosentrizm muammosini o'rganish uning shaxs tuzilmalari xususiyatlarining paydo bo'lishidagi rolini aniqlashni talab qiladi: o'zini o'zi qadrlash, talablar darajasi, ambisiyalar va shu bilan bog'liq ijtimoiy va biologik ehtiyojlar, istak va motivlar. Axir, egosentrizm odam ijtimoiy xulq-atvor va umuman shaxs hayotining asosiy regulyatori vazifasini bajaradigan joyda sodir bo'ladi. Shaxs shaxslararo munosabatlarda hal qiluvchi omil bo'lib, ular bir-biri bilan bo'lgan munosabatlarning barcha turlarida yetakchi o'rinni egallaydi. Shu munosabat bilan, G.M.Andreeva shaxslararo munosabatlarning o'rni va tabiatini ko'rsatib, bu munosabatlar jamiyatning ijtimoiy-psixologik “to'qimasini” tashkil qilishini isbotlaydi [1].

Egosentrizmni shaxsining o'ziga xos xususiyati sifatida o'rganishga kelsak, kattalarda egosentrik fenomenologiyaning o'ziga xos xususiyatlarini tavsiflash muhimdir. J.Piaje ayrim kishilarning yakka o'zi monologlarni baland ovozda talaffuz qilish odatiga e'tibor qaratdi. Uning fikricha, o'z -o'zidan gapiradigan odam “bundan zavq va hayajonni boshdan kechiradi, bu esa uni o'z fikrlarini boshqalarga yetkazish zaruriyatidan chalg'itadi”. Shunday qilib, nutqning monologi uning ijtimoiy yo'nalishga ega emasligi, egosentriklik ko'rsatkichi sifatida qaralishi kerak. J.Piajening fikriga ko'ra, agar normal rivojlangan kattalarda nutqning funksional egosentrik muammosi mavjud bo'lsa, unda bemor, ibtidoiy odam yoki bolaga nisbatan ko'proq bo'lishi mumkin.

M.Donaldsonning ta'kidlashicha, odamlar butun hayoti davomida ba'zi holatlarda egosentrik, boshqalarida esa markazlashtira olmaslikni yaxshi bilishadi[3].

X.Shryoderning tadqiqotlari kattalar egosentrizmiga bag'ishlangan. U ruhiy sog'lom kattalar va ruhiy kasallar o'rtasidagi muloqot va o'zaro tushunish xususiyatlarini taqqoslashga harakat qiladi. U tomonidan olib borilgan izlanishlar xulosasiga ko'ra, ularning ikkalasi ham egosentrik hisoblanadi. X.Shryoder vaziyat egosentrizmi markazsiz xatti-harakatlar uchun katta ahamiyatga ega ekanligini asoslab berdi. Isteriya bilan og'rigan bemorlarda muhim holatlar va ma'lumotga ega bo'lgan odamlar bilan muloqot qilganida, egosentrizm o'z-o'zidan namoyon bo'lmaydi va ular boshqa insonlarning nuqtai nazarini tushunishga va qabul qilishga qodir ekanligi ayon bo'ladi.

Xulq-atvor va shaxs holatining egosentrik xususiyatlari R.Assajioli tomonidan ham keng doirada o'rganilgan. Psixosintez tipologiyasini qurish konsyepsiyasida u irodali, mehribon, faol-amaliy, badiiy va ijodiy, ilmiy, idealistik va tashkiliy kabi shaxs turlarini ajratadi [2]. Jumladan, ixtiyoriy tipdagi odamda, haddan tashqari introversiya va boshdan kechirgan fikrlar bilan birga, egosentrizm hissiy izolyasiya, aqliy sezuvchanlikning pasayishi bilan birga kechadi. Shu sababli, bu turdagi odam odatda boshqa insonlarda tirik jonlarni ko'rishga moyil emas [2].

Umuman olganda, har bir shaxs turi uchun o'ziga xos bo'lgan egosentriklik sohasini ajratib ko'rsatish va paydo bo'layotgan egosentrik holatlarning xarakterli xususiyatlarini, boshqa odamlar bilan munosabatlardagi qiyinchiliklarni va o'z-o'ziga bo'lgan munosabat xususiyatlarini kuzatish mumkin. Uyatchan odamlarda egosentrizmni

muloqotda yengish qiyin bo‘lib chiqadi, ular uchun odamlar bilan, ayniqsa ilgari noma’lum bo‘lganlar bilan aloqa o‘rnatish birmuncha mushkul kechadi [4].

Bolaning egosentrizmini o‘z pozitsiyasi bilan bog‘laydigan V.A.Nedospasovaning fikricha, markazlashtirishni bartaraf etishda asosiy nuqta bolaning o‘z pozitsiyasini va boshqalarning pozitsiyalarini hisobga olish qobiliyatidir. Bolalarni shartli ravishda dinamik pozitsiyani egallashga o‘rgatish (o‘zlarini boshqa odam bilan tanishtirish orqali) ularning obro‘cini tushirish qobiliyatini rivojlantirishning samarali usuli edi. Shuningdek, eksperimental o‘qitish jarayonida rivojlangan desentralizatsiya ko‘nikmalari maktabgacha yoshdagi bolalar tomonidan “Piaje” tipidagi muammolarni hal qilishga muvaffaqiyatli topshirilganligi aniqlandi.

O‘tkazilgan tadqiqotlar va tahlillarning xulosalari quyidagicha bo‘lishi mumkin.

1. Egosentrizm mulk sifatida ham, shaxs holati sifatida ham o‘zini namoyon qilishi mumkin.

2. Egosentrik holat insonning egosentrik xulq-atvorini, uning o‘ziga va boshqa odamlarga bo‘lgan munosabatini belgilaydi.

3. Egosentrik xulq-atvor va holatning o‘ziga xosligi shaxsning individual psixologik xususiyatlariga bog‘liq bo‘lib, u xarakter aksiyentuasiyasi ayrim turlarining misolida ko‘rsatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Андреева Г.М. Социальная психология. - 2-е изд.-М.: Изд- во МГУ, 1988. 432 с.
2. Ассаджиоли Р. Типология психосинтеза: семь основных типов личности. Пер с нем. Т. Драбкиной. -М.: Урания, 1995. - 124 с.
3. Дональдсон М. Мыслительная деятельность детей: Пер. с англ. (Под ред. В.И. Лубовского. - М.: Педагогика, 1985. - 192 с.

ПЕДАГОГИК ЖАМОАНИ ПАРТИСИПАТИВ БОШҚАРИШ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Нурматов У.Х. – Қарши давлат университети мутақил изланувчиси.


Аннотация: В статье партисипативное управление педагогическим коллективом общеобразовательных школ рассматривается как социально-психологическая проблема.

Annotation: In the article, participatory management of the teaching staff of secondary schools is considered as a socio-psychological problem.

Раҳбар ва ходим муносабатлари, гуруҳдаги психологик муҳит, меҳнат жамоаси фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбар қўллайдиган бошқарув услубига боғлиқ. **Бошқарув услуби** – раҳбарнинг ўз ходимларига нисбатан, улар орасида ишни ташкил этиш бўйича қўллайдиган одатий хатти-ҳаракатлари мажмуасидир. Классик бошқарув фанларида бошқарув услубларини фарқлашга нисбатан турли-туман ёндашувлар мавжуд бўлса-да, амалда уларнинг

хеч бири бошқарув вазиятига мос келувчи мукамал бир услубни тавсия этолмайди. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар бир услуб албатта биронта чекланишга эга. Масалан, тизимли ёндашув тамойилига асосланиш бошқарув услуби мавзусига бир мунча тўла таҳлил бериши мумкин. Бунга биноан, кўлланилаётган бошқарув услуби ташкилот ҳаёти, унинг олдида қўйган мақсад ва бирламчи равишда амалга оширилаётган вазифаларига мос келиши керак. Тизимли ёндашувга биноан раҳбар ўзи бошқараётган тизимни яхши билиши, унинг ҳолатини тўғри баҳолаши, келажакдаги қиёфасини тасаввур эта олиши ҳамда ўзгаришларни амалга оширишда иштирок этувчи ходимларни фаолликка жалб эта олиши лозим (И.Махмудов, 2006).

Янги Ўзбекистонда ҳам эркин фуқаролик жамияти қуриш тамойилларининг янгидан белгиланганлиги, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан барча жабҳаларда, хусусан, ижтимоий соҳаларда инсонпарварлик сиёсатининг кенг сингдирилиши муносабати билан раҳбар шахси ва унинг бошқарув услубларига нисбатан ижтимоий фикрда ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Фанда К.Левин (чизмага қаранг) томонидан киритилган типологияга асосланадиган бошқарув услубларининг уч хил классик: авторитар, либерал ва демократик шакллари қабул қилинган бўлиб, сўнгги йилларда ўтказилган изланишлар (масалан, А.В. Фроловичев, Н.Е. Севрюкова ва бошқалар) натижасига таянадиган бўлсак, демократик бошқарув услуби анчагина самарали ҳисобланади.



1-чизма. К.Левин бўйича бошқарув услублари

Тадқиқотларда демократик бошқарув услуби:

- 1) бошқарувнинг ижтимоий-психологик ва иқтисодий усуллари таянган;
- 2) инсонларга йўналган;
- 3) вазифалар тақсимлаб берилган;

- 4) қарор қабул қилишда бамаслаҳатлилик;
- 5) ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;
- 6) меъёрдаги назорат;
- 7) олдиндан хабардорлик ва кенг масштабдаги ошкоралик;
- 8) қайишқоқлик;
- 9) танқидларга сабр-тоқатлилик;
- 10) мулоқотда самимийлик, очикқўнгиллик ва хушфеъллик каби раҳбардаги фазилатлар шаклланганлигига боқлиғлиги ўз исботини топган (И.Кравченко, 2006).

Ривожланган мамлакатлар бошқарув амалиётида демократик бошқаришнинг икки хил: “**консультатив**” ва “**партисипатив**” кўринишлари мавжуд. Бошқарувнинг ушбу **партисипатив услубида** раҳбар ташкилот мақсадига эришиш йўлида ходимлар билан горизонтал йўналишдаги муносабатларни ривожлантириши назарда тутилади (И.Егоров, 2006). Мутахассислар айнан партисипативликни энг самарали услублар қаторида кўрадилар (И.Махмудов, 2006; О.Ҳайитов, 2021).

Бу услуб раҳбарнинг қуйидагича хулқида намоён бўлади:

- 1) раҳбарнинг ходимлари билан мунтазам фикр алмашуви;
- 2) раҳбар ва ходим муносабатидаги очиклик ва самимийлик;
- 3) ходимларнинг ташкилий қарорлар қабул қилишга жалб этилганлиги;
- 4) раҳбар ўз бурч ва ҳуқуқларининг маълум қисмини ходим зиммасига ўтказиши;
- 5) ташкилот вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда ходимларни жалб этиш;
- 6) мустақил қарор қабул қила олиш ҳуқуқига эга бўлган махсус гуруҳлар тузиш (масалан, умумтаълим мактабларидаги “методбирлашмалар гуруҳи”).

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурини амалга оширилишидаги ислохотлар натижасида таълим муассасаларининг бугунги бошқарув амалиётида қуйидаги:

- 1) ходимлар савиясининг юқорилиги шароитида, қарор қабул қилиш механизмини аста-секин марказлашмаган тарзда амалга ошириш;
- 2) қарорнинг тезкор самарали ижросини таъминлаш;
- 3) қуйи бўғин раҳбарлари ва ходимлар малакасини ошириш механизмини яратиш;
- 4) “инновацияларни жорий этиш” юзасидан таклифларни кўпайтириш мақсадида партисипативлик стратегиясига мурожаат этишлар сонининг ортаётганлиги муаммонинг **долзарблигини** белгилаб беради.

Маҳаллий шароитда умумтаълим мактаблари педагогик жамоасини партисипатив бошқаришнинг, яъни жамоадаги юқори даражадаги ҳамкорликни ва ўқитувчининг мактаб манфаати йўлидаги жонбозлигини таъминловчи ижтимоий-психологик омиллар, жумладан, мактаб директори, ўқитувчилар, педагогик жамоа (гуруҳ) олдида турган асосий вазифаларнинг ижтимоий-психологик томонларини ёритиб берувчи аниқ илмий тадқиқот ишларининг деярли мавжуд эмаслиги долзарб **илмий муаммо** сифатида намоён бўлади.

Қатор социологик концепцияларда партисипатив бошқарув услуги жамоани бошқариш маданиятининг ташқи намоён бўлиш шакли сифатида эътироф этилган. Масалан, Е.Бабосов, Т.Баландина, В.Бетурлакин, И.Галкина, Н.Дмитриев ва бошқалар (А.Фролович, 2008).

Т.Базаров, А.Занковский, В.Хащенко, Н.Прокофьева, А.Краев, А.Фроловичев, Н.Севрюкова, А.Захарова, А.Блашова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар мазмунини, хилма-хил бошқарув услублари, жумладан партисипатив бошқарув услубининг шаклланиши билан боғлиқ психологик жиҳатларнинг индивидуал ва гуруҳий тарздаги ўрганилиши ташкил қилади (И.Егоров, 2006).

Маҳаллий шароитда бошқарув услублари, хусусан, партисипатив услуб тўғрисидаги қарашлар:

- а) бошқарув социологияси (М.Бекмуродов, А.Холбеков ва бошқ.);
- б) бошқарув психологияси (М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, О.Ҳайитов, Э.Сатторов, И.Махмудов, Х.Алимов, Н.Боймуродов ва бошқ.);
- в) сиёсий психология (А.Файзуллаев, Р.Самаров ва бошқ.);
- г) персонални бошқариш (Қ.Абдурахмонов, Д.Рахимова, Ю.Одегов, А.Сотволдиев, А.Ҳайитов, Б.Муртазов, З.Худойбердиев ва бошқ.);

д) менежмент (С.Ғуломов, Ш.Зайнутдинов, Д.Қосимова ва бошқ.) каби соҳаларда номлари зикр этилган олимлар томонидан назарий жиҳатдан қисман асосланган. Шундай бўлса-да, умумтаълим мактаблари мисолида педагогик жамоани партисипатив бошқаришнинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ этиш ҳали бирор бир мустақил тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Бизнингча, фаолият давомида раҳбарнинг демократик услубдан фойдаланиши афзалликлари ва қандай шароитларда сайқалланиб бориши қуйидаги кўринишларга эга:

Т/р	Афзалликлари:	Т/р	Сайқалланиб бориши:
1.	ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, бажарувчиларнинг ижодий имкониятларини кашф этиш;	1.	барқарор, турғун жамоада;
2.	ностандарт ва инновацион вазиятлар билан боғлиқ муаммоларни ечишда муваффақиятли қарор;	2.	юқори малакали ходимлар даврасида;
3.	меҳнат жараёнида шахсни маънавий	3.	кам сонли бўлса-да, фаол,

	рағбатлантириш омилларида самарали фойдаланиш;		ташаббускор ва ностандарт фикрловчи ходимлар курсовида;
4.	меҳнатга мотивацияни оширишда психологик механизмларга эътиборни қаратиш;	4.	тезкорликни талаб этмайдиган ишлаб чиқариш шароитларида;
5.	бajarувчиларнинг ўз меҳнатидан қониқиш ҳиссини тарбиялаш;	5.	салмоқли моддий харажатларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган даврда.
6.	жамоа аъзолари учун қулай психологик муҳитни яратиш.		

Шу жиҳатдан олиб қараганда, яъни умумтаълим мактаблари педагогик жамоасини партисипатив бошқаришнинг ижтимоий-психологик омиллари аниқлаш ва уларнинг бошқарув самарадорлигига таъсирини тадқиқ ҳамда комплекс таҳлил этиш мақсадини амалга оширишда:

1. Раҳбар шахси ва педагогик жамоанинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишга оид психология фанидаги илмий манбаларни таҳлил қилиш;

2. Педагогик жамоани партисипатив бошқаришда раҳбар шахси, ходимлар ва гуруҳ вазифалари каби омилларнинг тутган ўрни ва уларнинг партисипативлик стратегияси ривожланишига кўрсатадиган таъсирини комплекс таҳлил этиш;

3. Раҳбар шахсининг кучли ва кучсиз томонларини диагностика этиш ҳисобига унинг “англанмаган ва англанган аутонокомпетентлиги”ни аниқлаш ҳамда умумтаълим мактаби бошқарувчиси типологиясини ўрганиш;

4. Педагогик жамоани бошқариш фаолиятида партисипативлик стратегиясини ривожлантиришга ёрдам берувчи мезонлар тизимини ишлаб чиқиш;

5. Ишлаб чиқилган мезонлар ёрдамида раҳбардаги мақбул (партисипатив) бошқарув услубини шаклланганлигининг алоҳидалик ва умумийлик хусусиятларини баҳолаш ва ҳудудий таққослаш каби вазифалар соҳа мутахассисларининг олдида турган ва ечимини қутаётган энг муҳим амалий ишлар сифатида эътироф этиш мумкин.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНING ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Саидакбарова Н. – Тошкент давлат педагогика университети “Амалий психология” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. В статье анализируются вопросы воспитания гармонично развитой личности. Для достижения поставленных обществом великих целей оно прежде всего обращается к идеальным идеям воспитания гармонично развитого человека. Вот почему наши предки издавна считали науку, просвещение, образование и воспитание, являющиеся бесценными ресурсами, главным условием и гарантией человеческого совершенствования и развития нации.

Annotation. To achieve the great goals set by society, it first of all turns to the ideal ideas of educating a harmoniously developed person. That is why our ancestors long since considered the science, education, education and education which are invaluable resources, the main condition and a guarantee of human improvement and development of the nation. The article analyzes the issues of education of a harmoniously developed person.

Мустақиллик йилларида тасаввуф таълимоти ва нақшбандийлик тариқати намоёндалари меросини чуқур ўрганиш ва ўқувчилар онгига сингдириш борасида кенг имкониятлар вужудга келди. Бунинг натижасида мутахассислар ва талаба-ёшларда мазкур меросни ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамият аъзоларининг маданиятлилик даражаси ва маънавий савияси билан белгиланади. Ёшлар маънавияти ва маънавий савиясини юксалтирмасдан туриб, ижтимоий, интеллектуал тараққиётни таъминлаш мумкин эмаслиги барча замонларда ҳам ўз тасдиқини топган. Ўқувчиларнинг маънавий савиясини юксалтиришда, биринчи навбатда, умумбашарий ҳамда исломий маданиятга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Умумбашарий исломий маданият элементлари, жумладан, тасаввуф таълимоти ғоялари шахс маънавиятининг асоси сифатида ёшларни диний экстремизм хуружларидан ҳимоя қилувчи, баркамолликка ундовчи қарашлар тизимини ўзида мужассамлаштирган. Шунинг учун ҳам, тасаввуф таълимоти воситасида ўқувчиларда диний экстремизмга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш ниҳоятда самаралидир.

Тасаввуф таълимотини ўрганмасдан туриб ўрта асрлар мусулмон шарқи маданий ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Мазкур таълимот мазмунини таҳлил қилиш натижасидагина аждоқларимиз руҳияти, маънавий-интеллектуал мероси, маданий қарашлари мазмунини ўқувчи-ёшлар онгига етказиш орқали улар маънавиятини шакллантириш, уларда ёт ғоялар ва маданиятларга нисбатан ҳаққоний муносабатни қарор топтириш мумкин.

Манбаларда кўрсатилишича, тасаввуф таълимотининг асоси бўлган “Сўфийлик” жуда қадимий бўлиб, у Одам а.с. ўғиллари Шиш а.с. даврида пайдо бўлганлигини баён қилади [1]. Демак, сўфийлик Шиш а.с. даврида вужудга келган. Исломи дини пайдо бўлгач Сўфийлик негизида тасаввуф таълимоти вужудга келган. Тасаввуф таълимотининг пайдо бўлишини М.А.Жўшон қуйидагича тавсифлайди: «... тасаввуф ҳол илми бўлиб, пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида саҳобаи киромда мавжуд эди. Ҳазрати пайғамбаримиз мутасаввифларнинг султони эдилар. Ул зот ҳаётлари мобайнида тавозе билан, ибодатга муштоқлиги билан, воқеаларга кўрсатган хатти-ҳаракатлари билан тасаввуфий ҳаёт тарзининг энг гўзал намунаси бўлдилар»[2].

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, пайғамбаримиз ўз саҳобаларини тарбиялашда суҳбат усулидан кенг фойдаланганлар. Ўша даврда суҳбат ёшлар онгига маънавий ва маърифатни етказувчи энг самарали таълим-тарбия усули ҳисобланган. Ислом маданияти ва маънавияти ёшлар онгига саҳобалар томонидан фаол тарзда сингдирилган. Мазкур даврда яшаган халқлар бир томондан жоме-масжидларида илм-маърифат ва маданиятни ўзлаштирган бўлсалар, иккинчи томондан ўз давлатларининг чегаралари ҳамда исломий маданият қамровини кенгайтиришга интиланганлар. Ислом динига қизиқиб, мазкур маданият ва маънавий асосларини эгалловчилар чегаралардаги қалъаларда таълим олиш учун тўпланишган. Бундай қалъалар тарихий манбаларда «Работ»лар номи остида берилган.

Мазкур таълимотнинг вужудга келишини профессор Нажмиддин Комилов қуйидагича тавсифлайди: «Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бўлган бир таълимот бўлиб ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган» [3].

Тасаввуф таълимоти Шарқ халқлари тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўзида мужассамлаштириб, уни ривожлантирган. Тасаввуф таълимоти илоҳий-руҳоний билимлар билан дунёвий илм-фан орасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаган. Натижада тасаввуф Шарқ халқларининг тафаккур тарзи ва ахлоқ меъёрлари, маънавий оламини белгилаб берувчи таълимотга айланган.

Ўша даврда айниқса Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандийлик тариқати ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилган. Мазкур тариқат Мовароуннаҳр ва Хуросонда ривожланган. Хожа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам кабиларнинг фаолиятлари, саъй-ҳаракатлари туфайли нақшбандийлик тариқати мустаҳкамланган. Нақшбандия таълимоти орқали баркамол инсонни шакллантириш ғояси такомиллашган.

Мазкур ғоялар ёрдамида ёш авлодни маънавий, маданий жиҳатдан етук, жисмонан баркамол шахс сифатида тарбиялаш имконияти кенгайган. Мактаб ва мадрасаларда талабаларга нақшбандийлик ғоялари чуқур сингдирилган.

Нақшбандийлик илмида қалб, руҳ, ақл ва нафс тарбияси етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, шунинг учун ҳам мазкур тариқат бугунги кунда ёшларни оммавий маданият хуружидан ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллайди. Тасаввуфда қалб, руҳ, ақл ва нафс каби сўзларнинг маъноларини чуқур англаш алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳақиқатни англаб етиш ва бир-биридан фарқлашга талаба-ёшларни ўргатиш зарур. Тасаввуф нуқтаи назаридан қуйидагича тавсифга эга. Чунки, бугунги кунда талабаларни оммавий маданиятга қарши курашчанлик руҳида тарбиялашда мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англантиш ниҳоятда зарурдир. Жумладан:

1. Қалб ва қалб тарбияси: қалб, юрак, дил – илоҳиёт ва тасаввуф тушунчаси. Қуръони каримда қалб сўзига 133 маротаба мурожаат қилиниши ҳам бежиз эмас. Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Ғазолий каби ҳадисшунос ва мутафаккирларнинг таъкидлашларича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли у ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради.

Инсон қалб ёрдамида ҳар бир нарса ва ҳодисанинг асл моҳиятини англаб етади. Қалб инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгудир. Инсон ўз қалбини юмшатиб, маънавий меъёрларни ўзлаштириши зарурлиги тасаввуф таълимотида алоҳида уқтирилган.

Тасаввуф таълимотида қалб – инсон тафаккурида акс этган ҳақиқатдир. Воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, билим олиш, маърифатга интилиш, хитоб қилиш ҳам қалбга хос хусусият ҳисобланади.

2. Рух ва рух тарбияси. Рух ҳақида одамлар эмас, ҳатто мутахассислар ҳам жуда оз маълумотга эга. Рухга қон ёки латиф ва нафис ҳаводан иборат моддий ҳодиса сифатида ёндашиш мавжуд.

Умуман, рух илоҳий сир ҳисобланади. Рух ёрдамида илоҳий қудрат намоён бўлади. У энг улуғ неъмат бўлиб, жамики тириклик рух билан боғлиқ. Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича: «Улуғ Тангри юракнинг икки бўшлиғидан чап бўшлиғини рухга ўрин ва унинг вужудга келиш жойи қилиб яратди, рухни нафсоний қувватлар учун улов қилиб яратдиким, у (қувватлар) рух воситасида гавданинг турли аъзоларига тарқалади. Нафсоний қувватлар, биринчидан, рухга тааллуқли бўлиб, иккинчидан (рух) воситаси билан бадан аъзоларига ёйилади. Тангри рухни хилт (модда)ларнинг латиф ва буғ қисмидан яратди. У файзи илоҳий билан вужудга келур».

Дарҳақиқат, рух латиф ва нафис ҳаво бўлиб, инсон қонига қўшилиб, юрак орқали бутун танага тарқалади. Рух покиза бўлса, инсоннинг бутун танаси покланиб, сайқал топади. Аксинча у нопок бўлса, инсон ҳаю-хавас ва дунё лаззатига берилиб, руҳул ҳабис, яъни ёмон рух эгаси бўлади. Ёмон рух эгалари эса диний экстремизи тузоғига тез илинадилар. Шундай экан, инсон руҳи илоҳий ҳамда табиий кучга эга бўлиб, у айни шу инсонни синовларга рўбарў қилиш ва маънавий, жисмоний покланган руҳлар учун ато этилган. Бундай покланиш ёмонликлардан узоқлашиш, маънавий юксалиш орқали амалга ошади. Қалбан, руҳан ҳамда жисмонан покланган инсон гўзал ахлоқ-одоб, юксак маънавият ва маданият соҳибига айланиб, баркамол шахс даражасига эришади.

3. Нафс ва нафс тарбияси. Тасаввуф таълимотида нафс тарбияси етакчи ўрин эгаллайди. Нафс – инсоннинг ўзлиги, «мен»и демакдир. Нафс фақатгина еб ичиш, кийинишга бўлган интилишдан иборат эмас, у жоҳолат, илмсизлик, манманлик, дунёпарастлик, ўғрилик, таъмагирлик, порахўрлик, ҳасад, бахиллик,

мансабпарастлик, шахват, ғазаб, хасислик, риёкорлик, золимлик, раҳмсизликка хирс кўйишдир.

Нафс мунтазам ривожланиб борувчи ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, оммавий маданиятга қарши курашишда нафс тарбияси алоҳида аҳамиятга эга. У инсоннинг дунё лаззатларига бўлган эҳтиёжи туфайли ўсиб ривожланиб боради. Нафс ҳар доим инсонни ёмонлик, гуноҳ ишларни қилишга ундайди. Инсон ўз нафсини қанчалик қондирса, у шунчалик кучайиб, кенгайиб боради. Тасаввуф таълимотида агар инсон ҳалол нарсаларни истеъмол қилса, унинг қалби ва руҳи пок, яхшиликка интилувчан, хайрли ишларга мойил бўлади, деган ғоя илгари сурилган. Аксинча, инсон харом нарсаларни истеъмол қилса, у инсонни жирканч, дағал, бераҳм, бешафқат, шахватга берилувчан, золим ва нафс бандаси қилиб шакллантиради, деб уқтирилади.

«Нафсни ўлдириб бўлмайди. Уни ўлдирса, инсоннинг ўзи ҳам ўлади. Чунки нафс, нафас - бир сўздир. Аммо нафсни тарбиялаб бўлади, уни жиловлаб, бошқариб бўлади».

Тасаввуф таълимотига кўра нафс бир неча турларга бўлинади. Жумладан:

а) Нафси аммора – ёмонликка берилувчи нафс. Бундай нафс эгаси кибру-ҳавога берилган бўлади, гуноҳ ва савобнинг фарқига бормайди. Инсон камолотига монелик қиладиган куч мол-дунёга берилиш ҳиссидир. Бундай тубан ҳолатдан чиқиш учун инсонга умид ёрдам беради. Нафси амморарага қарши кураш жараёнида инсон ахлоқи юксалади ва унда матонат шаклланади. Нафси амморани тўлиқ маҳв этган инсон кейинги нафс босқичига ўтади.

б) Нафси лаввома – инсон ўзи йўл қўйган хато-камчиликларини англаган ҳолда, ўз-ўзига танқидий қараши зарурлигини англатади. Шунинг учун ҳам ёшларда танқидий тафаккурни шакллантириш ниҳоятда зарур ҳисобланади. Танқидий тафаккурга эга бўлган шахс ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларини англай бошлайди. Натижада унда ўз хатоларини тузатиш, пушаймонлик ҳисси пайдо бўлади. Шу асосда шахс ўз қувватларини сафарбар қилиб, ўзини-ўзи англайди, бошқаради ва руҳий камолотга эришади.

в) Нафси мулҳима – маънавий ҳаётнинг гўзалликларини англайди, ундан қувват олади, эстетик диди ва дунёқараши ривожланади. Натижада инсондаги барча салбий ҳислатлар барҳам топиб, у маънавий юксаклик ва баркамолликка эришади. Шу тариқа, инсон илоҳий сирларни ҳам идрок этади. Бундай кишиларда меҳнатсеварлик, камтаринлик, олийжаноблик, фидоийлик, меҳр-мурувват, сабр-бардош, саҳоват, қаноат каби сифатлар таркиб топади.

г) Нафси мутмаинна – таскин топган нафсдир. Бундай инсон унга табиий равишда ато этилган улуғвор сифатларга эга бўлади.

д) Нафси розия – ўз ҳаётдан мамнун, шукр қилувчи инсон. У ҳар бир ишни яхшиликка йўяди, ҳар бир ҳаракат, ҳадисдан ҳикмат излайди.

е) Нафси марзия – бундай кишилар ўзгалар муҳаббатига сазовор, некбин кишилардир.

ё) Нафси софия – улуғ сифатларга эга бўлган кўзи тўқ кишилардир. Ушбу сифатлар турли сабаб ва усуллар орқали Аллоҳ томонидан инсонларга энг улуғ неъмат тарзида тақдим этилади.

4. Ақл ва ақлий тарбия. Ақл англаш ва фикрлаш хусусияти бўлиб, у инсонга берилган энг улуғ неъматдир. Инсон зиммасига юклатилган турли мажбуриятларни бажариш, ёт ғояларга берилмаслик учун ақлий жиҳатдан етук бўлиши керак. Инсоннинг ақли икки хил: туғма ва касбий характерга эга. Туғма ақл унинг соҳибига Аллоҳ томонидан ато қилинади. Касбий ақл эса, таълим-тарбия жараёнида муайян касб-хунар сирларини эгаллаш натижасида ҳосил бўлиб, у хусусий характерга эга. Тасаввуф таълимотида ақл қуйидаги икки йўналишда тавсифланади:

а) нарса-ходисалар ва борликнинг ҳақиқий манзарасини идрок этишга асосланган билимлар мажмуининг намоён бўлиши.

б) инсоннинг мавжуд билимлар ва воқеликни идрок этиш имкониятидир.

Кўриниб турибдики, тасаввуф таълимотида ифодаланган ғоялар бугунги кунда ҳам жуда улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик иммунитетини шакллантиришда муҳим восита сифатида хизмат қила олади. Шунинг учун ҳам, олий таълим муассасалари ўқув дастурларида тасаввуф таълимоти ёрдамида ёшларни ғоявий тарбиялашга кенг ўрин ажратиш талаб этилмоқда.

Баркамол шахс – том маънодаги зиёли инсон бўлиб, у ҳеч қачон ўзлигидан кечиб ёт ғояларни қабул қилмайди. Бундай кишилар ўзлари миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига амал қилишлари билан бир қаторда, ёшларни ҳам маънавий баркамолликка ундаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кошифий Х.В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. (тарж.Н.Комилов). – Т.: А.Қодирий ном. Халқ мероси нашр. 1994. 17-18 б.
2. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т. Чўлпон. 1998. 57-60 б.
3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи. 1996 й. – 16-б.
4. Жўраев З. «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» - Т.: Ўзбекистон. 1994 й. – 15-17 б.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СУПРУЖЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В МОЛОДЫХ СЕМЬЯХ

Саидвалиева М.Ф. – ТГПУ им.Низами

Annotatsiya – Maqolada kognitiv, hissiy-baholash va qiymatga yo'naltirilgan tarkibiy qismlar mavjudligini nazarda tutadigan turli xil oilaviy hayotga ega bo'lgan yosh

turmush o'rtoqlar tomonidan mojaroli vaziyatni tushunish bo'yicha tadqiqot natijalari keltirilgan.

Annotation – The article presents the results of a study to identify the structure of understanding a conflict situation by young spouses with different length of family life, which presupposes the presence of cognitive, emotional-evaluative and value-orientated components.

В сложных социально-экономических условиях характеризующих современное общество, молодые люди, девушки, юноши, продолжают не только мечтать о создании семьи, рождении детей, «желательно мальчика и девочки», но и делают определенные репетиционные попытки создания семьи, считая, что в гражданском браке можно проверить свою совместимость, крепость отношений, привязанность, умение совместно решать возникающие проблемы различного характера. И только потом возможно создать крепкую, счастливую семью с обязательной регистрацией брака и рождением законных детей.

Однако, не всегда можно решить собственными усилиями и даже призвав на помощь ближайших родственников, друзей, знакомых возникающие проблемы в молодой семье. Поэтому, сегодня важно не только выявить, обозначить основные проблемы, возникающие в молодой семье, но также хотя бы попытаться найти пути их решения в современных условиях развития российского общества, характеризующегося «нарастающим с конца 80-х гг. распадом государственного социализма и медленным, противоречивым, мозаичным прорастанием на его развалинах новых общественных порядков» [1].

Основанная на супружеском союзе и родственных связях, в отношениях между мужем и женой, родителями и детьми, братьями и сестрами она имеет важную форму организации личного быта. С развитием общества изменяются брак и семья. Часто молодые супруги живут не отдельно, а под одной крышей с родственниками (нуклеарные семьи), которые играют важную роль в благополучном проживании молодых людей. Есть и неполные семьи, где отсутствует один из родителей или оба.

У узбекских многопоколенных семей есть чему поучиться, когда исподволь происходит соединение обычаев, традиций и инноваций. Так, в современной семье мы видим реликты прошлых вековых семейных отношений и ростки будущей семьи, где отражается сущность в ее функциях, структуре и ролевом поведении ее членов. Ролевое взаимодействие в семье — совокупность норм и образцов поведения одних ее членов по отношению к другим.

В последние годы в Узбекистане укрепление института семьи стало одним из приоритетных направлений государственной политики. Это обусловлено тем, что испокон веков семья для узбекского народа является святыней, поэтому сегодня, в условиях глобализации, важно сохранить и укрепить институт семьи,

как колыбель национальной идентичности. Но это не может быть основанием для общего спокойствия. За последние пять лет количество разводов в Узбекистане увеличилось на 34,5 %. (В городе Ташкенте самый высокий коэффициент разводов — 1,7.) За последние три года число разведенных женщин и детей младшего возраста, лишенных родительской опеки, возросло многократно. Из-за увеличения количества разводов проявляется цепочка социальных проблем: неполные семьи, дети-сироты, матери-одиночки.

Конфликты и конфликтные ситуации совершенно по-разному понимаются и воспринимаются молодыми супругами с разным стажем семейной жизни. Они имеют практическое значение для развития семьи, так как ведут или к конструктивному разрешению конфликта, или к последующему разрушению семьи. Исход зависит от понимания текущих конфликтных ситуаций и возможностей их разрешения семьей. Данный аспект проблемы наиболее полно отражает необходимость рассмотрения специфики понимания конфликтной ситуации молодыми супругами с разным стажем семейной жизни. Применительно к обсуждаемой нами теме важно было бы понять, как человек понимает и анализирует ситуацию, сложившуюся в его отношениях с супругом(ой), по каким признакам оценивает ситуацию как конфликтную и какие факторы на это влияют. Поскольку в психологии познания понимание рассматривается как мыслительная процедура, направленная не столько на получение нового знания, сколько на смысл образование, приписывание смысла знанию, полученному в процессе мыслительной деятельности, то в исследовании мы анализируем не отношение, а именно понимание супругами конфликтной ситуации. Процесс понимания относится нами к восприятию в широком смысле (восприятие в широком смысле — одна из форм отражения человеком мира, которая неразрывно связана с осмыслением, эмоциональной оценкой, личностными особенностями, мотивами и установками). В данном исследовании понимание конфликта рассматривается нами через социальную ситуацию, которая, на наш взгляд, имеет определенную структуру. Не претендуя на законченность, проанализировав большой объем научной литературы, мы полагаем, что конфликты молодых супругов могут быть выражены через следующую структуру понимания конфликта как социальной ситуации. Понимание конфликтной ситуации молодыми супругами предполагает наличие следующих структурных компонентов: — когнитивный компонент понимания конфликтной ситуации представляет собой совокупность новых знаний, складывающихся из различных представлений супругов о целях и причинах конфликта, о способах разрешения конфликта.

Человек посредством понимания/восприятия конфликтной ситуации стремится к осмыслению различных последствий конфликта, выработке собственного способа реагирования на данную ситуацию; — эмоционально-

оценочный компонент отражает рефлексивность знаний и представлений человека в отношении возникшей конфликтной ситуации. Нередко данный компонент включает в себя способность субъекта проблемной ситуации четко выражать и аргументировать свою точку зрения и суждения; – ценностно-ориентировочный компонент понимания конфликтной ситуации отражает систему ценностей супругов. Воспринимая себя и другого участника конфликта, человек создает особое видение создавшейся ситуации через призму ценностных ориентаций. Когнитивный компонент включает в себя такие составляющие, как смысл понятия «конфликт» и анализ понимания конкретной конфликтной ситуации. Выделяя составляющую когнитивного компонента «смысл понятия "конфликт"», мы опираемся на мнение А.И. Тащевой [2. С. 145] том, что «интерпретация человеком понятия «конфликт» позволяет уточнить особенности его восприятия конфликтной ситуации и поведения по отношению к партнерам»

Для выявления особенностей компонентов структуры понимания конфликта как социальной ситуации на каждом из этапов молодого супружества мы выделили 3 группы семей: 1) с семейным стажем до 1 года (выборку составили 34 семьи); 2) с семейным стажем от 1 года до 3 лет (выборку составили 36 семей); 3) с семейным стажем от 3 лет до 5 лет (выборку составила 31 семья). В рамках исследования структурных составляющих когнитивного и эмоционально-оценочного ценностно-ориентировочного компонентов были использованы следующие методики: «Методика исследования межличностного восприятия в конфликтной ситуации» А.И. Тащевой [3. С. 38], «Рольные ожидания и притязания в браке» А.Н. Волковой [4. С. 486-497] и «Морфологический тест жизненных ценностей» В.Ф. Сопова и Л.В. Карпушиной [5].

Понимание конфликтной ситуации молодыми супругами с разным стажем семейной жизни выражается через три критерия эмоционально-оценочного компонента: «оценка конфликта», «активность во время конфликта», «отношение к партнеру во время конфликта». Полученные результаты эмпирического исследования позволяют говорить о влиянии стажа семейной жизни молодых супругов на их восприятие и понимание конфликтной ситуации. Эти выводы относятся как к характеристикам, придаваемым конфликту супругами, так и к пониманию конфликтной ситуации, которые наиболее полно отражают особенности когнитивного компонента и его составляющих «смысл понятия "конфликт"» и «анализ понимания конфликтной ситуации». Наблюдается несовпадение восприятия конфликтной ситуации супругами со стажем совместной жизни до одного года и от трех до пяти лет. Наиболее согласованное понимание конфликтной ситуации зафиксировано у супругов, проживших в браке от одного года до трех лет. Их определения конфликта несут одинаковую эмоциональную нагрузку и являются синонимами. В том числе анализ понимания конкретной

конфликтной ситуации показал стремление супругов к конструктивному разрешению конфликта. Что же касается групп молодых супругов, проживших в браке до одного года и от трех до пяти лет, то можно сделать вывод о том, что определения конфликта сопровождаются разностью мнений. Анализ восприятия конкретной конфликтной ситуации говорит о нежелании, а нередко и неумении урегулирования конфликтной ситуации в семье. Динамика согласованности ценностных ориентаций, характеризующая ценностно-ориентировочный компонент структуры понимания конфликтной ситуации также зависит от стажа совместной жизни супругов. Наибольшее согласие в значимости ценностных ориентаций для молодых супругов выявлено у семей со стажем совместной жизни от одного года до трех лет. Немалое значение супруги уделяют личным ценностям внутри семейной сферы: развитию себя, духовному удовлетворению. Рассогласованность в значимости семейных ценностей наблюдается у семей, проживших в браке до одного года (в таких сферах семейной жизни, как интимно-сексуальная, личностная идентификация, родительско-воспитательная, эмоционально-психотерапевтическая)

Социальная политика в отношении к молодым семьям, в первую очередь, по мнению экспертов, должна быть направлена на решение жилищных вопросов, совершенствование системы детских дошкольных учреждений и на формирование у молодежи установки на создание крепкой, социально здоровой семьи.

Итак, в силу того, что именно государство в лице своих органов является гарантом, обеспечивающим реализацию важнейших прав своих граждан, можно сделать следующие выводы. Необходимым является создание эффективной системы защиты трудовых прав молодых специалистов и обеспечение молодых семей условиями для организации и развития семейного предпринимательства. Также обязательным является создание условий для реализации своего трудового потенциала молодыми родителями.

Литература

1. Гордон, Л.А. Потери и обретения в России девяностых: историко-социологические очерки экономического положения народного большинства В 2 т. Т. 1. Меняющаяся страна в меняющемся мире: предпосылки перемен в условиях труда и уровне жизни [Текст] / Л.А. Гордон, Э.В. Клопов, М.: Эдиториал УРСС, 2000. 304 с.
2. Гришина Н.В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2003. 464с.
3. Меньщикова А.Л. Социально-психологические особенности конфликтной ситуации. СПб.: СПбМАПО, 1999. 55 с.
4. .Практикум по общей, экспериментальной психологии: учеб. пособие / В.Д. Балин, В.К. Гайда, В.К. Гербачевский [и др.]; под общ. ред. А.А. Крылова, С.А. Маничева. 2-е изд., доп. и перераб. СПб.: Питер, 2003. 560с.

УСТОЗ-МУРАББИЙ ШАХСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚАДРИЯТЛИ АСОСЛАРИ

Соғинов Н.А. – ЖХУ, Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш кафедраси хизматчиси, психология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы подготовки кадров в сфере образования, мотивационные аспекты персонала, национальные ценности, духовное и нравственное воспитание. Рассмотрены взгляды ведущих психологов З. Фрейда, К.Г. Юнга, А. Адлера, Д. Майерса, духовное наследие мыслителей прошлого, национальные ценности, «архетипы», требования Правительства Республики, общуждены возможности формирования психики личности.

Annatatsion: The article discusses the issues of personnel training in the field of education, motivational aspects of personnel, national values, spiritual and moral education. The views of the leading psychologists Z. Freud, K.G. Jung, A. Adler, D. Myers, the spiritual heritage of the thinkers of the past, national values, "archetypes", the requirements of the Government of the Republic, the possibilities of forming the psyche of the individual are common.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанчалик кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб қилсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади” [1, -3 б.] - деб таъкидлаганларидек, бугунги ёшларимизни тарбиялашда муҳим вазифани бажарувчи маъориф ходимларини тайёрлашда, халқимизнинг бой маънавий меросидан самарали фойдаланиш лозим.

Халқ таълими муассасалари ходимларини маънавий-руҳий тайёрлаш, халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида ривожланишни таъминловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки, уларнинг фаолияти, халқ хўжалигининг ҳар қандай бошқа соҳаларидагига нисбатан ўзига хослиги билан фарқланиб туради. Бугунги кундаги тарбияланувчилари эртага халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият олиб борадилар.

Маъориф соҳалари ходимлари фаолиятини психологик жиҳатларининг методологик асоси бўлмиш психоанализ таълимотининг калит тушунчалари: онг ости жараёнлари, “нуқсонни англаш” ва “нуқсондан қочиш” комплексларидир. Неофрейдизм намоёндаларидан бири А.Адлернинг "Нуқсонни англаш ва ундан қочиш" ғоясига кўра шахсда у ёки бу нуқсон, бирон бир жисмоний камчиликнинг бўлиши, бошқа бир жиҳатнинг устунлиги билан қопланади. Масалан, шасхнинг кўриш имконияти чекланган бўлса, бу чекланиш, бошқа бир сезгирликнинг (эшитиш ёки ҳид билиш сезгиларининг) кучлилиги билан компенсация қилинади.

Албатта бундай камчиликлар, ноқисликлар (нуқсонлар, етишмовчиликлар) фақат жисмоний камчилик, нуқсон бўлиши шарт эмас, улар маънавий-руҳий бўлиши ҳам мумкин.

Ёш мутахассисни у ёки бу соҳа, йўналиш бўйича тайёрлашда аввало унда шу касб, шу мутахассисликка нисбатан меҳр, ҳурмат, уни кадрлаш ҳиссини шакллантириш керак. Агар мутахассисда ўзи бажараётган ишга ҳурмат, уни кадрлаш бўлмас экан, уни ҳар қанча ўқитиш, ўргатиш, тарбиялаш қутилган самарани бермайди. Аристотель табири билан айтганда "Агар биз маънавият бобида эмас, билим бобида илгарилаб бораётган бўлсак, унда биз олдинга эмас, балки орқага кетаётган бўламиз". Руҳий-маънавий тарбия биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар. "Маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни йўқотсак, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадрларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин" [2,- 4 б.]. Мутахассисларни тайёрлашда асосий эътиборни халқимизнинг тарихи, миллий кадрларлари, миллий анъаналарига оид маълумотларни беришга қаратиш лозим. Уларни, келгусида эгалажак касблари бўйича ўтмишдошларимиз эришган ютуқлар, улар қолдирган маънавий мерос, шу касб эгаларининг дунё илми, дунё ҳамжамиятида, жамият ҳаётида эгаллаган мавқеи, эришган ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан қуроллантириш, уларда зарур маънавий асосни шакллантиришга хизмат қилади.

Кадрларни маънавий - руҳий тарбиялаш борасида, Ислом Каримов: “Бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёрлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, **ким учун** ва **нима учун** ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир” [2,- 107 б.], деб таъкидлаганларидек, келажак авлодимиз устозларини тайёрлашда, уларнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларни **ким учун** ва **нима учун** ўқиётганликларини чуқур англаши ва тушуниши масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Чунки, айнан шу, “маънавий-руҳий тайёргарлик”, “ким учун ва нима учун” ўқиш, ўрганиш, ҳар қандай касб эгаси фаолиятининг руҳий жиҳатини (мотивацион асосини) ташкил қилади. Инсон маълум бир фаолиятни амалга оширар экан, уни фаолиятининг асосини турли мотивлар ташкил қилиши мумкин. Бунда, қайси мотив “кучли” бўлса шу мотив устунлик қилади ва инсон шу мотив туртки бўлган фаолиятни амалга оширади. Шахс фаоллигининг умумий қонуниятлари ва

механизмларини инобатга олган ҳолда, кадрни тайёрлаш масаласига ёндошиш, бажарилаётган ишлар самарадорлигини таъминлайди.

Шахс фаолиятининг психологик жиҳатларининг назарий методологик асоси бўлмиш психоанализ таълимоти асосчиси З.Фрейд шахс ҳақида, уни шакллантирувчи кучлар ҳақида ёзар экан, онг ости кучлари шахсни ривожланишга ундовчи мотивлар сифатида, ҳал қилувчи омиллар ролини ўйнашини таъкидлайди. Онг ости кучлари, шахс хулқига, унинг фаоллигига икки кўринишда: “либидо” ва “мортидо” тарзида таъсир қилади. З.Фрейд либидони индивид фаоллиги асосида ётувчи психик қувват деб ҳисоблаб, уни инсон хулқининг устивор мотиви деб айтади (либидо – яратувчи куч). Мортидо – ўлимга мойиллик, тажовузкор майл, унинг қуввати ҳам тажовузкорона бўлади. Бу ҳам индивид психик қувватининг энг муҳим мотивларидан бири ҳисобланади (мортидо – бузғунчи куч). Кадрни тайёрлашда, умуман шахсни баҳолашда, унинг онг ости кучлари қандай шаклланганлиги ва улар қандай кўринишда унинг хулқига таъсир этаётганлигини билиш ўта муҳимдир.

Фрейднинг “либидо” тушунчасини Карл Густав Юнг кенгрок талқин қилиб, “либидо” инсон қалбидаги жараёнлар фаоллигини белгилайдиган руҳий қувватдир деб таъкидлайди. Бу қувват, унинг фикрича, инсон руҳий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ички ҳолат билан боғлиқ.

К. Г. Юнг онгсизлик масаласини талқин қилишда "архетип" тушунчасидан фойдаланади. "Архетип" бутун инсониятга хос ички имманент хусусиятлар бўлиб, шундай символик-тимсолий формулаки, анланмаган ҳолатда ишга тушади ва ҳеч қачон анланмаслиги ҳам мумкин. Юнг кузда тутган "архетип"лар инсон руҳиятининг энг тубида ётган руҳий кечинмалардир, улар нафақат алоҳида индивиднинг, балки бутун инсониятнинг кўп минг йиллар давомидаги ҳаётга мослашуви ва яшаш учун кураши натижасида шаклланган.

Юнг асослаган таҳлилий психологиянинг комплекслар назариясига кўра, комплекслар индивиднинг муайян тизим шаклида вужудга келган онгсиз руҳий қувватидир. Улар инсон ҳаётига доимий равишда таъсир қилиб туради. Юнгнинг назарида, онгсизликнинг тубида ҳар доим комплекслар тайёр туради. Улар ўтмишнинг индивидуал хотираларидир. Уларга оилавий комплекслар, ҳукмронлик комплекслари, ноқислик комплекси каби ҳолатлар киради. Аслида комплекслар – онгсиз ҳаракатларнинг кутилмаган тарзда жунбушга келишидир.

Индивид фаоллигининг асосини ташкил қилувчи ички руҳий кучларнинг “либидо” ёки “мортидо” тарзида намоён бўлиши, кўп жиҳатдан у яшаган муҳит табиатига боғлиқ бўлади. Унинг шахси, йўналганлиги, касбий-аҳамиятли сифатларининг мотивацион асоси, шу индивид дунёга келган ижтимоий муҳит, унинг ижтимоийлашувидаги ҳал қилувчи омиллар бўлмиш: оила, тарбия

институтлари, этнос, ҳудуд, мамлакат, миллат, дин, турли ижтимоий гуруҳлар ва бошқа кўплаб омилларга узвий боғлиқ бўлади.

Шарқ халқларида жамоатчилик руҳи кўпроқ намоён бўлса, Ғарб халқларида индивидуализм кучлироқ кузатилади. Масалан, XXI аср дарсликлари рукни остида чоп этилган, Д.Майерснинг "Социальная психология" дарлигида, Роналд Рейганнинг "Биз индивидуализм даврида яшамокдамиз" ёки Маргерет Тетчернинг "Ҳеч қандай жамоа йўқ. Фақат индивидлар ва уларнинг оилалари бор холос" деган фикрларини келтириб Шарқ ва Ғарб халқлари психологик хусусиятларига янада ойдинлик киритади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчи-муаллим, устоз-мураббийларнинг маънавий-руҳий тайёрлаш масаласи ўта масъулиятли ва мураккаб ишдир. У маълум бир махсус муассаса ёки малакали мутахассислар доирасида ва маълум бир муддат давомида амалга ошириб бўладиган иш эмас. Бундай тайёргарлик узок муддат, узлуксиз давом этадиган ва биринчи навбатда шу тайёрланаётган, тарбияланаётган шахсни ўзининг фаоллигини талаб қиладиган жараён дир. Шундай экан, ҳар бир мутахассис (зиёли) халқимиз тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўтмишда эришган ютуқларини – камчиликлари ҳақида, бугунги кунларда дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, эртанги истиқболлари ҳақида имкон қатар кўпроқ маълумотларга эга бўлишга одатланиши лозим. Ўзини, ўзлигини, ўз касбини қадрлаши, ҳурмат қилиши, ундан фахрланиши, юрт меҳри, миллат меҳри, Ватан меҳри билан яшаши, ким учун ва нима учун хизмат қилаётганлигини тўғри англаб етиши зарур.

Шуни ёдда тутиш жоизки, устоз-мураббийлар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларида бевосита иштирок этмаслиги, жанговар вазифаларни бажармаслиги, жисмоний, ҳарбий тадбирларда иштирок этмасликлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь, № 19.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Ватан ва халқ мангу қолади. [Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами] /И.Каримов. –Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.

ВЛИЯНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЛИЧНОСТИ (РЕСУРСОВ) НА КАРЬЕРНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Берзина О.А. – аспирант, Сибирский государственный университет науки и технологий имени академика М. Решетнева,(г.Красноярск, Российская Федерация)

Аннотация – В статье рассматривается влияние индивидуального потенциала личности (ресурсов личности) на карьерное самоопределение молодых

людей в современных условиях, проанализирован ряд исследований индивидуального потенциала личности среди различных категорий студентов.

Abstract – The article examines the influence of individual personality potential (personality resources) on the career self-determination of young people in modern conditions, analyzes a number of studies of individual personality potential among various categories of students.

Индивидуальный потенциал личности (ресурсы) прямо влияет на возможности человека, определяет ту планку, которую можно достичь. От них него зависит, какое количество сил, времени и энергии затратиться на достижение намеченных целей. Так, например, в Гарварде в политике комплексного изучения абитуриентов особое место уделяется личностному потенциалу поступающих: высоко ценится, не только эрудированность, но и талант, активность, неординарность будущих студентов. Определяющими являются наличие таких характеристик как: мотивированность, коммуникабельность, умение получать нужные навыки в нужный момент, лидерские качества, самостоятельность [9].

Индивидуальный потенциал личности (ресурсы) оказывают влияние на способы взаимодействия личности с окружающей средой, опосредованно оказывая влияние на качество жизни, и в частности, на выбор профессии и построение дальнейшей карьеры.

В зарубежной психологии проблема ресурсов личности исследуется более полувека, и область изучения только расширяется. В этих работах «ресурс» трактуется как фактор адаптации человека к окружающей среде.

В отечественной психологии вопросы «ресурсов личности» активно рассматривались в работах двух выдающихся отечественных психологов - Б. Г. Ананьева и С. Л. Рубинштейна. Так, Б.Г. Ананьев, предполагал возможность в дальнейшем разработать «...общую модель резервов и ресурсов личности, которые проявляют себя в самых различных направлениях в зависимости от реального процесса взаимодействия человека с жизненными условиями внешнего мира и от структуры личности самого человека» [1, с. 275].

Коростелева Т.В. приводит обзор определений понятия «ресурс» в различном контексте, который в настоящее время используется научным сообществом. Так, «ресурс» различными авторами определяется:

- в качестве интегральной характеристики человека как субъекта труда, которая охватывает все уровни его индивидуальности и рассматривает человека сквозь призму мобилизации всех ресурсов организма в процессе борьбы с экстремальными условиями жизнедеятельности (Войтехович Т.С.);
- как адаптационный потенциал личности (Соловьева С.Л.);
- в качестве системы способностей человека к устранению противоречий, возникающих между личностью и жизненной средой, преодолению

неблагоприятных жизненных обстоятельств (Иваницкий А.В.) и др. [5, 21].

Водопьянова Н.Е. дает следующий вариант понятия «ресурс»: это конструкторы психологической регуляции разных уровней организации человека [3, с. 46].

Матан В.В. определяет личностные ресурсы как совокупность внутренних характеристик человека, способствующих его продуктивности и успешности в различных жизненных ситуациях, выступающих одним из факторов психического здоровья. Автор также констатирует, что количество, разноплановость, субъективное ощущение достаточности ресурсов и их использование связано с благополучием человека. В зависимости от разнообразных жизненных задач, различные качества могут выступать как ресурсы [7, с.48].

Дорохина О. В., Ткаченко И. В. предлагают такое определение: «Личностные ресурсы - это потенциал, качества личности, ее возможности и способности, помогающие в постановке и решении различных задач» [4, с.68].

Отечественная психологическая школа, представленная на кафедре акмеологии и психологии профессиональной деятельности РАГС, рассматривает личностный потенциал как самоуправляемую систему внутренних возобновляемых ресурсов личности [8, с. 99].

Развитие ресурсов имеет сложную детерминацию: оно зависит от внешних (внесубъектных) и внутренних (интра - и интерсубъектных) факторов. Они динамичны, имеют периоды развития, стагнации, инволюции. В зависимости от субъектной активности ресурсы вовлекаются, сонастраиваются и развиваются в соответствии с требованиями профессиональной деятельности и ситуационных условий, а также в зависимости от жизненной позиции и установок [3, с. 46].

Приведем несколько исследований аспекта личности студентов:

Коростелева Т.В. в результате эмпирического исследования определила, что внутренняя организация ресурсного потенциала личности задается: познавательной, преобразовательной, оценочной (ценностно-ориентационной), коммуникативной деятельностью. Каждый вид деятельности образует собственный арсенал влияния на личность обучающихся и вид ресурсов по управлению качеством жизни. Также автор отмечает, что студенты с высоким индексом жизненной удовлетворенности имеют более высокий индекс ресурсности, что доказывает большую сбалансированность их достижений и неудач и, как следствие, больший адаптационный потенциал по сравнению со студентами с низким уровнем индексов жизненной удовлетворенности. Студенты с высоким индексом жизненной удовлетворенности ставят перед собой более высокие и амбициозные цели; они ориентированы на получение высоких результатов в значимых видах деятельности [5, с.77].

В исследовании мнения студентов средних учебных заведений по вопросу

представления о карьере, проведённом автором статьи Берзиной О.А. совместно с Лукьянченко Н.В., выявлено, что одним из важнейших ресурсов личности для респондентов (в половине случаев ответов) выступает внутренняя мотивация, которая означает вложение своих ресурсов, таких как энергия, время, знания, талант, воля и т.д. в достижение желаемой цели [2].

Куликова Т. И., Декина Е. В., Шалагинова К. С. в ходе констатирующего эксперимента, проведенного на базе ТГПУ им. Л.Н. Толстого выявили, что студенты в качестве своих ресурсов называют организованность, сильную волю и энергичность [6].

Дорохина О. В., Ткаченко И. В. провели анкетирование студентов первых и выпускных курсов АГПА с целью определения основных факторов развития их собственных личностных ресурсов. Важно отметить, что понятие о «личностных ресурсах» вызвало даже у выпускников большие затруднения; только 61% студентов-выпускников дали ответ на вопрос анкеты о том, что они считают своими ресурсами. 53% опрошенных в качестве ресурсов указали на личностные качества и 18% на свои способности. Среди самых популярных ответов о ресурсах называлось: время, материальные возможности, отдельные личностные качества. Сложным как для первокурсников, так и для выпускников оказался вопрос о том, чего им не хватало для полного раскрытия личностных ресурсов. Важными моментом являются представления выпускников о том, что личностные ресурсы можно развивать и усовершенствовать, что они необходимы для работы по специальности, характеризуют самость человека и способствуют формированию личности [4].

Если же рассматривать ресурсы личности в разрезе карьерного самоопределения то можно сказать, что реализация карьерного потенциала напрямую связана с готовностью самостоятельно планировать и реализовывать перспективные направления персонального образовательного маршрута и профессионального будущего. Успешность в реализации карьерного потенциала зависит не только от обладания будущим специалистом актуальным набором компетенций, но и от того, занимается ли он самообразованием и саморазвитием.

Таким образом, личностные ресурсы представляют собой сложную многомерную систему индивидуально-психологических характеристик, которые можно целенаправленно развивать в результате деятельности в современных условиях. Важную роль в формировании ресурсов играет собственная активность индивида и высокий адаптационный потенциал к изменяющимся внешним условиям, а также понимание человеком какими ресурсами он обладает и может воспользоваться, чтобы быть эффективным в достижении поставленных целей в карьере и жизни.

Библиографический список

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. СПб.: Питер, 2001. 288 с.
2. Берзина О. А., Лукьянченко Н. В. Представление о карьере студентов, получающих среднее профессиональное образование // Психология в системе социально-производственных отношений: материалы III Междунар. науч. - практ. конф. (17 апреля 2020 г., Красноярск) / СибГУ им. М.Ф. Решетнева. – Красноярск, 2020. С.123-128.
3. Водопьянова Н.Е. Современные концепции ресурсов субъектов профессиональной деятельности // Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 16. Психология. Педагогика. 2015. № 1. С. 45-54.
4. Дорохина О.В., Ткаченко И.В. Считают ли семью фактором развития своих личностных ресурсов современные студенты? // Сборник: European Association of pedagogues and psychologists «Science». 2014. С.67-71.
5. Коростелева Т. В. Личностные ресурсы в управлении качеством жизни молодежи: стратегии, инструменты, измерения [Электронный ресурс]: монография. СПб.: Научные технологии, 2020. 148 с. URL: <https://publishing.intelgr.com/archive/lichnostnyie-resursyi-v-upravlenii-kachestvom-zhizni.pdf>.
6. Куликова Т. И., Декина Е. В., Шалагинова К. С. Психологические факторы развития карьерного потенциала студентов // Перспективы науки и образования. 2020. № 3 (45). С. 308-322. doi:10.32744/pse.2020.3.23
7. Матан В.В. Взаимосвязь личностных ресурсов и типов профессиональной карьеры врачей, Обозрение психиатрии и медицинской психологии. 2019. №3. С. 48-53.
8. Шихалова А. В. Основные детерминанты реализации личностного потенциала // Психология в системе социально-производственных отношений: материалы III Междунар. науч. - практ. конф. (17 апреля 2020 г., Красноярск) / СибГУ им. М.Ф. Решетнева. Красноярск, 2020. С.98-101.
9. <https://www.partner-inform.de/partner/detail/2015/10/206/7662>.

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «МАХБУБ УЛ-КУЛУБ» (ҚАЛБЛАР СЕВГИЛИСИ) АСАРИДА УМУМПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР
Сулаймонов М. - СамДУ катта ўқитувчиси**

Аннотация. В данной статье речь идёт о проблемах общепсихологического толкования человека на основе произведения Алишера Навои «Махбуб ул-кулуб». Кроме того, в статье говорится о внутреннем мире индивида и его поведении, а также о профилактике его поступков.

Annotation. In this article deal with about problems of general psychology and explane man by novel Alisher Navoi “Maxbub ul-kulub”. And else, in this article tat king about inside worlce the individ, and his discipline, also about analyzed his.

Инсон руҳияти, шахс психологияси ва кишининг ботиний тафаккури ўзи бир олам. Бу оламни кашф этишга жамики зиёлилар асрлар оша интилиб келишмоқда. Ана шундай инсоният руҳий дунёсини адабиётда ўз талқинлари, тасвирлари ва эстетик ҳамда психологик образлари бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда, бадий

ижод психологияси тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилганда, буюк сиймо, мутафаккир, маърифатпарвар инсон, давлат, жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ижодига тўхталиш лозим. Зеро, Навоийни «...шу замонда – янги асрда ҳам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётганлиги беҳикмат бўлмаса керак»¹⁸.

Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» асарида ўша даврдаги барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларга, касб эгаларига тасниф берар экан, хулқ-атворнинг яхши-ёмонлиги инсонийликка хос, халққа, мамлакатга фойдали ёки номақбул фазилатлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтади. Ҳозирги кун инсонлари қиёфасини миллий(этно)психологик жиҳатларини теран идрок этган ҳолда сизу бизнинг «Мен»имизни монизм¹⁹ тамойиллари асосида тасниф беради. Умумпсихологик, умуминсоний фазилатлар, характер белгилари, қалб, дил, кайфият ва бошқа рухий жараёнлар тўғрисида чуқур мушоҳада юритиб, ўқувчини янада теранроқ англашга инсон қалбининг чексиз имкониятларини тушунишга ундайди.

«Инсон қалбининг қувончу қайғусини эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади»²⁰ - дея таъкидлайди И.А. Каримов. Биз тадқиқот мулоҳазаларимизга асосланган ҳолда Алишер Навоийни психология илмининг зукко вакили, назарий ва амалий тажрибалар умумлашмасини яратувчи, хаёл феноменлари тўғрисидаги ғояларни янги босқичга кўтарувчи шахслараро муносабатлар негизи ва манбасининг билимдони, чин маънодаги психолог олим деб аташ мақсадга мувофиқ.

«Махбуб ул-қулуб» асарининг учинчи қисми «Турли фойдали маслаҳатлар ва мақолалар» деб номланиб, унда инсон, айниқса ҳозирги замон шахси учун ниҳоятда зарур бўлган меҳр-мурувват, поклик, яхши хулқ, эзгулик, илмга ташналик, зукколик, онглилик, донолик, дилкашлик, нафислик, ифбатлилик, хушмуомалалик, назокатлилик, беғаразлик сингари кўплаб юксак инсоний умумпсихологик фазилатларни улуғлаб, айни вақтда ёмон, хунук инсонийликка хилоф хислатларни, инсон деб аталмиш олий зотга ярашиқсиз хулқ-атвор сифатларини ўз фикрлари билан чуқур ва пурмаъно сатрларда баён этиб психология фанининг объекти бўлган инсон муаммоси ҳақида чуқур ўйлашга мажбур қиладиган битиклар психология фанининг тезкор ўрганиши лозим бўлган долзарб муаммосидир.

Алишер Навоий мазкур асарида «Ҳилм (мулойим табиатлилик)»²¹ номли ҳикоятда «Ҳилм – инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллилик–ҳодисалар тўла денгиздаги кишилиқ кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини

¹⁸ Ҳаққул Иброҳим. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007, 3-б.

¹⁹ Бетакрор, қайтарилмас

²⁰ А.И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2008. Б. 47.

²¹ Алишер Навоий. «Махбуб ул-қулуб». Тошкент: Ғ.Фуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. Б.65.

ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади. Ҳилм–ахлоқли одамнинг кимматбаҳо либоси ва кийим турларининг энг чидамли матосидир. У – ёмон нафсни дайди шамол учиршидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи. Ҳилм натижасида одам халойиқнинг иззат-хурматиға сазовор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларға илтифот ва марҳамат етишади. Катта кишилар ёшларни масҳара ва кулги қилса улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туйилади; ёшлар ҳам катталарға нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади. Бу давр боғининг хас-хашак сингари одамлари, шамолдек бетайин, енгилтак кишилар олдида ҳилм аҳли гуё оғир табиатли ва ёмон феълли деб камситиладилар...

Оғирлик вазниндиндур сайлдан ғамсиз Ҳири тоғи

Енгиллик фартидин барбод эрур камғоқ яфроғи

Ел – агар кўкка етса ҳам, барибир енгил қадрсиз; тоғ – агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир. Елнинг орасида ўтга ёқиладиган хас хашаклар бор; ҳилм мазмунида эса шоҳ тожига қадалгудай чўқ каби қизил лаъл бор.

Маълумки инсон фазилатларининг шаклланишида муайян психик фаолиятда яхлит объектив ва субъектив мойиллик тарзидаги кўрсатма бериш психологик механизм негизида юзага келган автоматлашиш учун муҳим аҳамият касб этади. Установа (йўналганлик) одатлардан фарқли ўлароқ муайян ҳаракатларға тайёр туришгина бўлмай, балки билиш жараёнларига ҳиссий ва иродавий реакцияларда ҳам тайёр туришдир.

Алишер Навоийнинг юқоридаги танбиҳи(ҳикояти)да инсон ички олами, мотивлари хулқ-атворнинг нозик томонларини жуда усталик билан очиб берганлар. Катталарға хурмат кичикларға иззат ҳисси установка (йўналганлик)сини яратади ҳар бир жамиятда мавжуд бўлганидек, шамолдек енгилтак одамлар характер хусусиятларини оғир табиатли ва ёмон феълли кишилар эканлиги хусусида ўз хулосаларини айтиш баробарида ҳилм (мулоим табиат)ли одамларнинг хурматли, дидли, фаросатли, ўйлаб иш тутишларини кўрсатиб беради.

Характер хусусиятларининг ҳосил бўлишида низоли вазиятлар, айрим қарама-қаршилиқлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Инсон характери хулқ-атвор шакллари фақат мураккаб ва кескин вазиятларда аниқ намоён бўлиб қолмай, балки у мазкур ҳолатларда ҳам таркиб топади. Одатда характер хислатларининг ўзгаришидаги индивидуал фарқлар шахснинг низоли вазиятдан чиқиши учун қандай йўл топишиға, бинобарин, инсон шароитидан келиб чиқиб, қандай хатти-ҳаракатни амалға оширишға қарор қилишиға боғлиқ. Шахс ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ўз хатти-ҳаракатлари одатлари билан ўз характер хислатларини ўзи яратади ва уларни бошқаришға одатланади. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шу ҳодисотларни шамолнинг бетайинлиги тоғнинг виқори билан шамолға қарши туриши орқали ўт (олов)нинг хас-хашакни

кўйдириши мумкинлиги, лекин қуёш нурига тенг келолмаслиги юқоридаги танбихда қайд этади.

Аллома шу аснода инсон характердаги яхши фазилат белгилари устун бўлса ёмон иллатлар ўз таъсирини йўқотишни таъкидлайди. «Мақсадга номувофик, лекин шахс учун ўзига хос ҳаракат усуллари танлашда мойиллик кучли иродавий зўр бериш шароитида, жиддийлик вазиятларида ёрқин акс этади»²². Бу характернинг белгиларидан хисобланади. Адиб ўша замон ва маконда яшаб ҳозирги кун инсон психологиясини аниқ деталларда кўрсата олган.

Навоий ҳикоятларидан ниҳоятда нозик масалани англаган олим М.Муҳиддинов «Навоий назарида майга ружуъ қилиш жаҳолат ва нодонликнинг нишонаси инсоний фазилатлардан маҳрум. Ўз кадр-қимматини билмаган одамгина бу йўлга кириши мумкин. Одатда, манман, кибру ҳаво димоғини шиширган нодон кишилар кўпроқ шаробга ўч бўладилар. Уларнинг табиати май кўпигига қиёс этгулик: кўпик бир кўтарилиб, дарров йўқолгани каби сархуш кишининг ҳовлиқишлари, шердил бўлиб хезланиши бир дам хуруж қилиб, кейин сўниб қолади (ретикуяр формациянинг кўзғалиши С.М). Мастлик пайтида одамдаги ҳайвоний кучлар бош кўтаради, киши ўзини идора қилолмай, ношаъний қилиқлар кўрсатади. Шунинг учун А.Навоий майни барча ярамасликларнинг онаси-«уммул ҳабоис» деб эълон қилган «Жамъи ёмонлик андин мутававаллид бўлур» деб ёзади у Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларидан бирида»²³.

Навоий «Ани ичмак-жигар қонини ичмақдир ва мундин кечмак-бир жигар гўшасидан кечмақдир. Ул бирин ютмоқдин захр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухумни курутма»²⁴ деб башорат қилади. Бу улуғ башоратнинг мисоли сифатида қавмимиздаги ичкиликка мойилликлари устун бўлган одамларни кўз олдингизга келтиринг. Ичкилик туфайли наслинг бузилиши оқибатида ногирон фарзанднинг дунёга келиши, ёш оилаларнинг бузилиши, ҳар хил касалликларга гирифтор бўлиш, эрта қариб қолиш, ака-укалар ўртасидаги нифоқ, фарзанднинг юзсизларча отага қўл кўтариши, онага ҳурматсизлик, аҳли аёли ёки шаърий эрига хиёнат, жамият нормал ижтимоий-психологик ҳаётига раҳна солиш, миллатимизга хос дилбандлик, бағрикенглик, саховатпешалик, закийлик, зийраклик, олийҳимматлилик сингари кўплаб этнопсихологик хулқ-атворларимиз дарз кетишини келтириб ўтиш бугунги куннинг муаммосидир.

Алишер Навоийнинг даҳо руҳшунос олимлигини ҳар бир мисра ва асарларида кузатиш мумкин, юқорида таҳлил қилишга ҳаракат қилган ҳикоят асносида Навоийнинг улуғворлигини яна бир бор ҳис этамиз, чунки ўша даврдаёқ бизнинг ҳозирги айрим жамиятга ёт ишларимизни кўриб тургандек (телепатия)

²² Э. Ғозиев. Психология. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа уйи, 2008. 169-б.

²³ М.Муҳиддинов. Комил инсон – адабиёт идеали. Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2005. 109-б.

²⁴ А. Навоий. Асарлар. 15 томлик. 13-том. Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. 79.

инсонларни ичкилик–бу қотиллик, миллатнинг бадном бўлиши, касаллик, руҳиятнинг синиши, маънавиятнинг йўқолиши, маърифатнинг издан чиқиши, тўлақонли ижтимоий-психологик муҳитнинг ҳамда соғлом турмуш тарзининг бузилиши хулқ-атворининг ёмон томонга оғишини қайта-қайта таъкидлашини англаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, юксак инсоний, умумбашарий ҳис-туйғулар фуқаролар хатти-ҳаракатларнинг, феъл-атворларнинг регулятори (бошқарувчиси) вазифасини бажара бошлаган дақиқалардан эътиборан умумий, ижтимоий-психологик негизларга асосланувчи оммавий ҳаракатлар, қарашлар, ғоялар, мотивациялар намоён бўлади ва ҳар бир инсонда шу умумият ишига ўзининг шахсий улушини қўшиш истаги, майли, хоҳиши вужудга келади.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг ҳар бир қисмида, ҳикоятларида инсонга хос умумпсихологик ҳолатларнинг ва шахс муаммоси, комил инсон муаммоси тўласинча мужассамлашган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов А.И. «Юксак маънавият-енгилмас куч». -Тошкент: Маънавият. 2008. 173 б.
2. Навоий А. «Маҳбуб ул-қулуб». -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 110 б.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ -ПЕРЦЕПТИВ СТЕОРТИПЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Турғунбоева А.Ғ. – НамДУ PhD.

Рустамова М. – НамДУ магистранти

Аннотация. В статье описаны типы стереотипов, механизмы стереотипирования, используемые педагогами.

Annotation. The article describes the types of stereotypes, the mechanisms of stereotyping used by educators.

Маълумки, шахслараро билишнинг энг муҳим механизмларидан бири стереотиплаштиришдир. Ҳар бир кишида ҳамкорликдаги фаолият жараёни ва ўзаро таъсирлар натижасида бошқаларни баҳолашда фойдаланиладиган эталонлар вужудга келади. Бу эталонлар аста-секин шаклланиб борганлиги сабабли шахснинг ўзи ҳам буни сезмай қолиши мумкин. Мазкур стереотиплар тўлиқ анланмаган бўлса ҳам баъзан устунликка эга бўлиши мумкин. Инсон буни қанчалик англаганлигидан қатъий назар у атрофдагиларни ана шу стереотиплар призмаси орқали идрок қилишда давом этаверади.

Стереотипларни таснифлашнинг бир неча вариантлари мавжуд. В.Н.Панферовнинг фикрича, стереотиплар - антропологик, ижтимоий, эмоционал-экспрессив стереотип каби гуруҳларга бўлинади. А.А.Реан эса ижтимоий-

психологик стереотипларнинг - антропологик, этномиллий, ижтимоий-статусли, ижтимоий-ролли, экспрессив-эстетик, вербал-хулқ-атворли каби гуруҳларини ажратиб кўрсатган. Мазкур эталон-стереотиплар инсонлар ҳақида маълумот кам бўлганда, дастлабки таассуротлар ёрдамида фикр юритиш керак бўлиб қолган вазиятларда ишлаб чиқилади. Антропологик стереотип кишининг ички ва психологик сифатларини баҳолаш унинг антропологик белгилари, яъни ташқи кўриниши билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Этномиллий стереотиплар кишини психологик баҳолаш унинг ирки, миллати ва қайси этник гуруҳга тааллуқлилигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганда намоён бўлади. Тадқиқотлардан маълумки, инсонларда нотаниш киши ҳақидаги фикрлар улар мансуб бўлган миллий ёки этник гуруҳ ҳақидаги мавжуд тасаввурлар асосида шаклланади. Айниқса, бундай стереотиплар мазкур миллат ҳақида жуда кам маълумотга эга инсонларда кучлироқ тарзда намоён бўлади. Ижтимоий-статусли стереотиплар кишининг шахсий сифатлари унинг ижтимоий мақомига мос ҳолда баҳоланганда кузатилади. Идрок қилинаётган шахснинг ижтимоий мақоми қанчалик баланд бўлса, унинг нафақат психологик, балки жисмоний кўрсаткичлари ҳам шунчалик юқори баҳоланади.

Ижтимоий-ролли стереотиплар шахснинг хусусиятлари уни эгаллаб турган ижтимоий роли ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланганда намоён бўлади. Ижтимоий-ролли стереотипларнинг ўзига хос мажмуи мавжуд. Ҳозирда ижтимоий-ролли стереотиплар мавжудлигини тасдиқловчи кўплаб тажрибалар ўтказилмоқда. Шундай тажрибаларнинг бирида экспериментаторнинг ёрдамчиси текширилувчилар олдига ҳарбийлар кийими ва бошқа костюмда чиққан. Текширилувчилардан унинг шахсга хос сифатлари баҳоланиши сўралганда берилган баҳоларга уларнинг қандай кийимда эканликлари таъсир қилганлиги маълум бўлди.

Экспрессив-эстетик стереотиплар шахсга берилаётган баҳонинг унинг ташқи кўриниши, жозибadorлиги (“гўзаллик эффекти”) билан боғлиқлигидир. Баҳоланаётган шахс қанчалик жозибали бўлса, берилаётган баҳо шунчалик позитив (ижобий) бўлади. Ташқи жозоба ўз ичига жисмоний гўзаллик, кийиниш, ҳаракатларнинг нозиклиги ва ҳис-туйғуларнинг ифодаланиши (экспрессия)ни ҳам олади.

Вербал-хулқ-атвор стереотиплари ҳам шахсни баҳолашнинг ташқи хусусиятларга - экспрессия, нутқ, мимика (юз ифодаси), пантомимика ва бошқаларга боғлиқлигида акс этади. Бироқ бу вазиятда “жозибadorлик” унчалик муҳим хусусият эмас. Кўпчилик кишилар “Сиз инсонларнинг ички дунёсини уларнинг ташқи кўринишига қараб баҳолайсизми?” деган саволга “йўқ” деб жавоб берсалар ҳам тажрибада олинган маълумотлар бунинг аксини кўрсатмоқда. А.Миллер томонидан ўтказилган тажрибада инсонларнинг уч гуруҳ-чиройли,

оддий ва чиройли бўлмаган фотосуратлари ажратиб олинган. Текширилувчилардан ана шу фотосуратдаги кишиларни қандай психологик хусусиятга эга эканликларини баҳолаш сўралган. Натижаларга кўра, “чиройли”ларга берилган таърифлар - ўзига ишонувчан, бахтли, самимий, мувозанатли, ғайратли, топқир, маънавий дунёси бой ва бошқалардан иборат бўлган. Экспрессив-эстетик стереотиплар инсонлар фаолияти натижасини баҳолашга ҳам ўз таъсири кўрсатар экан.

Тадқиқотларда аниқланишича, ташқи гўзаллик нафақат кишига берилаётган баҳога, балки баҳолаётган одамнинг хулқ-атворига ҳам таъсир этиши мумкин экан. Америкалик психологлар томонидан йирик фирмаларнинг бирида шундай тажриба ўтказишган. Янги ишга қабул қилинаётган ходимлар икки босқичли суҳбатдан ўтишган. Биринчи суҳбат ўртача ташқи кўринишга эга бўлган, иккинчи суҳбат эса жуда чиройли ходим томонидан олиб борилган. Ҳар икки суҳбат босқичи видеотасмага тушириб олинган. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, иккинчи босқичда, яъни чиройли ходим олдида номзодлар ўзларини жуда ғалати тутишган, ютуқларини ошириб кўрсатишга, яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилишган. Бунинг натижасида эса жумлаларни тузишга қийналишган, фикрлаш темпи сустлашган, ҳуллас, мазкур ўринга даъвогар бўла олмасликларига ишониб қолишган Педагоглар стереотиплаштириш механизмини ўқувчи шахсини ўрганиш жараёнида ҳам қўллашади. Унинг ижтимоий, эмоционал-экспрессив тури кўпроқ, антропологик тури эса камроқ учрайди. Шахсий педагогик тажрибаси давомида ҳар бир ўқитувчида ўзига хос стереотиплар - “аълочи”, ”иккичи”, ”фаол” каби тушунчалар шаклланиб боради. Ўқувчилар билан илк бор учрашган вақтиданок педагог уларда мазкур сифатлар бор ёки йўқлигини қидира бошлайди. Албатта бу стереотиплар ўзгармас эмас, улар субъектив ва индивидуал табиатга эгадир. Ҳар бир педагогнинг тажрибасига боғлиқ ҳолда шаклланган ўз стереотиплари мавжуд бўлади.

Хулоса қилганимизда бундай кенг тарқалган ва йўналтирилган стереотиплар таълим жараёнида учраб туради. Масалан, ўқувчи яхши ўзлаштиради, демак у қобилиятли, виждонли, масъулиятли, интизомли; ёмон ўзлаштиради - дангаса, диққатини тўплай олмайди, масъулиятсиз деб идрок қилинади. Педагогик мулоқот жараёнида эмоционал-эстетик стереотиплар ҳам маълум аҳамият касб этиши мумкин. Ўқувчи шахсига хос хусусиятларни унинг ташқи кўринишига қараб баҳолаш бир қараганда унчалик ҳақиқатга мос келмайдигандек ва ҳайратланарли бўлиб туюлади, аммо бу ҳолат нафақат ўсмирларга, ҳатто кичик ёшдаги болаларга нисбатан муносабатда ҳам кузатилиши мумкин экан. А.А.Бодалев томонидан олиб борилган тажрибаларнинг бирида талаба-қизларга етти ёшли болаларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш сўралган. Уларга “кичик айбдор”ларнинг фотосуратлари ҳам қўшиб берилган. Бўлажак педагоглар томонидан берилган жавоблар таҳлил

килинганд маълум бўлишича, ташқи кўриниши жозибали бўлган болаларнинг хулқ-атвори муҳокама қилинганд унга нисбатан юмшоқроқ, авайлаб муносабатда бўлишган.

Педагог томонидан ўқувчи шахсини ўрганиш ҳамда билишда педагогик стереотипларнинг таъсири бор ва улар муайян ўрин тутди. Ҳар қандай инсон каби педагог ҳам ўқувчини баҳолашида эмоционал-эстетик стереотипларнинг роли борлигини тан олмайди. Бундай стереотипларни таъсири камаймайди, аксинча ортиб бораверади. Дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда, ўқувчини турли вазиятларда кузатиш орқали у ҳақида кўплаб ахборотларга эга бўлиш баҳонинг индивидуаллашиб ва шахснинг фаолият ва хулқ-атвордаги хусусиятларига адекватлашиб боришига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Бодалев А.А. Личность и общение М.1983.
- 2.Каримова В.М. Ижтимоий психология Т.2007.
- 3.Реан А.А. Социальная педагогическая психология. М.2004
- 4.Социальная психология. Под редакцией А.В.Петровского М.1987.

ЗАМОНАВИЙ ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ -ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ Э. Ғ.ҒОЗИЕВ ТАЛҚИНИДА

Турсунов Л.С. – ТДПУ “Амалий психология” кафедраси, п.ф.н. доц. в.б.

Аннотация: Наверное, сложно встретить человека, мыслителя или государственного деятеля, который не описал человека. Мы видим, что Учитель (Э.Ғазиев) подошел к определению личности с точки зрения сущности науки объективной психологии.

Ключевые слова: личность, физическая, сексуальная, социальная зрелость, биологические, социологические, черты, возможности, активность, поведение, поведение, общение.

Anatation: It must be difficult to meet any thinker or statesperson who has not described the anatomy-person. We can see that the teacher’s approach to the description of the person is based on the essence of the science of objective psychology.

Key words: person, personality, physical, sexual, social maturity, biological, sociological, charactersitics, opportunity, action, behavior, attitude, communication.

Ҳар бир даврнинг маълум бир йўналиши бўйича етук вакиллари бўладиги улар ҳамкасблари даврасида бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилмайдилар, камтарона фаолиятлари орқали эса ўзларидан кейинги авлодга катта бир илм хазинаси қолдириб кетадилар. Устоз Эргаш Ғозиевич Ғозиев ана шундай инсонлар тоифасига кирувчи беназир етук комил шахс эдилар десак у кишини таниган ва билган минг- минглаб шогирдлари ҳамда дўстлар фикримизни сўзсиз тасдиқлашларига заррача шубҳам йўқ.

Ўзбекистонда рухиятшунослик фани тарақиётига катта ҳисса қўшган ўнлаб дарсликлари рухиятшуносликнинг қайси тармоғига нисбатан йўналган бўлишидан қаттиқ назар унда шахс муаммоси биринчи ўринга чиқарилганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби психологияни барча йўналишларининг объекти шахс эканлиги устозни назарларидан бир сонияга бўлса ҳам нари кетмаганлигини таъкидлашимиз жоиз.

Юқоридаги фикрларимизни тасдиғи сифатида устознинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишимиз лозим: “Жамият мавжуд экан, унинг қудрати, ҳаракатлантирувчи кучи, моддий ва маънавий маҳсулот яратувчиси бўлмиш инсоннинг ахлоқи, ақл-идроқи, юксак ҳис-туйғуси, иродавий фазилати, қобилияти ва салоҳияти юзасидан янги маълумотларга эга бўлиш масаласи ўз мавқеини асло йўқотмайди. Худди шу боисдан инсон шахси, унинг камолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари ХХІ асрда тадқиқот этилишга муҳтождир”.

Тарихга назар ташласак, шахсга таъриф бериб ўтмаган бирор – бир мутафаккир ёки давлат арбобини учратишимиз қийин бўлса керак. Шахсга таъриф берган мутафаккир ёки давлат арбобини ўз нуқтаий назаридан ёндашган бўлса, устоз шахсга тариф беришда холис рухиятшунослик фанининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб қуйидагича таъриф берганлар: **“Муайян жамоа аъзоси, жисмоний, жинсий, ижтимоий камолотга эришган, биологик ва социологик шартланган хислатлар эгаси, ўз имкониятларини рўёбга чиқарувчи, билишга интилувчи, фаолият хулқ, муомала субъекти шахс”**, - дейилади.

Устознинг мазкур таърифлари биринчи ўринга шахс аввалом бор **“Муайян жамоа аъзоси”** эканлиги таъкидланишига сабаб шахс жамиятнинг маҳсули ҳисобланади. Инсоният жамиятдан ташқарида шахс шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги инсоният тараққиёти тарихида ўз исботини топган десак хато бўлмайди. Шу сабабли бўлса керак устоз қуйидаги фикрни тез – тез такрорлаб турар эдилар, “Ҳаммамиз бу дунёга одамизод авлоди сифатида келамиз-у, жамият таъсирида шахс бўлиб оламни тарк этамиз, аммо ҳаммага ҳам бу бахт насиб этавермайди”.

Таърифда урғу берилган **“Жисмоний, жинсий ва ижтимоий камолотга эришган”** талқинига диққатимизни йўналтирадиган бўлсак ҳар бир шахс ўзининг жисмига эътибор қаратиб, жамият талаб қилганидек жисмига нисбатан ёзилмаган қоидаларга амал қилиши лозим. Бундан ташқари жинсига нисбатан жамият белгилаб берган статус ва атрибутлардан ташқари чиқмаслик шахсликнинг намоён бўлишини ўзига хос хусусиятидир. Шахс, қачонки жамиятдаги қадриятларга амал қилган ҳолда, ўз жисмоний ва жинсий хусусиятларини тўлиқ бошқара олгандагина ижтимоий камолотга эришганлиги жамият аъзолари томонидан эътироф этилади. Айнан ана шу уч кўрсаткич билвосита ва бавосита жамият шахсдан талаб

этиладиган маъсулият асосида ҳар сонияда кўзга ташланиб туриши билан бир каторда бошқалар томонидан назорат ҳам қилиб борилади.

“Биологик ва социологик шартланган хислатлар эгаси” шахсни фаолиятга ундовчи икки асосий эҳтиёжни (биологик ва ижтимоий) қондиришдаги ҳаракатларини онголди ва онгости акс эттириши асосида ақли ёндашув орқали ўз хулқ – атворининг хислатларга айлантиришни назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун қорни оч бўлишига қарамасдан катталардан олдин ёшларни дастурхонга қўл узатмасликлари каби қадриятларни тушуниш мумкин.

Тарифда шахслиликни асосий белгиларидан бири **“Ўз имкониятларини рўёбга чиқарувчи”**, ўзига хосликни алоҳида кўрсатиб ўтилишига сабаб мазкур хусусият орқали шахс ўзининг жамиятдаги ўрнини белгилаб олиш учун турли имкониятларининг мавжудлигини уқтирилиётганлигини тушуниш қийин эмас. Техника ва фан ютуқларига бой ХХІ – аср шахс ўз имкониятларини намоён этишига кенг шарт – шароитлар мавжудлиги сир эмас.

“Билишга интилувчи, фаолият хулқ, муомала субъекти шахс” таърифдаги мазкур жумларда шахснинг ўзлигига хос хусусиятлар жамланган бўлиши билан бирга шахснинг фаоллигини кўрсатувчи белгиларига урғу берилганлигини кўришимиз мумкин. Билимларни эгаллашга ва дунёни англашга бўлган интилиш шахснинг барча хусусиятларини очиб берувчи калит бўлиб, уни мувафакқиятли эгаллаган ёшлар жамиятда ўз мавқеларини тезда англаб етадилар. Шахснинг билишга интилувчанлик хусусияти икки омил асосида кўзга ташланиши мумкин: биринчиси ташқи таъсир яъни катта авлод томонидан яратилган шароит; иккинчиси шахснинг ўз томонидан янги билимларни эгаллашга бўлган ички интилиши. Демак шахсни шахс қилиб турувчи хусусиятлардан бири билишга интилиш бўлса кейингиси шу билимлар асносида шахс фаолияти йўналганлиги асосида хулқини намоён бўлишидир. Шахснинг хулқи уни фаолиятида акс этиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқатлигидан келиб чиқиб таъкидлашимиз мумкинки, онгли фаолиятни амалга оширадиган жамият аъзоси бевосита муомала жараёнини ҳам миллий ва умум башарий қонуниятларга амал қилган ҳолда амалга оширади.

Юқорида Э.Ғ. Ғозиев томонидан шахсга берган таърифларини қисқача шарҳлашга ҳаракат қилдик, аммо шуни таъкидлашимиз лозимки, биз томонимиздан илгари сурилган изоҳлар мукамаллик даво қила олмаслигига сабаб, биздан кейин ҳам кўплаб татқиқотчилар мазкур мавзуга мурожаат қилиб таърифни янги қирраларини ўз нуқтаи назарлари орқали очиб беришга интилишлари табиий ҳолдир.

Жаҳон психология фанидаги турли назарияларга асосланган ҳолда, биринчидан, инсон у ёки бу алоқалар тизимига биноан биологик эволюция маҳсули сифатида ўрганилади. Иккинчидан, ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти тариқасида инсон шахси татқиқот қилинади. Учинчидан, индивид

(одамзод) муайян даражада ва кўламда ўзгарувчан, биологик тараққиётнинг генетик дастурига асосланувчи алоҳида хусусиятли жонзод тарзида илмий жиҳатдан ўрганилади.

Э.Ғ.Ғозиевнинг фикрларига кўра, шахс жамият ишлаб чиқаришининг етакчи ва асосий таркиби қисми бўлиб, билиш, коммуникация ва бошқарув жараёнининг субъекти, тарбиялаш ва тарбияланиш предмети сифатида тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Худди шу боисдан шахс ва унинг борлиқ, ижтимоий жамият билан кўп қиррали, мураккаб муносабатга ҳамда алоқага киришиши қуйидаги тарзда намоён бўлиши мумкин:

1. Табиатнинг биотик ва абиотик омиллари - инсон.
2. Жамият ва унинг тарихий тараққиёти - инсон.
3. Инсон - техника, технология.
4. Инсон - маданият, маънавият, қадрият ва руҳият.

Одамга индивид сифатида тавсиф беришда унинг ёш даври, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятларига асосланилади. Ёш даврнинг сифатлари онтогенетик, эволюция босқичларида изчил равишда намоён бўлади ва такомиллашув жараёнида ўз ифодасини топади, жинсий диморфизм хусусияти эса уларга мутлақо мос тушади.

Одамнинг шахс сифатида тавсифланишининг муҳим психологик лаҳзаси унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий негизга боғлиқ, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни, нуфузи, мавқеи билан белгиланади) орқали ифодаланади. Статуснинг негизида эса ҳамиша узлуксиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Инсон бажариши лозим бўлган гуруҳий фаолият ва яққаҳол турмушга, касб-хунарга алоқадор, яъни касабий, оиладаги ҳамда жамоадаги ролнинг ижтимоий функцияси, унинг муайян мақсадга, қадриятга, маънавиятга йўналганлиги, шахсни фаоллаштиради, натижада у барча жабҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Одамнинг фаолият субъекти сифатидаги асосий тавсифлари қаторига унинг бу соҳадаги тараққиётнинг маҳсули - онги (объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида (ва фаолияти) воқеликнинг ўзгартирувчиси тариқасида) киради. Инсон амалий фаолиятнинг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина қолмайди, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технологияси, уларнинг кучайтирувчанлик, тезлаштирувчанлик ва яратувчанлик функциялари сифатида юзага келади.

Шахснинг субъектив хислатлари интеграциясининг юксак шакли ижодиёт (креация) ҳисобланиб, умумлашган имкониятлар тарзида қобилиятлар (истеъдод, иқтидор), талант ва салоҳият вужудга келади. Одамнинг субъектив хусусиятлари, хислатлари ривожининг асосий шакллари руҳан тайёргарлик, старт, кульминация ва финиш саналиб, инсоннинг жамиятдаги ишлаб чиқариш ва ижодиёт

фаолиятларини белгилайди. Мазкур тўрт босқич, тўрт мезон, тараққиётни баҳолаш тизими ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, суръати, давомийлиги билан бир-бирларидан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ажралиб туради.

Жаҳон психологияси фанида инсон сифатлари (хислатлари, фазилатлари, хосиятлари) ни индивидуал, шахсга оид ва субъектив гуруҳларга ажратилиши анъанавий ва касбий хусусиятга эга, чунки улар одамнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, алоҳидалиги тавсифидан иборат бўлиб, бир даврнинг ўзида ҳам табиат, ҳам жамият жонзоди эканлигини англатади.

Э.Ғ.Ғозиевни илгари сурган фикрлари бўйича, индивид, шахс, субъект тараққиётининг тадқиқотида қуйидаги ижтимоий-психологик ҳолатларга эътибор қилиниши зарур:

1. Инсон ривожининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳитининг омиллари).

2. Инсоннинг шахсий ўзига тааллуқли, асосий тавсифлар, унинг ривожланиши ички қонуниятлари, механизмлари, эволюцион негизда камол топиш босқичлари, барқарорлашуви ва инволюция (ўсишдан қайтиш даври хусусиятлари).

3. Инсонни яхлит, мукамал тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг муттасил равишда такомиллашуви каби факторлар.

Уч хил хусусиятли тадқиқот дастурининг таркибий қисмлари инсоннинг амалий, назарий ва ижодий фаолиятининг мезонлари ҳисобланади. Чунки бевосита фаолиятни амалга ошириш жараёнида яшаш муҳитини ва ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллашнинг ҳам интериоризация, ҳам экотериоризация даврлари юзага келади.

XXI асрда индивид, инсон, шахс, субъект ва комил инсонни ўрганиш турли йўналишларда, вазиятларда, ёш хусусиятлари, алоҳида ёндашиш негизда, ўзига хос талхлилга, методологик асосга суяниб олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Э.Ғ.Ғозиевни тақидлашларича, индивид, шахс, субъект ва комил инсон тўғрисида мулоҳазалар юритилганда уларнинг онгсизлик, онгостлилик, онглилик ва ўта (супер) онглилик ҳолатлари билан узвий алоқадорлигини унутмаслик лозим.

XXI - асрда яшовчи инсон онгли, онгости ва онгсизлик ҳолатларидан ташқари, ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Худди шу боисдан ўз-ўзини англашнинг қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ўтмишдаги “Мен” (“Ўзлик”);
- 2) ҳозирги “Мен” (“ўзлик”);
- 3) бўлғуси “Мен” (“ўзлик”);
- 4) идеал “Мен” (“ўзлик”);
- 5) динамик “Мен” (“ўзлик”).

XXI - аср одамлари комилликни эгалловчи, яъни комил инсонликка интилувчи шахслардан таркиб топиши лозим. Комилликнинг бир нечта мезонлари мавжуд бўлиб, унда жисмоний баркамоллик, ахлоқий баркамоллик, бетакрорлик, ақл-заковатлилик сингари шахснинг ижтимоий тарбиявий таркиблари ўз ифодасини топади.

Комилликнинг ўзига хос босқичлари, объектив ва субъектив хусусиятли шарт-шароитлари, омиллари мавжуддир. Комил инсон имконияти чексиз, ўз иқтидори, истездоди, салоҳияти, қобилияти, донишмандлиги, қомусийлиги билан ўз замондошларидан сезиларли даражада илгарилаб кетувчи, бетакрор, ўта (супер) онгли, биосфера ва неосфера муносабатларини англовчи онгли зотдир (онглиликнинг онглилиги устувордир).

Э.Ғ.Ғозиев таъкидлашларига кўра, бу даражага жамиятнинг барча аъзолари эришиш имкониятига эга эмас, чунки бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари, шарт-шароитлари мавжуддир. Худди шу сабабдан шунчаки интилиш, майл, лаёқат билан юксак камолот чўққисига эришиб бўлмайди, мазкур ижтимоий ҳолатни чуқурроқ тадқиқот қилиш фаразларимизни ё тасдиқлайди ёки инкор қилади.

Юқоридаги фикрлар асосида Э.Ғ.Ғозиев томонларида комил инсонга қуйидагича таъриф берилган:

“Субъектликнинг инстиционал, супер соционал таркибларни ўзида мужассамлаштиришга, табиат, жамият қонунлари ҳақидаги билимларнинг соҳиби, хулқ-атвор тўқис, ўзлигини бизлик билан умумлаштирган, бошқа оламлар тўғрисидаги тасаввурларни кашф қилувчи донишманд зот (аллома, даҳо) комил инсон деб аталади”.

Беназир устозни комил инсонга таърифларининг моҳиятига қаратилган изланишларимизни келгусида алоҳида мақолаларимизда баён этишга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Э. Ғ. Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.
- 2) Э. Ғ. Ғозиев “Онтогенез психологияси” Ношир Т. 2010.

ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Умарова Н.Ш. - ТДПУ, Амалий психология кафедраси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, доцент

Турсунбоева Х.С. – ТДПУ, Педагогика ва психология мутахассислиги магистранти

Аннотация: В тезисе рассматривается, что социально-экономическое

воспитание оказывает влияние на формирование экономического мышления молодежи, воспитанной в семейной среде в контексте экономических отношений, повышая их социальную активность.

Ключевые слова: социализация, воспитание, экономика, личность, общество.

Annotation: The thesis examines that socio-economic education influences the formation of economic thinking of young people brought up in a family environment in the context of economic relations, increasing their social activity.

Key words: socialization, education, economy, personality, society.

Мамлакатимизда иқтисодий социализацияни ўрганиш ва тадқиқ этиш муаммоси соҳа мутахассислари, хусусан, ижтимоий психологлар олдида турган ва ўз ечимини кутаётган глобал масалалардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун биз ёшларимизга Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг ўрталарига келиб, хорижий «ижтимоий» ва «кросс-маданий» психологияда иқтисодий социализацияни тадқиқ этиш бошланган. Ҳозирги вақтда бу муаммони илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича хорижий иқтисодий психологларда етарли даражадаги назарий ва эмпирик тажриба мавжуд. Хорижий психологлар томонидан иқтисодий социализациянинг мазмуни ва моҳиятини ёритувчи илмий изланишларда:

- катталар иқтисодий дунёсининг болалар томонидан англанилиши (Berti ва Bombi, 1998; Bonn ва бошқ., 1999 ва ҳоказо);

- иқтисодий муносабатлар шароитида болаларнинг ўзини-ўзи бошқаруви ва иқтисодий хулқ-атвори (Ford, 1990; Webley, Levine ва Lewis, 1991; M.S. Sonuga-Barker ва Webley, 1993; Doss ва бошқ., 1995; Webley ва бошқ., 2001 ва ҳоказо);

- болаларнинг уй-хўжалиги иқтисодида бажарадиган роллари (Goodnow, 1988; Hill, 1992; Pliner, 1994; Zabukovich ва Polic, 1994; Lessarre, 1996 ва ҳоказолар);

- чўнтак пуллари (Abramovitch, 1991; Feather, 1991, Furnham, 2001 ва ҳоказо) каби қатор муаммолар тадқиқ этилган.

Ижтимоийлашувнинг меҳнат жараёни босқичи ўз ичига етук шахсни, яъни инсоннинг бутун меҳнат фаолияти даврини қамраб олган бўлиб, бунда ижтимоийлашувнинг муҳим институти сифатида меҳнат жамоасини таъкидлаш ўринли саналади. Меҳнатдан кейинги босқич ҳозирги замонавий психологиядаги баҳс-мунозарали мавзулардан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу босқичга икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчи ёндашувга кўра, шахснинг ижтимоий вазифалари қайта кўрилиб, бунда у десоциализация даврини бошдан кечиради. Иккинчи нуқтаи-назарга кўра бу ёшдаги ижтимоий тажриба ишлаб чиқаришга аҳамиятли тарздаги ҳиссани кўшиши мумкин.

Фанда биринчи марта «иқтисодий социализация» атамасидан бирваракайига уч олим, яъни С.Камингс, Д.Тибл, Б.Стаейлар ўз илмий тадқиқотлари таҳлилни ёритишда фойдаланишган. Шунингдек, 20-асрнинг 50-йиллари бошида Шулсер ва Стросслар болаларнинг пул ҳақидаги тасаввурларини «иқтисодий социализация»нинг аспекти сифатида ўрганишган. Кейинчалик «иқтисодий социализация» босқичларини аниқлашга доир илмий изланишларни Л.Ферби, В.Бурис, К.Данзигер, Д.Лейсер каби олимлар олиб боришган.

Бугунги замонавий жамиятга хос омиллар ва шарт-шароитларга ёшларнинг адаптация ҳосил қилиши ҳамда ижтимоий тараққиёти масалаларини А.И. Ковалева, П.А. Чукреев, В.А. Ддовлар илмий муаммо сифатида тадқиқ этишган. Шунингдек, ёшлар ижтимоий тараққиёти ва иқтисодий социализацияси ҳамда бозор муносабатларига нисбатан кадрятлар йўналганлиги динамикаси муаммоларини юқори синф ўқувчилари мисолида И.Л. Винтин, Л.Г. Борисова, В.В. Гаврилюк, Ю.А. Зубок, З.К. Селивановалар ўрганишган.

В.Г. Криско ўз тадқиқотларида, иқтисодий социализация моҳиятини очиб берувчи омилларнинг *ижтимоий* ва *индивидуал-шахсий* каби иккита катта гуруҳини ажратиб кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, ижтимоий гуруҳ таркибини – макро-, мезо-, ва микроомиллар ташкил этиб, бу омиллар шахс тараққиётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, тарихий, миллий ва бошқа қатор хусусиятларига ўз таъсирини кўрсатади. Ижтимоий омилларни қуйида кўринишда тўлақонли тасаввур қилиш мумкин:

- макроомиллар: мамлакат, давлат, маданият;
- мезоомиллар: этнос (миллат), ҳудудий шарт-шароитлар, шаҳар ва қишлоқлар, ОАВ;
- микроомиллар: оила, меҳнат жамоаси, диний идоралар ёки таълим муассасалари.

Фикримизча, шахс иқтисодий ижтимоийлашувининг муваффақиятли амалга ошгани қуйидаги:

- а) жон бошига оила бюджети даромадининг ўсиши;
- б) оила аъзолари яшаш тарзини фаровонлиги каби белгиларда намоён бўлиб, иқтисодий тарбия амалиётининг *биринчи босқичи* сифатида қаралади. Фарзанднинг нафақат оилада (ота-она-фарзандлар), балки таълим муассасаларида (устоз-шогирд) бериладиган иқтисодий тарбияни ўзлаштириши орқали, уларда иқтисодий социализациялашув жараёни намоён бўлади ҳамда буни биз, иқтисодий тарбия амалиётининг *иккинчи босқичи* сифатида баҳолаймиз.

Биринчи босқични аҳамиятли томони шундаки, унинг таъсирида шахс иқтисодий муносабатларга, жумладан, оила иқтисоди ва бюджетини тузишга тайёрланади, иқтисодий онги шаклланиб боради. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида оила муҳитида тарбияланаётган болаларда иқтисодий

тафаккур теранлашиб, жамиятга фойдали мақсадга мувофиқ хулқ соҳибига айланади. Шу боис, ижтимоий-иқтисодий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам фарзандларимиздаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, улардаги ижобий фазилатларни камол топтиришга қаратилгандир.

Қадимдан оиланинг ёши катта аъзолари ўғил-қизларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялашда қатор анъанавий усуллардан фойдаланиб келишади. Шундай усуллардан бири «панд-насихат» усулидир. Масалан, фарзандларимизга ҳамиша таъкидлаб, ўргатиб келинаётган ноннинг моддий ресурслигини англатувчи «Ноннинг ушоғи ҳам – нон» деган насихатни олайлик. Оддийгина шу ўғит ёрдамида ота-она боласида тежамкорлик, келажакни ўйлаш, қониқиш ҳиссини бошқара олиш, бойликни асраш каби сифатларни шакллантиради.

Болани кўчадан, боғчадан, мактабдан келган заҳоти ораста ва қиммат кўчалик кийимларини кундалик уйда киядиган тоза ва арзон кийимларга алмаштиришини одат қилишга кўниктириш ҳам ўзига хос иқтисодий тарбия усули сирасига киради. Бу усул ёрдамида, болада мулкый муносабатларга нисбатан тўғри йўналганликни, яъни эҳтиёткорлик, мерос қолдиришга интилиш, тўплаган бойлик ва мол-давлатини сақлай олиш, зарур бўлса, уни яшира олиш қобилятини шакллантиради.

Ота-боболаримиз ўғил болаларни 7 ёшга тўлгандан унга харид қилишни ўргатиш учун, уларни ҳамиша ўзлари билан бирга бозорга олиб чиқишган. Бунинг замирида ҳам қатор ҳикмат яширинган бўлиб, бола ёшлигидан ота-онаси қилган харид жараёнида иштирок этади, нимани олиш заруру, нимани олиш шарт эмаслигини, харидор-сотувчи муносабатларини ўзлаштиради ҳамда ўзида истемолчи хулқ-атворини шакллантиради. Бундай амалиёт тури болаларнинг ақлли, фаросатли бўлиб шаклланишларига замин яратиб, уларнинг бозор муносабатлари шароитида молиявий қарорларни қабул қилишга доир иродасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иккинчи босқич саналмиш ижтимоий-иқтисодий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам ёшлардаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, улардаги ижобий фазилатларни камол топтиришга қаратилгандир. Одатда таълим муассасасида ижтимоий-иқтисодий фаолликни ошириш ўқувчи иродасини чиниқтириш орқали амалга оширилади. Чунки кўпинча ўқитувчилар ўқувчиларининг ақлли, фаросатли бўлиб етишларига эътибор бериб, унинг руҳиятини ҳамда жисмоний қувватини оширишга, бозор муносабатлари шароитида молиявий қарорларни қабул қилишга доир иродани мустаҳкамлашга безътибор қоладилар. Бунинг оқибатида бўлажак мутахассис турли иқтисодий вазиятларда қийинчиликларни енга олмайдиган, молиявий низоларни ҳал этиш йўлида муҳим бошқарув қарорларини қабул қила олиш компетенциясига эга эмас кадр бўлиб шаклланади. Шунинг учун ҳам иқтисодий социализацияда бўлғуси

иқтисодчиларнинг ижтимоий-психологик компетенцияси, ижтимоий кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида урғу берилиши мақсадга мувофиқ саналади.

А.Руфан ўз вақтида иқтисодий онг ҳақида фикр юритар экан: «ақлли бўлишнинг икки усули бор: оғир дамларда сабрли бўлиш, мўл-кўлчиликда ўзини тийиш», – деб алоҳида таъкидлаган. Бугунги кун, яъни жаҳон молиявий инқироzi шароитида ҳам таълим-тарбия мутаносиблиги ёшларда иқтисодий онгни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳозирги ёшларни, хусусан, уюшмаган ёшларни:

а) замонавий иқтисодиёт фани даражасида тезкор фикрлашга, унинг ютуқларни амалиётда самарали қўллашга;

б) оқилоно хўжалик юритиш стратегиясини, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш тактикасини, ўз хусусий бизнес-режасини манёврлашни амалга оширишга;

в) фойда олиш мақсадида қонун доирасидаги молиявий-иқтисодий қарорларни қабул қилишга;

г) давлат иқтисодий қудратини оширишда фаол ва ижодий равишда иштирок этишга ўргатиш зарур.

Бу борада олиб борган назарий изланишларимиз натижасига таяниб хулосалайдиган бўлсак, бўлажак-иқтисодчиларда иқтисодий тафаккурни шаклланиши жамият ривожланишининг муайян бир даражасидан юқори даражага муваффақиятли ўтиши учун ишончли шарт-шароитни яратади. Зеро, иқтисодий социализация билан хўжалик юритиш амалиёти ўзаро жуда тифиз боғланган ва уларнинг боғлиқлиги оддий ҳодиса эмас, Н.Ерес таъбири билан айтганда, фикр ва хулқ-атворнинг мослашувчанлиги инсонни билимларга элтувчи фазилатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вэбли П. Экономическое поведение в течение жизни // Экономическая психология в структуре жизненных реалий. – Иркутск: Изд-во ИГЭА, 2001. – С. 87.
2. Вяткин А.П. Динамика рыночных и этических представлений студенческой молодежи в процессе социализации // Сибирский педагогический журнал. – Новосибирск: НГПУ, 2009. – № 1. – С. 234–242.
3. Мухина В.С. Возрастная психология. Феноменология развития: учебник для студ. высш. учеб. заведений / В.С. Мухина. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательский центр “Академия”, 2006. – 608 с.
4. Социальная идентификация личности / Под. ред. Ядова В.А. – М.: РАН. Инст-т социол., 1994. – 213 с.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РАҲБАР ШАХСИНING ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Холназарова М. – ГулДУ, профессор

Алибаева Д. – ГулДУ магистри

Аннотация. В статье рассматриваются индивидуально-психологические особенности лидера в процессе принятия решений.

Annotation. This article discusses the individual psychological characteristics of the leader in the decision-making process.

Инсон шахсини ўрганиш масаласи билан фалсафа, психология, педагогика каби фанлар шуғулланади. Ҳозирги даврда инсон муаммоси аниқ ва ижтимоий фанларнинг умумий тадқиқот объектига айланиб бормоқда.

Биринчидан, инсон у ёки бу алоқа тизимида биноан биологик эволюция маҳсули сифатида ўрганилади. Иккинчидан, шахс тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти тариқасида тадқиқ этилади. Учунчидан, индивид муайян кўламда ўзгарувчан тараққиётнинг генетик дастурига асосланувчи алоҳида хусусиятли жонзод тарзида илмий жиҳатдан текширилади.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашиши, шунингдек миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамизда туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, миллий қиёфа, миллий таъб, миллий куй, миллий рақс, миллий маънавият, кадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади.

Жамиятда ривож топаётган, бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятини амалга ошираётган ва улар билан муносабатга киришаётган киши секин-аста шахсга айланиб бормоқда. Моддий дунёни, жамиятни ва, хусусан, ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгариш субъектига айланмоқда.

Инсоннинг индивидуал–психологик хусусиятлари дейилганда қобилиятлар, темперамент, характер, эмоциялар, мотивацион доиралар тушунилади. Бу психологик хусусиятлар ажралмас тарзда мавжуд бўлиб ўзаро боғлиқ, шартланган, инсон фаолиятида бир–бирига бирикиб кетади. Кишиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва улар ҳақидаги билимлар амалий ҳаётда қўлланилиши катта аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий фаолият ва қобилиятларни тўлиқ ривож топишида муҳим роль ўйнайди.

Шахснинг индивидуал–психологик хусусиятларини инобатга олиш орқали у билан мулоқот қилиш шахслараро муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камроқ хатоларга йўл қўйишни таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик, ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, хатти–ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар

жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

Ҳар қандай раҳбарнинг энг муҳим маъмурий вазифаларидан бири бу муассасага бевосита алоқадор бўлган барча шахслар, ташкилотлар ва бошқармалар билан самарали мулоқот олиб бориши, сабр - тоқатли ва иродали бўлиши керакдир.

Ҳар бир раҳбар маданиятли, одобли, сабр-бордошли, яхши фазилатларга эга бўлиши шарт. Раҳбар маданияти деганда раҳбар одоби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади.

Умуман одоб икки хил бўлади: Хикмат ва хизмат одоби

- Хикмат одоби поклик ва тўғри йўлга етаклайди.
- Хизмат одоби эса бадавлатлик ва обрўга етказди. Ҳар иккиси ҳам

улуғ фазилат бўлиб, бири азиз, иккинчиси қудратли.

Адолатли жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик ишига рағбати кучли бўлади. Иқтидорли деганда бирор соҳа буйича лаёқатини онгли равишда намоён қилиш учун қатъият кўрсата оладиган кишилар тушунилади. Иқтидорли одамлар куч-қувватини аямайди ва кутиладиган натижасига мақсадига етади.

Раҳбар фазилатлари: Фазилат— бу ижобий хислат, яхши сифат ёки хусусиятдир. Раҳбар аниқ чуқур ва кенг билимга эга бўлиши, уни доимо тўлдириб ва янгилаб бориш керак, акс ҳолда у обрў қозона олмайди, ходимларнинг ишончига сазовор бўла олмайди.

Раҳбарнинг сифат хислатларини белгиловчи мезонлар:

Довюраклик — бундай раҳбарда мардонаворлик, ботирлик, дадиллик мавжуд бўлади. Улар омадсизликдан қўрқмайди. Қўрқув уларни жасоратга чорлайди ва зафарларга олиб келади. Ҳар бир янги ҳаракатни тараққиётга ва ҳаётий тажрибаларга эриштиради.

Сабрлилик — бундай раҳбар мувафақиятга бирданига эришиш мумкин эмаслигини яхши тушунади. Унга фақат бардош ва сабр-тоқатли бўлиб, сабот-матонат билан қийинчиликларни енгиш орқали эришиш мумкинлигини билади. Чидам, сабр тўғрисида А. Авлоний шундай деган эди: “Яхши ниятликлик - бундай раҳбар хайрихоҳ ва илтифотли бўлади, кишиларга нисбатан доимо яхши ниятда бўлади. Ўзидаги қаноатсизликни ғирром рақобатчилик йўли билан эмас, балки хайрихоҳлик йўли билан бартараф қилишга ҳаракат қилади. Унинг ҳаётидаги шиори ҳасад эмас”.

Соғлом шубҳалилик— бундай раҳбар кўпинча "ҳар нарсада шубҳада бўл" деган шиорга амал қилса-да, бироқ носоғлом шубҳа — бу хоин, у кишиларни уриниб кўришдан қўрқитиб, эришишлари мумкин бўлган яхши нарсалардан маҳрум этилишини яхши билади. Шу билан бир қаторда улар ўз кучига ишониш унга соғлом шубҳа билан қараш ишчан масъулиятли қарорларни қабул қилишга

чорлашини, уларни бажариш йўлида киши кучига куч қўшишини яхши тушунишади.

Камтаринлик - бундай раҳбар камтарликнинг деярли ҳар доим истеъдодга тўғри мутаносиб эканлигини, камтарликни етишмаслиги эса нодонликнинг даракчиси эканлигини яхши тушунади. Самимий хушмуомалалилик — бундай раҳбар софдил, очиқ кўнгил бўлади, чин юракдан гапиради. Қўл остидагиларга садоқат билан ихлос қўйиб хизмат қилади. Улар самимийликнинг оғир ва жуда нозик масала, у ақл ва чуқур маънавий одобни талаб этишини, шунингдек кимки ўзгалар билан носамимий муносабатда бўлишга одатланган экан, у пировард натижада ўз-ўзига ҳам самимий бўла олмай қолишини яхши тушунишади.

Раҳмдиллик — бундай раҳбар барчага раҳм-шафқатли бўлади. Улар бошқаларни кўп нарсада кечиришади, аммо ўзларини эса ҳеч нарсада кечиришмайди. Улар раҳм-шавқат инсонларнинг энг олий фазилатларидан бири эканлигини, раҳм-шавқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзишини, ожиз ва нотавон кишилардан ҳабар олиб туриш лозимлигини яхши тушунадилар.

Хушхулқлилик — бундай раҳбар инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқида эканлигини, айнан хушхулқлик инсонни улуғликка олиб боришини, ёқимли хулқ эгасидан барча катта-кичик хурсанд бўлишини, бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари, ўзи ҳам доимо хурсанд юришини, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулојимлик қайтишини яхши тушунади.

Қаноатлилик — бундай раҳбар қаноатсизликдан келадиган офатларни, яъни нафс балоси, хасад, худбинлик бахиллик, тамагирлик кабиларни яхши англайди. Улар нафс балоси одамни ҳар куйга солишини, нафсини тийган ҳурмат-иззат топишини ва беҳавотир яшашини, қаноатни эса иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк эканлигини яхши тушунишади.

Обрў — бу ҳамма томонидан тан олинган ҳамда меҳнат эвазига орттирилган, раҳбар учун зарур ишонч ва қалқондир. Айни пайтда ҳар бир раҳбар ўзидан юқори турувчи раҳбарлар олдида ҳам, ўзига бўйсунувчи ходимлар олдида ҳам, ўзи билан ҳуқуқи тенг бошқа раҳбарлар олдида ҳам обрўга эга бўлиши лозим.

Қарор қабул қилишда, даставвал, халқнинг миллий-тарихий турмуши ва тафаккур тарзини, халқ анъаналари ва урф одатларини ҳисобга олиш зарур. Бошқарув қарорлари қабул қилишда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш керак.

Ҳар қандай даражадаги раҳбар ўз ҳуқуқ ва бурчларини, масъулият ва жавобгарлигини, ўз вақтида қабул қилинмаган ёки кечиктириб қабул қилинган қарор учун жавобгар бўлишини аниқ тасаввур қилиши керак.

Раҳбар ҳар қандай шароитда қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва бажарилишини назорат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ю.В.Вертакова, И.А.Козьева, Э.Н. Кузбожев. Управленческие решения: разработка и выбор. - М.: Кнорус,2005.
2. Р.С.Немов. Психология. Книга 1. Общие основы психологии. – М.: Владос, 1998.
3. Р.М.Махмудов,А.А.Бекназаров.Ички ишлар идораларида бошқарув психологияси.-

ОБ ОДНОЙ ПЕРЕМЕННОЙ ВОСПРИЯТИЯ СИТУАЦИИ В КОНТЕКСТЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕРЦЕПТИВНОГО АКТА

Эргашев П.С. – доктор психологических наук, доцент Международная школа Ал-Беруний, Ташкент.

Галимова Ф.Б. – Международная школа Ал-Беруний, Ташкент.

Аннотация. В тезисе доклада рассмотрен вопрос о влиянии особенностей объекта восприятия на отражение ситуации, в которой он находится. По представленным в тезисе результатам экспериментального исследования, было выявлено, что “заочная близость объекта” субъекту восприятия может повышать уровень оценки ситуации по параметру “владение ситуацией”.

Annotation. In the thesis of the report is considered problem of influence of the perception object's features to reflection of the situation in which it is located. According to the results of the experimental study presented in the thesis, it was revealed that the “correspondence proximity of the object” to the subject of perception can increase the level of assessment of the situation according to the parameter “possession of the situation”.

Восприятие делает окружающий мир для нас упорядоченным, цельным, и в конечном итоге, более понятным. Ни в коем случае не оспаривая факта первичного значения ощущений в сложном и многоуровневом процессе познания, отметим, что здесь все же велика доля физиологического компонента. Как следствие психологическая дифференциация в этой области имеет менее выраженную природу, по большому счету, она фиксируется на уровне очень мелких единиц измерения. Подтверждением последнего тезиса также может быть то, что влияние психологических факторов на процесс ощущения менее значителен, и для обнаружения его роли требуется брать случаи с резким контрастом индивидуальности. В тоже время на втором этапе познания, когда восприятие складывает нам целостную картину, приводит мир в более понятный (структурированный, предметный, единый) вид, влияние психологических переменных проявляется намного сильнее. Можно сказать, что в восприятии психологическое присутствует очевидно, больше. Без претензий на

фундаментальность следующего утверждения резюмируем вышесказанное – психология все-таки начинается с восприятия.

Говоря о роли психологических факторов, влияющих на процесс восприятия, можно предположить, что их влияние при восприятии человека человеком проявляется еще более заметно в силу, во-первых, большей субъективной значимости в сравнении с предметным миром; во-вторых, из-за повышенной вероятности бессознательных процессов идентификации и проекции. Влияние различных психологических факторов на социально-перцептивные процессы были изучены целыми научными школами во многочисленных зарубежных и отечественных исследованиях. Обобщив опыт этих исследований, А.А.Бодалев в своих фундаментальных трудах указывал на три группы факторов, влияние которых предопределяет особенности восприятие человека человеком: свойства объекта, субъекта и ситуации восприятия [3, с.298-299]. Роль последнего фактора раскрыта солидным количеством эмпирических исследований. Так, А.А.Бодалев приводил пример как в одном эксперименте мужчину с неброской наружностью представляли двум группам незнакомых ему людей, которые должны были затем рассказать о впечатлении, которое произвел на них этот человек. Но в одну группу он был приглашен в сопровождении женщины с яркой привлекательной внешностью, в другой его сопровождала женщина некрасивая и неаккуратно одетая. Как результат, первая группа положительные качества мужчины оценила значительно выше чем вторая, о общее отношение к нему со стороны первой группы также оказалось более благоприятным [3, с.308].

Таким образом, научно подтверждено влияние ситуации, т.е. социального фона объекта познания, на восприятие человека человеком. Вместе с тем, думаем, логичным является постановка вопроса об обратном процессе – влиянии особенностей объекта на восприятие ситуации. Такая взаимосвязь в определенных контекстах была изучена в ряде исследований. Так, например, исследования К.И.Ананьевой и Н.С.Товуу показали, что ситуация, когда имеется возможность обсуждения своего впечатления при оценке лиц другой расы, повышается адекватность оценок, а при восприятии лиц своей расовой группы, такая ситуация наоборот, становится некоторой помехой [2]. Исследования Н.Е.Шаталовой доказывают, что ситуация эмоционального насилия по-разному воспринимается лицами, состоящими и не состоящими в браке, имеющих разные стили поведения в конфликтных ситуациях. Несмотря на то, что похожие исследования показывают тесную взаимосвязь между объектом восприятия и ситуацией познания, в работах по первому типу, больше ставится вопрос о роли условий, в которых находится сам субъект (возможность обсудить свое впечатление), во втором случае акцент сделан на индивидуальных и социально-психологических качествах субъекта при восприятии ситуации. Другими словами, несмотря на то, что достаточно

исследований по изучению восприятия ситуации, ряд вопросов, связанных с вероятным влиянием особенностей объекта восприятия на процесс познания ситуации, в которой находится данный объект, требует уточнений.

Для дальнейшего изучения вопроса о влиянии объекта на восприятие ситуации нами было проведено экспериментальное исследование, в котором: а) в двух группах испытуемых (всего 54 учащихся 7-9 классов) для индивидуального ознакомления был предложен наглядный информационный дайджест (из открытых интернет источников) об известном современном ученом химике, лауреате Нобелевской премии Дэне Шехтмане; б) в информационном дайджесте, представленном одной группе упоминалось, что ученый прибыл в их страну и прочел лекцию в одном из вузов, в другой группе была информация о визите в другой зарубежный вуз; в) после тщательного ознакомления с представленной информацией испытуемым предлагалось оценить ситуацию посредством методики “Семантический дифференциал жизненной ситуации” (О.В.Александрова, И.Б.Дерманова) [1]; г) оценки обеих групп испытуемых были обработаны согласно авторской инструкции с последующим сравнением на уровне обобщенных факторов. Таким образом, замысел экспериментальной работы заключался в манипулировании фактом того, что известный ученый близок и наоборот, где-то далеко. Условно назовем эту переменную “заочная близость перципиента”. Как показывают количественные данные второго порядка, влияние этой переменной имеет место, хотя это проявилось в достаточно ограниченном масштабе.

Итак, по полученным данным выявляется, что статистически значимые различия в показателях двух групп отмечаются только лишь в случае одного фактора – “владение ситуацией” (см. таблицу).

**Показатели статистической значимости различий в восприятии ситуации в зависимости от степени “заочной близости” перципиента объекту восприятия
(по критериям t-Стьюдента и F-Фишера)**

№	Субшкалы	Группы испытуемых		Стат. значимость		Группы испытуемых		Стат. значимость	
		ЗДО M ₁	ЗБО M ₂	t	p	ЗДО M ₁	ЗБО M ₂	F	p
1	владение ситуацией	3,6	4,04	2,13	≤0,05	0,71	0,39	1,79	-
2	эмоциональное переживание ситуации	3,76	3,9	0,58	-	0,92	0,6	1,53	-
3	позитивные ожидания от ситуации	3,8	3,78	0,51	-	0,97	0,58	1,66	-
4	обыденность и повседневность ситуации	4,54	3,59	1,2	-	2,4	0,58	4,13	≤0,001

5	разрешимость ситуации	3,93	3,94	0,02	-	1,06	0,41	2,54	≤0,01
6	личная включенность и вера в преодолимость ситуации	3,58	3,58	0,02	-	0,79	1,02	0,77	-
7	энергетический заряд ситуации	4,23	3,73	1,48	-	1,76	1,28	1,37	-
8	уровень понимания ситуации	3,77	3,54	0,93	-	0,87	0,81	1,06	-

*Примечание: ЗБО – заочно близкие к объекту, ЗДО – заочно далекие от объекта

Согласно представленным данным, такое качество объекта восприятия как близость в каком-либо аспекте к субъекту повышает ощущение владения ситуацией, видимо, делает ситуацию более понятной и управляемой. Отсюда напрашивается вывод о том, что ситуация, в которой присутствует объект, чем-то связанный с субъектом, становится менее напряженной, более предсказуемой и повышает чувство ее подконтрольности. Также в ряде других параметров были зафиксированы некоторые тенденции, не достигшие статистически значимого уровня, вероятно, в силу небольшого количества испытуемых. Так, например, по субшкале “обыденность и повседневность ситуации” заочно далекие от объекта испытуемые показали более высокую степень оценки ($M_1=4,54$; $M_2=3,59$). Последнее указывает на то что, когда незнакомый объект находится в незнакомой ситуации это выглядит как более обыденно и обыкновенно, тогда как нахождение объекта в знакомых для перцепиента условиях, делает ее менее привычной и стандартной. Другими словами, сам факт присутствия психологически далекого от субъекта восприятия объекта приводит к несколько иному видению привычной ситуации.

Кроме показателей статистической разности средних величин по критерию t-Стьюдента, также интересно отметить существенную разницу в значениях дисперсии по двум параметрам. Так, установлено, когда объект восприятия находится в относительно далекой ситуации, в оценках перцепиентов она отражается чрезмерно разнообразной, тогда как в оценках ситуации, где незнакомый объект чем-то близок к субъекту наблюдается более высокая схожесть ее восприятия. Также, когда незнакомый объект находится в незнакомой ситуации о степени ее разрешимости перцепиенты, рассуждают более разнообразно, их мнения на этот счет разнятся намного сильнее чем случаи, когда объект был бы чем-то близким к субъекту. Последнее говорит в пользу того, что даже так называемая заочная близость с объектом восприятия существенно влияет на групповое восприятие той или иной ситуации, делая мнение группы людей более или менее идентичным касательно уровня обыденности и разрешимости ситуации.

Таким образом, небольшое экспериментальное исследование показало перспективность изучения такого вопроса как влияние характеристик объекта

восприятия на отражение ситуации, в которой это объект находится. На данном этапе исследований было выявлено следующее:

1. Заочная близость объекта восприятия по какому-либо параметру к субъекту, делает в его представлении ситуацию, в которой находится данный объект более подвластной перцепиенту.

2. В случае заочной близости объекта субъектам восприятия групповая оценка ситуации, в которой находится объект становится более единой.

Литература

1. Александрова О.В., Дерманова И.Б. Семантический дифференциал жизненной ситуации // Консультативная психология и психотерапия. 2018. Том 26. - №3. – С. 127-145.

2. Ананьева К.И., Товуу Н.О. Адекватность межрасового восприятия личности человека по выражению его лица в коммуникативной ситуации // Экспериментальная психология. 2019. Том 12. - №2. – С. 8-15.

3. Бодалев А. А. Б 75. Личность и общение. – М.: Международная педагогическая академия, 1995. – 328 с.



II ШЎБА

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ ЛИЧНОСТИ

ABU ALI IBN SINONING SOG‘LOM VA BARKAMOL SHAXSNI SHAKLLANTIRISHGA OID QARASHLARI

Alimova G.K – TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrası dotsenti

Аннотация: Пока человек способен различать эмоциональные и духовные потребности, эта способность постепенно станет характеристикой человеческого поведения. В работах Ибн Сины утверждается, что внешняя среда вокруг людей играет особую роль в формировании человека, и что эта внешняя среда и люди влияют не только на познание человеком мира, но и на состав хороших и плохих качеств в его поведении. Сегодня, особенно важно более широкое использование трудов учёного и его психологических взглядов в воспитании подрастающего поколения.

Abstract: As long as a person is able to distinguish between emotional and spiritual needs, this ability will gradually become a characteristic of human behavior. Ibn Sina's works claim that the external environment around people plays a special role in the formation of man, and that this external environment and people affect not only man's knowledge of the world, but also the composition of good and bad qualities in his behavior. Today, it is especially important to use the work of the scientist and his psychological views more widely in educating the younger generation.

Sharqda «Shayx ar-Rais» nomi bilan mashhur bo‘lgan allomalardan biri, o‘rta asr buyuk mutafakkiri Abu Ali ibn Sino (980-1037)dir. U qomusiy olim sifatida matematika, astronomiya, fizika, kimyo, filologiya, mantiq, psixologiya, ta’lim-tarbiya sohalarida ijod etib, dunyoga mashhur yirik asarlarni meros qilib qoldirdi.

Ibn Sino o‘zining ta’lim-tarbiyaga oid qarashlarini ijtimoiy-falsafiy qarashlari bilan bog‘liq holda ifodalagan. Uning ta’biricha, shaxsning kamolga yetishida uning axloqiy kamoloti muhim ahamiyatga ega. U axloqlilikning asosini yaxshilik va yomonlik kabi ikki tushuncha bilan ta’riflaydi. Dunyoda mavjud bo‘lgan jami narsalar tabiatiga ko‘ra kamolot sari intiladi. Kamolot sari intilishning o‘zi esa mohiyat e’tibori bilan yaxshilikdir. Yaxshi va yomon xulqning hammasi sharoit, tarbiya, odatlanish natijasida vujudga keladi. Yaxshi xulqqa ham odat tufayli erishiladi [2].

Ichki quvvatlarning ta’sirlari va ta’sirlanishlari takrorlanaversa, ular uchun kuchli bir malaka hosil bo‘ladi. Axloq ham shunday vujudga keladi. Ibn Sino inson kamolotining muhim axloqiy jihatlarini ham tahlil etadi va har biriga ta’rif beradi. Masalan, adolatni ruhiy lazzatning bosh mezoni sanaydi. Inson qanoat, donolik, jasurlik bilan adolatga ega bo‘ladi, yomon illatlardan o‘zini tiyib, yaxshilikni mustahkamlaydi, haqiqiy ruhiy lazzat oladi, deydi. Insondagi ijobiy axloqiy xislatlarga saxiylik,

chidamlilik, kamtarlik, sevgi-muhabbat, mo‘‘tadillik, aqllilik, ehtiyotkorlik, qat‘iyatlilik, sadoqat, initalish, uyatchanlik, mas‘uliyat va boshqalarni kiritadi.

Qanoat va mo‘‘tadillikni insonning hissiy quvvatiga kiritadi, chidamlilik, aqllilikni g‘azab quvvatiga, donolik, ehtiyotkorlikni ziyraklikka, sadoqat, uyatchanlik, mas‘uliyat, achinish, sofdillikni tafovut quvvatiga kiritadi.

Olim qanoatni hissiy fazilatlardan sanaydi va inson o‘zini ta‘magirlikdan tiysa, mo‘‘tadillikka rioya etsa, o‘zida hirsning namoyon bo‘lishini yengadi, inson yomon illatlarni yengishda o‘z imkoniyatlarini ongli sarf etishi lozim, deydi.

Ibn Sino har bir axloqiy xislatlarning ta‘rifini beradi:

mo‘tadillik – tan uchun zaruriy oziq va xulq me‘yorlariga to‘g‘ri kelmaydigan ishlarni qilmaslik;

saxiylik – yordamga muhtoj kishilarga ko‘maklashuvchi insoniy quvvat;

chidamlilik – inson o‘z boshiga tushgan yomonliklarga bardosh beruvchi quvvat;

aqllilik – biror ishni bajarishda shoma-shosharlikdan saqlovchi quvvat;

ziyraklik – narsalar va hatto harakatlarning haqiqiy ma‘nosini tezlik bilan tushunishga yordam beruvchi quvvat;

achinish – kishilar baxtsizlik, azob-uqubatga duchor bo‘lganda, ular bilan xushmuomalada bo‘luvchi insoniy quvvat;

kamtarlik – xudbin ishlar bilan shug‘ullanishdan to‘xtatuvchi kuch.

Ibn Sino insonning kamolga yetishida to‘sqinlik qiluvchi nuqsonlar sifatida johillik, nodonlik, shafqatsizlik, takabburlik, naftarni ko‘rsatib o‘tadi. Johillikni – ilmga, nodonlikni – zehni o‘tkirlikka, shafqatsizlik, takabburlikni adolatga, nafratni – sevgi-muhabbatga qarama-qarshi illat sifatida ta‘riflaydi. Abu Ali ibn Sino kamolotga erishishning birinchi mezoni sanalgan ma‘rifatni egallashga da‘vat etadi. Chunki ilm fan insonga xizmat qilib, tabiat qonunlarini ochib avlodlarga yetkazishi kerak.

Bilimsiz kishilar johil bo‘ladi, ular haqiqatni bila olmaydilar, deb ularni yetuk bo‘lmagan kishilar qatoriga qo‘shadi. Ibn Sino bilim olishga, bolalarni maktabda o‘qitish va tarbiyalashga katta ahamiyat berib, «Tadbir ul manozil» asarining maxsus bo‘limini shu masalaga bag‘ishlaydi. U ta‘limda quyidagi tomonlarga rioya etish zarurligini ta‘kidlaydi:

- bolaga bilim berishda birdaniga kitobga band qilib qo‘ymaslik;
- ta‘limda yengildan og‘irga borish orqali bilim berish;
- olib boriladigan mashqlar bolalar yoshiga mos bo‘lishi;
- o‘qitishda jamoa bo‘lib maktabda o‘qitishga e‘tibor berish;
- bilim berishda bolalarning mayli, qiziqishi va qobiliyatini inobatga olish;
- o‘qitishni jismoniy mashqlar bilan qo‘shib olib borish.

Bu talablar hozirgi davr ta‘lim tamoyillariga ham mos kelishi bilan qimmatlidir.

Talabaga bilim berish o‘qituvchining mas’uliyatli burchidir. Shunga ko‘ra Ibn Sino o‘qituvchining qanday bo‘lishi kerakligi haqida fikr yuritir ekan, shunday yo‘l-yo‘riqlar beradi. Bular quyidagilardan iborat:

- Bolalar bilan muomalada bosiq, jiddiy bo‘lish;
- Berilayotgan bilimning talabalar qanday o‘zlashtirib olayotganiga e’tibor berish;
- Ta’limda turli metod va shakllardan foydalanish;
- Talabaning xotirasi, bilimlarni egallash qobiliyati, shaxsiy xususiyatlarini bilishi;
- Fanga qiziqтира olish;
- Berilayotgan bilimlarning eng muhimini ajrata bera olish;
- Bilimlarni talabalarga tushunarli, uning yoshi, aqliy darajasiga mos ravishda berish;
- Har bir so‘zni bolalar hissiyatini uyg‘otish darajasida bo‘lishiga yetkazish zarur [1], deydi olim.

Ibn Sino yuksak axloqiy xislatlarga yana kishilarning bir-birlariga do‘st bo‘lib yashashi, hamkorlik qilishini ham kiritadi. Chunki har bir kishi jamiyatda, odamlar bilan birga yashar ekan, ular bilan do‘stona yashashga intiladi. Modomiki, inson aloqaga muhtoj ekan, boshqa birov bilan qo‘shnichilik qilish uchun uning uyi yoniga uy soladi, o‘zining ehtiyojini qondirish uchun esa ishlab chiqarish mahsulotlarini almashtiradi, dushmanlardan saqlanish uchun o‘zgalar bilan birlashadi. Mana shu tariqa kishilarda birlik hissi, boshqalarga nisbatan sevgi-muhabbat va umumiy axloqiy negizlar ishlab chiqila boshlaydi. U insonda yaxshi xulqning shakllanishida xushxulq, ilimli do‘st muhim rol o‘ynaydi, deydi. Olim do‘stlikni shunday ta’riflaydi:

- har qanday qiyinchiliklarga qaramay o‘z do‘stini xavf-xatarda yolg‘iz qoldirmaydigan do‘stlik;
- manfaatlari o‘xshash va g‘oyaviy yaqin do‘stlik;
- o‘z shaxsiy manfaati va ehtiyojini qondirishga qaratilgan do‘stlik. Ibn Sino birinchi va ikkinchi xil do‘stlikni haqiqiy do‘stlik, deb e’tirof etadi.

Olim haqiqiy do‘stlik natijasida sevgi-muhabbat paydo bo‘lishi mumkinligini aytadi. U «Risolai ishq» asarida sevgi-muhabbatning asl mohiyatini ham ijtimoiy, ham fiziologik jihatdan yoritib beradi. Insonlarga ularning tashqi ko‘rinishiga qarab emas, u tabiiy zarurat sifatida namoyon bo‘ladi, lekin inson o‘z tuyg‘ularini boshqara olishi, aql va farosat bilan haqiqiy sevgini hirs tuyg‘usidan, ehtiros kuchidan ajrata bilishi zarur deydi. shundagina inson haqiqiy kamolotga erisha oladi. Chunki haqiqiy sevgi, olimning fikricha, inson zimmasiga axloqiy, huquqiy burch yuklaydi. Bu esa olimning sevgiga ijtimoiy omil sifatida ham qaraganligini ko‘rsatadi.

Ibn Sino aqliy tarbiya turli bilimlarni o‘rganish natijasida amalga oshsa, axloqiy tarbiya ko‘proq yaxshi axloqiy xislatlarni mashq qildirish, odatlantirish, suhbat orqali

amalga oshadi, deb ta'lim beradi. Shuning uchun ham bolalarni tarbiyalashda ehtiyotkor bo'lish kerakligini, bola yomon odatlarga o'rganmasligi uchun, uni yomon odatlardan, yomon muhitdan uzoqroq saqlash zarurligini uqtiradi.

Ibn Sinoning tarbiviy qarashlarida oila, oilaviy tarbiya masalalariga keng o'rin berilgan. Chunki inson avvalo oilada kamolga yetadi. Olim oilada ota-onaning vazifasi va burchiga katta e'tibor beradi. Oila munosabatlariga to'xtalar ekan, ayniqsa, ota-onalarning oilada mehnatsevarligi bilan farzandlarini ham kasb-hunarga o'rgatish borasida muhim fikrlarni bayon etadi. Insonning xulqi va ruhiga mehnatning ijobiy ta'sirini ta'kidlash bilan bir qatorda turli kasb egalari: hunarmand, dehqonlar mehnatini ulug'laydi va qimorboz, sudxo'r kabilarni qoralaydi. U mehnatsiz hayot kechirish insonga ham jismoniy ham ruhiy tomondan salbiy ta'sir etishini to'g'ri talqin etadi.

Ibn Sinoning ta'lim-tarbiyaviy qarashlarida insonning ham aqliy, ham axloqiy-estetik hamda jismoniy tomondan rivojlanishi uning kamolga yetishining asosiy mezon sifatida talqin etiladi.

Ibn Sino insonni ulug'lovchi olim sifatida uning har tomonlama rivojlanishiga ishongan holda avvalo tayanch bilimlarga ega bo'lishi va bu bilimlarni egallash vositasida aqliy tarbiyani amalga oshirishga oid qarashlari diqqatga sazovordir. Ibn Sinoning axloq bobidagi qarashlarida esa sof insoniy xislatlar, munosabatlar, odob-axloq qoidalari me'yorlari o'z ifodasini topgan.

Olimning buyuk xizmatlaridan biri shundaki, u insonning mehnati, qobiliyati, aql-zakovatini ulug'laydi, undagi qudratga ishonadi, inson tafakkurining tantana qilishi kerakligini tinmay targ'ib qiladi [3].

Shunday qilib, Ibn Sinoning yoshlarni har tomonlama barkamol insonlar qilib tarbiyalash haqidagi fikrlaridan hozirgi ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish albatta ijobiy natija beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Raximov S. Abu ali ibn Sino ta'lim va tarbiya haqida. – T., «O'qituvchi», 1991. – 75 b.
2. Псядлю Э. М. Темперамент и характер в истории медицины и психологии: Учебно-справочное пособие. — Одесса: Наука и техника, 2007. — С.19.
3. Болтаев М. Н. Абу Али ибн Сина — великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока — М.: Сампо, 2002. — 400 с.

ОИЛАДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Абдуллаева Д.У. – ТДПУ Амалий психология кафедраси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.

Аннотация: В статье говорится о проблемах, возникающих в отношениях отца-матери и ребенка, различных подходах родителей к воспитанию, а также моделях родительского поведения.

Annotation: The article discusses the problems that arise in the relationship between parents and children, different approaches of parents to parenting, as well as models of parental behavior.

Ота - она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар масаласи инсоният жамияти тараққиётининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Чунки одамзод эришган ҳаётий тажриба, билим, малака, кўникмалар авлоддан авлодга айнан ана шу муносабатлар тизими - она ва бола муносабатлари орқали узатилади.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари шунчаки бирон оила кўламидаги масала эмас, балки глобал аҳамиятга эга долзарб муаммо эканини ЮНИСЕФ нинг бир неча йиллардан буён жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида “Яхши ота-она бўлишни ўрганамиз” дастурини рўёбга чиқариб келаётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракатлар дастурида ҳам болаларга муносабатдаги носоғлом ҳолатлар билан курашиш устувор йўналишлардан бири сифатида ажратиб кўрсатилади²⁵.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг фарзандлар билан ўзаро ишончга асосланган, очиқ самимий мулоқот ҳар бир ота-она зиммасидаги катта вазифа эканлигини англатувчи мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор: “Қаерда, қайси лавозимда ишлашимиздан қатъий назар болаларимиз билан гаплашиб, уларнинг кўнглига йўл топиш, юриш-туриш, хатти ҳаракатларидан хабардор бўлиб боришимиз керак”²⁶.

Дарҳақиқат, боланинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол шахс сифатида шаклланиши оилавий муносабатларга, оилада она - бола муносабатларини тўғри йўлга қўйилганлигига, оилавий тарбия асосларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фарзанд тарбияси инсон ҳаётидаги энг масъулиятли, энг қийин ва энг нозик масала. Чунки, ота ёки онанинг ҳар бир сўзи ёки уларнинг ўзлари учун аҳамиятсиздек туюлган ҳар бир ҳатти-ҳаракати бола учун унинг характерида қайсидир ижобий фазилат ёки нуқсонни шакллантириши мумкин.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари муаммоси ҳақида мулоҳаза юритар эканлар шарқ мутафаккирлари бола шахсида шаклланган кўплаб хусусиятлар айнан ушбу ўзаро муносабатнинг натижаси эканини қайд этадилар. Абу Ҳамид Ғаззолий “Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутди ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳи болани шу куйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади”, деб ёзади [6; 62-б.].

Ҳозирда ёшлар орасида кўп учраётган жиноятчилик, наркомания, ичкиликбозлик, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг туб негизи оилавий

²⁵ Программа сотрудничества Правительства Республики Узбекистан и Детского фонда Организации Объединенных Наций. – Ташкент, 2016.

²⁶ Мирзиёев Ш. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ 2017. – Б.138.

тарбияга бориб тақалади. Фарзанд тарбиясига эътиборсизлик нафақат ота-она учун балки жамият учун ҳам фожеадир. Бугунги кунда ёшлар ўртасида юзага келаётган турли хил жамиятимиз учун ёт бўлган иллатлар айнан шу оилавий тарбиянинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ота-оналарнинг болалар психологиясини, уларнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини ва таъсир кўрсатиш усулларини билмасликлари туфайли содир этилаётганлиги оилада ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонларини психологик қонуниятларини очиқ беришни тақазо этади.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари муаммолари ўзбекистонлик ва хорижий изланувчиларнинг кўплаб тадқиқотлари предмети бўлган. Мамлакатимизда бу йўналишда В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Р.И.Суннатов, Т.Г.Ядгарова, У.С.Сарибаева, М.С.Салаева, Ғ.А.Қурбанова, Ғ.В.Хрульнова, Х.К.Каримов, Ф.Р.Рўзикулов, О.А.Абдусатторова, Р.Н.Хикматуллаева, М.Х.Файзиева, Ў.Б.Шамсиевларнинг илмий изланишларида ёшларнинг оилавий ҳаётга психологик тайёрлиги, эр-хотин муносабатларида низолар ва уларнинг оила муҳитига, фарзандлар психик ривожланишига таъсири, оиладаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолар, нотўлиқ оилаларда бола тарбияси, оилада устувор бўлган эр-хотин муносабатлари ўсмир фарзандларда жинсий идентификация шаклланишига таъсир кўрсатиш хусусиятлари, ўзбек оилаларида ота-она ва фарзанд муносабатларига хос бўлган этнопсихологик хусусиятларни аниқлаш, оилада шахслараро муносабатлар фарзанд ижтимоий перцептив жараёнларига таъсири, ота-она ва бола муносабатларининг ёшга оид хусусиятлари, турли таркибли оилаларда болаларнинг ижтимоийлашуви ўрганилган.

Ҳаммамизга маълумки, оилавий муносабатларда юзага келадиган вазиятлар бир-бирига ўхшамайди. Шунингдек, оилавий муносабатларда юзага келадиган турли хил муаммоли вазиятларнинг ечимини олдиндан билиш ёки уларнинг оқилона ечимларини топиш ҳамма онага ҳам насиб этавермайди.

Ота-оналар бола тарбиясига турлича ёндашадилар. Шунингдек, “ота-она” хулқ-атворининг асосий уч модели мавжуд бўлиб, психолог Д.Баумринд бу моделларни қуйидагича изоҳлаган:

1. **Либерал модели**
2. **Авторитар модели**
3. **Авторитет модели**

Тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун ва ҳар бир моделнинг боланинг шахс сифатида ривожланиши ва мулоқотчанлик кўникмаларига қай даражада таъсир кўрсатишини батафсил кўриб чиқамиз. Тўпланган фикр ва мулоҳазаларга кўра, **либерал модел** бола тарбиясида, ўзига нисбатан ишончни ривожлантира олмас экан. Либерал моделга қиравчи ота-оналар болага нисбатан эътиборсиз бўлиб, боланинг ёшлигиданоқ унга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмайдилар. Кўпгина ҳолларда

бундай моделга кирувчи ота-оналар, болани ўз холига ташлаб қўядилар, бундай фарзандлар кўпинча ўзларини ҳеч кимга кераксиздек ҳис қилишади.

Авторитар моделни танлаган ота-оналар, фарзанд тарбиясида меҳр ва хайрихоҳлик кўрсатишга кам эътибор қаратишар экан. Улар бола тарбиясида кўпроқ тартиб - интизом, қаттиққўлликка эътибор қаратадилар. Фарзанд билан дўстона муносабатда бўлиш, дилдан суҳбатлашиш, уни тушуниш, ўзининг қизиқишлари тўғрисида гапиришдан кўра, кўпроқ ўз қизиқишлари ва хоҳиш-истаклари асосида иш юритадилар. Уларнинг фикрича тарбиянинг бундай усули болани «ҳақиқий инсон» сифатида тарбиялайди. Авторитар моделидаги ота-оналарни атрофдагиларнинг фарзандлари тўғрисидаги фикрлари қизиқтиради. Тарбия жараёнидаги қўядиган меъёрдан ортиқ талаблари болада ишончсизликни уйғотади, бу эса ўз-ўзидан болани кўнгли қолишига, болада ички зўриқишни пайдо бўлишига олиб келади. Ота ва она доим фарзанди учун ҳамма нарсани ҳал қилиши, боланинг ўзи мустақил у ёки бу вазифаларни бажара олишига ишонч ва имкон бермаслик, унинг иродасини, ўзига нисбатан ишончини сўндириш, болага доим айтилган вазифаларни бажарувчи инсондек қараш ва руҳий жиҳатдан болани қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги болани худбин, жиззаки, асабий ёки аксинча, пассив, ўзини кераксиз инсондек, ёлғиз ҳис қилишига олиб келади.

Бу моделларнинг болаларга таъсирини ўрганиш натижасида, доктор Д.Браумринд шундай хулосага келдики, моделларнинг орасида энг самарали ва қулай модел бу **авторитет моделидир**. Бу моделни маъқуллаган ота-оналар, боланинг айнан ҳар бир ёш давридаги қобилиятлари тўғрисида объектив тасаввурга эга, улар мунтазам болалари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикрларини ҳам инобатга олишади. Бундай ота-оналар ўзлари қабул қилган қарорларини ва тарбия йўналишларини ўзгартиришга ҳеч ҳам чўчишмайди, чунки, боланинг психологик ва физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш кўрадилар.

Тарбия жараёнида болага бўлган муносабатларда йўл қўйилган айрим хатолар бола улғайган пайтда, унинг келгуси ҳаётида жиддий муаммоларга айланиши мумкин. Ота-оналарнинг бола тарбияси ҳақидаги тасаввурларининг саёзлиги натижасида ҳам айрим муаммо, қийинчилик ва тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Гап шундаки, ота-оналар аксарият ҳолларда тарбия жараёнида фарзандининг ўзига хос хусусиятларини, унинг қобилият, майл ва истакларини етарлича ҳисобга олмайдилар. Улар кўпинча бола тарбиясини ўзлари ўйлаган йўналиш асосида, маълум бир "қолип"га мослаб ва маълум натижани кўзда тутиб амалга оширадилар. Назаримизда, ота-онанинг вазифаси - боладаги ижобий ва салбий томонларни қабул қилиш билан бирга ундаги афзал жиҳатларни рағбатлантириб боришдан иборатдир.

Тарбияни муваффақиятли амалга оширишнинг бирдан бир йўли - болани билим билангина эмас, балки уни меҳр билан чин кўнгилдан тарбиялашдир. Яхши тарбия бу яхши муносабат деганидир. Бу эса ўз навбатида боланинг кўнглида нималар кечаётганини ҳис қила билишни, унинг хатти - ҳаракатлари ва намоён этаётган хулқининг сабабларини тўғри тушунишни ҳамда уни адекват баҳолашни талаб этади. Тарбия жараёнида болага бўлган муносабатларда йўл қўйилган айрим хатолар бола улғайган пайтда унинг келгуси ҳаётида жиддий муаммога айланиши мумкин.

Шундай экан тарбияни ота-оналар тизимли равишда масъулиятни ҳис қилган ҳолда, боланинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишлари керак. Бунинг учун эса албатта ота-онанинг ўзи ҳам бу нарсага тайёр бўлишлари яъни фарзандлари учун “намуна” бўла олишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ 2017. – Б.138.
2. Каримова В.М. Оила психологияси. Дарслик. -Т: Фан ва технология. 2007. - 152 б
3. Андреева Т. В. Семейная психология: Учеб. пособие - СПб.: Речь, 2004. –244 с.
4. Abdullayeva D.U. Imaginations of mother about woman social roles as a factor of attitudes towards children // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences.–Birmingham, 2019. № 12. –P. 24-27.

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ЛИДЕР ШАХСИ МОҲИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛ ЭТИЛИШИ

Алибоева Д.Б. – ГулДУ 2-босқич магистрант

Аннотация: на успешное лидерство влияют высокий интеллект и знания, честность, здравый смысл, инициативность, уверенность в себе, соблюдение правил, трудолюбие, надежность, ответственность, социальная активность.

Annotation: successful leadership is influenced by high intellect and knowledge, honesty, common sense, initiativeness, self-confidence, adherence to rules, diligence, realibility, responsibility and social activism.

Замонамизгача лидер шахсига хос хусусиятлар асосан икки гуруҳга бўлиб ўрганилган, булар қаторига шахснинг ўзига хос ва ижтимоий хусусиятларни киритиш мумкин. XXI – асрнинг биринчи чораги якунига келиб лидерлик хусусиятига 3-гуруҳ сифатида замонавий компьютер технологиялари билан мулоқотга кириша олиш хусусияти ҳам алоҳида шахслик хусусияти сифатида таҳлил этиш керак десак хато бўлмайди.

Мазкур шахсда мавжуд бўлиши керак феноменни замонавий бошқарув психологиясида: шахс – техника – шахс - жамоа – шахс – техника - шахс қонунияти

асосида таҳлил этиб келинмоқда. Компьютер технологияларини чуқур ўзлаштирмасдан туриб кичик жамоани ҳам бошқариш муаммолигини эътиборга олган ҳолда лидерлик феноменларига ҳам алоҳида урғу берилиши лозимлигини бошқарув психологиясида чуқур илмий асосда ўрганилган ва ўрганиб келинмоқда. Лидерликнинг ўзига хос феноменини таҳлил этишда асосий эътибор лидер шахси ва шахслилигига қаратилади. Бошқарув тизимидаги шахс агар жамоада ҳақиқий лидер бўлишни хоҳласа ўзидаги бир қанча сифатларни ўзгартиришига тўғри келади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Лидернинг шахс хусусиятлари; Лидернинг ўзи ҳақидаги тасавури; Хулқ-атворга таъсир этувчи эҳтиёж ва мотивлар; Муҳим ишонтириш тизими; Қарор қабул қилиш услуби; Шахслараро муносабатлар услуби; Стресс ва депрессга нисбатан бардошлилик; Нотиклик санъти ва мулоқандмадлик.

Лидернинг шахсий хусусиятлари. Лидерлик феноменини таҳлил қилиш аynи шахс сифатлари тадқиқотчиларини қизиқтирди. Америкалик психолог К.Бред “лидерлик”нинг турли хил тадқиқотчилар томонидан айтиб ўтилган бир нечта сифатларининг рўйхатини тузди. Улар орасида ташаббускорлик, мулоқотчанлик, юмор ҳисси, ишонч ва бошқалар бор эди.

Шуни такидлаш жоизки, муваффақиятли лидерликка юқори интеллект ва билим, тўғрисузлик, соғлом ақл, ташаббускорлик, ўзига ишонч, қоидаларга риоя қилиш, тиришқоқлик, ишончлилик, маъсулиятлилик, ижтимоий фаоллик таъсир кўрсатади. Лидернинг муҳим хусусиятларидан бири яхши муносабатларни ўрнатишни сақлаб қолишни назарда тутадиган, жамоа учун муҳим бўлган муносабатларни ўрнатиш имконини берадиган мулоқотчанлик қобилиятидир. Лидерга кўпроқ тегишли характер сифатларини ажратиб кўрсатадилар: эгилувчанлик - догматизм, маҳсулдорлик, тафаккурнинг таҳлилийлиги ва тезлиги.

Эгилувчанлик - догматизм. Догматик лидерга қарор қабул қилинаётганда ва янги ахборотни ўрганаётганда тамойил, қоида, анъаналар ўта муҳимдир. Тафаккур эгилувчанлиги янги маълумотни олишга мойиллик билан боғлиқдир.

Тафаккур маҳсулдорлиги - лидернинг реалликда исботини топган ғоя ва новаторлик қобилиятида ўз аксини топади. Чунки лидер баъзи пайтларда ҳеч кимга таянмай мустақил тарзда тезда қарор қабул қилиши керак бўлган вазиятларда қолади.

Лидернинг тафаккур тезлиги. Секин фикрлайдиган шахс лидер бўла олмайди. Афсуски, секин ўйлайдиган одамлар категориясига қабул қилаётган қарорларини обдон таҳлил қиладиганларда амалиётга ҳам киритишга келганда иккиланиб қолдилар. Кузатувлар шуни кўрсатадики ҳаётда шахсларда бу сифат қонун бўйича уларни ҳеч қачон уялтирмайди, аммо лидер бўлишларига жиддий халал беради.

Лидердаги тафаккур ва мулоҳазанинг тахлилийлиги. Агар лидерда вазиятни анализ-синтез асосида таҳлил қилиш малакаси бўлмаса, у ўзининг бошқарувчилик мавқеини узоқ вақт ушлаб тура олмайди.

Лидернинг ўзи ҳақидаги тасавури. Лидер ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини шахсий “Мен” концепциясига хос тарзда тутати. Унинг ўзини тутиши, у ўзини қандай англаши, бирга фаолият олиб боровчилар билан ўзини қандай солиштираётганлигига боғлиқ.

“Мен” сиёсатчи образини инсоннинг ўзига нисбатан фикр ва ҳиссиётларига мос келувчи умумий қабул қилишнинг жами сифатида кўриб чиқадилар: жисмоний “Мен”, оилавий “Мен”, ижтимоий “Мен”, психологик “Мен”, муаммоларни енгиб ўтувчи “Мен”.

Жисмоний “Мен” - бу лидернинг ўз жисмоний кучи ва соғломлиги ҳолатининг тасаввуридир. Ўз кучи ва соғлиғини англаш лидерга ишонч беради. Агар бундай англаш бўлмаса, уни ўрнини босувчи масалан ақлий қобилият бўлиши керак. Лидернинг шахс хусусиятлари тизимида ота-она тизими мавжуд бўлиб, бу тизим ушбу шахс болалигида ота-онаси қандай бўлганини ўз ичига олади. Шахслараро муносабатлар жадвали “Лидер-бошқарилувчи”, олдиндан “ота-бола” муносабатлари ўлчовида аниқланади.

Ижтимоий “Мен” - лидер бошқа одамлар билан ҳамкорликда ишлашга, жамоадаги касбдошларини уларнинг энг яхши сифатларини намоён қилишлари учун туртки бўлиши ва музокараларни қандай олиб боришни ўрганиши, бошқа гуруҳ лидерлари ҳаттоки душман гуруҳдаги одамлар билан ҳам самарали ишлай олиши учун ўзаро муносабатларни қўллай олишни билиш керак. Психологик “Мен” - ўз ички дунёси, фантазия, орзу, хаёл, иллюзия, кўрқув каби вазиятларни ифода этади. Муаммоларни енгиб ўтувчи “Мен” лидернинг муаммоларини ижодий ечиш ва эски муаммоларни ечиш учун янги йўлини қидиришда намоён бўлади.

Замонавий лидернинг хулқ-атворида таъсир этувчи эҳтиёж ва мотивлар мавжуд бўлиб умумий инсонларга тегишли бўлган эҳтиёжлардан ташқари лидерликнинг алоҳида қуйидаги махсус эҳтиёжлари мавжуд: Ҳукм ўтказишга эҳтиёжи; Бўлиб ўтаётган воқеа ва одамларни назорат қилишга бўлган эҳтиёж; Юқорига интилиш эҳтиёжи; Қайсидир гуруҳга тегишли бўлиш ва тан олинганлик эҳтиёжи.

Мазкур эҳтиёжлар ўз навбатида лидер шахсида замон талабига мослашиш тезлиги унинг замонавий теологияларни ўзлаштирганлиги билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Ушбу жараён ўз навбатида “Мен” ва техника қарашини юзага келтиради. “Мен” ва техника бевосита ва билвосита масофадан туриб бошқаувчанликда лидирликни тامينлаб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, замонавий лидер замон билан ҳамнафас бўлиши учун фан-техника янгиликларни чуқур

Ўзлаштириши ва уни ўз “Мен”ида акс эттириб фаолиятида қўллай олиши давр талаби ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бошқарув психологияси”. И. Махмудов. Ўқув қўлланма. Академия. Т. 2003.
2. “Бошқарув мулоқоти” Э. Сатторов ва бошқалар. Академия. Т. 2003

СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РОЛЕВОГО ПОВЕДЕНИЯ ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ В СИТУАЦИИ БУЛЛИНГА

Анварова Н.Ф. – магистрант кафедры Практическая психология ТГПУ им. Низами

Аннотация: В статье анализируется феномен буллинга как социально-психологического явления современного общества. Также обосновывается необходимость изучения детерминант и разработка концепции превенции буллинга.

Resume: The article analyzes the phenomenon of bullying as a socio-psychological phenomenon of modern society. It also substantiates the need to study the determinants and develop a concept for the prevention of bullying

Социальная психология, как наука и важнейшая область практики, все чаще поднимает проблему буллинга, травли, которая происходит как внутри одной группы, так и между представителями разных социальных групп.

К сожалению, буллинг в современном обществе - довольно часто встречающаяся проблема в структуре взаимодействия различных коллективов: трудовых, ученических, воинских и других объединений, формируемых социальным взаимодействием. В связи с чем все больше появляется исследований, направленных на изучение таких явлений.

Травля или «буллинг» представляет собой умышленное, не носящее характера самозащиты и не санкционированное нормативно-правовыми актами государства, длительное (повторяющееся) физическое или психологическое насилие со стороны индивида или группы, имеющих определённые преимущества (физические, психологические, административные и т.д.) относительно другого индивида, и которое происходит преимущественно в организованных коллективах с определённой личностно осознаваемой целью (т.е. осознанно). Наиболее уязвимыми для жестокого обращения становятся люди, отличающиеся от других по каким-либо характеристикам [Гришина].

Данные российских (И.С. Бердышев, А.А. Бочавер, К.Д. Хломов, В.Н. Бутенко, Е.Н. Волкова, О.Л. Глазман, И.С. Коң, С.В. Кривцова, А.А. Нестерова, М.Г. Нечаева, В.Р. Петросянц, О.А. Селиванова, К.Д. Хломов, Т.С. Шевцова, Л.Б. Шнейдер и др.) и зарубежных (А. Crump, Р. Eitel, D. Haynie, Т. R. Nansel, D. Olweus, M. Overpeck, R.S. Pilla, W.J. Ruan, С. Salmivalli, К. Saylor, Р. Scheidt, В. Simons-

Morton, K. Yu и др.) исследований отмечают высокую степень распространения буллинга подростковых группах: примерно от 20 до 50% обучающихся в школах сталкивались с различными видами агрессии и травли. По данным Всемирного доклада о насилии в отношении детей 2017 года (ЮНЕСКО), можно сказать, что каждый десятый современный школьник в мире подвергается буллингу, и этот показатель, к сожалению, ежегодно возрастает во всех странах.

Несмотря на актуальность выявления причин и последствий буллинга, до сих пор не разработаны концептуальные подходы для решения данной проблемы в психологической науке, нет единой теоретической парадигмы, позволяющей в системном ключе осуществлять превенцию распространения этого негативного явления. Большинство исследований однобоко описывают данную проблему и в основном носит описательный характер, особо не акцентируя свое внимание на факторах виктимизации и ролевого поведения человека в процессе буллинга. В научной литературе недостаточно раскрыты пути профилактики систематического насилия, о многоаспектном влиянии на появления этого феномена и семьи, и школы, и личности.

Изучение проблемы буллинга позволит в будущем использовать полученный опыт в профилактической практике социальной и профессиональной жизни педагогов, социальных работников, психологов и родителей с целью уменьшения данной проблемы среди школьников и подросткового возраста.

Рассматривая историю исследования проблемы буллинга - ситуаций школьной травли, впервые проводились психологами в Норвегии и Швеции (Д. Лэйн, Д. Олвеус) в 70-х годах XX века. В последствии поднимаемая проблема изучалась учеными из Великобритании, Австралии, Канады и Америки, которые раскрывают особенности решения проблемы школьной травли. Первые публикации на тему школьной травли появились зарубежом в 1905 г. Авторы первых систематических исследований проблемы буллинга (школьной травли) являются скандинавские учены, такие как: Д.Олвеус, А.Пикас, Е.Роланд, П.Хайнеманн. Интерес к проблеме буллинга возник в последствии и среди британских исследователей: Д.Лейна, Е.Мунт, В.Ортона, Д.Таттума. Исследования британских ученых, чаще рассматривают проблемы буллинга среди учеников младшей и старшей средней школы. Представители даного направления являются Н.Данкансон, П. Махони, П.Рандолл, Дж.Салисбери и другие.

Необходимо отметить современных зарубежных ученых, занимающиеся изучением буллинга, среди них, необходимо отметить J. Loes Pouwels, Tirza H. J. van Noorden, Tessa A. M. Lansu, Antonius H. N. Cillessen, Miranda H. M. Vervoort, Ron H. J. Scholte, Geertjan Overbeek. Вопросы буллинга поднимаются в трудах российских ученых: Н.С. Бобровниковой, Е.Герасимовой, М.С. Голубь, В. П. Коновалова, Т.Н. Матанцевой, А.А. Нестеровой, М. Одинцовой, В. И.

Полубинская, А. Прониной, Д. В. Ривман, В. Я. Рыбальской, Е.В. Руденского, Н.М. Сажиной, А. Л. Ситковского, Л.Е. Тарасовой, В. С. Устинова, Д.В. Фельдман. Дети и подростки являются наиболее уязвимой частью общества, более того его тяжело изменить. Уязвимость определяется в возрастных и социокультурных особенностях подросткового возраста (подвижная психика, не сформирована окончательно система ценностей), которая влияет на появление такого феномена как буллинг. В исследованиях и публикациях неоднократно высказывается мнение о том, что главной причиной появления буллинга среди детей и подростков и его стремительного роста является ухудшение экономической ситуации и рост напряженности в обществе. Важно, отметить недостаточность социально-психологических исследований, касающихся формирования буллинга среди детей и подростков в ситуации школьной травли.

Актуальность и необходимость разработки системы профилактики буллинга, возможна лишь при условии организованной деятельности специалистов (социальных педагогов и психологов), направленных на выявление и устранения буллинговых явлений и процессов в сфере внутрисемейных, общественных и неформальных отношений детей и подростков, а так же поиск путей предупреждения и коррекции буллингового поведения учащихся детей и подростков в процессе учебной деятельности. В свою очередь разработка концепции психопрофилактики буллинга как социально-психологического явления требует глубинного исследования детерминант буллинга у молодежи и соответственно учет данных механизмов в модели коррекционной программы.

Список использованной литературы:

1. Матанцева Т. Н. Факторы виктимного поведения подростков как социальная проблема психологической науки /Т. Н. Матанцева // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 8. – С. 74–81.
2. Миядзава К. Основы виктимологической теории / Коити Миядзава. – М.: Юр. лит., 1966.
3. Нестерова А.А. Психологические особенности детей, склонных к виктимности в ситуации школьной травли /А.А. Нестерова // Личность в экстремальных условиях и кризисных ситуациях жизнедеятельности. – 2015. –№ 5. – С.277-285.

ВЛИЯНИЕ НАРУШЕНИЙ ОПОРНО-ДВИГАТЕЛЬНОГО АППАРАТА РЕБЁНКА НА РАЗВИТИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ

Афанасьева О.П. - Кандидат психологических наук, педагог-психолог СПб ГБУЗ «Восстановительный центр детской ортопедии и травматологии «Огонёк», г. Санкт-Петербург

Аннотация: в статье представлены результаты исследования психологических особенностей младших школьников с нарушениями опорно-двигательного аппарата.

Resume: The article presents the results of a study of the psychological characteristics of primary schoolchildren with disorders of the musculoskeletal system.

Повреждения и заболевания опорно-двигательного аппарата врожденные и приобретенные наблюдаются у 5–7% детей, а отклонения в развитии у детей с подобной патологией отличаются значительной полиморфностью и диссоциацией в степени выраженности различных нарушений

В число наиболее распространенных заболеваний позвоночника входит сколиотическое искривление. Более 80 % детей дошкольного и младшего школьного возраста сегодня имеют различные нарушения осанки. По сравнению с шестидесятыми годами прошлого столетия число таких детей увеличилось в три раза.

Изучение клинических и психических особенностей людей с двигательными нарушениями и травмами позвоночника, а также изучение возможности их социальной адаптации началось еще в середине XIX в. В. Литтл впервые дал характеристику их речевых нарушений, особенностей личностного развития.

Большой вклад в разработку методов лечения таких детей внесла К.А. Семенова, а в создание специальной системы их обучения и воспитания — М.В. Ипполитова. К настоящему времени накоплен большой фактический материал, характеризующий клинико-психологические особенности детей с нарушениями позвоночника, а также вопросы обучения и воспитания детей с двигательными нарушениями (К.А. Семенова, Е.М. Мастюкова, И.В. Ипполитова, Н.В. Симонова, И.И. Мамайчук, И.И. Панченко, Э.С. Калижнюк и др.).

На формировании личности больного сколиозом отрицательно сказывается сложный комплекс психогенных факторов: психическая депривация больного (сенсорная, социальная, эмоциональная), неблагоприятная микросредовая обстановка с постоянной психогенной травматизацией из-за физической неполноценности, причем это отрицательное влияние заключено не только в самом дефекте, но и в болезненном реагировании окружающих, особенно родителей (воспитание по типу гиперопеки), частом пребывании ребенка в больнице или санатории [4]. Более выраженные дефекты позвоночника, заметные окружающим, легче формируют у ребенка чувство собственной неполноценности и, следовательно, отрицательно влияют на его формирующуюся личность.

В результате исследований, направленных на выявление психических особенностей у детей со сколиозом были получены данные, на основании которых можно говорить о том, что дети со сколиозом более тревожны, раздражительны, в их поведении чаще преобладает нервное напряжение, подчеркивание наличия препятствия, независимо от того, расцениваются они как благоприятные, неблагоприятные или незначительные они реже бывают расслабленными и невозмутимыми [3].

В последние десятилетия, по свидетельствам многих исследователей-медиков, наблюдается существенный рост физического травматизма среди населения, что связывается с увеличением темпов высотного строительства, интенсификацией движения транспорта. Компрессионный перелом позвоночника (КПП) является одной из наиболее тяжелых и вместе с тем распространенных травм среди детей и подростков (3,2–3,3% среди всех травм опорно-двигательного аппарата). А. А. Горлов, Е. К. Вишневецкая отмечают, что травмы у детей могут быть вызваны действиями сверстников (33%), взрослых (24%), а также действиями самого ребенка (42,8%) [2].

В. Л. Андрианов [1], ссылаясь на психологические исследования в институте Г. И. Турнера, сообщает, что дети, получившие физические травмы, подвержены получению подобного вида травм в девять раз чаще, чем здоровые дети, что говорит об определяющей роли психологических факторов в их этиологии.

КПП всегда сопровождается совокупностью негативных последствий, среди которых особо выделяются шоковая реакция в момент получения травмы, выраженный болевой синдром, сложное лечение и длительная реабилитация с необходимостью соблюдения режима с ограничением подвижности, утрата трудоспособности на срок от 6 месяцев до 1 года, зависимость от окружающих.

Изучением психологических аспектов физической травмы занимались Г. К. Ермакова, И. И. Мамайчук, О. В. Воробьева, С. А. Скворцов, А. А. Горлов, Е. К. Вишневецкая, А. С. Похилько, П. Липс, А. Леплеж, А. Дж. Ивэнс, К. Е. Кип, С. М. Баутин и др.

И. И. Мамайчук, О. В. Воробьева, С. А. Скворцов исследовали психологические предпосылки детского спортивного травматизма и выделили три группы психологических факторов:

1. эмоциональная неустойчивость (тревожность и фрустрированность как значимые ее компоненты), трудности самоконтроля;
2. неадекватная самооценка (переоценка своих возможностей);
3. социально-психологические трудности (избегающие реакции в конфликте, перекладывание вины на другого, склонность к индивидуализму).

Таким образом, дети с компрессионным переломом позвоночника имеют специфические личностные особенности, связанные с травмой, заключающиеся в эмоциональной неустойчивости, снижении характеристик внимания и неадекватной самооценке.

В исследовании приняли участие 30 детей в возрасте 6 - 9 лет с патологией опорно-двигательного аппарата, находящиеся на реабилитации в «Восстановительном центре детской ортопедии и травматологии «Огонек».

В ходе исследования респонденты бы поделены на две группы:

- группа 1 – дети 6-9 лет со сколиозом;

- группа 2 – дети 6-9 лет с компрессионным переломом позвоночника.

Было проведено исследование, выявляющее особенности личности и эмоционально-волевой сферы.

Для исследования были использованы методики:

- 1) методика «Домики» (автор О. А. Орехова);
- 2) многофакторный личностный опросник Р. Кеттелла (детский вариант);
- 3) цветовой тест отношений А. М. Эткинда;
- 4) тест «20-ти высказываний» М.Куна (модификация Т.В. Румянцевой).

В результате исследования были получены следующие выводы:

1. Полученные в ходе исследования данные позволяют охарактеризовать детей со сколиозом как достаточно общительных, с нормальной степенью сформированности интеллектуальных функций, достаточной уверенностью в себе и рассудительностью, аккуратностью и решительностью, гармонично сочетающих в себе практицизм и эмоциональную сензитивность. Эта группа детей отличается сдержанностью и флегматичностью, так же группа демонстрирует зависимость от взрослых и других детей, легкую им подчиняемость. Обследованные дети отличаются бодростью, активностью, готовностью к энергозатратам. Эмоциональные реакции отличаются адекватностью.

2. Полученные в ходе исследования данные позволяют охарактеризовать детей с компрессионными переломами как достаточно общительных, с нормальной степенью сформированности интеллектуальных функций, достаточной уверенностью в себе, аккуратностью и решительностью, гармонично сочетающих в себе практицизм и эмоциональную сензитивность. Эта группа детей отличается сдержанностью и флегматичностью, так же демонстрирует зависимость от взрослых и других детей, легкую им подчиняемость. Отмечаются более высокие показатели осторожности и рассудительности. Тем не менее, дети этой группы проявляют высокий уровень оптимистичности. Обследованные дети отличаются бодростью, активностью, готовностью к энергозатратам. Эмоциональные реакции отличаются адекватностью.

3. Дети младшего школьного возраста с компрессионным переломом позвоночника обладают большей уверенностью в себе, чем дети со сколиозом, что может быть свидетельством выраженных дефектов позвоночника, заметных окружающим, и сохраняющихся на протяжении длительного времени. Так же, отмечается, что у детей с компрессионным переломом позвоночника более ярко выражены такие качества как спокойствие и оптимистичность, чем у детей со сколиозом.

4. При сравнительном анализе личностных особенностей детей младшего школьного возраста со сколиозом и детей с компрессионным переломом позвоночника были получены данные, свидетельствующие о том, что дети

младшего школьного возраста с компрессионным переломом позвоночника обладают большей уверенностью в себе, чем дети со сколиозом. Так же, отмечается, что у детей с компрессионным переломом позвоночника более ярко выражены такие качества как спокойствие и оптимистичность, чем у детей со сколиозом.

Дети и подростки с компрессионным переломом позвоночника имеют специфические личностные особенности, связанные с травмой, а именно снижение эмоциональных реакций в области интеллектуальной деятельности в сочетании с доминантностью и повышенной силой эго, снижение потребностно-настойчивых реакций в ситуациях фрустрации, склонность к фиксации на препятствиях в ситуациях обвинения.

Библиографический список:

1. Алиев В. А., Андреева В. П. Зависимость состояния здоровья от соматотипа школьника // Гигиена и санитария. 2009. № 9. С. 13–16.
2. Горлов А. А., Вишневецкая Е. К. Система профилактики травм у детей: психологические аспекты // Педиатрия. 1991. № 1. С. 69–73.
3. Дадаева О.А., Скляренко Р.Т., Травникова Н.Г. Клинико-психологические особенности детей и подростков, больных сколиозом. // Медико-социальная экспертиза и реабилитация. - 2003. - № 3. – С.10-14.
4. Хисамутдинова А.Р., Носовец Ю.А. Особенности личности и поведения детей с нарушением опорно-двигательного аппарата//Ананьевские чтения 2005. Общая тематика. 2005.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМОТИДА КАСБ ЭГАЛЛАШ ФАОЛИЯТИГА ШАХСНИНГ ХАРАКТЕР ВА ИРОДАВИЙ ХИСЛАТЛАРИ ТАЪСИРИ

Бахриддинов Н.Б.- Самарқанд давлат чет тиллар институти, педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси.

Анотация: В статье описаны психологические взгляды мыслителей Востока на влияние личности и силы воли при выборе профессии.

Annotation: The article describes the psychological views of Eastern thinkers on the influence of personality and willpower when choosing a profession.

Шарқда ёшларга таълим ва тарбия бериш фаолияти касб-хунар ўргатиш қадимий анъаналардан ҳисобланади. Бугунги шиддаткор ва тезкор замонда ҳар бир соҳада модернизацияни талаб қилаётган бир даврда яшайпмиз. Айниқса хунарманд ва косиблар, меъмор ва наққошлар, деҳқон ва чорвадорлар, ўз фарзандлари ёки шогирдларини тарбиялашга касб-сирларини ўргатишга жуда катта аҳамият берганлар. Халқимизнинг ёш авлод тарбиясига эътибор беришини кўрсатувчи турли-туман нақллар ва ривоятлар мақолларнинг асрлар оша тўпланиб

келганлигини ҳам алоҳида қайд этиш ўринлидир. Жумладан “Устоздан ўзмаган шогирд-шогирд эмас”. “Хунарли киши хор бўлмас” ёки “Бир йигитга етмиш хунар оз” каби кўплаб ҳикматли сўзлар борки, улар қадим- қадимдан ота-боболаримиз ёш авлодни руҳан ва жисмонан баркамол бўлиб етишиши орзусида яхши муносиб касбларни эгаллашга даъват этиб келганлигини кўрсатади.

Абу Наср Форобий, Жалолоддин Давоний, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Дониш ва бошқалар томонидан ёзилган асарларда бу масаланинг атрофлича талқинини учратамиз.

Буюк қомусий олим Абу Наср Форобий касб-хунар тўғрисида илк фикрларини билдириб, қимматли маслаҳатларни берганлар, чунончи таълим-сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия эса амалий малакалардан иборат фаолият эканлигини муайян касб-хунарга берилган, у билан қизиққан кишилар шу касб-хунарнинг чинакам шайдоси бўлишини айтган. Бу мулоҳазалардан кўриниб турибдики, касб-хунар инсоният учун азалдан жуда зарур ҳаётий восита бўлиб келган [1.75-78 бет]

Абдурахмон Жомий ҳам худди Форобий сингари бирор касб-хунарни эгаллашни ёшларнинг асосий бурчи деб ҳисоблайди. У бир одам икки ишни эплай олмаслигини таъкидлайди, фақат муайян бир хунар билан шуғулланиш уни пухта ўзлаштириш лозимлиги ҳақида гапиради. [2.195-197бет.]

Шарқнинг қомусий олимларидан Жалолоддин Давоний ёшларнинг касб-хунар эгаллаши тўғрисида ҳам эътиборга сазовор фикрлар билдирган. Устоз шогирдларининг қобилиятини қайси касб билан қизиқишини жуда яхши билиши лозим. Агар бола маълум бир касб-хунар ёки илм билан шуғулланса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бу илм ёки касбни эгаллаш учун керакли шарт-шароитни яратиб бериш лозим. Давонийнинг фикрига кўра, инсоннинг ҳамма касбни эгаллашга қобилияти бўлмайди, балки ҳар-бир одамнингмуайян касбга қобилияти бўлади.

Бир касб-хунарни ўрганишга интилувчилар бутун истеъдодларини ана шу касбни эгаллашга қаратадилар, натижада ўз севган касб-хунарларини тезда ва пухта ўзлаштириб оладилар. Давонийнинг бу фикрлари Форобийнинг касб-хунарни эгаллаш ва камолотга эришишга ўз ихтиёрича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъат аҳллари деган фикрига ҳамоҳангдир.

Давоний инсонга фойда келтирадиган касб-хунарни учга бўлади: биринчиси инсон ақлига тегишлидир ва улар кишининг руҳий -маънавий қувватига боғлиқ бўлиб, бунга у вазирлик касбини киритади. Иккинчиси таълим-тарбия натижасида вужудга келади. Бунга астрономия, математика, тиббиёт ва геометрия фанлари билан шуғулланиш киради. Учтинчиси кишининг шижоати ва жасурлиги намоён бўладиган касблардир: булар - душманга қарши кураш, ҳарбийлик касби бўлиб

чегарани қўриқлаш инсоннинг иродавийлик жиҳатларига ботирликва каттийликка эътибор қаратадилар.

Устоз олим бирор иш ёки касб билан шуғулланишни хоҳламайдиган кишиларни танқид қилади. Унингча киши фақат меҳнатда камолот ва бахт-саодатга эришиши мумкин бўлганлиги учун, ёшларни меҳнат фаолиятига, хунар эгаллашга чақиради.

Шундай қилиб, Давоний касб-хунар эгаллашни кишининг энг гўзал фазилатларидан бири, деб ҳисоблади. Инсон касб-хунарни эгаллашга уни такомиллаштиришга интилиш билан жамиятга ҳам фойда келтиради, демак бундай киши ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

У кишиларни энг аввало касб-хунарига қараб тоифаларга бўлади. Биринчи тоифага қалам аҳллари: олимлар, ноиблар, мунажжимлар, қозилар, мухандислар, мусулмон қонуншуносларини; иккинчи тоифага жисмоний ва рухий тайёргарликка ҳарбийларни; учинчи тоифага эса савдогарлар ва хунарсандларни киритади. Тўртинчи тоифага эса деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бошқа тоифалардан иборатлигини кўрсатиб ўтади. [3.40-41 бет.]

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки деб айтади психология соҳаси бўйича олимимиз Эргаш Ғозиев, психик фаолиятнинг динамикаси нафақат миждозга, балки мотивларга, психик ҳолатларга ҳис-туйғуларга ҳам бевосита боғлиқлигини бугунги кунга келиб англаб етдик. Фаолиятнинг индивидуал услуби инсонда ўзидан ўзи вужудга келмайди, у шахс камолотининг барча босқичларида (боғча ёшидан эътиборан то касбий маҳорат эгаллагунга) қадар шаклланиб боради деган фикрлари ҳақиқатда ўринлидир. [4.296-297 бет.]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, шарқ алломалари асарларидаги касб танлаш фаолияти, касбга йўналтириш борасидаги фикрларни ўрганиш, уларни амалий ҳаётга тадбиқ этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни онгли касб танлашга ёрдам беради. Шунингдек, уларда касбга хос тушунча, тасаввур ва билимларини бойишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Абу Наср Фаробий Бахт – саодатга эришув ҳақидаги рисоалар Тошкент «Фан» 1975 йил 75- 78 бетлар.
- 2.Абдурахмон Жомий «Танланган асарлар» Тошкент Адабиёт ва санъат нашриёти 1971 йил 196 бет
- 3.Алиқулов Ҳ.,Омонбоева Р Жомий ва Давоний Таълим –тарбия ҳақида Тошкент, Ўзбекистон 1981 йил 41 бет.

МУСИҚИЙ ТИНГЛОВЧИЛИК МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

Баҳриев А.Р. - Ўзбекистон давлат консерваторияси психология фанлари

номзоди, доцент

Аннотация: В духовном развитии личности музыкальная слушательская культура имеет актуальное значение. В тезисе анализируются духовно-эстетические и социально-психологические аспекты становления этого феномена.

Annotation: The culture of listening to music plays an important role in the spiritual development of a person. The thesis of the article analyzes the spiritual-aesthetic and socio-psychological aspects of the formation of this phenomenon.

“Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига” ўтиш шароитида ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг муסיқий тингловчилик маданиятини шакллантириш долзарб ижтимоий масалалардан бирига айланди.

Собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий муסיқасининг эстетик мазмунига ва эстетик фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек халқининг эстетик қадриятида бўшлиқни пайдо қилди [1, 5]. Мустақиллик йилларида эса “миллий анъаналарга ижодий таянган бадиий етук намуналар билан бир қаторда хорижий “йўл”ларга тақлид этилган, баъзан эса оҳанглари бевосита “чет”дан олинган кўшиқлар ҳам тобора кўпайди” [2, 5]. Шунингдек, “замонавий таълим кўп даражада ўқувчининг интеллектуал тайёргарлиги сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, унинг маънавий-ахлоқий ривожланиши иккинчи планда қолдирилган” эди [3].

Натижада “санъат ўқувчиларни инсоннинг тарихий, ижтимоий-маданий тажрибаси билан таништиришнинг кучли ва фаол омилига айланмади, ўқув-тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этмади” [4, 5].

Бугун замонавий маданий ҳаёт глобаллашув, элитар ва оммавий санъат орасида чегараларнинг ювилиши, санъатнинг услуб ва жанрларига нисбатан ягона талабнинг мавҳумлашишига олиб келди. “Янги типдаги ижтимоий-маданий парадигма шаклланиб, унда санъатнинг кино, муסיқа, телевидение сингари оммавий томоша-кўнгилочар шакллари ўрин эгалламоқда” [5, 3].

Муסיқий тингловчилик маданиятини шакллантириш асосан ўрта умумтаълим мактаби 1-7 синф “Муסיқа маданияти” дарсларида амалга оширилади. Машғулотларда тинглаш фаолияти асосан берилган куй-кўшиқни ёки унинг парчасини тинглаш ва бу борадаги қисқа шарҳ билан яқунланади. Кўп ҳолларда тингланган муסיқа асари борасида кенгайтирилган тушунтиришлар, муסיқа асарини қандай тинглаш лозимлиги, тинглашда нималарга эътибор қаратиш зарур, унинг жанр, шакл тавсифи, тингланадиган муסיқа натижасида тингловчи онгида қандай ассоциациялар, эмоционал ҳолатлар кузатилиши борасида билимларни сингдириш фаолиятини талаб даражасида деб бўлмади.

Натижада ўқувчи-ёшларнинг муסיқа тинглаш борасидаги элементар кўникмалари, муסיкий мазмун борасидаги тушунча ва тасаввурлари тўлиқ шаклланмасдан мактабда ўқишни якунлаши ҳамда катта ҳаётга қадам кўйиши кузатилмоқда.

Албатта, “Учинчи Ренессанс” пойдевори яратилаётган даврда жамиятимиз аъзолари, хусусан ёшлар онгида юксак муסיкий тингловчилик маданиятини шакллантириш, пировард натижада, жамиятимиз маънавий-психологик тараққиётини янада жадаллаштирувчи омилларидан бирига айланиши мумкин.

Муסיкий тингловчилик маданияти психологияси масаласи фанлар кесишган нуқтада амал қиладиган феномен бўлиб, ижтимоий психология, муסיқа педагогикаси, психологияси, социологияси, фалсафаси, шунингдек, маданиятшунослик ва бошқа фанлар негизида ўрганилади.

Замонавий шароитларда муסיкий фаолиятларни учта муҳим босқичга бўлган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Биринчи босқич муסיкий ижодиёт, яъни, муסיқа яратувчиси - композитор фаолиятидир. Иккинчи босқич ижрочилик билан боғлиқ. Муסיқачи-ижрочиларнинг ижодий фаоллиги, уларнинг маҳорати тайёр асарни талқин қилишни, чолғу созини мукамал чалиш ва ўз вокал овозини маҳорат билан ишлатишни тақозо этади.

Учинчи босқич тингловчилик фаолияти бўлиб, композитор томонидан илгари сурилган ва ижрочи томонидан талқин қилинган муסיкий-бадий образни бевосита идрок этиш ва унинг бадий-эстетик мазмунини англашдир.

Муסיкийлик муסיкий тингловчилик маданияти шаклланишида муҳим омил бўлиб, унинг ядроси - бу муסיкий фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган психологик хосса, “муסיқага эмоционал жавоб бериш” (Б.М.Теплов), яъни, интонацион эшитиш бўлиб, у орқали товуш баландлиги, регистр, темп, тембр, артикуляция орқали муסיқа асарининг эмоционал-мазмунини англади [6, 3].

Муסיқа тинглаш, яъни, муסיкий-коммуникатив вазиятга киришнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб, товушни идрок этиш, эшитиш органларининг фаоллашуви ва ақлий фаолият кўшилган ҳолда идрок жараёни бошланади ҳамда оҳанг, шеърий матнда ифодаланган бадий мазмун ва мақсадни тушунишга қаратилади.

Бундан ташқари, вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари (концерт залининг ҳажми, иштирокчилар сони, ижрочилар борасидаги билимлар, ижрочининг ташқи кўриниши, унинг қиёфаси ва бошқалар) муסיкий тингловчилик маданияти шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кун муסיқа санъати амалиётида кўшиқ жанри устувор аҳамиятга эга. Кўшиқ халқ муסיқа маданиятининг асоси сифатида инсон ҳаётининг ажралмас қисми саналади ва ҳар бир интонация ортида мазкур маданий анъаналар мазмуни намоён бўлади [7, 34].

Тинглашда олдинги тажриба натижасида шаклланган муносабат алоҳида рол ўйнайди ва установка прогнозлаш, баҳолаш механизмларидан олдин “ишлаб кетади”, натижада кўпинча ҳатти-ҳаракатлар тактикасини ҳамда бутун мулоқот жараёнини белгилайди. Мусиқий семантика (мазмун) идрок этиш ва талаффузнинг муҳим элементларини ажратиш кўрсатиш орқали намоён бўлади. Бу жараён фақат одамдагина мавжуд бўлган эшитишнинг махсус тури - фонемик эшитишга боғлиқ.

Агар киши мусиқий элементларни (гармония, ритмик-интонацион комплекслар ва бошқ.) фарқлаш тажрибасига эга бўлсагина, унда мусиқий нутқ тил сифатида қабул қилинади. Бироқ, шу билан бирга, нутқ коммуникациясида тушуниш объекти сифатида нафақат сўз, алоҳида жумла ёки матн, балки “воқелик” олдинга чиқади. Шунингдек, мусиқий нутқ-ижрочилик орқасида маданият ва менталитет билан шартланган бадиий воқелик туради.

Ўқувчиларнинг мусиқа ва мусиқий мазмун борасидаги тасаввурлари айнан мусиқа тили моҳиятини англаш орқали шаклланиб боради. Аниқловчи экспериментлар натижаларига кўра, респондентлар мусиқий тингловчилик маданиятининг мавжуд даражаси дифференциаллашган хусусиятларга эга.

Жадвал

Таълим муассасалари ёшларида мусиқий тингловчилик маданиятининг намоён этилиши динамикаси.

№	Мезонлар	Ёшлар гуруҳлари							
		ОўЮ талабала-ри (210)		Касбий таълим ўқувчилари (185)		Ўрта мактаб ўқувчилар и (юқори синф) (328)		Жами (ўртача) 723	
		п-	%	п-	%	п-	%	п-	%
1	Замонавий миллий эстрада кўшиқлари	86	42	72	40	154	47	312	42,5
2	Чет эл эстрадаси намуналари	15	8	9	5	13	4	37	5,5
3	Ўзбек мумтоз мусиқаси	17	8	20	11	46	14	83	11
4	Шарқ халқлари замонавий мусиқаси	44	22	37	20	55	17	136	19,4
5	Европа замонавий мусиқаси	42	20	41	24	53	16	136	19,4
Жами (умумий)		210	100	185	100	328	100	723	100

Энг юқори натижа (42,3%) “замонавий миллий эстрада кўшиқлари” мезони бўйича кўрсатилди. Кейинги ўринларда “шарқ халқлари замонавий мусиқаси” ва “европа замонавий мусиқаси” (19,3%) бўйича намоён этилди. Энг паст натижа (11,0%) эса “ўзбек мумтоз мусиқаси” мезони бўйича кўрсатилди.

Ушбу натижалар таҳлилига қараганда, “замонавий миллий эстрада кўшиқлари” мезони бўйича юқори натижа сабаби, ушбу жанрдаги мусиқа асарларининг кучли реклама-тарғиботи мавжудлиги, ҳам радиода, ҳам телевидениеда, ҳам интернет тармоғида кўп бора фақат ушбу мусиқалар эфирга узатилишидир. Хонандалар борасида тайёрланадиган радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар қаҳрамонларининг аксарияти эстрада хонандаларидир. Мазкур ижтимоий-психологик ҳолат ўз-ўзидан бу жанрга мансуб асарларнинг оммалашиб кетиши, барчанинг тилига тушиши учун шарт-шароит, мотивация муҳитини яратади.

Аксинча, тарғиботи деярли сезилмайдиган ўзбек мумтоз мусиқа асарлари мунтазам тарзда иккинчи планда қолиб кетади ва натижалар биз кўраётган ҳолатда намоён бўлганлиги қонуниятли ҳолатдир.

Илмий-техник тараққиёт ва ОАВнинг фаол ривожланиши оммавий санъат ва оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши ҳамда кенг тарқалишига сабаб бўлди, улар ўз навбатида жамоавий онг ташувчиси бўлган деперсонизациялашган инсонни шакллантирди ва инсонлар хулқ-атвориغا маълум даражада таъсир кўрсатди [5, 3].

Бугун янги кадриятлар, маданиятда янги ўзаро таъсир шаклланиши жараёни кечмоқда, замонавий инсоннинг тафаккури ва дунёқараши ўзгармоқда. Бу муаммолар ижтимоий-психологик жиҳатдан тушунишни талаб этади ва хусусан, истиқболда мусиқа маданияти ва санъатини ривожлантириш йўлларини тўғри танлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон радиоканалларида шарқ халқлари, асосан турк, эрон, афғон, тожик, озарбайжон ва бошқа миллатлар мусиқаси тез-тез жаранглайди. Ушбу мусиқаларда ўзига хос миллий жозиба, ўйноқилик, тингловчини ўзига жалб этиш хусусиятлари ўзига хос тарзда, ёрқин акс этиб туради. Шу боис, “шарқ халқлари замонавий мусиқаси” ва “европа замонавий мусиқаси” мезонлари бўйича намоён этилган натижалар кўрсаткичлари ўзбек мумтоз мусиқаси бўйича натижалардан юқори бўлди.

Таъкидлаш лозимки, “Мусиқий коммуникация маданият феномени сифатида онтологик мазмун касб этади. Унда *Ното musicus* - мусиқий инсоннинг (Корсакова И.А.) био-ижтимоий-маданий табиати акс этади” [7, 35]. Бироқ, мусиқанинг био-ижтимоий билан биргаликда, ижтимоий-психологик моҳияти долзарб аҳамиятга эга бўлиб, шахсни маънавий йўналтиришга хизмат қилиш имкониятлари улкандир.

Кенг омма учун мўлжалланган мусиқа жанр ва йўналиш жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг. Эстрада йўналишида яратилаётган ва оммага тақдим этилаётган айрим нисбатан паст савия ва бадий мазмунга эга бўлган, тарбиявий жиҳатлари деярли сезилмайдиган “асарлар” ҳам учрайдики, улар ёшларда юқори талаблар даражасидаги тингловчилик маданияти ва бадий дид шаклланиши, миллий кадриятлар намуналари қарор топишига салбий таъсир кўрсатади.

Замонавий тингловчи бугун муסיқанинг фақатгина пассив истемолчиси бўлиб қолишни истамайди. Ахборот истеъмолчиси сифатида у ўзини қизиқтирган ахборотни матнли, товушли ёки аудиовизуал шаклда танлаш имконига эга бўлиб, вазиятга жадал мослашади.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг муסיқий қизиқишлари плюралистик хусусиятга эга бўлиб, муסיқа маданиятининг йўналиш ва услубларини янада теранроқ, ранг-баранг тарзда англаш ҳамда ривожлантиришни шартлайди. Бу эса ёшларнинг муסיқий тингловчилик маданияти шаклланишидаги ижтимоий-психологик омиллар аҳамиятининг долзарблигини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодирова Д.С. Ўзбек миллий муסיқасининг эстетик хусусиятлари. Ф.ф.н. дисс-я. Тошкент, 2012. – 164 б.
2. Муллажонов Д.М. 1990-йиллар ўзбек муסיқий эстрадасида оҳанг муаммоси. Санъатшунослик ф.н. дисс-я. Тошкент, 2004. – 150 б.
3. Талалаева Н.В. О проблеме формирования музыкально-слушательской культуры школьников // *Фундаментальные исследования*. – 2009. – №7. – С.38-39; URL:

PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF PEOPLE WITH DOWN SYNDROME IN MODERN SOCIETY

Беделзаде Г.Н. - Очный докторант по PhD программе Института Образования Азербайджанской Республики Департамент инклюзивного образования (г.Баку, Азербайджан)

Abstract: Disability has been viewed as a curse or a punishment throughout history. With the advancement of science and social change, disability has come to be recognized as a society issue rather than an individual one, and solutions have shifted to removing barriers to social change rather than merely medical care. Disabled people face discrimination and tend to isolate themselves from society because they feel undesired and rejected. It has an impact on the psychosocial well-being of people with impairments. The human person is a complex entity made up of two separate phenomena: the physical body and the psyche, which are generally referred to as body and mind. A person's mental life and emotional reactions are influenced by his physical health as well as his social and physical environment, according to both common knowledge and scientific theory. The purpose of this study article is to present the Psycho-Social issues that a person with Down syndrome . The study's goals are to look at the profile of the persons with Down syndrome as well as their psychosocial issues.

Аннотация: На протяжении всей истории инвалидность рассматривалась как проклятие или наказание. С развитием науки и социальных изменений инвалидность стала признаваться как проблема общества, а не как индивидуальная

проблема, и решения сместились в сторону устранения барьеров на пути социальных изменений, а не просто медицинской помощи. Люди с ограниченными возможностями сталкиваются с дискриминацией и стремятся изолировать себя от общества, потому что чувствуют себя нежеланными и отвергнутыми. Это влияет на психосоциальное благополучие людей с ограниченными возможностями. Человеческая личность - это сложная сущность, состоящая из двух отдельных явлений: физического тела и психики, которые обычно называют телом и разумом. Согласно общепринятым знаниям и научной теории, на психическую жизнь и эмоциональные реакции человека влияет его физическое здоровье, а также его социальное и физическое окружение. Цель данной статьи для изучения - представить психосоциальные проблемы, с которыми сталкивается человек с синдромом Дауна. Цели исследования - изучить профиль людей с синдромом Дауна, а также их психосоциальные проблемы.

Despite advancements in understanding and general management of Down syndrome, the disorder still has a stigma attached to it. Individuals with this condition require a lot of help from their family, friends, and society as a whole.

All persons with Down syndrome have some form of learning problem, and as a result, they will require special educational assistance as they grow older. Parents of children with Down syndrome require social and organizational support in order to better comprehend their children's condition and its consequences. People with Down syndrome have traditionally been isolated from society and housed in institutions or colonies. Only in the mid-twentieth century did parents, clinicians, researchers, and organizations supporting persons with Down syndrome begin to change the way society regarded and treated people with Down syndrome and other diseases. Individuals with the syndrome have gradually improved their status as they have been more integrated into normal society, with many now attending conventional schools alongside other students[1, p.3].

Children, teens, and adults with Down syndrome may experience developmental delays as well as other issues, making them vulnerable to abuse, injury, and other forms of damage.[2, p. 166].

Specialists can assist in the management and prevention of these issues by being aware of them and teaching children how to avoid risky circumstances while maintaining their self-esteem. Know what to expect as your child grows and develops with Down syndrome. Among the issues that could arise are:

Challenges in coping with hygiene. As a child with Down syndrome enters adolescence, hygiene issues become more prominent. You can aid your youngster by setting a daily regimen that includes showering or bathing and applying deodorant on a regular basis. Peer acceptability depends on your child's hygiene, especially as he or she approaches puberty[3, p.15].

As they grow into adulthood, adolescents with Down syndrome frequently face more challenges than the average adolescent. They may also find it difficult to sort out their emotions. They are more likely to suffer from depression and other mental health issues. Many teenagers and adults deal with their problems by talking to themselves ("self-talk"), which is sometimes misinterpreted as a serious mental illness. In most cases, this behavior isn't cause for concern. Contact a doctor if the conversation becomes self-demeaning or manifests signs of self-hatred. In these and other cases where the problems are not improving, counseling and prescribed medications may be beneficial.

Children with Down syndrome often reach puberty and the physical changes that come with it at the same time as other adolescents. Teens with Down syndrome, on the other hand, who are sexually mature, typically do not have the same sense of physical limits and are prone to sexual assault. They may also be oblivious to when someone is attempting to physically attack them[4,].

Such problems should always be monitored and people with Down syndrome should always be supported in this regard.

Bibliographic list:

1. Aging and Down Syndrome A HEALTH & WELL-BEING GUIDEBOOK
2. Collacott R A. The effect of age and residential placement on adaptive behaviour of adults with Down's syndrome. Br J Psychiatry 1992; 161: 675-9.
3. Dykens EM, Shah B, Davis B, Baker C, Fife T, Fitzpatrick J. Psychiatric disorders in adolescents and young adults with Down's syndrome and other intellectual disabilities. J Neurodev Disord. 2015;
4. <https://www.ndss.org/resources/managing-behavior/>

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ШАХСИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Саидов А.И. - Самарқанд давлат чет тиллари институти “Педагогика ва психология” кафедраси мудири, п. ф. н., доцент

Аннотация: В статье рассматриваются социально-психологические проблемы здорового и гармоничного воспитания подрастающего поколения.

Ключевые слова: Здоровое поколение, образование-воспитание, здоровый образ жизни, духовное совершенство, духовное воспитание, социально-психологические факторы.

Abstract: The article discusses the socio-psychological problems of healthy and harmonious upbringing of the younger generation.

Keywords: Healthy generation, education-upbringing, healthy lifestyle, spiritual perfection, spiritual education, socio-psychological factors.

Янги жамиятнинг замонавий тарбия концепцияси инсон шахсини, яъни, барқарор, етук, кўйилган мақсадга эркин ва ўз кучи билан эриша оладиган

ёшларни шакллантиришга қаратилгандир. Бу бир томондан, шахснинг ҳар томонлама гормоник ривожланишини, иккинчи томондан, унинг бутун ривожланиши жараёнида руҳий, жисмоний, маънавий соғлом ўсишини таъминлашни ўз ичига олади.

Инсон ҳаёти, соғлиғи энг катта ижтимоий бойлиқдир. Бу оила, мактаб ва инсон тарбияси, камолоти билан шуғулланувчи масканлар олдига соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласини кўндаланг қўяди. Миллат соғлиғи ҳам, табиий равишда, соғлом турмуш тарзи орқали ҳал этилади.²⁷ Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда соғлом турмуш тарзи, саломатликни сақлаш масалаларига бағишланган ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Соғлом авлодни шакллантириш ғояси инсониятнинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлган бўлиб, у босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ ибтидоий тушунчалар бугунги кунда ҳам қадимий реликтлар тарзида талқин қилиб келинмоқда.²⁸

Исломгача бўлган халқлар соғлом маънавий ҳаёти учун характерли хусусиятлар табиат ва жамият ҳодисаларига муносабатда анимистик (ҳар нарсанинг жони, руҳи бор деган эътиқод), магия(сеҳргарлик, жонсиз нарсаларга ғайри табиий қудратга эга деб сажда қилиш), тотемизм (ҳайвонлар, ўсимлик, нарсаларга сиғинишнинг етакчилиги), мажусийликнинг расм-русум, маросимларидан тарбия жараёнида аралаш фойдаланиш; қадимий ахлоқий-маънавий тасаввурлар замирида таянч нуқта ҳисобланган ишонч тарбияда муҳим аҳамиятга эга руҳий жараён; эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амалнинг, ёвуз фикр, ёвуз калом, ёвуз амал устидан ғалабаси учун кураш ғоясининг етакчилиги; ахлоқий-маънавий тафаккурни тарбиялашда асосий усул кўрғазмалилик, ишонтириш, намуна, тан жазоси ҳисобланади. Таълим-тарбия воситаси эса ғайритабиий кучга эга деб тасаввур қилинган нарса ва ҳодисалардан иборат бўлган.

Инсоннинг маънавий ва жисмоний саломатлигида ўз вақтида, меъёрида, турли витаминларга бой овқатланиш гигиенасига риоя этиш – инсоннинг соғлом ва фаол турмуш тарзи гаровидир. «Қайси бирингиз овқат устида бўлғайдирсиз-у, намозга такбир айтилғайдир, нафсингиз овқатга қонгунча намозга шошилмангиз», «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча хурмо еб олмасдан ҳайит намозига чиқмас эрдилар» каби ҳадисларда ҳам ҳатто намозга кеч қолинса – да аввало овқатланмоқ лозимлиги эътироф этилади²⁹.

²⁷ Ўринбоев Н.Ў. Барқарор тараққиётни таъминлашда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Автореф. дис...фал.ф.номз.- Т., 2005. -23 бет.

²⁸ Обидов А.О., Новиков Ю.В. Соғлигимиз ўз қўлимизда. Тошкент. “Медицина” 1989, 67 бет.

²⁹ Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 21-жуз, Тошкент, “Hilol-Nashr”, 2015, 42 б.

Соғлом турмуш тарзининг муҳим талабларидан бири тоза-озода кийиниш, покланиш, тишларни мисвоқ билан тозалаб, хушбўй нарсаларни суртиб юриш, сочни ихчамлаб олиб таҳлил айтиш, кўйлак, салла, чолвор, бурмус (бош ва елкани ёпиб турадиган халат), махси ва бошқа кийимларни кийиш тартиби тўғрисида кўплаб ҳадислар мавжуд бўлиб, ҳатто бировнинг мисвокини ишлатиш қатъий тақиқланади. «Жумъага хушбўй нарсалар сепиб бормоқ», «Жумъага гул ёғи суртиб бормоқ», «Бировнинг мисвоки бирлан тиш тозалаган киши», «Жумъа куни мисвоқ бирлан тиш тозаламоқ», «Мисвоқ билан тиш тозаламоқ», «Аёл ҳайздан кейин ғусл қилгач, ўзига хушбўй наrsa сепадир», «Эҳром боғлайдиган одам қандай кийимларни киймаслиги лозим?», «Эҳром боғлашдан аввал ўзига хушбўй нарсалар суртмоқ; эҳромга кирмоқ учун нима кийгайдир? Сочларни тараб, ўзига хушбўй нарсалар суртгайдир», «Эҳромдаги киши ридо ва изор каби кийимларни киядирми?» ва бошқа ҳадислар шулар жумласидандир³⁰.

Кайковус фарзандига ишкорга чиқмоқ, чавгон уйнамоқ, отда юрмоқ, сувда сузмоқ, найза урмоқ, завбин отмоқ, каманд ташламоқ, илм сирларидан баҳобар бўлмоқни аввало ҳунар турлари, иккинчидан эса инсон аъзоларини чиниқтирувчи спорт турлари сифатида тавсия этади.

Асарда маънавий ва жисмоний соғлом фарзанд тарбияси масаласига алоҳида ўрин берилган бўлиб, мутафаккир томонидан олға сурилган ғоялар бугунги кун таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштиришда ҳам муҳим рол уйнайди. Аллома фарзандининг ота-она олдидаги бурч ва вазифалари ҳақида фикр юритар экан, ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифаси у дунёга келгач, аввало унга яхши исм қуйиш, уни оқил ва меҳрибон дояга топшириш, билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, яхши тарбия беришдан иборат,-дейди. Шунингдек ўғил бола учун алоҳида, қиз бола учун алоҳида тарбиявий талаблар қўяди. Бу борада унинг фикрлари қуйидагича: “Бас, фарзандингга ҳар на ўргата олсанг ўргатгил, унинг фойдаси сенга ҳам етишур. Аммо фарзандинг балоғатга етгон бўлса, кўргил, унинг оила бошлиғи бўлмоққа, хотин олмоқ ва рўзғор ишларига машғул бўлмоққа салоҳияти бўлса, сен унга хотин олиб берғил, токи шу била сен унинг бу ҳақин ҳам бажарғон бўлғайсан. Лекин агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб-олишмағил. Бегонадан хотин олғил, нединким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладин хотин олғил. Бу била бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзинга қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайғай.

³⁰ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 21-жуз, Тошкент, “Hilol-Nashr”, 2015, 86 б.

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўрни бекиёсдир. Жисмоний оддий машқлардан мураккабларига қараб муътадил-нормал бажариб бориш, машқ турларини кўпайтириш боланинг улғайишида муҳим ўрин тутати. «Биз айтамызки,- дейди Ибн Сино бадантарбия кишини чуқур ва кетма-кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир. Муътадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам бузилган хилтлар (қон,сафро,балғам) туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган касалликлар туфайли келувчи касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди». Бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб юрган киши унча-мунча касалликларга чалинмайди, касалликни тез енгиб кетадиган куч-қувватга эга бўлади. Агар киши, кейинроқ жисмоний машқларни тўхтатиб, бадантарбия қилмай қўйса,ундай кишилар ўз аъзоларини заифлаштириб қўядилар, охирида эса турли касалликларга чалиниши мумкин,- дейди Ибн Сино³¹.

Олимнинг ёзишича, бадантарбиянинг турлари жуда кўп бўлиб,улар асосан тез, енгил, нозик, кучли ва ҳоқоза тарзда бажарилади. Унинг таснифига кўра мушт билан тортишиш, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, найза отиш,осилиш,бир оёқда сакраш, қиличбозлик, отда, аравада юришлар бадантарбиянинг тез бажариладиган турига киради. Нозик ва енгил турига арғимчоқларда учиш беланчақда...тик ёки ётиб учиш,қайиқ ва кемаларда сайр қилиш киради. Кучлироқ ҳаракатларга катта ва кичик коптоқлар билан чавғон ўйнаш, кураш тушиш, ўз сояси билан олишиш, сакраш, найза учи билан санчиш, тош кўтариш, чопаётган отни жиловлашдан, ушлаб тўхтатишдан иборат.

Олимнинг тавсиясига кўра, одам ўсмирлик чоғида тез ва шиддатли ҳаракатларни енгиллик билан, енгил ҳаракатларни оғири билан алмаштириб бориши, бадантарбияни бошлаш вақтида бадан аъзолари тоза бўлиши, ейилган овқат меъдада ҳазм бўлган бўлиб, кейинги овқатланиш вақти яқинлашган бўлиши лозим.

Ибн Сино болаларни жисмоний бақувват соғлом ўстириш билан бирга уларга ахлоқий ва ақлий тарбия бериш зарурлигини ҳам уқтиради.Аллома жисмоний ҳаракатлар, яратувчилик меҳнатини, ақлий меҳнат билан илм олиш, китоб ўқиш, ўрганиш яъни маънавиятини бойитиш меҳнати билан қўшиб олиб бориш лозимлигини таъкидлаб,инсон камолотининг маънавий асосларини педагогик жиҳатдан асослаб беради.

Буюк мутафаккирнинг мактаб ёшидаги болалар организминини соғломлаштиришга бағишланган фикрлари ғоят катта аҳамиятга эгадир.

³¹ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. - Тошкент - 1992.

У болаларни мактабда 6 ёшдан бошлаб ўқитишни ва жисмоний тарбияни ўқув дастурининг асосий қисмларидан бири сифатида тавсия қилган. У бола 6 ёшга тўлгандан кейин олдин бажарган соғломлаштириш тадбирини ўзгартириши яъни, иссиқ сувда чўмилтириш бироз камайтирилиб, овқат ейишдан олдин кўпроқ бадантарбия қилиш керак деб ҳисоблайди³².

Ибн Сино мактаб ёшидаги болаларнинг организмида содир бўладиган ўсиш ва органларнинг ривожланишига зарар етказмаслик учун болалар кўпол бадантарбия ҳаракатларини қилмасликлари керак, фақат энгил ҳаракатларнигина қилишлари лозим деб маслаҳат беради. Маълумки узоқ вақт дарс тайёрлаб ўтириш натижасида бола зерикади ва ўқишга қизиқиши йўқолади, шунингдек, узоқ вақт ҳаракатсиз қолиши натижасида ёш ва ўсувчи организмга зарар етиши мумкин. Буни яхши тушунган Ибн Сино ўқитиш жараёнини жисмоний машқлар (пиёда юриш, сакраш, от чопиш, тўп ўйнаш, кураш, қиличбозлик ва бошқалар) билан кўшиб олиб боришни тавсия қилади.

Амир Темур ижодида педагогик масалалар: соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, оила тарбияси, меҳнатга ва бурчга онгли муносабат, маънавий маданият, ватанпарварлик, дўстлик, инсонпарварлик, садоқат, ҳалоллик ва бошқа ахлоқий маънавий қадриятларга кенг ўрин берилган. “Маънавий ва жисмоний соғлом фарзанд-мустаҳкам оила, бақувват давлат пойдеворидир”- деган ғоя унинг дидактик қарашларининг негизини ташкил этади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, соғлом ва баркамол шахсни тарбиялаш нафақат, педагогик балки, ижтимоий-психологик, этнопсихологик илдишларга бориб тақалади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. - Тошкент - 1992.
2. Обидов А.О., Новиков Ю.В. Соғлигимиз ўз қўлимизда. Тошкент. “Медицина” 1989.
3. В.М.Шапиро Л.Н.Башмакова. Здоровый образ жизни. Пособие для учителей. Алмата. 2003.

ZAMONAVIY PSIXOLOGIYADA AGRESSIYA HAQIDAGI QARASHLAR

Ismoilova N. – TDPU dots.v.b., psixol.f.n.PhD

Yuldasheva D. – TDPU 2 bosqich magistranti

Аннотация. В данной статье проводится анализ существующих психологических взглядов агрессии, которая является одной из основных концепций современной психологии.

³² Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. - Тошкент - 1992.

Annotation. This article analyzes the existing psychological views on aggression, which is one of the basic concepts of modern psychology.

Shaxslararo munosabatlarda namoyon bo'luvchi xulq-atvor tiplaridan biri bu agressiyadir. Inson agressiyasini o'rganish serqirra mavzu bo'lib, ushbu fenomenning asl mohiyatini ochib berishga urinayotgan olimlarning diqqatini hozirgacha tortib keladi.

Oddiy kundalik hayotda agressiya – zo'ravonlik yoki raqibni yengish uchun jismoniy yoki verbal tarzda qo'llaniladigan vosita sifatida tavsiflanadi. Agressiya - kishilar o'rtasidagi turli kelishmovchiliklar oqibatida kelib chiqadigan har qanday xulq-atvor modellaridan biri bo'lib, u shunday atamaki, unga izoh berish qator qiyinchiliklarni tug'diradi, chunki bu atama ko'plab xatti-harakat shakllarini o'zida qamrab oladi. Bu boradagi asosiy yondashuvlardan biriga ko'ra, bunday fel-atvor o'z tabiatiga ko'ra ko'p jihatdan instinktivdir, ya'ni insonda genetic va konstitutsional jihatdan shunday harakatlar “programmallashtirilgan”ligi tufayli uning xulq-atvorida agressiya sodir bo'ladi.

Insonning agressiv xatti-harakatlarga moyilligini turlicha tushuntirishga qaratilgan nuqtai nazarlar ichida eng mashhuri U.Makdaugoll, Z.Freyd, G.Marrey va boshqa olimlarning “inson va hayvonlarda agressiyaning tug'ma instinkti mavjud bo'ladi” degan qarashlaridir. Bu nazariya agressiya haqidagi dastlabki nazariya bo'lib, ammo u amaliyotda o'z tasdig'ini topmadi.

Freyd o'zining dastlabki ishlarida quyidagi fikrni ilgari surgan: insonga xos barcha fe'l-atvor bevosita yoki bilvosita erodan, ya'ni hayot instinktidan yaraladi. Erosning quvvati (libidosi) xayotni mustahkamlashga, saqlab qolishga va ko'paytirishga yo'naltirilib, bu agressiyani ham keltirib chiqaradi. Birinchi jahon urushi zo'ravonliklari tajribasini boshdan kechirgan Freyd, agressiyaning kelib chiqishi va mohiyati haqida fikr yuritar ekan, u ikkinchi asosiy instinkt - tanatos – o'limga ishtiyoqning mavjudligini taxmin qildi. Bu instinktning quvvati buzg'unchilikka va hayotni to'xtatishga yo'naltirilgandir. Shunday qilib, tanatos agressiyani tashqariga chiqarishga va boshqalarga yo'naltirishiga bevosita sabab bo'ladi.

Freydning fikricha, tanatos energiyasi tashqariga yo'naltirilmasa, bu inson psixikasining buzilishiga olib keladi. Shuning uchun agressiyani tashqi namoyon bo'lishi tanatosning bunday buzg'unchi kuchini susaytirishi va natijada yanada xavfli harakatlarning paydo bo'lish ehtimolini kamaytirishi mumkin.

K.Lorens agressiyaga nisbatan evolutsion yondashuv tarafdorlaridan biri bo'lgan va uning bu pozitsiyasi Freydning pozitsiyasi bilan o'xshash ekanligini namoyon qilgan. K.Lorens ta'limotiga ko'ra, agressiya insonlarga va boshqa tirik jonzotlarga xos bo'lgan hayot uchun kurash tug'ma instinktidan kelib chiqqan. U bu instinkt uzoq evolutsiya davrida rivojlangan, deb taxmin qiladi va uning uchta muhim vazifasini ajratib ko'rsatadi. Birinchisi, hayot uchun kurash instinkti turli xil biologik tur vakillarini dunyo bo'ylab katta geografik kengliklarga tarqatib yuborad, bu esa oziq-ovqat resurslarining maksimal

sarflanishini ta'minlaydi. Ikkinchidan, agressiya biologik turning genetik fondi yaxshilanishini ta'minlaydi, chunki faqat eng kuchli va quvvatli individumlargina o'zidan o'zidan avlod qoldira oladi. Uchinchidan, kuchli tur va vakillarigina o'zini himoya qila oladi va avlodining tirik qolishini ta'minlay oladi.

Freyd instinktiv agressiv energiyaning qanday yig'ilishi va tarqab ketishi haqida aniq bir fikrga kelmay turgan bir pallada K.Lorens bu muammoning yechimini topib bo'lgan edi. Uning fikricha, yashash uchun kurash instinkti bilan bog'langan agressiv energiya organizmda uzluksiz ravishda aylanib yuradi.

Agressiv xulq-atvor xususidagi ikkinchi nuqtai-nazar L.Berkovichning ijtimoiy bilish nazariyasida keltiriladi. Unga ko'ra, maqsadga yo'naltirilgan faoliyat davomida vujudga keladigan to'siq shaxsda agressiv xatti-harakatlarni hosil qiladi. D.Dollard tomonidan agressiyaning situativ nazariyasi taklif etilgan. Bu nazariyaga ko'ra agressiya situativ jarayonning natijasi sifatida ko'riladi. Situativ jarayon esa frustratsiyadir va frustratsiya har doim biror-bir shakldagi agressiyaga olib keladi. Agressiyani chaqiruvchi omillar masalasida quyidagi uchta omil hal qiluvchi ahamiyatga ega:

1. Sub'ekt erishmoqchi bo'lgan maqsadning ahamiyatlilik darajasi;
2. Maqsadga erishish yo'lidagi to'siqning kuchi;
3. Frustratsiyalarning ketma-ket uchrash soni.

Agressiv xulq-atvorning kelib chiqish sabablari haqidagi eng zamonaviy nuqtai nazar bilishning kognitiv nazriyasi bilan bog'liq holda ifodalanadi. Bu konsepsiyada agressiv harakatlar quyidagi jarayonlarning natijasi sifatida baholanadi: Subyektning o'z agressiv xulq-atvorini ijobiy deb baholashi; frustratsiyaning mavjudligi; affekt yoki stress tipidagi emotsional qo'zg' alishning kuchliligi;

P.Kratchild va N.Livson agressiyaning bir-birini inkor etmaydigan ikki xil tavsifini ishlab chiqqanlar:

1. Xulq-atvorning tashqi alomatlariga asoslanadi: “Agressiya – kimgadir ziyon yetkazuvchi xulq-atvorning har qanday ko'rinishidir”.

2. Odamning ichki niyatlari bilan bog'liq: “Boshqa bir insonga ziyon yetkazishni maqsad qilib olingan har qanday xatti-harakat – agressiyadir”.

Agressiyaning yuqorida zikr etilgan tavsiflariga monand tushunchalarga tayangan ko'plab psixologlar agressiyani jonli olamning yashash uchun kurash bilan bog'liq uzviy xarakteristikasi deb ham hisoblaydilar. Jozef Bass tomonidan taklif etilgan mulohazalardan biriga asosan, agressiya – boshqalar uchun xavf tug'diruvchi va ularga ziyon yetkazuvchi har qanday fel-atvor ko'rinishidir.

Agressiya tushunchasini talqin qilishdagi kelishmovchiliklarga qaramasdan, ijtimoiy fanlar sohasidagi ko'plab mutaxassislar uning ikkinchi nuqtai-nazarda bayon etilgan ma'nosini maqullashga ko'proq moyillik bildiradilar.

Agressiya atamasini ko'p hollarda g'zab kabi negativ(salbiy) his-tuyg'ular bilan, haqorat qilish va ziyon yetkazish kabi motivlar bilan, hatto negativ sarasiga kiruvchi irqiy

va etnik xurofot bilan ham assotsiatsiyalanadi. Bu omillar esa natijasi zarar yetkazish bo'lgan xulq-atvorda albatta muhim rol o'ynashiga qaramay, ular bunday harakatlar uchun asos bo'la olmaydi. G'azab boshqalarga tajovuz qilish uchun aslo zaruriy shart hisoblanmaydi, ayrim holatlarda agressiya o'ta sovuqqonlik holatida ham yuzaga kelishi mumkin bo'lgani kabi, o'ta kuchli hayajon holatida ham yuzaga kelishi mumkin. Shuningdek, agressorlarning ular tajovuz qilayotgan shaxslardan nafratlanishi yoki ularni yoqtirishi ham umuman shart emas. Ayrim tadqiqotchilar o'tkazgan tajribalarning xulosasiga ko'ra, ko'pchilik odamlar o'zlari yoqtirgan insonlarga zulm o'tqazishlari ma'lum bo'lgan.

Shunday qilib, hozirda “Agressiya - boshqa tirik jonzotga u buni istamagan vaziyatda haqorat yoki ziyon yetkazishni maqsad qilib qo'ygan xulq-atvorning har qanday shaklidir”, degan tushuncha yoki ta'rif ko'pchilik tomonidan qabul qilingan.

Inson agressiyasi ko'rinishlarining o'rganishda Dj.Bass o'zgacha konsepsiya yaratdi. Uning fikricha aggressiv harakatlarni uchta shkalaga asoslangan holda tasvirlash mumkin: jismoniy-verbal, aktiv-passiv va to'g'ri-egri. Ularning kombinatsiyalari sakkizta ehtimolga yaqin kategoriyalarni berib, ko'plab aggressiv harakatlarni ular asosida tushuntirish mumkin.

Psixologik adabiyotlarda aggressiv xulq-atvorning quyidagicha klassifikatsiyalanishi ko'rsatilgan:

1. Agressiyaning dardmandlik darajasidagi alomatlari (tutoqib ketish, jahl kelganda o'zini yo'qotib qo'yish);
2. Agressiyaning jismoniy og'zaki va boshqa, butun jamiyat uchun nomaqbul sanalgan qonun-qoidalari bilan bog'liq shakllari (odatda, ular ijtimoiylashuv xususiyatlari, aksil ijtimoiy xulq-atvor normalarining mustahkamlanishi bilan bog'liq bo'ladi);
3. Jamiyatda qabul qilingan ahloq qonun-qoidalarini yetarlicha o'zlashtirmaganligi yoki xatti-harakatlarini idora qilish imkonini beruvchi xususiy sifatlarni to'liq shakllanmaganligi (ta'lim-tarbiya ko'rmaganlik) bilan bog'liq agressiyaning turli ko'rinishlari;
4. Ayrim kuzatuvchilar tomonidan aggressivlik haq-huquqlarini poymol qilish, bировга ziyon yetkazish gumonini paydo qiladigan, boshqa bir kuzatuvchilar tomonidan qatiylik, faollik sifatida talqin qilinadigan barcha xatti-harakatlar .

Agressiyaning tez-tez ifodalanishi shaxsning emotsional holati bo'lib, uning asosini quyidagilar tashkil etadi:

- Asab kasalliklari, inson asab tizimining o'ta charchaganligi.
- Oiladagi psixologik muhitning nosog'lomligi va ota-onalarda pedagogik-psixologik bilimlarning yetishmasligi.
- Shaxsning xarakter xislati, ijtimoiy muhitning yomonlashuvi.

Mazkur nazariyalarni bilish bugungi kunda agressiv xulq-atvorni o‘rganishga qo‘l urgan tadqiqotchilar uchun foydadan holi bo‘lmaydi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Берковиц Л. Агрессия. Причины, последствия, контроль. М.: 2001.512 с
2. Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. СПб.:1997. 336 с
3. Лоренц К. Агрессия (так называемое “зло”). М.:1994. 269 с
4. Майерс Д. Социальная психология. СПб.: 1997.617 с

**SHAXSNI O‘RGANISHNING PSIXODIAGNOSTIK
IMKONIYATLARI**

Karimov X.K. - Qarshi davlat universiteti “Psixologiya” kafedrasida dosenti, psixologiya fanlari nomzodi

Аннотация: Эта статья посвящена психодиагностическим возможностям изучения личности в психологической науке.

Annotation: This article is devoted to the psychodiagnostic possibilities of studying personality in psychological science.

Hozirgi zamon psixologiyasida inson omilini, shaxsni o‘rganishning juda ko‘plab vositalari mavjud va ular psixologik amaliyotda keng qo‘llanilib kelinadi. Shunday vositalardan biri psixodiagnostik testlardir. Ular deyarli hamma sohada, ko‘plab fanlar namoyandalari tomonidan ishlatiladi. Maqsadi bevosita shaxsni tarbiyalash va shakllantirish muammolarini o‘rganish bilan bog‘liq bo‘lgan pedagogika va psixologiyada hozirgi vaqtda testlardan foydalanish keng yo‘lga qo‘yilgan. Pedagogikada qo‘llaniladigan testlar didaktik testlar hisoblanadi. Mana bir necha yildirki, Respublikamiz hududidagi ta‘lim muassasalarida (maktab, lisey, kollej va boshqa), oliy o‘quv yurtlarida bunday testlardan foydalanib kelinmoqda.

Didaktik testlar o‘z mohiyatiga ko‘ra, sinaluvchilarning ayni vaqtdagi (sinalayotgan vaqtdagi) bilim darajasini, u yoki bu predmetni, materialni, dasturni qay darajada o‘zlashtirganligini aniqlashga xizmat qiladi. Lekin ular sinaluvchilarning individual psixologik xususiyatlari (qobiliyati, iqtidori, irodaviy-hissiy jihatlari va sh.k.lar)ni aniqlashga mo‘ljallanmagan. Shaxsning individual psixologik xususiyatlarini o‘rganish uchun psixodiagnostik testlardan foydalaniladi³³.

Didaktik testlar va psixodiagnostik testlarning bir-biridan farqi shundaki, ularda bir-biriga o‘xshagan, sinaluvchi e‘tiboriga havola etiladigan savollar va ularga beriladigan javoblar variantlari berilgan bo‘lsa-da, didaktik testlarda savollar ma‘lum bir fan va uning dasturi bo‘yicha o‘zlashtirilishi (sinaluvchining bilishi) lozim bo‘lgan masalalar haqida to‘g‘ridan - to‘g‘ri beriladi va bu savollar bo‘yicha taklif etilgan javob

³³Аверин В.А. Психология личности: Учебное пособие, 2-е издание.- СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001.- 191с.

variantlari “to‘g‘ri” va “noto‘g‘ri” javoblarga farqlanadi³⁴. Sinaluvchi qanchalik ko‘p to‘g‘ri javob bersa, shunchalik yaxshi, yuqori natijalarga erishadi. Psixodiagnostik (shaxsni va uning u yoki bu masalaga nisbatan munosabatini o‘rganuvchi) testlarda esa ulardan farqli ravishda, sinaluvchi e‘tiboriga havola etiladigan savollar chalg‘itib beriladi (aksariyat hollarda sinaluvchi gap nima haqida ketayotganligini anglolmaydi, chunki savollarning aksariyati go‘yo bir-biriga mantiqan bog‘lanmagandek byerilishi mumkin). Bu savol, tasdiq, mulohazalarga byeriladigan javoblar “to‘g‘ri” yoki “noto‘g‘ri” javoblarga emas, balki “samimiy” yoki “nosamimiy” javoblarga farqlanadi (intellektni o‘rganuvchi testlar bundan mustasno). Bu o‘rinda sinaluvchi qanchalik samimiy javob byersa, shunchalik u haqda, uning u yoki bu hodisaga nisbatan munosabati haqida aniqroq ma‘lumotni olish imkoniyati tug‘iladi. Shuning uchun ham psixodiagnostik testlarda sinaluvchi javoblarining samimiy bo‘lishligiga erishish muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi vaqtda psixologik amaliyotda foydalanilayotgan psixodiagnostik testlarni shartli ravishda ixcham va ixtisoslashtirilgan chuqur ilmiy tadqiqot psixodiagnostik testlariga farqlash mumkin. Ixcham testlar o‘z nomiga yarasha ixcham, kam hajmli, ozgina savollardan iborat bo‘lib, sinaluvchi shaxsi haqida birlamchi ma‘lumotlarni olish imkoniyatini byeradi. Ulardan har bir pedagog o‘z faoliyatida o‘zini, o‘quvchisini va eng muhimi uning ota-onasini o‘rganishda foydalanishi mumkin.³⁵ Ixcham testlarning afzalligi shundaki, ulardan foydalanish uchun tadqiqotchidan maxsus psixologik tayyorgarlik talab qilinmasligi bilan birga undan olingan natijalarni qayta ishlab, tegishli ma‘lumotlarni olish na tadqiqotchidan va yana sinaluvchidan ko‘p vaqt talab qilmaydi. Ularni dam olish vaqtlarida, shunchaki suhbat chog‘larida ham o‘tkazib ko‘rish mumkin.

Odatda psixologik amaliyotda bunday testlardan sinaluvchilarni asosiy psixodiagnostik tadqiqotga tayyorlash, ularning e‘tiborini qozonish, psixolog - pedagog ishonchini uyg‘otish, qiziqishini yuzaga keltirish maqsadida, mashq (razminka) sifatida foydalaniladi. Ularning kamchilik jihati shundaki, ulardan olingan ma‘lumotlar bir oz sayozligi, yuzakiligi, xatoga yo‘l qo‘yish ehtimolining yuqoriligi bilan farqlanib turadi. Lekin, odam haqida hech nima bilmagandan ko‘ra qisman bo‘lsa-da, ma‘lum bir ma‘lumotga ega bo‘lishning o‘zi ham, u bilan olib boriladigan ish samaradorligini oshiradi. Bunday testlarning xatoga yo‘l qo‘yish ehtimoli yuqori bo‘lishi bilan birga, ularning sinaluvchi shaxsiga, uning taqdiriga (agar g‘araz maqsadlarda foydalanilmasa) ziyon yetkazish ehtimoli ham kam bo‘ladi. Shuning uchun ham so‘nggi vaqtlarda ixcham psixodiagnostik testlar ommaviy axborot vositalari (gazeta, jurnallar) sahifalarida ko‘plab byerilib borilmoqda. Gazeta jurnallar tahririyati xodimlari bu testlardan o‘z nashrlariga

³⁴ Дружинин В.Н. Экспериментальная психология.- 2-е изд., доп.- СПб.: Питер, 2001.- 320 с.

³⁵ Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии.: Информ.-метод. пособие к курсу “Психология человека”.- М.: Педагогическое общество России, 2001.- 448 с.

o‘quvchilar qiziqishini oshirish, ularning xaridorgirligini kuchaytirish maqsadida ham foydalanishmoqda.

Amaliyotchi psixolog, pedagog tomonidan bunday testlardan foydalanish, uning ta’lim tarbiya jarayoni ishtirokchisi, shaxs ko‘z o‘ngida e’tiborini oshirishga, o‘rganilayotgan shaxsning individual psixologik xususiyatlarini yaxshiroq bilib olish, shu bilan birga uning “ko‘ngliga kirib borish” imkoniyatini yaratishga, uni faoliyati samaradorligini oshirishga xizmat qilishi mumkin.

Yuqorida keltirib o‘tilgan testlar bilan tanishib chiqib, ulardan foydalanishni o‘rganib olgan amaliyotchi psixolog va pedagog o‘z navbatida shu kabi testlarni boshqa psixologik adabiyotlardan, gazeta, jurnallardan ham qidirib topib, ularni o‘rganib, o‘zlashtirib, o‘zining psixodiagnostik testlar “banki”ni boyitib borishi, o‘zining kundalik ish faoliyatida ulardan samarali foydalanishi mumkin. Tadqiqotchi ixtiyorida bunday testlar miqdori qanchalik ko‘p va xilma-xil bo‘lsa va ulardan o‘z faoliyatida, o‘z-o‘zini va atrofida qilganlarni o‘rganishda muntazam foydalanib borsa, ulardan tegishli maqsadlarda va o‘rinli foydalana olish ehtimoli yanada ortib boravayeradi.

Yuqorida aytib o‘tganimiz, ixtisoslashtirilgan chuqur ilmiy tadqiqot testlari esa, maxsus, jiddiy ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishda va maxsus psixologik tayyorgarlikdan o‘tgan mutaxassislar tomonidan foydalaniladigan testlardir. Bunday testlar toifasiga Kettelning 16-faktorli shaxsni o‘rganish testlari, G.Yu.Ayzenkning intellekt testlari, D.Vekslyer testlari, MMRI, FPI, Raven testi, Tematik Appyersepsiyalashgan Test (TAT) (Tematicheskij Appyerseptivniy Test), Lyushyer testi, Liri testi, Rorshaxning "Siyoh dog‘lari" testi va shu kabi ko‘plab testlar kiradi. Ular ixcham testlardan savollari, topshiriqlari miqdorining ko‘pligi (ular ayrim hollarda bir-necha yuzlab bo‘lishi mumkin), tadqiqot o‘tkazish uchun qo‘yiladigan talablarning o‘ziga xosligi, olingan natijalarni qayta ishlash jarayonlarining murakkabligi, tadqiqot o‘tkazish va qayta ishlash uchun ko‘p vaqt, maxsus malaka talab qilinishi kabi xususiyatlari bilan farqlanadi. Ularning afzallik jihati shundaki, ular sinaluvchi shaxsi haqida, uning individual-psixologik xususiyatlari haqida to‘laroq ma’lumotlar olish imkoniyatini byeradi. Chunki, aytib o‘tilganidek, bunday testlardan foydalanish tadqiqotchidan maxsus psixologik tayyorgarlik, maxsus malaka talab qiladi. Bunday testlardan foydalanish jarayoniga qo‘yiladigan talablarga javob byermaslik, ulardan foydalanish tartibini buzish, olingan natijalarning noto‘g‘riligiga, sinaluvchi shaxsiga noo‘rin psixologik tavsif byerishga, oqibatda sinaluvchi shaxsi va uning taqdiriga jiddiy ziyon yetkazishga olib kelishi mumkin. Bunday testlardan noo‘rin foydalanish xalq tili bilan aytganda "Qosh qo‘yaman deb - ko‘z chiqarish" bilan barobar. Eng ayanchlisi, bunday psixologik savodsizlik oqibatida psixologiya fani imkoniyatlari barbod etiladi, uning obro‘sigi putur yetkaziladi. Bunday xatolarga yo‘l qo‘yish, o‘quvchi shaxsiga, uning ota-onasi, ularning o‘zaro munosabatlari, jamiyatga jiddiy zarar keltirishi mumkin. Shuning uchun ham bunday testlarga nisbatan ehtiyotkorlik, ma’suliyat bilan yondashish lozim bo‘ladi.

ADABIYOTLAR

1. Аверин В.А. Психология личности: Учебное пособие, 2-е издание.- СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001.- 191с.
2. Дружинин В.Н. Экспериментальная психология.- 2-е изд., доп.- СПб.: Питер, 2001.- 320 с.
3. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии.: Информ.-метод. пособие к курсу “Психология человека”.- М.: Педагогическое общество России, 2001.- 448 с.

OILAVIY MUNOSABATLAR TIZIMIDA BOLA SHAXSINI SHAKLLANISHIDA TARBIYA USULLARINING AHAMIYATI

Охунjonova E. T. - Nizomiy nomidagi TDPU magistranti

Аннотация. Прежде всего, семья играет важную роль в становлении человека как личности. Семейное воспитание - это практический педагогический процесс в проявлении человеке определенных физических, умственных, нравственных, этических качеств; представляет собой комплекс мер, направленных на то, чтобы у человека было необходимое решение жить в обществе, и чтобы идеальная человеческая личность в семье через воспитание была руководителем.

ANNOTATION. The family plays an important role in the formation of a person as a person. Family upbringing is a practical pedagogical process aimed at the formation of certain physical, mental, moral, spiritual qualities in the individual; is a set of measures taken to ensure that a person has the qualities necessary for life in society, and some ways to form a perfect human personality in the family through education are highlighted.

Oilaviy turmush inson xayotining eng muhim jihatlaridan biri hisoblanadi. Xuddi shu boisdan jamiyatning qonun qoidalarga nisbatan munosabat ham oiladagi shaxslararo turli tuman muammolarda, muloqotda, fikr almashinuvida, munozaralarda, o'z ifodasini topadi, binobarin yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash oilaning naqadar mustahkam bo'lishiga, ota-ona munosabatlarida oliyanob xarakter hislarini, bolada yuksak ma'naviy hislarni shakllantirishga bog'liqdir. Yosh avlodni oilada komil inson qilib tarbiyalashdek yuksak va mas'uliyatli vazifa ota-onaga, oiladagi kattalarga yuklatilgandir.

Yurtimizda oila hamisha davlat himoyasida va oliy qadriyat sifatida e'zozlanadi. Oila ijtimoiylashuvning asosiy va muhim o'chog'i bo'lgani uchun ham uning shu muhitda tarbiyalanayotgan yoshlar e'tiqodi va dunyoqarashidagi roli sezilarlidir. Respublikamizda «Oila» yili deb e'lon qilinishi, «Oila» ilmiy-amaliy markazi o'z faoliyatini boshlashi, jamiyatda yoshlar tarbiyasi borasida oilaning roli va mas'uliyatini oshirishga qaratilgan muhim tadbir bo'ldi.

Oilaviy tizimda «Men» - obrazining ijtimoiy psixologik ahamiyati shundaki, u shaxs tarbiyasining va tarbiyalanganligining muhim omillaridan hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan olib qaralganda, tarbiya shaxsning o'zi va o'z sifatleri to'g'risidagi

tasavvurlarining shakllanishi jarayonidir, deb ta'rif berish mumkin. Demak, har bir inson o'zini, o'zligini qanchalik aniq va to'g'ri bilsa, tasavvur qilolsa, uning jamiyat normalariga zid harakat qilish ehtimoli ham shunchalik kam bo'ladi, ya'ni u tarbiyalangan bo'ladi. O'z-o'zini anglash, o'zidagi mavjud sifatlarni baholash jarayoni ko'pincha konkret shaxs tomonidan og'ir kechadi, ya'ni inson tabiati shundayki, u o'zidagi o'sha jamiyat normalariga to'g'ri kelmaydigan, no'maqul sifatlarni anglamaslikka, ularni «yashirishga» harakat qiladi, hattoki, bunday tasavvur va bilimlar ongsizlik sohasiga siqib chiqariladi. (Avstriyalik olim Z.Freyd nazariyasiga ko'ra). Bu ataylab qilinadigan ish bo'lmay, u har bir shaxsdagi o'z shaxsiyatini o'ziga xos himoya qilish mexanizmidir. Bunday himoya mexanizmi shaxsni ko'pincha turli xil yomon asoratlardan, hissiy kechinmalardan asraydi. Lekin shuni alohida ta'kidlash lozimki, «Men» - obrazining ijobiy yoki salbiyligida yana o'sha shaxsni o'rab turgan tashqi muhit, o'zgaralar va ularning munosabati katta ro'l o'ynaydi. Odam o'zgaralarga qarab, go'yoki oynada o'zini ko'rganday tasavvur qiladi. Bu jarayon psixologiyada refleksiya deb ataladi. Uning mohiyati - aynan o'ziga o'xshash odamlar obrazi orqali o'zi to'g'risidagi obrazni shakllantirish, jonlantirishdir. Refleksiya «Men» - obrazi egasining ongiga taalluqli jarayondir. Masalan, ko'chada bir tanishingizni uchratib qoldingiz. Siz tinmay unga o'z yutuqlaringiz va mashg'ulotlaringiz haqida gapirmoqdasiz, lekin gap bilan bo'lib, uning qayergadir shoshayotganligiga e'tibor bermadingiz. Shu narsani siz uning betoqatlik bilan sizni tinglayotganligidan, xayoli boshqa yerda turganligini bilib qolasiz va shu orqali ayni shu paytda «mahmadona, laqmaroq» bo'lib qolganingizni sezasiz. Keyingi safar shu o'rtog'ingiz bilan uchrashganda, oldingi xatoga yo'l qo'ymaslik uchun «O'rtoq, shoshmayapsanmi?» deb so'rab ham qo'yasiz. Ana shu ilgari refleksiyaning natijasidir. Ya'ni suhbatdosh o'rniga turib, o'zingizga tashlangan nazar («men unga qanday ko'rinyapman?») – refleksiyadir.

Oilaning tarbiyaviy funksiyasi – tarbiyalash eng muhim ahamiyatga ega bo'lgan funksiyasidir. Bolalarning aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik, tarbiyasiga oilada asos solinadi. Mustaqillika erishganimizdan so'ng milliy qadriyatlarimizning tiklanishi va xalqimiz azaldan saqlab kelayotgan milliy urf-odatlarimiz bu borada katta ahamiyatga ega. Bola tarbiyasida ota-onadan tashqari, buvi-buva, qarindosh-urug', mahallaning ham ta'siri bor. Jamiyatning komil fuqarosini shakllantirish oilaning asosiy vazifasidir. Oiladagi tarbiya turlari:

Giperprotektsiya - ota-ona tomonidan bolaning barcha istak, tilak va ehtiyojlarini ko'r-ko'rona, tanqid va mulohazasiz qondirishga intilish; bolani har qanday qiyinchiliklar va to'siqlardan himoya qilish, uning barcha istaklarini joyida bajo keltirish, erkalatish, oddiy yutuqlaridan quvonish, xatolarini sezmaslikka qaratilgan harakatlar. Bolasi uchun "jonini jabborga beruvchilar" odatda o'zlari bilmagan holda farzandlariga yomonlik qilayotganliklarini sezmaydilar, natijada bola kelajakda dangasa, ko'pchilikning ichida o'zini tuta olmaydigan, hayotning past-balandliklarida o'zini nochor his etadigan, tantiq,

erka bo'lib qoladi. Ayniqsa, bola o'smirlik yoshiga yetganda, erka, tantiq bo'lgani uchun do'stlari va tengqurlari davrasida ham hamma aytganlari bo'lishini istaydigan, liderlikka intiluvchanligini namoyon etgisi keladi, lekin ikkinchi tomondan, aslida unda bunday sifatlar bo'lmaydi. Gap shundaki, bunday holatlarda ota-ona zurriyoti timsolida ilgari o'z hayot tajribasida erisholmagan armonlarini ro'yobga chiqargisi keladi, ularning tarbiya uslublari aynan shunga qaratilgan bo'ladi, lekin bola ko'p jihatdan nochor ekanligini keyinchalik ijtimoiy muhitning turli vaziyatlariga tushganida his eta boshlaydi.

G'amho'rlikdan ustun keladigan giperproteksiya - bunda erkalatishdan ko'ra ota-ona tomonidan bolasining har bir yurgan qadami va xatti-harakatini nazoratga olish orqali unga e'tibor berish nazarda tutiladi. Shuning uchun bu tarbiya uslubida turli xil ta'qiqlar, chegaralashlar ("u mumkin emas", "bu mumkin emas" qabilida) bisyor bo'ladi. Bunday sharoitda katta bo'lgan bola odatda mustaqil fikrli, mustaqil qarorlar chiqaruvchi bo'lolmaydi, lekin salga jahli chiqadigan, ko'p narsalardan norozi holda katta bo'ladi, chunki u doimiy nazoratga, birovlarning hamma yo'l-yo'riqlarni ko'rsatib, aytib berishlariga o'rganib qoladi: onasisiz dars tayyorlay olmaydigan, otasisiz ko'chaga chiqmaydigan bo'ladi, barcha ishlarida kattalarning aralashuviga ko'nikib ketadi.

O'ta kuchli axloqiy mas'uliyat - bunda ota-ona tomonidan bolaga nisbatan talablar darajasi yuqori bo'ladi, lekin uning asl xohish-istaklari, ehtiyojlari unchalik e'tiborga olinmaydi. Ota-ona bolasining kelajagini puxta qilishni o'ylab, uning yurish-turishi uchun o'zlarini mas'ul deb his silgan holda, shaxsiy tasavvuridagi insonni yaratishga, shaxsni shakllantirishga urinadilar, ba'zan nazorat ostida bolaning yoshi, aqliy yoki jismoniy imkoniyatlariga zid talablar, to'shiriqlar ham berilaveradi. Masalan, "sen to'ng'ichimizsan, ukalaringga sen qarashing kerak", degan ma'noda unga oiladagi kichik a'zolarga yoki kasallikka chalingan oila a'zosini parvarish qilish kabi mas'uliyatli va og'ir ishlar ham yuklanadi.

Emotsional raddiya - bunda ota-ona bolasini shunday tarbiyalaydiki, uning ota-ona hayotida u o'ziga yarasha tashvish, ortiqcha yuk ekanligi, u bo'lmaganida ota-onaning hayoti boshqacha bo'lishi muntazam ravishda eslatib turiladi. Agar bu farzand oilada yagona bo'lmasa, boshqa arzandaroq, suyukliroq inson bo'lsa, vaziyat yanada og'irlashadi, "sen bo'lmaganingda..." yoki qiz bolaga qarab: "Sening o'rningda og'il bo'lganda edi..." qabilidagi kesatiqlar tez-tez aytib turiladi.

Ayrim ota-onalar bu kabi emotsional jihatdan bolasini rad etayotganligini yashirishga urinadi, "nega bolani yoqtirmaysan?" kabi savollarga aslida uni sevishi kerakligini ta'kidlagan bilan baribir bola ota-onasi uchun ortiqcha tashvish ekanligini his qilib yashaydi va tezroq mustaqil bo'lib olib, ularni tashlab ketishni, alohida yashashni ixtiyor qilib qoladi. Ona qanchalik o'z mehribonligini sun'iy ravishda namoyon etishga urinmasin, bola baribir ularning samimiy emasligini qalbi bilan his etadi. Ayniqsa, otasi bilan ajralishgan yoki ota tashlab ketgan holatlarda onaning bunday munosabati bolaga juda og'ir botadi.

Qattiqqo'llik - bir qarashda emotsional rad etishga o'xshaydi, lekin undan ochiqroq va og'irroqdir. Qattiqqo'llik to'g'ridan-to'g'ri bolani yoshligidan kaltaklash, haqorat qilish, kamsitish shaklida yoki bola ehtiyojlariga to'la befarqlik, uning bor-yo'qligini go'yoki sezmaslik kabi ko'rinishlarda bo'lishi mumkin. Ikkala holatda ham bola yoshligidan nima qilib bo'lsa-da, tezroq katta bo'lish, o'zi amallab tirikchiligini qilish, ota-ona tazyiqidan qutulishni o'ylab yashaydi. Bunday oilada bolani u yoki bu xulqi uchun jazolash odat tusiga kirib qoladi, bola qo'rqqanidan ota-ona hukmiga itoat etayotganligi, buning istiqbolda yomon asoratlari borligini kattalar bilmaydilar, bilsalar ham bu usul ular uchun samarali tuyuladi. Aybdorlik, aybga yarasha jazo kabi usullar bola xulq-atvorini boshqaruvchi psixologik omilga aylanadi, u ham kelajakda doimo aybdorlarni qidirishga o'rganib boradi. Z.Freyd nazariyasiga ko'ra, ana shunday jazoga hukm etilgan bola tobora agressiv bo'lib borib, o'zida alamni qaysidir bir ob'yektdan (o'zidan kichiklardan, begonalardan, hayvonlardan) olishga qasd qiladigan, qasoskor bo'lib o'sadi. Jismoniy jihatdan bolaga zug'um qilib, uni kaltaklash holatlari deyarli barcha ijtimoiy qatlam vakillariga xosdir.

Tarbiyaning asosi oila muhitidir. Bola uyda nimani ko'rsa, shunga taqlid qilib o'sadi. Oilada ota olijanob keng fe'l, bosiq, mulohazali va ozgina siyosatliroq bo'lishi, ona esa mehribon, rahmli, bolalarini behuda qarg'amaydigan va muloyim bo'lmog'i lozim. Farzandlarimizni sog'lom e'tiqodli, jismonan baquvvat qilib tarbiyalash ham ota-ona zimmasiga yuklangan. Oilaning har bir a'zosi millatning davomiyligini saqlovchi milliy va umuminsoniy qadriyatlarining rivojini ta'minlovchi, ma'naviy va jismoniy barkamol avlodni dunyoga keltirib tarbiyalovchi muqaddas makon ma'naviyat maskanidir.

Shunday qilib, insonning shaxs bo'lib shakllanishida, hayotda o'z o'rnini topish, el-yurt ichida izzat-hurmatga sazovor bo'lishida oila asosiy poydevor hisoblanadi. Oila hayotning abadiyligini davomiyligini ta'minlaydigan, muqaddas urf-odatlarimizni saqlaydigan, shu bilan birga kelajak nasllarni qanday inson bo'lib etishishiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan tarbiya o'chog'idir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. A'zamxo'jaeva E.A. “Muomala maromining yosh xususiyatlari va dinamikasi”. T.: 2002.
2. Aliqulov X. Sharq mutafakkirlari axloqi haqida. T.: 1979.
3. Asqarov I.Sh., Mamtqulova R., Norqulov H.D. “Shaxs va oila tarbiyasining pedagogikasi”. - Toshkent. 2009.

SHAXSDA HAYOTIY BARQARORLIK SHAKLLANISHI PSIXOLOGIK MUAMMO SIFATIDA

Saboxiddinova Sh.-TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrasida o'qituvchisi

Аннотация. Понятие «жизненная стабильность» широко используется в психологических исследованиях. При этом следует отметить, что при

исследования психологических процессов стрессоустойчивости человека, способов преодоления экстремальных ситуаций и развития навыков личностного развития в сложных жизненных ситуациях используются разные концепции. Все они отчасти связаны с понятием «жизненная стабильность», в первую очередь, оно отражает существующие внутренние возможности, которые человек может использовать в различных жизненных ситуациях.

Annotation. The concept of "life stability" is widely used in psychological research. At the same time, it should be noted that when studying the psychological processes of a person's stress resistance, ways to overcome extreme situations and develop personal development skills in complex life situations, different concepts are used. All of them are partly related to the concept of "life stability," first of all, it reflects the existing internal capabilities that a person can use in various life situations.

Beqaror, doimiy o'zgarib boruvchi zamonaviy hayot sharoitlari, ertangi kunga ishonchsizlik insonlarning jismoniy holati bilan bir qatorda psixik sog'lig'iga ham salbiy ta'sir qilishi ko'plab tadqiqotchilar tomonidan o'rganilgan va o'z isbotini topgan. Shaxsni stressli va muammoli vaziyatlarni psixik salomatligiga qanday ta'sir o'tkazishi va stressli vaziyatlarni qanday yengib o'tishi, bu uning hayotiy barqarorlik ko'rsatkichini qay darajada rivojlanganligiga bog'liq.

Psixologiyada qiyinchiliklar va stress holatlarni yengish muammosi turli mualliflar tomonidan o'rganilgan, lekin hozirgacha hayotiy barqarorlikning yagona nomlanishi mavjud emas. Mualliflar ko'pincha ma'nosi jihatdan yaqin bo'lgan boshqa atamalarni qo'llaydilar: yashash qobiliyati, yashash ijodi, yetuklik, koping-strategiyalar va boshqalar [1,2,3,4,5].

Hayotiy barqarorlik (inglizcha "hardiness" – "chidamlilik", "barqarorlik") muvaffaqiyatning pasayishsiz ichki muvozanatni saqlab turgan holda, stressli vaziyatlarga dosh bera olish qobiliyatidir.

Hayotiy barqarorlik atamasi ilk marotaba amerikalik psixolog Salvador Maddi tomonidan taklif etilgan. Buning kelib chiqish tarixiga nazar soladigan bo'lsak, 1975 yilda S.Maddi va uning tadqiqot guruhi "Illinois Bell" telefon kompaniyasida menejerlarni o'rganishni boshladilar. O'sha vaqtda kompaniya ish prinsipini tubdan o'zgartirdi, shu sababli xodimlar juda qattiq stressga tushishdi. 1981 va 1982 yillarda u yerda taxminan 40 mingga yaqin ishchilar ishdan bo'shatildi. Kompaniyaning 450 ga yaqin menejerlarini turli xil tibbiy va psixologik ko'rsatkichlar bo'yicha tanlab olish paytida S. Maddi keskin o'zgarishlar sharoitida xodimlarning uchdan ikki qismida G.Sel'ening stress konsepsiyasini kuzatdi yani: ularning sog'lig'i yomonlashmoqda, muvaffaqiyat darajasi pasaymoqda, yaqinlari bilan munosabatlar buzildi. Yuqori qon bosimi, migren, tushkunlik, ajralishlar va o'z joniga qasd qilish holatlari qayd etilgan. Ammo tanlanganlarning boshqa qismi bilan hamma narsa boshqacha edi. Ularning uchdan bir qismi, uzoq davom etadigan va noaniq stressli vaziyat ta'siri ostida, aksincha,

muvaffaqiyatga erishishdi. Ular o‘zlarini har qachongidan ko‘ra sog‘lomroq his qilishdi, yaqinlar bilan munosabatlarni mustahkamladilar va o‘z ishlarida qimmatli g‘oyalarni ilgari surdilar, yaxshiroq, samaraliroq ishlashdi va agar ular kompaniyani tark etsa, boshqa joylarda muvaffaqiyat qozonishdi va ba‘zilari o‘z bizneslarini ochishdi [1].

S.Maddi “muvaffaqiyatlilar” va “jarohatlanganlar” o‘rtasidagi farq nimada ekanligiga qiziqib, ikki guruh o‘rtasidagi tafovutlarni izlay boshladi. Aniqlanishicha, “muvaffaqiyatlilar” deb atalgan guruh hayotiy barqarorlikka ega va “jarohatlanganlar” hayotiy barqarorlikka ega bo‘lmagan yoki ularda uchta ustanovkaning yetishmasligi bo‘lgan: stressli vaziyatlarga nisbatan, atrof-dagilarga nisbatan alohida munosabat va maxsus transformatsion koping yoki regressiyani qo‘llash [2].

Psixologiyada zahiralalar ko‘pincha shaxsning fiziologik va tipologik xususiyatlari, kognitiv jarayonlar va shaxsiy fazilatlar, ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, moliyaviy farovonlik, olingan bilim, ko‘nikma va tajriba, shuningdek, qiyin hayot sharoitlarida zahiralarni ishlatish ko‘nikmalarini ham mustaqil zahira sifatida ko‘rib chiqilishi mumkin.

S.Xobfoll tasnifiga ko‘ra zahiralalar quyidagilarni o‘z ichiga oladi [3]:

1) moddiy ob‘ektlar (daromad, uy, kiyim-kechak, moddiy buyumlar) va moddiy bo‘lmagan (istaklar, maqsadlar);

2) tashqi (ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, oila, do‘stlar, ish, ijtimoiy mavqei) va ichki, interapersonal, o‘zgaruvchilar (o‘zini o‘zi hurmat qilish, kasbiy bilimlar, ko‘nikmalar, qobiliyat, qiziqishlar, ajoyib belgi xususiyatlar, optimizm, o‘zini o‘zi nazorat qilish, hayot qadriyatlar, e‘tiqod tizimi va boshqalar);

3) ruhiy va jismoniy sharoitlar;

4) irodaviylik, hissiy va jismoniy baquvvatlik xususiyatlari qiyin hayotiy vaziyatlarni bartaraf etish (bevosita yoki bilvosita) uchun zarur hisoblanadi yoki muhim bo‘lgan shaxsiy maqsadlarga erishish vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

Shaxsning hayotiy barqarorligi ayrim tadqiqotchilar tomonidan shaxsiy zahira sifatida, shuningdek, hayotiy vaziyatlarda tashqi zahiralardan foydalanish qobiliyati sifatida qaraladi.

“Moslashuv” ham ko‘p tarmoqli tushunchadir. Psixologik moslashuv -insonning aqliy faoliyati, uning xatti-harakati, atrof-muhit talablariga javob berishini ta‘minlash bilan birga, insonning mavjud ehtiyojlarini qondirish va ular bilan bog‘liq muhim maqsadlarni amalga oshirishga imkon beruvchi, inson faoliyatini amalga oshirishda atrof-muhit bilan muvofiqligini o‘rnatish jarayoni hamdir (F.B.Berezin).

Moslashuv jarayoni inson tanlovini amalga oshirish bilan bog‘liq bo‘lib, birinchi navbatda biologik va ijtimoiy ehtiyojlar bilan tavsiflanadi, uni psixologik ehtiyojlar, o‘zini o‘zi anglash ehtiyojlari hisobiga amalga oshirish mumkin.

“Iroda” tushunchasi psixologiyada hayotiy kuch, energiya, shu bilan birga, ijtimoiy tarbiya sifatida ham qaraladi. Iroda muammosi psixologiyada an‘anaviy tarzda

o‘z xulq-atvorini o‘zlashtirish muammosi bilan bog‘liq. L.S.Vigotskiy iroda muammosini stimullarning yangi sabablarini yaratish orqali o‘z motivlarini tashkil etish muammosi deb hisoblaydi. D.N.Uznadze irodaviy xulq-atvorning asosi sub‘ekt tomonidan yaratilgan qat‘iy munosabat (impulsiv xulq-atvorda munosabat, haqiqiy vaziyatga va mavjud ehtiyojga bog‘liq) ekanligini ta‘kidlaydi.

P.V.Simonov asarlarida iroda to‘siqlarni bartaraf etish zarurati (erkinlik refleksiya) sifatida namoyon bo‘ladi. To‘siq inson tomonidan uning erkinligini cheklash sifatida qabul qilinadi va bu uni bartaraf yetishga ikkinchi darajali ehtiyoj tug‘diradi. Muallif avvalo, inson tarbiyasi shart-sharoitlari bilan shakllangan shaxs tuzilishiga o‘zining oldingi hayoti davomida barqaror hukmronlik qiluvchi ehtiyojni nazarda tutadi. Shu bilan birga bunday ehtiyojning shakllanishida shaxsning tug‘ma mayllari, jumladan, “erkinlik refleksiya”ning o‘ziga xos ifodasi ham ma‘lum rol o‘ynaydi.

S.L.Rubinshteyn, shaxsning “salbiy sharoitga qarshilik kuchi” bilan bog‘liq bo‘lgan irodali fazilatlarini hisobga olib, “birinchi navbatda, maqsadga erishish uchun barcha to‘siqlarga qarshi kurashda, qarorni amalga oshirishda energiya va ayniqsa qat‘iyat, muhim rol o‘ynaydi”, deya ta‘kidlaydi. Zamonaviy tadqiqotlarda irodaviy xulqqa nisbatan motivlarning ixtiyoriy shakllanish jarayoni sifatida qaraladi. Insonning hayot qiyinchiliklarni bartaraf etish va ayni paytda shaxsiy rivojlanish qobiliyatini hisobga olganda, iroda endilikda irodaviy harakatlar bilan bog‘liq emas balki, shaxsning irodaviy tuzilishi bilan bog‘liq bo‘lib, unda natijalarga erishish uchun muhim sabablar, tanlovlar va maqsadli harakatlar mavjud.

Psixologik barqarorlik - bu qat‘iylik, muvozanat va qarshilik kabi alohida jihatlariga ega bo‘lgan inson sifatidir.

U shaxsning hayot qiyinchiliklari, noqulay shart-sharoitlarning salbiy bosimiga qarshi turish, turli sinovlarda sog‘ligi va mehnat qobiliyatini saqlab qolish imkonini beradi. Muallif shaxsning asosan tipologik xususiyatlarini ta‘kidlaydi.

Shaxsning psixologik barqarorligi doimiy faollik va yaxshi kayfiyat darajasini saqlab qolish qobiliyati bilan, shuningdek, ta‘sirchanlik, xilma-xil qiziqishlarning mavjudligi, qadriyatlar, maqsad va intilishlardagi soddaliklardan qochish kabi shaxsiy sifatning namoyon bo‘lishi bilan bog‘liq.

“Hayotiy barqarorlik” atamasi rus adabiyotlariga birinchi marotaba B.G.Ananev tomonidan kiritilgan bo‘lib, u insonning umumiy mehnat qobiliyatini anglatgan. B.G.Ananevning so‘zlariga ko‘ra, hayotiy barqarorlik va hayotiylikni saqlashning asosiy omili intellektual funksiyalarning mashq qilish qobiliyati hisoblanadi.

Hayotiy barqarorlik - bu insonning ijtimoiy va madaniy muhitning yomonlashayotgan sharoitida yashashga, biologik va ijtimoiy jihatdan sog‘lom nasllarni ko‘paytirish va bu boradagi istagi; shaxsga aylanish, hayotiy qarashlarning ma‘nosini shakllantirish, o‘zini namoyon etish, o‘zlikni topish, o‘z salohiyati va ijodiy

imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarishni anglanglatadi. Shu bilan birga, inson atrof-muhitni o‘zgartiradi, uni yo‘q qilmasdan hayot uchun yanada qulayroq qiladi.

Hayotiy barqarorlik, moslashuvchanlikka nisbatan kengroq atama sifatida qaraladi, chunki bu sifatning mavjudligi va uning namoyon bo‘lishi shaxs sifatida insonga xos bo‘lib, moslashuvchanlik ontogenezning ma‘lum bosqichida shaxsiy shakllanish sifatida rivojlanadi.

Hayotiy ijodkorlik - bu dunyoning kengayishi, hayotiy munosabatlarning kengayishi bilan bog‘liq bo‘lgan dunyo bilan munosabatlarni rivojlantirish va tuzatishning shaxsga yo‘naltirilgan amaliyotidir. Amaliyot sifatida, hayotiy ijodkorlik moslashuvchanlikni rivojlantirish va namoyon bo‘lishning ba‘zi jihatlari bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Shaxsiy moslashish potentsiali - insonning psixologik xususiyatlari, shu jumladan, quyidagi xususiyatlar:

-neyropsixik barqarorlikning rivojlanish darajasi stressga bardoshlilikini ta‘minlaydi (psixofiziologik daraja);

- o‘zini o‘zi boshqarishning o‘zagi bo‘lgan va faoliyat sharoitlari va ularning imkoniyatlarini idrok yetishning moslik darajasini (shaxsiy daraja) belgilaydigan shaxsning o‘zini o‘zi qadrlashi;

- boshqalar uchun o‘zini o‘zi qadrlash tuyg‘usini keltirib chiqaruvchi ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash hissi;

- ijtimoiy aloqa tajribasi;

Moslashish potentsiali ma‘lum bir ehtimollikni, shaxsiy sifatni rivojlantirish imkoniyatini - hayotiy barqarorlikni belgilaydi.

Shaxsiy potensial - bu shaxsiy kamolot darajasining ajralmas xususiyati bo‘lib, shaxs tomonidan turli hayotiy vaziyatlarni yengib o‘tishi, oxir-oqibat esa shaxsning o‘zini o‘zi yengib o‘tishi, shuningdek, o‘zi va uning hayoti sharoitida ishlashi uchun qilinadigan sa‘y-harakatlarining o‘lchovini aks ettiradi. Shaxsiy potensialni namoyon qilishning o‘ziga xos shakllaridan biri bu - shaxs tomonidan uning rivojlanishi uchun noqulay sharoitlarni yengib o‘tishidir. Ushbu noqulay sharoitlarga irsiy xususiyatlar, somatik kasalliklar yoki tashqi noqulay sharoitlar sabab bo‘lishi mumkin. Shaxsning shakllanishi uchun noqulay sharoitlar mavjud, ular haqiqatan ham halokatli tarzda rivojlanishga ta‘sir ko‘rsatishi mumkin, ammo ularning ta‘sirini bartaraf etish imkoni mavjud bo‘lib, bilvosita, to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liqlik bu tizimga qo‘shimcha o‘lchov omillarini, birinchi navbatda shaxsiy potensialga asoslangan o‘zini o‘zi aniqlashni kiritish tufayli buziladi.

Hayotiy barqarorlik tushunchasiga nisbatan ko‘proq umumiy, sub‘ektivlik tushunchasi bo‘lib, u insonning nafaqat muammoli, stressli, balki barcha hayotiy, tipik va tipik bo‘lmagan savollarni hal qilish bilangina emas, balki to‘plangan tajribani faol, ongli va maqsadli ravishda amalga oshirish qobiliyati va tayyorligini bildiradi.

Faoliyat va xatti-harakatlardagi, his qilish jarayonlarida, qarorlarni qabul qilishda sub'ektivlikning namoyon bo'lishi, birinchi navbatda, inson tomonidan o'zlashtirilgan transformatsion faoliyatning individual xususiyatlari: muammolarni shakllantirish va hal qilish xususiyatlari (aqliy yoki ob'ektiv) bilan bog'liq. Sub'ektivlikning o'ziga xos xususiyati hozirgi paytda shaxs uchun muhim bo'lgan yoki istiqbol nuqtai nazaridan tegishli bo'lgan harakatlarning faoliyatini tartibga solish funksiyalari bilan belgilanadi

Hayotiy barqarorlik yuqorida keltirilgan tushunchalar bilan kesishadi, ammo u ma'lum bir genetik qonunlarga muvofiq rivojlanib boradigan odam psixikasining alohida muhim hodisasini anglatadi. Hayotiy stress holatlarida inson psixikasining turli xususiyatlarini faollashtirishga ta'sir qiluvchi ko'p tarkibiy qismlı shaxsiy ta'limdir.

Agar inson stress holat bilan kurasha olmas ekan, unda zo'riqish yuzaga kelishi natijasida jismoniy va ruhiy salomatligini yomonlashadi.

Maddi nazariyasiga asosan, hayotiy barqarorlik o'z ichiga ruhiy va faoliyat taraflarni oladi. Faoliyat tarafi deganda maqsadga erishishga yo'naltirilgan harakatlar tushuniladi. Ruhiy tomoni hayotiy barqaror kishilar o'rtasidagi munosabatlar xarakterini o'zgartirishi mumkinligini ko'zda tutadi. Ular yanada dilkash, kirishimli, ochiq, sog'lom o'zaro munosabatlarni yaratish imkonini qo'lga kiritadilar, sevgi-muhabbatni boshdan kechirishga qodir bo'ladilar. Ularda hayotga va o'zlarini o'rab turgan odamlarga qiziqish rivojlanadi. Ular boshqalardan har doim yordam olishlari mumkinligini sezadilar [1,2].

Optimizm va hayotiy barqarorlik o'rtasida o'zaro bog'liqlik kuzatilmagan. Biroq, tadqiqotlar hayotiy barqarorlik optimizmdan ko'ra, murakkab holatni yengishda katta o'rin egallaydi. Shunday qilib, hayotiy barqarorlik ko'proq real xislat bo'lib, u yuzaga kelgan holatni yetarlicha sovuqqonlik bilan va aniq tahlil qiladi.

Maddining fikricha, hayotiy barqaror kishilar yakka-shaxs tashkilotini hayotiy barqarorlikka aylantirishlari mumkin. Agar individual darajada hayotiy barqarorlikni qo'shilish, nazorat va xavfni qabul qilish kabi ustanovkalar tavsiflasa, guruh darajasida ishonch, ijodkorlik va kooperatsiya belgilaydi.

Shunday qilib, hayotiy barqarorlikni yengib o'tishning asosiy zahirasi sifatida, subyektning murakkab, qiyin vaziyatlarda manfaatdor qatnashishga, mazkur holatni nazorat qila olishi, nazoratni boshqarishi, yangi, noma'lum narsalardan, maqsadga yetishish yo'lida yuzaga keladigan qiyinchiliklardan qo'rqmasligi, tavakkal qilishni bilishga qodir va tayyorligi kabilar bilan belgilanishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. С.Р.Мадди “Теории личности: сравнительный анализ”. Пер. с англ. –СПб., 2002. -567 ст.
2. D.Khoshaba, S.Maddi “Early Antecedents of Hardiness”. Consulting Psychology Journal. –Spring 1999. –Vol. 51, (n2). –p. 106-117
3. Endler N.S & Parker J.D.A. Coping Inventory for stressful Situations (CISS)-Manual-Toronto, Canada: Multi-Health System, Inc.,1990

EKZISTENSIONAL PSIXOLOGIYADA SHAXS MASALALARINING TALQIN QILINISHI

Urazbayeva D.A.-UrDU dotsenti

Radjapova I.E UrDU Psixologiya mutaxassisligi magistranti

Аннотация. В статье рассматриваются научные идеи и теоретические подходы экзистенциалистов к изучению проблем личности.

Annotation. This article discusses the scientific ideas and theoretical approaches of existentialists in the study of personality issues.

Bugungi kunda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar markazida shaxs barkamolligi, komil inson g'oyasi turar ekan, bu masalalarni psixologik tomondan yoritilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Bu o'rinda zamonaviy psixologiya yo'nalishlarining shaxs shakllanishi va rivojlanishi muammosiga qaratilgan ishlarini tadqiq qilish, shaxs va uning jamiyat bilan munosabatlarida muvafaqiyatli hamkorligi, inson shaxsining ma'naviy barkamolligi, turli hayotiy qiyinchilik va inqirozlarda adekvat yechim qidirishi hamda topa olish ko'nikmalarini rivojlanishiga xizmat qilishi shubhasiz. Psixologiyada shaxs masalalarini o'rganishga qaratilgan bir qancha nazariyalar mavjud bo'lib, har bir nazariya ushbu muammoga o'z tadqiqot predmeti bo'yicha yondashadi. Jumladan, ekzistensial nazariya o'ziga xos yondashuv uslubiga ega bo'lib, mazkur konsepsiya markazida shaxs hayotining mazmuni turadi.

"Ekzistensiya" tushunchasi "paydo bo'lish", "vujudga kelish", "shakllanish" ma'nolarini anglatadi [1].

Unda odam psixodinamik mexanizmlari, xulq-atvor shakli, tabiiy va shaxsiy sifatlarining statik to'plami sifatida emas, balki doim bor bo'lgan va bo'luvchi mavjudot sifatida asosiy rol o'ynaydi.

Psixologiyada ekzistensial yo'nalish XX asrning birinchi yarmida Evropada vujudga kelgan bo'lib, Karl Yaspers, Lyudvig Binsvanger, Medard Boss, Viktor Frankl kabilar yo'nalish rivojlanishiga katta hissa qo'shganlar.

Ekzistensial psixologiya – (lotincha existensiya –mavjud bo'lish) ekzistensializm falsafasi negizida vujudga kelgan bo'lib, konkret inson shaxsiy tajribasining umumiy sxemasi noyobligini o'rganuvchi psixologiya sohasi [2.,5].

Uning amaliy qismi sifatida ekzistensial psixoterapiya turadi hamda ekzistensial psixologiya gumanistik psixologiya yo'nalishiga kiradi. Bu yo'nalishning vujudga kelishiga ekzistensializm falsafasi vakillaridan Seryon Kerkegor, Martin Xaydegger, Jan Pol Sartr va fenomenologik psixologiya vakili Edmund Gusserl o'z hissasini qo'shganlar. Ekzistensializm faylasuflari Yaspers, Xaydegger, Sartr, Kamyu ilohiy kuchga, insondagi ruhiy kuchga oxirgi tayanch nuqtasi sifatida murojaat qilganlar.

“Ekzistensial falsafa” tushunchasi nemis faylasufi va psixologi Karl Yaspers tomonidan 1931 yili “Vaqtning ruhiy vaziyati” asarida keltirilgan, 1938 yilda aynan shu

tushuncha yoritilgan butun asar yozgan hamda K.Yaspers ekzistensial falsafaga asos solgan olim sifatida Kerkegorni ko'rsatadi [4].

Psixologiyaga ekzistensial psixologiya yondashuvi nemis faylasufi va psixologi Karl Yaspers tomonidan kirib kelgan bo'lib, “Umumiy psixopatologiya” (1919), “Tarixning ahamiyati va mazmuni” (1949) kabi asarlari psixiatriyadagi mavjud metodologiya va yondashuvlarni qayta ko'rib chiqishga yo'naltirilgan.

Ekzistensial psixologiya quyidagi masalalarni o'rganadi:

1. O'lim, hayot va vaqt muammolarini;
2. Tanlash va javobgarlik erkinligi muammolarini;
3. Yolg'izlik, sevgi va muloqot muammolarini;
4. Mavjudlikning mazmunini qidirish muammolarini [4].

Ekzistensial psixologiyaning asosiy predmeti – odamzod hayotining mazmuni, uni yo'qotish, o'zgartirish va erishishning shart-sharoitlarini o'rganishi adabiyotlarda keltirilgan [1].

Ekzistensializmning markaziy tushunchalaridan biri ekzistensiya hisoblanib, ekzistensiya bu - inson borlig'i obekt va subekt butunligining bo'linmas, parchalanmas ekanligidir [4]. Mazkur nazariya bo'yicha shaxs o'zini ekzistensiya sifatida anglab, o'z mavjudligi va o'zida tanlovga ega bo'lgan ozodlikni yaratadi. Ozodlikni tanlash esa individda dunyoda sodir bo'layotgan barcha hodisalarga nisbatan mas'uliyatni paydo qiladi.

Ekzistensiya – bu insonni o'zini oldindan berilgan reja orqali emas, balki mustaqil, o'zining xususiy ichki dunyosini kashf qiladigan insoniy “Men”i hisoblanadi. Shaxs ekzistensiyasi tushunchasi “Men”ning boshqalar bilan muloqoti asosida vujudga keladigan o'z-o'zini loyihalash, o'z-o'zini integratsiyalash, o'z-o'zini refleksiya qilish jarayoni sifatida tushuniladi.

Ekzistensiya (mavjudlik) – bu bema'ni (maqsadsiz, zavq-shavqsiz) hayot emas, statistikmas, balki dinamik jarayondir [5]. Shuningdek, bunda autentik tushunchasiga ham alohida e'tibor berilgan.

Shaxsga gumanistik yondashuvning ekzistensial orientatsiyasi quyidagi yo'nalishlarda aks etadi:

Gumanistik psixologiya: Abraxam Maslou (1908-1970);

Ekzistensial yondashuv: Rollo Mey (1909-1994);

Shaxsga markazlashgan yondashuv: Karl Rodjers (1902-1987);

Logoterapiya, mazmun nazariyasi: Viktor Frankl (1905-1997)

Ekzistensial psixologiyaning g'oyalari sifatida quyidagilar keltiriladi:

-Insonning erkin irodasi unga doimiy rivojlanishda bo'lishga yordam beradi;

-O'z ichki dunyosini bilish- shaxsning asosiy ehtiyojidir;

-O'z o'limini anglash va bu haqiqatni qabul qilish – shaxsda mavjud bo'lgan ijodkorlikni ochish uchun kuchli resursdir [2].

Ekzistensial psixologiyada ekzistensial xavotir tushunchasi ham keltirilgan bo'lib, bu - mazmunsiz, deb hisoblangan borliqdan xususiy noyob mazmunni qidirish mexanizmini ishga tushiradi. Yuqoridagilardan kelib chiqib aytish mumkinki, ekzistensializmning tamoyillari quyidagilarda aks etadi:

1. Insonga muvofiq holda uning mavjudligi uning mohiyatidan oldin keladi. Inson o'zini o'zi inson qiladi. U o'zining mohiyatini butun hayoti davomida kashf qila boradi.

2. Inson borlig'i - bu erkin yashash tarzidir. Erkinlik bu “ruh erkinligi” emas, “tanlov erkinligi”dir. Ko'pincha insonlar o'zlarining erkinligini anglashdan qochib, chinakamiga “hayotda boshqariladigan” tarzda yashashni ma'qul ko'radilar.

3. Insonning mavjudligi o'ziga mas'uliyatni qamrab oladi: nafaqat o'zi uchun, balki atrofdagilar uchun, erkinlikka interpretatsiya qilingan dunyo yaxlitdir: qanday harakat qilishga qaror qabul qila turib inson ham hayotga, ham o'ziga u yoki bu xususiyatli inson bo'lishni tanlaydi.

4. Vaqtinchalik va tugallangan mavjudlik. Inson mavjudligi – o'limga murojat qiladigan borliqdir.

Ekzistensial psixolog va psixoterapevt Rollo Mey bo'yicha ekzistensializm bu shunchaki falsafiy yo'nalish emas, aniqrog'i zamonaviy insonni chuqur emotsional va ruhiy o'lchashga qaratilgan madaniy yo'nalishdir. Unga ko'ra: inson o'zining mavjudligi uchun o'zi javobgar. Inson asl o'zi bo'lishni hohlasa, o'zini anglashi va o'zi uchun o'zi mas'ul bo'lishi kerak [1].

Ekzistensial tahlilchilar dunyoni 3 ta modusga ajratadilar:

Umwelt - atrofdagi, tashqi dunyo – moddiy- “biologik” va “jismoniy” dunyo, insonni tashqi muhit, ob'ektlar dunyosi o'rab olgan.

Mitwelt - dunyo bilan – bir turdagi olam, insonga yaqin turuvchi odamlar dunyosi, ba'zan almashinib turadigan insonlar o'rtasidagi yaqin shaxslararo munosabatlar dunyosi.

Eigenwelt– o'z dunyosi – o'zlik dunyosi, o'z-o'zini anglash va o'z-o'zini mohiyatini qadrlash dunyosi, “o'zim uchun” dunyo.

Dunyoni bunday tushunish ko'pincha bir dunyoni tanlash, boshqasini yo'qolishi evaziga sodir bo'lishi ekzistensial psixologiyaning asosiy g'oyalaridan biridir.

Shvetsariyalik psixiatrlar Lyudvig Binsvanger va Medard Bosslar o'z konsepsiyasini nemis faylasufi Martin Xaydeggerning ekzistensial nazariyasi asosida ishlab chiqishgan [3].

L.Binsvanger: “ekzistensial tahlil aniqlangan borliqdagi fundamental sharoitlar haqida ontologik tezisni taklif qilmaydi, u ekzistensiyaning konfiguratsiyasi va shakliga xos reallikda mavjud bo'lgan aniq ma'lumotlarni beradi”.

Shveysariyalik Merard Boss ishlari: “Seksual perverziyalarning ahamiyati va tarkibi” (1949), “Psixosomatik tibbiyotga kirish” (1954), “Tushlarning tahlili” (1953), “Psixoanaliz va Daisen analiz” (1957). Bu ishlar yangi ekzistensial terapiyaning asosini

rivojlantirishga xizmat qilishga qaratilgan, dazayn-analiz (dasein analys) Binsvanger analiziga yaqin bo‘lsada, ko‘p jihatdan Z.Freyd konsepsiyasiga o‘xshab ketadi.

Binsvanger va Boss fikricha, inson hayotida hech qanday sabab - oqibatga asoslangan munosabatlar yo‘q. Asosan, xulq-atvorning ketma-ketligi mavjud bo‘lib, bu ketma-ketlik orqali sababiylikni keltirib chiqarib bo‘lmaydi. Binsvanger va Boss talqinidagi ekzistensial psixologiya kauzallikni rad etgan holda, pozitivizm, determinizm va materializmni ham inkor qiladi. Ularning fikricha, psixologiya boshqa fanlarga o‘xshamaydi va ular kabi model asosida qurilishi kerak emas. U o‘z metodini (fenomenologiya) va tushunchalarini (hayotdagi mavjudlik, mavjudlik moduslari, erkinlik, ma’suliyat, aylanish, transendensiya, makoniylik, temporallik va b.q.) talab qiladi.

Bu tadqiqotchilar har qanday psixologik nazariyalarga salbiy munosabatda bo‘lganlar, zero, nazariya ostida doim u yoki bu faraz yotadi, mazkur olimlar uchun esa inson tomondan his qilingan, uning boshidan o‘tgan va anglab yetilgan hodisalar haqiqiydir, ilmiy farazlar emas.

Olimlar nuqtai nazariga ko‘ra, insonlar bilan buyum kabi munosabatda bo‘lganda, ular ham o‘zlarini ega bo‘lish, nazorat qilish, forma berish, ishlatish mumkin bo‘lgan buyum deb, hisoblay boshlashadi. Natijada bunday insonlar haqiqiy inson hayotini yashab o‘tishga qodir bo‘lmay qoladilar. Inson o‘z hatti-harakati uchun erkin va ma’suldir. Boss aytadiki, erk bu insonlar ega bo‘lgan nimadir emas, bu shundoq ham mavjud hodisa.

Binsvanger va Boss ekzistensial falsafaisda juda katta o‘rin inson o‘limi mavzusiga ajratilgan. Mazkur mutaxassislar asarlarida o‘lim oldidan qo‘rquv hayot masalasidan kam o‘rganilmagan.

Binsvanger va Boss konsepsiyasining fundamental tushunchasi “dunyoda mavjudlik” (Dasein) dir. Ularni fikriga ko‘ra inson mavjudigi dunyosining 3 darajasi bor:

- 1) bilogik yoki jismoniy atrof-muhit (landshaft);
- 2) insoniyat muhiti;
- 3) insonning o‘zi, uning tanasi.

Fransuz ekzistensialisti Sartr jamiyatga foyda keltiruvchi faoliyatni erkinlik deb ataydi. Insonning ichki olamidagi uning ichki mohiyatidan kelib chiqadi va faqat ayrim vaziyatlarda namoyon bo‘ladi. Bu vazifalarni ekzistensialistlar chegaradosh vaziyat deb ataganlar. Bu o‘lim va hayot o‘rtasidagi chegaradir. Bunday vaziyatlarda biz hayotimizda nihoyatda kam tushib qolishimiz mumkin (masalan, urushda qatnashish yoki qochoqlik qilish). Erkinlik shunday chegaradosh vaziyatlarda insonga o‘zining aktiv faoliyatini va asl ichki qiyofasini ochishga yordam beradi.

Psixologiyada V. Frankl yaratgan ekzistensial tahlil va logoterapiya nazariyasi odam tabiatiga, shaxsning normal rivojining mexanizmlari va patologiya

(g‘ayritabiiylik)ga, shaxs rivojidagi anomallarni yaxshilash yo‘li va uslubiga bo‘lgan tibbiy, falsafiy va psixologik qarashlarning murakkab tizimini o‘z ichigi oladi.

Psixolog Franklning nazariyasi uch asosiy qismga bo‘linadi:

- mazmunga intilish haqidagi ta‘limot,
- hayot mazmuni haqidagi ta‘limot va
- erkinlik irodasi haqidagi ta‘limot [2].

Mazmunga intilishni va odam o‘z hayotining mazmunini anglashini V.Frankl barcha insonlarda mavjud bo‘lgan va shaxs rivoji va fe‘l-atvorini harakatga keltiruvchi asosiy kuch bo‘lgan tug‘ma motivatsion g‘oya sifatida ko‘rib chiqadi.

Inson o‘zgartirishga qodir bo‘lmagan sharoitlar iskanjasida qolganda munosabatlar qadriyatiga murojaat qiladi. O‘z asarlarida Frankl butun hayotning ma‘nosi emas, balki muayyan insonning muayyan momentdagi hayotining ma‘nosi masalasi muhim ekanligini ta‘kidlaydi. Insonning qanday qilib o‘z mohiyatini anglashi logoterapiya amaliyotida hal qiluvchi masaladir.

V.Frankl fikricha, ma‘nolar bizga berilmagan, biz o‘zimizga ma‘nolarni tanlab ololmaymiz, biz faqatgina ma‘noni anglab etishga zamin yaratuvchi chorlovni tanlashimiz mumkin. Biroq, ma‘noni toppish bu yarim ish; uni amalga oshirish ham kerak. Inson o‘z hayotining unikal ma‘nosini amalga oshirishga ma‘sul.

V.Franklning uchinchi ta‘limoti - iroda erkinligi haqidagi ta‘limotning asosiy tezisiga ko‘ra, inson hattoki erki obyektiv sharoitlar bilan chegaralangan holatda ham o‘z hayot m‘anosini topishi va amalga oshirishga erkindir. Frankl insonning o‘z qiziqishlari, irsiyati va tashqi muhit sharoitlariga nisbatan erki haqida so‘z yuritadi.

Ko‘pgina mualliflar asarlarida Viktor Frankl ma‘no va be‘manolik masalasiga eng katta hissa qo‘shganligi ta‘kidlanadi. U klinik amaliyotda uchraydigan nervozlarning 20% noogen xususiyatga ega ekanligi ya‘ni hayot ma‘nosining yo‘qligi orqali vujudga kelganligiga alohida urg‘u beradi [2].

Viktor Frankl 1942-1945 yillarda nemislar konslagerida dahshatlarni boshdan kechirgan. Asosiy ishi “Inson mazmuni izlash yo‘lida” (1959) hozirgacha ekzistensial psixoterapiya ishlaridagi eng ko‘p o‘qiladigan ish.

Frankl shunday yozadi:” Bo‘lg‘usi yosh olim sifatida men qayg‘uning do‘zaxidan o‘tdim, nigilizm orqali yaqqol mazmunsiz hayotni yengib o‘tdim. Vaqti-vaqti bilan men nigilizmga qarshi immunitet ishlab chiqishga muvaffaq bo‘ldim. Shunday tarzda men logoterapiyani yaratdim”.

V.Franklning fikriga ko‘ra, inson hayotining ma‘nosi va mazmunini insonparvarlashtirish uchun odamlar insoniyat oldidagi o‘z mas‘uliyatlarini yaxshi anglab olishlari zarur [2].

Mas‘uliyat tushunchasi o‘ziga burch, majburiyat haqidagi tasavvurlarni qamrab oladi. Insoniy burchni faqat hayotning ma‘nosini, uning o‘ziga xos ziddiyatli tomonlarini tushunib olish orqaligina tasavvur qilish mumkin.

V.Franklning fikricha, "Yaxshi inson" — "nevrotik shaxs" emas, buzg'unchi konformist xam emas, balki individual, o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan, ko'proq fikr-muloxaza yuritadigan, o'ziga ishonadigan, yangilik kashf etadigan, bunday tajribalarni o'tkazish uchun zarur bilimga ega bo'lgan qobiliyatli kishidir.

Inson xayotining ma'nosi uning so'zi bilan emas, balki ishi bilan belgilanadi.

Kishilar turmushini sermazmun bo'lishiga qaratilgan sa'yi-xarakati bilan o'lchanadi [2].

V.Franklning ta'kidlashicha, o'z xayotining ma'nosini sermazmun qilishga intilgan har bir kishi o'ziga quyidagi uchta muxim savolni bermog'i zarur:

-men xayotga nima berdim? (ijodiy faoliyat ma'nosida);

-men bu dunyodan nima olaman? (qadriyatlarni saqlab qolish ma'nosida);

-mening o'zgartirishga qodir bo'lmagan kishilar taqdiriga munosabatim va bu boradagi pozitsiyam qanday?

Ana shu savollarga javob berishga intilish — inson xayotining mazmunini tashkil etadi va insonning oxirgi nafasiga qadar saqlanib qoladi [2].

Аннотация. Согласно социологическому опросу, проведенному в нескольких странах мира, телевизионные новости служат основным источником информации для семидесяти процентов человечества. Реклама в статье, изображающая несовершеннолетних, потребляющих или использующих товары, предназначенные только для несовершеннолетних или запрещенные для несовершеннолетних, реклама, призывающая несовершеннолетних покупать или обращаться к третьим лицам в отношении рекламируемой продукции, а также реклама использования настоящего или игрушечного оружия запрещено законом.

Annotation. According to a social survey conducted in several countries around the world, television news serves as the main source of information for seventy percent of humanity. Advertisements in the article depicting minors consuming or using products intended only for minors or prohibited for minors, advertisements urging minors to purchase or apply to third parties for the advertised product, and advertisements for the use of real or toy weapons The presence of spectators is also prohibited by law.

Бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатларида рўй бераётган воқеа ҳодисалар ҳақида турли ахборот воситалари орқали тез фурсатда хабардор бўлиш мумкин. Телевидение халқаро аудиториянинг маълумотга бўлган эҳтиёжини

кондиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий телеэкран орқали томошабин янгилик ёки хабарни эшитиш ҳамда ундаги жараённи кўриш имкониятига эга бўлади. Дунёнинг бир қанча давлатларида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, телеянгиликлар инсониятнинг етмиш фоизи учун асосий маълумот манбаи сифатида хизмат қилади. Бу эса ахборот дастурлари бош муҳаррирлари, жамоада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, жумладан, бошловчига жиддий масъулият юклайди. Ахборотни тезкор ва ишончли етказиш, томошабин дунёқарашини шакллантириш, телеянгиликлар дастурининг оммабоплик даражасини таъминлаш ва визуал яхлитликни ҳосил қилишда етакчилардан бири айнан телебошловчи саналади. У кўрсатувда видеолавҳаларни таништириш билан чекланмай, томошабинлар эътиборини ўзига тортиш орқали кадрдаги хатти-ҳаракати субъективлашади ва шунда воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ривожини экранда намоён бўлади.

Ахборот технологиялари инсониятнинг ҳаёт тарзи, таълим ва меҳнат жараёнлари, оилавий муносабатлари ҳамда давлатнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро алоқасида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Жамият ахборотлашувининг жадаллашуви ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, болаларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилишни тақозо этмоқда. Айниқса, ахборот хуружларининг турли кўринишларидан ўсиб келаётган авлодни ҳимоя қилиш, болаларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда юзага келган қатор тенденциялар кишилик жамиятининг турли соҳаларини тубдан ўзгартириш, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш ва таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларини тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Ахборот ҳажми, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг технологик имкониятлари кенгайиб бориши улардан жамиятнинг барча тармоқларида фойдаланишга замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу тармоқларда хусусан, таълим-тарбия жараёнларида ҳам ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш масаласини келтириб чиқармоқда. Шу боис болаларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш технологиясини такомиллаштириш ва бу орқали ўқувчиларни турли ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Сир эмаски, кундан-кунга болалар ва ўсмирлар аудиториясига мўлжалланган рекламалар сони, айниқса, болалар телеканаллари ва ОАВда ортиб бормоқда. Дунёнинг кўпгина давлатлари рекламанинг болаларга салбий таъсири билан курашмоқда ва товарлар маркетингининг ёшларга таъсирини чеклаш бўйича қарорлар қабул қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг озиқ-овқат, жисмоний фаоллик ва соғлиқни сақлаш бўйича Глобал стратегиясида ҳам соғлиқ учун зарарли ва фойдаси кам бўлган маҳсулотлар тарғиботи рағбатлантирилмаслиги маълум қилинган. Айрим ўринларда телевидение орқали болалар учун намоёниш этиладиган барча

кўрсатувларни ҳам биз болалар тарбияси учун фойдали дейишдан йироқмиз. Бу ўринда телевидения орқали намойиш этиладиган рекламаларга эътибор қаратсак.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” Қонунида болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламани ахборотга татбиқ этилмаслиги белгиланган. Фақат вояга етганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама, вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи рекламалар ва **ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан** фойдаланилган рекламалар ҳам қонун билан тақиқланади. Шунингдек, асосан болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш ҳам тақиқланган.

Айрим давлатларда теле- ва радио каналлар эфирлари учун махсус кодекслар мавжуд бўлиб, уларга мувофиқ, болаларга бўрттирилган рекламани тарқатиш, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларига кўра болаларни чалғитадиган, алдайдиган, уларнинг ишончини суиистеъмол қиладиган рекламаларни жойлаштириш мумкин эмас.

Дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакати, хусусан Австралия, Малайзия, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ва Европанинг кўплаб давлатларида болалар учун мўлжалланган телевидениядаги рекламаларга маълум чекловлар ўрнатилган миллий қонун ҳужжатлари мавжуд. Мазкур ҳужжатларда одатда вақт бўйича ёки дастурлар турларига, ёхуд аниқ маркетинг усулларида, хусусан мультфильм персонажларидан фойдаланишга чекловлар ўрнатилган. Масалан Буюк Британияда – болалар каналларида ёки улар учун мўлжалланган кўрсатувларда, болалар аудиторияси учун мўлжалланмаган рекламаларни жойлаштириш тақиқланади, кўрсатувлар танаффусида болаларга мўлжалланмаган кўрсатувлар анонси, шунингдек почта, электрон почта, телефон ёки алоқа воситалари орқали буюртма бериш мумкин бўлган рекламаларни жойлаштириш мумкин эмас.

Нигерия ва Таиландда болалар аудиториясига йўналтирилган барча реклама миллий давлат органи томонидан рухсат этилган бўлиши лозим. Австралия, Филиппин, Таиланд ва Буюк Британияда озиқ-овқат рекламасида ёлғон маълумотларни тақиқловчи қоида амал қилади, Франция қонунчилигида эса телевидение ва радиода озиқ-овқат рекламасини соғлом овқатланишнинг фойдаси тўғрисидаги хабар билан бирга жойлаштирилиши белгиланган.

Хитой, Дания, Финляндия, Малайзия, Жанубий Корея, Руминия ва Буюк Британияда соғлом овқатланишни рағбатлантирувчи ва овқат ўрнини босувчи сифатида газакларни (картошка чипслари, крекер ва бошқалар) реклама

килинишини тақиқловчи қоидалар амал қилади. Норвегия, Канада (айрим ҳудудларида) ва Швецияда болаларга мўлжалланган телекўрсатувларида ҳар қандай рекламаларнинг намойиши тақиқланган.

Бельгия, Вьетнам, Португалия, Канада ва Германиянинг баъзи ҳудудларидаги мактабларда ҳар қандай шаклдаги рекламаларни жойлаштириш ҳам рухсат этилмаган. Финляндия, Франция, Греция ва Люксембург давлатларида эса агар реклама таълим олишга қаратилмаган бўлса, мактаб ҳудудида уни жойлаштириш ман этилган.

Мазкур масала жуда ҳам долзарб, реклама саноатини ривожланиши билан болалар ёки ўсмирлар аудиториясини у ёки бу рекламанинг салбий ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Чунки, реклама болаларга, уларнинг турмуш тарзига, ўзини тутиши, одатлари ва диди, қарашларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ва албатта, бунда ота-оналарнинг ўрни бўлиши ва улар болалар учун намуна бўлиши керак. Асосийси, болаларни реклама таъсири билан курашишга, ҳеч бўлмаганда рекламада жойлаштирилаётган маълумотларни қай бири яхши, қайси ёмонлиги тўғрисида тушунтириб бориш орқали уларга ёрдам бериш муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хўжайев Н., Исмоилова У. Таълим ва тарбияда педагогика фанининг роли. // Иқтисод ва таълим, 2003. 3-сон, 149-б.
2. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Педагогика. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎЗМУ, 2005
3. Зиёмухамедов Б. Педагогика. -Т.: “Турон-Иқбол”, 2006.
4. Зиёмухамедов Б. Комилликка элтувчи китоб. -Т.: “Турон-иқбол”, 2006
5. Каджаспирова Г.М. Педагогика. Учебник. -Москва: “Гордарика”, 2004

ШАРҚ ПСИХОЛОГИЯСИДА БОЛАНING КОМИЛЛИККА ЭРИШИШИДА ЕТАКЧИ ОМИЛЛАР

Сапаров М.Ю. – ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Данная статья посвящается вопросам развития личности ребенка, основывается в стремлении к гармоничной развитости. В статье также приведены толкование понятий интеллекта, ума и мышления во взглядах ученых.

Annotation. This article is based on forming humanity of a child and striving to perfection. Theories and thoughts of scientists about child’s consciousness, intellect, mind, understandings and interests are given in the text of article.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан қуйидаги масалага алоҳида урғу бериб ўтилган “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига

ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

Қадимдан халқимиздан буюк сиймоларнинг етишиб чиққанлигига эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ота-боболаримиз алоҳида зехнли, истеъдодли, қобилиятли болаларни умумбилим олаётган болалардан алоҳида ажратиб олаётганлиги диққатга сазовор.

Таниқли маърифатпарвар Абдурауф Фитрат айтгандек, “Агар бир мамлакат аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”. Ҳар бир жараён тарбияга боғлиқ ҳолда олиб борилади. Чунки азал азалдан тарбия масаласига Шарқ алломалари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келган. Халқимизни буюклиги шубҳасиз уни ирсий заҳирасини бойлигида эканлиги XXI-асрга келиб ҳам ёшларимиз орасидан Ибн Сино, Ал Беруний, Ал Хоразимий, Имом Бухорий каби беназир ватандошларимизга муносиб издошлар етишиб чиқиб дунёни лол қолдириб келаётганида акс этади.

Қадимда халқимиз қобилиятли, зехинли, лаёқатли ва истеъдодли ёшларга алоҳида эътибор билан қараб уларни ҳар томонлама камол топишларига имкон қадар имкониятлар яратиб келишганлигига тарихимиз гувоҳ десак хато бўлмайди.

Ёшларни маълум соҳада катта ютуқларга эришиш учун эътибор билан бир қаторда катталарни муносабатида латифлик бўлиши лозимлиги миллий педагогикамизда бу масалага алоҳида урғу берилган. Катта авлодни муносабатидаги латифлилик ёшларни яширин имкониятларини лаёқатга, лаёқатни эса ўз навбатида қобилиятли фаолиятга ундаш орқали иқдидорни намоён бўлишига сабаб бўлади.

Кундан – кунга ривожланиб бораётган мамлакатимизда етук истеъдодли кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларидан бири - ўсиб келаётган ёш авлод орасидан истеъдодли, қобилиятли болаларни саралаш, уларни замонавий мактабларда бойитилган, мазмунли дастурлар асосида ўқитиш, уларга кенг имкониятлар яратиш ва қисқа муддатда турли соҳалари учун малакали мутахассисларни етиштиришдир.

Замонамизнинг олими профессор Э.Ғ.Ғозиев “Шахс камолот ва комиллик даражасига эришишда ақл, зехн ва қобилиятларни ҳамоҳанг тарзда мувофиқлаштириш лозим ва муҳим” деб таъкидлаб ўтади. Маълумки инсоният ўзининг ижтимоий тараққиёт жараёни давомида иқтидори, қобилияти ёки ижодий изланиши маҳсули бўлган ғоя ҳам мулк эканлигини аниқ ва равшан англаб етди. Интеллектуал мулк деб аталадиган бу бойлик, турли соҳаларнинг турлича кўринишларида ўз ифодасини топмасин, лекин у жамият тараққиётининг ривожига шахс томонидан қўшилаётган асосий омили, маънавий ва моддий бойлигидир.

Шу сабабли бугунги кунда ахлоқан соф, мантиқий тафаккури кучли, ақлий маданияти юқори бўлган ўқувчиларга эътиборни кучайтириш, уларни махсус ўқитиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир. Келажак авлод, жамият тақдирини айнан шундай истеъдодли, зукко фарзандлар белгилайди. Шундай экан, таълим муассасалари ўқувчилари орасидан асосли равишда иқтидорлиларини танлаб, уларни лаёқати, қобилияти ва қизиқиш йўналишларига қараб у ёки бу соҳага, касб-ҳунарга тўғри йўналтириш умумтаълим тизими психолог мутахассисларининг олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Бу айниқса, умумтаълим мактабларида ўқиш жараёнида бошқа болалардан ўзининг у ёки бу шахсий сифатлари билан ажралиб турадиган болаларда яққол кўринади. Мактаб психолоғни асосий вазифаларидан бири иқтидорли болаларни саралаш, улар билан ишлаш, қизиқишлари, қобилиятларини ўрганиш, иқтидорлиликни ривожлантиришдир.

Шу ўринда умумий ўрта таълим муассасаларида билим олаётган иқтидорли болалар билан олиб борилиши лозим бўлган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб, уларга хос бўлган хусусиятларни қисман бўлсада кўрсатиб ўтишни лозим деб топдик. Замонамизни забардас психолоғларидан бири, психология фанлари доктори профессор Б. Р. Қодировни такидлашча; “Иқди – ер, дор – бор яъни иқтидор сўзини таржимаси “Ери бор”, “Ердор” бўлади. Ўтган асрни ўн еттинчи йилида амалга оширилган инқилоб натижасида “тадбиркор”, “мулкдор” каби атамалар билан бир қаторда “иқтидор” атамаси ҳам лаҳжамиздан ўчириб ташланди.

Мустақилликни шарофати билан тилимизга давлат тили мақоми берилгандан сўнг кўпгина умум башарият томонида қабул қилинган атамаларга ўзбекона тўнг кийдирила бошланди. Мисол учун “тайёрагоҳ”, “овознигор”, “ноҳия” ва ҳоказолар қаторида “иқтидор” атамаси ҳам кириб келди.

Иқтидорли деб – яширин ва намоён ўзига хос имконияти бор, илғор фикрини изоҳлай оладиган одамга айтилади. Иқтидор илмий категория сифатида талқин этила бошланди. Иқтидор қобилиятдан дарак берувчи шахсни ўзига хос хусусияти хисобланади.

Қобилият – заҳиравий имкониятлари асосида хосил бўлган имконият мажмуаси. Қобилият шахсни заҳиравий имкониятлари сифатида бош миёда сақланиб тураверади маълум бир зарурат ёки вазият таъсирида кутилмаганда юзага чиқиши мумкин шуни ҳам таъкидлаш лозимки у туғма бўлмайди. Турли вазиятларга нисбатан тўғри қарорларни қабул қилиш ва мувофақиятга эришишда шахсни қобилияти намоён бўлади.

Лаёқат деб – шахсни фаолиятга бўлган мойиллик (қизиқиш) фаолияти (интилиш) га айтилади. Мисол тариқасида; ўғил бола машинага қизиқани учун уни бузиши ва яна қайта тамирлаши жараёни фаолиятга йўналганлик мойиллик деб

шархлаш мумкин. Демак лаёқатни ундовчи мотив вазифасини ўтайди. Айнан қобилият лаёқат юзага келтиришини психологлар таъкидлаб келишган. Ҳунарманд уста шогирдларини фаолиятини кузатиши асносида лаёқатлигини танлаб олади. Уста танлов жараёнида шогирдликка даъвогарларни фаолияти орқали касб-ҳунарга бўлган лаёқати, қизиқиши, иқтидори ва қобилиятига баҳо беради.

Мактаб психологи иқтидорли болаларни имкониятини аниқлаш учун асосан психологияда кенг қўлланиб келинаётган кузатиш ва суҳбат усуларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар иккала усулни амалда қўллаш жараёнида аниқ мақсадни белгилаб олиб, боланинг руҳий ҳолатига таъсир этмаган ҳолда касб этикасига амал қилиши лозим бўлади. Бунинг учун яширин кузатиш усулидан шундай фойдаланиш лозимки бола кузатилаётганини сезмаслиги лозим. Суҳбат усули диалогни йўналишини қўллаш жараёнида психолог имкон даражасида бирор болага урғу бераётганини намоён этмаслиги шарт. Кузатиш ва суҳбат усулидан олинган натижа ва хулосаларни ўқувчига кўпчилик олдида баён қилиши бу психологни касбий этикасига зид ҳисобланади.

Иқтидорли ўқувчиларни ота-оналари билан ишлаш жараёнида психолог, энг аввало ота-она ҳақида тўлиқ маълумот тўплаб олган бўлиши керак. Иқтидорли ўқувчи ҳақида маълумот бериш ва у ҳақида суҳбатлашишдан олдин олиб борган кузатиши ва суҳбати натижаси билан таништириши ҳамда тўплаган маълумотини илмий асосда баён қилиши асносида ўқувчини лаёқати, қизиқиши ҳамда келажакда намоён бўлиши мумкин бўлган иқтидори ва қобилияти ҳақида батафсил тўхталиши мумкин.

Мактаб психологи ўқувчининг ақлий даражасини шаклланганлигини баҳолашда турли аниқ тестлардан ёки муаммоли кейслардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, баркамол авлодни тарбиялашнинг янги илғор усуллари жорий этиш мақсадида, эндиликда ҳар бир вилоятда Президент мактаблари очилиши режалаштирилмоқда. Бунга ҳам махсус тузилган комиссия таркиби томонидан лаёқати, зеҳни ўткир, тафаккури ва қизиқиши юқори болалар танлов асосида қабул қилинади. Замоннинг шиддат билан ривожланиб боришида бугунги кун ёшларини комиллик сари йўналтиришда ва жаҳон ҳамжамиятига намоёиш қилишда ҳар бир юрт фарзанди маъсулдир. Шундагина Ўзбекистон давлатининг истиқболи ҳамда жаҳондаги обрў эътибори кундан кун ортиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ”Ўзбекистон”.Т. 2016.-59 б.
2. Фитрат. Оила.–Т.: “Маънавият”, 1998.-168 б.
3. Э.Ф.Ғозиев “Онтогенез психологияси” Тошкент 2000 й;242 б.
4. Б.Р.Қодиров “Қобилиятлар силсиласи” илмий мақола 4б.

ЁШЛАРНИНГ ТУРЛИ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Собитов О.Й. – Тошкент давлат педагогика университети 2-босқич талабаси

Аннотация: В статье анализируются взгляды ученых-психологов на недостатки продуктивного и непродуктивного использования молодежного времени, технологии управления временем, а также навыки продуктивного использования времени сегодня, кроме того, были высказаны мнения о психологических особенностях управления временем.

Resume: The article analyzes the views of psychological scientists on the shortcomings of the productive and unproductive use of Youth time, time management technologies, as well as skills of the productive use of time today, in addition, opinions on the psychological features of time management were expressed.

Жаҳонда бугунги кунда ижтимоий таъсирларнинг жадал равишда ривожланиши, фан ва технологиялар тараққиёти, ахборотлар оқимининг ортиб бориши, инсон омили билан боғлиқ фанлар олдига янги вазифалар қўймоқда. Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган давлатларда юзага келаётган ижтимоий-психологик танглик ҳолатлари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда. “Ахборот майдонидаги кибержиноятчилик ва кибертерроризм хуружларини кучайиб бориши юзасидан хусусан, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қайд қилинган статистик маълумотларга кўра ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95%) электра алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинганлигини³⁶, йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг 1% ни ташкил этишини кўрсатмоқда”³⁷. Шу боис ҳозирда мафкуравий таҳдидларга, ғоявий ва ахборот хуружларга қарши мустақам мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ахборот хуружлари, ижтимоий онгнинг шаклланиш хусусиятлари, шахснинг ижтимоийлашуви, ғоявий курашнинг психологик механизмлари, психологик иммунитет, бузгунчи ва вайронкор мафкуралар билан мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари ўртасидаги боғлиқлик муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўсмирларда барқарор мафкуравий иммунитет шаклланишини таъминлашда психологик ҳимоя механизмлари, психологик хусусият ва ўсмирларнинг таянч

³⁶ http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2016/pdf/30-ru.pdf (International Telecommunication Union).

³⁷ <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal).

этикодлари таъсирини ўрганиш каби психологик омиллар эса ушбу тадқиқотларнинг долзарб йўналишилигича қолмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-рухий барқарорлиги ва умуминсоний ғояларга таҳдид қилаётган бузғунчи ва вайронкор мафқураларга нисбатан одамларда мустаҳкам мафқуравий иммунитет шакллантириш воситалари, шакллари, омиллари ўрганилмоқда. Қолаверса, мазкур масалада давлатимиз “жаҳолатга қарши маърифат”³⁸ билан курашиш тамойили бўйича бутун дунё ҳамжамиятида намуна бўлиб келмоқда. Шу маънода мамлакатимизда мафқуравий, ғоявий ва инфор­мацион кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда турли хил ички ва ташқи, очиқ ва яширин таҳдидларга нисбатан мафқуравий иммунитетни шакллантириш ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг психологик омилларини тадқиқ қилиш, ўсмирларда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларини³⁹ қабул қилиниши ҳам жамиятда мазкур масалани нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.
2. http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2016/pdf/30-ru.pdf (International Telecommunication Union).
3. <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal).

ҲУҚУҚШУНОС ШАХСИНING ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Умаров Б.М. - ТДПУ, “Амалий психология” кафедраси профессори, психология фанлари доктори

Раҳимова С.О. - ТДПУ, Педагогика ва психология мутахассислиги магистранти

Аннотация: В статье рассматриваются особенности индивидуально-психологической характеристики юристов, работающих в правоохранительных органах.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли ҳамда 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон Қарорлари

Ключевые слова: правовая деятельность, социализация, правовое сознание, личность, профессиональная деятельность, интеллект, смысловое восприятие.

Rezyume: The article examines the features of the individual psychological characteristics of lawyers working in law enforcement agencies.

Key words: legal activity, socialization, legal consciousness, personality, professional activity, intellect, semantic perception.

Хуқуқни муҳофаза қилиш тизими фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш – ҳуқуқшунос шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини, шахсий фазилатларини, уларнинг касб талабларига мувофиқлигини ҳар томонлама ўрганишни назарда тутди⁴⁰. Прокурорлар, терговчилар ва суд органлари ходимлари фаолиятини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар бу соҳа ходимларида касбий яроқлилик хусусиятларининг бешта асосий омилини, шу жумладан, профессионал аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-психологик ва индивидуал-психологик хусусиятларни кўрсатиб ўтиш имкониятини беради.

1.Юрист шахсининг юқори даражадаги ижтимоийлашув омили. Бу омил ҳуқуқшунослик касбий фаолиятининг кучли жисмоний ва рухий зўриқишга, экстремал шароитларда амалга оширишга йўналтирилган меъёрий хатти-ҳаракатлар билан бевосита боғлиқлиги бўйича, касбий яроқлиликнинг асосий омилларида бири сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ушбу омилни ташкил этувчи ҳуқуқшуноснинг профессионал муҳим шахсий индивидуал-психологик хусусиятлари қуйидагиларни ташкил этади:

- ҳуқуқий онгнинг юқори даражада ривожланганлиги (умумий ва касбий);
- касбий фаолиятни рағбатлантириш соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга мотивларнинг устунлиги хусусан: одамларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатни ўрнатиш, жиноятга қарши туриш, қонун устуворлигини қатъий ҳимоя қилиш, меҳнат фаолиятида муваффақиятга эришиш, ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга интилиш, касбий обрўга эга бўлиш ва ҳамкасблар орасида хурмат ва бошқалар;
- ҳалоллик, принципларига содиқлик, фуқаролик жасорати, бурч ҳисси, виждонлилик;
- масъулият, мажбурият, меҳнатсеварлик, қатъий интизом, аниқлик.

Қуйидаги фазилатлар эса ҳуқуқшунос шахсининг касбий яроқсизлигидан далолат беради: ноахлоқий фазилатларга эгалик, инсофсизлик, касбий фаолиятига масъулиятсиз муносабат, интизомсиз, алкоғолизмга мойиллик, носоғлом турмуш тарзи ва бошқалар.

⁴⁰ Умаров Б.М. Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. Тошкент, 2005. Б.77.

2. Ҳуқуқшунос шахсининг ҳиссий ва иродавий барқарорлиги омили.
Ҳуқуқшунос шахсининг ҳиссий ва иродавий барқарорликни таъминлайдиган ақлий хусусиятлар мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- касбий фаолиятга юқори даражадаги қобилиятлилиқ
- узок муддатли, кучли жисмоний ва ортиқча ақлий фаолият талаб қилинадиган ҳолатларга чидамлилиқ;
- узок муддатли, кучли жисмоний ва ортиқча ақлий фаолият талаб қилинадиган ҳолатларда мақсадга интилувчанлик ва маҳсулдорликни намоён қилиш қобилияти;
- стрессга чидамлилиқнинг юқори даражаси, ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатлар устидан ўзини ўзи бошқариш қобилияти;
- касбий фаолиятда ўз-ўзидан пайдо бўладиган импульсив реакцияларни жиловлаш қобилияти.

Шахсининг ривожланган адаптив хусусиятлари (куч-қувват, фаоллик, чидамлилиқ, ирдавийлик, мослашувчанлик), асаб тизимининг ривожланган адаптив хусусиятлари - куч, мувозанат, ҳаракатчанлик, фаоллик, асаб жараёнлари динамизми.

Ҳуқуқшунослик касбий фаолиятида қуйидаги шахс хусусиятлари салбий баҳоланади: стрессга қаршилиқнинг паст даражаси, умидсизликка чидамлилиқнинг пасайиши, ҳаддан ташқари ҳиссий таранглиқ, тажовузкорлик, ҳаракатларнинг импульсивлиги, невротик аломатлар, асабий жараёнларда тез чарчаш.

3. Ҳуқуқшунослик касби эгасининг когнитив қобилиятлари ва интеллектуал ривожланишининг юқори даражаси омили. Бу қуйидаги психологик фазилатларни ўз ичига олади:

- юқори даражадаги интеллект, аналитик ва синтетик тафаккур, мавҳумлик, мулоҳаза юритиш қобилияти;
- мулоҳазакорлик, бағри кенглик, мустақиллик, мақсад сари интилувчанлик, танқидий тафаккур, башоратли фикрлаш;
- дунёқараш кенлиги, билимдонлик;
- ўзига хос тасаввур, кузатиш, идрок, сезги;
- кучли хотирага эгалик, керакли маълумотларни тезда янгилаш имконияти;
- диққатни жамлаш қобилияти, диққатнинг юқори концентрацияси ва унинг бир объектдан иккинчисига тез ўтиши;
- ривожланган семантик идрок;
- юқори ақлий қобилият, ўрганиш, билиш қобилияти, янгиликларни қабул қила олиш.

Аксинча, ақлий қобилиятнинг сустиги, когнитив фаоллик фаоллик даражасининг пасайиши, ақлу-заковатнинг етарли эмаслиги, сусти ривожланган

тасаввур, хотиранинг заифлиги кабилар ҳуқуқшунос касбий фаолиятининг юқори самарадорлигига салибӣ таъсир кўрсатади.

4. *Ҳуқуқшуноснинг коммуникатив компетенлик омили.* Ушбу омил қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- мулоқотнинг турли иштирокчилари билан психологик алоқа ўрната олиш ва давом эттириш, мулоқот жараёнида психологик ва коммуникатив тўсиқларни бартараф этиш қобилияти;

- идрок этиш, суҳбатдошнинг хатти-ҳаракатларини, психофизиологик ҳолатларини тўғри талқин қилиш ва унинг ички дунёсини тушуниш, ҳақиқий ва ёлғон гувоҳликларни фарқлай олиш қобилияти;

- вербал ва новербал мулоқот воситаларини, шу жумладан шахслараро муносабатларда ва оммавий нутқ сўзлашда коммуникатив таъсир воситаларидан оқилона фойдалана билиш;

- оғзаки нутқ маданияти, сўзларнинг раванлиги аниқлиги, тушунарлилиги, ишонарлилиги, ифодалилиги ва образлилиги, ёзма нутқнинг эса, раванликни назарда тутувчи нутқ маданиятининг ривожланганлиги;

- хушмуомалалик, сезгирлик, мулоқот иштирокчиларини ҳурмат қилиш, диққат-эътиборлилик ва хайрихоҳ муносабатда бўлиш, суҳбатдошни тинглаш қобилияти, эмпатия (суҳбатдошнинг тажрибаларига ҳиссий муносабатда бўлиш) қобилияти;

- мулоқотдаги зиддиятли вазиятларда адекват хулқ-атворни танлаш ва амалга ошириш қобилияти, коммуникатив ўзаро таъсир стратегияси, мослашувчанлик, мавжуд шароитларга қараб, мулоқот услубини ўзгартириш, мулоқот иштирокчисига назорат қилувчи таъсир кўрсатиш қобилияти;

- ўзини адекват баҳолай олиш қобилияти;

- ҳазилкашлик қобилияти⁴¹.

Ҳуқуқшуноснинг коммуникатив хулқ-атворни сезиларли даражада мураккаблаштирадиган, унинг самарадорлигини пасайтирадиган фазилатлар сирасига - изоляция (аутизм), мулоқот иштирокчиларининг муаммоларига, тажрибаларига эътибор қаратмаслик, манманлик, мағрурлик, сезгирликни яққол намоён этиш, зиддиятлик, тажовузкорлик, ҳиссий беқарорлик, импульсивлик, вербал ва новербал мулоқот усулларини яхши билмаслик.

5. *Ташкилотчилик қобилияти омили.* Бундай қобилият ҳуқуқшуносга касбий фаолият туридан қатъи назар, профессионал мулоқот жараёнида мулоқотга киришиш керак бўлган турли субъектларга назорат таъсирини ўтказиш имкониятини беради⁴². Шундай экан, ҳуқуқшунос, айниқса бошқарувчи

⁴¹ Васильев В.Л. Юридическая психология. СПб.: «Питер», 2000. 132 бет.

⁴² Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология. М.: 2001. 24 бет.

ҳуқуқшунос, чуқур касбий билим ва тажриба билан бир қаторда қуйидаги фазилатларга эга бўлиши талаб этилади:

- самарадорликка интилиш;
- мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик;
- қатъиятлилик, мақсадга сари йўналганлик, ўзига ишонч, мотивацион соҳада муваффақиятга интилиш мотивларининг устунлиги;
- стрессга бардошлилик;
- ўз ҳаракатлари учун масъулият ҳиссининг юқорилиги;
- фикрлашдаги мослашувчанлик, фаолиятни башорат қилиш ва режалаштириш, ўз қўл остидагиларнинг имкониятлари ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вазифаларни тақсимлаш каби таҳлилий кўникмаларнинг ривожланганлиги;
- ривожланган коммуникатив фазилатлар, одамлар билан психологик алоқа ўрнатиш қобилияти, ақл-идроқлилиқ, бўйсунувчиларнинг хатти-ҳаракатларини башорат қилиш, уларнинг ҳаракатлари мотивларини англаб етиш ва тушуниш қобилияти, бошқаларга нисбатан хайрихоҳлик, улар билан муносабатларда психологик такт;
- қўшимча фаолият жараёнининг бориши ва натижаларини назорат қилиш қобилияти, танқидийлик, бўйсунувчиларга нисбатан талабчанлик;
- жамоага бошқарув таъсирини ўтқазтириш, қўл остидагиларнинг ишни бажаришга ундаш ва рағбатлантириш, уларни йўналтириш ва қувват билан "зарядлаш" қобилияти. Назаримизда шахс хислатларининг ушбу гуруҳи ташкилотчилик қобилиятининг бошқа таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллайди.

Ҳуқуқшуноснинг ташкилотчилик имкониятларини, бошқа шахсларга таъсир ўтқазтириш самарадорлигини сезиларли даражада пасайишига олиб келадиган фазилатлар, айниқса у раҳбар лавозимини эгаллаган бўлса, тажовузкорлик, ҳиссий беқарорлик, пассивлик, масъулиятсизлик, ҳаддан ташқари шубҳаланувчанлик, ташвиш, ақлнинг тараққиётнинг пасатлиги, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ҳокимиятга бўлган иштиёқ, одамларни менсимаслик ва б.қ.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари шахсининг ўзига хос ижтимоий-психологик ва индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият самарадорлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади ва айрим шахс хислатлари эса улар фаолиятининг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Васильев В.Л. Юридическая психология. СПб.: «Питер», 2000. стр.132.
2. Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология. М.: 2001. стр.24.
3. Умаров Б.М. Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. Тошкент, 2005. Б.77.

ПРОФИЛАКТИКА СЕМЕЙНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Халикова Ш.Т. – к.п.н., доцент ТГПУ им.Низами Узбекистан

Таджиева Н.Ш. – Магистрант ТГПУ им.Низами Узбекистан

Аннотация: Семья — уникальный институт взаимодействия людей. Уникальность эта заключается в том, что этот теснейший союз нескольких людей (муж и жена, потом дети, с ними могут совместно проживать и родители мужа или жены) связывают нравственные обязательства. В этом союзе люди стремятся провести как можно больше времени в совместном взаимодействии, доставлять в процессе взаимодействия радость и удовольствие друг другу.

Ключевые слова: взаимоотношения, семья, профилактика, процесс, консультирование, проблемы, социум, поколение

Annotation: The family is a unique institution of human interaction. This uniqueness lies in the fact that this closest union of several people (husband and wife, then children, and the parents of the husband or wife can live together with them) are bound by moral obligations. In this union, people strive to spend as much time as possible in joint interaction, to bring joy and pleasure to each other in the process of interaction.

Key words: relationships, family, prevention, counseling, process, problems, society, generation.

Положение молодежи в обществе, тенденции и перспективы ее развития представляют для общества большой интерес и практическое значение, прежде всего потому, что они определяют его будущее. Здесь существенное место занимают отношение молодежи к браку и семье как основной ячейке общества. Устойчивость брачно-семейных отношений зависит от готовности молодых людей к семейной жизни, где готовность к браку понимается как система социально-психологических установок личности, определяющая эмоционально положительное отношение к семейному образу жизни.

В настоящее время изменение образа жизни, ценностей, структуры и функций семьи (в том числе передача обществу таких ее важных функций, как производственная, частично хозяйственно-бытовая и воспитательная) делает недостаточно эффективной родительскую подготовку молодежи к браку [1, с. 58]. Этот фактор наряду с другими (увеличение времени учебы, рост числа разводов среди молодых семей и др.) обуславливает необходимость введения специальных программ подготовки к семейной жизни в средних общеобразовательных школах, и специальных учебных заведениях, а также практики добрачного, предбрачного психологического консультирования.

Основной задачей добрачного консультирования можно выделить проблему поиска брачного партнера, а также снабжение молодых людей типичными для

таких случаев сведениями. В качестве основной задачи предбрачного консультирования выделяют проблему оценки потенциальной супружеской совместимости.

В формировании супружеской пары различают два периода: добрачный (к особенностям добрачного периода относят весь жизненный сценарий человека от его рождения до принятия парой решения о вступлении в брак) и предбрачный (к его особенностям относят взаимоотношение, взаимодействие с брачным партнером до заключения брачного союза).

На этапе добрачного общения решаются следующие задачи: необходимо достигнуть частичной психологической и материальной независимости от генетической семьи, приобрести опыт общения с другим полом, выбрать брачного партнера, приобрести опыт эмоционального и делового взаимодействия с ним [II, с.126].

Существует определенный возрастной период, в течение которого молодой человек обучается ухаживать. И чем длиннее этот процесс, тем больше ослабевает (замедляется) развитие социальных, физиологических реакций. По данным опроса 2001г. (Будынина М., Шнейдер Л.Б., 2001) наибольшее число добрачных знакомств произошло в возрасте 17 лет (у мужчин наибольшее количество пришлось на возраст 24 года, у женщин – 17 лет). Полученные данные говорят, что девушки созревают раньше, чем юноши (девушки знакомились со своими будущими партнерами начиная с 14 лет, а юноши с 17 лет). За исключением единичных случаев, когда знакомства происходили до 27 лет (у женщин) и до 32 лет (у мужчин).

Проблемы, связанные с поиском потенциального брачного партнера, могут быть следствием следующих причин [III, с.132]:

1. Особенности личности клиента затрудняют поиск партнера.

Тут проблемы связаны не столько с особенностями личности, сколько с тем, что клиент не замечает своей уникальности или расценивает ее как нарушение. Он считает себя таким, как все. Или же не таким, как все, но в таком случае осознание своей «инаковости» сопровождается желанием от нее избавиться, подогнать себя под определенный стандарт. Человек не ценит и не любит своей уникальности, не понимает ее глубокого смысла для мира и общества.

Таким образом, первая задача — помочь клиенту осознать свои особенности, их преимущества, принять и полюбить их. Вторая задача — попытаться выяснить, кто должен быть тот человек, с которым клиенту было бы хорошо. Распространенная ошибка клиентов — осознанно или на подсознательном уровне считать, что все люди противоположного пола в принципе одинаковы.

На этом этапе создается своеобразный эмоциональный потенциал будущей семейной жизни, запас чувств, которые позволят более успешно и менее болезненно адаптироваться к ней.

2. Давление социума или обстоятельств побуждает к преж-девременному поиску брачного партнера. Речь идет о давлении социальных стандартов или обстоятельств на человека, побуждающих интенсифицировать поиск партнера при фактической неготовности к брачной жизни [IV, с 112]. Иногда результатом такой работы является внутренняя готовность вступить в брак, и тогда это происходит; иногда этого не происходит на протяжении долгого времени. Консультант лишь отчасти может стимулировать этот процесс и не всегда до конца понимает его смысл. Но ему следует уважительно относиться к природе человека, к тем задачам, которые тот считает нужным для себя решать.

3. Родительская семья клиента препятствует браку. Это может происходить по следующим причинам:

а) клиент встроен в эмоциональную жизнь семьи, выполняет в ней определенную значимую для данной семьи функцию;

б) негласно семья требует от клиента решить некоторую задачу, которую не могли разрешить другие члены семьи. Это связано с системой семейных ценностей;

в) клиент не встроен в эмоциональную жизнь семьи и не выполняет в ней значимую функцию, но в силу своей недифференцированности он приписывает себе какую-то функцию и стремится ее выполнять.

4. Склад личности клиента и его образ жизни препятствуют браку.

Достаточно часто подростки обращаются на Телефон доверия с проблемами личностного характера: трудности в общении, неуверенность и т.д [V]. В работе с такими проблемами можно использовать методы системной, поведенческой психотерапии, краткосрочного консультирования А.Адлера и др.

А. Адлер (2002) указал на специфический тип развития личности, для которого характерно рассматривать отношения между полами как сферу борьбы за власть, за доминирование. Для такого клиента супружеские отношения кажутся опасными: ведь тут можно потерпеть поражение. Существа противоположного пола тоже воспринимаются как опасные. Для того чтобы уклониться от опасных отношений, клиент зачастую склонен уходить в болезнь или в хронические страдания по поводу неразделенной любви. Это позволяет долгое время воздерживаться от реальных отношений и от вступления в брак. Брак рассматривается как поле самоутверждения, соперничества, а клиент ощущает, что еще недостаточно готов к победе на этом поприще. По сути, позиция уклонения от брака является для таких людей психологической защитой.

Итак, проблема семейного благополучия связана, в первую очередь, с тем, насколько психологически совместимы друг другом члены будущей семьи. Совместимость, как многоуровневый феномен, связана не только с актуальным состоянием и личностными особенностями потенциальных супругов, но также и с их опытом прошлой жизни, опытом межличностных отношений в родительской семье. Наиболее оптимальна ситуация, когда опыт и усвоенный тип взаимоотношений будущих супругов носят в целом позитивный характер, сходны или взаимодополняемы (комплементарны), не противоречат общесоциальной системе правил и норм взаимодействия и взаимоотношений.

Профилактика семейных и сексуальных взаимоотношений подрастающего поколения - неотъемлемая составная часть общей системы воспитания и образования молодежи.

Вместе с тем еще совсем недавно считалось, что молодой человек по достижении определенного возраста уже полностью готов к созданию семьи. Однако обусловленность изменений семьи культурно-исторической динамикой общественных отношений не только не исключает, но и предполагает необходимость специальной подготовки подрастающих поколений к жизни в семье. Воспитывая детей, надо прививать им такие черты: терпеливость, чуткость, тактичность, недопустимость злых насмешек. Ребенка нужно учить тому, чтобы он умел строить свои отношения с людьми, совместно с ним проживающими. Воспитанный таким образом человек гораздо легче будет переносить семейные трудности.

Многочисленные социологические, педагогические, медико-психологические исследования убеждают нас в том, что готовность юношей и девушек к вступлению в брак и созданию семьи должна стать целью психологической работы.

Поэтому психологам, работающим консультантами на телефоне доверия, и педагогам необходимо целенаправленно заниматься с молодежью, подготавливая ее к будущей семейной жизни.

Литература

1. Антонов А.И. Микросоциология семьи (методология структур и процессов): Учебн. пособие для вузов. А.И. Антонов. - М.: Издательский Дом Nota Bene, 1998. - 360 с.
2. Елизаров А.Н. Основы индивидуального и семейного психологического консультирования: Учебное пособие. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Изд-во Ось-89, 2007. -
3. Елизаров А.Н. Концепции и методы психологической помощи: Альфред Адлер, Карен Хорни, Карл Густав Юнг, Роберто Ассаджиоли: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Ось-89, 2007. - 160 с.

ЁШЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИҚРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Худоёрова О.К. – Тошкент тиббиёт академияси, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Аннотация. В данной статье определены основные возможности, особенности, содержание, способы, методы и инструменты для обучения молодежи самостоятельному мышлению. Также есть научные и практические рекомендации по правильному построению образовательного процесса при самостоятельном мышлении молодежи.

Abstract. This article identifies the main opportunities, features, content, methods, methods and tools for teaching young people to think independently. There are also scientific and practical recommendations for the correct construction of the educational process in the independent thinking of young people.

Таълим-тарбия ишларини янгича ташкил этиш асосида ёшларнинг мустақил фикрлай олишини таъминлаш талаб этилади. Чунончи, мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. У аввало, англаш, фикр юритишдан бошланади. Мустақил фикр юритиш жараёни ёшларда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабиларни вужудга келтиради. Мустақил фикр юритишининг мустаҳкам негизинишахсий эҳтиёж, қизиқиш, майл, қобилият, истеъдод, салоҳият ташкил этади. Айтиш мумкинки, ёшларнинг ўзи фаоллик билан ҳаракат қилиши ва мустақил фаолият кўрсатиши, ўз устида тинимсиз ишлаши натижасида уларнинг лаёқати, истеъдоди, қобилияти ўсиб боради. Бу борада давлатимиз раҳбари таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан инновацияларни тараққий эттиришга бўлган эътиборни янада кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидладилар. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади” [1, б. 15].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар муваффақиятининг муҳим шартини халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллигига таянишдир. Шунга кўра, ёшларнинг илмий тафаккур тарзи даражаси, ижодий фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш давр талабидир. Ёшлар янгича

фикрлаш асосларини яхши эгаллаб олсагина, улар бой тарихий, тарбиявий меросни ва замонавий, маънавий, инсоний сифатларни онгли равишда ўзлаштирадilar. Сифатли таълим-тарбия ёшларга бахту саодат, илм ва тажриба, диёнат, билимдонлик, гўзаллик, эзгуликни бахш этади ва тўғри йўлни кўрсатади. Бунда ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши ва ўқитишда худди шу жиҳатларни ҳисобга олиши лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Фарзандларнинг қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш асосида уларнинг эл-юртга муносиб баркамол инсонлар этиб тарбияланишини муваффақиятли амалга оширишда заҳматкаш устозлар меҳнати таҳсинга лойиқ” [2, б.18].

Мустақил фикрлайдиган ёшлар маданийлашган онги ва ақли орқали комилликка интилади, ҳаётининг мазмунини бойитади, шу асосида жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади. Мустақил фикрлаш ва фаол изланиш, хурфикрлик ва тафаккурнинг дунёвийлашувига кенг йўл очади ва унинг эркинлигини таъминлайди ҳамдаянгича дунёқараш ва фикрлаш тарзини намоён этади. Дунёвийлик тафаккурнинг илмийликка таяниши орқали таъминланади. Масъулият, ижодкорлик етишмаган жойда тафаккур ҳеч қачон фаол ва мустақил бўлмайди. Мустақил фикрлаш ақлий фаолиятнинг юксак шакли бўлиб, инсон тушунчасинин олий мақомидир ҳамда атроф муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли бўлиб, шахс фаолиятини амалга оширади. Абу Наср Форобий инсоннинг ақлини ривожлантириш орқали, уни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш масаласини жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қараган. "Ақл қуввати туфайли инсон гўзал билан хунукни бир-бирдан айира олади, санъат билан билимни яратади" [3, б.149-150]. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай муносабат ва хатти - ҳаракатлар мустақил фикрлаш ёрдамида намоён бўлади. Фикр ҳаётий, табиий жараёнларни инсон миясида ақс этиши, боғланиши ва ривожланишидир. Фикр босқичлари: англаш, мушоҳада, шуур, тафаккурдан иборат ижодий ишлар, ихтиролар, кашфиётлар тафаккурнинг маҳсулидир. Ақлий билиш ҳиссий билишдан озуқа олиб, унинг мазмунини бойитади ва имкониятини кенгайтиради. Тафаккур, мустақил фикр юритиш — соғлом инсон миясининг фаолияти, ажралмас хусусияти, яшаш шаклидир. Фикр юритишнинг мустақиллиги деганда ёшларнинг ихтиёрий равишда ўз олдига аниқ мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва назарий фикр юритиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, ўз ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул, восита топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак. Фикр юритиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир. Мустақил фикрлаш ўз ўзини онгли англаш орқали ҳар бир ишни олдиндан ўйлабамалга ошириш бўлиб, инсон ички руҳий-маънавий изланишларининг натижасидир. Мустақил фикр юритиш инсоннинг ақл-

заковатини кенгайтиради ва мустақамлайди. Мустақил фикрловчи эркин шахс жамиятнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи, инсониятнинг буюк маънавий бойлигидир. Мустақил фикрлаш ўзининг самарадорлиги, долзарблиги, универсаллиги билан ёшларни комиллик сари етаклайди. Уларнинг янги фикр, ғояларни ўзлаштиришларига кенг йўл очади ва бахтли-саодатли бўлиб яшаш имкониятини таъминлайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун замонавий ижодкор ва янгича фикрлайдиган тафаккур соҳибларини тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, - деб таъкидлайди.

Ёшларнинг мавжуд интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида уларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш, масъулиятини ошириш, ташаббускор, фидойи, ватанпарвар бўлишига эришиш мумкин. Ушбу талабларни амалга ошириш учун таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, энг муҳими ёшларни фаолиятли ёндашув асосида замонавий таълим жараёнининг фаол субъекти, айнан ўз фаолиятининг ҳукмдорига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишда таълим-тарбия жараёнини тўғри лойиҳалаштиришга жиддий эътибор бериш зарур ҳисобланади. Бунда:

1. Ўқув жараёнларини инновацион бошқариш ва моделлаштириш, таълимда янгиликларни қўллаш.

2. Ёшларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ҳисобга олиш, уларнинг ижодий ишлаши учун шароитлар яратиш.

3. Ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, ўз-ўзини ривожлантиришига кенг йўл очиш ва уларнинг фаолияти давомида янги-янги ютуқларни қўлга киритишига эришиш.

4. Бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг интеллектуал фаолияти, фантазияси, ихтирочилик ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш, таълим жараёнининг таъсирчанлигини ошириш.

5. Ёшларнинг ҳар қандай фаолиятга ижодий ёндашув асосида мустақил фикрлай олиши, дунёқараши ва тасаввурини ўстириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг мустақил эркин ижодий фикр-мулоҳаза юритишида лаёқати, қобилияти, истеъдоди иқтидори иштиёқи, қизиқиши ва интилишларини тўғри йўналтириш.

6. Ёшларнинг юксак дунёқараш, интеллектуал салоҳияти, мустақил билим олиши ва ҳар қандай фаолиятга қизиқиши, мустақил ёндашуви,

хатти-ҳаракати, ички ҳис, туйғу, руҳияти, муваффақиятларини таҳлил этиш асосида тадқиқотчилик ва ижодий фаолиятини кучайтириш.

7. Ёшларнинг жамият тараққиёти ва фаровонлигига фақат маърифат дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкинлигини яхши ҳис этиш масъулиятини ошириш ва ҳоказо.

Хулоса шуки, Мустақил фикрлашда тилимиз-ҳазина, мулкимиздир. Унинг софлигини муқаддас деб билиб, мустақил фикр юритайлик ва умумий билимдонликка эришайлик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Абдулла Авлонийнинг асарларида фикр тарбиясига оид қўйидагича талқин берилган: “Жамият тараққиёти билан боғлиқ долзарб муаммоларнинг ечими эса мустақил фикрлаш кўникмасига эга бўлган янги авлодга боғлиқ”.

Ёшларнинг ватанига бўлган чинакам меҳри уларнинг мустақил ижодий фикри ва ўз тилига бўлган муҳаббати билан белгиланади. Бунинг учун ёшларимиз ўз маърифатини билимига қараб юқори даражага кўтариши ва нурли келажагини олдиндан кўра олиши керак бўлади. Шунга кўра, ёшларнинг онги ва қалбига инновацион ғояларни чуқур сингдириш ва уларнинг ижодий ғоялари, ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интеллектуал ривожлантириш, мустақил фикрлаш қобилиятини тўлиқ амалга ошириш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020, 15-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30 сентябрь 2020 йил. 18-бет.
Умуман олганда китоб мутоаласи шахснинг комплекс тараққиётига таъсир этади. Е.П.Суворов, М.П.Воюшина, Е.А.Купировалар [5] китобхонлик фаолият йўналишига қараб шахснинг тараққиётига таъсир этишини асослаб берганлар. Жумладан, китобхонлик ўқувчида конструктив, тарбиявий, кадриятли, коммуникатив, аналитик фаолиятни жадаллаштиради. Биргина “Синчалак” қиссасини оладиган бўлсак, “ўзи кичкина, нимжон бўлса ҳам осмонни кўтаргулик қуввати, ғайрати бор” Саида Алиева ва “хотин киши раҳбарлик қилса калаваси

учини йўқотиб қўядиган” Арслонбек Қаландаров, “гапга келганда бурганинг йўталидан бўрон кўпоришга қодир” [7] бўлган Эшон образлари ўқувчиларда шахслараро муносабатларни конструктив асосда қуриш, жамият ва шахс орасидаги муносабатларда ахлоқий тамойилларни, миллий қадриятларни таҳлил қилиш асосида рационал альтруистик позициянинг шаклланишида ички мотив вазифасини бажаради. Бадиий асарларда келтирилган қахрамонларнинг ўзаро таъсири ва муносабатларини акс эттирган сюжетлар ўқувчида дастлаб бадиий идрокни фаоллаштириб, ўқувчининг кузатувчанлиги, эмпатия қобилияти, ижодий ҳаёлини, эмоционал образли хотира ва равон нутқини фаоллаштиради ҳамда шахснинг ички альтруистик қарашларини юзага келишига олиб келади.

Альтруизм мотивларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар барча фан соҳалари доирасида уч йўналишда олиб борилган. Булар:

а) Дж.Райт қарашларига асосланган ахлоқий хулқ мезони сифатида ўрганувчи йўналиш;

б) Л.Кольберг ва Т.Лайкон тадқиқотларига асосланган шахс тараққиётининг энг олий намунаси сифатида тадқиқ этувчи йўналиш;

в) Шарқ алломалари, файласуфларнинг ғояларига асосланган комил инсон хусусиятлари йўналишидаги тадқиқотлар[3].

Зеро, мазкур йўналишларнинг барчасида альтруизм шахс акмеологик ривожланишининг юқори чўққиси сифатида кўриб чиқилган. Мазкур акмеологик ривожланишнинг юқори чўққисига китобхонлик маданияти орқали ҳам эришиш мумкин. Масалан, халқимизнинг миллийлиги уфуриб турган Ж.Румийнинг “Оқибат тупроқ бўлурмиз: “Маснавийи маънавий” ҳикматларидан”, А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса”, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Т.Маликнинг “Одамийлик мулки”, Ойбекнинг “Навоий” асарларини, “Тўмарис”, “Широқ” афсонасини оладиган бўлсак, уларнинг барчасида альтруизм ғоялари тарғиб қилинган образларни учратишимиз мумкин. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Юсуфбек хожи образини олсак. Асар муаллифининг ўзи Юсуфбек хожига “... халқ, эл-юрт манфаатини ўйлайдиган фидойи шахс” [8], деб таъриф беради. Мазкур образ орқали А.Қодирий миллатнинг бирдамлиги, Ватаннинг яхлитлиги учун курашишни ҳаётининг маъноси деб билган; қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик қилиб ўзаро низолашиб юрган майдакашларни катта ишларга ундаб, агар вазият шу ҳолда давом этса; миллатнинг хароб бўлишини, юрт тупроғининг босқинчилар оёғи остида хор бўлишини башорат қилган буюк сиймони тасвирлаб беради. Бу “миллат фидойисининг” хулқ-атвори негизида альтруистик мотивлар яширинганлиги яққол кўзга ташланади. Чунки, мазкур образнинг ахлоқий дунёқарашида шахсий манфаатларданда юқорироқ қадриятлар устун эканлигини кўришимиз мумкин.

Яна бир севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнги қурбони” ҳикоясини олсак. Ҳикоя ўқувчиларда урушнинг нафақат фронт майдонларида, балки ҳар бир қишлоқда, ҳар бир хонадонда кечгани, уруш қурбонлари эса ҳар бир оилада топилгани ҳақида тасаввурларни шакллантиради[6]. Шу билан бир қаторда асар қаҳрамони Шоикром урушга бормаган бўлса-да, унинг дахшатини, аччиғини ўз уйида туриб тотишига тўғри келганлиги баён қилинган. Оиласи корига яраб турган биргина сигири ўғирлаб кетилган, укаси оғир бетоб бўлиб тўшакка михланиб ётибди, бу ҳам етмагандек, болаларининг сўнги ризқи – ҳовли четидаги бир ҳовуч қулупнайга ҳам ўғри оралаган. Етишмовчилик ва худбинона характери Шоикромни қалтис қарор қабул қилишга мажбур қилади. Шоикромнинг худбинлиги аянчли ҳолатни келтириб чиқаради. Асар қаҳрамонининг аянчли тақдири орқали ўқувчиларда ўз муаммоларига ўралиб яшаш оқибатида атрофидаги яқинларининг ҳолидан хабар олмаслик, уларга ёрдам бермаслик қандай натижаларга олиб келиши тарғиб қилинади. Адиб ҳикоядаги воқеалар сюжети орқали ўқувчиларни худбинликдан қочириб, альтруист бўлишга, яқинларига ҳимматли бўлишга ундайди.

Умуман олганда юқоридаги фикрлар асосида хулоса қиладиган бўлсак:

- Ўқувчилардаги китобхонлик маданияти уларнинг маънавий дунёқараши, ахлоқий онгининг ошишига хизмат қилади;
- Шарқ алломалари асарлари, афсоналардаги футувват илми негизида альтруистик мотивларнинг намоён бўлишини кузатишимиз мумкин;
- Альтруизм ўзгаларга беғараз ёрдам кўрсатишга асосланган миллий хусусиятлардан биридир;
- Мактабларда мураббийлик соатларида бадий асар мутоаласини тарғиб қилиш орқали ўқувчиларда альтруистик хулқ мотивларини шакллантириш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон 2017. Б.48.
2. Збарский И.С. Внекалассная работа по литературе(4-8): пособие для учителя. - М.: Просвещение, 1980. – 208 с.

О’SMIRLARDA AGRESSIYANING NAMOYON BO’LISHI

Aminbayeva B.M. - UrDU magistratura talabasi

Ataxanova L.E. - UrDU magistratura talabasi

Atajonov I.K. - UrDU magistratura talabasi

Аннотация: В этой статье исследуются концепции кризиса и агрессии в подростковом возрасте. В частности, особое внимание уделяется показателям проявления агрессивного поведения у подростков, основным причинам его возникновения и психопрофилактике.

Abstract: This article explores the concept of crisis and aggression in adolescence. In particular, special attention is paid to the indicators of the manifestation of aggressive behavior in adolescents, the main causes of its occurrence and psychoprophylaxis.

Bugungi kunda shiddat bilan o'zgarib borayotgan hayot oldimizga qo'yayotgan bir-biridan murakkab va muhim masalalarni hal qilish haqida o'ylar ekanmiz, uning yechimini aynan ta'lim va tarbiya bilan yoshlarni shakllantirishimiz kerak ekanligiga amin bo'lamiz. O'smirlardagi agressiya nafaqat pedagoglar va psixologlar, balki butun bir jamiyat uchun birmuncha o'tkir muammolardan biri hisoblanadi. Inson hayotining ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlari, hayotning yuqori ritmi, shaharlarning zichligi, ortib borayotgan axborot vositalari insonlar psixik holatiga o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. O'smirlar jinoyatchiligining o'sib borayotgan oqimi va axloqning tajovuzkor shakliga moyil bolalar sonining ortishi bunday xavfli ko'rinishlarni uyg'otuvchi psixologik sharoitni o'rganishni birinchi darajali ahamiyatga ega bo'lgan vazifa sifatida ilgari surdi. Tajovuzning u yoki bu shakllari ko'pchilik o'smirlar uchun xarakterlidir, biroq ma'lumki, muayyan kategoriyadagi bolalarda tajovuzkorlik axloqning turg'un shakli sifatida nafaqat saqlanadi, balki shaxsning turg'un sifatiga transformatsiyalangan rivojlanadi ham, natijada bolaning mahsuldor potentsiali pasayadi, to'laqonli kommunikasiya imkoniyati torayadi, uning shaxsiy rivojlanishi deformatsiyalanadi.

Agressiv o'smir nafaqat atrofdagilarga, balki o'ziga ham bir talay muammolar keltiradi. Tajovuzkorlik shaxsning turg'un shaxsiy chizig'iga aylanmasligi uchun bola axloqining xususiyatlari va hissiy holatini tushunmoq, o'z vaqtida psixokorreksion ishni tashkil eta olmoq darkor. O'smirlarning tajovuzkor axloqini o'z vaqtida aniqlash bola shaxsining rivojlanishidagi noxush variantning oldini olish uchun juda zarur hisoblanadi.

O'smirlik 10-11 yoshlardan 14-15 yoshlargacha bo'lgan davrni tashkil qiladi. O'smirlik bolalikdan kattalikka o'tish davri bo'lib, fiziologik va psixologik jihatdan o'ziga xos xususiyatlari bilan xarakterlanadi. O'smirlik davrida o'smirning “men”i qaytadan shakllanadi [1]. Uning atrofdagilarga, ayniqsa, o'z-o'ziga bo'lgan munosabati, qiziqishlari, qadriyati yo'nalishi keskin o'zgaradi. Ularda ilgarigi qiziqishlar so'nadi va yangi qiziqishlar paydo bo'ladi. Bunda ish qobiliyatining, o'zlashtirishning pasayishi, o'smirlarning qo'polligi va yuqori qo'zg'aluvchanligi, o'zidan qoniqmasligi, agressiya, xavotirlanish kayfiyat beqarorligi, depressiv kechinmalar, tez ranjish, arzimmas narsaga ham kuchli reaksiya bildirish, o'zini past baholash kabi salbiy xulq-atvor ko'rinishlari namoyon bo'ladi. O'smirlik davrida bolalar hissiy jihatdan beqaror bo'lib qoladilar. Psixologlar buni gormonal o'sish, tanani qayta qurish, balog'atga yetish kabi biologik omillar bilan bog'laydi. Ammo ba'zi hollarda hissiy o'zgarishlar radikal shakllarga ega bo'lib, agressiyaga aylanishi mumkin. Agar o'smir o'z agressiyasi bilan yolg'iz qolsa, bu uni buzg'unchi jamoalarga olib kirishi va natijada huquqbuzarliklarga olib kelishi mumkin.

Oddiy kundalik hayotda agressiya - zo‘ravonlik yoki raqibni yengish uchun vosita sifatida qo‘llaniladi. Agressiya tushunchasining o‘ziga izoh berish qator qiyinchiliklarni tug‘diradi, chunki bu termin ko‘plab xatti-harakat shakllarini o‘zida qamrab olgan. Odamlar biron-bir kimsani agressiv shaxs sifatida tavsiflaganlarida, uni boshqalarni haqorat qiluvchi, badfe‘l, barcha narsani o‘zi istaganidek qilishni istaydigan, o‘z g‘oyalarini qat‘iy himoya qiladigan, yechimi yo‘q muammolar girdobiga o‘zini giriftor qiladigan inson, deb ta‘riflashlari mumkin. Agressiyaga nisbatan berilgan bunday ta‘rif to‘g‘ri yo‘ noto‘g‘riligini bilish uchun bu tushunchaga oydinlik kiritish lozim. R.Beron va D.Richardson bu tushunchaga shunday ta‘rif beradi: “Agressiya lotin tilida “agressio” - hujum degan ma‘noni bildiradi, bu bir jonzotga zarar yetkazishga qaratilgan inson xulq-atvorining har xil formasi”. J.Buss fikricha “Agressiya oqibatida boshqa organizm qandaydir zararli stimulni qabul etish reaksiyasi”. N.Zilman tomonidan bildirilgan fikrga ko‘ra agressiya boshqalarga tan jarohati va jismoniy jarohatlar yetkazish demakdir [2]. Agressiyaning namoyon bo‘lishining ko‘plab nazariy asoslari mavjud. Zigmund Freyd fikricha agressiv xulq o‘z tabiati bo‘yicha g‘ayriixtiyoriy va muqarrar. Insonda ikkita birmuncha qudratli instinkt mavjud: jinsiy (libido) va o‘limga bo‘lgan qiziqish (tanatos). Agar tanatos quvvati sirtga yo‘naltirilmasa, bu tezda individning o‘zini parchalashiga olib keladi. Shunday qilib, tanatos bilvosita tajovuzning tashqariga chiqishiga va boshqalarga yo‘naltirilishiga ko‘maklashadi. Hissiyotlarning tashqi ko‘rinishi xavfli harakatlarning namoyon bo‘lish ehtimolini kamaytirishi mumkin. K.Lorens agressiya barcha jonli mavjudotlar kabi insonda ham mavjud bo‘lgan yashash uchun kurashning tug‘ma instinktidan boshlanish nuqtasini oladi. U yashash uchun kurash instinktining manbayi bo‘lmish agressiv quvvat organizmda to‘satdan, doimiy tezlikda, vaqt o‘tishi bilan muntazam yig‘ilganча yuzaga keladi deydi. [3]

O‘smirlik davrida o‘g‘il bolalarda ham, qiz bolalarda ham shunday davrlar bo‘ladiki, ularda agressiv fe‘l-atvor eng yuqori yoki eng past ko‘rsatkichlarga ega bo‘ladi. O‘g‘il bolalarda ikki tipdagi agressiyaning namoyon bo‘lishi aniqlangan: 12 yosh va 14-15 yosh. Qizlarda ham ikki tipdagi agressiv xulq-atvorning eng yuqori ko‘rsatkichlari 11 va 13 yoshga to‘g‘ri keladi [4]. O‘g‘il bolalar uchun agressiyani to‘g‘ridan to‘g‘ri, ochiq shaklda va nizoga kirishayotgan shaxsning o‘ziga ko‘rsatish xarakterlidir. Qizlarga esa aynan verbal agressiyaning turli ko‘rinishlarini ma‘qul deb bilish xarakterlidir.

O‘smirlar agressiv xatti-harakatning paydo bo‘lishi va namoyon bo‘lishida quyidagi asosiy sabablar mavjud:

1. Oilaviy muhitning nosog‘lomligi. Oilada ota-ona va farzand o‘rtasidagi nizolar, o‘zaro bir-birini tushunmaslik holatlari, oiladagi rahbarlik uslubining to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilmaganligi va noto‘liq bo‘lgan oilalarning mavjudligi o‘smirlarda agressiyaning paydo bo‘lishiga olib keladi. Agressiv xulq-atvor natijasi qotillikkacha olib borishi mumkin. Tadqiqotchilardan biri bo‘lgan F.Getting qotillar ko‘p hollarda to‘liq bo‘lmagan

oilalardan chiqqanini aniqlagan. Uning “Oiladagi agressiv bolalarni o’rganish” bo’yicha olib borgan maxsus tadqiqotining natijalariga ko’ra, noto’liq oilalarda o’ta qahrli, qo’pol, agressiv va shu bilan birga voyaga yetmagan jinoyatchilar kelib chiqayotganligini alohida ko’rsatib o’tgan. Uning ta’kidlashicha to’liq oilalarda ham, noto’liq oilalarda ham sog’lom yoki nosog’lom oilaviy muhit mavjud bo’ladi. Oiladagi doimiy janjallar, mojarolar oilada nosog’lom muhitni vujudga keltiruvchi bosh omillardir.

2. Tengdoshlar guruhi. O’smirlar doim o’zgalarga taqlid qiladilar. Ular tengdoshlarining xatti-harakatlarini kuzatgan tarzda o’zlarini agressiv tutishga urinadilar. Haddan tashqari agressiv bolalar esa o’z tengdoshlari orasida siqib chiqariladi. Bunday bolalar o’zini xo’rlangandek his qilib, o’zi kabi agressiv bolalar guruhidan joy topadilar. Bu esa muammo ustiga muammo tug’dirmasdan qolmaydi.

3. Ommaviy axborot vositalari agressiya kuchayishiga ta’sir qilmoqda. Namoyish etiluvchi jangari filmlar, ko’rsatuvlar, internet orqali o’zining yosh va psixologik xususiyatlariga mos kelmaydigan ma’lumotlar, jangari o’yinlarni o’ynash agressiyaning paydo bo’lishiga sabab bo’lmoqda.

Yuqoridagi sabablarni bartaraf etish maqsadida ota-onalarga va o’smirning yaqinlariga quyidagilarni tavsiya qilamiz:

- O’smirning mustaqil bo’lishiga, tashabbus ko’rsatishiga sharoit yaratish;
- Ularga nima qilishni buyurmaslik kerak, balki qanday yordam berishni so’rash kerak, ya’ni uni qo’llab-quvvatlashni, unga bo’lgan ishonchni his qilishi;
- O’smir bilan ota-onasi, yaqinlari tez-tez ularning hayotdagi maqsadlari haqida gaplashishi;
- Oilada ota-ona tajovuzkorlik darajasini iloji boricha pasaytirish;
- Ishonchli munosabatlar o’rnatish;
- O’smirning sevimli mashg’ulotlari bo’lsa, uning quvvatini shu tomonga yo’naltirish, uni yutuqlari va mehnatsevarligi uchun doim maqtab rag’batlantirib turish lozim.

Demak, hozirgi kunda o’smirlarda namoyon bo’layotgan agressiv harakatlarlaning paydo bo’lish sabablarini aniqlash, destruktiv xulq-atvorning oldini olish muammolarini ilmiy o’rganish shuni ko’rsatadiki, inson tabiatidagi bu ko’rinishni chuqur o’rganish psixologiya fanining bugungi kun talabiga aylanib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nishonova Z.T., Kamilova N.G’, Abdullayeva D.U., Xolinazarova M.X. «Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya» -Toshkent: 2017, 241-b
2. N.Ismoilova, D.Abdullayeva “Ijtimoiy psixologiya” -TOSHKENT: 2013, 130-b
3. Кернберг О.Ф. Агрессия при расстройствах личности и перверсиях. М, 1998-134 с
4. Ш.Мустафаева. «Ўсмир психологияси: биз билмаган жиҳатлар». Фарғона-2015, 7-б.

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARDA TAFAKKUR RIVOJLANISHING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Badritdinova M., Mo'minova D., G'aniyeva N. - NamDU

АННОТАЦИЯ В статье рассматриваются особенности развития мышления у детей младшего школьного возраста. Статья предназначена для педагогов и психологов.

ANNOTATION In this article, small school children have thought about the peculiarities of thinking. The article is designed for teachers, psychologists.

Hozirgi globallashuv jarayonlari va fan-texnika sohasidagi ilg'or tadqiqotlar ijtimoiy soha vakillarining zimmasiga shaxsning jamiyat talablari bilan uyg'un rivojlanishi va faol bilish motivatsiyasini qaror toptirish bilan bog'liq zaruriy vazifalarni yuklaydi. Bunday hollarda jamiyat ijtimoiy rivojining ilmiy asoslangan istiqbolli rejasini tuzib, uning ustuvor yo'nalishlarini belgilab olish hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy qayta qurilishi yangi hayotiy muammolarni samarali va g'ayrioddiy hal etish qobiliyatiga ega bo'lgan ijodkor faol shaxsning shakllanishini talab etmoqda. SHu bilan bog'liq ravishda zamonaviy jamiyat oldida turgan muhim vazifalardan biri o'sib kelayotgan yosh avlodning ijodiy imkoniyatlarini rivojlantirishdan iborat. Bu esa o'z navbatida barcha bilish jarayonlarini psixologik qonuniyatlarini hisobga olgan holda ta'lim sohasini takomillashtirishni talab etadi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar tafakkuri ta'lim jarayonida juda katta o'zgarishlarga uchraydi. Mashhur psixolog L.S.Vigotskiy to'g'ri ko'rsatib o'tganidek, idrok va xotira maktab ta'limi boshlanishi oldidan anchagina taraqqiyot yo'lini bosib o'tgan bo'ladi, kichik maktab yoshidagi davrda esa intellekt (aql) jadal taraqqiy etadi[1]. Tafakkurning rivojlanishi idrok va xotirani sifat jihatdan qayta o'zgarishga, ularni ixtiyoriy va boshqariladigan jarayonga aylanishga olib keladi. Vigotskiyning ko'rsatishicha, maktab yoshiga bola idrok va xotira funksiyasiga nisbatan kuchsiz intellekt funksiyasi bilan qadam qo'yadi. Biroq intellekt shunday rivojlanadiki, na xotira va na idrok bunday rivojlanishni o'z boshidan kechirmaydi. Bu yerda ta'lim mazmuni va motivlarining stimullashtiruvchi roli, o'qituvchining ta'lim-tarbiya jarayoniini tashkil qiluvchilik roli xususan yaqqol ko'zga tashlanadi. Tadqiqotlarning ko'rsatishicha, o'quv jarayoni har xil yo'sinda tashkil qilinganda, ta'lim mazmuni o'zgartirilganda, o'qitishning turli metodikasiga qarab kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning tafakkuri nihoyatda xilma-xil xarakteristikaga ega bo'lishi mumkin.

Bola xususan 7 - 8 yoshlik davrida konkret narsa va hodisalarning ko'rgazmali xususiyatlari va sifatlariga asoslanib, odatda konkret kategoriyalar bilan fikr yuritadi. Ayrim izohlar bilan mashhur shveysariyalik psixolog J. Piajening 7-10 yoshdagi o'quvchilar asosan konkret operatsiyalar bosqichida turadilar. Ana shu bosqichda bevosita, tajribadan olingan xususiyatlar sistemalashtirilishi mumkin, degan fikrlariga qo'shilish mumkin. Ammo, o'ylaymizki, kichik maktab yoshi davrining oxiriga kelib,

to'g'ri tashkil qilingan ta'lim jarayonida o'quvchilar keyingi bosqichga, ya'ni umumlashtirish va abstraksiyalashtirish qobiliyati taraqqiyotining ma'lum darajasi bilan bog'liq bo'lgan formal operatsiyalar bosqichiga o'tishga qobildirlar. IV sinflarning yangi programmaları ana shunga mo'ljallangan. IV sinf programmasida o'quvchilarning yangi material bilan tanishib, mustaqil mulohaza yuritishlari va xulosa chiqarishlari, faktlarni solishtirib ko'rishlari, taqqoslashlari va analiz qilishlari, juz'iy hamda umumiyini topishlari, oddiy qonuniyatlarni belgilashlari ko'zda tutilgan[3].

SHunday qilib, bola maktabda o'qiy boshlar ekan, konkret tafakkurga ega bo'la boradi. Ta'lim ta'siri bilan hodisalarni tashqi tomondan bilishdan asta-sekin ularning mohiyatini bilishga, muhim xususiyat va belgilarni tafakkurda aks ettirishga o'tiladi. Bu esa dastlabki umumlashtirish, birinchi xulosa chiqarish, dastlabki solishtirishlarni o'tkazish va sodda xulosalar chiqarish imkonini beradi. Ana shu asosda bolada sekin-astalik bilan tushunchalar tarkib topa boshlaydi. Bu tushunchalarni biz L.S.Vigotskiydan keyin (bolada maqsadga muvofiq ta'limdan tashqari uning tajribasi asosida yuzaga kelgan hayotiy tushunchalardan farq qilib) ilmiy tushunchalar deb ataymiz. Bolada ilmiy tushunchani tarkib toptirish uchun o'quvchini narsalarning belgilariga differensiyali yondashishga o'rgatish lozim. O'quvchiga narsalarning muhim belgilari borligini, ana shu muhim belgilarimiz narsalarni biron tushunchalar turkumiga kiritib bo'lmasligini ravshan ko'rsatishi kerak. Bu muhim belgilarni hamma vaqt ham osonlik bilan ko'rib va ajratib bo'lmaydi. SHuning bilan birga maktab o'quvchisi shuni ham tushunishi kerakki, mazkur tushuncha uchun muhim bo'lmagan belgilar ham bo'ladi. Bu belgilar narsalarning individual xususiyatlarini xarakterlab beradi, ba'zan juda ko'zga tashlanib turadi va ta'sir etuvchan bo'ladi.

Narsalarning belgilarini differensasiya qilish va muhimlarini ajratishga birdaniga o'rganib bo'lmaydi. Axir kichik maktab yoshidagi o'quvchilar birinchi navbatda narsalarning tashqi belgilarini idrok qiladilar. Xuddi ana shu tashqi belgilar muhim bo'lmasliklari mumkin. Tushunchalarning tarkib topishi jarayonida kichik maktab yoshidagi o'quvchilar tomonidan tez-tez yo'l qo'yiladigan xatolar, ya'ni belgilarning o'rnini almashtirib yuborish, muhim bo'lmagan belgilar asosida yoki muhim va muhim bo'lmagan belgilarni qator qo'yish asosida noto'g'ri umumlashtirish ham xuddi ana shu sababdan kelib chiqadi.

Kichik maktab yoshdagi bolalarning mashg'ulotlar jarayonida axborotlarni qabul qilishi bilish jarayonlarini rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Mashg'ulotlar jarayonida beriladigan axborotlar ham boshqa axborotlar singari vaziyatga qarab qabul qilinadi, shuning uchun axborotlarni o'zlashtirishdagi individual farqlar, extiyojlar, topshiriqlar va bolalarning maqsadlari mos bo'lmasligi bilan bog'liq bo'lishi mumkin[1]. Bundan ko'rinib turibdiki, kichik maktab yoshdagi bolalarning axborotlarni qabul qilishlari bir xil bo'lmasada, ularning bilish faoliyatlari o'ziga xos xususiyatlarga ega.

Rus psixologlarining tadqiqotlarida kichik maktab yoshdagi bolalarda qabul qilishning ikki turi; analitik va sintetik turlari ajratilgan[2]. Analitik turda diqqat e'tibor alohida mayda - chuydalarga qaratiladi. Sintetik turda umumiy yaxlit holda qabul qilinadi. Ikkala turni bir-biriga qarama - qarshi qo'yish psixologiyada hozirgacha saqlanib keldi. Ammo turli yo'nalish vakillari buni shunday ta'riflaydilar. Differensial psixologiya uchun persektiv usullarni farqlash muhimdir, chunki bu barcha bolalarda bir xil emas. Bu turdagi individual xususiyatlar bolada umrbod o'zgarimas bo'lib qolmaydi, ular ontogenez jarayonida rivojlanadi, nafaqat rivojlanish jarayonida balki pedagogik mashqlar, pedagogik ta'sirlar orqali o'zgarib boradi.

Kichik maktab yoshdagi bolalarda mashg'ulotlar jarayonida namoyon bo'ladigan tafakkurga xos bo'lgan uslubni o'rganish maqsadida A.A. Alekseeva va L.A. Gromovalar tomonidan ishlab chiqilgan tafakkur uslubini aniqlash so'rovnomasi o'tkazilganda, bolalarning 8,7 % sintezatorlik, 8,7 % idealistiklik, 8,7 % pragmatiklik, 56,5 % analitiklik, 17,4 % da realistlik uslubining ustunligi aniqlandi. Bolalarning axborotlarni qabul qilishlari bilan tafakkur uslublari o'rtasidagi korelyatsion koeffitsenti Pirson formulasi orqali o'rganilganda, analitiklik uslubi bilan bilish jarayonlarini rivojlanish ko'rsatkichlari o'rtasida ijobiy aloqalar borligi aniqlangan.

Axborotlarni qayta ishlab chiqish tezligini an'anaviy taxistostopik usul va ko'z harakatini o'lchash zamonaviy muolajasi yordamida aniqlash mumkin. Taxistaskopik tajaribalarda insonlarda bir xil sharoit va bir xil vaqt ichida axborot qabul qilish va qayta ishlash qobiliyati har xilligi kuzatilgan[3]. Axborotni qayta ishlash tezligi va sifatini o'rganishning ikkinchi metodik uslubi bu ob'ektlarni ko'rib chiqish va matnlarni o'qish paytida amalga oshiriladigan ko'z harakatlarni o'lchash va belgilab qo'yishdir. Axborotlarni qabul qilish qayd etish paytida sodir bo'ladi. SHuning uchun fiksatsiyalar davomiyligini o'lchash axborot qabul qilishga qancha vaqt kechishini aniqlashga imkon beradi. Ma'lumki, jismni ko'rgazmali tahlil qilish kuzatuvchining bilimi, tajribasi va kuzatishlariga bog'liq. Rus psixologlari tomonidan kuchli va kuchsiz asab tizimiga ega bo'lgan bolalarni o'yin faoliyatida kuzatilganda nigohni fiksatsiya qilish davomiyligi va qaror qabul qilishdagi vaqtda farq borligini aniqlaganlar. Kuchsiz asab tizimiga ega bo'lgan bolalar kuchlilariga qaraganda nigohlarini tez va uzoq to'xtatib turishgan, qarorni sekinroq qabul qilishgan, raqiblarining figuralariga emas, o'z figuralariga ko'proq e'tibor berishgan. Kuchli asab tizimiga ega bo'lgan bolalar bir fiksatsiyada juda ko'p axborot qabul qilishgan, o'yinning keyingi holatiga ahamiyat berishgan. Faol qidiruv axborotini amalga oshirgan.

Narsalarni bolalar tomonidan tartibga solish guruhlash bo'yicha kuzatilganda ikki faza aniqlangan[4]:

1. Axborot qidirish fazasi - bunda materialni ko'rib chiqish amalga oshiriladi va uni turlash va toifali tartibga solish rejasi tuziladi.

2. Tuzilgan rejalar asoslanadi va tekshiriladi. Ammo, differensial psixologik nuqtai - nazaridan qaraydigan bo'lsak, biror individual farqlar aniqlanadimi? degan savolga javob berishimiz kerak. Albatta bunday farqlar mavjud. Impulsiv va reflektiv bolalarning har xil xulqlari aniqlanganligini aytish mumkin. Bunda impul'siv bolalar “O'xshash jismlarni topish” kabi topshiriqlarga duch kelganda juda tez javob topadilar. Ammo ko'p xatolarga yo'l qo'yadilar. Reflektiv bolalar esa xuddi shunday topshiriqqa ancha ko'p vaqt sarflaydilar. Ammo xatolari kam bo'ladi yoki umuman bo'lmaydi.

Xulosa shuki, axborot qabul qilish tezligidagi individual farqlar, o'tkazilgan farqlarning aniqligidagi, qaror qabul qilishda bola uchun kerak bo'ladigan axborotlarning sonidagi va ahamiyatidagi farqlar aniqlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Rahmonov A. Jumanazarov Yo. “Yosh va pedagogik psixologiya”. Namangan. 2008
2. Рогов Е.А Настольная книга практического психология Москва. 1999

ВЛИЯНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЛИЧНОСТИ (РЕСУРСОВ) НА КАРЬЕРНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Берзина О.А. – аспирант, Сибирский государственный университет науки и технологий имени академика М. Ф. Решетнева, (г. Красноярск, Российская Федерация)

Аннотация. В статье рассматривается влияние индивидуального потенциала личности (ресурсов личности) на карьерное самоопределение молодых людей в современных условиях, проанализирован ряд исследований индивидуального потенциала личности среди различных категорий студентов.

Abstract:The article examines the influence of individual personality potential (personality resources) on the career self-determination of young people in modern conditions, analyzes a number of studies of individual personality potential among various categories of students.

Индивидуальный потенциал личности (ресурсы) прямо влияет на возможности человека, определяет ту планку, которую можно достичь. От них него зависит, какое количество сил, времени и энергии затратиться на достижение намеченных целей. Так, например, в Гарварде в политике комплексного изучения абитуриентов особое место уделяется личностному потенциалу поступающих: высоко ценится, не только эрудированность, но и талант, активность, неординарность будущих студентов. Определяющими являются наличие таких характеристик как: мотивированность, коммуникабельность, умение получать нужные навыки в нужный момент, лидерские качества, самостоятельность [9].

Индивидуальный потенциал личности (ресурсы) оказывают влияние на способы взаимодействия личности с окружающей средой, опосредованно оказывая

влияние на качество жизни, и в частности, на выбор профессии и построение дальнейшей карьеры.

В зарубежной психологии проблема ресурсов личности исследуется более полувека, и область изучения только расширяется. В этих работах «ресурс» трактуется как фактор адаптации человека к окружающей среде.

В отечественной психологии вопросы «ресурсов личности» активно рассматривались в работах двух выдающихся отечественных психологов - Б. Г. Ананьева и С. Л. Рубинштейна. Так, Б.Г. Ананьев, предполагал возможность в дальнейшем разработать «...общую модель резервов и ресурсов личности, которые проявляют себя в самых различных направлениях в зависимости от реального процесса взаимодействия человека с жизненными условиями внешнего мира и от структуры личности самого человека» [1, с. 275].

Коростелева Т.В. приводит обзор определений понятия «ресурс» в различном контексте, который в настоящее время используется научным сообществом. Так, «ресурс» различными авторами определяется:

- в качестве интегральной характеристики человека как субъекта труда, которая охватывает все уровни его индивидуальности и рассматривает человека сквозь призму мобилизации всех ресурсов организма в процессе борьбы с экстремальными условиями жизнедеятельности (Войтехович Т.С.);
- как адаптационный потенциал личности (Соловьева С.Л.);
- в качестве системы способностей человека к устранению противоречий, возникающих между личностью и жизненной средой, преодолению неблагоприятных жизненных обстоятельств (Иваницкий А.В.) и др. [5, 21].

Водопьянова Н.Е. дает следующий вариант понятия «ресурс»: это конструкторы психологической регуляции разных уровней организации человека [3, с. 46].

Матан В.В. определяет личностные ресурсы как совокупность внутренних характеристик человека, способствующих его продуктивности и успешности в различных жизненных ситуациях, выступающих одним из факторов психического здоровья. Автор также констатирует, что количество, разноплановость, субъективное ощущение достаточности ресурсов и их использование связано с благополучием человека. В зависимости от разнообразных жизненных задач, различные качества могут выступать как ресурсы [7, с.48].

Дорохина О. В., Ткаченко И. В. предлагают такое определение: «Личностные ресурсы - это потенциал, качества личности, ее возможности и способности, помогающие в постановке и решении различных задач» [4, с.68].

Отечественная психологическая школа, представленная на кафедре акмеологии и психологии профессиональной деятельности РАГС, рассматривает личностный потенциал как самоуправляемую систему внутренних возобновляемых

ресурсов личности [8, с. 99].

Развитие ресурсов имеет сложную детерминацию: оно зависит от внешних (внесубъектных) и внутренних (интра - и интересубъектных) факторов. Они динамичны, имеют периоды развития, стагнации, инволюции. В зависимости от субъектной активности ресурсы вовлекаются, сонастраиваются и развиваются в соответствии с требованиями профессиональной деятельности и ситуационных условий, а также в зависимости от жизненной позиции и установок [3, с. 46].

Приведем несколько исследований аспекта личности студентов:

Коростелева Т.В. в результате эмпирического исследования определила, что внутренняя организация ресурсного потенциала личности задается: познавательной, преобразовательной, оценочной (ценностно-ориентационной), коммуникативной деятельностью. Каждый вид деятельности образует собственный арсенал влияния на личность обучающихся и вид ресурсов по управлению качеством жизни. Также автор отмечает, что студенты с высоким индексом жизненной удовлетворенности имеют более высокий индекс ресурсности, что доказывает большую сбалансированность их достижений и неудач и, как следствие, больший адаптационный потенциал по сравнению со студентами с низким уровнем индексов жизненной удовлетворенности. Студенты с высоким индексом жизненной удовлетворенности ставят перед собой более высокие и амбициозные цели; они ориентированы на получение высоких результатов в значимых видах деятельности [5, с.77].

В исследовании мнения студентов средних учебных заведений по вопросу представления о карьере, проведенном автором статьи Берзиной О.А. совместно с Лукьянченко Н.В., выявлено, что одним из важнейших ресурсов личности для респондентов (в половине случаев ответов) выступает внутренняя мотивация, которая означает вложение своих ресурсов, таких как энергия, время, знания, талант, воля и т.д. в достижение желаемой цели [2].

Куликова Т. И., Декина Е. В., Шалагинова К. С. в ходе констатирующего эксперимента, проведенного на базе ТГПУ им. Л.Н. Толстого выявили, что студенты в качестве своих ресурсов называют организованность, сильную волю и энергичность [6].

Дорохина О. В., Ткаченко И. В. провели анкетирование студентов первых и выпускных курсов АГПА с целью определения основных факторов развития их собственных личностных ресурсов. Важно отметить, что понятие о «личностных ресурсах» вызвало даже у выпускников большие затруднения; только 61% студентов-выпускников дали ответ на вопрос анкеты о том, что они считают своими ресурсами. 53% опрошенных в качестве ресурсов указали на личностные качества и 18% на свои способности. Среди самых популярных ответов о ресурсах называлось: время, материальные возможности, отдельные личностные качества.

Сложным как для первокурсников, так и для выпускников оказался вопрос о том, чего им не хватало для полного раскрытия личностных ресурсов. Важными моментом являются представления выпускников о том, что личностные ресурсы можно развивать и усовершенствовать, что они необходимы для работы по специальности, характеризуют самость человека и способствуют формированию личности [4].

Если же рассматривать ресурсы личности в разрезе карьерного самоопределения то можно сказать, что реализация карьерного потенциала напрямую связана с готовностью самостоятельно планировать и реализовывать перспективные направления персонального образовательного маршрута и профессионального будущего. Успешность в реализации карьерного потенциала зависит не только от обладания будущим специалистом актуальным набором компетенций, но и от того, занимается ли он самообразованием и саморазвитием.

Таким образом, личностные ресурсы представляют собой сложную многомерную систему индивидуально-психологических характеристик, которые можно целенаправленно развивать в результате деятельности в современных условиях. Важную роль в формировании ресурсов играет собственная активность индивида и высокий адаптационный потенциал к изменяющимся внешним условиям, а также понимание человеком какими ресурсами он обладает и может воспользоваться, чтобы быть эффективным в достижении поставленных целей в карьере и жизни.

Библиографический список

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. СПб.: Питер, 2001. 288 с.
2. Берзина О. А., Лукьянченко Н. В. Представление о карьере студентов, получающих среднее профессиональное образование// Психология в системе социально-производственных отношений: материалы III Междунар. науч. - практ. конф. (17 апреля 2020 г., Красноярск) / СибГУ им. М.Ф. Решетнева. – Красноярск, 2020. С.123-128.
3. Водопьянова Н.Е. Современные концепции ресурсов субъектов профессиональной деятельности // Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 16. Психология. Педагогика. 2015. № 1. С. 45-54.
4. Дорохина О.В., Ткаченко И.В. Считают ли семью фактором развития своих личностных ресурсов современные студенты?// В сборнике:European Association of pedagogues and psychologists «Science».2014.С.67-71.

ТИПИЧНЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ АГРЕССИВНОСТИ У ДЕТЕЙ С ЗАДЕРЖКОЙ ПСИХИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Дмитриева С.А. - доцент, канд. психол. Наук Московский государственный областной университет Романенко (Андреева) Н. С. - старший преподаватель кафедры теоретических основ физического воспитания Красноярский государственный педагогический университет

Аннотация. В статье рассматривается проявление агрессивности в эмоциональной сфере ребенка с задержкой психического развития (ЗПР), как существенный психологический симптомокомплекс свойственный для таких детей.

Annotation. The article considers the manifestation of aggressiveness in the emotional sphere of a child with mental retardation (PSD) as an essential psychological symptom complex characteristic of such children.

В настоящее время значительно возрастает количество детей с ограниченными возможностями здоровья, которые сталкиваются с различными трудностями, используя при этом защитный механизм, такой как агрессия. В последние годы тема агрессии у детского социума становится актуальной, а особенно у детей с нарушениями развития [8]. В век компьютерных технологий двигательная активность детей ограничилась. Взрослое население в связи с ограничением свободного времени и жестким рабочим графиком, перемещением на автомобильных средствах также не имеет возможности в полной мере реализовать свой двигательный потенциал. Груз различных обязанностей, возложенных на взрослых, держит их в постоянном напряжении, вследствие чего, возникают психологические перегрузки — агрессия, которую они могут вымещать на детях. И у детей, и у взрослых нет физической разрядки, с которой бы все отрицательные эмоции уходили [1, с.80]. Известно, что она проявляется в наличии признаков, отражающих психический портрет личности и характеризуется совокупностью психологических параметров определяющих ее поступки, предпочтения, привычки. Дети с нарушениями развития не всегда могут взять на себя ответственность за свои поступки, за действия, что, как известно, проявляется при их агрессивном поведении [9, с.275]. Виды агрессии, в свою очередь, могут быть очень разными, например, прямая и косвенная, физическая и вербальная, провоцирующая и защитная, враждебная и инструментальная, обоснованная и деструктивная. У детей с задержкой психического развития с ЗПР она может проявляться как самоутверждающая [6, с 252] или самозащищающая.

Актуальность нашей работы подчеркивается значимостью социальной адаптации детей с ЗПР, развитием жизненно-важных компонентов психического состояния, таких как эмоциональная стабильность, адекватное реагирование на замечания, модифицированная чувствительность. Такие дети, как правило, имеют существенные трудности при выполнении различных инструкций, заданий, у них отмечен сниженный уровень навыков самоконтроля, проявление чрезмерной тревожности и другие симптомокомплексы [10, с.263], негативно влияющие на уровень развития коммуникативных навыков, интеллекта, игровую деятельность, самооценку, имеются проблемы в отношениях с ровесниками [10, с.119].

Целью нашего исследования стало выявление характеристик одного из проявлений личности ребенка с задержкой психического развития - агрессии, ее

глубины и типичных особенностей, что в дальнейшем предполагало построение оптимальных характеристик психодиагностики, а в итоге построения психокоррекционной работы, направленной на снижение глубины её проявлений и улучшение эмоционального состояния такого ребенка.

Феномен агрессии человека в свое время исследовали гуманисты-психологи К. Роджерс [18, с. 506], А. Маслоу [16, с.479] необихевиористы А. Бандура [3, с.532] и Дж. Доллард [12, с.265], Бандура А. Уолтерс Р. [4, с.512], внесли свой вклад Э. Фромм [20, с. 447], который ввел 5 основных видов агрессии, А. Басс [5, с.19], предложивший на основании трех шкал описать агрессию, К. Лоренц [14, с.361; 15, с.269] которым были предложены четыре типа агрессии. Из отечественных ученых, занимавшихся разработкой проблемы агрессии, можно выделить Т.Н. Курбатову [13, с.27], А.А. Реан [17, с.3], Т.Г. Румянцеву [19, с.150], и других. Бэрн Р., Ричардсон Д. [7, с.352], считают, что под агрессией может быть попытка причинения физических повреждений.

А. Реан [17, с.3] пишет, что агрессия, это такие действия, которые направлены на причинение ущерба человеку.

С точки зрения А. Басса [5, с.19] агрессия трактуется как заключающая угрозу или причиняющее ущерб.

Отечественный психолог И.А. Фурманов [21, с. 192] понимает агрессию как деструктивную окраску, признает существование агрессии социально одобряемой и полагает, что «личность должна обладать определенной степенью агрессивности в «норме».

А. Адлер [2, с.296] считал, что агрессия является неотъемлемой частью сознания.

Агрессивное поведение детей с задержкой психического развития не мотивируется серьезными причинами как у взрослых, здесь причины достаточно тривиальны, например, недостаточное или чрезмерное внимание родителей, их нежелание общаться и вникать в проблемы детей, некорректная критика, поскольку нередко родители делают унижительные замечания или наказывают детей в самом неподходящем для этого месте, авторитарное воспитание или неблагоприятная атмосфера в семье. Хотя агрессивное поведение их понимается как мотивированные внешние действия, которые нарушают установленные порядки, принимаемые нормы, причиняющие вред и страдания для других детей. Поэтому, при работе с проявлением агрессии у детей, необходимо помнить о значимости её эмоционального компонента.

Однако агрессию можно рассматривать не только как эмоционально-поведенческий компонент, но и как временное психическое состояние, где можно отметить познавательный, эмоциональный и волевой структурные компоненты. Например, познавательный компонент включает понимание ситуации. Lazarus R. S.

[22, с. 234] считает, что угроза как фактор, является основной причиной агрессии, что часто означает появление стресса, и позволяет предположить, что агрессия - это реакция на стресс. Хотя это не всегда так, поэтому анализ и оценка угрозы является важным компонентом при её проявлении.

Следующий компонент агрессии, эмоциональный, где, прежде всего, нужно выделить гнев, ярость, к которому относится недоброжелательность, мнительность, злость. Это такие компоненты, которые могут включать в себя конкуренцию, соперничество, в результате чего у детей с нормой развития проявляется волевой компонент. А он конечно характеризуется решительностью, настойчивостью, целенаправленностью, и, конечно, смелостью.

Уровень агрессивности зависит от личностных особенностей ребёнка, типа его воспитания, эмоциональной регуляции [11, с. 119]. Также стоит заметить, что на состояние агрессивности такого ребенка может влиять просмотр телепередач, компьютерные игры, пресса передающие импульсы агрессии и тревоги. Как в таких случаях ребёнок может реагировать? Ребенок не может осознать, как защищаться от такой информации, как ее игнорировать, следовательно, эмоциональная сторона восприятия нарушается. Ребенок интуитивно подражает взрослым, он не может понять, как в реальной жизни соотнести то, что передают СМИ, и это может быть трагично как для него, так и для окружающих. В связи с такими актуальными проблемами существует множество методик, с помощью которых выявляются состояния агрессии в той или иной мере. Например, методика «Кактус» предназначена для изучения эмоционально-личностной сферы ребенка младшего школьного возраста. Школьникам предлагается на листе бумаги изобразить кактус таким, каким они его себе представляют. Дополнительные разъяснения, а также вопросы касающиеся деталей личного изображения отклоняются. Одним из главных показателей является агрессивность, о наличии которой свидетельствует такое соотношение как размер, расположение иголок.

На выявление состояния агрессии у детей направлена другая методика - «Несуществующее животное», где цель её - оценка степени агрессивного поведения. Дети на бессознательном уровне переносят свой внутренний мир в свой рисунок, там он отражает свои переживания, свои отношения, чувства.

С помощью проективной методики «Дом, Дерево, Человек» идет оценка особенностей личности ребенка, касающаяся сферы его взаимоотношений с окружающим миром и с конкретными людьми. В рисунке каждый объект (дом, дерево, человек), изображенный отдельно или в композиции, нужно рассматривать как автопортрет, так как испытуемый изображает его с особенностями, имеющими для него существенное значение.

Исследования, проведенные психологами, говорят о том, что агрессия одна из существенных проблем общества и всех его поколений, она вызвана

множеством факторов: воспитанием в семье, технологическим прогрессом, обучением и коллективом в школе, межличностными отношениями между сверстниками, ситуациями на улице, в метро, магазинах и, конечно, культурой и менталитетом, слабым здоровьем, качеством жизненных показателей и т.д. Конечно, важными компонентами агрессивности следует признать, прежде всего, личностные характеристики ребенка с задержкой психического развития. Такие дети требуют особого внимания к себе, как со стороны родителей, так и со стороны педагогов, психологов, возникает острая необходимость в профессиональной подготовке специалистов, готовых оказать практическую помощь родителям.

Одной из основных задач таких специалистов задача перенаправить агрессию ребенка из разрушительной программы для его личности и здоровья, в ресурсное состояние для его самосовершенствования в будущем, которое бы вырабатывало положительные качества целеустремленности, разносторонности и т.д.

В данной статье нами были рассмотрены типичные проявления агрессивности детей с ЗПР младшего школьного возраста, присущие им, которые позволяют рассматривать их как материал психодиагностики и для дальнейшего построения психокоррекционной работы

Библиографический список.

1. Андреева Н.С. Подвижная игра как средство профилактики асоциальных проявлений среди населения разных возрастных групп // Проблемы развития физической культуры и спорта в новом тысячелетии: материалы IV международной научно-практической конференции, 27 февраля 2015 г., г. Екатеринбург / Рос. гос. проф.-пед. ун-т. Екатеринбург, 2015. С. 80 – 84.
2. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии / А. Адлер. - Санкт-Петербург: Питер. - 2003. - 296 с.
3. Бандура А. Теория социального научения / А. Бандура. - М.: Директ-Медиа. - 2008.- 532 с.
4. Бандура А. Уолтерс Р. Подростковая агрессия. - М., 1999. – 512с.
5. Басс А. Дарки. А. Концепция агрессии / враждебности Екатеринбург 2003.- 19 с.
6. Бендер П.У. Лидерство изнутри (Текст) / П.У. Бендер, Л. Хеллман. - М., 2005. - 252 с.
7. Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. — СПб: Питер, 2001. — 352 с: ил. — (Серия «Мастера психологии»).
8. Дмитриев А.А., Гендин А.М., Сергеев М.И., Дмитриева С.А. Об отношении социума к интегрированному обучению детей с особыми образовательными потребностями. Специальное образование. 2008. № 1 (9).
9. Дмитриева С.А., Верхотурова Н.Ю. Изучение и оценка особенностей понимания, дифференцировки и вербализации эмоциональных реакций учащимися младшего школьного возраста с нарушением интеллектуального развития. Сибирский педагогический журнал № 2. Новосибирск, 2011. – 275 с.
10. Дмитриева С.А. Личностные особенности детей с ЗПР, воспитывающихся в детском доме. Формирование личности в социокультурном информационном пространстве современного отечественного образования (региональный аспект).

Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием 1-2 марта. - Тюмень, 2011. – С. 263-264.

11. Дмитриева С.А., Верхотурова Н.Ю. Изучение психологических симптомокомплексов у детей-сирот с задержкой психического развития в процессе оценки их эмоциональной компетентности. Специальное образование: научно-методический журнал / ФГБОУ ВПО «Урал. гос. пед. ун-т»; Ин-т спец. образования. – Екатеринбург, 2013. - № 3. – 119 с.
12. Доллард Д. Фрустрация и агрессия / Д. Доллард. - М.: Просвещение. - 1939. - 265 с.
13. Курбатова Т.Н. Структурный анализ агрессии // Б. Г. Ананьев и ленинградская школа в развитии современной психологии. - СПб, 1995. – 27-28 с.
14. Лоренц К. Агрессия / К. Лоренц. - М.: Наука, 1994. - 361 с.
15. Лоренц К. Агрессия (так называемое зло). - М.: Просвещение, 1994. – 269 с.
16. А.Г. Маслоу. Мотивация и личность / Абрахам Г. Маслоу; [Пер. с англ. Татлыбаева А. М.]. - СПб.: Евразия, 1999. - 479 с.
17. Реан А.А. Агрессия и агрессивность личности // Психологический журнал. – М., 2006. - Т. 16. - № 5. - С. 3-18.
18. Роджерс, К.Р. Клиент-центрированная психотерапия. Теория, современная практика и применение / Карл Роджерс; [Пер. с англ. Т. Рожковой и др.]. - М.: Апрель пресс : ЭКСМО-пресс, 2002. - 506, [1] с.
19. Румянцева Т.Г. Агрессия: проблемы и поиски в западной философии и науки - М., 2010 - 150 с.
20. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. - М.: Республика, 1994. - 447 с.
21. Фурманов И.А. Детская агрессивность: психодиагностика и коррекция Минск, Ильин В.П., 1996. -192с.
22. Lazarus R. S. Coping theory and research: past, present, and future: Rev. 11 Psychosom. Med. 1993. Vol. 55, N 3. P.234–247.

TALABALARDA O`Z-O`ZIGA BO`LGAN ISHONCH VA ISHONCHSIZLIK HISSINI O`RGANISHNING NAZARIY VA AMALIY AHAMIYATI

G`aybullayeva D.M. – Nizomiy nomidagi TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrasida o`qituvchisi

Parpiyeva Sh. - Nizomiy nomidagi TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrasida o`qituvchisi

Аннотация. Данная статья посвящена к теоретическому и практическому изучению проблемы уверенности и неуверенности в себе у студентов, которая является одной из самых актуальных проблем. Уверенность в себе - характеристика личности, которая обеспечивает эффективность деятельности и общения, успешность адаптации к социальной среде. В статье описаны психологические особенности уверенности и неуверенности в себе у студентов высших учебных заведений.

Abstract. This problem is one of the most pressing issues today, because self-confidence is a characteristic of the individual, which ensures the effectiveness of activity and communication, the success of adaptation to the social environment. The article

describes the psychological features of the theoretical and practical study of students' confidence.

So'nggi yillarda jahon psixolog olimlari tomonidan ishonch fenomenini o'rganish tobora ko'payib bormoqda. Bu atama 1971 yilda S. Djurardom tomonidan taklif qilingan bo'lib, ishonch tushunchasini u shunday ta'riflaydi: "shaxsning o'zi haqida boshqa insonlarga nisbatan shaxsiy ma'lumotlarga ega bo'lishi, ya'ni "xabar" ma'nosini bildiradi".

Birinchi marta P. Laskou tomonidan "ishonch" hissini o'rganish uchun dastlabki qadamlar qo'yildi. U ishonchni o'z-o'zini anglash jarayonida o'zini namoyon qiladigan hodisa deb hisoblagan. Uning fikriga ko'ra, ishonch hissi insonning boshqa odamlarga va butun dunyoga nisbatan ochiq munosabat bildirishini ifodalaydi. Uning nazariyasiga ko'ra, ishonch hissining shakllanishi dastlab bolalik davrida sodir bo'lib, u psixologik jihatdan sog'lom shaxsning eng muhim ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. [1, 79-85].

E.Erikson shaxsning chaqaloqlik davrida ishonch va ishonchsizlik hissini shakllantirishga e'tibor qaratdi. E.Erikson yosh davrlari bo'yicha insonning rivojlanish nazariyasida har bir yosh bosqichida rivojlanishi kerak bo'lgan fazilatlarni tasvirlab berdi. Uning nazariyasiga ko'ra, 1 yoshdagi bola, ijobiy-psixologik ijtimoiy vaziyatda bo'lishi, insonning hayotga bo'lgan asosiy ishonch hissini rivojlantirishga, keyinchalik esa boshqa barcha fazilatlarni shakllantirishga xizmat qilishini lozim. Agar ishonch hissi shakllanmagan bo'lsa, bunga qarama-qarshi tarzda ishonchsizlik hissi paydo bo'ladi.

Bundan tashqari E.Erikson ishonch hissini shakllantirishda nafaqat boshqalarga, balki o'z-o'ziga bo'lgan ishonch, o'z ehtiyojlari va istaklarini amalga oshirish qobiliyatiga ega bo'lish kerakligi eng muhim omil deb hisoblaydi.

Bolaning dunyoga bo'lgan ishonch hissini anglashi, uni his qilishi shaxsning odamlar bilan uyg'unligining asosi sifatida, ular bilan muloqot qilish va parallel ravishda o'zini shaxs sifatida ta'kidlash qobiliyatining asosi sifatida belgilab, E.Erikson sog'lom shaxsning ko'rsatkichlaridan biri sifatida ishonch hissiga alohida ahamiyat beradi [2, 134-146].

Gumanizm psixologiyasining asoschisi A.Maslou ishonch hissini o'z-o'zini anglaydigan shaxsni shakllantirish uchun zarur psixologik omillardan biri deb hisoblaydi. U o'z-o'zini anglash nazariyasida ishonch hissini dunyoga bo'lgan munosabat shakli sifatida ko'radi va bolaning asosiy ehtiyojlarini qondirish natijasida ishonch hissi paydo bo'ladi, deb ta'kidlaydi. A. Maslou, o'z-o'zini namoyon qiladigan shaxs birinchi navbatda dunyoga ishonchli munosabatda bo'lishi kerakligini aytadi [3, 25-29].

Bundan tashqari, u ishonchni nafaqat atrofdagi dunyoga nisbatan munosabat sifatida, balki o'z-o'ziga bo'lgan munosabat sifatida ham ko'rib chiqish kerak deb hisoblagan.

XX asrning 80-yillari oxirida psixologlar ishonch hodisasini o'rganishga dastlabki harakatlarni boshladi.

Ishonch - bu inson psixikasini o'rganish uchun asosiy sub'ektiv yondashuv bo'lib, u shaxs shakllanishining hayot jarayonida mustaqil ravishda amalga oshiriladigan psixologik xususiyat sifatida tadqiq qilindi. Shu bilan birga, ishonch hissi o'z-o'ziga bo'lgan ishonch va atrofdagi dunyoga bo'lgan ishonchning mustahkamligi sifatida ham qaraladi.

V. A. Petrovskiy o'zining kontseptsiyasida o'z - o'ziga bo'lgan ishonch hissini tuzilishini shunday tasvirlaydi: “ishonch - bu insonning voqea-hodisalarga bo'lgan munosabati bilan o'z imkoniyatlarini aks ettiruvchi ko'rsatkich, shaxsda ishonch hissi bo'lmasa, inson xech bir faoliyatni amalga oshirishi mumkin emas”. Ijtimoiy psixologiyada ishonch hissi do'stlik munosabatlari bilan bog'liq holda ko'proq rivojlanadi.

A. N. Leontev “agar, shaxsda kuchli irodali harakatlar bilan birgalikda o'ziga bo'lgan ishonch hissi rivojlantirilsa, inson har qanday faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirishda “asos” bo'lib xizmat qilishini ta'kidlaydi. Faoliyatga nisbatan ishonchsiz munosabatda esa, shaxs faoliyatda rivojlanishga erisha olmaydi” deb ta'kidlagan [4, 81-95].

T.P.Skripkina uzoq yillar davomida ishonch hissini o'rganish bilan shug'ullandi. Uning fikriga ko'ra, ishonch hissi shaxsning qiymat-semantik tuzilmalariga berilgan asosiy rolni anglash va shaxsning empirik tuzilmasining asosiy manbai sifatida belgilanadi. Uning ta'kidlashicha, har qanday shaxslararo munosabatlarda muloqot jarayoniga semantik maqom beradigan hodisa bu- ishonchdir.

Ta'kidlash joizki, ishonch hissini o'rgangan olimlar fikrlariga ko'ra, ishonch hissi- shaxs munosabatlarining dastlabki asosi hisoblanadi.

Ishonch va ishonchsizlik hodisalarini o'rganishda olimlar iqtisodiy vaziyatga va boshqalarga qarab, qiymat yo'nalishlarini tanlash bilan, shaxsning yo'naltirilganligi bilan bog'liq holda ularning namoyon bo'lishining turli xususiyatlarini ko'rib chiqdilar.

Ishonch va ishonchsizlik namoyon bo'lishining o'ziga xos xususiyatlaridan biri gender farqdir. T. P. Skripkin tomonidan birinchi marta ishonch hissini namoyon qilishning gender xususiyatlari muammosi tadqiq etildi. Ishonch va ishonchsizlik hissi namoyon bo'lishining gender xususiyatlari haqidagi qiziqishlar va ko'plab savollarga javob topish maqsadida ishonch hissining jins xususiyatlarga bog'liqligini o'rganish maqsadida inson obrazi o'rganib chiqildi.

Biz tomondan o'tkazilgan tadqiqotning dolzarbligi ushbu hodisaning odamlar o'rtasida psixologik yaqinlikni yaratish va saqlab qolish uchun muhimligini nazariy asoslashda, ishonchning gender jihati, uning sifatli shaxslararo munosabatlarni qurishga ta'siri olimlar tomonidan to'liq o'rganilmaganligi bilan belgilanadi.


Tadqiqotning maqsadi OTM talabalarida ishonch va ishonchsizlik namoyon bo'lishining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganishdir.

Tadqiqot ob'ekti-shaxsda ishonch va ishonchsizlik muammosi.

Tadqiqotning predmeti–yogit va qiz larda ishonch va ishonchsizlik hissining namoyon bo'lishi.

Nazariy tadqiqotlar asosida biz ishonch va ishonchsizlik hissining namoyon bo'lishida gender farqlar borligini taxmin qildik.

Tekshiriluvchilarning o`zlariga bo`lgan ishonch ko`rsatkichkari



1 - yuqori ishonch darajasi; 2 - o'rta ishonch darajasi; 3 - past ishonch darajasi

1-rasm

Tadqiqot natijalaridan talabalarning ishonch darajasi asosan pastligini ko`rish mumkin. Keyin biz ishonch va ishonchsizlik hissini ajratib, izlanishlarimizni davom ettirdik. Buning uchun biz A.B. Kupreychenkoning “Dunyodaga, boshqa odamlarga, o`ziga bo`lgan ishonch va ishonchsizlikni o`rganish” metodikasidan foydalandik.

Keltirilgan matematik mezondan foydalangan holda yigitlar va qizlarda ishonch va ishonchsizlik hissining ko'rsatkichlarini taqqoslab tahlil qilib, quyidagilarni aniqladik:

Tekshiriluvchilarning ishonch va ishonchsizlik bo`yicha jinsiy tafovurlari 2-

rasm

darajalar	Ishonch hissi		Ishonchsizlik	
	Yigitlar	Qizlar	Yigitlar	Qizlar
Yuqori	21	15	47	82
O`rtacha	60	79	35	15
Past daraja	2	3	1	□

1. Ushbu tadqiqotda ishtirok etgan qizlar va yigitlar o'rtasida ishonch darajasi bo`yichastatistik jihatdan sezilarli farq bor; shuning uchun ishonch fenomenining mazmuni va namoyon bo'lishi ular uchun har xil bo'ladi.

2.Ushbu tadqiqotda ishtirok etayotgan qizlar va yigitlar o'rtasida ishonchsizlik darajasini taqsimlashda statistik jihatdan sezilarli farq bor.

Shunday qilib, matematik mezonlardan foydalangan holda, biz yigit va qizlar o'rtasidagi ishonch va ishonchsizlik hodisalarining namoyon bo'lishida farqlar borligi

haqidagi faraz tasdiqlandi. Tadqiqotimizning amaliy ahamiyati shundan iboratki, shonch va ishonchsizlik hodisalarini o'rganishda insonning jins xususiyatlari katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Леонтьев А. А. Психология общения. Тарту, 1974.
2. Ильин Е. П. Психология доверия. СПб.: Питер, 2013. 288 с.
3. Маслоу А. Самоактуализация. Психология личности. М., 1982.

TALABALIK DAVRIDA IJTIMOYIY INTELLEKT SHAKLLANISHINING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI

Hakimova M.H. - Nizomiy nomidagi TDFU magistri

Annotation. In the article, the role of the social environment in the formation of social intelligence in the student period, the pedagogical and psychological importance of which determines their position in the acquisition of knowledge and in the society and expressed opinions about it.

Аннотация. В статье рассматриваются роль социальной среды в формировании социального интеллекта в студенческом возрасте, педагогическое и психологическое значение, определяющее их место в приобретении знаний и в обществе.

Shaxs kamoloti asosini u yashab turgan ijtimoiy muhit va tarbiya belgilaydi.

Muhit – shaxs hayot kechirish va yashash sharoitidagi tevarak–atrof, kishilar, oila, mahalla, mehnat faoliyatini yuritishdagi jamoa va shu kabilar. Shaxs ijtimoiy munosabatlar jarayonida shakllanadi. Chunki ta’lim jarayonida bolalarga jamiyatda birga yashash bilan bog’liq bo’lgan holat va hodisalar o’rgatiladi. Bu jarayonda o’quvchi jamiyatga kirishadi va u bilan o’zaro munosabatda bo’ladi. Ular ma’lum ijtimoiy tajriba (bilim, qadriyat, axloqiy qoida, ko’rsatma) orttiradilar, ya’ni ijtimoiylashadilar. Ijtimoiylashuv uzoq davom etadigan murakkab jarayon. Chunki har qanday jamiyat rivojlanish jarayonida ijtimoiy va axloqiy qadriyatlar, idealar, axloqiy me’yorlar va qoidalar tizimini ishlab chiqadi, har bir bola yuqoridagi qoidalarni qabul qilib, o’rganib mazkur jamiyatda yashash, uning a’zosi bo’lish imkoniyatiga ega bo’ladi. Buning uchun jamiyat u yoki bu shaklda shaxsga maqsadga muvofiq ta’sir etadi. Bu ta’sir ta’lim vositasida amalga oshadi. Ikkinchi tomondan, shaxsning shakllanishiga turli g’oyalar, ijtimoiy muhit ta’sir ko’rsatadi.

Insondagi aql, ongning rivojlanib borishi natijasida tabiat va jamiyatdagi hodisa va jaraenlar kechishini o’rganishga, ularni imkon bo’lganda boshqarishga bo’lgan qiziqish, intilish hamma vaqt ham dolzarb muammo bo’lib kelgan. Eng asosiysi bular masofa ham, irq ham, millat ham tanlamaydi.

Aql – inson miyasining dunyoni aks ettirish va shaxsning voqelikka bo’lgan munosabatlarini boshqarib turadigan faolyati.

Ong – kishining fikrlash qobiliyati yoki insonning ijtimoiy hayotni tushunishi, sezishi va unga bo‘lgan shaxsiy munosabati, ya’ni tafakkur markazi bo‘lib unda fikr va ma’lumotlar jamlanadi va u qalbdagi e’tiqod asosida dunyoqarashni shakllantiradi. Ilm – o‘qish, o‘rganish hamda hayotiy tajriba asosida bilim, ko‘nikma va malakalar majmui.

Bilim – odamlarning predmetlar va jamiyatni bilish mahsuli, tabiat, jamiyat va tafakkurning qonuniyatlari to‘g‘risidagi ilmiy tushunchalarning yaxlit tizimlashtirilgan majmui.

Fikrlash – bu tahlil va sintez qilish, taqqoslash, abstraksiyalash, umumlashtirish va xulosa qilish singari xayoliy harakatlar orqali amalga oshiriladi.

Xulosa qilish – bu nimanidir tasdiqlash yoki inkor etish orqali, hukm chiqarish orqali amalga oshiriladi.

Demak, ongli inson paydo bo‘libdiki, fikr, g‘oya, qarash, mafkura, ta’limotlar shakllanib, ular asosida ilm, fan, texnika, texnologiya, ta’lim, tarbiya tadrijiy (evolutsion) tarzda rivojlanib kelmoqda va takomillashib boraveradi. Shaxs shakllanishi real ijtimoiy sharoitlarda amalga oshadi, bunga muvofiq holda individual iqtidor rivojlanadi. Shaxsda namoyon bo‘ladigan umumiy iqtidor va maxsus qobiliyatlar orasidagi o‘zaro munosabatlar shaxs faoliyatida namoyon bo‘ladi. Shaxsda layoqat va texnikalar qanchalik muhim rol o‘ynasa, individual qobiliyat va umumiy iqtidor orasidagi oraliq masofa shunchalik kam yoki ko‘p bo‘lishi mumkin. Intellect (lotincha intellectus) – bilish, tushunish, idrok etish demakdir. U insonning aqliy qobiliyati bo‘lib, u inson miyasining dunyoni aks ettirish va shaxsning voqelikka bo‘lgan munosabatlarini boshqarib turadigan faoliyati, hayotni, atrof–muhitni ongda aynan aks ettirish va o‘zgartirish, fikrlar, o‘qish–o‘rganish, dunyoni bilish va ijtimoiy tajribasini qabul qilish qobiliyati; turli muammolarni hal qilish, bir qarorga kelish, oqilona ish tutish, voqea–hodisalarni oldindan bilish.

Intellectual madaniyat inson intellektining va uning tuzilmaviy komponentlari xususiyatlarini va ular haqidagi maxsus bilimni talab qiladi. Bular xotira, e’tibor, ijodiy fikrlash, integratsiyalashgan fan sifatidagi intellektologiyaning tashkil bo‘lishidir. Intellectual savodxonlikning zaruriy komponenti bu fikrlash operatsiyalarining va refleksiv harakatlarning yaxlitligidir.

Dunyoqarash shakllanishining yana bir xususiyati shundan iboratki, xususiy ko‘rinishlardan umumiy ko‘rinishlarga, ya’ni individual xususiyatlardan ijtimoiy xususiyatlargacha rivojlanib, takomillashib boraveradi va shuning bilan birga u ijtimoiy munosabatlar bilan chambarchas bog‘liq. Dunyoqarash kishilarning yoshi, hayot tajribasi, intellektual salohiyati, mafkurasi va shu kabilar bilan bog‘liq ravishda rivojlanib takomillashib boradi. Intellect inson uchun olamning mohiyatini tushunishga, anglashga yo‘naltirilgan faoliyat sifatida intellektual madaniyat negizini tashkil qiladi. Madaniyat inson yetukligining ifodasi ekan, uning intellektual kamol topish darajasi aql, idrok, zakovat kabi qobiliyatlar bilan uzviy bog‘langan va ularning yaxlit gavdalanishini aks

ettiradi. Intellektual salohiyat insonning ma'naviy olami, manfaatlari, ehtiyojlari bilan shartlangan intellekti natijasida namoyon bo'ladi. Inson intellektining integral strukturasi, jamiyatda namoyon bo'lishi uning professional faoliyati orqali yuzaga chiqadi.

Intellektual madaniyatning uch elementi, ya'ni intellektual-pedagogik, ijtimoiy-huquqiy, ma'naviy-axloqiy jihatlarini tavsiflash mumkin. Birinchi elementga fan asoslarini egallash, shuningdek, shaxs intellektual qobiliyati va malakasini shakllantirish kiritiladi. Ikkinchi jihat intellektual madaniyatning ijtimoiy-huquqiy omillar, uchinchi esa uzluksiz ta'lim ob'ekti va sub'ekti o'rtasidagi dialektik aloqadorlikdan tashkil topuvchi intellektual faoliyatda milliy va umuminsoniy omillarning o'rnidir.

Intellekt asosini dunyoviy bilimlar majmuasi tashkil qiladi, ular o'rtasidagi aloqa dialektik jarayon tarzida amal qiladi: bilimlar, bir tomondan, bilish faoliyati natijalari bo'lsa, boshqa tomondan, inson faoliyatining o'ziga xos ko'rinishi sanaladi. Intellekt bilish va har qanday faoliyatning samaradorligini ta'minlovchi, boshqalarga asos bo'luvchi umumiy qobiliyat hamdir. U individning sezgi, idrok, xotira, tasavvur, tafakkur, xayoldan iborat bilish qobiliyati tizimidir. Ta'kidlash lozimki, intellekt muayyan ijtimoiy muammolarni inson aqli yordamida samarali va aniq hal etish imkoniyatidir.

Aqliy qobiliyatning umumiy ifodasi sifatidagi intellekt tushunchasi fuqarolik jamiyati talablariga moslasha oluvchan xulq-atvorning yaxlit tavsifi tarzida ham qo'llaniladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nishanova Z.T. va b. Rivojlanish va pedagogik psixologiya. -T. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. -515 b
2. Siddixov I. B. shaxs intellektual madaniyat tizimida intellektual y ma'naviyat nisbati / / Imom Buxoriy saboqlari. Axborot-ma'rifat, ilmiy-adabiy jurnallar. - - Samarqand, 2016. - № 3. - Bi.87-90.(09.00.00; № 9)
3. Tojiboyeva X. O'quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishning pedagogik tizimi. Ped. fanlari bo'yicha falsafa doktori (phd) diss. avtoref. – T.: O'zPFITI, 2018.
4. Quronov M.Q. Qurboniyazova Z.Q. Ijtimoiy pedagogika. T.: 2003

TALABALARDA INNOVATSION TAFAKKUR RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATUVCHI IJTIMOIIY PSIXOLOGIK OMILLAR

Mamadiyev A.A. – Nizomiy nomidagi TDPU magistranti

Аннотация: В данной статье рассматриваются мыслительные операции в формировании личности, социально-психологические факторы в ее формировании, инновационная деятельность и ее значение в жизни человека.

Annotation: in this article, thoughts are expressed about the socio-psychological factors in the formation of thinking operations in the formation of a person, innovative concession and its importance in the life of a person.

O‘zbekiston Respublikasida mustaqillik sharofati bilan barcha sohalarda tub islohotlar amalga oshirildi, iqtisodiy rivojlantirishning o‘zbek modeli, kadrlar tayyorlashning milliy dasturi ishlab chiqildi va bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda ta’lim sohasiga alohida e’tibor qaratilib, kelajak avlodni tarbiyalash borasida zarur shart-sharoitlar, imkoniyatlar yaratilmoqda.

Bugungi kunda dunyo miqiyosida axborot kommunikatsiya tizimining yuksak darajada rivoj topib borayotganligi va bu boshqa sohalar qatorida ta’lim jarayoniga ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga o‘z ta’sirini ko‘rsatayotganligi barchamizga ma’lum. Bunday sharoitda inson faoliyatining nazariy va amaliy qirralari ham uzluksiz yangilanib turishi tabiiydir. Pedagogik faoliyat ham alohida va murakkab mehnat turi sifatida bundan mustasno emas. Pedagoglar o‘z faoliyatlarida kafolatlangan natijalarni qo‘lga kiritishga urinmoqdalar.

XXI asrni olimlarimiz tomonidan axborot texnologiyalari asri deb tan olinganligi pedagogik va axborot texnologiyalari kun sayin barcha sohalarda rivojlanayotgani, jumladan, ta’lim sohasida ham axborot texnologiyalaridan keng foydalanish an’anaviy o‘qitish usullaridan ko‘ra samarali va yuqori natijalarga olib kelmoqda. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ko‘zda tutilganidek, pedagogik va axborot texnologiyalari, kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida ta’lim jarayonini yangi axborotlar bilan ta’minlash rivojlanib bormoqda.

Shuning uchun ham pedagogik texnologiyalarni ta’lim jarayoniga joriy etish, ta’lim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylandi.

Barkamol avlodni tarbiyalash – “Ta’lim to‘g‘risidagi” Qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da Respublika ta’lim xodimlari zimmasiga o‘ta ma’suliyatli vazifalar yuklangan. Bu vazifani amalga oshirish jarayoni boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini o‘qishiga yangicha yondashish, o‘qituvchilarni o‘z kasbiga va tarbiyalanuvchilarga o‘ta ma’suliyatli munosabatda bo‘lishni taqozo etadi. Bu dastur yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy, ijtimoiy faollikka, siyosiy hamda ijtimoiy hayotda to‘g‘ri yo‘l topa olish mahoratiga ega bo‘lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarning yangi avlodini shakllantirish, shuningdek, har tomonlama kamol topgan, jamiyatga, turmushga moslashgan, ta’lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda tanlash va keyinchalik puxta o‘zlashtirish uchun ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, psixologik-pedagogik va boshqa tarzdagi sharoitlarni yaratishni jamiyat, davlat va oila oldida o‘z javobgarligini his etadigan fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutgan pedagogik g‘oyani ilgari suradi.

Mamlakatning ertangi kuni esa dunyoqarashi keng maktab bolalari va zamonaviy, salohiyatli o‘qituvchi-murabbiylarga ko‘p jihatdan bog‘liqdir.

O‘quv-tarbiya ishlari jarayonida o‘quvchilarni ijodiy fikrlashga, o‘zgaruvchan vaziyatlarga o‘rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda ularning

amaliy mashg‘ulotlarda pedagogik texnologiyalar, axborot texnologiyalari, elektrondarsliklar, versiyalar va multimedialardan foydalana olishi muhimdir. Bu esa o‘quvchilarda mutsaqillik, erkin fikrlashni tarbiyalash, o‘quv faoliyatini tahlil qilish, itsiqbolda kasbiy mahorat va kompyuter savodxonligini orttirish ularning ichki ehtiyojiga aylantirilishini talab etadi.

Inson atrof-olam (narsa, hodisalar, insonlarni) va o‘zini turli xil faoliyatlarni bajarish va bu ob‘ektlarga ta’sir ko‘rsatgan holda ma’lum bir ijtimoiy va shaxsiy ahamiyatga molik maqsadlarga erishish uchun o‘rganadi. Sezgi, idrok va tasavvurlar ixtiyorsiz diqqat va ko‘rgazma-obrazli xotira bilan hamkorlikda insonga aniq bir ob‘ektlar va ularning bevosita o‘rganiladigan xossalari haqida ma’lumot beradilar.

Tafakkur bevosita idrokda anglaymaydiganlarni ochib beradi; u olamni ahamiyatli aloqalar va munosabatlarda, uning turli xildagi vositalarida aks ettiradi. Tafakkurning asosiy vazifasi real bog‘liqliklarga asoslangan zarur aloqalarni vaqt va fazodagi tasodifiy mos kelishlardan ajratgan holda aniqlashdan iborat. Tafakkur jarayonida tasodifiydan zaruratga, ayrimlikdan umumiylikka o‘tish sodir bo‘ladi.

Tafakkurning o‘ziga xos xususiyati bilish yoki amaliy faoliyat jarayonida yuzaga keladigan u yoki bu vazifani bajarish bilan bog‘liqligidan iborat. Tafakkur muammoli vaziyatdan, tafakkurning maqsadi bo‘lgan savolga javobdan boshlanadi.

Tafakkur – bu narsalar mohiyatini ochib beruvchi g‘oyalar harakati. Uning natijasi obraz emas, balki ma’lum bir fikrdir. Tafakkur – bu kiritilgan yo‘nalishli-tadqiqiy, qayta o‘zgarishli va bilish xususiyatiga ega bo‘lgan harakatlar va muolajalar tizimini taxminlovchi alohida turga ega bo‘lgan nazariy va amaliy faoliyat.

Tafakkur moddiy olam qonuniyatlari, tabiat va ijtimoiy-tarixiy hayotdagi sababiy-oqibat aloqalari, insonlar psixikasi qonuniyatlarini tushunish imkonini beradi. Aqliy faoliyat natijalarini qo‘llash sohasi bo‘lgan amaliyot tafakkur faoliyatining manbai bo‘lib xizmat qiladi.

Insonlar fikrlash faoliyatidagi individual tafovutlar tafakkurning sinchkovlik, tafakkur kengligi, chuqurligi va mustaqilligi, fikrning eguluvchanligi, aqlning sertashabbusligi va tanqidiyligi, mantiqiylik, isbotlanganlik va ijodkorlik kabi sifatlarida ifodalanishi mumkin.

Innovatsion tafakkur atamasi odatda insonlar tomonidan qabul qilinadigan qarorlar doirasidagi vazifalarni bajaradigan hamda uning yordamida boshqariladigan tizimlar, zamonaviy tahlillar va katta ma’lumotlarga ega dasturlarni o‘z ichiga oladi. Innovatsion tafakkur tizimlari ushbu bilimlar zaxirasidan kognitiv funktsiyalarga yaqin qarorlar qabul qilish va chora-tadbirlar belgilashda, shu jumladan sohalarni o‘rganish va muammolarni hal qilishda foydalaniladi.

Bugungi kunda jahon amaliyotida Kanada, Singapur, Birlashgan Arab Amirliklari, Finlyandiya, Yaponiya, Xitoy, Italiya, Tunis, Buyuk Britaniya, AQSh, Shvetsiya, Meksika, Yevropa Ittifoqi, Keniya, Daniya, Frantsiya, Avstraliya, Koreya Respublikasi,

Hindiston va Germaniya kabi davlatlar innovatsion intellektni rivojlantirish strategiyalarini e’lon qilgan.

Innovatsion tafakkur tizimlarini ayniqsa ta’lim tizimiga joriy etilishi mamlakatda inson kapitalini rivojlantirishga xizmat qiladi. Jumladan, Rossiya Federatsiyasi 2021-yildan 2024-yilga qadar ‘Innovatsion tafakkur’ modullaridan foydalanishni maktablarda o’rgatish vazifasi belgilangan bo’lsa, Xitoy maktablarida 2018-yilda sinov tariqasida innovatsion tafakkurga asoslangan darslar tashkil etilgan.

O’zbekiston Respublikasi ta’lim tizimiga ham dastlabki innovatsion tafakkur tizimlari innovatsion rivojlanish vazirligi tashabbusi bilan Farg’ona shahridagi maktablarda joriy etilgan ‘Aqlli maktab’ dasturi orqali kirib kelganligi barchamiz uchun quvonarli holatdir.

Ta’kidlash lozimki innovatsion tafakkur tizimlari asosida ishlab chiqilgan “Aqlli maktab” dasturining ta’lim tizimiga joriy etilishi bir qancha afzalliklarni beradi:

Bilim sifatini avtomatik tarzda baholash. An’anaviy shakldagi (qog’oz shaklida) jurnallarga baholarni kiritish va ularni tahlil qilish sezilarli darajada ko’p vaqtni oladi. Vaholanki, ushbu vaqtlardan o’qituvchilar o’quvchilar bilan mashg’ulotlarga tayyorgarlik ko’rish hamda professional rivojlanishlari ustida ishlashlari mumkin. Innovatsion tafakkur garchi insonlar tomonidan baholashning o’rnini to’liq bosa olmasa-da, sifat jihatidan unga yaqinroq bo’la oladi.

Innovatsion tafakkur tizimlariga asoslangan “Aqlli maktab” dasturiy ta’minoti ham maktablarda o’qituvchilarning vaqtlarini tejash; qisqa fursatda o’quvchilar, fanlar, mavzular, sinflar kesimida ta’limdagi bo’shliqlarni aniqlash; o’quvchilarning aqliy va jismoniy rivojlanishlarini tahlil qilib borish va boshqa bir qancha imkoniyatlarni yaratib bermoqda.

Dasturning tahliliy ma’lumotlarga asosan aniqlangan kamchiliklari o’z vaqtida bartaraf etib borilsa, bu maktablarning ta’lim sifatini yangi bosqichga ko’tarilishiga xizmat qiladi.

Unutilgan ma’lumotlarni yodga soladi. Inson xotirasi mukammal emas va dastur o’qituvchilar, ota-onalarga o’quvchilarning ta’limiga oid ma’lumotlarni eslatib turadi va hatto darslarda faol ishtirok etmayotgan, o’zlashtirishi pasaygan holatlar bo’yicha alohida ogohlantirishlar beradi.

O’quvchilarning xulq-atvorini kuzatib borish. Mazkur tahlil o’quvchilarning ma’naviy, ruhiy, axloqiy jarayonlarini ham bilimlarni o’zlashtirishi bilan bir vaqtda kuzatib borish imkonini beradi. Buning natijasida dastur o’quvchilarni nafaqat aqlan va jismonan, balki ma’naviy kamolotini ham shakllanib borishiga o’z hissasini qo’shadi.

Har bir o’quvchining ta’limiga individual tarzda e’tibor. Ta’kidlash lozimki, bugungi kundagi an’anaviy ta’lim uslubi orqali ta’limga barcha o’quvchilarni o’zlashtirish ahvolini to’liq qamrab olishning imkoni yo’q. “Aqlli maktab” dasturi aynan o’quvchilarning o’zlashtirishi jarayonida hosil bo’lgan bo’shliqlarni, o’zlashtirishida

mavzular kesimida uzilishlarni, o'zlashtirish darajasi past o'quvchilar va fanlardan qobiliyatli o'quvchilarni grafik va boshqa ko'rinishlarda chiqarib berishi orqali aynan qaysi o'quvchi bilan va qaysi mavzular bo'yicha individual tarzda shug'ullanish lozimligini aniqlab beradi.

Bundan tashqari, innovatsion tafakkurning ta'limga aralashuvi o'qituvchilarni ham o'zgarishga majbur qiladi. Jumladan, o'qituvchilarning “Aqlli maktab” dasturi bilan hamkorligi natijasida maktablarda o'quvchilarni tezkor, samarali va yaxshiroq o'qitishga ko'maklashadi. Bu o'qituvchilarning o'z ustilarida ishlashlariga va ta'lim berish sifatini oshirishlariga olib keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Андреева Г.М. Актуальные проблемы социальной психологии. М. , 1998 - 112 б.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М., 1999.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. - Тошкент, - 1994.- 96 б.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент, - 1999.-

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА САХИЙЛИК ВА ХАСИСЛИК ФЕНОМЕНИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎРГАНИЛИШИ

Жўракулова Д.З. - Тошкент давлат педагогика университети таянч докторанти

Аннотация. В статье представлены факторы, влияющие на формирование таких черт характера, как щедрость и жадность у младших школьников, а также результаты экспериментального исследования и их качественный и количественный анализ.

Annotation. This article presents the factors influencing the formation of character traits such as generosity and greed in primary school students, as well as the results of the author's experimental research and their qualitative and quantitative analysis.

Шахсда ахлоқий тушунчаларни шаклланиши, ривожланиши онтегенетик тараққийётнинг илк даврларидан бошланади. Биз тадқиқ этаётган ахлоқий тушунчалардан бўлмиш сахийликнинг болада намоён бўлишида кичик мактаб ёши муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшида ахлоқий тушунчаларнинг намоён бўлиши, шу жумладан сахийлик феноменининг бола хулқида репрезентацияланиши ташқи шарт-шароит ва бошқа инсонларнинг фикр-мулоҳазаларига боғлиқ бўлади. Мазкур даврда сахийлик феноменининг репрезентацияланиши “рағбатга йўналганлик” босқичини ўзига хос тарзда амалдаги ижросига боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Боладаги сахийликнинг намоён бўлишида унинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳам ўзига хос таъсирга эга. Чунки, боланинг ўз хулқ-атворида атрофдагиларнинг “нигоҳи” билан баҳо

беришида, албатта, унинг индивидуал психологик хусусиятлари ўз таъсирини намоён қилади.

Илмий тадқиқот ишимизда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сахийлик феноменининг намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омилларни ва механизмларни ўрганишга ҳаракат қилдик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сахийликка мойиллик даражасини аниқлашга қаратилган муаллифлик сўровномасини ҳамда Е.П.Ильин томонидан ишлаб чиқилган ва биз томонимизда модификацияланган “Хасисликка мойилмисиз?” сўровномасининг натижаларини кўйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Ўқувчилардаги сахийликка мойиллик даражасининг ёш ва жинсга оид хусусиятлари (n=305)

Синф	Жинс	Паст	Ўрта	Юқори
2- синф	Ўғил бола n=66	3%	80%	17%
	Қиз бола n=70	3%	76%	21%
4- синф	Ўғил бола n=73	0%	73%	27%
	Қиз бола n=96	0%	73%	27%

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, 2-синф ўқувчилари ўғил ва қиз болаларининг 3%ида сахийликнинг паст даражаси аниқланган бўлса, 4-синф ўқувчиларининг ўғил ва қиз болаларида сахийлик паст даражаси умуман аниқланмади. Мазкур ҳолат 2-синф ўқувчиларида ахлоқий эталонлар ва ахлоқий тушунчаларни, жумладан сахийликни хулқ-атворда тўғри қўллаш билан боғлиқ тушунчаларга тўлиқ эга эмаслигидан далолат беради. Чунки кичик мактаб ёшида сахийликни намоён бўлиши аксарият ҳолларда болани қуршаб турган ижтимоий муҳитдаги катта инсонларнинг хулқ-атвор модели ҳамда боланинг сахийлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини эмоционал рағбатлантирилмаганлиги билан боғлиқдир. 2-синф ўқувчиларининг ўғил болаларни 80%и, қиз болаларни 76%ида, 4-синф ўқувчиларининг ўғил ва қиз болаларини 73%ида сахийликнинг ўрта даражаси аниқланган. Мазкур ҳолат ўқувчиларнинг сахийлик билан боғлиқ вазиятларни, тушунчаларни тўғри идрок этиши ҳамда шунга мос хулқ-атвор моделини намоён қилишини англатади.

Боладаги сахийлик ҳисси ва сахийликни намоён қилувчи хулқ унинг ахлоқий онгини шаклланаётганлигидан далолат беради. 2-синфда 17% ўғил болаларда, 21% қиз болаларда, 4-синфда ўғил ва қиз болаларнинг 27%ида сахийликнинг юқори даражаси аниқланган бўлиб, бу ўқувчилардаги сахийликнинг бурч ҳисси билан уйғун ҳолда намоён бўлаётганлигидан далолат беради. Бу тоифага кирувчи ўқувчилар атрофдагиларга нисбатан сахий бўлишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди ва шунга мос ҳолда ўз хулқ-атворини назорат қилишни бошлайди. Қиз болаларнинг ўғил болаларга нисбатан сахийроқ бўлиши эса жамиятдаги гендер муносабатга боғлиқ.

Чунки бизга маълумки, қизлар табиатан эмоционал таъсирчанликка, эмпатияга мойилдирлар. Айнан мана шу жиҳатлар қизларни ўғил болаларга нисбатан сахийроқ бўлишга ундайди. Агар натижаларга аҳамият берадиган бўлсак, кўрсаткичларда жинс фарқлар айтарлича фарқланмайди, ёшга оид хусусиятларида эса фарқ кузатилган. Бу шахснинг ёши улғайгани сари акмеологик ривожланиш таъсирида унинг ахлоқий принциплари, қадриятлар мустаҳкамланиб боради ва шахснинг анланган хулқида намоён бўла бошлайди. Сахийлик ҳам худди шундай, 2-синф ўқувчиларида ахлоқий тушунча сифатида унинг моҳиятини тушуниш жараёни кечса, 4-синфга келиб, сахийлик бола хулқида, шахс хусусияти сифатида анланган ҳарактерда намоён бўла бошлайди.

“Хасисликка мойилмисиз?” сўровномаси натижаларига мувофиқ, 2-синф ўқувчиларининг 9% ўғил болаларида 3% қиз болаларида, 4-синф ўқувчиларининг 8% ўғил болаларида, 6% қиз болаларида хасислик паст даражада намоён бўлиши аниқланди. Мазкур ҳолат ўқувчиларнинг ўз буюмларидан бошқаларга фойдаланишга беришлари ҳамда зикналик, хасислик уларга хос эмаслигидан далолат беради. Мазкур натижаларда ёшга ва жинсга оид тафовутлар яққол намоён бўлмоқда. Ўғил болаларнинг натижаларида ҳар икки синфда фарқ кузатилмаган бўлса ҳам қиз болаларнинг натижаларида аҳамиятли фарқ кузатилган, яъни бу ҳолат қизлар катта бўлгани сари сахийликка мойилроқ бўлиб бўлар эканлар. 2-синф ўқувчиларининг 91% ўғил болаларида, 97% қиз болаларида, 4-синф ўқувчиларининг 92% ўғил болаларида, 94% қиз болаларида хасисликнинг ўрта даражаси аниқланди. Мазкур кўрсаткич бўйича ёш ва жинс фарқларининг аниқланмаганлиги, уларнинг ўз шахсий буюмлари учун курашишларини назарда тутди.

Ўқувчилардаги ушбу ҳолатнинг психофизиологик асослари кўрқув ва хавотир ҳиссини пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бундай ўқувчиларда имкон қадар камроқ сарфлаб, кўпроқ нарсага эга бўлиш истаги юқори бўлганлиги боис доим “бирор нарсадан айрилиб қолиш, йўқотиб қўйиш” билан боғлиқ хавотир қуршовида юрадилар ва шунга мос равишда агрессив хулқ-атворни намоён қиладилар. Синалувчиларимизда хасисликнинг юқори даражаси эса ҳар иккала гуруҳда ҳам аниқланмади. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларда ёш хусусиятига боғлиқ равишда хасислик ўта юқори даражада намоён бўлмапти. Уларда ўзгаларнинг буюмларига асосиз равишда эгалик қилиш истагининг йўқлигидан далолат беради.

Ҳар икки методиканинг қиёсий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг умумий натижаларида қизиқарли ҳолатлар кузатилмоқда. Чунки, ҳар икки гуруҳнинг натижаларини кўп қисми хасисликнинг ўрта даражасига тўғри келяпти. Бунинг сабабларини икки хил омил таъсирига боғлаш мумкин. Биринчиси, болаларнинг ахлоқий тушунчалар тизими шаклланган, лекин уларни реал хулқ-

атворга кўчириш компетенцияси етишмаяпти. Бунда синалувчиларимизда сахийлик ва хасисликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ахлоқий тушунчалар тизими мавжуд, шу боисдан саволларга жавоб бераётганда “сахий инсон нима қилар эди?” нуқтаи назаридан ёндошганлар. Лекин шунга қарамай, уларнинг “сахий инсон” ва “хасис инсон” билан боғлиқ ахлоқий принциплари тўлиқ барқарор тарзда шаклланмаганлиги боис уларга мос хатти-ҳаракатларни амалда қўллаш кўникмаси етарли эмасдир. Иккинчиси, ўқувчиларимиздаги ижтимоий омилларга боғлиқ. Бизга маълумки, бошланғич синф ўқувчиларида шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, хулқ-атворининг шаклланиши кўп жиҳатдан ташқи муҳитдаги катта инсонларнинг болага муносабатига боғлиқ. Шундай қилиб, ота-она, ўқитувчилар томонидан етарлича эътибор ва меҳр берилмаган, ишонч билдирилмаган ёки ҳаддан ортиқ меҳр қуршовида бўлган, катталарнинг “сахий инсон” билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини умуман кўрмаган ўқувчиларда хасислик ҳисси юқори даражада намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сокольникова М.Н. Воспитание доброжелательных отношений у старших дошкольников на физкультурных занятиях: автореф.дис. канд.пед.наук/ М.Н.Сокольникова; РГПУ им.А.И.Герцена – СПб.: 2001. - 19 с.
2. Трофимова Н. М. Нравственные ориентиры младшего школьника // Педагогика. 1997. № 6. С. 59–65.
- 3.Бажажина С. Детская жадность: причины и рекомендации родителям [Электронный ресурс]. – URL : <http://svetlana-b.psy.uz/348> (дата обращения: 05.12.2016).
- 4.Дороженко О. Я не жадина, я собственник [Электронный ресурс]. – URL : <http://subscribe.ru/archive/home.child.babyland/200301/06213601.html> (дата обращения: 11.09.2016).

ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Кушанова М.И. - Самарқанд давлат университети таянч докторанти

Аннотация. В статье рассматриваются концепции агрессии и агрессивного поведения в подростковом возрасте, анализируются взгляды зарубежных и отечественных ученых на агрессию и агрессивное поведение, их определение, происхождение, факторы и подходы к изучению причин. Кроме того, изложены взгляды и мнения востоковедов об агрессивном поведении.

Abstract. The article examines the concepts of aggression and aggressive behavior in adolescence, analyzes the views of foreign and domestic scientists on aggression and aggressive behavior, their definition and rules, origin, development, factors and approaches to the study of causes. In addition, the views and opinions of orientalists on aggressive behavior are presented.

Бугунги кунда мамлакатимизда жадаллик билан рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳозирги замонавий шароитда психологияда узоқ йиллардан буён долзарб бўлиб келган анъанавий муаммолар билан боғлиқ тадқиқотлар сифатини оширишни талаб этмоқда. Турли ижтимоий-психологик муаммолар қаторида замонавий ўқувчиларнинг агрессивлик муаммоси, хусусан, ўсмир мактаб ўқувчиларининг агрессивлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу муаммони ўрганиш “агрессивлик” феномени билан боғлиқ. Агрессивлик болалар жамоасида тез-тез учрайдиган муаммоларидан биридир. Унинг у ёки бу шаклдаги кўриниши кўпчилик ўсмир ёшлар учун хосдир. Агрессив ўсмир нафақат ён атрофдагиларга, балки ўзига ҳам кўплаб муаммолар келтиради. Шу сабабли ҳам бу каби муаммоларга олимлар, тадқиқотчиларнинг илмий қизиқиши анча юқори.

Агрессия муаммосини хориж ва МДХ олимларидан А.Бандура, Л.Берковиц, Р.Бэрон, П.А.Ковалев, Д.Коннор, К.С.Лебединская, Н.Д.Левитов, Ю.Б.Можгинский, А.Налчаджян, А.Патерсон, М.М.Райская, А.А.Реан, Д.Ричардсон, Л.М.Семенюк, И.А.Фурманов, О.И.Шляхтиналар илмий-тадқиқот мавзуси сифатида ўрганишган.

Агрессив хулқнинг моҳиятини очишга қаратилган изланишлар А.Басс, В.В.Знаков, Н.Д.Левитов, Т.Г.Румянцева, В.Г.Степанов, Э.Фромм кабиларнинг ишларида кузатиш мумкин, уни келтириб чиқарувчи сабаблар орасида ирсий биологик факторнинг ажралиб чиқиши К.Лоренц, З.Фрейд ва бошқалар тадқиқотларида таҳлил қилинган. А.Бандура, А.А.Реан, Т.Г.Румянцева, Г.Селье каби олимлар ижтимоий ҳодисалар оқибати сифатида ўрганган, агрессив хулқ-атворни коррекция ва профилактика қилиш методлари Л.В. Выготский, Л.С. Семенюк, Д.И. Фельдштейн, Т.П. Смирнова, О.П. Рожков кабиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топади.

Ўзбекистонлик психологлардан Ғ.Б.Шоумаров Э.Ғ.Ғозиев, Н.Ғ.Камилова, Г.Қ.Тўлаганова, Б.М.Умаров каби олимларнинг изланишларида болалик ва ўсмирлик давридаги психик хусусиятларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда асосий эътибор девиант хулқ-атвор, характер акцентуацияси, болалар ва ўсмирлар суициди, ўз-ўзига баҳо бериш ва назорат қилиш муаммоларига қаратилади. Н.М.Далимованинг тадқиқот ишида компьютер ўйинлари ўсмирда тажовузкор хулқ-атвор шаклланишига таъсир этувчи омил сифатида ўрганилган [3].

Инсон агрессивлигининг табиатини тушуниш учун асосий тушунчаларнинг маъно ва мазмунини очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Агрессия сўзининг луғавий маъноси лотин тилидан олинган бўлиб, *“aggressio”* – тажовуз деган маънони англатади [4]. Агрессия бу – сўз ёки хатти-ҳаракатлар орқали бошқа мавжудотга нисбатан руҳий ва жисмоний зарар етказишдир [5]. Агрессия – бошқа кишига ёки

кишилар гуруҳига, жисмоний ёки психологик зарар етказишга ёки йўқ қилишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракат [6].

Л.М.Семенюкнинг таъкидлашича ўсмирлик даври учун характерли хусусиятлардан бири агрессивликнинг намоён бўлишидир. Л.М.Семенюк ўсмирлик ёшининг турли босқичларида агрессивликнинг бир қанча кўринишлари намоён бўлишини кўрсатувчи маълумотларни келтиради. 10-11 ёшдаги болаларда агрессивликнинг жисмоний кўриниши устунлик қилади ва билвосита агрессивлик камдан-кам намоён бўлади. 12-13 ёшдаги ўсмирларда негативизм кўпроқ намоён бўлади, жисмоний ҳамда вербал агрессиянинг ортиши кузатилади. 14-15 ёшли ўсмирларда, вербал агрессивлик биринчи ўринга чиқади, жисмоний ва билвосита агрессивлик, шунингдек негативизм аҳамиятсиз даражада ошади. Агрессив реакцияларнинг кучи баробарида гендер фарқликлар ҳам мавжуд. Ўғил болалар жисмоний агрессив реакцияларининг устунлиги билан ажралиб туради, қизлар эса ёш билан боғлиқ ҳолда агрессияни ифодалашнинг билвосита усуллариغا мурожаат қилишади: вербал, билвосита ва негативизм [7].

Фешбах томонидан агрессив хулқ-атвор 2 типга бўлиб ўрганилган:

1. Душманлик (ғараз) агрессияси.

2. Инструментал агрессия.

Душманлик агрессияси – агрессивликни кўзғатувчи сабаб ва таъсирлар жумладан ҳақоратлаш, жисмоний ҳужум ёки шахсий омадсизлик таъсири натижасида ғазабни кўзғатиш оқибатида содир бўлади. Агрессорнинг мақсади жабрланувчини азоб чекишга мажбур этишдир.

Инструментал агрессия – одатда рақобат ёки қандайдир объект, статусни эгаллаш мақсадида юзага келадиган хулқ-атвор шакли ҳисобланади. Агрессор истагидаги объектни ҳар қандай шароитда ҳам қўлга киритишга интилади, йўлидаги тўсиқларни йўқ қилади. Масалан: синдиради, бузади, одамга эса мажбуран ҳужум қилади. Инструментал агрессор бировга захмат ёки зарар етказиш мақсадида эмас, фақат бирор предметга эга бўлиш мақсадида бузғунчилик қилади.

Агрессиянинг ижтимоий маъқул ва асоциал агрессив хулқ-атвор турлари фарқланади. Ижтимоий маъқул агрессия турида фрустрация ва низо натижасида келиб чиқувчи зўриқиш ҳамда ҳавотирланиш ижтимоий нормаларга мос келувчи ҳаракатлар орқали ҳал қилинади. Асоциал агрессив хулқ-атвор нормаларга зид бўлган (уришиш, сўқиш) ҳаракатларда намоён бўлади. Агрессив хатти-ҳаракат асосида агрессивлик мотиви ётади. Агрессив хатти-ҳаракатлар одамларга маънавий, руҳий, моддий ва жисмоний зарар етказади. Агрессивлик бошқа одамга била туриб зарар етказиш демакдир. Бундай хатти-ҳаракатларни бартараф этишнинг психологик жиҳатдан қийин томони шундаки, агрессив хулқ-атворли шахс ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун осонгина кўплаб мантиқий далилларни келтиради ва айбни ўз бўйнидан соқит қилишга уринади. Агрессив хатти-

ҳаракатларни ўрганган тадқиқотчи **А.Бандуранинг** аниқлашича, агрессорлар куйидагича баҳоналар топадилар:

1. Ўз агрессивлик ҳаракатларини унинг қурбони бўлган шахсни камчиликлари ва салбий қилмишлари билан солиштириш асосида агрессияни у йўналтирилган киши қилмишларига нисбатан унчалик дахшатли эмаслигини кўрсатишга уриниш;
2. Ўз агрессиясини қандайдир ғоявий, диний, тасаввурлар орқасига беркитиш;
3. Содир этилган агрессив акт учун ўз шахсий жавобгарлигини инкор этиш;
4. Агрессив ҳаракат бошқа одамлар билан биргаликда содир этилганлигига рўқач қилиб, масъулиятнинг бир қисмини ўз буйнидан соқит қилиш;
5. Агрессив хулқ-атвор натижасида қурбон бўлган инсоннинг шундай муносабатга мос одам бўлганлигини таъкидлаш;
6. Ўз хатти-ҳаракатларини оқловчи янги-янги далиллар, баҳоналар кидириш [10].

Шарқ алломаларининг шахс маънавий-руҳий камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги кунгача ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг педагогик-психологик қарашлари бугунги кунда фан тараққиётининг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Абу Наср Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, деб ҳисоблайди. Бунга Форобий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя қилади. Форобий назарий билимларни эгаллашга киришган ҳар бир киши хулқ-одобда ҳам қай даражада пок бўлиши кераклигини “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида”ги рисоласида шундай таърифлайди: “Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни хирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, сизда маиший ва шахвоният каби нотўғри туйғуларга эмас, балки камолотга бўлган хирс-ҳавас қолсин.

Бунга хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундан сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи (нотиқ-сўзловчи, фикрлаш маъносида) нафсини, жонини, руҳини тозалаш зарур” [11].

Абу Райҳон Беруний илмли, маълумотли киши бўлишнинг ўзини одоб-ахлоқ ва нафосат билан боғлайди. Унинг дунёқарашида ахлоқ масаласи инсоннинг энг асосий сифатлари сирасида мужассамлашган. Берунийнинг фикрича, ақлий қобилиятлар одамларнинг кундалик эҳтиёжлари асосида вужудга келса, ахлоқий масалалар тарихий тараққиёт, одамларнинг ўзаро муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Беруний сўзлари билан айтганда, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Шунингдек, у инсоннинг ижобий ва салбий томонларини бирма-бир таърифлайди. Масалан, олим инсондаги яхшилик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувват, меҳр-шафқат, дўстлик ва жамоатчилик каби фазилатларни улуғлайди.

Абу Али ибн Сино ахлоқликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди. Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради. Масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони санайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий ахлоқий хислатларга саҳийлик, чидамлилик, камтарлик, севги-муҳаббат, мўтадиллик, ақллилик, эҳтиёткорлик, қатъиятлилик, садоқат, интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади.

Шарқ мутафаккирларининг қарашларида шахснинг камолоти, ундаги соғлом қарашлар, ўсмир маънавияти ва дунёқарашининг ижтимоий психологик механизмлари сифатида ундаги иймон ва инсоф, ақл-заковот ва фаросат, эътиқод ва диёнат категориялари илгари сурилган. Буларнинг таъсирида шаклланган инсоний фазилатлар эса шахс комиллигининг омилларидандир.

Ўзбекистонлик олимларнинг асосий тадқиқот йўналишлари ҳам ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган етук шахсни тарбиялашга қаратилган. Ғ.Б.Шоумаров фикрига кўра, ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун-моҳияти ортиб боради. Бу даврда ўсмир ҳаёти, руҳияти, организмнинг физиологик жараёнлари, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият вазиятларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади [2].

Б.Р.Қодировнинг илмий тадқиқот фаолиятлари мактаб ўқувчилари, ўсмирлар шахсини ўрганишда, уларнинг индивидуал хусусиятларини комплекс тадқиқот қилишда алоҳида ўрин тутди. Профессор Б.Р.Қодиров тадқиқотларида шахснинг шаклланиш жараёнида фаолиятнинг ўрни, атроф-муҳит ва ота-онанинг таъсири масаласи ёритилади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, носоғлом муҳит ва

фаолиятнинг нотўғри йўналтирилиши шахс хулқида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради [2].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўсмирларда кузатиладиган агрессия оқибатида келиб чиқадиган вазоҳат ҳолати – бу шундай йўналишки, унга оид хулосалар нафақат психологларни, балки социолог, ҳуқуқшунос, педагог, файласуф, ижтимоий соҳа ходимларини бирдек қизиқтиради. Зеро, инсон табиати ва унинг бошқа инсонларга боғлиқ жиҳатларини ўрганиш учун хулқнинг айнан шу томонини ҳам ўрганиш, билиш ва бошқара олиш лозимдир. Демак, агрессияни ўз вақтида аниқлаш, коррекция қилиш орқали кейинчалик аддиктив хулқ-атвор келиб чиқиши ва салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Э. Ғ. Онтогенез психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010
2. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2000. – 24 б.

КРИТЕРИИ НОРМАТИВНОГО ОЦЕНИВНИЯ В ПРЕДСТАВЛЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ ПОДРОСТКОВ

Лукьянченко Н.В. - кандидат психологических наук, доцент, Сибирского государственного университета науки и технологий имени академика М.Ф. Решетнева, г. Красноярск

Захарова Л.С.- руководитель отделения психологической помощи по телефону «Детский телефон доверия» г. Красноярск,

Аннотация: Авторы обосновывают актуальность изучения представлений современных подростков о социальном нормировании и приводят результаты исследования, респондентами которого стали красноярские подростки с разным опытом взаимодействия с принятыми в обществе нормативными регуляторами: условно нормативные учащиеся общеобразовательных школ; подростки женского пола, подвергшиеся сексуальному насилию; подростки мужского пола, совершившие противоправные действия насильственного характера. В исследовании выявлялись основные семантические группы (категории) критериев социального нормирования в представлении современных подростков и их процентное соотношение в определителях границ нормы в том, как подростки представляют своё мнение, мнение друзей, сверстников и взрослых.

Abstract: The authors substantiate the relevance of studying the ideas of modern adolescents about social rationing and cite the results of a study, the respondents of which were Krasnoyarsk adolescents with different experience of interaction with the normative regulators adopted in society: conditionally normative students of secondary schools; female adolescents who have been sexually abused; male adolescents who have committed illegal acts of a violent nature. The study identified the main semantic groups (categories) of criteria for social rationing in the perception of modern adolescents and

their percentage in the determinants of the boundaries of the norm in how adolescents represent their opinion, the opinion of friends, peers and adults.

Важнейшим аспектом жизнедеятельности общества является нормирование. Социальные нормы вносят упорядоченность в отношения людей и вместе с тем являются условием и детерминантной социального развития личности [2; 5].

В процессе освоения социального нормирования подростковому возрасту гуманитарная наука придаёт особое значение. Традиционно подростничество рассматривалось как переходный этап от детства к взрослости с основной задачей формирования готовности к взрослым формам жизнедеятельности. Подростки при таком понимании воспринимаются как «созревающие», более или менее удачно перемещающиеся к положительному полюсу шкалы социальной ответственности. В настоящее время специалисты социологии и психологии развития оценивают такие установки как мало соответствующие актуальным потребностям развивающегося социума [6]. К.Н. Поливанова, квалифицируя отношение к детству в российской науке как патерналистское, говорит о необходимости изменения восприятия детства. Противопоставление детства и взрослости как имеющих чёткие разделительные границы на шкале зрелости устарело. В отношениях со взрослым миром имеющее свою внутреннюю логику детство может претендовать на понимание и диалог. [6]. При этом отмечается, что «данных о состоянии детства в России, в отличие от западных стран, крайне мало» [Там же. С. 7].

В совокупности проведённых на настоящий момент исследований подросткового возраста в качестве предмета доминируют желаемые личностные характеристики и ценностные предпочтения. А нормативные регуляторы взаимодействия подростков с окружающим миром не получили соответствующего их важности внимания исследователей. Подростки особенно чувствительны к проблемам нормативного несоответствия, но их собственные ориентиры далеко не обязательно совпадают с координатами нормативности взрослого мира [1]. Характеризуя состояние проблемы социальной девиантности подростков, известный специалист в этой области Г. Беккер с сожалением констатирует, что пытающиеся строить объясняющие её теории, делают это «на основе фрагментарных исследований и журналистских статей, вместо того чтобы опираться на адекватное знание о явлении, которое мы пытаемся объяснить.» [Там же. С.185]. А Г.С. Кожухарь, обращаясь к проблеме молодёжного насилия говорит, что «...это – социальная проблема, порождаемая взаимодействием социальных индивидов в социокультурном контексте, а не только результат межличностных отношений или индивидуальной патологии» [4, с.230]. Важной составляющей социокультурного контекста является характер представлений субъектов о том, что такое норма и по каким критериям её следует оценивать.

Выше сказанное свидетельствует об актуальности исследования представлений современных подростков о критериях нормативного оценивания. В соответствии с этим нами было проведено исследование, в котором приняли участие подростки 12-16 лет города Красноярск. Выборка включала подростков с разным опытом взаимодействия с принятым в обществе нормативными регуляторами. Общий объем выборки 118 человек, из них 67 условно нормативных учащихся (35 мальчиков и 32 девочки) городских общеобразовательных школ; 13 подростков женского пола, подвергшихся сексуальному насилию; 38 подростков мужского пола, совершивших противоправные действия насильственного характера. Задачами исследования было определение основных семантических групп критериев нормативного оценивания у подростков; выявление их соотношения в определителях границ нормы; определение специфики соотношения семантических групп критериев нормативности у подростков с разным опытом взаимодействия с принятым в обществе нормативными регуляторами.

В качестве метода исследования использовалось анкетирование с открытыми вопросами «Что можно считать недопустимым...?» (представление о делинквентности), «Что можно считать недостойным...?» (представление о девиантности) и «Чем можно гордиться...?» (представление о положительной границе нормы). Поскольку в подростковом возрасте нормообразование тесно связано с процессами соотнесения себя с другими, респондентам предлагалось отвечать на вопросы в вариантах: по твоему мнению, по мнению твоих друзей, по мнению сверстников, по мнению взрослых.

При обработке полученных данных проводился качественный анализ ответов респондентов, позволивший объединить их в группы, соответствующие разным семантическим категориям. Следующим этапом было определение процентного соотношения ответов каждой категории для каждого вопроса в каждой из групп респондентов.

Семантические категории определились следующие: «Криминогенность», «Личностная слабость/ресурсность»; «Этика», «Отношения», «Социальная успешность». Все, кроме «Криминогенности», категории имеют отрицательный и положительный полюса. К категории «Криминогенность» были отнесены: физическое насилие, убийство, терроризм, хулиганство, воровство, взяточничество, порча чужого имущества, проституция, наркоторговля, издевательство над животными, браконьерство, бандитизм, педофилия. В категории «Личностная слабость/ресурсность» к негативному полюсу отнесены зависимости (курение, алкоголизм, употребление наркотиков), легкомысленность, истеричность, демонстрация слабости, трусость, самоповреждающее поведение, аморальность, лицемерие, отсутствие ума и умничанье; к положительному полюсу: доброта, честность, ум, уравновешенность, чувство юмора, способность «проявлять себя»,

владение навыками общения, храбрость. В категории «Этика» к негативному полюсу отнесены: нарушение норм поведения в общественных местах, неприличный внешний вид, поведение, демонстрирующее неуважение, употребление ненормативной лексики, грубость, ложь, «обзывание», съёмки сцен обнажения, поздние гуляния, нарушение чужого пространства; к положительному полюсу: соблюдение норм поведения в общественных местах, уважительность, вежливость, необсуждение других. В категории «Отношения» к негативному полюсу отнесены: предательство, осуждение людей, зависть, измена партнёру, унижение достоинства людей, национализм, сексизм, гомофобия, «донжуанизм»; к положительному полюсу: помощь людям, друзьям, животным, защита ребёнка, щедрость, спасение девушки, животных, волонтерство, дружба, хорошие родственные связи. В категории «Социальная успешность» к негативному полюсу отнесены: плохая успеваемость, отсутствие образования; к положительному полюсу: хорошая учёба, достижение своих целей, спортивные успехи, собственные подвиги, подвиг, материальное благополучие [3].

Таблица 1

Соотношение категорий ответов в группах условно нормативных девочек и мальчиков, %

Категории ответов	По моему мнению		По мнению друзей		По мнению сверстников		По мнению взрослых	
	Д	М	Д	М	Д	М	Д	М
Недопустимое								
Криминогенность	45	34	32	28	29	22	25	26
Личностная слабость	13	22	9	15	6	16	23	27
Этика	12	18	9	20	12	16	17	17
Отношения	28	14	30	15	23	14	20	10
Социальная неуспешность	0	4	0	6	1	6	3	5
Не знаю	2	8	20	16	29	26	12	15
Недостойное								
Криминогенность	0	15	0	7	0	3	0	3
Личностная слабость	7	9	6	7	2	11	3	9
Этика	43	36	30	33	26	30	35	30
Отношения	38	22	28	20	21	13	18	23
Социальная неуспешность	3	3	6	0	4	0	3	0
Не знаю	9	15	30	33	47	43	41	35
Чем можно гордиться								
Криминогенность	0	0	0	0	0	0	0	0
Личностная ресурсность	9	9	10	0	10	8	8	13
Этика	17	14	10	17	3	8	8	4
Отношения	38	24	15	15	25	15	21	16
Социальная успешность	30	40	27	30	20	33	33	34
Не знаю	6	13	38	38	42	36	30	33

Примечание: Д-девочки; М – мальчики.

В таблицах 1 представлены данные группы условно нормативных городских подростков, отдельно девочек и мальчиков.

Анализ представленных в таблице данных позволяет говорить о следующих тенденциях. Наибольшее количество ответов «не знаю» получила рубрикация «по мнению сверстников». Более понятными респондентам представляются в вопросе о недостойном позиция друзей, а в вопросах о недопустимом и предмете гордости – позиция родителей.

Ведущие места по частоте встречаемости в ответах на вопрос о недопустимом занимает категория «Криминогенность», в ответах на вопрос о недостойном – «Этика», в ответах на вопрос о гордости – «Социальная успешность».

Интересно, что ответы категории «Криминогенность» в недопустимом больше в сравнении с другими ответами представлены в собственной позиции респондентов. В том, как видят подростки позицию других субъектов, доминирование в недопустимом криминогенных поступков не столь ярко выражено. Иными словами, респонденты в общей тенденции видят себя как более «строгих» в нетерпимости к криминальным проявлениям. А наименьшую нетерпимость отмечают в позиции взрослых. И эта тенденция более ярко выражена у девочек.

Второе место в общей тенденции частоты встречаемости в ответах на все вопросы занимают ответы категории «Отношения». Исключение составляют ответы о мнении взрослых относительно недопустимых действий. Здесь близкую к «Криминогенности» частотность имеют ответы категории «Личностная слабость». Ожидаемо большую представленность категория «Отношения» имеет в ответах девочек. В ответах о предмете гордости она даже опережает доминирующую во всех остальных рубриках категорию «Социальная успешность». Иными словами, девочки полагают, что социальная успешность – самый важный повод для гордости у окружающих. Для них самих она тоже важна, но не в такой мере, как яркие проявления положительных отношений.

Данные таблицы 2 позволяют сравнить представления обычных школьниц и девочек, ставших жертвами сексуального насилия.

Таблица 2

Соотношение категорий ответов в группах условно нормативных девочек и девочек – жертв сексуального насилия, %

Категории ответов	По моему мнению		По мнению друзей		По мнению сверстников		По мнению взрослых	
	Д	Дс	Д	Дс	Д	Дс	Д	Дс
Недопустимое								
Криминогенность	45	50	32	29	29	13	25	20
Личностная слабость	13	17	9	18	6	13	23	44

Этика	12	13	9	12	12	6	17	16
Отношения	28	17	30	29	23	44	20	20
Социальная неуспешность	0	0	0	0	1	6	3	0
Не знаю	2	3	20	12	29	18	12	0
Недостойное								
Криминогенность	0	13	0	12	0	6	0	10
Личностная слабость	7	13	6	6	2	19	3	21
Этика	43	37	30	29	26	19	35	37
Отношения	38	37	28	35	21	31	18	21
Социальная неуспешность	3	0	6	0	4	0	3	0
Не знаю	9	0	30	18	47	25	41	11
Чем можно гордиться								
Криминогенность	0	0	0	0	0	0	0	0
Личностная ресурсность	9	0	10	0	10	0	8	0
Этика	17	0	10	10	3	0	8	11
Отношения	38	38	15	30	25	33	21	17
Социальная успешность	30	52	27	40	20	27	33	55
Не знаю	6	10	38	20	42	40	30	17

Примечание: Д – условно нормативные девочки; Дс – девочки, ставшие жертвами сексуального насилия.

Данные таблицы позволяют определить следующие тенденции, характеризующие группу девочек, ставших жертвами сексуального насилия.

Категория «Криминогенность», достаточно весомо представлена в «недопустимом» и «недостойном», но только в ответах о собственном мнении девочек. Все остальные субъекты в глазах девочек, ставших жертвами сексуального насилия, менее нетерпимы к таким действиям. Для сверстников, по их мнению, неприемлемыми в гораздо большей степени, чем криминогенные поступки, являются проявления негативного отношения, а для взрослых – личностной слабости. Сравнительно высок процент представленности категории «Социальная успешность» в ответах на вопрос о предмете гордости, особенно в указании о своём мнении и мнении взрослых.

В таблице 3 представлены данные, характеризующие представления условно нормативных мальчиков и мальчиков, совершивших противоправные действия насильственного характера.

Таблица 3

Соотношение категорий ответов в группах условно нормативных мальчиков и мальчиков, совершивших противоправные действия насильственного характера, %

Категории ответов	По моему мнению		По мнению друзей		По мнению сверстников		По мнению взрослых	
	М	Мп	М	Мп	М	Мп	М	Мп
Недопустимое								
Криминогенность	34	46	28	45	22	32	26	35
Личностная слабость	22	17	15	13	16	18	27	25
Этика	18	23	20	11	16	14	17	21

Отношения	14	10	15	26	14	24	10	16
Социальная неуспешность	4	2	6	2	6	6	5	2
Не знаю	8	1	16	2	26	5	15	1
Недостойное								
Криминогенность	15	12	7	10	3	5	3	6
Личностная слабость	9	12	7	5	11	12	9	8
Этика	36	54	33	61	30	42	30	55
Отношения	22	17	20	18	13	27	23	24
Социальная неуспешность	3	3	0	3	0	3	0	2
Не знаю	15	1	33	3	43	10	35	5
Чем можно гордиться								
Криминогенность	0	0	0	0	0	0	0	0
Личностная ресурсность	9	5	0	7	8	5	13	11
Этика	14	17	17	16	8	11	4	11
Отношения	24	38	15	38	15	29	16	33
Социальная успешность	40	30	30	35	33	45	34	40
Не знаю	13	6	38	3	36	10	33	5

Примечание: М – условно нормативные мальчики, М – мальчики, совершившие противоправные действия насильственного характера.

Категория «Криминогенность» в ответах о недопустимом несколько более представлена у мальчиков, совершивших противоправные действия.

Самая яркая тенденция, характеризующая представления мальчиков, совершивших противоправные действия, – выраженность категории «Этика» в ответах о недостойном поведении, и её значительный перевес в соотношении с категорией «Отношения» в характеристике своего мнения, мнения друзей и мнения взрослых. Ответы этой категории так же довольно часто относятся к недопустимому по мнению самих респондентов.

В вопросе о предмете гордости ответы, характеризующие своё мнение и мнение друзей, содержат весомую долю категории «Отношения», большую, чем у категории «Социальная успешность». А в ответах о мнении сверстников и взрослых категория «Социальная успешность» более выражена. Это контрастирует с данными группы условно нормативных мальчиков, у которых в характеристике мнений всех субъектов категория «Социальная успешность» вдвое весомее, чем «Отношения».

Итоговое обобщение результатов исследования может быть представлено в следующих тезисах.

1. Критерии нормативного оценивания у подростков могут быть объединены в пять семантических групп (категорий): криминогенность, личностная слабость/ресурсность, этика, отношения, социальная неуспешность/успешность.
2. По частоте встречаемости, которая может рассматриваться как эквивалент значимости, эти категории составляют своего рода три слоя. Первый слой: категории, доминирующие в отдельных определителях границ нормы: «криминогенность» в недопустимом, «этика» в недостойном, «социальная

успешность» в том, чем можно гордиться. Данные категории могут быть характеризованы как внешние, социально заданные. Второй слой: категория «отношения», весомо представленная во всех определителях границ нормы, составляющая в некоторых случаях конкуренцию специализированно доминирующим категориям. Третий слой, категория «личностная слабость/ресурсность», имеющая в критериях нормативности наименьшую представленность.

3. В представлениях о критериях нормирования у девочек в сравнении с мальчиками имеет большую представленность категория «Отношения», у мальчиков в сравнении с девочками – категория «Социальная успешность». Такая тенденция говорит о том, что базовые гендерные предпочтения кардинальным образом не изменились.

4. В представлениях школьников подросткового возраста подростки более нетерпимы к криминогенным проявлениям, чем взрослые.

5. В представлениях о социальном нормировании подростков, совершивших противоправные действия насильственного характера, категория «Этика» представлена гораздо более масштабно, чем у остальных подростков. А в качестве предмета гордости они более склонны видеть проявления позитивного отношения. Иными словами, они полагают, что необходимо быть требовательным в вопросах соблюдения кодексов правил поведения, а лучшим, что может украшать поведение человека, являются помогающие действия. Социальные достижения не столь важны. На наш взгляд такие особенности представлений перекликаются с данными исследований, свидетельствующие о том, что высокая агрессивность, экстремистские проявления характерны для социальных субъектов, ориентированных на жёсткое социальное нормирование и фаталистическое мировосприятие, снижающие тревогу неопределённости и социальной конкуренции и позволяющие поддерживать высокий уровень самоуверенности [7; 8].

6. В представлениях девочек-подростков, ставших жертвами насилия, наоборот, социальная успешность как основа для гордости представлена более, чем у других подростков. С одной стороны, это можно рассматривать как компенсаторную реакцию, с другой, это может составлять психологическую основу социальной неуверенности и связанным с ней комплексом жертвы.

7. Мнение сверстников относительно критериев социального нормирования представляется подросткам наименее понятным в сравнении с мнением других субъектов (своим, друзей и взрослых).

Библиографический список

1. Беккер Г. Аутсайдеры: исследования по социологии девиантности. М.: Элементарные формы, 2018. 272 с.

2. Бобнева М. И. Социальные нормы и регуляция поведения. М.: Наука, 1978. 312 с.
3. Захарова Л.С., Лукьянченко Н.В. Оценочные представления современных подростков // Психология в системе социально-производственных отношений : материалы Междунар. науч.-практ. конф. (20 апреля 2019 г., Красноярск) / СибГУ им. М. Ф. Решетнева. Красноярск, 2019. С.5-9.
4. Кожухарь Г.С. Феноменология разных форм психологического насилия в молодежной среде: зарубежные исследования [Электронный ресурс] // Психологическая наука и образование psyedu.ru. 2014. Том 6. № 2. С. 230–245. doi:10.17759/psyedu.2014060220 (дата обращения: 23.10.2021)
5. Нурмухаметов Э.А. К вопросу о нормативом поведении подростка в условиях школьного обучения [Электронный ресурс] // Психологическая наука и образование psyedu.ru. 2013. Том 5. № 4. URL: https://psyjournals.ru/psyedu_ru/2013/n4/65844.shtml (дата обращения: 28.10.2021)
6. Поливанова К.Н. Детство в меняющемся мире [Электронный ресурс] // Современная зарубежная психология. 2016. Том 5. № 2. С. 5–10. doi: 10.17759/jmfr.2016050201 (дата обращения: 20.10.2021)
7. Gelfand M.J., LaFree G., Fahey S., Feinberg E. Culture and Extremism // Journal of Social Issues. 2013. Vol. 69. № 3. P. 495—517.
8. Strøm I.F., Thoresen S., Wentzel-Larsen T. et al. Violence, bullying and academic achievement: A study of 15-year-old adolescents and their school environment. Child Abuse and Neglect, 2013. Vol. 37, no. 4, pp. 243–251.

SHARQ MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA O'SMIRLAR XULQ- ATVORI VA SHAXSNING SHAKLLANISHI

Mullaboyeva N.Sh. - NamMTI dotsenti, psixol.f.f.d. (PhD)

Tadjiaxmedov Sh. – NamMTI katta o'qituvchisi

Аннотация: в этой статье приводится краткая информация о роли восточных мыслителей в формировании подросткового поведения как личности.

Abstract: This article provides brief information on the role of oriental thinkers in the formation of adolescent behavior as a person.

Sharq allomalarining ilmiy merosida shaxs shakllanishi, unga ta'lim-tarbiya berish masalalari, shuningdek ularda axloqiy xulq-atvor normalarini qaror toptirish borasida bir qator fikr-mulohazalar keltirib o'tiladi. Ayniqsa iroda va irodaviy sifatlarni shakllanishi va uning shaxs kamolotidagi o'rni, ahamiyati yuzasidan bebaho fikrlarni o'z asarlarida ilgari surganlar. Ular sirasiga Abu Ali Ibn Sino, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Kaykovus, Abdurahmon Jomiy, Davoniy va Alisher Navoiy kabi allomalarimizni keltirib o'tish joiz.

Forobiyning fikricha, inson kamolotga yolg'iz erisha olmaydi. U atrofdagilar bilan aloqada bo'lib, ularning ko'maklashuvi yoki munosabatlariga muhtoj bo'ladi deb hisoblaydi, bunda Forobiy ta'lim-tarbiyani to'g'ri yo'lga qo'yish orqali erishish mumkin

deydi. Chunki maqsadga muvofiq amalga oshirilgan ta’lim-tarbiya insonni ham aqliy, ham ahloqiy jihatdan kamolga yetkazadi, xususan, inson tabiati va jamiyat qonun-qoidalarini to’g’ri bilib oladi va hayotda to’g’ri yo’l tutadi, boshqalar bilan to’g’ri munosabatda bo’ladi, jamiyat tartib qoidalariga rioya etadi. Forobiyning fikriga ko’ra, har bir inson o’z irodasiga bog’liq hatti-harakatlarni bajarishga qodir bo’lsa, ruhan va tabiatan xayrli amallar va sharr (yomon) ishlar tomon o’z irodasini yo’naltira oladi. Har bir insonda fazilatli xatti-harakatlar yoki razolatli fe’l-atvor tug’diradigan iste’dod mavjud bo’lib, u har ikkisidan birini bajarishga qodirdir.

Forobiy o’zining asarlarida insonlardagi chidamlilik, sabr-matонат, bardoshlilik kabi sifatlarni ma’naviy kamolotning asosiy mezoni sifatida ko’rsatadi. Avvalo shaxs ma’naviy jihatdan kamolga yetishishida ruhan pok, turli ichki qarshiliklarni yenga oladigan, sabotli insonlar bo’lishi kerakligini uqtiradi.

Abu Rayhon Beruniyning inson turmushiga xos xulq-odob qoidalari haqidagi fikrlari muhim ahamiyat kasb etadi. Inson ham ichki, ham tashqi tomondan go’zal bo’lsagina haqiqiy kamolotga erishishi mumkin, deydi. U ozodalik va orastalikni oliyjanoblik bilan tenglashtiradi. Inson doimo ularga rioya etishi zarur deb ta’kidlaydi. Bunda inson o’zini boshqara olishga qodir bo’lishi, har bir yetuk inson uchun zarur bo’lgan hislarni tarkib toptirishda kuch va irodaga ega bo’lishi zarur, deydi. “Mineralogiya” asarida bu fikrni quyidagicha ifodalaydi: “Inson o’z ehtiroslariga hukmron, ularni o’zgartirishga qodir, o’z joni va tanini tarbiyalar ekan, salbiy jihatlarni maqtagulik sifatlarga aylantirishga hamda, asta-sekin, axloq haqidagi kitoblarda ko’rsatilgan usullar bilan illatlarni bartaraf etishga qodirdir”.

Keltirilgan fikrlardan ko’rinadiki, inson kamolotida iroda va irodaviy sifatlarning o’rni beqiyosdir. Chunki shaxs o’zidagi ijobiy va salbiy xulq-atvor normalarini idora qilishi, o’zini-o’zi nazorat qila olishi zarur.

Buyuk mutafakkir Yusuf Xos Xojib tomonidan ilgari surilgan g’oyalar shaxsning axloqiy jihatdan kamolga yetishi bilan belgilanadi. Unga ko’ra axloqiylikning negizi bevosita irodaviy sifat va xususiyatlarga borib taqalaveradi.

Umar Xayyom inson xulq-atvoridagi fazilatlar asta-sekin hosil bo’ladi deb hisoblar edi. Agar inson biror-bir ijobiy ahloqiy fazilatga ega bo’lmasa, u buni harakat qilib, o’zida vujudga keltirishi, yomon illatlardan esa o’z irodasi bilan xalos bo’lishi kerak, deb ta’kidlaydi.

Umar Xayyomning fikricha, xulq-atvor ikki yo’l bilan odat qilib olish yordamida va fikrlash jarayonida yuzaga keladi. Mazkur fikrlardan ko’rinadiki, insonlardagi xarakter xislatlari tug’ma bo’lmay, balki hayot davomida o’zida shakllanib boradi. Chunki, inson o’ziga ma’qul bo’lgan sifat va xususiyatlarni odat qilsa, ayrim hollarda jamiyatdagi insonlarning xulq-atvoriga qarab o’zlariga namuna tarzda ko’chirib oladi.

Navoiy insonning axloqiy xislatlari, yaxshi fe’l-atvorlar xususida to’xtalar ekan, avvalo har bir insoniy fazilatlarining ta’rifini beradi. U yaxshi xislatlarga qanoat, sabr,

tavoze, adab va ishq, vafo, saxovat, himmat, karam, muruvvat, yumshoq ko'ngillilik kabi xislatlarni kiritib, har birining ta'rifidan so'ng tanbeh va hikoyalar vositasida o'z fikrini to'ldiradi. Navoiy yuqorida zikr qilib o'tilgan xislatlarga ta'rif berish bilan birga ularga qarama-qarshi bo'lgan yomon illatlar to'g'risida ham so'z yuritadi va ulardan qutilish yo'llarini ham bayon qiladi.

Axloqlilikning eng muhim mezoni sanalgan adab haqida fikr yuritar ekan: “Adab kichik yoshdagilarni ulug'lar duosiga sazovor etadi va u duo barakotidan umrbod bahramand bo'ladi. Adab kichkinalar mehrini ulug'lar ko'ngliga soladi”, deb ta'kidlaydi.

Demak, yaxshi xulq asosi – odob, u Navoiy nazdida barcha insoniy xislatlarning boshlanishi sanaladi. Komil insonga xos xislatlar ana shunga bog'liq ravishda ta'rif beriladi. Masalan, “Qanoat – buloqdir, suv olingan bilan qurimaydi, ekinzordir urug'i izzat va shavqat mevasini beradi, daraxtdir shoxi tortinchoqlik va mevasi hurmatni yetkazadi”, deb ifodalaydi. Qanoat – insoniylik belgisi. U insonni yomon kunlardan asraydi, dushmandan, ta'magirlikdan xalos etadi. Shuning uchun alloma hech qachon ta'maga berilmaslik, halol mehnat bilan hayot kechirish qay darajada ulug'ligini ta'kidlab, ta'ma va ochko'zlik, hasislikni insoniylik zavoli deb ta'riflaydi. Sabr – achchiqdur - ammo foyda beruvchi, qattiqdir – ammo zararni daf etuvchi, sabr shodliklar kalitidir, deydi.

Alisher Navoiy tarbiyada insonning o'zini-o'zi tarbiyalashga, xato va kamchiliklarini anglab tuzatishga e'tibor beradi. Darhaqiqat, Alisher Navoiy o'zining qarashlarida komil insonga xos bo'lgan barcha axloqiy sifat va fazilatlarini ko'rsatib o'tadi. Unga ko'ra, irodaning muhim sifatlaridan: sabr, qanoat, mardlik kabilarni shaxsda shakllantirish lozimligini uqtiradi. Ayniqsa, o'zini-o'zi tarbiyalash masalasiga asosiy e'tiborni qaratib, bevosita u o'zini-o'zi nazorat qilish orqali amalga oshishi va unda qo'llaniladigan usul va vositalarni oqilona tanlay olish lozimligini ta'kidlaydi.

Abdurahmon Jomiy ham o'z asarlarida tarbiyaning ahamiyatiga katta e'tibor beradi. Jomiy avvalo, tarbiya haqida fikr yuritar ekan, har bir narsani ham parvarish etsa, undan yaxshi natija chiqishini, insonni ham yaxshi tarbiya etsa, u barkamol bo'lishini alohida ta'kidlaydi. Shu bois yetuk insonga xos axloqiy xislatlar uning barcha asarlarida keng tarannum etiladi. Masalan, haqiqiy insonga xos bo'lgan ahloqiy xislatlardan yaxshilik, saxiylik, shirinsuxanlik, kamtarlik, sabr-qanoat, do'stlik, rostg'oylik, mehnatsevarlik kabilarni tarbiyalashga alohida e'tibor bilan qaraydi.

Yana bir alloma Davoniy shijoatkorlikni, mardlikni ham insonning ijobiy fazilatlaridan biri deb hisoblaydi. U yoshlarning bunday xislatni egallashi juda ham zarurligini tushunib yetadi. U shijoatni keng ma'noda ta'riflaydi. Shijoatga kamtarlik, yumshoq fe'llilik, chidamlilik va boshqa sifatlarni kiritadi. Davoniy shijoat kishining xatti-harakatini va boshqalar bilan bo'lgan munosabatini baholaydigan bir tushuncha deb qaraydi.

U agar inson biror xavf-xatarga duch kelsa, o'zini mahkam tutishi, esankirab qolmasligi, muvaffaqiyatsizliklardan zararlanmasligi, sabotli bo'lishi zarurligini aytadi va mana shunday harakatlarni shijoatkorlik deb ataydi.

Davoniy shijoatkorlikni inson aqliga bo'ysunishi lozim deb biladi: “Shijoatkorlik aqlning buyrug'i bilan sodir bo'ladi, uning maqsadi ijobiy fazilatlarni egallash bo'lgandagina u haqiqiy bo'ladi”, deydi. Demak, uningcha inson qachonki shijoatkorona xatti-harakat qilsa, u albatta aqlning buyrug'i va zaruratiga asoslanishi kerak.

Allomaning fikricha, ba'zi kishilar tashqi tarafdin shijoat va jasurlikka o'xshaydigan ishlarni bajaradilar. Ular bunday faoliyatni o'zlarining g'arazli maqsadlariga erishish uchun, o'z shaxsiy manfaatlari yo'lida ta'magirlik uchun qiladilar. Bunday yaramas qiliqlarni shijoatkorlikka kiritib bo'lmaydi.

Davoniy qanoat tushunchasini kishi ruhining yaxshi fazilati deb hisoblaydi, eng muhimi u qanoatni zaruriy hatti-harakatlar bilan bog'laydi. Kishi faqat zaruratga asoslanib ish tutishi lozim: dunyoda insonga eng zaruriy narsalar kerak xolos, boshqalarga intilishning xojati yo'q, masalan yeyish-ichishda, hissiyotlarga berilishda va boshqa harakatlarda chegarani bilish, mo'tadillikka, normaga rioya qilish, ayniqsa, boylikka xirs qo'ymaslik qanoatni bildiradi.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinadiki, shaxs kamolotida ta'lim-tarbiya, xulq-atvor normalarini tarkib toptirish, shuningdek irodaviy sifatlar borasidagi fikrlar bilan birgalikda o'zini-o'zi nazorat qilish masalasi ham dolzarb muammolardan hisoblanadi. Shu bois allomalarimiz tomonidan qoldirilgan ilmiy meroslar orqali shaxsni nafaqat aqlan, axloqan, balki, irodasi kuchli, sabotli, har qanday vaziyatda o'zini-o'zi nazorat qila oladigan qilib tarbiyalash imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Har bir odam har qanday boshqa odamdan o'zining individual psixologik xususiyati bilan ajralib turadi. Bu jarayonda asosiy e'tibor xulq-atvor muammosiga qaratiladi. Ijtimoiy turmushda hayot va faoliyat ko'rsatayotgan har qanday shaxs o'zining xulq-atvori bilan boshqalardan farqlanadi. Xulq-atvorning intellektual, hissiy va irodaviy xislatlarini ajratish mumkin. Xulq-atvor deganda shaxsda muhit va tarbiya ta'sirida tarkib topgan va uning irodaviy faoliyatida, atrofdagi olamga o'ziga-o'zi bo'lgan munosabatlarida namoyon bo'ladigan individual xususiyatlarni tushunamiz. Xulq-atvorning juda ko'p xususiyatlari odamning ish harakatlarini belgilovchi chuqur va faol moyillik hisoblanadi. Mana shu moyilliklarda xulq-atvor xislatlarining undovchilik kuchi namoyon bo'ladi. Odam ana shunday undovchilik kuchi tufayli ko'pincha ob'ektiv sharoitlarga zid ish qiladi va mutlaqo maqsadga nomuvofiq harakat usullarini qo'llaydi. Xulq-atvor borasidagi ta'limotlar tarixi uzoq o'tmishga borib taqaladi. Xususan, Arastu va Aflotun kishi xulq-atvorini uning yuziga qarab aniqlashni taklif etganlar. Ularning xarakterologiyasi asosi qanchalik sodda bo'lsa, shunchalik g'aroyib faraz yotardi. Kishining tashqi ko'rinishida qandaydir hayvon bilan o'xshashlik belgisini topish tavsiya qilinardi, so'ngra esa uning xulq-atvorini ana shu hayvonning xulq-atvori bilan bir xil deb

qarash kerak edi. XVIII asrda I.K.Lafaterning fiziologik tizimi mashhur bo'lib ketdi. U inson boshi “qalbini ko'rsatadigan oyna” bo'lib sanaladi va uning tuzilishini, bosh suyagining konfiguratsiyasini, imo-ishorasini o'rganish kishi xulq-atvorini o'rganishning asosiy yo'li deb hisobladi. Lafater taniqli odamlar shaxsi ustidan bir qator oqilona kuzatishlar qoldirdi. Ular uning ilmiy jihatdan mutlaqo ahamiyatsiz, lekin juda qiziqarli “Fiziognomika” kitobida yig'ilgandir. Lafaterning fikriga ko'ra, Gyotening daholigi haqida eng ko'p darajada uning, “burni shundan dalolat beradiki, u Gyote pozitsiyasining mahsuldorligini, mazmuni va muhabbatini qayd etadi”

Organizmning nasliy xususiyatlari xulq-atvor xususiyatlarining paydo bo'lishidagi shartlardan biridir. Xulq-atvor xususiyatlari irsiyatning biologik qonuniyatlari emas, balki ijtimoiy qonuniyatlar bilan belgilanadi. Xulq-atvorning har bir xususiyati shaxs munosabatlari bilan bog'liqdir. Lekin, shaxs munosabatlari o'z navbatida ijtimoiy munosabatlar bilan ham belgilanadi. Kishining xulq-atvori tug'ma, doimiy va o'zgarmaydigan narsa emas. Hech bir bola mehnatsevar yoki dangasa, rostgo'y yoki yolg'onchi, qo'rqqoq yoki jasur bo'lib tug'ilmaydi. Har bir odamning xulq-atvori, temperamenti asosida, ijtimoiy muhit ta'siri bilan, tarbiya, amaliy faoliyat jarayonida va kishining o'zini-o'zi tarbiyalashi bilan taraqqiy qilib, o'zgarib boradi. Xulq-atvorning taraqqiyoti kishining irodasi, aql-idroki va hissiyotlarining rivojlanib borishi bilan mustahkam bog'liqdir.

Insonning ma'naviy kamolotining asosini faqat aqlan rivojlanish emas, balki axloqiy sifatlardan sabr-qanoat, chidam bardoshlilik, o'z shaxsiga va o'zga shaxsga nisbatan hurmat hissining mavjudligi, shuningdek hushxulqlilikning shakllanishi ham muhim omil sifatida ko'rsatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shaxri. T-“A.Qodiriy” 1993. 96-bet
2. Abu Rayxon Beruniy. Feruza (javohirlar haqida naql va hikoyalar) T. A.Qodiriy nashriyoti, 1993, 58-bet
3. Adizova T.M. O'quvchilarning shaxslararo munosabatlarini psixologik diagnostikasi va korreksion ishlari.- Toshkent, TDPU, 1997.

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLILIKNI SHAKLLANTIRISH ASPEKTLARI

Musratova Z.U. - Nizomiy nomidagi TDPU magistri

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена развитию интерактивных технологий формирования коммуникативной компетентности у будущих учителей, совершенствованию педагогических механизмов создания интегрированной среды обучения.

ANNOTATION. This article focuses on the development of interactive technologies for the formation of communicative competence in future teachers around

the world, the improvement of pedagogical mechanisms for creating an integrated learning environment.

Bo'lajak o'qituvchilarning kommunikativ kompetentligini shakllantirish muvaffaqiyati, kasbini san'at darajasiga olib chiqib, o'nlab, yuzlab shogirdlar tayyorlaganligi uchun berilgan unvondir. Yoki ma'lum bir dunyoga yangi ko'z bilan qaraydigan, uddaburon, ishning ko'zini biluvchi, buyuk kelajagimiz poydevorini quruvchi va yuksaltiruvchi mutaxassis kadrlarni tayyorlash Respublikamiz pedagoglari oldida turgan eng muhim va mas'uliyatli vazifadir.

Pedagog o'z ixtisosligi bo'yicha ta'lim va tarbiya ishlari yuzasidan jamiyat oldida mas'uldir. U muntazam ravishda o'z kasbiy tayyorgarligini takomillashtirib borish bilan birgalikda o'qituvchi, muallim, ustoz, tarbiyachi, pedagog huquqiga ega bo'lishi, aniqrog'i, kommunikativ kompetensiya egasi bo'lishi lozim. Endilikda o'qituvchi uchun o'zi tanlagan kasb, fan, mutaxassislik borasidagi amaliy va nazariy bilimlarni puxta egallash kamlik qilib qoldi. U har qanday vaziyatda ta'lim-tarbiyaning yangi-yangi usul va metodlarini o'z faoliyatida qo'llay olishi, bir so'z bilan aytganda, kompetensiya egasi bo'lishi lozim.

“Kompetensiya” tushunchasi, kompetensiya nuqtai nazaridan yondoshuv, kompetensiya egasi ma'nosini anglatib, bu atamalarning mazmuni haqida to'xtalish uchun, eng avvalo, asrlar davomida shakllangan bu boradagi milliy an'ana va qadriyatlarga e'tibor qaratamiz.

Bizning yurtimizda biron-bir kasbkor egasi o'z kasbini mahorat bilan egallab, uni shogirdlariga o'rgata boshlasa, uning nomiga mazkur kasb atamasini qo'shib atay boshlaganlar. Mosh tabib, Omon tabib, Oboqul kulol, Latif sartarosh, Murodjon hofiz, Mamatoy temirchi yoki Mamatoy aka pichoqlari va hokazo. Bu e'tirof aynan shu odamning ma'lum bir kasb egasi bo'lganligi uchun emas, balki muayyan hudud aholisining biron-bir kasb bilan shug'ullanishi hamda ana shunday e'tirofga yuksak muvaffaqiyatlari orqali erishganliklaridan dalolat beradi. Chust pichoqlari, Chust do'ppisi, Rishton kulollari, Urgut kulollari, Samarqand nonvoylari, nonlari va hokazo. Bu albatta, o'z kasbkorini uzluksiz rivojlantirib, ko'p yillar mobaynida elga xizmat qilgan kishi yoki kasbkor egasiga yoki jamoaga berilgan e'tirof, vakolat, ishonch –z amonaviy va ilmiy til bilan aytadigan bo'lsak, kompetensiya ekanligini sezib olish qiyin emas. Xalq san'ati borasida ham shunday fikrlarni aytish mumkin, ammo kasbning oliy darajaga ko'tarilishi, bu kompetensiyadan balandroq malaka – mahoratdir.

Kommunikativ kompetensiya – o'qituvchidan to'laqonli muloqotchanlikni talab etadi. Har qanday vaziyatda talaba va jamoa a'zolari bilan ijobiy munosabatda bo'lishni taqozo etadi.

Ta'limiy mazmundan, vaziyatdan, holatdan kelib chiqib, har qanday o'qituvchining maqsadi auditoriyada “Rivojlantiruvchi muhitni” yaratishdan iborat. Ya'ni:

- talabalarga faoliyatga undovchi motivatsiya berish;
- talabalarni mustaqil ishlatish, o‘quv faoliyatiga undash orqali tushuncha, tasavvur va ko‘nikmalarni shakllantirish. Kerakli ma‘lumotlarni qidirish, o‘z faoliyati loyihasi va uning amaliyotga tatbiq etish, ish maqsadini anglash va natijaga ma‘suliyat bilan yondashish;
- talabalar tomonidan mavzuni, maqsad, vazifalarini murakkablik darajasini, shakl va usullarni mustaqil ravishda tanlash;
- talabalarni loyiha ustida guruhlarda ishlashga o‘rgatish mavzu va muammolarni aniqlash, vazifalarni taqsimlash, rejalashtirish, bahs-munozara natijalarini muhokama qilish va baholash.
- talabalarni turli xil shakldagi munozaralardagi ishtiroki.
- talabalarda o‘z harakatlarini tartibga solishni shakllantirish.
- baholash tizimi orqali talabalar o‘z bo‘lg‘usi natijalarini takomillashtirish, o‘z darajalariga va natijalariga baho berib, ularni yanada takomillashuviga erishish.

Zamonaviy o‘qituvchining asosiy kompetensiyasi:

1. O‘z “ta’limiy kamchiliklari”ni mustaqil tuzatib, talabalar bilan birga o‘qishni bilish.
2. Talabalarni mustaqil faoliyatini rejalashtirish va tashkil etishni bilish.
3. O‘quv jarayonini sahnalashtirish, bunda turli xil faoliyat usullaridan foydalanish, ularga talabalarning moyilligi va qiziqishiga qarab ishlarni taqsimlash ko‘nikmasiga ega bo‘lish.
4. Tadqiqotchilik tafakkuriga, talabalarda tadqiqotchilik ko‘nikmasini tashkil etishni bilishi kerak.
5. Talabalarni yutuq va rivojlanishlarini baholash tizimidan foydalanish.
6. O‘quv jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanishni bilish.
7. Dars jarayonida suhbat va bahs-munozara olib borish, talabalar o‘zlari hojlab aytmoqchi bo‘lgan fikr, qarash va munosabatlarini bayon eta olishlariga yo‘naltirilgan muhit yaratish. Nafaqat talabalar bir-birlari bilan, balki o‘qituvchi bilan ham shaxsiy qarash va munosabat, tanqidlarni tahlil qilishlari kerak.

Davlat tomonidan tavsiya etilgan umumiy ta’lim modelining instrumental qismi, ya’ni qo‘llanmalar tayyorlash bo‘limi alohida qayta tashkil etishga molik. Chunki o‘qituvchining bugungi kun talab darajasidagi tayyorgarligi masalasi shunga bog‘liqdir. O‘qituvchi faoliyatining ilmiy-metodik ehtiyojlari turli yo‘nalish va sohalaridagi ta’lim maskanlariga moslashtiriladi.

Oliy pedagogik ta’lim tizimida qo‘llanib kelinayotgan mavjud model qolipi barcha uchun umumiy hisoblanadi. Uning talablari omma uchun tushunarli bo‘lishi ko‘zda tutilgan. Qo‘llashda esa aniq reja va maqsadlar belgilab olinadi. Umumiy model qolipi bilan cheklanib qolmay, balki instrumental-model andozasini ishlab chiqish zamon talabidir. Bu yangi model tizimida o‘qituvchi-murabbiyning vazifalari, kompetentligi,

ilmiy tadqiqotlar, ilmiy-nazariy metodlar, ijtimoiy-pedagogik, madaniy-ma’rifiy masalalar, tashkiliy, boshqaruv va taraqqiy etishni yo‘naltirish masalalari o‘z aksini topishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентного подхода в образовании. www.eidoc.ru. 2005, 09, 10.
2. Лебедев О.Е. Компетентный подход в образовании. www.nekrasovepb.ru
3. Зимняя И.А., И.А. Ключевых. Компетенции – новая парадигма результата образования. quality.petrso.ru
4. Дружилов С.А. Профессиональная компетентность и профессионализм педагога. Психологический подход. Сибирь. Философия. Образование. Альманах. С.О.РАО. ИПК, г., Новокузнец –2005. № 8.

TALABALIK DAVRIDA TOLERANTLIK TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARI

Nurmatov N. – TDPU magistranti

Аннотация. В данной статье приведены мнения и комментарии об особенностях наблюдения толерантного мышления в студенческой среде, а также о его социально-психологических проблемах.

Annotation. This article discusses the peculiarities of the formation of tolerant thinking in the adolescent during his student days, as well as his socio-psychological problems.

Bugun biz tarixiy bir davr – xalqimiz o‘z oldiga ezgu va ulug‘ maqsadlar qo‘yib, tinch-osoyshta hayot kechirayotgan, avvalambor o‘z kuch va imkoniyatlariga tayanib, demokratik davlat va fuqarolik jamiyati qurish yo‘lida ulkan natijalarni qo‘lga kiritayotgan bir zamonda yashamoqdamiz.

Biz o‘z taqdirimizni o‘z qo‘limizga olib, azaliy qadriyatlarimizga suyanib, shu bilan birga, taraqqiy topgan davlatlar tajribasini hisobga olgan holda, mana shunday oliyjanob intilishlar bilan yashayotganimiz, xalqimiz asrlar davomida orziqib kutgan ozod, erkin va farovon hayotni barpo etayotganimiz, bu yo‘lda erishayotgan yutuqlarimizni xalqaro hamjamiyat tan olgani – bunday imkoniyatlarning barchasini aynan mustaqillik berganini bugun hammamiz chuqur anglaymiz.

Mamlakatimizda yosh avlod ta’lim-tarbiyasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. O‘g‘il-qizlarning zamonaviy bilim olishi, yuksak ma’naviyatli bo‘lib ulg‘ayishi uchun zarur sharoit yaratish borasidagi ishlar izchil davom ettirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi prezidnti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev shu yil 15-iyun kuni Toshkentda bo‘lib o‘tgan "Ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" mavzuidagi anjumanda so‘zlagan nutqida yosh avlod tarbiyasi haqida alohida to‘xtalib o‘tdi. "Bizni hamisha o‘ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so‘z bilan

aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan", deya ta'kidladi Prezidentimiz.

Tolerantlik insonlar, millatlar, ijtimoiy guruhlar, xalqlar va turli diniy e'tiqoddagi kishilarni bir-biri bilan bog'lab, ular o'rtasidagi munosabatlarda do'stona muhitning yuzaga kelishini va mamlakatning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi.

Hozirgi kunda pedagoglar jamoasidagi shaxslararo munosabatlarning o'ziga xosligi masalasi psixologiya fanining tadqiqot predmeti sifatida qaralmoqda. Shu nuqtai nazardan olganda, pedagoglar jamosida negativ ta'sirlarga nisbatan tolerantlikni shakllantirish masalasi hozirgi kun ta'lim-tarbiyasiga samarali ta'sir ko'rsatishida muhim hisoblanadi.

O'rta Osiyo va yaqin sharq xalqalarida tolerantlik tarbiyasi uzoq tarixga ega. Otabobolarimiz farzandlariga juda yoshlikdan boshlab boshqa din va millatlarning vakilariga nisbatan sabr-bardoshli bo'lib, o'zga xalqlarning madaniyati, tili, urf-odatlarini hurmat qilish kabi fazilatlarni singdirganlar. Shu bilan birga tolerantlik tarbiyasini kelgusi avlodlarga ham targ'ib qilganlar.

Bugungi kunda vatandosh mutafakkirlarimizning falsafiy qarashlarini taxlil qila bilish ham milliy ong taraqqiyoti uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Milliy ong jamiyat va har bir fuqaro uchun zarur bo'lgan keng dunyoqarash rivojlanishining omili sifatida beqiyos ahamiyatga egadir. Bu masalada qomusiy olim Forobiy ma'lum xalq va butun insoniyat to'plab kelgan ma'naviy-milliy merosi, ruhlari, ya'ni shaxslarning ma'naviyati, ongi milliylik, bir-biri bilan qo'shilib boradi, - degan edi. Bir avlodning jismi yo'q bo'lib ketishiga qaramasdan, ularning ong manbalari saqlanib, keyingi avlod davrida jamiyat rivojlanishiga moslashib, yangicha fikr-muloxazalar bilan boyitilgan holda, milliy ong, g'oyalari ifodasi shakliga bir qator o'zgarishlar kiritib boradi. Shu tariqa, keyingi avlod oldingiga nisbatan yuqori intellekt sohibi sifatida mukammalroq ishlarni bajarish imkoniyatlariga ega bo'ladi. Bu esa ongning doimiy rivojlanish tizimida bir yo'nalishdan boshqa, mukammalroq yo'nalishga ko'chib, serqirra jarayonga aylanib boradi. Demak, bugungi avlod uzoq tarixda o'tgan insonlar ruhi, fikr- g'oyalari, e'tiqodini o'zida mujassamlashtirgan holda milliy ongni rivojlantirib boradi. Oldingi avlod vakillari ongidagi o'xshashliklarning to'ldirib borilishi natijasida hozirgi milliy ong shakllanib, milliylik yanada ortadi.

Forobiy ta'limotining fazilatlaridan biri xalqlarni bir- biriga qarshi va bir-biridan ustun qo'ymagani, ularni butun insoniyatning ajralmas qismi sifatida talqin qilishidir. Demak, Forobiyning jamiyat to'g'risidagi tasavvurlari, nazariy kontseptsiyalari (yo'nalishlari)ga hozirgi davrda dolzarb masala bo'lib turgan millatchilik va irqchilikka

qarshi g'oyalari asos bo'ladi va ayni paytda u milliy ongdagi bag'rikenglikni ifodalaydi. Chunki Forobiyning qarashlarida millat va

xalq tushunchalari rivojlantirilib, bir-biriga ta'sir ko'rsatadigan ob'ektlar (manbalar) ekanligi o'z aksini topib, millat so'zi dunyoviy ma'noda ham ishlatilganini ko'rish mumkin.

Tolerantlik hissini rivojlantirish ta'lim sohasi uchun bosh maqsadlardan biriga aylanib bormoqda. Aynan shuning uchun ham tolerantlik masalasi so'nggi yillarda psixologiya va pedagogika fan doiralarida dolzarb muammoga aylanmoqda. Tolerantlik muammosiga bag'ishlangan ishlar juda ko'p, har bir ish o'zining ahamiyatiga ega, biroq, tolerantlik masalalariga oid barcha ilmiy ishlarni ikki katta guruhga ajratish mumkin, bular, nazariy va amaliy ishlanmalardir. Nazariy ishlar orasida falsafiy, madaniy va ijtimoiy xarakterdagilari ustunlik qilsa, amaliy ishlanmalar ichida pedagogik texnika va metodikalari yetakchilik qiladi. Bu tabiiy va xatto foydali holat hisoblanadi; biroq muammo nazariy va amaliy ishlanmalar orasida o'ziga xos -jarlikning hosil bo'lgani va o'rta oralqdagi ishlanmalarning mavud emasligida deb baholash mumkin. Ayni shu o'rinda juda muhim bo'g'in - tolerantlikning psixologik tavsifi e'tiborsiz qolib ketmoqda.

Tolerantlik, ya'ni bag'rikenglik tushunchasi o'ziga xos sinonim va antonimlarga ega bo'lgani holda, manbalarda turlicha izohlanadi. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasida tolerantlik - o'zgalarning turmush tarzi, xulq - atvori, odatlari, xis-tuyg'ulari, fikr-muloxazalari, g'oyalari va e'tiqodlariga nisbatan toqatli bo'lish, - deb ta'rif berilgan.

Psixologik ma'noda tolerantlik bu - individning o'z asab va ruhiy muvozanatini tiklash, muvafaqqiyatli moslashish, adovatga yo'l qo'ymaslik va uni o'rab turgan olam bilan ijobiy munosabatlarni rivojlantirish maqsadida muammoli va inqirozli vaziyatlarda tashqi muhit bilan faol aloqa qilish qobiliyatini belgilovchi birlashma, integral xususiyat.

Rossiyalik faylasuf Vladislav Lektorskiy tolerantlik tushunchasi va uning talqinini ko'rib chiqishning quyidagi yo'nalishlarini taklif etadi:

- tolerantlik befarqlik sifatida haqiqiyiligini hech qachon isbotlab bo'lmaydigan fikrlar (diniy qarashlar, turli madaniyatlar qadriyatlarining xususiyatlari, o'ziga xos etnik diniy e'tiqodlar va maslaklar) ning bo'lishini shart deb biladi;

- tolerantlik o'zaro tushuna olmaslik sifatida tushunmaslik va o'zaro hamkorlik qilish mumkin bo'lmagan, birovga nisbatan sabr-toqat, hurmatning namoyon bo'lishini cheklaydi;

- tolerantlik kechirimlilik sifatida inson ongida madaniyatning imtiyozlilik tarzida tushunilib, bunda boshqa madaniyatlar undan kuchsiz deb baholanadi, ularga chidash bilan birga nafratlanish ham mumkin;

- sabr-toqat shaxsiy tajribani boyitish va tanqidiy mulohaza sifatida o'zganing nuqtai nazarini hurmat qilishgina emas, balki tanqidiy muloqot natijasida o'z fikrini

o'zgartirish imkonini ham beradi

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Murtazaeva P. X. Talaba yoshlarda bagrikenglikni shakllantirish - davr talabi. Yoshlarda ijtimoiy tolerantlikni yuksaltirish masalalari. - Toshkent, 2006. - B. 4.
2. Nishanova Z.T va b. Rivojlanish va pedogogik psixologiyasi. -T. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. -515b.

TALABALARNI MA'RIFATPARVAR MUTAFAKKIRLAR QARASHLARI ASOSIDA KASBIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

Qurbonova Z.N. - TDPU pedagogika va psixologiya mutaxassisligi magistranti

Аннотация: Эта статья содержит информацию об образовательных взглядах мыслителей на формирование профессиональных компетенций студентов и их подходах и их важности и необходимости.

Ключевые слова: компетенция, креатив, способность, независимое мышление, инновационная деятельность.

Annotatsion: This article contains information about the educational views of thinkers on the formation of professional competencies of students and their importance and necessity.

Key words: competence, creative, ability, independent thinking, innovative activity.

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy o'zgarishlar, rivojlanib borayotgan bozor iqtisodiyoti munosabatlari, ilm-fan, texnika, texnologiyalarning rivojlanishi va axborotlarning tezkor almashinuvi jarayonida oliy ta'lim tashkilotlari uchun o'qituvchi-pedagoglarni tayyorlash, kelajakda faoliyat ko'rsatishi mumkin bo'lgan pedagogik jarayonlar uchun ilmiy-metodik jihatdan kasbiy yetukligini ta'minlash bugungi kunda alohida dolzarblik kasb etmoqda.

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq tarzda maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatining zamonaviy metodologiyasini yaratish, davlat talablarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, o'quv-metodik majmualarning yangi avlodini yaratish hamda ularni keng amaliyotga joriy etishni takomillashtirish bilan bog'liq masalalar belgilangan bo'lib, mazkur jarayonga o'z navbatida tadqiqiy va tahliliy yo'nalishga ega bo'lgan pedagogik tizim sifatida e'tibor qaratilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning: “Xususan, milliy o'zligimizni anglash, Vatanimizning qadimiy va boy tarixini o'rganish, bu borada ilmiy-tadqiqot ishlarini kuchaytirish, gumanitar soha olimlari faoliyatini har tomonlama qo'llab-quvvatlashimiz lozim. Buyuk alloma va adiblarimiz, aziz avliyolarimizning bebaho merosi, yengilmas sarkarda va arboblarning jasoratini yoshlar ongiga

singdirish, ularda milliy g‘urur va iftixor tuyg‘ularini kuchaytirishga alohida e‘tibor qaratishimiz kerak”⁴³ligi haqidagi fikrlari buning yorqin isbotidir.

O‘zbek pedagogikasiga hissa qo‘shgan taniqli ma‘rifatparvar adiblar Behbudiy, Abdulla Qodiriy, Abdulla Avloniy kabi olimlar pedagogik fikr taraqqiyotiga salmoqli hissa qo‘shgan, o‘z asarlarida o‘zbek xalqining eng yaxshi an‘analarini, ta‘lim-tarbiyaga oid muhim hayotiy masalani aks ettirgan pedagog va olimlardir.

Talaba-yoshlarni o‘z ajdodlari tarixi, madaniyati, urf-odati, milliy qadriyatlariga sodiq qilib tarbiyalashimiz shunchalar zarurki, toki ular ajdodlarini xotirlaganda, qalbida g‘urur va iftixor hissini tuysinlar. Shu o‘rinda, Sharqning buyuk mutaffakiri qomusiy olimi Abu Rayxon Beruniy shunday yozadi: “Faxrlanish haqiqatda yaxshi xulqlar va oliy fe‘llarda oldin ketish, ilmu hikmatni egallash va imkoniyat boricha mavjud nopokliklardan tozalanishdir. Kimda shunday sifatlar topilsa, xulq uning foydasiga va kimda bular yetishmasa, xulq uning zarariga bo‘ladi”⁴⁴.

Oliy ta‘lim muassasalari talabalarini kasbiy kompetensiyasini takomillashtirishda dastlab ta‘lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish amaliyoti, uning vujudga kelish tarixi, kasbiy kompetensiyaga oid nazariy-metodologik yondashuvlarga yo‘naltirilgan tarixiy ma‘lumotlarni o‘rganish va ulardan pedagogik faoliyatda samarali foydalanish zarur. Shuningdek, talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish va takomillashtirish bo‘yicha ta‘lim-tarbiya metodlari uning qadimiy ildizlari (genezisi)ni aniqlashda Sharqning taniqli qomusiy olim va mutafakkirlarining xissasi kattadir. Buyuk Sharq mutafakkirlari Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Al-Kindiy, Al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Sadiy Sheroziy, Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Boburlar o‘z asarlarida birinchilardan bo‘lib ta‘lim metodlarini ilmiy asoslab, ularning ta‘lim-tarbiya jarayonini samaradorligini oshirishdagi ahamiyatiga alohida to‘xtalib, bilimlarni amaliyotga qo‘llash, anglash va bilish faoliyatini rivojlantirish, bilimlarning tizimligi, ketma-ketligi, mantiqiyliigi, induksiya, deduksiya, tajriba, taqqoslash, suhbat, kuzatish kabi metodlardan samarali foydalanishni ilgari surdilar.

Talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish va takomillashtirishga oid mutafakkirlarning fikr va qarashlaridan samarali foydalangan holda ularni ta‘lim jarayonlarida samarali faoliyat yuritishga yo‘naltirilgan kasbiy tayyorgarligini oshirish, kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish, mazkur jarayonni sifati va samaradorligini ta‘minlashda alohida e‘tibor qaratish lozimligini anglab yetish zarur.

Ta‘limdagi tub o‘zgarishlar, olib borilayotgan islohatlar ta‘lim-tarbiya jarayonini yangi paradigmasiga o‘tishni taqozo etmoqda. Mazkur yondashuv talabalarni kasbiy kompetentlikni chuqur egallashni va kasbiy tayyorgarlikni takomillashtirish muhimligini ilgari surmoqdi. Talabalarni kasbiy kompetentligini rivojlantirish va takomillashtirishga

⁴³ Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz.–T.:O‘zbekiston,2017.488 b.

⁴⁴ Xayrullayev M.M O‘rta Osiyoda IX-XII asrlarda madaniy taraqqiyot.-T.:Fan,199

qaratilgan izlanishlarda kompetentlik tushunchasining mazmuni va mohiyatini yoritishga yo‘naltirilgan tadqiqot ishlari o‘rganildi va tahlil qilindi. Bir guruh olimlar, jumladan, Ye.A.Klimov, V.S.Lazarev, N.Nkomb, A.L.Venger, L.M. Volobuevalar talabalarda kasbiy kompetensiyani takomillashtirishning nazariy va amaliy jihatlariga atroflicha qarab, uning samaradorlik darajasi tadqiqot ishlarida yuqori baholab o‘tganlar⁴⁵. Bizning fikrimizcha zamonaviy bo‘lajak maktab o‘qituvchilarining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish va takomillashtirishning asosiy maqsadi quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

oliy ta‘lim tizimining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash;

oliy ta‘lim muassasalari talabalarining yetarli darajada tashkiliy, pedagogik-metodik bilim, ko‘nikma va malakaga ega bo‘lishini ta‘minlash;

ilg‘or xorijiy tajribani hisobga olgan holda talabalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish;

oliy ta‘lim muassasalari talabalarining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish va takomillashtirishni motivlashtirish;

maktabgacha ta‘lim tashkiloti tarbiyachilarining kasbiy kompetensiyasini takomillashtirishda innovatsion faoliyatga tayyorgarligini ta‘minlash, shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim va axborot kommunikatsion texnologiyalardan pedagogik faoliyatda samarali foydalanish;

maktabgacha ta‘lim tashkiloti tarbiyachilarining kasbiy kompetensiyasini takomillashtirishda ularning pedagogik, psixologik tayyorgarligi va ijtimoiy faolligini oshirishga erishish;

maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida talabalarni maktabga sifatli tayyorlashni tubdan yaxshilash, ta‘lim-tarbiya jarayoniga jahon amaliyotida keng qo‘llaniladigan zamonaviy ta‘lim dasturlari va texnologiyalarini joriy etishga yo‘naltirilgan faoliyatni samarali tashkil etish kabilardan iborat.

Shunga ko‘ra, zamonaviy yondashuvlar, ilg‘or pedagogik texnologiya va uslublarga asoslangan holda talabalarning kasbiy bilim, ko‘nikma va malakalarini muntazam rivojlantirishni bosqichma-bosqich amalga oshirish maqsadga muvofiq sanaladi.

Bizning eng katta yutug‘imiz o‘z boyligimizga o‘zimiz ega bo‘lganimizdir. Binobarin, yoshlarga bu boyliklarning qadriga yetish zarurligini o‘rgatishimiz, ularda minnatdorchilik, g‘urur va ishonch tuyg‘ularini tarbiyalashimiz kerak. Ma‘naviy-axloqiy mukammallik, vijdoniylik, or-nomuslilik, yaqinlariga g‘amxo‘r bo‘lish va boshqa insoniy tuyg‘ular o‘z-o‘zidan paydo bo‘lib qolmaydi. Ularning asosida tarbiya yotadi

Shu nuqtai nazardan qaraganda, yosh avlodni tarbiyalashda oliy ta‘lim muassasalarida ajdodlar merosi, milliy qahramonlar, buyuk siymolarning ibratli hayot yo‘li haqidagi qarashlar, ularning purma‘no asarlari, o‘git, matal, rivoyat, xalq

⁴⁵ Valeev G.X. Postanovka problemy pedagogicheskogo issledovaniya /G.X. Valeev //Pedagogika.–2001.–№ 4. – S. 19–23.

og‘zaki ijodi, ertak, hikoyalardan unumli foydalanish maqsadga muvofiqdir. Talabalarda milliy g‘urur, milliy o‘zlikni anglash, faxr, vatanparvarlik, sadoqat, iftixor hislarini shallantirish uzluksiz ta‘lim tizimi jarayonida amalga oshiriladi. Talabalarni kasbiy kompetensiyasini rivojlantirishda ajdodlarimiz tomonidan ilgari surilgan insonparvarlik g‘oyasi, innovatsion yondashuvlar, kasbiy kospetenlik, mustaqil fikrlash, erkin tarbiya nazariyasi barcha davrlarda dolzarb sanalib ularga alohida yondashilishi o‘ziga xos ahamiyatga ega. Talabalarda kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish bo‘yicha Sharq mutafakkirlaridan Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Bahouddin Naqshband, Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Boburning asarlaridan ilgari surilgan g‘oyalar o‘ziga xos tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

Talabalarning kasbiy kompetensiyasini shakllantirishning potensial imkoniyatlari, talabalarning kasbiy-ijodiy qobiliyatlarini real holatlarini aniqlash, sifatli tavsiflash va baholash usullariga integrativ yondashish ham ularni kasbiy tayyorgarlik darajasini oshiradi. O‘z o‘rnida o‘tmishda yurtimizda yashab ijod qilgan allomalar, mutafakkirlar haqidagi kichik hikoyalar, rivoyatlarni to‘plashni, va ularni ta‘lim-tarbiya jarayonida keng tadbiiq etishga to‘g‘ri yo‘naltirish, ko‘rsatmalar berish ham ijobiy natijalarni qo‘lga kiritish imkonini beradi. O‘z o‘tmishini bilmagan va e‘zozlamagan xalqning kelajagi yo‘q.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 488 b.
- 2.Xayrullayev M.M O‘rta Osiyoda IX-XII asrlarda madaniy taraqqiyot.-T.:Fan,199
- 3.Valeev, G.X. Postanovka problemy pedagogicheskogo issledovaniya / G.X. Valeev // Pedagogika. – 2001. – № 4. – S. 19–23.

O‘QUVCHILARDA SHAXSLARARO MUNOSABAT MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH

Usmanova D.Sh. - Nizomiy nomidagi TDPU magistranti

Annotatsion: This article talks about the formation a culture of interpersonal relationships among students.

Аннотация: В данной статье говорится о формировании культуры межличностных отношений у учеников.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi, Xalq ta‘limi vazirligi va O‘rta maxsus kasb-hunar ta‘limi markazining 2013 yil 22-avgustdagi "Umumta‘lim fanlari bo‘yicha uzluksiz ta‘limning Davlat ta‘lim standartlari va o‘quv dasturlarini ishlab chiqish to‘g‘risida”gi qo‘shma qaroriga asosan umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘lim muassasalarida o‘qitiladigan fanlar bo‘yicha amaliyotchi o‘qituvchilar, metodistlar va yetakchi olimlar tomonidan o‘quvchilarda kompetensiyalarni

shakllantirishga yo'naltirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturlarining loyihasi ishlab chiqildi.

Qo'shma yig'ilishning qaroriga asosan, bitta sinfda bir paytda bir necha fanlar bo'yicha DTS va o'quv dasturlari loyihalarini tajriba- sinovdan o'tkazish belgilandi. Unga ko'ra, Oliy va o'rta maxsus ta'lim va Xalq ta'limi vazirliklari, O'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim markazining 2014- yil 15 avgustdagi “Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining umumta'lim fanlari bo'yicha o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan Davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlarini loyihalari tajriba- sinovdan o'tkazish to'g'risida” gi qo'shma buyrug'i qabul qilindi.

Pedagogikada muloqot ta'lim oluvchi va o'quvchilar jamoasining o'zaro ta'sir malakasi, usuli va tizimini anglatib uning mohiyati, o'zaro axborot almashishida, ta'lim va tarbiyaviy ta'sir o'tkazishida, o'zaro bir-birlarini tushunishga erishishlarida namoyon bo'ladi hamda quyidagi xususiyatlarga ega:

- muloqot ta'lim oluvchining o'quv faoliyatida eng muhim kasbiy qurol hisoblanadi;
- muloqot jarayonida uning maqsadga muvofiq amalga oshirishni ta'minlash uchun ijtimoiy nazorat va ijtimoiy qonuniyatlar muhim aha-miyatga ega;
- ta'lim oluvchi va o'quvchi munosabatlarining eng muhim tarkibiy qismi muloqot sanalib, motivatsiyada motiv qanday ahamiyat kasb etsa, u ham xuddi shunday muhim rol o'ynaydi;
- pedagogikada muloqot - ta'lim oluvchining o'quvchilarga ta'sir o'tka-zish asosida o'zaro munosabatini faol tashkil qilishi, muayyan bir maq-sadni dastur asosida amalga oshirishning rejalashtirilgan funksiyasini bajarishidir;
- muloqot - hamkorlik faoliyatining ehtiyojidan vujudga kelib chi-qadi va shaxslararo munosabat rivojlanishining ko'p qirrali jarayoni hisoblanadi;
- noto'g'ri pedagogik muloqotdan o'quvchilarda qo'rquv, o'z kuchi-ga ishonchsizlik paydo bo'ladi, ularning diqqat-e'tibori, ishchanlik harakati susayadi, nutq dinamikasi buziladi, mustaqil va erkin fikrlash qobiliyati pasayadi.

O'quvchilarda shaxslararo munosabat madaniyati — bu o 'qituvchining o'quvchilar bilan darsda va darsdan tashqari faoliyatda o 'zi uchun eng qulay bo 'lgan psixologik muhitni vujudga keltirib, ijobiy ruhiy iqlimni yaratishi uchun imkoniyat beruvchi kasbiy munosabatidir.

O 'qituvchining o 'quvchilar bilan o 'zaro yaqin muloqotidan asosiy rnaqsad:

- salbiy holatlarni vujudga keltiruvchi barcha jarayonlarga barham berish;
- o 'quvchilarda mustaqil fikr yuritish ko 'nikmalarini hosil qilish;
- o 'quvchilarni faollikka, erkin fikrlashga, o 'z fik-mulohazalarini cho 'chimasdan bayon qilib unga tayanishga o 'rgatish;
- o 'quvchilarning yashirin qobiliyatlarini rivojlantirish;

• dars va darsdan tashqari jarayonlarda quvonch va shodlik kayfiyatini paydo qilish.

Rus pedagogi A.S.Makarenkoning fikricha, ta'lim oluvchi muloqoti hyumat va talabchanlikka asoslangan munosabat shaklida boiishi lozim⁴⁶.

Bu borada V.D.Suxomlinskiy ta'lim oluvchining "...maktab hovlisida gapirgan har bir so'zi puxta o'ylangan, aql va mulohazalarga boy, ma'lum bir tarbiyaviy maqsadga qaratilgan bo'lishi kerak" deb ta'kidlaydi. Ta'lim oluvchining har bir so'zi olimning fikricha, nafaqat o'quvchi qulog'iga aytiladi, balki uning qalbiga ham qaratilgan bo'lishi shart. Umuman ilg'or ta'lim oluvchilarning fikricha, ta'lim va tarbiya faqat ta'lim oluvchi va o'quvchining o'zaro hamkorlik pozitsiyasi asosidagi muloqot jarayonida quriladi.

O'quvchilarda shaxslararo munosabat madaniyati jarayonida ta'lim oluvchi qisqa muddatda o'zining psixologik bilimlariga tayanib o'quvchilarni psixik xususiyatlarini mukammal bilishga harakat qilishi lozim. O'quvchilarning ichki dunyosiga, ruhiy holatiga kirib bormasdan, unga nisbatan turli tarbiyaviy jazolar qo'llash, tanbeh berish mumkin emas. Bu holat o'quvchilar bilan o'zaro muloqotni tuzatib bo'lmas darajada buzilishiga, o'quvchilarning yashirin holatga o'z "qobig'i"ga kirib olishiga sabab bo'ladi.

O'quvchilarda shaxslararo munosabat madaniyati pedagogik muloqot tuzilishi jihatidan ta'lim oluvchi ijodkorligining noyob namunasidir. Pedagog olimlar ta'lim oluvchining o'quvchilar bilan muloqotiga ko'plab tavsiflarni ilmiy asarlarida bayon etsalarda, muloqot, avvalo, ta'lim oluvchining shaxsiy psixologik xususiyati sifatida namoyon bo'ladi. Olimlar esa, muloqot uchun ta'lim oluvchiga yo'nalish beradi xolos. Jumladan, rus pedagogi V.A. Kan-Kalikning fikricha, ta'lim oluvchining pedagogik muloqoti tuzilishi quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi:

1. Prognostik bosqich (modellashtirish): Ta'lim oluvchi tomonidan sinf jamoasi bilan bo'ijak muloqotni modellashtirish.

2. Kommunikativ aloqa: O'quvchi bilan dastlabki o'zaro tanishuv jarayonida muloqotni tashkil etishga erishish.

3. Pedagogik jarayon: Ta'lim oluvchining xatti-harakati, pedagogik mahorati bevosita muloqotni boshqarishga qaratilgan bo'lishi kerak.

4. Natijalar tahlili: Amalga oshirilgan muloqotni tahlil etish, yutuq va kamchiliklarni xolisona baholab kelgusi faoliyat uchun modellashtirish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Макаренко А.С. Педагогика. –М.: Владос, 2001г.
2. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya asoslari.–Т.,1994. –35b.
3. www.ziyo.uz

⁴⁶ Макаренко А.С. Педагогика. –М.: Владос, 2001г.

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O‘QUVCHILARDA EMPATIYA NAMOYON BO‘LISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Zufarova Y.M - TDPU Pedagogika va psixologiya mutaxassisligi magistranti

Аннотация: В данной статье выдвигаются теоретические и практические идеи о психологических аспектах проявления эмпатии у младших школьников, содержания концепции эмпатии и ее психологических особенностях.

Ключевые слова: эмпатия, симпатия, межличностные отношения, общение, развитие эмпатии, уровни эмпатии, эмоция, индивидуальные особенности.

Annotation: This dissertation puts forward theoretical and practical ideas about the psychological aspects of the manifestation of empathy in younger schoolchildren, the content of the concept of empathy and its psychological characteristics.

Key words: empathy, sympathy, interpersonal relations, communication, development of empathy, levels of empathy.

Hozirgi kunda mamalakatimizda yosh avlod ta’lim tarbiyasiga aloxida etibor qaratilmoqda. O’g’il qizlarning zamonaviy bilimlarni olishi, yuksak ma’naviyatli bo’lib ulg’ayishi uchun zarur shart-sharoitlar borasidagi ishlar izchil davom ettirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2020 yil uchun mo’ljallangan eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasidagi nutqida maktab, ta’lim-tarbiya haqida quyidagilarni ta’kidlab o’tdi.

Har qanday jamiyatda uning kelajagini ta’minlaydigan yosh avlodni sog’lom va barkamol qilib vayaga yetishi hal qiluvchi o’rin tutadi. Shu sababli biz islohotlarimiz ko’lami va samarasini yanada oshirishda har tamonlama yetuk, zamonaviy bilim va hunarlarni egallagan, azmu shijoatli, tashabbuskor yoshlarimizga tayanamiz. Zamonaviy psixologiyada bola emotsional faolligining barcha ko’rinishlari, aynan hamdarlik, qo’llab-quvvatlash, ichki birdamlik, empatiyaning yagona muammosi ichida ko’rib chiqiladi.

Empatiya inson tomonidan boshqa insonning kechinmalari dunyosini tushunishi yoki boshqa insonning emotsional hayotida ishtirok etish qobiliyati deb izoh berish qabul qilingan. Odatda empatiya ob’ekti sifatida boshqa odam ko’riladi, ammo bir qator tadqiqotlarda empatiya ob’ekti sifatida, kuzatuvchi tomonidan antropomorfologik qabul qilingan neytral buyum, tabiat yoki san’at obrazi ko’riladi. Empatiya tushunchasini refleksiv (anglanadigan) tushunish jarayonlari qatoriga ham, hissiy anglash jarayonlariga kiritishadi, ba’zida empatiyada ikkalasining ham belgilarini kuzatishadi.

Empatiyaning ilmiy tushunchasi psixologiyaga hozirgi asrning boshida kirib keldi, lekin bu savolning tarixi ancha oldin boshlangan. Bu hodisaning rivojlanishi birinchi navbatda simpatiya tushunchasiga borib taqaladi. Bu atama bizgacha qadimgi yunonlar tomonidan kiritilgan bo’lib, u odamlar bir-biriga hamdard bo’lishining mazmunini belgilash uchun kerak bo’lgan.

Keyinchalik, bu konsepsiya, simpatiyada adolat va altruizmning asosini ko'ra olgan A.Smit va simpatiyani insonlarga hamdardlik qila olish qobiliyati va odam ruhiy rivojlanishi bilan birga o'sib boradigan hodisa sifatida ko'rgan G.Spenser tomonidan takomillashtirilgan.

Simpatiya nazariyasining tarafdorlari empatiyani tug'ma xususiyat deb hisoblashgan. U.Mak-daugl simpatiyaning instinktiv kelib chiqish nazariyasini olg'a surgan bo'lsa, T.Ribo esa, uni ham odamga, ham jonivorga xos psixofiziologik xususiyat deb taxmin qilgan.

Simpatiya birlamchi tuyg'u hisoblangan bo'lib, uning asosida ijtimoiy va axloqiy tuyg'ular shakllanadi. Shu o'rinda uni o'zining tuyg'ularini boshqalarning emotsional holatlari bilan moslashtirish, odamlarning ruhiy birdamligi sifatida, ular o'rtasidagi haqiqiy munosabatlar ko'rinishi sifatida qaralgan. Simpatiya tushunchasi vaqt o'tishi bilan birlamchi ma'nosini yo'qotgan. Uning o'rniga “empatiya” tushunchasi kelgan.

Empatiya haqidagi bilimlarning rivojlanishining ikkinchi yo'nalishi T.Lipps tomonidan ishlab chiqilgan his qilish nazariyasi sifatida ko'riladi. His qilish – bu san'ant asarini tushunish jarayoni, keyinchalik esa – odamning o'zini tushunish jarayonidir.

T.Lipps bo'yicha his qilish – bu predmet yoki ob'ekt mohiyatini anglashning o'ziga xos turidir. Individ o'zini va o'zining kechinmalarini predmet va ob'ekt mazmuni orqali, o'z meniga proeksiyalab anglaydi.

His qilish bu xuddi qabul qilingan predmetni o'zlashtirish: qabul qilish jarayonida proeksiya orqali individ o'zi va predmet orasida birdamlikni tubiga yetadi, natijada predmet “o'z-o'zidan yuzaga keladi”, yoki “shu kabi jarayon tufayli o'zini o'zi chaqiradi”.

Shu o'rinda muallif simpatiya tabiatini beixtiyor-immitatsion sifatida ko'rib chiqqan. Keyinchalik, ushbu nazariyaga asoslanib, san'at psixologiyasida S.Markus o'rgangan. U empatiyani estetik zavqlanish ob'ektini tushunish, ushbu ob'ektni his qilish, tasviriy obrazga kirib borish usuli sifatida qabul qilgan.

Bu nazariyalarni birlashtirgan holda, 1909 yili E.Titchener ilmiy psixologiyaga empatiya tushunchasini kiritgan. Shu bilan birga, bu tushuncha ilmiy psixologiyaga T.Lipps tomonidan kiritilgan degan nuqtai nazarlar ham mavjud.

Zamonaviy tadqiqotchilar tomonidan empatiya emotsional hodisa sifatida, tushunish jarayoni sifatida, boshqalarning xayollari va kechinmalarini his qilish sifatida qaraladi.

L.B.Merfi empatiyani boshqalarning tushkunligiga bee'tibor bo'lmaslik, uning holatini yengillashtirish va yordamlashish sifatida aniqlanadi. Empatiya adekvat shaklda, ijtimoiy hayotga moslashgan, oilada maksimum ishonch, muhabbat va mehr olgan bolalarda kuzatiladi.

X.L.Rosh va A.G.Kovalev empatiyani bola shaxsi rivojlanishining muhim omillaridan biri deb hisoblashadi. Ularning fikricha empatiya – iliqlik, e'tibor va

ta'sirning birlashmasidir. Mualliflar bola rivojlanishi g'oyasiga, ota-ona va bola o'rtasidagi ehtiyojlar muvozanatini o'rnatish jarayoni sifatida qarashadi. Ehtiyojlar muvozanatiga rioya qilish tarbiyani yanada samaraliroq qiladi. Agarda empatiya bolani o'qitishning psixologik iqlimini belgilasa bundan qulay jihat bo'lmisligi ham mumkin.

Empatiyani tushuncha sifatida o'rganuvchi, psixologlar Daymond va Bronfenbrenner tomonidan, bu jarayonning shaxs emotsional tomonlari bilan o'zaro bog'liqligi ko'rsatilgan.

Ularning talqini bo'yicha empatiya – bu senzitivlik va ijtimoiy insayt, ya'ni individ boshqa odamning tuyg'u va o'ylarini qabul qila olish qobiliyatidir. Bu tadqiqotchilar o'z tajribalarini empatiyaning perpektiv tipida qurishadi. Ularni maxsus uyushtirilgan vaziyatda begona odamlar bir birining javoblarini bashorat qilishlari qiziqtiradi.

Daymondning so'zlari bo'yicha, empatiya bu vaziyatda “insonning ichki dunyosini intellektual reproduksiyasi” sifatida amalga oshiriladi. Daymond va Bronfenbrennerlarning qarashlariga ko'ra, empatiya odamlarni tushunishda kognitiv qobiliyat deb qarashsa-da, anglash jarayonini yengillashtiruvchi xususiyatlar yetakchi bo'lib chiqishdi.

Empatiyani kognitiv va emotsional hodisa sifatida talqin qilishdagi kelishmovchiliklar, tushunish va empatiya jarayoni, ongning ham u, ham bu taraflari bilan bog'langanligi tufaylidir. Bu ikkala jarayon ham insonning ichki dunyosini tushunishdagi nafaqat turli xil usul hisoblablanadi balki, xulq-atvorda turli xil tuzilish va vazifaga egadir.

Agar tushunish – bu individ tomonidan boshqa odamning xulq-atvorini intellektual tahlil qilish jarayoni bo'lsa, empatiya esa – boshqa odamlarning kechinmalariga emotsional hamdard bo'lishdir.

Psixologiyada T.P.Gavrilov tadqiqotlarida empatiya tushunchasi individning boshqa odam, jonivor va boshqalarning kechinmalariga nisbatan emotsional qarashidir.

Muallif empatiyaning ikki turini ajratadi: birga qayg'urish, ya'ni sub'ekt boshqa sub'ekt his qilayotgan tuyg'ularni his qila olishi, va achinish, ya'ni boshqa odam tuyg'ulari haqida qayg'urish va boshqalar.

Empatiya boshqa odamning ichida nima bo'layotganini, nima haqida qayg'urayotganini, atrofni qanday baholayotganini to'g'ri tasavvur qila olish qobiliyatiga asoslangan.

Aynan empatiya tufayli, kitob o'qib yoki film ko'rib turib, turli xil vaziyatlarga tushib qolgan odam his qiladigan narsalarni his qilamiz. Masalan: urush liniyasida tikanli sim ostida sudralib ketayotgan jousning xavotiri va najotini; zarba urgan futbolchining quvonchini; imtixonidan o'ta olmagan o'quvchining alami va tushkunlikka tushushiga olib keladi. Shuning uchun odam u yoki bu holatlar boshqa odamlar tomonidan qanday qabul qilinishini qanchalik yaxshi tasavvur qila olsa, empatiya shunchalik yuqori bo'ladi

Odamning empatik qobiliyatlari hayotiy tajriba oshishi bilan oshib boraveradi. Ko‘p narsani ko‘rgan va ko‘p narsani boshidan o‘tkazgan keksa odamlar, u yoki bu vaziyatga tushib qolgan odamlar nimani his qilishini, kichkina o‘quvchiga nisbatan yaxshiroq tushunishadi.

Empatiyaning rivojlanishi – bu boshqa insonning foydasiga hal bo‘luvchi bevosita ta’sir qiluvchi axloqiy motiv va motivatsiyalarning shakllanishidir. Empatiya yordamida kichkina bolaning boshqa odamlar kechinmalari dunyosiga kirib borishi jarayoni paydo bo‘ladi hamda boshqalarning qadriyatlari haqidagi tushuncha yuzaga keladi natijada boshqalar hotirjamligini o‘ylash kabi xususiyat rivojlanadi.

Empatiya rivojlanishining, axloqiy me’yorlarni o‘zlashtirish asosida bolaning atrofida qilargalarga nisbatan shakllanayotgan yondashuvi yotadi. Ya’ni, bolaning kattalarga bo‘lgan munosabati, birinchi navbatda ota-onasi bilan yaqin munosabatlarida qayd qilinadi.

Oila a’zolarining bir-biri bilan bo‘lgan empatik, ishonchli munosabatlari shaxsning garmonik rivojlanishini belgilab beradi. Qayg‘urish, achinish, boshqa odamga yordam berish qobiliyatining to‘laqonli rivojlanishi uchun oilaviy, do‘stona munosabatlar muhiti zarur. Bolaga bo‘lga noempatik munosabatlarning mazmuni birinchi navbatda uni tarbiyalayotgan odamlar tomonidan ochib beriladi.

Ota-onaning munosabatlari bolada yaxshilik, boshqalarga achinish, ular uchun o‘zini kerakli, sevimli va muhim deb bilishni rivojlantirishga qaratilgan bo‘lishi kerak.

Bola uchun eng muhimi yaxshilik va mehribonlik muhitida o‘sayotganligidir. Tarbiya “qanot bag‘ishlovchi” bo‘lishi kerak, bolani maqtovlar, qayg‘urish, achinish, tabassum, hayratlanish, olqishlar bilan qanotlantirish kerak.

Kichik o‘quvchilarning empatiya qobiliyatlari hayotiy tajribasining oshishi bilan ortib boradi. Empatiya va empatik xulq-atvorni samarali tarbiyalash ijodiy tasavvurning rivojlanishi asosida amalga oshiriladi.

Shunday qilib, empatiya juda murakkab va ko‘pqirrali tushuncha bo‘lib, juda chuqur qayg‘urishni belgilaydi. Empatiyay etakchii jtimoiy tuyg‘u bo‘lib, individning boshqa odamlar kechinmalariga emotsional javob bera olish qobiliyati sifatida ko‘riladi. U boshqa odamni sub’ektiv qabul qilish, uning kechinmalarini, xayollari va tuyg‘ularini tushunishni o‘z ichiga oladi.

Adabiyotlarro‘yxati:

1. Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatini oshirish va ularni mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3775-son qarori. 2018 yil 5 iyun.
2. Bo‘ronova D. Yoshlar – davlatning rivojlanish strategiyasida // Sharqshunoslik. – Toshkent, 2006. – № 2. – B. 144-149.
3. Vorobev N.E., Suxanseva V.K., Ivanova T.V. O pedagogicheskoy culture budущego uchitelya // Pedagogika. 1992. – № 1-2. – S. 667-70.

ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА ЎЗИНИ ЎЗИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ ПСИХОКОРРЕКЦИОН ИМКОНИАТЛАРИ

Қурбонбоев А.Н. - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, “Амалий психология” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. В статье рассматриваются важность учебной мотивации в процессе самоактивации, психологические взгляды зарубежных психологов, а также важные аспекты самоактивации в учебной деятельности. Также имеется информация о влиянии уровня сформированности учебной мотивации на систему самоактивации личности.

Annotation. This article discusses the importance of learning motivation in the process of self-activation, the psychological views of foreign psychologists, as well as important aspects of self-activation in educational activities. It also provides information on the level of formation of learning motivation and its impact on the individual's system of self-activation.

Замонавий психология фанининг ютуқлари инсоннинг ҳуқ-атвори, унинг мақсад ва мотивларига, бу ҳуқ-атворга йўналиш берувчи установкаларга фаол таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Шу жумладан, бугунги кунда ўқув фаолиятида ўзини ўзи фаоллаштириш хусусиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Аслида психологик тадқиқотнинг ҳар қандай методи айни вақтда муайян даражадаги психологик таъсир методи ҳамдир [1]. Зеро, маълум ҳодисаларни ўрганишда тадқиқотчи қандай методдан ёки методикадан фойдаланганидан қатъи назар, тадқиқ этилган идрок майдонида психологик таъсир излари сақланиб қолади, бу ерда бошланғич ҳолатга нисбатан муайян ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ таъсирнинг ихтиёрсиз, режалаштирилмаган оқибатларини шунчаки инобатга олиш бошқа, ўрганилаётган соҳада тўғридан-тўғри, режали таъсир ҳисобига ўзгаришларни келтириб чиқаришга уриниш бошқадир. Айнан иккинчи хил ёндашув, яъни шакллантирувчи ёндашувнинг тамойиллари, усуллари ва яхлит технологиясини, уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, шубҳасиз, тадқиқотнинг амалий аҳамиятини янада юксалтиради.

Психик ҳодисалар тизими ниҳоятда эгилувчи ва ўзгарувчан тизимлардан бири бўлиб, ҳақли равишда динамик тизим сифатида тавсифланади. Шахс мотивацион соҳасининг динамизмининг даражаси юқори кўрсаткичга эга психологик тузилмалардандир. Ушбу соҳадаги ривожланиш мотивларининг янги даражага, яъни янада чуқурроқ, ўқув фаолияти мазмуни билан алоқаси янада кучлироқ бўлган мотивлар даражасига етишини англатади [2]. Албатта, бундай ривожланиш ўз-ўзидан спонтан ва тасодифий равишда рўй бермайди. Психик ҳодисаларнинг динамикаси ҳақидаги назарий қарашларга асосланиб, шуни қайд

этиш мумкинки, тадқиқ этилаётган соҳадаги ижобий ўзгаришлар доим қуйидаги ходисалар билан боғлиқ бўлади:

а) мотивацион тизимнинг бошқа психологик тузилмалар билан муносабати ўзгариши;

б) мотивацион тизим асосини ташкил этувчи унсурларнинг ўзаро муносабати ўзгариши;

в) мотивацион тизимни ташкил этувчи унсурлар таркибидаги ўзгаришлар.

Шубҳасиз, мазкур ўзгаришлар қандайдир ташқи омиллар таъсирида юз беради. Бу омилларнинг таъсири тартибсиз (хаотик) ва тасодифий ёки тизимли ва мақсадга йўналтириши мумкин. Албатта, иккинчи ҳолатда таъсир самарадорлиги, унинг натижасида рўй берган ижобий ўзгаришларнинг барқарорлиги нисбатан юқори бўлади.

Аввало, шуни ёдга олиш керакки, ўқув фаолияти давомида икки асосий омил - таълим жараёни ва таълим олувчи шахсининг ўзаро таъсирлашуви амалга ошади. Шунинг учун энг умумий равишда таълим олувчилар ўқув мотивларига психокоррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш соҳасида ташкил қилинадиган машғулотларнинг икки йўналишини ажратиш мумкин:

1) таълим жараёнининг ўзида яширинган ички мотивацион имкониятларни юзага чиқариш;

2) таълим олувчи шахсида яширинган ички мотивацион салоҳиятни юзага чиқариш.

Таълим жараёнининг ўзидаги ички мотивацион имкониятларни рўёбга чиқариш ҳисобига таълим олувчилар ўқув фаолиятида ижобий мотивлар таъсир кучининг ортишига олиб келувчи механизмнинг асосий дастаклари ўқитувчининг қўлидадир. Биринчи навбатда, айнан ўқитувчи ўзининг касбий меҳнатига ва таълим олувчилар жамоасига бўлган муносабатини ўзгартириши, таълим жараёнини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолашнинг илғор ва самарали, психологик қонуниятларга асосланган усулларини билиши ва улардан самарали фойдалана олиши ҳисобига болалар ўқув фаолиятининг мотивацион жиҳатларига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, ўқитишнинг турли замонавий усул ва воситаларининг ўзи эмас, балки ўқитувчининг улардан ижодий фойдалана билиш қобилияти таълим олувчилар ўқув мотивациясига таъсир кўрсатишини инобатга олиш керак.

Ўқув мотивларини ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам таълим олувчининг ўқув фаолиятида ўқитувчининг марказий ўрин эгаллаши, албатта, эътироф қилиниши керак. Бироқ ўқув мотивациясига психокоррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатишнинг иккинчи йўналишида, яъни таълим олувчи шахсида мужассамланган ва ташқи турткини кутаётган мотивацион салоҳиятни юзага чиқариш масаласида психологик хизмат ва ёрдамнинг аҳамияти юқоридир.

Негаки, айнан махсус психологик усуллар билан таълим олувчи шахсига йўналтирилган таъсир орқали бу соҳада шундай ўзгаришларга тўртки берилдики, натижада бу ўзгаришлар пировардида ўқув мотивацияси соҳасида ривожланиш сифатида баҳоланишга лойиқ ижобий ҳолатларга сабабчи бўлади. Шунинг учун психологик таъсир амалиётида махсус психологик машғулотларни ўз ичига олувчи мотивацион тренингларни ишлаб чиқишга ва уларни жорий этишга уриниш ҳолатлари кўп учрайди. Бу ерда шунинг эътиборга олиш керакки, мотивацион тренингларнинг мазмуни муаллифнинг илмий-назарий қарашларига, мотивация муаммосини тушунишдаги методологик ёндашувига чамбарчас боғлиқ. Хусусан, Х.Хекхаузен томонидан таклиф этилган мотивацион тренингларда таълим олувчиларда ўзининг фаолиятига нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга урғу берилди [3]. Шунинг учун бу муаллиф таклиф этган мотивацион тренинглар куйидаги психологик сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- 1) ўз олдига қобилияти ва имкониятларига мос мақсадлар кўя олиш;
- 2) ўз имконияти ва салоҳиятини адекват баҳолай билиш;
- 3) ўз фаолияти самарадорлигига ишониш;
- 4) ўз мақсадига қанчалик эришганлигини билиш учун қайта тесқари алоқа ўрнатишга қодир бўлиш;
- 5) ўз ҳаракатлари ва уларнинг оқибатлари учун масъулиятни ҳис этиш.

Бошқа айрим муаллифлар (Дж. Аткинсон, Дж. Рейнар, 1978) ўқув фаолияти билан боғлиқ ижобий эмоцияларни шакллантиришда мотивацион соҳани ривожлантириш имкониятларини кўриб, махсус эмоционал тренинг орқали ўқув фаолиятидаги хавотирни камайтириш кўникмасини, қийинчиликларни олдиндан кўра олиш қобилиятини таркиб топтириш самарали эканлигига эътибор қаратмоқдалар.

Методологик ва методик тасаввурларида оламни психик акс эттириш жараёни ва унинг хусусий ҳосиласи бўлган ҳулқ-атворнинг бошқарилишида установканинг аҳамиятига урғу бериш марказий ўрин эгаллайдиган муаллифларнинг ёндашувлари асосида психологнинг ўқув мотивацияси соҳасидаги шакллантирувчи-ривожлантирувчи фаолияти куйидагиларга йўналтирилиши лозим, деб ҳисобланади [4]:

- таълим олувчида аввалдан мавжуд ижобий мотивацион установкаларни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш;
- янги мотивацион установкалар ва уларнинг янги сифатлари шаклланиши учун шароит яратиш;
- дефект мотивацион установкаларни психокоррекциялаш;
- таълим олувчининг ўз имкониятларига нисбатан ҳам, уларни ривожлантириш истиқболига нисбатан ҳам, ички установкаларни психокоррекциялаш ёки ривожлантириш.

Ўқув фаолиятида ўзини ўзи фаоллаштириш мотивациясига психокоррекцион - ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш мақсадини кўзловчи турли хусусиятли тренинг ва бошқа шаклдаги машғулотларнинг дастурларини таҳлил этиш натижасида шу нарса аён бўлдики, улар бир-биридан ўз методологик ва методик асосларига кўра, маълум даражада фарқланса ҳам, улар ўртасида умумийлик мавжуд. Ушбу машғулотларнинг аксариятида тўрт йўналиш бўйича машқ олиб бориш - мотивлар, мақсадлар, эмоциялар ва билиш фаолияти билан ишлаш кўзда тутилади. Бунда, одатда, таълим олувчиларда таълимий таъсирга нисбатан очикликни мустаҳкамлашга, уларда катталар билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган машғулотлар ўтказиш тавсия қилинади. Таълим олувчилар билан ўтказиладиган тажриба машғулотларининг алоҳида йўналиши уларга ўқув фаолиятида ўз олдига реалистик мақсадлар қўя олишни ўргатадиган, бунинг учун уларда ўз-ўзига адекват баҳо бериш ва талабгорлик даражасида ўз имкониятларини тўлиқ ҳисобга олишга ўргатадиган машғулотлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқув фаолиятида ўзини ўзи фаоллаштириш мотивацияси доирасида шакллантирувчи ишларни олиб боришда таълим олувчилар ўз олдига барқарор мақсадлар қўйишга, уларга эришишга қаратилган ҳаракатларда қатъиятли бўлишга ундовчи машғулотлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йўналишда турли омилларнинг халақит берувчи таъсири шароитида муайян ўқув топшириқларини бажаришга ундайдиган, бажариш вақтида қайтар алоқа амалга оширилмайдиган вазиятда ўта қийин масалани ечиш талаб қилинадиган машғулотлар ўтказиш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Петровская Л.А. Теоретические и методологические проблемы социально-психологического тренинга. – М.: МГУ, 1982. - 168 с.
2. Барзин К.В. Чтобы ребёнок успешно учился: Педагогический всеобуч родителей. – М.: Педагогика, 1988.- 176 с.
3. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. В 2-х т./ Пер. с нем./ Под ред. Б.М.Величковского; предисл. Л.И.Анцыферовой, Б.М.Величковского. – М.: Педагогика, 1986. Т.2.- 392 с.

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ШАХСИ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Ўришева П.Ғ. - ТДПУ, Педагогика ва психология мутахассислиги магистранти

Аннотация: В тезисе рассматривается, что формирование личности детей с ограниченными возможностями как личности будет кардинально меняться на каждом этапе, потребности будут увеличиваться.

Ключевые слова: социализация, воспитание, семья, личность, общество.

Annotation: The thesis considers that the formation of the personality of children with disabilities as a person will radically change at each stage, the needs will increase.

Key word: socialization, upbringing, family, personality, society

Шахсни турли хил жабҳаларда ўрганиш юзасидан олиб борилган психологик тадқиқотлар ушбу масала серқирра ва муаммоларга бой эканлигидан далолат беради. Шахс борлиқдаги бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ ижтимоий-маданий муҳит маҳсули эканлиги замон ва маконда доимо ривожланиб бориши ўзининг онглилиги, фаолият натижаларини олдиндан кўра олиши, муҳитнинг ўзгаришига мувофиқ тарзда фаолиятини мослаштириш ўқувига эгаллиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотчи О.У. Авлаевнинг таъкидлашича, шахс муаммосининг психологик таҳлили фан тараққиётининг сўнгги даврларида янгича ёндашувларга муҳтож, чунки шахснинг ижтимоий-психологик тузилмаси миллий-этник хусусиятлари таълим-тарбия ва шунга ўхшаш омилларнинг таъсирида унда ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади.

Шахс муаммосига қай томондан ёндашмайлик у чуқур ва кенг қамровли мулоҳазани талаб этади. Худди шу сабабли ҳам шахсни қандай талқин қилмайлик (гуманистик ёки психологик) унга моддий оламнинг бир бўлаги сифатида онтопсихологик нуқтаи назардан ёндашилади. Бунинг асосий мақсади субъектнинг моҳиятини очиб беришдан иборатдир.

«Шахс» тушунчасининг таркибий тузилмаси белгиловчиларини умумлаштирадиган бўлсак, турли хил психологик назариялар ва илмий мактаблар (К.Юнг, Г.Оллпорт, Э.Креглар, К.Левин, Ж.Нюттен, Дж.Гильфорд, Г.Айзенк, Л.Виготский, С.Рубинштейн, А.Леонтьев, А.Маслоу, Б.Ананьев ва бошқ.) шахсни доимий ўзгариб турувчи муҳитга мослашиш натижасида ривожланиб боровчи индивид тавсифининг синтези сифатида қарайдилар. Шунингдек, индивиднинг хулқ-атворида мувофиқ атроф-муҳит таъсирини белгиловчи меъёрлар шаклланади. Демак, шахс - ҳаёти давомида психологик мазмун касб этадиган нисбий барқарорликка эга бўлган ўзида субъект билан объектнинг ўзаро таъсирини шакллантирувчи мотивация билан эҳтиёжлар муносабати тизимини намоён қилувчи ижтимоий ҳосила ҳисобланади.

Аниқланишича, шахс тўғрисидаги ҳар қандай концепцияларга мурожаат қилинганда, индивид билан шахс орасидаги узвий алоқадорлик инobatга олингани маълум ҳисобланади. Буни шахс тушунчасига «Психология луғати»да берилган изоҳ ҳам яна бир бора тасдиқлайди. Ушбу мулоҳазаларни давом эттирадиган бўлсак, шахс – бу индивиднинг ижтимоийлашуви ва тарбия жараёни натижаси (таъсири)да шаклланувчи ижтимоий сифатлар эгаси ҳисобланади.

Шахсга берилган таърифларни янада кенгроқ тизимлаш мумкин. Аммо бу

билан масаланинг асосий муаммоси нимадан иборат эканлигига ойдинлик киритиш анча қийинлашади. Чунки, жамият доимо комил шахс муаммоси ва уни камол топтиришга эътибор қаратади. Ҳаттоки, тарихда Спарта даврида туғилган болаларнинг жисмоний ва руҳий соғломлигига алоҳида эътибор берилиб, нимжон ёки касалманд чақалоқларни жарга улоқтиришган. Бу тадбир ушбу давлатда қоида сифатида ҳукм сурган.

Инсоният цивилизациясининг кейинги босқичларида бундай қонунлардан воз кечиш инсоний қадриятлар доирасининг кенгайганлиги, ҳар қандай одам табиий равишда яшаш ҳуқуқига эгаллигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Адабиётлар таҳлиliga кўра, инсоният тарихида шундай шахслар борки уларда индивидлик хусусияти бўйича атрофдагиларга қараганда имкониятлари чекланган. Шунга қарамай, улардан бир қанчалари шахс сифатида ўзини юксакликка олиб чиқа олган. Масалан, ирландиялик романнавис ёзувчи Кристи Брауннинг ҳаёт йўлини эслашимиз мумкин. У церебрал фалаж бўлиб дунёга келган, фақат чап оёғи билан ҳаракатлана олган. Ҳатто гапира олмаган ва мустақил овқатлана олмаган, аммо секин-аста ўқиш, чизиш, машинкада ёзишни ўрганган. Жисмоний жиҳатдан ожиз бўлишига қарамай, у ижодий меҳнат билан самарали шуғулланди ва ўзи тўғрисида қуйидагиларни ёзади:

«Мен атрофда нима юз бераётганига эътибор бермасдан, соатлаб тўхтамасдан ёзим. Мен ўзимни ўзга бир инсон сифатида ҳис қила бошладим. Мен бундан-да, ўзгача бахтга мушарраф бўла олмайман. Мен ўзимни камситилган ёки ўз фикрини ифода эта олмайдиган, нолойиқ киши эмас, балки эркин фикрлай оладиган, яшай оладиган ва ижодкор сифатида ҳис қиламан. Мен дунё муаммоларидан ҳақиқий устунликни, мен ўзимни кашф қила олганимни ҳис қилдим. Мен рақсга тушиш қувончини англай олмасам-да, аммо ижод қилишдан завқ-шавқ оламан ва ҳузурланаман».

Айтиш мумкинки, индивиднинг, яъни инсоннинг ўз фаолияти предметини тўғри англаши, унинг мотивациясини аниқ йўналтира олиши юқори натижаларга олиб келиши муқаррар экан.

Ҳаётда Кристи Браун сингари жисмоний жиҳатдан ожиз, аммо ҳаёт йўлини топишга ва ўзини шахс сифатида кашф этишга қийналаётган минглаб инсонлар мавжуд. Улар, шубҳасиз, ўзлигини англаш учун қайсидир жиҳатдан ёрдамга муҳтождирлар.

Ҳар бир шахс шундай ҳаёт чўққисига эриша олиши мумкинми? Бунинг учун жўшқин фаоллик зарур. Маълумки, ҳар қандай инсон ўзида чексиз фаоллик оқимини намоён қилади. Бу оқим ҳар хил ҳаракатлар, маълумотлар ҳамда идрок, фикр, ҳис-туйғу, тасаввур ва ташқи воқеликни ўзгартириш имконига эга бўлмаган кечинмаларни қамраб олгандир.

Э.Ғ. Ғозиев қатор илмий изланишларида, шахслилик мазмунини кашф

қилишни ва шахс камолотига эришишни ҳар бир инсон удалай оладими? – деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилган. Чунки, инсон ижтимоий муносабатлар тизими, эҳтиёжлар ўртасидаги кураш босқичида фаолликни намоён қилиш ва ўзлигини англаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Е.Клингер эса имконият ва воқелик интилиш ва муваффақият тамойиллари доимо ижобий натижага олиб келадими, деб мушоҳада юритар экан, ушбу ҳолатларга ойдинлик киритиш, энг аввало, ҳар хил индивидуалликка эга бўлган шахсларнинг хусусиятларини ўрганишга зарурат туғдиради, деб алоҳида таъкидлайди.

Юқоридаги мутахассисларнинг фикрларига кўра, шахс чексиз фаоллик ва юксакликка ташналик хусусияти орқали ҳар қандай қўйилган мақсадга эришиши мумкин, деган хулосага олиб келади. Бунинг учун индивид шахс сифатида камол топган ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлиши ва ички муҳити бундай таъсирларни қабул қила олиши лозимдир. Чунки, К.Левин ўз давридаёқ хулқ-атвор айни дамда вужудга келувчи фаоллик ва у психологик куч майдонида боғлиқ, деган эди. Шу сабабли ҳам К.Левиннинг фикрига кўра, фаолият шахс функцияси билан идрок қилинадиган атроф-муҳитга боғлиқ.

Э.Ғ. Ғозиев ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, шахснинг асосий хусусиятлари туғилишданок намоён бўла бошлайди, кейинчалик, улар характернинг ўзига хос белгилари сифатида кўзга ташланади ҳамда бошқалар билан ўзаро муносабатлар, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланиган шахснинг фазилатига айланади.

Ҳақиқатдан ҳам, шахснинг ҳаёт майдонидаги фаолият динамикасини бир хил мезон билан ўлчашга қийинчилик туғилади. Чунки, шахснинг фаолият йўналиши, зўриқиши, мақсади, натижалари, шубҳасиз, турли хил низоларга замин ҳозирлаши табиий.

Юқорида айтилган ҳолатлар соғлом шахсларга тегишли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда жисмоний нуқсонларга эга, имконияти чекланган инсонларга тегишли психологик ҳолатларни, уларнинг турмуш тарзини қандай баҳолаш мумкин? Чунки, инсон ҳуқуқлари, кадриятлар жамиятнинг ҳар бир фуқароси учун бир хилда ҳукм суради. Бугунги кунда руҳий ожизлар билан шуғулланадиган ақлий тараққиётдан орқада қолган ва шунингдек, жисмоний жиҳатдан нуқсонли (имконияти чекланган) шахслар билан шуғулланадиган махсус мактаб-интернатлари мавжуд. Ушбу муассасаларда болаларни ёшлигидан тарбиялаб борилади, бунда улар меъёрий ижтимоий муҳит доирасидан ажралиб қоладилар. Улар шахси шаклланишида ўзига хос психологик хусусият – «Мен» тимсоли таркиб топишига қийинчилик туғдирувчи омилларга кўп дуч келадилар.

Инсон турли сабаблар билан «жисмонан ногирон», бошқача айтганда «имконияти чекланиш» ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Унинг шахс сифатида

шаклланиши ҳар бир босқичда кескин ўзгаришлар юз бериши, эҳтиёжлари ортиб бориши, предметини ўзи ҳали тўлиқ англаб етмаган мотивлар кураши замирида сайқал топади.

Аммо, олимларнинг таъкидлашларича, шахснинг камолот босқичларида ҳар бир инсон бир хил ёки турлича инқирозлардан янгиликка ўта олиши ички зўриқишсиз, фрустрациясиз кечишини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳам бу жараённинг бир хилда бўлмаслигини белгилаб беради. Айтиб ўтиш жоизки, кичик мактаб ёшидаги соғлом ўқувчиларда инқирозлар, ижтимоий муҳитга кириб бориш жараёнида ҳукм сурадиган психологик қонуниятлар имконияти чекланган ўқувчиларда айнан қандай юз бериши билан боғлиқ муаммо юзасидан илмий тадқиқот ўтказишга зарурат сезилмоқда. Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар: ижтимоий муҳит, тарбия воситалари, шахснинг психологик жараёнлари, ҳолатлари ва жисмоний имкониятлари орқали белгиланади.

Бир қатор тадқиқотлар турли хил ногирон ўқувчиларни психологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган (Т.А.Власова, Л.И.Божович, М.Е.Хватцев, М.М.Земцова, А.И.Алимова, Н.А.Короткова, О.А.Конопкин). Бу тадқиқотларда турли хил ногиронлик хусусиятига эга бўлган ўқувчиларни ўрганишга ҳам психологик, ҳам тиббий жиҳатдан ёндашилган. Одатда, ногиронлик хусусида гап юритилганда, инсон танасидаги бирон-бир нуқсон, етишмовчилик, бузилганлик, жисмоний ожизлик кабилар назарда тутилади.

А.И. Алимова, Н.И. Белякова, З.С. Кодамецларнинг изланишлари кўриш, эшитиш ва нутқ аъзоларида нуқсони бўлган ногирон ўқувчилар билан таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш масаласини ўрганишга йўналтирилган. Уларнинг таъкидлашича, кўришнинг сусайиши кўриш идрокига, эшитишдаги бузилиш эса оғзаки маълумотларни идрок қилишга қийинчилик туғдирар экан. Агар ўқитувчилар бундай ўқувчилар билан алоқа ўрната олмасалар, уларда тортиниш, «ўз қобиғига ўралиб қолиш», астеник реакцияларни намоён қилишга олиб келиши мумкин. Айтиш жоизки, инсоннинг индивидуал қиёфаси ва руҳий олами ўртасидаги мутаносиблик шахслараро муносабатларда, инсонларнинг бир-бирини идрок қилишида, шунингдек, шахс сифатида камол топишида, шубҳасиз, ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ташқи қиёфадаги шундай ўзгаришларни тиббий ва психологик жиҳатдан ўрганишда аниқланганки, бу тоифадаги болаларга кўпроқ касал инсон сифатида қаралгани туфайли, уларда жисмоний «Мен» тимсоли ёшларига, касалликнинг бошланишидаги ҳолатларга ва оиладаги муносабатларга муайян равишда боғлиқ экан (Д.Саррон, Н.Бруч, Е.Крисловский). Юқорида қайд қилинган тадқиқотлардан ҳам кўриниб турибдики, шахснинг шаклланиши билан боғлиқ муаммо нафақат ижтимоий жабҳаларга балки, индивидлик сифатларига ҳам боғлиқ бўлар экан.

РОЛЬ СЕМЬИ В РАЗВИТИИ МОТИВАЦИИ У ШКОЛЬНИКОВ К ПОСТУПЛЕНИЮ В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЕ ШКОЛЫ

Темиров К.У. – к.п.н., и.о. доцента, «Евразийский национальный университет имени Л.Н.Гумилева», Казахстан, г. Нур-Султан

Турсын А.Қ. – магистрант, «Евразийский национальный университет имени Л.Н.Гумилева», Казахстан, г.Нур-Султан

Аннотация:Основной процесс формирования личности происходит во время обучения и воспитания, поэтому вопросам модернизации образования обществом интересуется больше всего. Сформированная, определившаяся личность является гарантом социально развитого общества. Становится актуальным вопрос об образовательном процессе, мотивации учащегося к получению образования. В данной статье рассматривается понятие семьи и ее влияние на мотивацию учебной деятельности. Авторы приходят к выводу, что важнейшим социальным институтом в формировании в ребенке здоровой личности, которая может самостоятельно развиваться, ставить и достигать цели, имеет нацеленность на результат, а также реализуется в социальном плане, является семья.

Семьи могут быть разными по составу и типу воспитания детей. Иногда низкая учебная мотивация является свидетельством атмосферы, которая существует в семье.

Ключевые слова: мотивация, семья, учебная деятельность, мотив.

Annotation:The main process of personality formation takes place during education and upbringing, therefore, society is most interested in the modernization of education. A formed, determined personality is the guarantor of a socially developed society. The question of the educational process, the motivation of the student to get an education becomes relevant. This article discusses the concept of family and its impact on the motivation of educational activities. The authors come to the conclusion that the family is the most important social institution in the formation of a healthy personality in a child who can develop independently, set and achieve goals, has a focus on results, and is also realized socially.

Families can be different in composition and type of upbringing of children. Sometimes low educational motivation is evidence of the atmosphere that exists in the family.

Key words: motivation, family, learning activity, motive.

Процесс обучения в школах с определенным профильным уклоном предполагает особый подход к обучению и развитие специальных навыков, которые помогут в дальнейшей социализации и профессиональном самоопределении. Не имея положительной мотивации, ребенок лишен стимула к обучению, учебный процесс вызывает затруднения, снижается познавательный интерес. Какие факторы влияют на формирование положительной мотивации

ребенка? Данный вопрос рассматривался многими учеными. Зачастую объектом изучения становится образовательный процесс. В данной статье рассматривается влияние на положительное развитие мотивации у школьников к поступлению в специализированные школы такого фактора, как семейный институт.

На развитие человека оказывает влияние множество различных факторов, как биологических, так и социальных. За время существования человечества исторически сложилось, что основными факторами, влияющими на формирование личности, являются общество и семья. У каждого из этих институтов есть свои ресурсы, способные формировать личность. Но главным социальным фактором, где ребенок проводит свое время от рождения и до перехода во взрослую жизнь, является семья.

Семья – это группа людей, связанная родственными отношениями. Являясь основной ячейкой общества, выполняет различные социальные функции. Обеспечение первичной социализации, развитие личностных навыков, а также формирование и удовлетворение духовных потребностей являются функциями семейного института [1].

Рассматривая вопрос семейного воспитания, можно сказать, что основой является эмоциональный микроклимат семьи, с помощью которого у ребенка формируется как представление о себе, так и о мире. Педагогическими исследованиями подтверждено, что пример, который показывают родители, является фундаментом воспитательной функции семьи. Не имея собственного многолетнего опыта, являясь чистым холстом, ребенок обучается посредством копирования действий родителя. В воспитательном плане, в семье преобладает атмосфера любви, взаимопонимания, заботы и уважения. Микроклимат семьи способствует реализации индивидуального подхода к развитию личности. В семье есть возможность учитывать все личностные особенности ребенка, способности, интересы, навыки и склонности. Уровень волевого и умственного развития напрямую зависит от того, как ощущает ребенок себя в семье, как тесны его взаимоотношения с родителями [2]. Существует убеждение, что особенности взаимоотношений в семье являются важным решающим фактором в формировании характера и особенностей поведения ребёнка. В настоящее время понятие «семья» значительно изменилось: если раньше понятие семьи имело структуру: «папа-мама-ребенок», то теперь в состав понятия семьи входят, «бабушка-мама-ребенок», «мама-ребенок» или просто партнеры, воспитывающие одного ребенка и т.д. Имея такую тенденцию развития института семьи, можно предположить, что в будущем у подрастающего поколения изменится представление о семье и дальнейшая ее связь с развитием личности [3]. Однако сейчас семья оказывает решающее влияние на развитие ребенка в силу психологической и эмоциональной связи ребенка с родителями, а также его зависимость от них в первые годы жизни. Родители при

общении с ребенком выстраивают определенный стиль воспитания. Зачастую попустительский стиль воспитания у родителей негативно влияет на мотивацию учебной деятельности ребенка. Поэтому причины снижения мотивации стоит искать не в самом ребенке, а в семье. Есть определенная тенденция, существующая у родителей, которые не смогли реализовать в желаемой области, проявить свои таланты и способности. Родители пытаются достичь желаемого через ребенка, но, к сожалению, в данной ситуации интересы ребенка уходят на второй план. В данных обстоятельствах у ребенка не будет мотивации на достижение результатов, мотивации учебной деятельности. Главная цель семьи поддерживать положительные интересы ребенка, направлять их в нужное русло и создавать ребенку условия для занятий по интересам. Взрослые (родители, учителя) являются одним из важнейших факторов, влияющих на социализацию подростков. Установки, прививающиеся подростку в семье, влияют на их отношения к школе, на их ценности и нормы, и отношение к образованию как к одному из важнейших жизненных ценностей. Баланс между ценностными ориентациями и установками семьи и образовательного учреждения облегчает освоение норм и формирует положительное к ним отношение, позволяя сделать процесс школьной социализации легким и не травмирующим [4].

Процесс сепарации ребенка от родителей претерпел некие изменения, в современном мире многие начинают самостоятельную жизнь позже. Характерное для подросткового возраста в бунтарство сместилось на возраст 17-18 лет. Ученые считают, что предпочтение родителями карьеры в ущерб семье послужило катализатором данных изменений. Дж. Конелл проводивший исследования зависимости экономического положения в семье на академическую успеваемость ребенка, пришел к выводу: негативные социальные и экономические тенденции в обществе негативно влияют на условия жизни людей. Стресс на фоне снижения привычного уровня жизни сказывается на эмоциональном фоне всех членов семьи и приводит к снижению психического благополучия [5]. Дж. Конелл, ко всему прочему, выявил связь школьной успеваемости с доходом семьи и образованием родителей [6]. С. Сирин провел исследование и выявил высокую связь уровня образования родителей с развитием когнитивных навыков и речи у ребенка. Речь получила раннее развитие за счет разнообразного словарного запаса высокообразованных родителей, ценности познавательной активности в семье [7].

Отношения в семье напрямую влияют на формирование личности и поведения подростка, так как стабильность в семье — это основа эмоциональной уравновешенности и психического здоровья ребенка. В подростковом возрасте семейные отношения переходят на новый уровень. Задачей семьи в этом возрасте является формирование у подростков осознание своей идентичности и преобразовании мотивационной сферы. В подростковом возрасте существуют две

главные потребности: потребность в уважении и поддержке. И.С. Кон считал, что нет ни одного психологического или социального аспекта в поведении ребенка, которые не были бы во взаимосвязи с их семейными условиями [8]. Исследователями выявлено, что условия семейного воспитания могут оказать как положительное, так и отрицательное воздействие. В благоприятных условиях развития личности в семье будут эффективно развиваться мотивы, позитивный взгляд на жизнь, самооценка [9].

Исследования показывают, что подростки, дававшие положительную оценку своим взаимоотношениям с родителями, имели более высокую мотивацию к учебной деятельности, стремление к развитию, наиболее высокую самооценку, интерес к процессу и результату обучения.

Таким образом, можно сделать вывод, что семья является важнейшим социальным институтом в формировании в ребенке здоровой личности, которая может самостоятельно развиваться, ставить и достигать цели, имеет нацеленность на результат, реализуется в социальном плане. Семьи могут быть разными по составу и типу воспитания детей, и порой низкая учебная мотивация является свидетельством атмосферы, которая существует в семье.

Список литературы:

1. Гармаева Т.В., Кончаловская М.М. Роль семьи в школьной социализации подростков (на материале образовательных учреждений г. Москвы и г. Улан-Удэ). // Психологические исследования. - 2008. - N 2.
2. Куликова Т.А. Семейная педагогика и домашнее воспитание / Т.А. Куликова. - М.: Академия, 2000. - 227с.
3. Купченко В.Е., Ляшенко И.Н. Влияние стиля воспитания матери на самоотношение подростка / В.Е. Купченко, И.Н. Ляшенко // Семейная психология и семейная терапия. – 2014. - № 1.
4. Поливанова К.Н. Практики развития: взросление в современном мире (Доклад) [Электронный ресурс]. / Материалы научно-экспертного семинара «Новое детство». URL: <http://psyjournals.ru/newchildhood/issue/56295.shtml>.
5. Conell, J.P. , Aber, J.L. , & Spencer, M. B. (1994). Educational risk and resilience in African-American youth: Context, self, action, and outcomes in school. *Child Development*, 65, 493-506
6. Connell, J.P., & Wellborn, J. (1991). Competence, autonomy, and relatedness: A motivational analysis of self-system processes. In M. Cunniff & A. Sroufe (Eds.), *Minnesota symposium on child development* (Vol. 22, pp. 43-77). Hillsdale, NJ: Erlbaum.
7. Sirin S. R. Socioeconomic status and academic achievement: A meta-analytic review of research // *Review of educational research*. – 2005. – Т. 75. – №. 3. – С. 417-453.
Известно, что практически любой человек подвергся когда-либо психологической травме с большими или меньшими последствиями и это не превращало его в клиента психотерапевта. Болезнью будет считаться тот уровень вреда, нанесенного посттравматическим стрессом, который серьезно ограничивает способность работать, любить, взаимодействовать и испытывать хотя бы минимальное чувство комфорта или счастья. С точки зрения регулирования личности, человек настолько пострадавший от посттравматического стресса, что может считаться больным, испытывает следующие затруднения:

- затрудняется в установки собственных целей;
- затрудняется задать алгоритмы деятельности, направленной на достижение конкретной цели;
- затрудняется проконтролировать выполнение этих алгоритмов;
- затрудняется оценить достижения установленных целей для их корректирования или замены.

Многочисленные исследования говорят о том, ПТСР возникает приблизительно у 1/5 части лиц, переживших ситуации травматического стресса (при отсутствии физической травмы, ранения).

Дети, являясь бесспорно, самой незащищенной и уязвимой частью населения, полностью зависят от взрослых, и при этом они, так же как и взрослые, достаточно часто оказываются в зоне техногенных и природных катастроф, свидетелями жестокости или сами становятся жертвами физического, сексуального и эмоционального насилия.

Американские психологи А.Ровен, Д.Фои, Дж.Гудвин пишут о том, что сексуальное насилие, пережитое в детстве чаще, чем другие травматические ситуации, приводит к развитию ПТСР [2].

Очень важно рассматривать последствия насилия, пережитого ребенком, учитывая его возрастные особенности. В разные периоды жизни реакция на подобную психологическую травму может проявляться по-разному. Симптомами ПТСР, в зависимости от возраста ребенка различны.

Для детей до 3 лет - страхи, спутанность чувств, в поведении отмечаются нарушения сна, потеря аппетита, агрессия, страх перед чужими людьми, сексуальные игры.

Для дошкольников - тревога, боязливость, спутанность чувств, чувство вины, стыда, отвращения, чувство беспомощности, испорченности; в поведении отмечаются регрессия, отстраненность, агрессия, сексуальные игры, мастурбация.

Для детей младшего школьного возраста - амбивалентные чувства по отношению к взрослым, сложности в определении семейных ролей, страх, чувство стыда, отвращения, испорченности, недоверия к миру; в поведении отмечается отстраненность от людей, нарушение сна, аппетита, агрессивное поведение, ощущение «грязного» тела, молчаливость либо неожиданная разговорчивость, сексуальные действия с другими детьми.

Для детей 9-13 лет - то же, что и для детей младшего школьного возраста, а также депрессия, чувство потери ощущений; в поведении отмечаются изоляция, манипулирование другими детьми с целью получения сексуального удовлетворения, противоречивое поведение.

Нарушения, возникающие после насилия, затрагивают все уровни человеческого функционирования. Они приводят к стойким личностным изменениям, которые препятствуют способности ребенка реализовать себя в будущем.

Помимо непосредственного влияния насилия, пережитое в детстве, также может приводить к долгосрочным последствиям, зачастую влияющие на всю дальнейшую жизнь. Оно может способствовать формированию специфических семейных отношений, особых жизненных сценариев. По данным Кесслера, проводившем исследования частоты различных видов травм и возникновения в дальнейшем ПТСР: при плохом обращении в детстве это нарушение возникает в 34,5%; пренебрежение в детстве в 21,8% [1].

Специалистам, работающими с детьми, следует учитывать, что ребенок может не осознавать, что над ним совершается насилие, в силу своего возраста, боязни потерять любимого человека.

У детей могут быть сны, на первый взгляд непонятные, но вызывающие ужас. Ребенок может не понимать, что во сне каким-то образом отражена катастрофа, тогда как постороннему взрослому человеку это очевидно. Нарушение в познавательной сфере у детей порой достигает такой выраженности, что их успехи в обучении сильно ухудшаются. Отличники становятся двоечниками, очень болезненно переживая это. Часто ребенок не может представить себе, что у него будет долгая жизнь, семья, карьера, дети и т.д.

Поэтому необходимо незамедлительное вмешательство и оказание помощи страдающим детям. Педагогов, воспитателей и других работников, работающими с детьми должны настораживать изменения, произошедшие с ребенком.

Реабилитационную работу можно осуществлять как в форме индивидуальных психокоррекционных занятий, так и в рамках группового тренинга. Параллельно проводится консультирование родителей пострадавших детей.

Поскольку детям трудно говорить о том, что с ними произошло, а также по многим другим причинам, рекомендуется «проработать» психологическую травму в игре. Это могут быть физические упражнения, направленные на психологическую разрядку и релаксацию, методы имагинативной и арт-терапии, психодраматические упражнения, например, разыгрывание сказок.

Из перечисленных методов, наиболее интересным для детей является сказкотерапия. Однако этот метод требует высокого уровня подготовки ведущего. Сказки должны иметь положительное разрешение. Всегда должен быть найден и проигран приемлемый выход из сложной ситуации, даже если его нет и в самой сказке. Не стоит давать ребенку заигрываться в роли агрессора. После проигрывания сюжета должно последовать тщательное обсуждение того психологического опыта, который ребенок получил, находясь в роли [4].

Своевременная оказанная психологическая помощь, страдающим детям позволит избежать тяжелых последствий ПТСР, которая позволит ему состояться как полноценная личность и найти свое место в жизни.

Библиографический список

1. Клиническая психология в социальной работе/ Под ред. Б.А.Маршнина.- М.: Академия, 2009.-224с.
2. Тарабрина Н.В. Практикум по психологии посттравматического стресса.- Спб.: Питер, 2001.- 268с .
3. Тарабрина Н.В., Лазебная Е.О. Синдром посттравматических нарушений: современное состояние и проблемы// Психологический журнал. -1992. -Т-13.- №2.-С.14-29.

SURUNKALI GEPATIT S KASALLIGI BILAN OG'RIGAN BEMORLARNI PSIXOLOGIK TADQIQ QILISHNING O'ZIGA XOSLIGI

Yusupova M. – UrDU psixologiya mutaxassisligi magistranti

Аннотация: В статье исследуется эмоциональное состояние больных хроническим вирусным гепатитом С. В частности, анализируются психологические симптомы заболевания в результате воздействия пациента на эмоциональную сферу: депрессия, стресс, агрессия, перепады настроения, интенсивность, социальная инерция, страх, обида, неправильное отношение пациента к болезни.

Annotation: The article examines the emotional state of patients with chronic viral hepatitis C. In particular, the psychological symptoms of the disease as a result of its impact on the patient's emotional sphere: depression, stress, aggression, mood swings, intensity, social inactivity, fear, dissatisfaction, inadequate attitude of the patient to the disease were analyzed.

Hozirgi kunda Gepatit S dunyoda juda keng tarqalgan kasallik bo'lib, u qon orqali yuqadigan gepatit bilan kasallanish tarkibida yetakchi o'rinni egallaydi va dunyoda o'lim holatlari oshishiga sabab bo'lib, sog'liqni saqlash sohasi uchun ulkan muammodir.

Virusli Gepatit S ni RNK- saqlovchi virus chaqiradi, u 1988-yilda AQSH olimlari tomonidan aniqlangan va o'sha yerda VGS - virusli Gepatit S ning laborator diagnostikasi ishlab chiqilgan. Shifokorlar gepatitni sokin epidemya deb atashadi [1].

Har yili butun dunyo bo'yicha gepatitdan 700 ming inson hayotdan ko'z yumadi. VGS eng jiddiy jigar kasaligi bo'lib, unga qarshi vaksina hozircha yo'q. 2017-yilda chop etilgan birinchi global hisobot asosida gepatit muammosi bo'yicha 2015-yilda ushbu viruslarning oqibatlaridan 1,34 million odam vafot etgan. Ushbu yukning 90% dan ortig'i jigar sirrozi va gepatotsellyulyar karsinoma sabab bo'lgan (HCC), bu VGS va VGB natijasida yuzaga keladi. JSST VGB infeksiyasi bilan yashovchi odamlarning uchrashishini ta'minlashni, hayot davomida davolangan va VGS infeksiyasi bo'lgan bemorlarga qisqa muddatli terapiya kurslarini o'tkazilishini tavsiya qiladi, bu to'liq davolashni ta'minlaydi [2].

Turli xil ruhiy holatlar, masalan, hissiyot, ruhiy stress, charchoq tashvish, tushkunlik psixosomatik kasalliklarning etiologik omillari bo'lishi mumkin. Yoki aksincha ayrim organik kasalliklar, shu jumladan, surunkali infeksiyon kasalliklar (Gepatit S) bemor shaxsining emotsional sohasiga ta'sir etib, ularda og'ir ruhiy holatlarni yuzaga keltiradi. Bunda birlamchi fiziologik buzilishlar ikkilamchi psixologik buzilishlarni keltirib chiqarishi bemor holatining yomonlashuviga hamda davolash samaradorligining pasayishiga olib keladi. Shu o'rinda psixologlar tibbiyot xodimlari faoliyatida bemor ahvolini yaxshilashda asosiy qo'llab-quvvatlovchi bo'lib xizmat qiladi.

Gepatit S muammosining dolzarbligi infeksiyani yuqtirish mexanizmining o'ziga xos xususiyatlari, og'ir shakllarning rivojlanish chastotasi va surunkali kurs, shuningdek, samarali davolash usullarining yo'qligi bilan bog'liq.

Mazkur kasallik nafaqat tibbiy yondashuv, shuningdek, psixologik yondashuvni talab qildi. Buning uchun bemorning psixik xususiyatlarini o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Kasallikning ichki manzarasi bemorning o'z kasalligi haqidagi g'oyalari va "kasallik ongi" (P.A.Luriya, 1935; E.K.Krasnushkin, 1950) bilan bog'liq bo'lgan tajribalar yig'indisi sifatida qabul qilinadi. Ba'zi hollarda kasallikning kechishini murakkablashtiradigan, terapevtik chora-tadbirlarning muvaffaqiyatiga to'sqinlik qiladigan va reabilitatsiya jarayonini sekinlashtiradigan ikkinchi darajali, psixologik xarakterdagi kasallik belgilarining asosiy kompleksi sifatida qaralishi mumkin (V.V.Nikolayeva, 1987; 2009). Ushbu psixologik hodisa xulq-atvorning asosiy regulatori bo'lib, sharoitga qarab, adaptiv yoki noto'g'ri ta'sirlarning rivojlanishiga yordam beradi. Kasallikning ichki ko'rinishi kasallikning obyektiv rasmiga adekvat bo'lishi yoki undan sezilarli darajada farq qilishi, u inert yoki harakatchan bo'lishi mumkin (Vasserman L.I., Mendelevich V.D., 2001). ICD-10 bo'yicha Surunkali virusli Gepatit S B18.2 kodga ega [3].

Gepatit S tashxisi bilan bog'liq baxtsiz stigma bo'lishi mumkin, ayniqsa bu holatni tushunmaydigan odamlarda natijada Gepatit S bilan kasallangan odamlar izolyatsiyaga uchraydi. Bostondagi Garvard tibbiyot maktabi tibbiyot professori Kamilla Grem fikricha esa bu depressiyaga olib keladi. Gepatit S bilan og'rigan ko'plab odamlar o'zlarini boshqalar tomonidan noodatiy qabul qilingan yoki chetlatilgan his qilishlari sababli tushkunlikka tushib qolishadi. Ruhiy salomatlik bilan bog'liq har qanday muammolarni, ayniqsa, depressiyani yengish juda muhim, chunki ular Gepatit S ni davolash uchun dori-darmonlarni tizimlilik, sabrlilik bilan qabul qilishga to'sqinlik qilishi mumkin. Shuningdek, Gepatit S ning tezroq rivojlanishiga olib keladigan nosog'lom xatti-harakatlar bilan shug'ullanish xavfini oshiradi.

“Shu o'rinda depressiya o'zi nima?”, “U qanday namoyon bo'ladi?” degan savollar tug'iladi.

Depressiya - ruhiy tushkunlik, qiziqish yoki zavqni yo'qotish, aybdorlik hissi yoki o'zini past baholash, uyqu yoki ishtahaning buzilishi, energiyaning pastligi va konsentratsiyaning zaifligi bilan namoyon bo'ladigan keng tarqalgan ruhiy buzilish. Ushbu muammolar surunkali yoki takroriy bo'lib, jiddiy buzilishlarga olib kelishi mumkin [3].

Gepatit S tashxisi kayfiyatning o'zgarishi, jumladan, tashvish va asabiylashish kabi emotsional holatlar bilan birga kelishi mumkin. Bemorda jigar saratoni yoki erta o'lim xavfi borligi bilinchanda, tashxis va kelajak haqida qayg'urish boshlanadi. Gepatit S va uni davolash usullari haqida ko'proq ma'lumot olish kasallik bilan yaxshiroq kurashishga yordam beradi

Odamning xursand yoki g'amgin kayfiyati hech vaqt sababsiz maydonga kelmaydi. Kayfiyat o'z o'rnida shaxsning kuchsiz yoki o'rtacha kuchga ega bo'lgan

nisbatan barqaror umumiy emosional holati hisoblanadi (Q.Turg'unov), A.V.Petrovskiyning "Umuniy psixologiya" darsligida kayfiyatlar ancha vaqt davomida kishining butun xatti-harakatiga tus berib turadigan umumiy hissiy holatini ifoda etadi. Kayfiyatning xush yoki noxush bo'lishi, birinchi navbatda odamning sihat-salomatligi bilan ham bog'liqdir. Shu nuqtayi nazardan shaxs emotsional holatlarida kayfiyatning o'zgarishi muhim o'rin egallaydi.

Gepatit S bilan kasallanganida shaxs tasirchan yoki o'zini og'ir yukdek his qiladi. Ijobiy ruhiy munosabatni saqlash va salbiy fikrlarga qarshi ijobiy dunyoqarashni shakllantirish Gepatit S bilan og'rigan odamlarda qiyin masalalardan biridir. Bundan tashqari, Gepatit S kasaligining bemor shaxsining emotsional sohasiga ta'siri natijasida yuzaga kelgan alomatlar (depressiya, agressivlik, stress, fobiyalar) oxir-oqibat insonning hayot sifatiga, kundalik faoliyatiga, ishiga va mahsuldorligiga salbiy ta'sir qiladi. Ushbu omillar tibbiy yordam va hayotiy faoliyatlarda ishtirok etishning kamayishiga, shuningdek, kasallanish va o'limning oshishiga, umumiy farovonlik, yashash sifatining pasayishiga, shuningdek, davolanishga rioya qilmasligiga olib keladi.

Kasallik bilan kurashishda bemorlarning emotsional holatlarini tadqiq qilish bilan birga ijtimoiy munosabatlar, bemor shaxsining qiymati ham muhim o'rin egallaydi.

Bemor shaxsida ijtimoiy munosabatlarning yetishmasligi keng qamrovli kasallanish va o'lim uchun muhim xavf omili, shuningdek, salomatlik uchun salbiy oqibatlariga olib keladi.

Gepatit S bilan bog'liq bo'lgan belgilar, bu tashvish darajasini va virusni yuqtirish qo'rquvini oshiradi. Bu qo'rquv ijtimoiy izolyatsiya va munosabatlardagi yaqinlikning pasayishining asosiy sababi bo'lishi mumkin. Ushbu me'yorlar, xatti-harakatlar va e'tiqodlar oilaviy hamda ijtimoiy munosabatlarning begonalashishiga, shuningdek, sog'liqni saqlash yoki ish joyida (haqiqiy yoki idrok etilgan) kamsitishlarga olib keladi.

Izard talqini bo'yicha qo'rquv - bu inson yoki hayvonning sog'lig'i va farovonligiga haqiqiy yoki sezilgan xavfni boshdan kechirganida himoya biologik reaksiyasini aks ettiruvchi hissiy holatdir. Binobarin, inson uchun biologik mavjudot sifatida qo'rquvning paydo bo'lishi nafaqat maqsadga muvofiq, balki foydalidir. Biroq ijtimoiy mavjudot sifatida inson uchun qo'rquv ko'pincha o'z maqsadlariga erishish uchun to'siq bo'ladi.

Gepatit S bilan bog'liq umumiy jismoniy simptomologik o'zgarishlar, vazn yo'qotish, tez charchoq, quvvat kamligi bemorlarda o'zidan qoniqmaslik va shunga o'xshash salbiy emotsiyalarni yuzaga keltirishi mumkin. Shuning uchun biz ko'pincha bemorlarning emotsional holatlariga ko'p e'tibor qaratamiz. Emotsiya — shaxsning voqelikka o'z munosabatini his qilishidan kelib chiqadigan, uning ehtiyoj va qiziqishlari bilan bog'liq bo'lgan yoqimli yoki yoqimsiz kechinmalaridir. Emotsiya odatda tashqi alomatlari yaqqol namoyon bo'ladigan his-tuyg'ularni, ichki kechinmalarni ifodalaydi.

VGS va boshqa turdagi surunkali kasalliklar bilan ogʻrigan bemorlarda hayotning uch xil oʻlchoviga nisbatan adekvat munosabatlarni shakllantirish ham muhim masaladir. Bular: hayotni baholash (hayotning sifati yoki yaxshiligi va umumiy hayotdan qoniqish), gedonik farofonlik (qadimgi davr axloqshunosligida gedonizm hayotning maʼnosi nafaqat jismoniy, balki ruhiy huzurbaxshlikdan iborat degan taʼminoti ilgari surilgan), evdemonik farovonlik (inson uchun buyuk neʼmat baxt sanalishini va hayotning maʼno va mazmunini anglatadi).

Gepatit S virusi tashxisi odamlar tomonidan ularning ijtimoiy faoliyati va farovonligiga jiddiy taʼsir koʻrsatadi. Psixosotsial omillar (ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash, kurashish mexanizmlari) nafaqat subyektning alomatlarini sharhlashi, balki ular tibbiy davolanishga taʼsir qiladi va xatti-harakatlarni oʻzgartiradi. Asosiy kasallikni davolashga rioya qilish va virusli Gepatit S ga adekvat munosabatni shakllantirish ushbu muammoni hal qilishning asosiy nuqtalaridan biri boʻlib koʻrinadi. Chunki inson oʻz salomatligini yaratuvchisidir.

Demak, Gepatit S bilan ogʻrigan bemorlarning kasallik bilan kurashishida hayot sifati darajasini oshirish va ular bilan maxsus ijtimoiy psixologik tadbirlarni olib borish kasallikdan sogʻayish va davolashga ijobiy taʼsir koʻrsatadi. Buning uchun ularning ematsional holatlariga toʻgʻri tashxis qoʻyish va aniqlangan salbiy emotsiyalar bilan ishlash tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Zakirxodjayev “ yuqumli kasalliklar “ Toshkent 2011 102-103-b
2. Virusli gepatit boʻyicha strategic malimotlar boʻyicha konsodilatsiyalangan qoʻllanma 2019 6-b
3. Хронический вирусный гепатит С (ХВГС) у взрослых МКБ 10: В18.2 Профильная комиссия Министерства здравоохранения Российской Федерации по специальности "Инфекционные болезни" ноября 2018 г 10-с

V - ШЎЪБА/СЕКЦИЯ/SECTION ПСИХОДИАГНОСТИКА И ПСИХОКОРРЕКЦИЯ ДОШКОЛЬНИКОВ

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОЗДАНИЯ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПО РАЗВИТИЮ СЛОВАРНОГО ЗАПАСА ДОШКОЛЬНИКОВ С ОБЩИМ НЕДОРАЗВИТИЕМ РЕЧИ

Ахмедова О.С. – базовый докторант ТДПУ

Аннотация: В статье рассмотрены основные направления создания мультимедийных технологий по развитию словарного запаса дошкольников с общим недоразвитием речи, которые основаны на инновационных педагогических технологиях применяемых в образовании.

Abstract: The article discusses the main directions of creating multimedia technologies for the development of the vocabulary of preschoolers with general speech underdevelopment, which are based on innovative technologies used in education.

Педагогические инновации могут либо изменять процессы воспитания и обучения, либо совершенствовать. Мультимедийные технологии сочетают прогрессивные креативные технологии и стереотипные элементы образования, доказавшие свою эффективность в процессе педагогической деятельности.

Можно выделить следующие причины появления инноваций в дошкольном образовании:

- научные исследования;
- социокультурная среда – потребность дошкольных образовательных учреждений в новых педагогических системах;
- творческая вариативность педагогов;
- заинтересованность родителей в достижении положительной динамики в развитии детей.

В работе с детьми по речевому развитию можно использовать следующие основные направления создания мультимедийных технологий: синквейны, мнемотаблицы, кинизиологию, биоэнергопластику, скрайбинг.

В развитии лексики большую роль играет *ознакомление с художественной литературой*. Мультимедийные средства должны быть организованы в виде виртуальных книжных уголков «Полочка умных книг», в которых хранятся детские книги, хрестоматии произведений, картинки для составления рассказов, иллюстрации по темам, интересующим детей.

Графические схемы помогают детям более конкретно ощутить границы слов и их раздельное написание. В этой работе можно использовать различные картинки и предметы. В первую очередь, дети учатся составлять по картинкам простое нераспространенное предложение разной структуры (подлежащее + сказуемое,

сказуемое + подлежащее), а также простые нераспространенные предложения с однородными подлежащими и сказуемыми. Завершается работа формированием умения строить распространенное предложение разных структур, опираясь на сюжетные картинки, вопросы, схемы и т. д., а затем сокращать их до первоначально вида простого двусоставного, нераспространенного предложения.

Интеллектуальные карты – это уникальный и простой метод запоминания информации. Регулярное использование интеллектуальных карт позволяет сделать привычным использование образов. Метод интеллектуальных карт дает возможность фокусироваться на теме, проводить целенаправленную работу по формированию словаря и связной речи.

Правила составления интеллектуальных карт:

- В центре страницы пишется и обводится главная идея (образ).
- Для каждого ключевого момента проводятся расходящиеся от центра ответвления, используя ручки разного цвета.
- Для каждого ответвления пишется ключевое слово или фраза, оставив возможность для добавления деталей.
- Добавляются символы и иллюстрации.
- Писать надо разборчиво (печатными) буквами.
- Важные идеи записываются более крупным шрифтом.
- Для выделения определенных элементов или идей используются линии произвольной формы.
- При построении карты памяти лист бумаги располагается горизонтально.

Использование мнемотаблиц (сенсорно-графических схем) на занятиях по развитию связной речи, позволяет детям эффективнее воспринимать и перерабатывать зрительную информацию, так как наглядный материал у дошкольников усваивается лучше. Их используют: **для обогащения словарного запаса**, при обучении составлению рассказов, при пересказах художественной литературы, при отгадывании и загадывании загадок, при заучивании стихов.

Работать с мнемотаблицы лучше начинать со средней группы. Хотя уже в младшем возрасте используем простейшие схемы одевания, умывания, построения пирамидки и т.д.

Еще одно направление – это **«Корзина идей»**. «Корзина идей» предполагает выяснить, какие знания уже есть у детей по данной теме. Этот прием накапливает знания. Этот прием «Корзина идей» может быть применен при календарно-тематическом планировании образовательного процесса дошкольной образовательной организации. По своему содержанию "Корзина идей" похожа на такие известные приемы, как "Мозговая атака" и "Кластер". В каждом случае предполагаются разные формы работы — и индивидуальная, и групповая, и

каждый из приемов позволяет высказывать любые суждения — без их оценивания и анализа. Но, к примеру, кластер помогает лучше увидеть логические цепочки, в то время как "Корзина идей" всего лишь определяет "поле интересов". Ребята выбирают картинки, опорные схемы, предметы и кладут в корзину. В течение недели мы узнаем что-то новое, и наша корзина пополняется. В обобщающей беседе, мы перебираем содержимое корзины и подводим итоги. Так, например, подошел к концу наш практико-ориентированный проект «Этот загадочный мир-космос». Во время этого проекта наша корзина наполнялась первыми открывателями космоса, космическими кораблями, учеными, планетами, в виде картинок.

Следующим направлением создания мультимедийных технологий является **скрайбинг**. Скрайбинг - (от английского слова "scribe" – набрасывать эскизы или рисунки). Скрайбинг - это создание небольших понятных рисунков, которые делают смысл образовательной деятельности понятным.

Эта технология была придумана британским художником Эндрю Парком для британской компании, которая занималась популяризацией научных знаний. В чем смысл данной технологии - речь выступающего иллюстрируется "на лету" рисунками фломастером на белой доске (или листе бумаги). выступающий рассказывает что-то, и в это же время этот рассказ иллюстрирует.

Рисовать можно чем угодно и фломастерами и карандашами, используя бумагу, презентационную доску, сопровождать это все можно рисунками, пиктограммами, символами, буквами, цифрами. И самое главное в этой технологии все таки не картинки, схемы, а история, которая ведет за собой повествование. Первое и самое важное — это научиться выделять основной смысл, который хочу донести до детей. Часто бывает, что за путаницей большого количества слов, текста или картинок можно потерять суть вашего рассказа.

Этапы:

1. Придумать идею. Она должна быть понятной для данной аудитории.
2. Подготовить сценарий. Заранее продумываю и записываю, о чем будет говориться и какими образами будет передаваться смысл.
3. Отрисовать рисунки-скетчи. Монтируя сюжет их количество и скорость, должны совпадать со временем на озвучивание.

Сегодня выделяют три самых распространенных вида скрайбинга – рисованный скрайбинг, аппликационный скрайбинг и онлайн-скрайбинг.

Рисованный скрайбинг является классическим скрайбингом. Художник (скрайбер) изображает картинки, схемы, диаграммы, записывает ключевые слова. Это происходит параллельно с произносимым текстом.

Аппликационный скрайбинг – техника, при которой на произвольный фон накладываются или наклеиваются готовые изображения, которые соответствуют

произносимому тексту. Магнитный скрайбинг является разновидностью аппликационного, единственное отличие – готовые изображения крепятся магнитами на презентационную магнитную доску.

Наряду с классическими видами стали выделять онлайн-скрайбинг и видеоскрайбинг. При создании онлайн-скрайбинга используются специальные программы и онлайн-сервисы. Преимущество видеоскрайбинга состоит в том, что видеоролик можно использовать неоднократно, поэтому этот вид деятельности вызывает у исполнителей особую заинтересованность.

Использование скрайбинга в формировании лексики у детей дошкольного возраста с общим недоразвитием речи, поддерживая опосредованную память, существенно увеличивает эффективность процесса запоминания, повышает его объём, обогащает словарный запас, развивает речь, способствует передаче детьми текста в соответствии с его содержанием и развивает творческое воображение дошкольников.

Необходимо отметить, что создание условий для обогащения словарного запаса ребенка является очень важным аспектом в работе, как специализированной дошкольной образовательной организации, так и в воспитании ребенка вне его. Создавая условия для речевого развития дошкольника, логопед помогает ребенку усовершенствовать речь, для комфортного общения со сверстниками и взрослыми людьми. Богатый словарный запас, грамматически правильная речь являются залогом будущего обучения дошкольника.

Библиографический список:

1. Арушанова А.Г. Речь и речевое общение детей: Книга для воспитателей детского сада. — М.: Мозаика-Синтез, 2000. — 272 с.
2. Сохин Ф.А. Развитие речи у детей дошкольного возраста. — М.: Просвещение, 2001.
3. Ушакова О.С. Скажи по-другому: Речевые игры, упражнения, ситуации, сценарии. — Самара, 2001. — 10 с.

ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИНИ ЎЗИГА ХОС СИМПТОМАТИКАСИ

Аюпова М.Ю. - Низомий номидаги ТДПУ профессори, п.ф.н.,

Якубжоновна Х. – ТДПУ 2-курс магистранти

Аннотация: В данной статье описаны основные симптомы дизартрического расстройства речи: особенности общей и мелкой моторики, артикуляционного речевого аппарата и звукового произношения.

Annotation: This article describes the main symptoms of dysarthric speech disorder: features of general motor skills, fine motor skills, articulatory speech apparatus and sound pronunciation.

Мактабгача ёшдаги болалар нуткида камчиликлар кузатилиши унинг таълим олишини мураккаблаштиради. Мактабгача таълим муассасалари олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ҳисобланади. Болани самарали таълим олишга тайёрлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири тўғри, яхши ривожланган нутқ ҳисобланади.

Тўғри нутқ боланинг ҳар томонлама ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Боланинг нутқи қанчалик тўғри ва луғати бой бўлса, унга ўз фикрларини баён қилиш шунчалик осон бўлади, атроф - оламни идрок этиш учун имконият кенгаяди, катталар ва ўз тенгдошлари билан бўлган муносабати тўлиқ ва мазмунли бўлади, унинг психик ривожланиши ҳам фаол равишда амалга ошади. Шунинг учун ҳам болаларда нутқнинг ўз вақтида шаклланиши ҳақида, унинг соф ва тўғрилиги ҳақида қайғуриш, бола қайси тилда нутқи шаклланаётган бўлса, мана шу тил нормаларида намоён бўлувчи турли нуқсонларни олдини олиш ва тўғрилаш муҳим ҳисобланади.

Оммавий боғчадаги болалар нутқи текширилганда катта ва тайёрлов гуруҳларидаги 40% дан 60 % гача болаларда нутқий ривожланишнинг орқада қолишини кўрсатган. Энг кўп тарқалган бузилишлар: дислалия, ринофония, фонетико-фонематик ривожланмаганлик ва дизартриянинг энгил шаклидир. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун гуруҳларда эса 35% гача болалар дизартриянинг энгил шаклига эга. Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болалар узоқ муддатли, тизимли, индивидуал логопедик ёрдамга муҳтож.

Дизартриянинг энгил шаклини дифференциал ташхислаш, бундай болаларга логопедик ёрдам кўрсатиш бу нуқсонни тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда долзарблигича қолмоқда.

Дизартриянинг энгил шакли кўп ҳамда 5 ёшдан кейин ташхис қилинади. Белгилари дизартриянинг энгил шаклига мос келадиган барча болалар невропатолог ҳузурига маслаҳатга ёки ташхисни тасдиқлаш ва адекват даволашни белгилаши учун жўнатилади, шунингдек, дизартриянинг энгил шаклида коррекцион иш методикаси комплекс равишда олиб борилиши ва ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- тиббий таъсир;
- психологик-педагогик ёрдам;
- логопедик иш.

Дизартриянинг энгил шаклини эрта аниқлаш ва комплекс таъсирни тўғри ташкил этиш учун бу нуқсонни характерловчи симптомларни яхши билиш керак. Болани текшириш онаси билан суҳбатлашиш ва поликлиникадаги бола ривожланиши ҳақидаги картани ўрганишдан бошланади. Анамнестик маълумотларнинг кўрсатишича уларда: ҳомиладорлик давридаги ривожланишдаги

четга чиқишлар (токсикозлар, гипертония, нефропатия ва бошқалар), асфиксия; туғруқнинг тез ёки секин кечиши кузатилган.

Онанинг гапларига қараганда “бола шу заҳоти йиғламаган, болани эмизишга бошқаларга қараганда кеч олиб келишган” 1 ёшгача уларнинг кўпчилиги невропотологга кўринишган, уларга медикоментоз даволаниш ва массаж буюрилган. 1 ёшгача ташхисда ПЭП (перенатал энцефалопатия) турган.

1 ёшдан кейин барча болаларда ривожланиш яхши кечган, уларга энди невропотолог назорати керак бўлмаган ва бола соғлом ҳисобланади.

Қуйида биз дизартриянинг энгил даражасида кузатиладиган симптомлар хақида тўхталиб ўтамиз.

Умумий моторика. Дизартриянинг энгил шакли даражасига эга бўлган болаларда мотор жиҳатдан ҳаракатлари чегараланган функционал босимларда мускуллар тез чарчайди. Бир оёқда тура олмайди, бир оёқда сакрай олмайди, “Кўприқдан” ўта олмайди ва ҳоказо. Мотор етишмовчилик айниқса жисмоний тарбия ва музика машғулотларида яққол кўринади, болалар ҳаракат темпи, ритмидан орқада қолади, шунингдек бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишда ҳам.

Майда қўл моторикаси. Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болалар кеч ва қийинчилик билан ўз-ўзига хизмат кўникмаларини эгаллайди: улар тугмачаларини қадай олмайди, шарфларини боғлай олмайди ва ҳоказо. Расм машғулотларида қаламни ёмон ушлайди, қўллар босим остида бўлади. Кўпчилиги расм чизишни ёмон кўради. Қўлнинг мотор кўполлиги айниқса аппликация ва пластелин билан ишлаш машғулотларида яққол кўринади. Аппликация ишида яна элементларни фазовий жойлаштиришдаги қийинчиликлар ҳам кузатилади. Қўлларнинг нозик дифференциал ҳаракатларини бузилиши бармоқ гимнастикаларини бажаришларида аниқланади. Болалар ташқи ёрдамсиз тақлид асосида ҳаракатларни бажаришга қийналади ёки бажара олмайди; масалан: “қулф” – бармоқларни бир-бирини орасига киритиб кафтларни бирлаштириш; “узуклар” – бош бармоқ билан кўрсаткич, ўрта, номсиз ва жимжималокни навбат билан бирлаштириш ва бошқа бармоқ гимнастикаси машқлари.

Қуриш-ясаш машғулотларида болалар катта қийинчиликларни ҳис этишади ва улар энг содда ҳаракатларни ҳам бажара олмайди. Шунингдек, бунда талаб этиладиган нозик қўл ҳаракатларини ва фазода мўлжал олишни болалар бажара олмайди. Оналарининг гапларига қараганда кўпчилик болалар 5-6 ёшгача қуриш-ясаш ўйинларига қизиқмайди, майда ўйинчоқлар билан ўйнашни билмайди, уларни қисмларини бирлаштира олмайди.

Артикуляцион аппарат хусусиятлари. Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларда артикуляцион аппаратида патологик хусусиятлар аниқланади. Артикуляция органлари мускулларининг фалажланганлиги қуйидагиларда кўринади: юз гипопленник, юз мускуллари пайпасланганда бўш; кўпчилик болалар

оғзини ёпиқ ҳолатда ушлаб туролмайди, шунингдек пастки жағ чайнов мускулларининг бўшлигига кўра кўтарилган ҳолатда тура олмайди; лаблар бўш четлари осилган; нутқ пайтида лаблар бўшлигича қолади ва лабланган товушларни чиқмайди, бу нутқнинг просодик томонини бузади. Тил фалажлик симптомларида тил ингичка; оғиз бўшлиғидан чиқиб туради, бўш, тил учи пассив. Функционал босимларда (артикуляцион машқларда) мускуллар заифлиги ортади. Артикуляцион органлар спастиклиги қуйидагиларда кўринади: юз аминик ҳолатда, юз мускуллари пайпасланганда қаттиқ, таранг. Бундай болаларнинг лаблари ҳар доим ярим кулгу ҳолатида бўлади: юқори лаб милкка томон тортилган. Нутқ пайтида лаблар товушлар артикуляциясида иштирок этмайди. Бундай симптомлар кузатиладиган кўпчилик болалар “найча” артикуляцион машқини бажара олмайди, шунингдек лабларини олдинга чўза олмайди ва бошқалар. Тил спастик симптомда кўпинча шакли ўзгаради: семиз, тил учи билинмайди, кам ҳаракат.

Гиперсаливация (сўлак ажралишининг юқорилиги) фақат нутқ пайтида аниқланади. Болалар сўлакларини эплай олмайди, уларни юта олмайди, бунда нутқнинг талаффуз томони ва просодика бузилади. Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларни артикуляцион аппарати мотор функциясини текширишда барча артикуляцион текшириш ҳаракатларни бажаради. Масалан – лунжларга пуфлаш, тилни силкитмоқ, кулиш, лабларни чўзиш ва бошқалар. Бу ҳаракатларни бажаришда қуйидаги сифатларни кузатиш мумкин: артикуляциянинг ноаниқлиги, заифлиги, мускуллар босимининг заифлиги, аритмиклик, ҳаракатлар амплитудасининг пастлиги, маълум ҳолатни ушлаб туришнинг қисқа вақтчилиги, ҳаракатлар кенглигини пастлиги, мускулларни тез чарчаши ва ҳоказо. Шунингдек, функционал босимларда артикуляцион ҳаракатлар сифати кескин тушиб кетади. Бу нутқ вақтида товушларни бузилиши, алмаштирилиши ва нутқнинг просодик томонини тўлиқлигича бузилишга олиб келади.

Товушлар талаффузи. Бола билан биринчи танишганда уни товушлар талаффузи мураккаб дислалия ёки оддий дислалия сифатида баҳоланади. Товушлар талаффузи текширилганда: товушларнинг алмаштирилиши, бузилиши, қориштирилиши ва товушларни йўқлиги, шунингдек дислалиядагидек камчиликлар кузатилади. Аммо дислалиядан фарқли дизартриянинг энгил шаклида нутқ просодик томондан ҳам бузилган бўлади. Товушлар талаффузи ва просодиканинг бузилганлиги нутқнинг аниқлигига, тушунарлилигига ва ифодалилигига таъсир қилади. Баъзи болалар поликлиникага логопед билан машғулотлардан кейин мурожаат қилишади. Ота-оналар нима учун логопед томонидан қўйилган товушлар нутқда қўлланмайди, деб савол беришади. Текширув жараёнида кўпчилик болалар товушларни алмаштирадиган, тушириб қолдирадиган, бузиб талаффуз қиладиган болалар уларни алоҳида тўғри талаффуз қилиши мумкин. Шунингдек дизартриянинг энгил шаклида ҳам товушлар

дислалиядаги каби усуллар билан нутқга киритилади, аммо у узок вақт автоматлашмайди ва нутқда қўлланилмайди. Энг кўп тарқалган товушлар талаффузидаги нуқсон сирғалувчилар ва шовқинлилар талаффузидаги нуқсонлар ҳисобланади. Дизартриянинг энгил даражасидаги болалар нафақат артикуляцион ўхшаш товушларни балки акустик қарама-қарши қўйилган товушларни ҳам алмаштиради, бузиб талаффуз қилади.

Дизартриянинг энгил шаклига эга бўлган болаларни ўрганиш шунини кўрсатадики, артикуляцион аппарат тонуси ва функцияларининг бузилиши билан бир қаторда бу гуруҳ болаларга умумий ва майда қўл моторикасини ривожланмаганлиги кузатилиши хос, буни сўнгги йилдаги адабиётлар ҳам тасдиқлайди.

Дизартриянинг энгил шаклида майда қўл моторикасини ривожлантириш зарурлиги эътироф этилади. Артикуляцион аппарат иннервациясининг қобик ости майдонларини қўл бармоқлари иннервацияси майдонлари билан яқинлиги, шунингдек қўл ҳаракатларининг нутқ ривожланиши учун аҳамиятли эканлиги ҳақидаги нейрофизиологик маълумотлар коррекцион ишга шундай ёндошишни талаб қилади.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар болаларни мактаб таълимига тайёрлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бундай болалардаги нутқ камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва коррекцион ишларни олиб борилиши муаммоларни олдини олади ва болани тенгдошлари қаторида ҳар томонлама ривожланишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архипова Е.Ф. Стертая дизартрия у детей.- М.: “Астрель”. 2008
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти” нашриёти. Тошкент. 2011
3. Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Дизартрияни бартараф этиш технологиялари. Тошкент. 2015

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ИЖОДКОРЛИК ИМКОНИАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

Базарова Ш.Х. - Наманган вилояти Косонсой тумани 52-ДИУМ психологи

Аннотация. В статье анализируются данные, связанные с психологией дошкольников.

Annotation. The article analyzes data related to the psychology of preschoolers.

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ёки мактабгача ёш даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга: (3-4 ёш) кичик мактабгача

давр, (кичик боғча ёши), (4-5 ёш) ўрта мактабгача давр, (ўрта боғча ёши) , (6-7 ёш) катта мактабгача давр (катта боғча ёши)га ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди.

Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади. Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари, кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди, у янгиликларни эгаллашга нисбатан ўз билганларини мустақамлашга эҳтиёж сезади, ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик, шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Боғча ёшидаги болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. 3-7 ёшли даврида болаларнинг асосий фаолияти қуйидаги кетма-кетликда кечади:

-предметларни ўрганиши; -индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар; -индивидуал ва гуруҳий ижод; -мусобақа ўйинлари; -мулоқот ўйинлари; -уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли каттадир, қизиқиш худди эҳтиёж қаби, боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса деса бўлади. Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга интилади ва узок вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. 3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадий-ижодий фаолият тури бўлган мусиқанинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар.

Маълумки, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, унинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйиндир. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга

интиладилар. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақатгина биргина фаолият орқали, яъни, боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

- биринчидан, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир;

- **иккинчидан**, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир.

Бу ёшдаги болалар ўз вақтининг кўп қисмини ўйин билан ўтказди, айниқса 3 ёшдан 6-7 ёшгача ўйинлар аҳамиятли тараққиёт йўлини босиб ўтади: предметли-бошқарув ва рамзий ўйинлардан тортиб то қоидали сюжетли-ролли ўйинларгача. Бу ёш даврида барча ўйин турларини кўриш мумкин. Кичик мактабгача ёшдагилар ҳали, қоидага мувофиқ, ёлғиз ўйнайдилар. Ўзларининг предметли ва конструкторли ўйинларида идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ва ҳаракат қобилиятларини такомиллаштириб борадилар. Ушбу ёшдаги болалар сюжетли-ролли ўйинларида одатда кундалик ҳаётларида кузатадиган катталарнинг ҳаракатларини қайта намоён этадилар.

Секин-аста ўрта мактабгача даврга бориб ўйин биргаликда бўлиб боради ва унга кўпроқ болалар кўшила бошлайди. Энг асосийси бу ўйинларда катталарнинг предметли дунёга нисбатан хулқ-атвори такрорланмайди, одамлар орасидаги муносабатларга, хусусан – роллиларига имитация (тақлид) қилинади. Болалар ушбу муносабатларда қуриладиган ролларни ва қоидаларни ажратадилар, ўйинда унга амал қилинишини қаттиқ назорат қиладилар ва ўзлари ҳам уларга риоя қилишга ҳаракат қиладилар.

Ўрта ва катта мактабгача ёш даврида сюжетли-ролли ўйинлар ривожланади, бироқ кичик мактабгача ёш даврдан ўйинларга киритиладиган ва амалга ошириладиган мавзулари, роллари, ўйин ҳаракатларининг қоидалари билан катта турли-туманлиги билан фарқланади. Табиий характердаги кўпгина предметлар шартлиларига алмаштирилади ва рамзли ўйин бошланади. Масалан, оддий кубик ўйиндан ва унга ажратилган ролдан қатъий назар рамзий маънода мебеллар ва машиналарни, одамлар ва ҳайвонларни намоиш этади.

Боғча ёшидаги болалар турли нарсаларни идрок қилишда уларнинг кўзга яққол ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар ҳам, лекин чуқур таҳлил қила олмайдилар.

Боғча ёшидаги болалар катталарнинг ёрдами билан суратларни аналитик равишда идрок қилиш қобилиятига эга бўладилар. Болалар суратларни идрок қилаётганларида катталар турли хил саволлар билан уларни таҳлил қилишга ўргатишлари лозим. Бунда, асосан, болалар диққатини:

1. Суратнинг мазмунини (сюжетини) тўғри идрок қилишга;
2. Суратнинг умумий кўринишида ҳар бир тасвирланган нарсаларнинг ўрнини тўғри идрок қилишга;
3. Тасвирланган нарсалар ўртасидаги муносабатларни тўғри идрок қилишга қаратиш керак.

Диққат ҳар қандай фаолиятимизнинг доимий йўлдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Боғча ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта аҳамиятга эга. Ўйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг ўз олдига қўйган янги талаблари асосида такомиллаша боради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг хотираси кўرғазмали, образли бўлиши билан характерлидир. Болада кўпроқ ихтиёрсиз эсдақолдириш ва ихтиёрсиз эсга тушириш устунлик қилади. Бола сўзларни ҳеч қандай маъносиз такрорлайверади. Аммо кейинчалик, катталарнинг таъсирида, ихтиёрий эсда қолдириш ҳам аста-секин ривожлана боради. Бола равшан ва эмоционал ранг-баранг материални осон эсда қолдиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сариёғоч, 1998.
2. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекчасўзлашишга ўргатиш. Т., «Ўқитувчи», 1997.
3. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг лингводидактик муаммолари. Ж., «Педагогик таълим», 2002, №2.
4. Қодирова Ф.Р., Жўраева Н.Т. “Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ЎУМ. ТДПУ ҳузуридаги ХТХҚТМОХМ 2017 й
5. Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари 2018 й

ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ РАБОТА С СЕМЬЯМИ ДОШКОЛЬНИКОВ, ИМЕЮЩИХ ТЯЖЁЛЫЕ НАРУШЕНИЯ РЕЧИ

Ивановская О.Г. – Кандидат педагогических наук, доцент кафедры логопедии ГАОУ ВО ЛО «ЛГУ им. А.С. Пушкина»

Османова Г.А. – Кандидат педагогических наук, доцент кафедры логопедии ГАОУ ВО ЛО «ЛГУ им. А.С. Пушкина»

Аннотация: В статье описывается роль сопровождения семей в воспитании детей с тяжёлыми нарушениями речи, которому в Российской Федерации придаётся ведущее значение на государственном уровне

Abstract: The article is about the role which family supporting plays in issue upbringing children with speech disorders, because in the Russian Federation upbringing has the leading importance at the state level.

В Российской Федерации воспитательному потенциалу образования в современных социальных условиях уделяется ведущее внимание на государственном уровне [1].

Развитие ребёнка с ограниченными возможностями здоровья идёт под влиянием биологических и социальных факторов. Под биологическими факторами понимается протекание перинатального периода развития ребёнка, тип его темперамента, задатки способностей. Под социальными факторами понимается общество, в котором живёт ребёнок, тип идеологии, науки, культурные традиции, уровень развития искусства. Для ребёнка с ограниченными возможностями здоровья наиболее значимым является микросоциальное окружение – его семья.

Как биологическое существо ребёнок при рождении имеет способность к безусловнорефлекторной деятельности. На основе безусловных рефлексов вырабатываются условные рефлексы, которые образуют поведение индивида.

Воспитание – это выработка желаемого поведения при помощи многократно повторяющихся ситуаций и положительного подкрепления.

Сегодня в Российской Федерации процесс воспитания выделяется как значимый, приоритетный внутри целостного образовательного процесса. Ставится задача **воспитания и образования**, создаются рабочие программы воспитания внутри образовательных программ образовательных организаций на основе примерных программ воспитания.

По данным С.Б. Лазуренко [2], можно выделить три группы родителей в рамках дошкольного образования обучающихся с ОВЗ:

1. Обладающие достаточной педагогической компетентностью. Регулярно, правильно, творчески применяют новые педагогические знания и специальные технологии

2. Обладающие средней педагогической компетентностью. В ситуации сопровождения регулярно и правильно используют специальные педагогические технологии

3. Обладающие низкой педагогической компетентностью. Частичная реализация специальных педагогических технологий, рекомендаций специалистов

Мы использовали участие старших родственников для организации воспитательной работы с обучающимися дошкольниками, имеющими тяжёлые нарушения речи в рамках празднования 75-летия победы в Великой отечественной войне.

Были применены вариативные формы и способы организации образовательной деятельности – проекты, праздники, социальные акции. Так, родителям было предложено выбрать, выучить, инсценировать, снять и выложить в сеть интернет детское исполнение стихотворения в честь Дня победы.

Это мероприятие приобрело характер флеш-моба – за несколько майских дней 2020 года около 1000 семей разместили в интернете детское исполнение стихов. Можно выделить общие черты выполнения этого задания семьями:

- Родители, обладающие достаточной педагогической компетентностью, хорошо выучили и отрепетировали исполнение стихотворения с детьми, срежиссировали видео – дети были нарядно одеты, имели тематическую атрибутику (георгиевские ленточки на одежде, пилотки, гимнастёрки). Были использованы элементы декорирования пространства – дети держали в руках открытки с праздничной символикой, снимались на фоне свеч, тематических изображений и т.п. Дети имели представление, чему посвящена акция – приветствовали слушателей, поздравляли их с Днём победы. Родители также отрепетировали с детьми чистую речь момент чтения стихотворения.

Некоторые семьи творчески подошли к выполнению задания – дети показывали фотографии воевавших предков, снимались на фоне самодельных стенгазет, посвящённых истории семьи, снимались вместе с прадедами-участниками войны.

- Родители, обладающие средней педагогической компетентностью, в процессе выполнения данного задания продемонстрировали, что они добросовестно выполняют свою часть работы по коррекции речи у детей – дошкольники хорошо прочитали выученные ими стихотворения. Однако родительский подход был более формален: дети с хорошей речью выучили слишком простые и короткие для их уровня речевого развития стихи. Исполнение часто было не отрепетировано, недоставало выразительности, дети торопились, иногда забывали некоторые слова – было понятно, что родители предварительно не побеседовали с ними по содержанию стихов.

- Родители, обладающие низкой педагогической компетентностью, продемонстрировали поспешность в выполнении данного задания: дети были сняты в домашней одежде, часто на кухне, скорее уделялось внимание правильному чтению стихотворения, но не чистоте и выразительности речи ребёнка в этот момент, родители громко подсказывали, случайно появлялись в кадре. В некоторых случаях было очевидно, что многих досадных промахов можно было бы избежать, если бы тщательнее были подобраны стихи, соответствующие речевым возможностям ребёнка.

Общим для всех групп родителей был подход к выбору стихотворения – родители скорее ориентировались на собственные предпочтения – стихи были о солдатах, о детях войны, о блокаде Ленинграда, о праздновании Дня победы и др. Такое положение дел свидетельствует о личной заинтересованности родителей, что, конечно, повышает их родительскую компетентность и сплачивает семью.

Как уже указывалось, в выполнение задания были вовлечены старшие поколения семьи – дедушки и бабушки, а иногда даже прадедушки и прабабушки. Что не менее важно – вовлеклись и папы, особенно воспитывающие сыновей: мальчики после чтения стихов отдавали честь по-военному, уходили из кадра (или входили в кадр) строевым шагом. Часто мальчики в кадре демонстрировали игрушечную военную технику – танки, самолётики и др.

Рисунок 1

Автоматизация звуков в изолированном положении при помощи gif-картинок



Л – Л – Л – Л



Ж – Ж – Ж – Ж



Ж – Ж – Ж – Ж



Ш – Ш – Ш – Ш

Мы также привлекли к этой воспитательной работе старших братьев и сестёр дошкольников – девочек и мальчиков младшего подросткового возраста, принимающих участие в группе волонтеров «Помощники логопеда». Это школьники средних классов-выпускники речевых детских садов, одной из форм

работы с которыми является изготовление дидактического материала для логопедических занятий с дошкольниками и младшими школьниками, имеющими тяжёлые нарушения речи.


Для психодиагностики заключительной, седьмой структурной составляющей - способность к саморазвитию был подобран Опросник способности к саморазвитию И.В. Зверевой. Он состоит из 15 утверждений на которые необходимо ответить испытуемому исходя из пяти предлагаемых вариантов ответов («а полностью соответствует действительности», «б) скорее соответствует действительности, чем нет», «в) и да, и нет», «г) скорее не соответствует действительности», «д) не соответствует действительности»). Обработка результатов опроса проводится путем начисления баллов за соответствующий вариант ответа. Уровень развития способности к саморазвитию в целом определяется набранной суммой баллов трехурвневой градации (уровень выше среднего, активное развитие; средний уровень, отсутствует сложившаяся система саморазвития, ориентация на развитие сильно зависит от условий; уровень ниже среднего, остановившееся развитие).

Вышеизложенный, подобранный комплекс методик позволил провести психодиагностику структурных составляющих профессиональной рефлексии у

будущих педагогов. По результатам обследования, все полученные данные были обобщены в общей таблице (приложение № 12) и определен общий уровень развития изучаемого явления у современной молодежи. При этом для сравнимости показателей, осуществления соответствующих математических действий полученные результаты по каждой психодиагностической методике были переведены в проценты. Общий уровень развития профессиональной рефлексии вычислялся путем определения среднестатистического показателя процентных соотношений по всем примененным психодиагностическим методикам. Интерпретация полученных показателей отражающих общий уровень развития профессиональной рефлексии будущих педагогов проводилась по следующей пятиуровневой градации:

- от 0 до 20 баллов - низкий уровень развития профессиональной рефлексии;
- от 21 до 40 баллов - ниже среднего уровня развития профессиональной рефлексии;
- от 41 до 60 баллов - средний уровень развития профессиональной рефлексии;
- от 61 до 80 баллов - выше среднего уровня развития профессиональной рефлексии;
- от 81 до 100 баллов - высокий уровень развития профессиональной рефлексии.

Результаты комплексного психодиагностического обследования, а также вычисления общего показателя позволили выявить, что большинство современных студентов (52,6 %, 130 чел.) являются обладателями среднего уровня развития профессиональной рефлексии. Следующим по значимости вступает развитие изучаемого признака на ниже среднем уровне, к которому было отнесено 41,7 % (103 чел.) обследуемых. На низком уровне развития профессиональной рефлексии выявлено 2 % (5 чел.) будущих педагогов. При этом на выше среднем уровне развития профессиональной рефлексии было выявлено лишь 3,7 % (9 чел.) студентов, а на высоком уровне развития - респондентов выявлено не было.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Гаранина Ж.Г. Структура и уровни личностно-профессионального саморазвития будущих специалистов. // Современные проблемы науки и образования. 2013. - №6. - С. 179-183.
2. Анистратенко Т.Г. Многоуровневый характер профессиональной рефлексии. // Психопедагогика в правоохранительных органах. №3. - 2016. - С. 39-46.
3. Артемьев Т.М. Соотношение интуиции и рефлексии в познании. // Рациональность и экзистенция. - СПб.: Изд-во философского факультета СПбГУ, 2011. - С. 45-48.
4. Ильин Е.П. Психология воли. 2-е изд. СПб.: Питер, серия «Мастера психологии». 2009. - 368 с.

PEDAGOGLARDA KASBIY DEFORMATSIYANI SHAKLLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Saidova N.I. - TDPU “Amaliy psixologiya” kafedrasida o'qituvchisi

Аннотация: Концепция предотвращения формирования профессиональной деформации у представителей различных сфер деятельности отражает теоретическую и практическую готовность личности к осуществлению профессиональной деятельности и высокий уровень квалификации. В статье раскрываются своеобразности формирования профессиональной деформации у педагогов.

Abstract: The concept of preventing the formation of professional deformation among representatives of various fields of activity reflects the theoretical and practical readiness of the individual to carry out professional activity and a high level of qualification. The article reveals the peculiarities of the formation of professional deformation among teachers.

Mamlakatimizda mustaqillik bilan boshlangan davr xalqimiz hayotining barcha sohalarida milliy ruhimizga mos va xos bo'lgan islohotlarni amalga oshirish uchun keng istiqbollarni ochdi, Endilikda «Respublikani haqiqatdan ham, uning milliy manfaatlaridan kelib chiqqan holda, xalqning azaliy turmush tarzi, an'analari, urf-odatlarini va ko'nikmalarini, mavjud beqiyos tabiiy boyliklarini har tomonlama hisobga olib, yuksaltirish ommaviy bo'lib qoldi. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev ta'kidlaganidek, «Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgarib bormoqda. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim - yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan» [1].

Markaziy Osiyoda maktab madrasalar o'rta asrlardayoq rivojlangan, hozirgi Ma'mun akademiyasiga o'sha davrda asos solingani fikrimizning dalilidir. Pedagogik tarbiyashunoslikda qadimgi Yunonistondan keyingi Markaziy Osiyoda rivoj topgan. Chunki dunyoga mashhur Al Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino kabi mutafakkirlar avvalo madrasada mudarrislik qilganlar. «Ikkinchi muallim» sifatida dunyoga mashhur Abu Nasr Forobiy pedagog madaniyati haqida shunday deydi: «Muallim shogirdga nisbatan o'ta hokimlikka ham, o'ta bo'shlikka ham yo'l qo'ymasligi lozim, chunki o'ta hokimlik shogirdga muallimga nisbatan nafrat uyg'otadi, agarda shogird muallimning bo'shligini sezsa, unda muallimga va uning ilmiga nisbatan sovish va mensimaslik paydo bo'ladi» [2]. U axloqning o'n ikki tamoyili haqida fikr yuritganda, xushfe'llik, shirinsuxanlik fazilatini alohida ulug'laydi.

Ma'lumki, Abu Ali Ibn Sino dunyoda tibbiyot fanining asoschilaridan biri sifatida mashhurdir. Lekin uning inson ruhiyati va jismoniy uyg'unligi, insonni bir butunlikda o'rganish ta'limoti yetarli o'rganilmagan. U «yaxshi va yomon xulqning hammasi sharoit va tarbiya, odatlanish natijasida vujudga keladi». Inson muloqatda samimiylilik, nutq tovushi, ovoz ohangi kabi ta'sir vositalarini ruhshunos sifatida ifodalaydi. «Tabiatning insonlarga in'om etgan yana biri oliy fazilat inson nutqidir. Inson o'zining ana shu nutqidagi tovush ohanglari orqali o'z ifodalarini izhor etadi»-deb yozadi.

Sa'diy Sheroziy o'qituvchilarni xodimlar bilan muloqatda bo'lish qoidalaridan xabardor bo'lishga, o'ylab, har bir so'zni o'ylab gapirishga da'vat etadi. Aqlli odam ko'p o'ylamasdan gapirmaydi, o'z so'zi va fikrini huddi qimmatbaho yoqut kabi dilda saqlaydi.

Buyuk ma'rifatparvar muallim mohir tadqiqotchi Abdulla Avloniy ta'lim tizimi, o'qitishni takomillashtirish, o'qituvchi malakasini shakllantirish bo'lg'usi o'qituvchilarni tayyorlash muammolariga mutloqo yangicha yondashgan olimdir. U o'qituvchilarning shaxsiy fazilatlarini, axloqi, odobi, bilimdonligi, ziyrakligi, topqirligi, farosatligi, aql zakovatligi ta'lim va tarbiya uchun asosiy negiz ekanligini ta'kidlab o'tadi. Ayniqsa, uning fikricha, ijodiy izlanish, o'qish va o'qitishning yangi shakl, uslub hamda vositalarini qidirish o'qituvchilarning eng muhim sifatlaridan biridir [2].

Qadimgi Sharq pedagogikasining ajoyib asarlaridan biri «Qobusnoma»da ham nutq odobi va madaniyati haqida ibratli gaplar aytilgan bo'lib, ular hozirda ham ma'lum darajada o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

«Qobusnoma» Kaykovus tomonidan 1082-1083 yillarda yaratilgan bo'lib, 44 bobdan iborat. Uning 7 - boblari so'z odobi haqidadir. Asar muallifning farzandiga qilgan nasihatlarini sifatida yozilgan. U farzandini yoqimli, muloyim, o'rinli so'zlashga, behuda gapirmaslikka undaydi: «Yaxshi so'zlashga o'rgan va muloyim so'zlashdan boshqa narsani odat qilma, negaki qanday so'zni gapirgani istasang, til shuni gapiradi. So'zni o'z joyida so'zla, joyida aytilmagan so'z, agar u yaxshi so'z bo'lsa ham yomon ko'rinadi». «Kishi suxandon va notiq bo'lishi lozim». Har bir notiq o'z nutqi ustida ko'p mashq qilishi, xalq oldida nutq so'zlaganda yoqimli gapirishi, xalqning e'tiborini qozonishi zarur. Xalq oldida gapirganda so'zing go'zal bo'lsin, bu so'zni xalq qabul qilsin. Xaloyiq sening so'z bilan baland darajaga erishganingni bilsin, chunki kishining martabasini so'z orqali biladilar. har kishining ahvoli o'z so'zi ostida yashiringan bo'ladi». Kaykovus notiq so'zning ma'nolarini har tomonlama o'rgangan bo'lishi kerak, deb hisoblaydi. Notiq xalq tilini, xalqning fikrini, ruhiyatini bilishi kerak. «Shunday kishini notiq deymizki, uning har so'zi xalqda tushunarli bo'lsin». So'zlaganda o'ylab, har bir fikrdan kelib chiqadigaya xulosani ko'z oldiga keltirib gapirgan notiq pushaymon bo'lmaydi: «O'ylamasdan so'zlama, har bir so'zni o'ylab gapir». U tildagi so'zlarni buzib so'zlamaslikka, hamma vaqt mavjud til normalariga amal qilishga chaqiradi»-«Agar

so'zni va ilmni yaxshi bilmasang ham, hech bir so'zni buzma, to'g'ri ta'rifla, so'zni bir xil gapir».

Kishi kamtar bo'lishi kerak, o'zini xalq, orasida oddiy, kamtar tutishi lozim, mahmadonalik qilish, ko'p gapirish donolik belgisi emas, «Ey farzand» agar sen har qanday notiq bo'lsang ham, o'zingni bilganlardan pastroq tutgil, toki so'z bilimdonligi vaqtida bekor bo'lib qolmagaysan. Ko'p bilgulu, oz so'zla, kam bilsang, ko'p so'zlama, chunki aqlsiz kishi ko'p so'zlaydi, deganlarki, jim o'tirish salomatlik sababidir. Ko'p so'zlovchi aqlli odam bo'lsa ham, xalq uni aqlsiz deydi...» [2].

Tajribalardan foydalanish va ilg'or texnologiyalarni qo'llash, zamon talablaridan kelib chiqib turli soha vakili bo'lish, kasbiy etiketqoidalarini hayotta tatbiq etish quyidagilarni nazarda tutadi. Demak, turli soha vakilini kasbiy deformatsiyaga uchrashiga eng avvalo muomala odobi u aloqa qiladigan odamlari, muassasalar bilan o'z kasbiy vazifasini bajarayotganda sodir bo'ladigan axloqiy munosabatlari, axborotning, innovatsiyaning ko'pligi majmuidir. Ushbu yondashuv asosida Yevropa tadqiqotlarida muomala odobini shartli ravishda quyidagi guruhlariga ajratib ko'rsatadilar:

- o'qituvchi bilan o'quvchilar o'rtasidagi muomala;
- tibbiyot xodimlari bilan kasbiy jamoa o'rtasidagi muomala;
- o'qituvchi bilan ota-onalar o'rtasidagi muomala;
- tibbiyot xodimlari bilan turli muassasasi rahbarlari yoki turli soha vakillari o'rtasidagi muomala.

Kasbiy jarayonda pedagogning muomalaga o'ziga xos moslashuvi alohida rol o'ynaydi. Bunday moslashuv deganda psixologik, nutq, harakat va shu kabi usullar tizimi tushuniladi, mazkur tizim psixologik vaziyatning vazifasi va xususiyatlariga o'xshash bo'lgan muomala tuzilishini tashkil etish, ongiga samarali tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish uchun tanlanadi. Ushbu yondashuv asosida Yevropa tadqiqotlarida muomala odobini shartli ravishda quyidagi guruhlariga ajratib ko'rsatadilar:

- o'qituvchi bilan o'quvchilar o'rtasidagi muomala;
- tibbiyot xodimlari bilan kasbiy jamoa o'rtasidagi muomala;
- o'qituvchi bilan ota-onalar o'rtasidagi muomala;
- tibbiyot xodimlari bilan turli muassasasi rahbarlari yoki turli soha vakillari o'rtasidagi muomala.

Kasbiy jarayonda pedagogning muomalaga o'ziga xos moslashuvi alohida rol o'ynaydi. Bunday moslashuv deganda psixologik, nutq, harakat va shu kabi usullar tizimi tushuniladi, mazkur tizim psixologik vaziyatning vazifasi va xususiyatlariga o'xshash bo'lgan muomala tuzilishini tashkil etish, ongiga samarali tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish uchun tanlanadi.

Pedagoglarning muomala masalalari haqidagi fikrlarini tahlil qilishimiz natijasida pedagoglarning ish jarayonida muomalaning ko'rinishlarini aniqladik.

Pedagoglarning ish jarayonidagi aloqalar tizimida rahbarlar bilan o'quvchi-yoshlar o'rtasidagi muomala munosabatlar katta o'rin egallaydi. Bu jarayonda o'quvchi-yoshlar insoniyatning asrlar davomida to'plagan bilimlarini, axloqiy tajribani egallab oladi. Pedagog ta'lim jarayonda yetakchi kishidir. Shuning uchun ham soha rahbari, pedagogning axloqiy sifatlari, xulqiga o'quvchi-yoshlar bilan muomalasiga nisbatan alohida, yuksak talablar qo'yiladi.

Pedagoglar ta'lim sohasiga endigina kirib kelayotgan barkamol shaxs sifatida shakllanadigan insonlar – o'quvchi-yoshlar bilan muomalada bo'ladi. O'quvchi-yoshlar muomala odobini asosan pedagog timsolida anglab oladi.

Demak, shirin muomala har bir kishiga quvonch, bemorga malham va najot bag'ishlaydi. Ilmiy tadqiqot ishimizda turli soha vakillarida kasbiy deformatsiyaning yuzaga kelish sabablari nazariy va amaliy asoslanib, uning milliy va umuminsoniy xususiyatini yoritishga harakat qilinadi. Ma'lumki, barcha ma'naviy-axloqiy fazilatlarning poydevori, tarbiya tushunchalari, ko'nikmalari pedagoglarda tarkib toptirilsagina, bu poydevor barqaror bo'ladi. Pedagoglarning shaxs sifatida shakllanishida hal qiluvchi omilga aylanadi. Zero, ma'naviy-axloqiy fazilatlar tarkibida muomala munosabat madaniyati alohida o'rin tutadi. Ta'lim muassasasida o'quvchi-yoshlarga uy, oila muhitidan tashqari dastlabki kasbiy muomala, munosabat muammolariga duch keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – Toshkent, 2017 yil.
2. Abu Nasr Farobiy. “Baxt saodatga erishuv yo'llari” (“Risola fi-tanbeh ola asbob as-saodat”) 17-bet

ПСИХОЛОГНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Файзиева М.Х. – ҚарДУ, Психология ф.н., доцент

Аннотация. Исследование проблемы проявления психологической защиты в профессиональной деятельности - одна из актуальных проблем современной психологии. Согласно анализу литературных источников наличие психологической защиты в профессиональной деятельности подтверждает целесообразность.

Annotation. The study of the problem of manifestation of psychological defense in professional activity is one of the urgent problems of modern psychology. According to the analysis of literary sources, the presence of psychological protection in professional activity confirms the appropriateness.

Касбий фаолиятда психологик ҳимоянинг намоён бўлиш муаммосини тадқиқ этиш ҳозирги замон психология фанининг долзарб масалаларидан биридир. Адабий манбаларнинг таҳлиliga кўра касбий фаолиятда психологик ҳимоянинг

бўлиши мақсадга мувофиқликни тасдиқлайди. Биз тадқиқотимизда ўрганган психологнинг касбий фаолияти ва ундаги психологик ҳимоянинг намоён бўлишига хос жиҳатларга илмий-психологик изоҳ берамиз. Шахс ёки гуруҳларнинг муносабатларига хос психологик қонуниятларни ўрганиш, мақсадга мувофиқ ўзгартириш ва шакллантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш билан ташқи олам-борлиқдан субектив қониқишни ҳосил қилиш фаолияти психологнинг касбий фаолиятини ташкил этади. Психолог фаолияти ўқувчи шахсининг ижтимоийлашув жараёнини таъминлайди, бу эса касбий функцияларда ўз изини қолдиради. Психолог нафақат инсоннинг индивидуаллиги намоён бўлиши билан шуғулланади, балки ўзи ҳам индивидуалликка эга, у доимо турли ёшдаги, ижтимоий ва маданий тоифадаги кишиларга дуч келади, алоҳида шахс ва одамлар уюшмаси билан мунтазам мулоқот қилиш унинг асосий вазифалари рўйхатига киради. Психолог иш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, турли ижтимоий гуруҳлар билан касбий мулоқот қилиш учун ундан мутахассис маҳоратини, шунингдек, муайян шахсий фазилатлар ва касбий билимларни талаб қилади. Шунинг учун психологни тайёрлаш мураккаб шахсий ва касбий тайёргарлик жараёни бўлиб, унда нафақат касбий билим, кўникма ва малакаларни белгиланган даражаси, балки унда умумий ахлоқий-маданий савия, шахсий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий сифат ва фазилатларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Р.В.Овчарованинг фикрига кўра, шахсий фазилатлар амалий психологнинг бошқа одамлар қалбига йўл топиш қалити ҳисобланади. Ички можаро, шахсий муаммолар ҳақида ўйлаш одамлар билан самарали профессионал мулоқот қилишга халақит беради. Р.В.Овчарова амалий психологнинг зарур билим, кўникма ва профессионал жиҳатдан муҳим фазилатлари рўйхатини тақдим этади:

1. Психолог ўзининг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларидан хабардор бўлиши керак.
2. Психолог ўзининг ҳиссий ҳолатини назорат қила олиши керак.
3. Психолог касбий жиҳатдан муҳим сифат ва фазилатларни ўзида тарбиялаши зарур, улардан энг муҳими-ютуққа эришиш учун эҳтиёжи юқори бўлган "мен"нинг кучи, ўзини-ўзи тўғри танқид қила олиши, ҳиссий барқарорлик, қувноқлик ва оптимизмнинг меъёрий ривожланганлиги.
4. Психолог ўқувчиларнинг ёш ва типологик хусусиятларини, таълим ва ривожланиш ўртасидаги психологик қонуниятлар муштараклигини билиши керак.
5. Психологнинг талабалар билан ишлаш жараёнида ташкилий, коммуникатив, психодиагностик кўникмалар, шахсга хос хусусиятларнинг ривожланиш вариантларини олдиндан кўра билиш қобилияти, психопрофилактик ва психокоррекцион маҳорати алоҳида ўрин тутади.

Психологнинг иш фаолиятига мос келмайдиган қуйидаги шахсий хусусиятлар: шахсий ва касбий жиҳатдан етарлича шаклланмаганлик,

симпатиянинг етишмаслиги, ортиқча сустилик ва лоқайдлик, "Эго" кучининг пастлиги, стрессга қаршилиқ кўрсатишнинг ёмонлиги, ташвишланишнинг юқорилиги, интеллектнинг пастлиги, муаммоларни ҳал қила олмаслик, ўринсиз ташвишланиш ва айбдорлик ҳисси ҳамда ташкилотчиликнинг паст даражасидир.

Ички зиддиятлар шахснинг ривожланиши учун фақатгина асос бўлиб ҳисобланади. Касбий ривожланишнинг йўналиши ўз-ўзини англаш даражаси, ташқи таъсирларга нисбатан мустақилликка интилиш, ўз-ўзини фаоллаштириш, касбнинг мазмун-моҳиятини билиш, ўз [руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш](#), ижодий ёндошувни кучайтириш, ўзига нисбатан ҳурмат-эътиборни сақлаш, ҳулқидаги тажовузкорликнинг пастлиги, ўйлаб, фикрлаб иш қилиши билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда психолог касбини эгаллаётганлар томонидан қўлланиладиган психологик ҳимоянинг сифатли хусусиятлари ҳам касбий ривожланиш йўналишини аниқлашга қодир деб тахмин қилинади.

Е.С.Романова шахспсихологик ҳимоя механизмларини касбий фаолиятнинг кейинги йўналишини белгилайдиган касбий ривожланиш ва шахсий касб танлаш омилларидан бири деб ҳисоблайди. "Профессионал шахснинг психологик ҳимояси - онгнинг махсус функцияси сифатида намоён бўлади, субъект учун номақбул бўлган ва кейинги фаолиятида алмаштириш билан ёки шахс учун янада қулай имкониятга ўзгартириш билан боғлиқ бўлиши керак бўлган, шундай мантикий тизимлашган истиқболли кўринишни англаш соҳасидан "олиб ташлаш" вазифасига айланади. Психологик ҳимоя касбий фаолият субъектига юзага келган ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўзи учун энг мақбул йўлни топиш имкониятини беради.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳулқ-атворнинг психопротектив шакллари муайян шахсий хусусиятларга эга бўлган ўқитувчиларга хос бўлиб, мулоқотда юқори эгоцентрик авторитар ориентацияси, ҳамкорликдаги паст эътиборда, ишбилармонлик муносабатлар соҳасида ўз-ўзини сусти назорат қилишда, ижтимоий муҳитнинг салбий ва таҳдидли омилларига гипертрофий сезгирликда намоён бўлади. Юқорида санаб ўтилган бу хусусиятлар ўз айбини инкор этишга, низони ҳал қилишни бошқаларга юклашга, низони англашга, уни ижобий ҳал қилишга йўл қўймасликка интилишни юзага келтиради. Психологик ҳимоядан конструктив фойдаланмасликнинг профилактикаси, тадқиқотчиларнинг фикрича, университетда касбий тайёргарлик жараёнида педагогик низоли вазиятларни ҳал этишнинг унумли йўллари шакллантириш бўйича ўқув-тренинглар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Л.М. Митина ўқитувчи шахсининг психологик ҳимоясини таъминловчи омиллар, шарт-шароитлар ва профессионал ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари нуқтаи назаридан кўриб чиққан. У ўқитувчининг профессионал юксалиши интраперсонал зиддиятлар билан шартланганлигини, унинг ҳал этилиши тараққиёт йўлини белгилаб беришини таъкидлаган. Агар иш ёки ўқиш фаолиятида зиддият

кам анланса ёки умуман анланмаса, бунда психологик ҳимоя механизмлари онгсиз ишлай бошлайди. Муаллиф психологик ҳимоянинг пайдо бўлишини воқеликдан четлашиш, қийинчиликларни бартараф эта олмаслик сифатида талқин қилган. Л.М.Митина ривожланишнинг зарарли йўналиши сифатида интраперсонал зиддиятларни ҳал қилиш учун психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш, конструктив йўналишда эса “қарама-қарши тенденцияларни англаш, ўз-ўзини англаш имкониятларини кенгайтирадиган воситаларни фаол қидириш зарур» деб ҳисоблайди.

Ўқитувчида психологик ҳимоя тизимининг мавжудлиги талабалар билан касбий ва педагогик мулоқотда зарарли акс этишини Т.С.Яценко таъкидлаб ўтган. Ўқитувчини салбий ҳиссий кечинмалардан ҳимоя қилиш унинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи индивидуал йўллар билан содир бўлади. Психологик ҳимоянинг шаклланишида идеаллаштирилган "Мен" етакчи рол ўйнайди. Ҳимоя механизмлари ижтимоий муҳитда "Мен"ни амалга оширишда ижобий тажрибага суянган ҳолда фаолият кўрсатади. Ҳимояни амалга ошириш тенденциялари нафақат ижобий образга бўлган интилишини, балки ўз имкониятларини тўғри, адекват баҳолашини ҳам ифодолайди. Муаллиф ички деформация жараёнларини, реал ва идеал "Мен" ўртасидаги тафовутни камайтиришга қаратилган фаол ижтимоий-психологик тренинг усуллари ёрдамида бартараф этиш мумкинлигини таъкидлаган.

Л.Р.Гребенников, В.Г.Каменская, Е.С.Романова изланишларида Плутчик-Келлерман-Конте анкетасининг мослаштириш ва стандартлаштириш асосида қўлланилган кенг тажриба материаллари натижалари, жумладан, психология факультети ўқитувчилари ва талабаларини танлаш бўйича умумлаштирилган. Муаллифлар психология факультети катта курсларининг талабаларида психологик ҳимоя қилишнинг маъқул усуллари аниқладилар, уларга юқори механизмлар: компенсация, гиперкомпенсация ва рационализация киради. Синалган субъектларнинг ҳимоя механизмлари иерархиясидаги охириги ўринларни сиқиб чиқариш, алмаштириш ва регрессия эгаллайди. Шу билан бирга, академик қарзларга эга бўлган, ўз-ўзига юқори баҳо бериш билан ажралиб турадиган бошқа йўналишларнинг талабалари ҳаёт қийинчиликларини ҳал қилиш учун содда инкор механизмлари ва проекциядан фойдаланишган. Тасвирланган қонунийликни тадқиқотчилар биринчи гуруҳ талабаларининг психологик билим ва малакасини ошириш билан ва иккинчи гуруҳ вакилларининг хулқ-атворини ижтимоий хилма-хиллиги билан изоҳладилар. Тадқиқот натижалари психологик ҳимоя механизмлари ва индивидуаллик тавсифлари ўртасидаги муносабатларни тасдиқлади. Содда ҳимоялардан фойдаланиш, бутун тизимни жадал ишлашини уйғотиб, ички зиддиятларни бартараф этмайди ва ташқи низоларни ҳал қилмайди. Психологик ҳимоя тизими, унинг тузилиши ҳамкасблар ва маъмурият томонидан

баҳоланган ўқитувчининг касбий муваффақияти билан боғлиқ. "Муваффақиятли" ўқитувчилар ўз фаолиятидаги қийинчиликларни ҳал қилиш учун рационализаторлик, проекция, рад этиш механизмларини қўллайдилар. "Муваффақиятсиз" ўқитувчилар эса кўпинча ўз фаолиятларида психологик ҳимоянинг бошқа тузилиши: проекция, регрессия, сиқиб чиқаришдан фойдаланишлари билан ажралиб турадилар. Тадқиқотчилар ижтимоий ва касбий адаптация жараёнининг самарадорлигини: компенсация, гиперкомпенсация ва рационализация, етук психологик ҳимояларини қўллаш орқали тушунтирадилар.

В.Г.Маралов ўз камчиликларини ҳимоя қилиш учун ўқитувчи фаолиятида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳимоя тизимидан фойдаланади, деб ҳисоблаган. Салбий ҳимояларни қўллаш, ўзининг ортиқча иш юки, кўп ишлардаги иштирокини доимий эслатиб туриши мисол бўлиши мумкин, аммо шу билан бирга муваффақиятсизликлар учун жавобгарликни бошқалар зиммасига юклайди. Ижобий ҳимоялар ҳар бири амалда татбиқ этилаётган турли ташаббусларни илгари суриб, камчиликларни яшириш орқали намоён бўлиши мумкин. Ўқитувчининг касбий соҳасидаги лаёқатсизлиги, болалар фаолиятини ташкил эта олмаслик, ўзгалар фикрига таъсирчанлик энг кўп ҳимоя қилинадиган жиҳатлардир. Муаллифнинг таъкидлашича, ижобий ҳимояга ўтиш шахсни ва касбий фаолиятни уйғунлаштиришга имкон беради. Н.С.Глуханюк, Н.Н.Колмогорцева тадқиқотларида психологик ҳимоя, профессионал ўзини-ўзи англаш функцияларида, шахснинг ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш ижобий фаолиятини амалга ошириш жараёнига ҳисса қўшиш сифатида кўриб чиқилган. Муаллифлар психологик ҳимоя механизмларини мутахассиснинг ўқув-амалий фаолиятининг мураккаблашуви, ўзгарувчан шароитларда шахснинг ички изчиллиги ва барқарорлигини сақлашдаги қийинчиликларни ўз ичига олиш зарурияти билан боғлайдилар. Ўз-ўзини англаш ҳимоя функциясининг намоён бўлиши касбий ўз-ўзини англашнинг шаклланиш ва етилиш босқичига хосдир.

А.Ф.Ануфриев, А.М.Богомолов, А.Ф.Михайлова, Е.В.Юдина ўқитувчи ва психолог фаолиятининг самарадорлигини ахлоқий ва гуманистик ёндашув асосида муваффақиятли ва муваффақиятсиз мутахассисларга хос шахсий хусусиятларнинг умумийлигига қараб баҳолашни таклиф қилганлар. Ижтимоий интеллект, ҳиссий барқарорлик, серғайратлик, мослашувчанлик, ахборот етишмаганликда қарор қабул қилиш қобилияти каби сифатларнинг юқори даражада ривожланиши, шунингдек, ўртача даражадаги хавотирланиш психолог фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Юқори даражадаги хавотирланиш, сезгирлик, гумонсираш, асабийлашиш, қаттиққўллик, ҳиссий беқарорлик каби қуйидаги сифатлар фаолият натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Самарали ва самарасиз мутахассисларга хос бўлган бир гуруҳ фазилатлар ҳам мавжуд: очиклик, умумий

аклнинг юқори даражаси, ахлоқий баҳоларнинг муносабатлардаги эркинлиги, конструктив ўзгарувчанликнинг устунлиги.

Рус ва чет эл олимларининг изланишларида (Н.А.Аминов, М.Р.Битянова, В.А. Петровский, К.Рожерс, ва ҳоказо.), стрессли бағрикенглик, сабр, ҳиссий барқарорлик ва масъулият ўқитувчининг энг муҳим фазилатлари сифатида қайд этилган. Педагогик жараёни амалга ошириш учун юқори хавотир халал беради. В.Г.Маралов, Н.В.Макароваларнинг фикрича, деструктив психологик ҳимояни енгувчи ўқитувчи ўз касбий фаолиятида ўқувчилар билан ўзаро шахсий моделга эътиборини қаратиши зарур. Деструктив психологик ҳимояни бартараф этиш эҳтимол қуйидаги шартларга риоя қилишдадир: ҳимоя механизмларидан фойдаланишни англаш, ижтимоий вазиятларда таҳдидларга сезувчанликни камайтириш ва етарли даражада хулқ-атвори шакллантириш. Шундай қилиб: ўқитувчи-психологнинг касбий фаолияти мундарижасига шахс ёки гуруҳларнинг, уларнинг самарадорлигини ошириш ва борлиқдан субъектив қониқиш мақсадида муносабатларини ўзгартириш ва шакллантириш фаолияти киради. Психолог шахсининг касбий ривожланишига интраперсонал зиддиятлар сабаб бўлади. Психологнинг касбий фаолиятининг самарадорлиги ва муваффақияти шахсий хусусиятлар ва конструктив психологик ҳимояни эгаллаш билан белгиланади. Психологик ҳимоянинг кўринишлари психологнинг касбий фаолияти хусусиятларига таъсир кўрсатади. Тафаккурнинг ривожланиши, ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўз-ўзини фаоллаштиришга интилиш, фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятли маъносини англаш касбий шахсий ҳимоядан конструктив фойдаланишга ёрдам беради. Конструктив психологик ҳимоядан фойдаланиш ҳам қулай ва ҳамда экстремал шароитларда самарали касбий фаолият юритишни таъминлайди ва шахснинг руҳий саломатлигини сақлаб қолишга имкон беради. Конструктив психологик ҳимоя психологнинг ижтимоий алоқаларини оптималлаштиришга ёрдам беради. Юқоридагиларга асосланиб биз, қуйида конструктив психологик ҳимоя модели муҳокамасига ўтиш имконига эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Романова Е.С. Механизмы психологической защиты. Питер., 2008
2. Романова Е.С. Психологический анализ и профессиограммы. М.: Аспект пресс., 2011

ПСИХОДИАГНОСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ

Шодиева Р.С. – Ислом Каримов номли ТДТУ докторанти

Аннотация. В статье утверждается, что формирование психодиагностической компетентности преподавателей является ключевым фактором профессионального развития будущих специалистов высшей школы, для чего им необходимы глубокие теоретические знания, знание психодиагностических

методов и правил их применения, достаточный опыт практической работы. применение и эффективное овладение дифференциальной психометрией.

Annotation. The article argues that the formation of the psychodiagnostic competence of teachers is a key factor in the professional development of future specialists in higher education, for which they need deep theoretical knowledge, knowledge of psychodiagnostic methods and rules for their application, sufficient practical experience. application and effective mastering of differential psychometry.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳатлар ижтимоий фаол, ижодкор, касбий малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади. Бундай талабларнинг кундан-кунга ошиб боришида таълим жараёнларини илмий асосда ташкил этиш, педагогнинг касбий фаолиятида педагогик ҳамда психологик ташхис ишларини амалга ошириш шакллари ва технологияларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнда ўқитувчининг касбий, педагогик, психологик, қолаверса, психодиагностик компетенциясини шакллантириш - олийгоҳларда бўлажак мутахассисларнинг касбий ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, таълимда етакчи омил бўлган психодиагностик компетенциянинг хусусиятлари ва моҳияти илм-фанда етарли даражада аниқланмаган.

Ҳозирги вақтда "диагностика" атамаси нафақат педагогика ва психологияда, балки техника, тиббиёт, ижтимоий амалиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам фаол қўлланилмоқда.

“Диагностика” атамаси орқали маълум бир объект ёки тизимнинг ҳолати ва муҳим параметрларини рўйхатдан ўтказиш, унинг хатти-ҳаракатларини башорат қилиш, ушбу хатти-ҳаракатлар асосида таъсир этиш динамикаси ва унинг имкониятлари тўғрисида қарор қабул қилишни тушуниш мумкин.

Психодиагностик компетенциянинг моҳияти Л.С.Выготский С.Н.Костромина, Д.Б.Эльконин, Е.П.Ивутина, Ю.С.Бондаренко, С.И.Панькина ва бошқа муаллифларнинг илмий изланишларида таҳлил этилган.

Психодиагностика психологик диагноз қўйиш ҳақидаги таълимот бўлиб, унда кўрсаткич ва тавсифномаларини таҳлил қилиш ҳолати ва хусусиятлари ҳақида хулосалар берилади.

Психологик диагноз эса, (diagnosis- грекча “аниқлаш”, “билиш” деган маъноларни англатади) шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, ривожланишини олдиндан айтиш (прогноз қилиш) ва психодиагностик текширув вазифаларини аниқлаш, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолиятдир.

Назарий жиҳатдан психодиагностика билиш жараёнининг махсус тури сифатида нафақат илмий тадқиқот усуллари ва маълумотларидан фойдаланади,

балки ижтимоий мақсад, гносеологик мазмун, ўзига хос мантиқий хусусиятлар билан ажралиб турадиган маълумотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш усуллари ҳам ишлаб чиқади.

Психодиагностика билан шуғулланишга оид махсус малака талаблари мавжуд бўлиб, улар яхши назарий тайёргарлик, психодиагностика методлари ва уларни қўллаш қоидаларини пухта билиш, тегишли методлардан амалий фойдаланишда етарли тажрибага эга бўлишдир.

Психодиагностика воситалари бу методларни умумий, назарий ва услубий тамойилларини билиш, амалда қўллаш, дифференциал психометрия асосларини ўзлаштириш, психодиагностика бўйича амалдаги услубий адабиётларга амал қилиш, мустақил равишда картотека ва фойдаланилган усулларнинг шахсий кутубхонасини юритиш жараёнларини амалга оширади.

Л.С.Выготский таърифига кўра: "Диагностикада маълум бир ходисага тадқиқот тизими ёрдамида ташхис қўйилади. Ташхис етарли даражада аниқ бўлмаслиги мумкин. Лекин у методологияси ва услуб жиҳатдан тўғри бўлиши шарт, яъни ҳақиқий маънода ташхис қўйиш керак"- дейди.

Диагностика билимнинг ўзига хос тури сифатида нафақат илмий тадқиқот усуллари ва маълумотларидан фойдаланади, балки ўзига хос ижтимоий мақсад, эпистемологик мазмун, мантиқий характерли маълумотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш усуллари ва методларини ҳам ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, ташхис ҳам илмий, ҳам амалий фаолият бўлиб, уни “алоҳида илмий билимлардан фойдаланишга асосланган амалий ҳаракатдир” деб таърифлаш мумкин.

Замонавий илмий адабиётларда "педагогик диагностика", "психологик диагностика" атамаларининг бир қанча таърифлари мавжуд бўлиб, бу икки йўналишдаги диагностика жараёнининг мазмунини очиб беришда муаллифлар турлича ёндашишган.

"Педагогик диагностика" тушунчасини К.Ингенкамп 1968 йилда “тиббий ва психологик диагностикага ўхшаш, аммо алоҳида фаолият”- деб таъриф қилган. "Аслида, - дейди у, - педагогик диагностика барча педагогик фаолият каби кўп йиллар давом этади. Тизимли дарс берганлар ҳар доим ўз саъй-ҳаракатлари натижасини аниқлашга ҳаракат қилишган. Бу бир неча минг йиллар мобайнида педагогик фаолиятни илм фанга хос бўлган усуллар ёрдамида амалга оширди", - деб таъкидлайди К.Ингенкамп. У ўзининг "Педагогик диагностика" асарида, педагогик диагностиканинг моҳиятини белгилаб, уни индивидуал ўрганиш жараёнини оптималлаштириш ҳамда таълим натижаларини тўғри белгилашни таъминлаш учун мўлжалланган эканлигини таъкидлаб ўтади.

Чет эллик муаллифлар В.Ройлеке, Б.Роллет педагогик диагностикани ўқув жараёнини оптималлаштиришга хизмат қиладиган, маълумот олиш мақсадида ўқув

ва билиш жараёнини режалаштириш ва назорат қилиш билан боғлайдиган фаолият сифатида қарайди.

Муаллифлар психологик ва педагогик диагностика ўртасидаги фарқларга ишора қилиб, педагогик билимлар таркибидаги диагностика мустақил маъно ва амалий йўналишга эга эканлигини қайд этишган. Шахсни тарбиялашнинг объектив ташхиси унинг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва бу фаолиятни бажаришда олинган натижаларга асослангандир.

Н.С.Сунцов диагностика тамойилларини очиб берди. Ташхиснинг мақсадга мувофиқлиги, уни амалга оширишда ташкилий шакллар, воситалар ва усулларни яқуний мақсад - ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжларини ўқув жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши асосида ўзаро боғлаш зарурлигига аҳамият берди. Диагностиканинг мақсадли йўналиши ўқитувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳ хусусиятларига қараб жинси, лавозими, предмети ва ижтимоий йўналиши, таълим даражаси ва бошқаларга қараб, унинг шакллари ва мазмунининг фарқланиш даражаси билан белгиланади. Диагностика ўз-ўзидан мақсадга айланиши мумкин эмас, унинг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниши ва ўқитувчининг шахсияти ва фаолиятини тузатиш ва ўз-ўзини коррекция қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши керак. Шунинг учун ўқитувчининг ишини ташкил этишда диагностика натижаларини ҳисобга олиш талаби муҳим аҳамиятга эга. Диагностик муолажаларнинг ишончилиги ва асослилиги ишлатилган усул ва воситаларда намоён бўлади. Ўқитиш ишининг замонавий амалиётига мос келмайдиган усуллар қўлланилганда, педагогик фаолиятни яхши томонга ўзгартирадиган ишончли маълумотларнинг пайдо бўлишини кутиш қийин. Бундан ташқари, нотўғри ташхис тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин.

Педагогик диагностиканинг асосий объектлари: шахсни тарбиялаш ва ўқитиш, интеграцион фазилатларни шакллантириш; таълим олувчиларнинг хулқ-атвори ва фаолияти; ташқи муҳит таъсирининг хилма-хиллиги; оила, умумий мактаб ва синф жамоаларининг имкониятлари ва хусусиятлари; ўқитиш фаолиятининг мазмуни ва самарадорлиги бўлса, психологик диагностиканинг асосий объектлари: шахснинг эмоционал-иродавий соҳаси диагностикаси; шахснинг эҳтиёжлари-мотивацион соҳаси диагностикаси; шахснинг когнитив-билиш соҳаси диагностикаси; оилада, жамоада кишиларнинг шахслараро муносабатлари диагностикаси; шахснинг ишончли, ишончсиз ва тажовузкор хатти-ҳаракатларини фарқлаш қобилиятини аниқлаш диагностикаси; шахснинг ўз-ўзига бўлган муносабати диагностикаси; шахснинг ҳаракат-моторика соҳасидаги ривожланганлик диагностикаси; шахснинг одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштирганлик даражаси диагностикаси; ўқув йилидаги ўсиш динамикаси диагностикасидир.

Демак, ҳар бир педагог педагогик ҳамда психологик диагностикани биргаликда, бир-бирига боғлаб олиб бориши тавсия этилади, яъни психологик диагностика натижалари асосида педагогик фаолият мақсадларига эришиш режалаштирилади, муваффақиятсизликлар сабаблари топилиб, педагогик тузатиш вазифаси ишлаб чиқилади; ўқитувчилар ва талабаларнинг эмоционал-иродавий соҳаси диагностикаси натижасига кўра, фаолиятни самарали ташкил этиш чоралари белгиланади; ўқувчининг мотивацион-эҳтиёжлари соҳаси диагностикаси таҳлилига биноан, мотивация ва рағбатлантириш функциялари ишлаб чиқилади; когнитив-билиш соҳаси диагностикасига ҳамда ўқув жараёнини оператив назорат қилиш орқали таълимни ташкил этишдаги технологиялар танланади. Умуман олганда, педагогик ва психологик диагностика бизга ташқи рағбатлантиришни етарли даражада қўллашга, бу эса ўз навбатида шахсий мотивация даражасини оширишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ананьев, Б.Г. Комплексное изучение человека и психологическая диагностика / Б. Г. Ананьев // Вопросы психологии. 1968. - № 6.
2. Выготский, Л.С. Диагностика развития и педологическая клиника трудного детства [Текст] : в 6 т. / Л.С.Выготский. - М. : Педагогика, 1983. - Т. 5.-400 с.
3. Выготский, Л. С. Педагогическая психология [Текст] / под ред. В.В.Давыдова. - М. : Педагогика, 1991. - 480 с.

ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОЗИТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩЕГО ПЕДАГОГА

Сагторова Ш.К. - преподаватель кафедры “Психологии” ТДПУ

Сапарбоева И., Абдурахманова Н. – Студенты ТДПУ

Аннотация: В статье представлен глубокий теоретический анализ литературы по проблеме позитивного мышления. В статье также содержится обзор фундаментальных работ ученых по изучаемой тематике, представлены основные положения и результаты исследований позитивного мышления.

Ключевые слова: оптимизм, пессимизм, позитивное мышление, негативное мышление, позитивный настрой.

Abstract: The article presents a deep theoretical analysis of the literature on the problem of positive thinking. The article also contains an overview of the fundamental works of scientists on the subject under study, presents the main provisions and results of research on positive thinking.

Keywords: optimism, pessimism, positive thinking, negative thinking, positive attitude.

Проведённый анализ научной литературы по исследуемой проблеме показывает, что позитивное мышление является важным социально-

психологическим явлением, связанным с множеством понятий, таких как мотивация достижения, жизнестойкость, положительная установка, самоэффективность, рефлексивность, автономия, активность и пр. В связи с этим, в целях исследования значимых характеристик позитивного мышления будущего педагога полагается целесообразным более детально рассмотреть опыт учёных в данном аспекте. Так, по мнению М.Н. Цехмистренко, позитивное мышление обуславливается соответствующей социальной установкой, толерантностью к фрустрации, которые целесообразно исследовать через призму врождённых индивидуально-психических качеств личности и как личностные образования. Кроме того, автор, рассматривая эмоциональные состояния, отмечает, что у каждого человека существует определенный предельный уровень напряжения, превышение которого приводит к изменению психического состояния, а также поведения. Этот уровень можно обозначить как толерантность к фрустрации. Она определяется как способность индивида перенести фрустрацию без потери своей психобиологической адаптации. На основе этого положения учёный выделяет несколько наиболее типичных способов поведения в состоянии фрустрации:

реакция фиксации, когда человек не делает конкретных попыток для разрешения ситуации, всю энергию тратит на переживания - определяется низкой возможностью к адаптации и обесценивание себя;

агрессивный тип реакции-обвинение окружающих людей или вещей, также является дезадаптивным из-за конфликтности;

восприятие ситуации как блага или урока жизни, возможности больше не допускать таких ошибок, принимать свои положительные и отрицательные стороны;

реакция самообвинения - связана с низкой самооценкой личности и антипатией к себе;

взятие ответственности за решение проблемы на себя - вступает наиболее адаптивной реакцией, свидетельствует о переживании позитивных ожиданий и уверенности в себе;

избегание обвинения в адрес другого человека;

Е.Н. Борисова, в рамках исследования процесса взаимодействия в системе учитель-ученик, рассматривает позитивное мышление как профилактикой мерой эмоционального выгорания. Автор выделяет два типа мыслей и связываются с ожиданиями от собственных способностей и возможностей. Не называя соответствующие типы мышления, автор отмечает, что один тип - развивающий и предусматривает позитивные ожидания от себя и окружающих, другой тип - фиксированный, т.е. негативный, определяется безнадёжностью и унынием. В результате диагностических исследований, учёным раскрывается связь первого типа мыслей с интеллектуальными способностями и учебными достижениями.

Кроме того, по мнению исследователя положительные мысли обусловлены индивидуальным опытом обучаемого и характеризуют особенности организации психологического пространства, в пределах которого создаётся познавательный образ происходящих событий. Именно на этих началах личность вырабатывает стратегии преодоления ситуаций, несущие в себе определенный стиль, в основе которого лежит мотивации на успех, положительное отношение к себе, коммуникативность, рефлексивность.

Л.В. Верейна, В.В. Третьяченко утверждают, что интегративной основой эмоционального компонента Я-образа является интерес, как личностная форма эмоционального принятия мира и себя самого. Становление личности происходит как длительный процесс развития интереса в тесной связи с характером (на уровне поведения) и идеалом (на уровне сознания). Формирование любви к себе как активной заинтересованности человека в самой себе является психологическим механизмом формирования позитивной эмоциональной составляющей Я-образа, а также позитивного мышления. Деформация любви к себе приводит к нарушениям в формировании целостной гармоничной личности, его стиля мышления, искажениям в эмоциональной ориентации Я-образа и возникновению психологического феномена эгоизма.

Авторами выделяется система структурных составляющих позитивной эмоциональной ориентации Я-образа, которая включает такие психологические компоненты, как:

- принятие себя;
- ответственность;
- забота о себе;
- знание себя;
- радость бытия.

По мнению Т.Г. Гурулевой, позитивное мышление формируется благодаря уверенности в собственных возможностях, а также адекватной самооценки, что в целом имеет позитивное влияние на физическое здоровье человека. Представления, опирающиеся на веру в собственную эффективность, распространяются на различные сферы деятельности. Положительные результаты, полученные личностью, обусловлены не только уровнем её способностей, но и представлением о них. Люди с таким стилем мышления, как правило, получают более высокие оценки и определяют более высокие цели, имеют больше альтернатив в решении задач, имеют лучшее физическое и психическое состояние здоровья. При этом, различные представления о своих способностях предопределяют различные ожидания, как положительные, так и отрицательные. В качестве характеристик поведенческого компонента проявления позитивного мышления автор определяет автономию, что выражается в самоопределении и независимости, способности

противостоять социальному давлению, думать и вести себя независимо, оценивать себя, исходя из личных стандартов, регуляции собственного поведения, что также выступает главным критерием психического здоровья человека и его целостности. Личность, которая ответственно относится к самой себе, беспокоится о собственном здоровье, может контролировать и регулировать свои эмоции, поведение, может оказать себе помощь - автономная, независимая и оптимистичная. Автономия - это положительная свобода для саморазвития, залог самостоятельного и свободного выбора, когда человек берет ответственность за собственные поступки.

Понятие личностной автономии О.Е. Дергачева связывает с определением позитивного стиля мышления и подчёркивает связь этого психического явления с психическим здоровьем и личностным ростом. Поэтому психически здоровая личность способна самостоятельно определять и контролировать события своей жизни. По мнению исследователя, личностная автономия может быть характеристикой счастливого, гармонично развитого, личностно созревшего человека, поскольку связана с высоким уровнем интегрированности Я, открытостью к опыту, с дифференцированным отношением к происходящему и к собственному поведению. Человек с высоким уровнем автономии не использует защитных механизмов и способен искренне проявлять негативные эмоции и меньше использует проекции на окружающих людей. Кроме того, в данном аспекте автор рассматривает также уверенность в себе как фундаментальное условие полноценного овладения собой. Указанное психологическое образование входит в структуру способности прогнозировать результаты своей жизнедеятельности. Этот факт доказывает взаимосвязь уверенности в себе и структурных компонентов оптимизма. Уверенность в себе влияет на выбор стратегий в достижении целей в соответствии с внутренними личностными смыслами. Для формирования этого свойства важен не столько объективный жизненный статус, сколько субъективная положительная оценка результатов собственных действий и оценка со стороны значимых людей. Положительные оценки и эффективности собственных навыков определяют социальную смелость в выдвижении и решении новых целей и задач. Уверенность в себе характеризуется открытостью в межличностных отношениях. Проявление собственных чувств и мыслей в конкретной социальной ситуации может влиять на преодоление страха, что после однократного возникновения прочно закрепляется и становится доминирующим чувством. Поэтому рациональность мыслей влияет на решительность и уверенность действий.

Таким образом, рассмотрение позиций различных учёных даёт возможность утверждать, что развитие позитивного мышления будущего педагога в период обучения в высшем образовательном учреждении обусловлено динамикой определённых характеристик. Мы разделяем позицию тех исследователей, которые

определяют в структуре изучаемого явления такие наиболее обоснованные особенности как положительная установка, волевая саморегуляция, мотивация на успех, автономия, адекватная самооценка, жизнестойкость, принятие других, низкая агрессивность, социально-психологическая адаптация, коммуникативность, фрустрационная толерантность, положительное отношение к себе, рефлексивность, уверенность в собственных возможностях, независимость, которые репрезентируют категориальный аппарат позитивного мышления и выступают его характеристиками. В целом, базис позитивного мышления будущего педагога составляют способности оценивать негатив сквозь призму оптимизма и конструктивности. В связи с этим, главной функцией изучаемого явления выступает способность обучаемого к нахождению позитивной составляющей практически в любой возникающей проблеме. Данные положения позволяют рассматривать структуру позитивного мышления будущего педагога как целостную интегративную иерархически подчинённую систему.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Борисова Е.Н. Учитель и ученик: позитивное мышление как профилактика эмоционального выгорания. // Высшее образование сегодня. Российский новый университет Москва.: 2019. - С. 45-49.
2. Буравцова Н.В. Суверенность психологического пространства как фактор, способствующий развитию ценностно-смыслового пространства личности. // Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: Психология. 2008. - Т.2. - Вып. №1. - С. 45-49.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ СПЕЦИАЛЬНОЙ ПЕДАГОГИКИ НАХОДЯЩИЕСЯ В СФЕРЕ ВНИМАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ УЧЕНЫХ И ПРАКТИКОВ УЗБЕКИСТАНА

Муминова Л.Р. – д.п.н.проф. – профессор.д.п.н,

Нуркельдиева Д.А. – доцент, к.п.н ТГПУ им Низами

Аннотация. В статье освещаются актуальные проблемы современной специальной педагогики находящиеся в сфере внимания современных ученых и практиков Узбекистана.

Annotation The article highlights the topical problems of modern special pedagogy that are in the focus of attention of modern scientists and practitioners of Uzbekistan.

Основные стратегические действия современного периода развития отечественной системы специального образования и государственной помощи детям с ограниченными возможностями здоровья (ОВЗ) направлены на проектирование нового содержания образования и оказания поддержки воспитанникам с отклонениями в развитии, включая инклюзивное образование.

Изменения основ нормативно-правового обеспечения и гуманизация отношений в образовательном пространстве (закон «О гарантиях прав ребенка», закон «Об образовании РУз», 2020г.), подчеркивают потребность в дальнейшем изучении детей с нарушениями развития, что обусловлено увеличением их количества, появлением новых вариантов нарушений и широкой распространенностью таких детей в образовательных организациях.

В Узбекистане, а также по нашему мнению и во всех постсоветских республиках в настоящее время в области специальной педагогики и психологии актуальными вопросами, которые необходимо решать являются нижеследующее:

- Определение терминологии, используемого в специальной педагогике и специальной психологии;
- социальная адаптация выпускников интернатных учреждений;
- проблемы комплексной диагностики и ранней помощи детям с ограниченными возможностями здоровья;
- проблемы подготовки и повышение квалификации компетентного специалиста в области специального и инклюзивного образования;
- диагностика и сопровождение детей с комплексными нарушениями развития;
- инклюзивное образование детей с ОВЗ.

В настоящее время педагогическая терминология в области специального образования беспорядочно использует термины из смежных областей знания (психологии, медицины, других наук), а также терминов, которые уже не отражают во всей полноте сущности обозначаемых предметов и явлений.

Многие из смежных со специальной педагогикой отраслей знания (медицина, психология, педагогика, правоведение, социальная защита и др.) имеют сегодня свой устоявшийся понятийно-терминологический аппарат, которым пользуются в общении между собой специалисты данной предметной области (например, врачи, психологи, школьные администраторы). Например, одного и того же ребенка три специалиста из разных предметных областей могут охарактеризовать по-разному, и эта характеристика будет удовлетворительна только в рамках своей области.

В связи с этим, необходимо, чтобы специалисты проводили научный анализ того понятийно терминологического наследия, которым обладает специальная педагогика. Они должны определить соответствие понятийно-терминологического аппарата специальной педагогики тем современным концептуальным основаниям, на которых эта отрасль педагогического знания будет развиваться в XXI в.; искать пути преодоления существующего барьера между отечественным понятийным языком и понятийным языком мирового педагогического сообщества, учитывая факт включения Узбекистана в международные интеграционные процессы в

области образования; должны проводить работу по упорядочению понятийно-терминологического словаря специальной педагогики.

В связи с этим возникает необходимость разработать современный словарь терминов, используемых в специальной педагогике и психологии.

Воспитание в интернатных условиях не обеспечивает в должной мере формирование необходимых в самостоятельной жизни личностных качеств, знаний и умений, что влечет за собой неуспеваемость выпускников в решении задач независимого жизнеустройства.

Недостатки физического или психического здоровья еще более затрудняют процесс вхождения в социум выпускников-сирот. Такое нарушение психического развития, как умственная отсталость, снижает возможности ребенка в приобретении им социального опыта, его подготовки к профессиональной и самостоятельной жизни.

Вытекает необходимость переориентирования целей специального образования в сторону поддержки социально-экономического развития и повышения жизненной компетенции детей с нарушениями интеллекта.

Вместе с тем, до сих пор не ставилась задача создания целостной программы подготовки к самостоятельной жизни и профессиональной деятельности воспитанников специальных (коррекционных) школ-интернатов, что делает тему нашего исследования весьма актуальной и значимой для современной педагогической теории и практики.

Неготовность выпускников интернатных учреждений к самостоятельной жизни проявляется в следующем: размытость жизненной перспективы; иждивенчество как личностная характеристика; социально – бытовая некомпетентность; деформация потребности в общении и несформированность средств ее удовлетворения.

Преодоление неготовности к самостоятельной жизни учащихся специальных интернатных учреждений возможно в ходе целенаправленной педагогической работы в следующих направлениях: становление жизненной перспективы; формирование положительного отношения к труду; обеспечение продуктивности социальных контактов.

Все это указывает о необходимости проведения исследований в целях разработки эффективной целостной программы подготовки к самостоятельной жизни и профессиональной деятельности воспитанников специальных (коррекционных) школ-интернатов.

Несмотря на все достижения, нужно отметить, что в области обеспечения здоровья и гармоничного развития детей в Узбекистане еще существует ряд проблем. К ним относятся совершенствование внедрения комплексной ранней медико-психолого-педагогической помощи детям, входящих в группу риска.

Актуальностью внедрения комплексной ранней медико-психолого-педагогической помощи детям входящих в группу риска является тот факт, что ранний возраст детей является наиболее важным адаптационным периодом в онтогенезе человека, на протяжении которого происходит становление органов, систем и основных функций организма.

В настоящее время в Узбекистане необходимо искать более эффективные пути, условия, методы, средства оказания комплексной коррекционно-развивающей и абилитационной помощи детям раннего возраста и их семьям.

В целях дальнейшего совершенствования оказания качественной ранней комплексной помощи детям раннего возраста, входящих в группу риска и их семьям в условиях центральных многопрофильных поликлиник возникает необходимость:

- Совершенствование деятельности Службы ранней помощи при центральных многопрофильных поликлиниках;
- Изучение путей совершенствования взаимодействия специалистов, вовлеченных в командную работу (педиатр, невропатолог, логопед, психолог, инструктор ЛФК, массажа и другие);
- Оптимизация абилитационной/реабилитационной помощи в системе здравоохранения, разработки научно-методических, учебных пособий, программ в области психолого-педагогической диагностики, абилитации и реабилитации;
- Внедрение инновационных программ профилактики инвалидизации детей раннего возраста;
- Внедрение деятельности Служб ранней помощи в многопрофильные центральные поликлиники по всей республике.

В современных организациях образования, здравоохранения и социальной защиты населения создаются специальные условия для получения качественных услуг лицами с ОВЗ. Это вызывает необходимость новых требований к подготовке специалистов, владеющих основами знаний в области смежных наук, ориентирующихся в технологиях коррекционной педагогики, психологии, логопедии, умеющих взаимодействовать в работе с разнопрофильными специалистами: врачами, воспитателями, психологами, социальными педагогами.

Опыт работы практических учреждений показывает, что выпускающиеся из дефектологических факультетов студенты зачастую оказываются не готовыми осуществлять свою профессиональную деятельность в системе коррекционной работы с детьми, имеющими тяжелые нарушения развития (комплексные нарушения развития, тяжелая речевая патология, сложная структура дефекта и др.). Такая неготовность связана с рядом объективных и субъективных причин. Среди объективных причин - снижение количества часов в учебном плане для практического освоения изучаемых специальных дисциплин (для проведения

практических и лабораторных занятий, для организации и проведения учебно-производственной практики на базе специальных коррекционных учреждений). Студенты не имеют возможности познакомиться с методами и приемами работы с детьми с тяжелыми нарушениями развития, поскольку такой категории детей не оказывается помощь в системе государственных организаций специального (коррекционного) образования. С каждым годом возрастает число детей, имеющих те или иные нарушения развития, а количество специальных учреждений, способных оказывать профессиональную квалифицированную помощь, сокращается.

Среди субъективных причин - недостаточная мотивация к овладению профессионально-практическими навыками; неспособность к адекватному восприятию особенностей детей с ОВЗ при отсутствии таких необходимых личностных качеств, как педагогическая рефлексия, толерантность, эмпатия, сострадание и т.п.

В результате овладения программой у студентов формируются знания о современных психокоррекционных технологиях и специальных педагогических методиках, направленных на преодоление имеющегося у обучающихся нарушений развития и успешное их применение в практической деятельности.

Отводящаяся в настоящее время особая роль вопросам организации и реализации своевременной коррекционной помощи детям с ОВЗ требует разработки вариативных организационных форм, создания комплексных психолого-педагогических образовательных программ, построенных на основе индивидуально-дифференцированного подхода.

В основе подготовки учителей-дефектологов лежат процессы, связанные с формированием общекультурной и профессиональной компетентностей в области образования лиц с ОВЗ специалистов, работающих в организациях образования, здравоохранения, социальной защиты населения, охраны правопорядка.

Перспективы развития дефектологических кадров в Республике Узбекистан:

1. Повышение уровня профессиональной подготовки дефектологов в рамках существующей специализации за счёт совершенствования учебных планов, интенсификации процесса обучения.
2. Соблюдение преемственности и логики в номенклатуре дисциплин.
3. Необходимость разработки программ, предусматривающих общую и специальную подготовку в соответствии с будущей профессиональной деятельностью студентов с учетом специализации «Семейное обучение и воспитание детей с отклонениями в развитии, «Социальная работа с детьми инвалидами и их семьями».

4. Организация сотрудничества факультета с ПМПК, центрами по оказанию помощи детям с проблемами в развитии и их семьями, специальными учреждениями, общественными организациями инвалидов по расширению педагогической практики.

5. Разработка методических пособий, использование активных форм и методов индивидуально-творческой деятельности студентов с привлечением инновационных методов обучения.

Решение вышеперечисленных задач позволит существенно повысить уровень подготовки выпускников отделения дефектологии, решить проблему кадрового обеспечения Республики специалистов данной категории.

Необходимо отметить, что проблема совершенствования подготовки специалистов, способных оказывать квалифицированную коррекционную помощь детям с ОВЗ имеет несомненное теоретическое значение и не теряет своей практической значимости. Однако проблема поиска новых моделей, форм и инновационных гуманитарных образовательных технологий остается актуальной и требует дальнейших исследований.

В последнее десятилетие в нашей стране и за рубежом наблюдается устойчивая тенденция увеличения численности детей с тяжелыми множественными нарушениями развития (далее – ТМНР). Дети данной группы в структуре дефекта, имеют сложные переплетения нескольких нарушений: слуха, зрения, опорно-двигательного аппарата, расстройства аутистического спектра и эмоционально-волевой сферы, интеллектуальные нарушения различной степени выраженности.

Педагоги и специалисты, работающие с детьми, имеющими тяжёлые и множественные нарушения развития, испытывают значительные трудности при организации их обучения и сопровождения. Это определяется несколькими факторами:

В нашей республике не разработана система ранней помощи таким детям, а это обуславливает устойчивость и фиксированность нарушений, появление множества вторичных отклонений и трудности компенсации нарушенных функций у ребенка;

на современном этапе в системе специального образования имеются апробированные, научно обоснованные программы обучения и воспитания детей с нарушениями развития, ориентированные на одно ведущее (первичное) нарушение, однако применение этих программ в работе с детьми, имеющими сочетание нескольких первичных нарушений, не обеспечивает в полной мере эффективность коррекционного воздействия;

специалисты и педагоги зачастую профессионально и психологически не готовы осуществлять действенную помощь детям с тяжелыми множественными нарушениями развития.

Для эффективной помощи детям с ТМНР необходим комплексный подход к обучению и сопровождению данной категории детей; систематическая длительная коррекционная работа, организованная на всех возрастных этапах усилиями разных специалистов; скоординированное взаимодействие специалистов разных ведомств и служб: здравоохранения, образования и социального обеспечения, обеспечение специальных (коррекционных) образовательных организаций методическими материалами, посвященными специфике организации обучения детей с ТМНР.

Итогом образования детей с тяжёлыми и множественными нарушениями развития является обеспечение доступности образования вне зависимости от тяжести нарушений развития, вида образовательной организации и места проживания; создание образовательной среды в соответствии с возможностями и потребностями детей; нормализация образа жизни, который является привычным и необходимым для подавляющего большинства людей.

Использованная литература

1. М.В. Жигорева, И.Ю. Левченко. Дети с комплексными нарушениями развития. Диагностика и сопровождение. М.: «Национальный книжный центр», 2015.
2. Герасименко Ю. А. Психолого-педагогическое сопровождение детей со сложной структурой дефекта / Ю. А. Герасименко // Актуальные проблемы психологии личности : сборник научных трудов кафедры психологии образования Института психологии / Урал. гос. пед. ун-т, Ин-т психологии, Каф. психологии образования ; сост. Н. Н. Васягина. — Екатеринбург, 2013. — Вып. 11. — С. 50-53.
3. Одиноква Н.А. К вопросу о проблеме включения детей с комплексными нарушениями в среду здоровых сверстников. // научно-методический электронный журнал «Концепт», 2016г. №58

NUTQ FAOLIYATINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI VA LINGVISTIK ASOSLARI

Qodirova S. - Surxondaryo VXTXQTMOHM “Tillarni o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Yo‘ldosheva M.Sh. - Qumqo‘rg‘on tuman 52-maktab ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

Аннотация: В статье рассматриваются слово и его значение, требования к речи, вербальной и невербальной речи, психологические особенности речевой деятельности и психолингвистические основы.

Abstract: This article discusses the word and its value, speech, its requirements, requirements for speech, verbal and nonverbal speech, psychological features of speech activity and psycholinguistic basis.

Enshteynning “3-jahon urishida qanaqa qurol ishlatilishini bilmadim-u, ammo 4-jahon ushida albatta tayoq toshlardan foydalaniladi” degan fikrlariga qo‘shimcha o‘laroq shunday bir qurol bor-ki, u har davrda va hamma vaqt eng kuchli qurol sifatida ishlatilgan degan fikrni aytmog‘imiz lozim. Insoniyat bu quroldan o‘rni kelsa hujum, o‘rni kelsa himoya siifatida foydalangan. Bu shunday qurolki, masofa tanlamay qay maqsadda qo‘llanilganiga qarab insonni yo undiradi, yo kuydiradi. Taxmin qilganingizdek, yuqoridagi ta’riflar insoniy munosabatlarning asosi hisoblanmish “SO‘Z” haqida bormoqda. Aynan so‘z tushunchasini biz muloqotda “Til, “Nutq” tushunchalarining ma’nodoshlari sifatida qo‘llaymiz, ammo mutaxassislar bu ikki tushuncha bir-biridan farq qilsa-da, bir o‘zak asosida ishlashini rad etishmaydi. Tilni psixologiya fani bilan aloqadorlikda o‘rganish insonlar uchun yangi imkoniyatlar eshigini ochadi. Shu o‘rinda davr nuqtai nazaridan yosh bo‘lgan psixolingvistika fani haqida to‘xtalib o‘tsak.

Psixolingvistika - nutqning hosil bo‘lishi, shuningdek, nutqni idrok etish va shakllantirish jarayonlarini ularning til tizimi bilan o‘zaro bog‘lanishi holatida o‘rganuvchi fan; psixologiya va lingvistikannng sintezidan paydo bo‘lgan. Inson nutqiy faoliyati modelini va psixofiziologik nutqiy shakllanishini ishlab chiqib, ularni psixologik eksperimentlar yo‘li bilan tekshiradi. Tadqiqot manbai bo‘yicha tilshunoslikka yaqin bo‘lgan psixolingvistika o‘z tekshirish usullari bo‘yicha psixologiyaga yaqin turadi. Unda o‘zaro bog‘lanishli eksperiment, "semantik differensial" va boshqa eksperimental usullar qo‘llanadi. Bir qator amaliy masalalar ona tili, ayniqsa, xorijiy tilni o‘rgatish; maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqiy tarbiyasi va logopediya masalalari; miyadagi nutqiy markazlar kasalliklari klinikasi; nutqiy ta’sir ko‘rsatish muammolari (xususan ommaviy axborot vositalari faoliyatida va targ‘ibot ishlarida); sud psixologiyasi va kriminalistika (mas., kishilarni ularning nutq xususiyatiga qarab tanib olish, aniqlash); mashina tarjimasini hamda nutqiy axborotni EHMga kiritish muammolari va boshqani nazariy jihatdan tushuntirish zarurati tufayli o‘tgan asrning 60-yillarida paydo bo‘lgan bo‘lib, amerikalik olimlar tomonidan amaliyotga kiritilgan. O‘zbekistonda ushbu sohada bir qancha ishlar bajarilgan bo‘lsa-da, haqiqiy ma’nodagi psixolingvistik tadqiqotlar endigina boshlanmoqda. Inson hayoti mobaynida, ta’lim jarayonida bilimni faqat bosma manbalardangina emas, balki bevosita o‘quv materialining o‘qituvchi nutqi orqali og‘zaki bayoni orqali ham egallash mumkin. O‘qituvchi muayyan mavzuni tushuntiradi, ma’ruzasini mantiqiy izchillik asosida bayon etadi, ya’ni dalillarni asoslaydi, taqqoslaydi, ular o‘rtasidagi aloqani ma’lum qiladi, umumlashtiradi va xulosalaydi.

Ko‘pincha biz olimlarning fan-texnika taraqqiyotining muhim muammolari haqidagi ma’ruzalariga, turli soha mutaxassislarining chiqishlariga quloq solamiz, teleradio ko‘rsatuvlar hammabop tushunarli bo‘lganligi uchun axborotning ma’lum qismini eshitish orqali qabul qilamiz. Ta’lim muassasasini tugatganimizdan keyin ham

biz bilimning ma'lum hissasini turli soha kishilarining nutqi, hikoyasi va ma'ruzasi orqali egallaymiz.

Notiq yoki o'qituvchi tomonidan berilayotgan bilimdan bor kuch bilan to'la-to'kis foydalanib qolish juda muhim. Xotiramizda eshitganimizning uzoq vaqt saqlanishi uchun nima qilishimiz lozim? Buning uchun notiqning fikrlari oqimini diqqat bilan kuzatish, chalg'imaslik, nimani eshitsak, shuni qabul qilish, boshqacha aytganda, faol tinglovchi bo'lish kerak. Ammo, rad etilmas bir haqiqat ham bor-ki, nutq so'zlovchining mahorati ham ma'lumotni yodda saqlab qolinishida katta rol o'ynaydi. Mahorat bilan tinglashning negizi – bu diqqat. Tinglashda diqqat qilish muvaffaqiyatning muhim vositasidir.

Ba'zi talabalar og'zaki nutqni qanday yozishni bilmay, notiq so'zlarining barchasini qayd etishga harakat qilishadi. So'zma-so'z yozishga urinishning keragi yo'q. O'qituvchining hikoyasini so'zma-so'z yozib borishning imkoni yo'q, chunki og'zaki nutq yozma nutqdan o'zib ketadi. Notiq yoki ma'ruzachining so'zma-so'z nutqini texnik vositalar yordamida yoki stenografik xat orqaligina yozib olish mumkin. Mavjud lingvistik adabiyotlarda notiq, notiqlik, notiqlik san'ati; voiz, voizlik, voizlik san'ati kabi tushuncha va atamalarga duch kelamiz. Xalq orasida esa so'zga chechan, so'zga usta, soz ustasi, so'zamol, so'zamollik, so'zni boplaydi, gapni do'ndiradi, gapga usta, chiroyli gapiradi singari iboralar bor. Keltirilgan so'z va iboralarning barchasi inson nutqi kamolotining darajasini, umumiy, jo'n nutqdan farqlanadigan nutq namunalarini ifoda qiladi. Hamma ham agar u nutqiy nuqson bilan tug'ilmasa(soqov, dudmal bo'lmasa) gapiradi.

Ammo hamma ham bir xilda gapga chechan, o'ta chiroyli gapiruvchi bo'lavermaydi. Nutqiy chechanlik notiqlik alohida qobiliyatdir. Har qanday nutq “notiqlik” namunasi (san'at sifatida) va uning egasi chin ma'noda “notiq” degan gap emas. Notiqlik qadimiy davrdan beri alohida mahorat, san'at sifatida, insondagi maxsus, noyob qobiliyat tarzida talqin etib kelinadi. O'zbek tilshunosligi va san'atshunosligida notiqlik san'ati va uning o'tmishi yetarli ishlangan emas. Nutq madaniyati sohasi va uning maqsadini ommaga yetkazishda o'tmish notiqligining ijobiy tomonlaridan keng foydalanish zarur. Notiqlikning ko'pgina ko'rsatmalari, qoidaviy holatlari, taniqli notiqlarning shaxsiy qobiliyat va faoliyatlari nutq madaniyatini tarbiyalashda yaxshigina namunaviy tashviqot quroli bo'lishi mumkin. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati, umumiy, o'xshash tomonlarga ega. Har ikkala soha til va nutq, inson nutqi bilan aloqadordir. Har ikkalasi kishilar nutqiy faoliyatining foydali, ta'sirchan, o'tkir bo'lishi uchun kurashadi, insonning nutqiy madaniyatini, uning nutqiy hayotini o'stirishga xizmat qiladi. Nutq madaniyati ham, notiqlik ham nutqiy odob, nutqiy go'zallik, nutqiy mantiq qonuniyatlaridan oziqlangan holda ish ko'radi. Ammo shunga qaramasdan nutq madaniyati tushunchasi bilan notiqlik tushunchasi aynan bir narsa emas.

Qadim zamonlardan beri jamoat oldida so'zga chiqib, odamlarga o'z fikrini tushuntirish, ular ongiga ta'sir etib, o'z ortidan ergashtirish, biror narsa, voqea hodisa

haqida gapirganda ishontirish va isbotlab berishga intilish, insonlar orasidan so‘zamol notiqning chiqishiga zarurat tug‘dirgan hamda notqlik san‘atining paydo bo‘lishiga sabab bo‘lgan. Yunonistonda demokratiya tuzumi o‘rnatilishi natijasi o‘laroq, xalq yig‘inlarida, senat kengashlarida, davlat ishlarida, sud ishlarida mamlakatning har bir ozod kishisi erkin nutq so‘zlash huquqiga ega bo‘lgan. Davlat ishlarini boshqarishda qatnashishni istagan, lashkarboshilikni xohlagan har bir kishi uchun chiroyli va ta’sirchan nutq so‘zlash san‘atini egallash majburiy bir ehtiyojga aylangan. Bunday shaxslar xalq yig‘inlariga to‘plangan odamlar oldida nitq so‘zlab yo yutuq, yoxud mag‘lubiyat quchganlar. Ular orasida so‘zga chechanlari keskin dalillar bilan xalqni ishontirib, odob bilan so‘zlagan davlat arboblari xalq nazariga tushib yanada obro‘ orttirganlar, gapni eplab gapira olmaganlari esa xalq nazaridan qolgan. Afında notqlik san‘atining rivoj topishiga sud tartibot qoidalarining ham kuchli ta’siri bo‘lgan. O‘sha davr sud majlislarida sudlanuvchi yoki da’vogar o‘z fikrlarini ishonchli isbotlar asosida gapira olishi lozim bo‘lgan. Notqlik san‘ati borasidagi bebaho manbalardan biri Aristotelning “Ritorika” asaridir. Bu asar uch kitobdan tashkil topgan bo‘lib, asarning birinchi va ikkinchi kitoblari, asosan chiroyli so‘zlash, ishontirish uslublari haqidagi fikr va mulohazalardan iborat bo‘lsa, ikkinchi kitobida nutq mantiqiga juda katta ahamiyat beriladi. Olimning fikricha, notiq tilidagi turli “qorishmalar”, ya’ni so‘zlarning noto‘g‘ri va noo‘rin talaffuz qilinishi, jumalarning mantiqan har xil tuzilishi so‘zlovchining katta xatosidir. Aristotel har bir jumlaning asosiy fikrni ifoda etishga qaratilishi, ravon va tinglovchi tushunadigan darajada sodda bo‘lishini talab etadi. U notiqning hissiyot bilan so‘zlashi mulohaza yuritayotgan fikrning tinglovchi qalbiga tez yetishida muhim omil bo‘lishini alohida uqtiradi. Bundan tashqari, Aristotel notiqning auditoriyani o‘ziga jalb etishi uchun hazil-mutoyiba so‘zlar bilan lirik chekinish qilib, tinglovchilarni hayajonlantira bilishi, agar turli ko‘rgazmali qurollardan foydalansa, har xil epitet, chog‘ishtirish va metaforalarni qo‘llasa, nutqning ta’sirchanligi yanada oshishini, ammo keltirilgan misollar ko‘payib ketib, tinglovchini zeriktirib qo‘ymasligi kerakligini ham ta’kidlagan.

Aristotel notqlik san‘atini egallashni 5 qismga bo‘lib o‘rgatadi:

Materialni kasf etish (har tomonlama tayyorlash).

Materialni joylashtirish shakli (rejasi).

Materialni eslab qolish (o‘zlashtirish).

Materialni so‘z yordamida to‘g‘ri aks ettirish.

Materialni to‘g‘ri talaffuz etish.

Aristotelning fikrlari hozirgi kunda ham o‘z qimmatini saqlab kelmoqda. Mashhur Husayn Voiz Koshifiy nutq odobi haqida mulohaza yuritarkan ekan, talaffuz ravonligi va ohangni ham e’tibordan chetda qoldirmaydi: “Ovozning ingichkaligi badgumonlik, vahmholik dalilidir. Ovozning mo‘tadil(yoqimli) bo‘lishi tadbirkorlik, har ishga yaxshi saranjom bermak nishonasidir. Ovozning dimog‘da chiqishi kibru ahmoqlik va

kamfahmlik alomatidir. Ohistalik birla so‘zlamak xo‘blik (go‘zallik) va yaxshilik nishonasidir. So‘z aytish vaqtida qo‘l tebratmaslik ziyraklik va yaxshilik nishonasidir”. Ulug‘ mutafakkirning “Futuvvatnomai Sultoniy yoxud Javon-mardlik tariqati” asarini mutolaa qilar ekansiz, so‘zning muqaddas bir ne‘mat ekanligi, so‘z inson aql-zakovatining kaliti – inson bilan so‘z bamisoli et bilan tirnoq kabi zikr etiladi: “Agar so‘z senikimi yoki sen so‘z nikimi, deb so‘rasalar, aytgil: men so‘z niki va so‘z menikidir, chunki so‘z insonlik daraxtining mevasidir, daraxtni mevadan, mevani esa daraxtdan ajratib bo‘lmaydi. Agar nuqsonli so‘z qaysidir, deb so‘rasalar, Xudo va rasulning so‘ziga muvofiq kelmaydigan so‘z, deb javob bergil”. Husayn Voiz Koshifiy Alisher Navoiy tomonidan hurmat va ehtirom bilan tilga olingan mashhur notiqlardan biri. Husayn Voiz Koshifiy notiq sifatida o‘sha davrda eng mashhur kishilardan bo‘lishi bilan birga, o‘z davrining zabardast olimi, astronomi, matematigi, shoiri ham matematigi bo‘lib yetishadi. Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash kerak-ki, nutq egasi o‘z tafakkuridagi fikrlarni o‘zgalarga ulashar ekan, albatta o‘zganing qabul qilishini-da nazorat qilib turmog‘i lozim. Albatta, bu jarayonda ma’lumotlar nafaqat insonning tili bilan (verbal), balki, tana tili (noverbal) orqali ham uzatilishini mudom nazorat qilib bormog‘i lozim. **Noverbal nutq turlaridan unumli foydalanish** (imo-ishora, mimika, pantomimika, exologik, ya’ni aks sado, signifikatsiya, daktilogik-barmoq nutqi) ba’zan verbal mulqotdan-da yuqori natija berish ehtimolini rad etmaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O‘qituvchi, 1993. B.15-22.
2. Bekmirzayev N. Notiqlik san‘ati asoslari. –T.: Yangi hayot, 2008. B. 3-15.
3. Elmurodov N. O‘qituvchining nutq madaniyati. O‘quv qo‘llanma.

ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Кулдашева Г.Д. – Тошкент тиббиёт академияси, психология фанлари номзоди

Аннотация. В статье определены высокие критерии усиления чувства патриотизма у молодежи и его конкретные основные психологические направления. Кроме того, даны научно-практические рекомендации по эффективному использованию интерактивных методов в образовательных технологиях в современной инновационной деятельности учителей.

Abstract. The article defines high criteria for enhancing the feeling of patriotism among young people and its specific main psychological directions. In addition, scientific and practical recommendations are given on the effective use of interactive methods in educational technologies in the modern innovative activities of teachers.

Маълумки, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки,

юртимизнинг қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Озод ва обод юртда бахтли яшашимиз учун жон фидо қилган иймонли боболаримиз, Ватанга ўз садоқати ила ўрнак бўларли аждодларимизнинг олиб борган курашлари биз авлодларни мағрур этади ва инсонлар қалбидаги Ватан меҳри олий қадриятлардан бири эканлигини англаб етамиз. Ватан бу – Аллох инояти билан ҳар бир миллат, элатга берилган баҳоси йўқ неъмат бўлиб, ундан аъло нарса йўқ. Ватан бу – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир. Жонажон ватанимизга фидойи бўлиб хизмат қилиш узоқ муддатли, узлуксиз давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг доимо хушёр, сергак, маҳоратли, билимли бўлишларини талаб этади. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек: “Билимли авлод буюк келажакнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” [1, б.5].

Тўғри ва мукамал таълим-тарбия олган шахслар ўзларини ҳам, жамиятни ҳам тараққиёт сари етаклайдилар. Бунда таълим-тарбия мукамал бўлмоғи керак. Яхши таълим-тарбия, шубҳасиз, инсонни бахту саодатли қилади, эзгу ва маъқул ишларга ундайди. Ҳар бир инсоннинг қарашларида иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, билимлилик, адолат, ахлоқий поклик, яхши хулқ, маънавий етуклик ғояси, илм-фанга интилиш каби энг олий маънавий ҳаракатларини мужассамлантиради. Илмсизлик эса инсонни жаҳолатга етаклайди. Амир Темур кишилар ҳаётидаги ёмонликнинг шохобчалари таъма, ғазаб ва илмсизлик эканлигини онгли ҳис этади ва ростгўйлик, тўғри сўзликни улуғлайди, ёлғончиликни эса одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди. Амир Темур мамлакатнинг ободонлиги, илм-фаннинг равнақига боғлиқ бўлса, ёшларнинг бахт-саодати ва камолотини унинг билими ва маърифатига боғлиқ деб билади ва ёшларни илм-маърифатга чорлайди. Илмли бўлиш фақат чидам билан қилинган меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлайди. Амир Темурнинг шахси улуғланиб, Соҳибқирон, яъни шоҳларнинг шоҳи, жаҳонгир деб аталган. Унинг ҳаёти ва амалий фаолияти кўп қиррали бўлган. Амир Темур инсондаги асиллик, тозалик, ақл-фаросатлилик, эҳтиёткорлик, зийраклик, меҳрибонлик, хушмуомалилик, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик каби сифатларни қадрлаган. У ватанга хизмат қилишда ҳалоллик, поклик, адолатлилик тамойилларига амал қилишга даъват этади. Амир Темур ҳарбийликка олинадиган кишидаги ташкилотчилик, фаоллик, сергаклик, хушёрлик ва тадбиркорликни биринчи ўринга қўйган. “Темур тузуклари” да ҳам: “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минг тадбирсиз лоқайд кишидан афзал”, - дея алоҳида таъкидланган [2, б.11].

Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади баркамол инсонни тарбиялашдир. Чунончи комил инсонлар жамиятдаги илғор қатлам ҳисобланади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади. Ҳаётда эзгулик ҳукмрон бўлиши учун ақл, яхшилик ва адолат хизмат қилиши зарур. Бу борада юртбошимиз томонидан билдирилган фикрнинг маъноси ва таъсири кучлидир.

“Адолат ва маънавият-ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат ҳам бўлмайди” [3, б.432]. Шунга кўра, ёшларнинг ўз ишига масъулиятли, фаол субъект сифатида адолатли ҳукм чиқарувчи ва юксак маънавиятли инсон бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчининг инновация фаолияти орқали мамлакат истиқболлини ўз келажаги билан уйғун кўрадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлган, ижтимоий жараёнларда фаол қатнашадиган эркин фикрловчи ёшлар шахсини шакллантириш энг муҳим масаладир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ҳар томонлама шаклланган интеллектуал кадрларни тайёрлаш, давлат ва жамият тараққиётини янада юксалтириш ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бунинг учун аввало, ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришга имкон берадиган мезонлар: янгилик, юқори натижавийлик, ижодийлик, субъективлик, вариативлик, инновацион йўналганлик, ҳаракат интенсивлиги, акмеологик креативлик, индивидуаллик, умуммаданий шахсий ва касбий маънавий фуқаролик сифатлар, илмий, назарий, психологик етуклик, инновацион компетентлик, коммуникативлик, мустақил эркин ижодий фикр, мосланувчанлик, маҳорат, малака, тажриба, юқори билим, ҳуқуқий қонуний хулқ атворга эга бўлиши керак.

Ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ўқитувчининг инновацион фаолияти ва таълим технологияларига жиддий эътибор берилади. Бунда янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда ўқитувчининг инновацион фаолиятига хос бўлган усуллардан бири - унинг педагогик ижодкорлигини ошириш муҳимдир. Айниқса, таълим жараёнида ўқитувчининг инновацион технологияларни қўллаши, машғулотларнинг қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлайди. Ўқитувчининг инновацион фаолиятида айнан акмеологик ёндашув. Инсоннинг ижодкорлиги, кашфиётга интилиши ҳамда касбий фаолиятининг етуклик поғонаси; креатив ёндашув..индивиднинг янги тушунча яратиши, ноёб фикрлаши янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилиятини билдиради; рефлексив ёндашув эса субъектнинг рухий

туйғу ва хислатларини аниқлаш жараёни сифатида қаралади. Бунда рефлексив саволлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Масалан: мен “Ватан” тушунчаси ҳақида билмоқчиман?

Ватан - арабча сўз бўлиб ўзбек тилида туғилиб ўсган жой, она юрт, онадек танҳо, кўз очиб кўрган дунёмиз, бизни вояга етказган макон, шаҳар, қишлоқ, уй, турар жойи, бошпана, диёрдир.

Ватан - муқаддас қадрият. инсоннинг киндик қони тўкилган жой, манзил, маънавий камолот ва ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир.

Ватан - онанинг алласи таралган, бешигининг излари чизилган замин.

Ватан - биринчи бор баҳорни танитган, илк бор варрак учирган, биринчи марта тонгни кутган жой.

Ватан - инсонни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскан, аجدодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира.

Ватан - ҳар бир инсоннинг бахту камоли, юксак ахлоқи ва чинакам фидойилигидир.

Ватан - одамнинг ғурури, ифтихори, юксак мақсад-муддаолари, тоғдек таянчи.

Ватан - уни қалб, дилдан англамоқ, у билан яшамоқ, уни яшнатмоқ, обод этмоқ учун курашмоқдир. Ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтиришда «*Ғоялар гилдираги*» иш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ҳал этилиши зарур бўлган муаммо ёки масала ёзилади ва уларнинг жавоблари босқима босқич мавжуд ижодий имкониятлардан фойдаланган ҳолда ижобий ҳал этилади. Хулоса шуки, ёшларимизда миллий ғурур негизида ватанга муҳаббат кайфияти пайдо бўлади. Натижада ҳар бир инсон миллати, юрти учун фидойи бўлиб, меҳнат ва ижод қилади ва ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Миллий ғурурли инсонда ватанпарварлик, туйғуси жуда ноёб бўлиб, у виждонли, иймонли, меҳнатни яхши кўрадиган ва ижобий сифатларга эга бўлган инсондагина мавжуд бўлади. Бундай бундай инсонни камолотга етган инсон деб ҳисоблаш мумкин.

Маънавий баркамол инсон ўзининг қилган ишлари, ҳаёт ва турмуш тарзи билан бошқаларнинг ҳавасини уйғотади ҳамда ҳаётда из қолдиради. Энг муҳими, Ўзбекистон тақдири учун масъулият, бурч ҳисси ошади. Бу эса ўз ватанини севиш у билан фахрланиш, унинг бахт-саодати йўлида фаол фаолият кўрсатиш демакдир. Ватанпарварлик инсоннинг энг улуғ, энг олийжаноб ва энг муҳим фазилати, одамийликнинг том маънодаги ифодасидир.

Адабиётлар

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент-2019. 5-бет.

2. Амир Темур ўғитлари Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Тошкент: Наврўз, 1992. Б.11.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу-мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд, Т. Б.432.

TIBBIYOT XODIMLARIDA KASBIY IDENTIFIKATSIYANI SHAKILLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Nurmatov A.N. - Toshkent tibbiyot akademiyasi “Pedagogika va psixologiya” kafedrasida o'qituvchisi

Аннотация: Данная статья посвящена необходимости и проблемам внедрения идентификации в местной среде, акцентируя внимание на существующих проблемах, связанных с развитием идентификации в развитии психологии и повышения квалификации специалистов в Узбекистане, и на стоящих впереди задачах.

Annotation: This article focuses on the need and problems of introducing identification in the local environment, focusing on the existing problems related to the development of identification in the development of psychology and professional development of specialists in Uzbekistan and the challenges ahead.

Ключевые слова: идентификация, мотив, в юридической психологии, профессиональная идентификация, личность, мотивация.

Keywords: Identification, motive, in legal psychology, Professional identification, personality, motivation.

IDENTIFIKATSIYA Identifikatsiya (lot. identificāre - aniqlash) - bu boshqa odamga yoki odamlar guruhiga singib ketishning qisman amalga oshirilgan aqliy jarayoni. Ba'zi hollarda u psixologik himoya mexanizmlariga murojaat qilishi mumkin. Identifikatsiya boshqa odam yoki odamlar guruhiga o'xshab qolish, muhim xususiyatlarni qabul qilish uchun odatiy urinishlar asosida yotadi. Ushbu shaklda u erta bolalikdan beri mavjud bo'lib, asta-sekin murakkabroq, samarali va sub'ektiv ravishda boshqariladigan shakllarga "singib ketish" ibtidoiy istagidan kelib chiqadi. Identifikatsiya boshqa odam yoki odamlar guruhi bilan chuqur hissiy aloqani o'rnatishga, o'zlik hissi, ular bilan birlikni o'rnatishga yordam beradi. Ongli va ongsiz ravishda identifikatsiya qilish "boshqa bironing o'rnida turishga" imkon beradi - suv ostida qolish, boshqa odamning dalasiga, makoniga, sharoitiga etkazish, bu uni chuqur tushunishga yordam beradi.

Kasbiy identifikatsiyaning umumiy identifikatsiyalar tuzilishida tutgan o'rni hali to'liq yoritib berilmagan, lekin fenomen va ijtimoiy identifikatsiya to'zilishi hamda uning aloxida turlari haqidagi ilmiy tasavvurlarning rivojlanganligi kasbiy identifikatsiyani ijtimoiy “Men” tuzilishidagi muhim elementlardan biri sifatida o'rganish imkonini beradi. Mamlakatimizda esa kasbiy identifikatsiya doirasidagi tadqiqotlarning yakuniy

yechimlari anchagina kam sonli tadqiqotlar bilan cheklanayotganligini guvohi bo‘lamiz. Bu boradagi izlanishlar sirasiga hozirgi kunda psixologlardan E.G‘oziyev, F.Akramovalar, sotsial psixologiyasi, psixofiziologiya, psixogigiyena, tibbiy psixologiya, turli sohalarda psixologik xizmat masalalari bo‘yicha, shuningdek, M.Karamyan, D.I.Ilxamova, D.Urazbayeva, F.G‘oziyeva tibbiyot psixologiyasiga doir izlanishlari, kasalliklarning kelib chiqishi, kechishi va davolashda psixologik omillarning o‘rni, bemor psixologik holati va shaxsiy xususiyatlarining kasallik reabilitasiyasidagi roli Z.R.Ibodullayev, M.X.Karamyan, Y.K.Narmetova kabilarning tadqiqotlarida o‘rganilgan. Ushbu tadqiqotlar va yaratilayotgan ilmiy adabiyotlar psixologiya fani o‘zaro aloqalarining dastlabki bosqichi deyish mumkin. Ammo bu holatlar identifikatsiya haqidagi tajribalarini yo‘lga qo‘yish uchun yetarli emas.

Identifikatsiya shunday psixologik hodisaki, bunda suhbatdoshlar bir-birlarini to‘g‘riroq idrok qilish uchun o‘zlarini bir-birlarining o‘rniga qo‘yib ko‘rishga harakat qiladilar. Ya‘ni, o‘zidagi bilimlar, tasavvurlar, hislatlar orqali boshqa birovni tushunishga harakat qilish, o‘zini birov bilan solishtirish (ongli yoki ongsiz) identifikatsiyadir. Masalan, birinchi marta uchrashuvga ketayotgan yigitning ichki holatini uning o‘rtog‘i yoki akasi tushunishi mumkin.

"E'tirof etish" va "identifikatsiya qilish" tushunchalarining umumiy lingvistik va psixologik ildizini ta'kidlab, Erikson identifikatsiya tushunchasini erta identifikatsiyaning oddiy yig'indisigacha qisqartirishni noo'rin deb hisobladi. Eriksonning fikriga ko'ra, identifikatsiya qilish mexanizmining cheklanganligi, bir qatorda qo'yilgan biron bir bolalar identifikatori normal faoliyat ko'rsatadigan shaxsga olib kelmasligi bilan aniq bo'ladi. Shaxsni shakllantirish identifikatsiyadan foydalanishga yaroqsiz bo'lgan joydan boshlanadi. Identifikatsiya "... boshqa bolalarning identifikatsiyasini tanlab rad etish va o'zaro assimilyatsiya qilish va ularni yangi konfiguratsiyaga birlashtirish natijasida o'sib boradi, bu o'z navbatida jamiyat (ko'pincha submulturalar orqali) shaxsni nima bilan identifikatsiya qilish jarayoni bilan belgilanadi. ... u aylanishi kerak

Identifikatsiya – katta yoshdagi odamlar, o‘qituvchilar mahorati, xulq odobi andozasi sifatida yoshlar tomonidan qabul qilinib, unga o‘xshashlikka intilish, taqlid qilish, idealdagi hislatlarni o‘zida shakllantirish.

Identifikatsiya - 1) kimnidir, nimanidir aniqlash 2) o'zingizni boshqa odam, bir guruh odamlar, obraz bilan tanishtirish jarayoni. 3) ma'lum bir stimolni standart bilan yoki xotirada saqlanadigan bilan taqqoslash va ularning o'ziga xosligini va farqini aniqlash operatsiyasi. 4) proektsiya, boshqa odamga ularning xususiyatlarini, motivlarini, fikrlari va hissiyotlarini berish. 5) muhandislik va yuridik psixologiyada - har qanday obyektlarni (shu jumladan odamlarni) tanib olish, aniqlash, ularni ma'lum bir sinfga berish yoki ma'lum belgilar asosida tan olish.

Ijtimoiy identifikatsiya hayotdagi o‘zaro hamkorliklar, ijtimoiy taqqoslashlar va subyekt ijtimoiy qurilishining tayanch tizimi sifatida namoyon bo‘luvchi faol ijtimoiy

ta'limni yo'lga qo'yish natijasida bunyod bo'luvchi dinamik jarayon sifatida yuzaga keladi. Biz ijtimoiy identifikatsiya yagona kognitiv, motivatsion va qadriyatlar tizimini o'z ichiga qamrab olishini kuzatishimiz mumkin. Bu yondashuvga muvofiq kasbiy identifikatsiya faoliyat va u bilan bog'lik bo'lgan o'zaro hamkorlikning individual emotsional bilimlar bilan boyitilishi, faoliyatga yo'nalganlik ta'siri ostida yuzaga keluvchi shaxsning o'zini o'zi anglashi sifatida ko'rib chiqiladi. Bu bilimlarga muvofiq tarzda individ qadriyatlar tizimini, qolaversa, mehnat jamoasiga xos bo'lgan xulqatvor shakllarini va mehnat jamoasining status-rolli, axloqiy, motivatsion ta'sirlariga muvofiq maqsadlarni ham o'zlashtiradi. Kasbiy identifikatsiya ijtimoiy identifikatsiya tuzilishining muhim elementlaridan biri bo'lib, shaxsiy va kasbiy taraqqiyot jarayonida shakllanadi va inson hayotining ko'p jihatlariga o'z ta'sirini o'tkazadi. Yuqoridagilarni hisobga olib, kasbiy identifikatsiyani o'zida kasblar dunyosiga yo'nalganlik va o'zaro ta'sirni ta'minlovchi, kasbiy faoliyatda shaxsning potensialini to'liq amalga oshiruvchi, qolaversa, tanlangan kasbning natijasini hamda taraqqiyot yo'nalishini oldindan ko'ra biluvchi shaxsning kognitiv, motivatsion va axloqiy tavsifnomalarini mujassamlashtirgan integrativ tushuncha deb hisoblasak bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Barotov Sh.R. O'zbekistonda psixologik xizmat asoslari. – Toshkent, -2006. -49 b.
2. Gazieva F.E. Shaxs rehabilitatsiyasining klinik-psixologik xususiyatlari (addiktiv xulqlilar misolida) //Psixolog.fan bo'yicha falsaf doktori (PhD) dissert. avtoref.-Toshkent, 2018.-50 b.
3. Ibodullaev Z.R. Tibbiyot psixologiyasi// Darslik.-Toshkent."Zamin Nashr" nashriyoti.2019.-494 b.

МЕДИАОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ СРЕДСТВА В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ

Поясок Т.Б. - декан факультета права, гуманитарных и социальных наук Кременчугского национального университета имени М. Остроградского, доктор педагогических наук, профессор

Беспарточная Е.И. - кандидат педагогических наук, доцент кафедры психологи, педагогики и философии Кременчугского национального университета имени М. Остроградского

Аннотация: Показана роль медиасредств в повышении эффективности профессиональной подготовки будущих специалистов; рассмотрены дидактические возможности медиатехнологий; выделены психолого-педагогические особенности использования медиа в учебно-воспитательном процессе; акцентировано внимание на перераспределении функций студента и преподавателя в учебном процессе; определены критерии качества электронной обучающей системы; охарактеризованы электронные программы - методические комплексы, информационные методы обучения,

сетевые средства связи в организации дискуссий, электронные средства контроля учебно-познавательной деятельности студентов.

Ключевые слова: образование, медиаобразование, медиасредства, профессиональная подготовка.

Annotation: The role of media in improving the effectiveness of professional training of future specialists is shown; the didactic possibilities of media technologies are considered; the psychological and pedagogical features of the use of media in the educational process are highlighted; attention is focused on the redistribution of the functions of a student and a teacher in the educational process; the criteria for the quality of the e-learning system have been determined; electronic programs-methodical complexes, information teaching methods, network communication means in organizing discussions, electronic means of monitoring students' educational and cognitive activity are characterized.

Key words: education, media education, media, professional training.

Задачей современного образования является овладение будущими специалистами знаниями, умениями и навыками, которые станут основой их творческого развития, непрерывного самообразования и самосовершенствования на протяжении профессиональной деятельности. В условиях быстроменяющегося мира, когда профессионально значимая информация постоянно обновляется, будущий специалист должен владеть умениями и навыками самостоятельной работы, быть информированным относительно электронных медиасредств, достижений мировой науки и практики в своей профессиональной области. Если квалифицированный специалист традиционно продолжает использовать только собственные знания и опыт, игнорируя всемирные информационные интернет-сети и локальные сети предприятий, современные компьютерные системы, то востребованность таких специалистов на рынке труда будет минимальной. С наступлением информационной эпохи становится важным применение современных медиасредств, быстрая доступность к открытой информации, поиск необходимой и достоверной информации в многочисленных медиаисточниках. Поэтому медиа-образование имеет чрезвычайно важное значение для квалифицированной профессиональной подготовки будущих специалистов.

Цель статьи состоит в исследовании возможностей медиатехнологий в организации учебного процесса в высшей школе и их роли в повышении качества обучения студентов.

Чтобы студенты высших учебных заведений научились правильно использовать инновационные технологии, необходимо сформировать у них умение управлять потоками информации, помочь овладеть информационными технологиями и стратегиями их использования [1, с. 236]. Современные

медиа-технологии определяют конкурентоспособность учебного заведения, перспективы развития всех сфер его деятельности, возможность оперативной подачи и обработки необходимой информации.

Важность использования медиасредств специального или общепрофессионального направления для повышения эффективности профессиональной подготовки будущих специалистов определяется следующими факторами [3]:

- вовлечение медиасредств в самостоятельную деятельность студентов позволяет значительно расширить перечень учебных информационных источников;
- современное состояние развития общества, информационный взрыв и сверхбыстрое развитие инновационных технологий в мире требуют от всех членов общества (в том числе и будущих специалистов) совершенных знаний и автоматических навыков использования масмедийных источников как в процессе обучения, так и в дальнейшей профессиональной жизни;
- медиакультура студента повышает качество обучения, поскольку студент становится «открытым» для информации;
- преподаватель может полностью изучить и привлечь медиаинформационные технологии в самостоятельный учебный процесс, а также исследовать и откорректировать степень влияния медиатекстов на успешность профессиональной подготовки;
- медиасредства действуют как фильтр, который отбирает, компонирует и толкует информацию;
- правильное, научно и методически обоснованное использование медиасредств в процессе профессиональной подготовки позволяет предупредить множество проблем.

Анализ научной литературы показал всевозрастающую тенденцию к изучению медиа-технологий. Канадские ученые Г. Брейс, Д. Данкен, Д. Бут разработали основные теоретико-методологические принципы медиаобразования в своей стране [4]. Американская исследовательница Р. Гонс является автором фундаментальных работ по использованию цифровых медиасредств в образовании [5]. Б. Волш создал ряд методик внедрения медиаобразования в образовательный процесс как части учебных дисциплин [6].

В России научной школой под руководством О. Федорова разработана научная база медиапонятий, определены задачи и основные методы медиаобучения [7]. В Украине создан проект Концепции внедрения медиаобразования, в котором обоснованы главные положения, термины,

цель, задачи, принципы и формы медиаобразования, выявлены приоритетные направления развития медиаобразования, а также основные этапы реализации на период 2010-2020 гг [8]..

Современные электронные медиа, объединяя в себе возможности всех существующих до них средств массовой информации и коммуникации, как правило, реализуют целый комплекс функций влияния на аудиторию. С одной стороны, эта многофункциональность действительно открывает широкие возможности для усовершенствования учебно-воспитательного процесса. С другой - требует от педагогов, использующих электронные медиа, тщательной подготовки и четкого понимания целей и задач, касающихся их занятий. Это позволит избежать негативных влияний и девиаций функций медиа. Кроме того, преподавателю необходимо знать, какие возможности предоставляют электронные медиа для учебно-воспитательного процесса и в чем психологические особенности их использования.

В сущности, электронные медиа обеспечивают интерактивность; мультимедийность; моделирование; коммуникативность; продуктивность. Анализ отечественных и зарубежных исследований позволил выделить педагогические особенности использования медиа в учебно- воспитательном процессе:

- существенное повышение степени учета эргономических требований к материалам;
- индивидуализация обучения ;
- повышение познавательной активности студентов.

Электронные медиа выступают как комплексное средство освоения студентом окружающего мира. Такие специфические черты, как мультимедийность, интерактивность, способность к моделированию, коммуникативность и продуктивность в образовательном процессе, получают функциональную нагрузку, позволяют разрабатывать на этой основе медиапродукты учебного назначения, информационные средства обучения.

Для эффективного использования электронных медиа в современных условиях актуальным является умение создавать собственные материалы на основе существующих медиапродуктов учебного назначения, находить точки пересечения учебных и внеучебных информационных потоков, учитывать психолого-педагогические особенности использования медиа в учебно-воспитательном процессе, а именно:

- улучшение восприятия и запоминания материала через создание оптимальных функциональных средств, которые повышают способность мозга к усвоению информации;
- активизация новых возможностей для реализации дидактического принципа наглядности;

- более жесткий учет эргономических требований к учебным материалам;
- ориентир на индивидуализацию обучения в рамках учебно-воспитательного процесса;
- использование воспитательных возможностей медиа;
- формирование у студентов познавательных мотивов.

Учет вышеперечисленных аспектов позволяет оптимально использовать дидактический и воспитательный потенциал электронных медиа. Технические средства предоставляют доступ к самой разнообразной информации. Задача педагога состоит в том, чтобы направить студентов на самостоятельное получение знаний, грамотно, целесообразно, взвешено организовать взаимодействие с медиа, обеспечить реализацию воспитательного и дидактического потенциала используемых средств.

Медиа технологии позволяют организовать получение сведений в разнообразных формах и с различной степенью сложности, с быстрым доступом к необходимому материалу, возможностью многократных повторов, при необходимости, в удобном темпе. Активное привлечение студентов к обучению, наглядность, не всегда достигаемая в естественных или традиционных лабораториях, повышают мотивацию, способствуют лучшему усвоению материала.

